ISSN:2181-0427

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

2020 йил 7 сон

Бош муҳаррир: *Наманган давлат университети ректори С.Т.Тургунов*

Масъул муҳаррир: *Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректор М.Р.Қодирхонов*
Масъул муҳаррир ўринбосари: *Илмий тадқиқот ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиги А.Нурматов*

Т А Ҳ Р И Р Ҳ А Й Ъ А Т И

Физика-математика фанлари: *акад. С.Зайнобиддинов, акад. А.Аъзамов, ф-м.ф.д., проф. Ў.Розиқов, ф-м.ф.д., проф. М.Тўхтасинов, ф-м.ф.д., доц. Б.Саматов.*
Кимё фанлари- *акад.С.Рашидова, акад. А.Тўраев, акад. С.Нигматов, к.ф.д., проф. Ш.Абдуллаев, к.ф.д., проф Т.Азизов.*
Биология фанлари- *акад. К.Тожибоев, акад. Р.Собиров, б.ф.д. А.Баташов.*
Техника фанлари- *т.ф.д., проф. А.Умаров, т.ф.д., проф. С.Юнусов.*
Қишлоқ хўжалиги фанлари – *г.ф.д., доц. Б.Камалов, қ-х.ф.н., доц. А.Қазақов.*
Тарих фанлари – *акад. А.Асқаров, с.ф.д., проф. Т.Файзуллаев, тар.ф.д, проф. А.Расулов, тар.ф.д., проф. У.Абдуллаев.*
Иқтисодиёт фанлари – *и.ф.д., проф.Н.Махмудов, и.ф.д., проф.О.Одилов.*
Фалсафа фанлари – *акад., Ж.Бозорбоев, ф.ф.д., проф. М.Исмоилов, ф.ф.н., О.Маматов, PhD Р.Замилова.*
Филология фанлари – *акад. Н.Каримов, акад. Т.Мирзаев, фил.ф.д., проф. Н.Улуқов, фил.ф.д.,проф. Ҳ.Усманова. фил.ф.д.,проф. Б.Тухлиев.*
География фанлари - *г.ф.д., доц. Б.Камалов, г.ф.д., проф.А.Нигматов.*
Педагогика фанлари- *п.ф.д., проф. У.Иноятов, п.ф.д., проф. Б.Ходжаев, п.ф.д., проф., Л.Муминова, п.ф.д., проф. Н.Эркабоева, п.ф.д., проф.Ш.Хонкелдиев.*
Тиббиёт фанлари – *б.ф.д. Ғ.Абдуллаев, тиб.ф.н., доц. С.Болтабоев.*
Психология фанлари – *п.ф.д.,проф З.Нишанова, п.ф.н., доц. М.Махсудова*
Техник муҳаррир: ***Н.Юсупов.***

Таҳририят манзили: Наманган шаҳри, Уйчи кўчаси, 316-уй.
Тел: (0369)227-01-44, 227-06-12 ***Факс:*** (0369)227-07-61 ***e- mail*:** *ilmiy@inbox.uz*

Ушбу журнал 2019 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси Раёсати қарори билан физика-математика, кимё, биология, фалсафа, филология ва педагогика фанлари бўйича Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

"НамДУ илмий ахборотномаси–Научный вестник НамГУ" журнали Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг 17.05.2016 йилдаги 08-0075 рақамли гувоҳномасига биноан чоп этилади. НамДУ Илмий-техникавий Кенгашининг 11.07.2020 йилдаги кенгайтирилган йиғилишида муҳокама қилиниб, илмий тўплам сифатида чоп этишга рухсат этилган (Баённома № 7). Мақолаларнинг илмий савияси ва келтирилган маълумотлар учун муаллифлар жавобгар ҳисобланади.

© НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ-2020

01.00.00 ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

DIFFERENSIAL TENGLAMALARINI YECHISHDA MAPLE DASTURIDAN FOYDALANISH.

Umronov Eldorbek Sodirovich
Farg'ona politexnika instituti
"Oliy matematika" kafedrasi assistenti,
Telefon: +998 (93) 457 19 90
umronoveldor@gmail.com

Annotatsiya: *Ushbu maqolada bir necha turdagi differensial tenglamalarni Maple dasturi yordamida hisoblash usullari ko`rib chiqilgan. Oddiy differensial tenglamalar, differensial tenglamada Koshi shartlari, yuqori tartibli differensial tenglamalar va differensial tenglamalar sistemasini hisoblash tartibi va dasturlari keltirilgan.*

Kalit so'zlar: *Differensial tenglama, Oddiy differensial tenglama, Differensial tenglamalar sistemasi, Maple dasturi*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ MAPLE ДЛЯ РЕШЕНИЯ ДИФФЕРЕНЦИАЛЬНЫХ УРАВНЕНИЙ

Умронов Эльдорбек Содирович
Ферганский политехнический институт
Ассистент кафедры "Высшая математика",
Телефон: +998 (93) 457 19 90
umronoveldor@gmail.com

Аннотация: *В этой статье рассматривается решение нескольких дифференциальных уравнений с помощью программного обеспечения Maple. Приведено решение дифференциальных уравнений первого и высших порядков, задачи Коши, система дифференциальных уравнений. Приведены программы для решения на программном обеспечении Maple*

Ключевые слова: *Дифференциальное уравнение, простое дифференциальное уравнение, система дифференциальных уравнений, программа Maple*

USING MAPLE TO SOLVE DIFFERENTIAL EQUATIONS

Umronov Eldorbek Sodirovich
Fergana Polytechnic Institute
Assistant of the department "Higher Mathematics",
Phone: +998 (93) 457 19 90
umronoveldor@gmail.com

Annotation: *This article discusses the solution of several differential equations using Maple software. The solution of differential equations of the first and higher orders, the Koshi problem, a system ofdifferential equations. The software solution are given for Maple software*

Key word: *Differential Equation, Simple Differential Equation, System of Differential Equations, Maple Program*

Ma'lumki differensial tenglamalarni yechish uchun bir qancha usullar qo'llaniladi. Bugungi kunda unlarni hisoblashning turli metodlari ishlab chiqilgan. Hayotda differensial tenglamalar yechimlaridan har bir jabhada foydalaniladi.

Ushbu maqolada differensial tenglamalarni Maple dasturi yordamida hisoblash ko'rsatib berilgan.

$$\left(e^x+1\right)e^y y'+e^x\left(1+e^y\right)=0$$

Ko'rinishdagi differensial tenglamani Maple dasturi yordamida hisoblaylik.

```
> restart;
> de:=(e^x+1)*e^y(x)*diff(y(x),x)+e^x*(1+e^y(x));
```

$$de := (e^x+1)\,e^{y(x)}\left(\frac{\partial}{\partial x}y(x)\right)+e^x\,(1+e^{y(x)})$$

```
>
> dsolve(de,y(x));
```

$$y(x) = -\frac{\ln\left(\dfrac{-e^x-1}{-1+e^{(_C1+x)}+e^{-_C1}}\right)+_C1\ln(e)}{\ln(e)}$$

Koshi masalasining yechimini topishni ko'rib chiqaylik:

$$\cos x\sin y dy=\cos y\sin x$$

$$y(\pi)=\pi$$

```
> restart;de:=cos(x)*sin(y(x))*diff(y(x),x)=cos(y(x))*sin(x);
> cond:=y(3)=3;dsolve({de,cond},y(x));
>
```

$$de := \cos(x)\sin(y(x))\left(\frac{\partial}{\partial x}y(x)\right)=\cos(y(x))\sin(x)$$

$$cond := y(3)=3$$

$$y(x)=\arccos(\cos(x))$$

```
> restart;
```

$y''+y=2x$ $\quad y(0)=0,\quad y\left(\dfrac{\pi}{2}\right)=0$ tenglama yechimini chizmada ko'rib chiqaylik:


```
de:=diff(y(x),x$2)+y(x)=2*x;cond:=y(0)=0,y(1.55)=0;dsolve({de,cond},y(x));
```

$$de := \left(\frac{\partial^2}{\partial x^2}y(x)\right)+y(x)=2x$$

$$cond := y(0)=0,\ y(1.55)=0$$

$$y(x) = -\frac{31}{10}\frac{\sin(x)}{\sin\left(\dfrac{31}{20}\right)}+2x$$

```
> y1:=rhs(%):plot(y1,x=-10..20,thickness=2);
```



Differensial tenglamalar sistemasini ko'raylik.

$$\begin{cases} x' = -x + y + z, \\ y' = x - y + z, \\ z' = x + y - z. \end{cases}$$

>restart;sys:=diff(x(t),t)=-x(t)+y(t)+z(t),diff(y(t),t)=x(t)-y(t)+z(t);diff(z(t),t)=x(t)+y(t)-z(t);

$$sys := \frac{\partial}{\partial t}\mathrm{x}(t) = -\mathrm{x}(t) + \mathrm{y}(t) + \mathrm{z}(t), \frac{\partial}{\partial t}\mathrm{y}(t) = \mathrm{x}(t) - \mathrm{y}(t) + \mathrm{z}(t)$$

$$\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) = \mathrm{x}(t) + \mathrm{y}(t) - \mathrm{z}(t)$$

> sol1:=dsolve([sys],[x(t),y(t),z(t)]);

$$sol1 := \left\{ \mathrm{z}(t) = \mathrm{z}(t), \mathrm{y}(t) = \int \left(\int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1 \right) \mathbf{e}^{(-2t)}\, dt + _C2, \mathrm{x}(t) \right.$$

$$= \mathbf{e}^{(-2t)} \int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1\, \mathbf{e}^{(-2t)}$$

$$\left. + \int \left(\int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1 \right) \mathbf{e}^{(-2t)}\, dt + _C2 - \mathrm{z}(t) \right\}$$

> sol2:=dsolve([sys],[y(t),x(t),z(t)]);

$$sol2 := \left\{ \mathrm{z}(t) = \mathrm{z}(t), \mathrm{x}(t) = \int \left(\int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1 \right) \mathbf{e}^{(-2t)}\, dt + _C2, \mathrm{y}(t) \right.$$

$$= \mathbf{e}^{(-2t)} \int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1\, \mathbf{e}^{(-2t)}$$

$$\left. + \int \left(\int \mathbf{e}^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t}\mathrm{z}(t) \right) + 2\,\mathrm{z}(t) \right) dt + _C1 \right) \mathbf{e}^{(-2t)}\, dt + _C2 - \mathrm{z}(t) \right\}$$

> sol3:=dsolve([sys],[z(t),x(t),y(t)]);

$$sol3 := \{ y(t) = y(t),$$

$$z(t) = -e^{(-2t)} \int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) + 2\, y(t) \right) dt + \left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) - _C1\, e^{(-2t)} + y(t),$$

$$x(t) = \left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) + 2\, y(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)} \}$$

```
>> simplify(rhs(sol1[1]));simplify(rhs(sol2[1]));simplify(rhs(sol3[1]));
```

$z(t)$

$z(t)$

$$\left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) + 2\, y(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)}$$

```
> simplify(rhs(sol1[2]));simplify(rhs(sol2[2]));simplify(rhs(sol3[2]));
```

$$e^{(-2t)} \int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1\, e^{(-2t)}$$

$$+ \int \left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)}\, dt + _C2 - z(t)$$

$$e^{(-2t)} \int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1\, e^{(-2t)}$$

$$+ \int \left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)}\, dt + _C2 - z(t)$$

$y(t)$

```
> simplify(rhs(sol1[3]));simplify(rhs(sol2[3]));simplify(rhs(sol3[3]));
```

$$\int \left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)}\, dt + _C2$$

$$\int \left(\int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} z(t) \right) + 2\, z(t) \right) dt + _C1 \right) e^{(-2t)}\, dt + _C2$$

$$-e^{(-2t)} \int e^{(2t)} \left(\left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) + 2\, y(t) \right) dt + \left(\frac{\partial}{\partial t} y(t) \right) - _C1\, e^{(-2t)} + y(t)$$

Differensial tenglamalarning boshlang`ich shartlarni qanoatlantiruvchi yechimini topish.

$$\begin{cases} \dfrac{dy}{dx} = \dfrac{z-1}{z}, \\ \dfrac{dz}{dx} = \dfrac{1}{y-x}, \end{cases} \qquad y(0) = -1,\ z(0) = 1.$$

```
> restart;
```

```
> sys:=diff(y(x),x)=(z(x)-1)/z(x),diff(z(x),x)=1/(y(x)-x),y(0)=-1,z(0)=1;
```

$$sys := \frac{\partial}{\partial x} y(x) = \frac{z(x)-1}{z(x)}, \frac{\partial}{\partial x} z(x) = \frac{1}{y(x)-x}, y(0) = -1, z(0) = 1$$

```
> sol:=dsolve({sys},{y(x),z(x)});
```

$$sol := \{ z(x) = \mathbf{e}^{(-x)}, y(x) = -\frac{1}{\mathbf{e}^{(-x)}} + x \}$$

Natijani tekshirib ko'raylik.


```
> odetest(sol,{sys});
```

$$\{0, y(0)+1, z(0)-1\}$$

```
> restart;with(DEtools):
> de3:=diff(y(x),x$3)-x*abs(diff(y(x),x))+x^2*y(x)=0;
```

$$de3 := \left(\frac{\partial^3}{\partial x^3} y(x)\right) - x\left|\frac{\partial}{\partial x} y(x)\right| + x^2 y(x) = 0$$

```
>DEplot(de3,{y(x)},x=-
4..6,[[y(0)=0,D(y)(0)=1,(D@@2)(y)(0)=1]],stepsize=0.1,linecolor=red,thickness=2);
```



Foydalanilgan adabiyotlar ro'yhati.

1. Письменный Д.Т. Конспект лекций по высшей математике. «Айрис пресс»2006г

2. A.B.Ahmedov, G.Shodmonov, E.E.Esonov, A.A.Abdukarimov, D.I.Shamsiyev, Oliy matematikadan individual topshiriqlar. Toshkent: O'zbekiston ensiklopediyasi, 2014.

3. Sh.R.Xurramov Oliy matematika. Misol va masalalar, nazorat topshiriqlari. 1,2,3-qismlar. -Toshkent: Fan va texnologiyalar, 2015.

4. Claudio Canuto, Anita Tobacco, Mathematical Analysis I, II. Springer-Verlag Italia, Milan 2015, 2010.

5. Gerd Baumann. Mathematik for Engineers I. Munchen. 2010

6. Erwin Kreyszig. Advanced engineering mathematic. USA. 2006.

ОСНОВАТЕЛЬ ПЕРВОГО УЧЕБНИКА ПО АРИФМЕТИКЕ

Ибрагимов Рискинбой
Кандидант физико-математических наук профессор
Наманганский государственный университет

Аннотация: *В статье раскрываются арифметические взгляды великого ученого-энциклопедиста Абу Абдуллаха (Абу Джаъфар) Мухаммада ибн Муса ал-Маджуси ал-Хорезми (763-850). Особое внимание уделено его арифметическому трактату «Книга сложении и вычитании по исчислению индийцев». В статье описывается основателя первого учебника по арифметике.*

Ключевые слова: *Академия, Байт ал-Хикма, арифметика, алгебра, астрономия, география, календарь, сложение, вычитание, алгоритм, десятичная позиционная нумерация, дробь, умножение, деление, квадратные корни.*

FOUNDER OF THE FIRST TEXTBOOK ON ARITHMETICS

Ibragimov Riskinboy
Candidate of mathematical and physical sciences
Namangan State University

Abstract: *The article reveals the arithmetic views of the great scientist-encyclopedist Abu Abdullah (Abu Jafar) Muhammad ibn Musa al-Majusi al-Khwarizmi (763-850). Particular attention is paid to his arithmetic treatise "The Book of Addition, Subtraction by the Calculation of the Indians". This article describes the founder of the first arithmetic textbook*

Keywords: *Academy, Byte al-hikma, arithmetic, algebra, astronomy, geography, calendar, addition, subtraction, algorithm, decimal positional numbering, fraction, multiplication, division, square roots.*

БИРИНЧИ АРИФМЕТИКА КИТОБИНИ АСОСЧИСИ

Ибрагимов Рискинбой
Физика-математика фанлари номзоди профессор .
Машрабаев Ахмадали
Доцент Наманганский государственный университет
Mashrabaev Akhmadali
Docent Namangan state University
Машраббоев Ахмадали
Намангон давлат университети доценти

Аннотация: *Маколада энциклапедист олим Абу Абдуллох (Абу Жафар) Мухаммад ибн Мусо ал-Хоразмий (763-850) нингарифметикага оид карашлари баён етилган. Айникса маколада « Хинд хисоби хакида кискача китоб» асарига катта этъибор берилган.Олимарифметика фанинг асосчиси эканлиги еътироф этилган.*

Калит сузлар: *Академия ,Байтул-Хикмат, арифметика, алгебра, астрономия, география, календар, кушиш,айриш, алгоритм, унлик позицион санок системаси, каср, купайтириш, булиш, квадрат илдиз.*

На территории нашей Родины, начиная с VIII века, развивалась наука. Средняя Азия в то время входила в состав огромной империи арабского халифата.

Первым большим научным центром халифата был Марв и далее Багдад.

В конце VIII и начале IX века в Багдаде были собраны многие ученые, ряд халифов, начиная с ал-Мансура (754-775) и Харун ал-Рашида (786-809), которые содействовали развитию естественных наук, в том числе и математики.

При халифе ал-Мамун и ал-Восика была организована своего рода академия, названная «Байт ал-хикма». При академии имелась хорошо оборудованная обсерватория которой руководил ал-Хорезми. В течении двух столетий Багдадская математическая школа, в которой работал выдающийся ученый энциклопедист-математик, основатель арифметики и алгебры аль-Хорезми, достигла огромных успехов. Основные произведения Евклида, Архимеда, Апполония, Менелая, Феодосия, Герона, Птолемея, Диофанта и других великих ученых были переведены с греческого и сирийского на арабский язык.

Ал-Хорезми работал с видными учеными, как: Ахмад ибн Абдуллах ал-Марвази, Бану Муса, Ахмад ибн Мухаммад ал-Фергани, Халид ибн Абд ал-Малик ал-Марварудий и Аббас ал-Джаухари.

В этой заметке мы коротко остановимся на жизни и деятельности аль-Хоразми.

Работа ал-Хорезми и его соратников была направлена на развитие естественно-научных знаний, познание природы опытным путем.

Эта школа положила начало развитию точных наук в Средней Азии. Благодаря работам ученых, которые начали работу в этой «Академии», точные науки получили развитие дальше. Она постепенно стала развиваться в Бухаре, Хорезме (ныне Ургенч), Газна, Тусе, Райе, Самарканде и в других городах Средней Азии. В этих городах работали и занимались наукой выдающиеся ученые, такие как: Сабита ибн Корру, Абу-л-Вафа, ал-Кухи, ал-Караджи, ал-Фергани, Ибн Сина, Бируни, Умер Хайям, Носироддин ат-Туси и другие.

Конечно было-бы немыслимо, если не назвать и школу Улугбека. В этой школе наряду с Улугбеком работали выдающиеся ученые, такие как: Дшемшид Гиясиддин ал-Каши, Казазаде ар-Румий, ал-Кушчи и другие.

Большинство их работ относятся к математике и астрономии.

Ал-Хорезми ал-Маджуси родился в 783 году в Хорезме. Слово “Маджуси” указывает, что среди его предков были маги. В Хорезме он получил начальное образование, изучил математику, астрономию, арабский язык, религиозные и другие науки. Его талант, как будущего ученого привел в Марв, а затем в Багдад.

Ал-Хорезми был основной фигурой в «академии», которую организовал ал-Мамун. В этой школе хранились в огромном количестве рукописи из Византии и других крупных городов мира. Ал-Хорезми руководил над группой математиков и был директором обсерватории при этой школе. Основные труды ал-Хорезми были написаны в этой школе. Как и все ученые стран ислама, он писал свои произведения на арабском языке, так как в то время все народы, которые подчинялись халифату, немели права писать на своем языке. К сожалению, значительная часть его работ до нас не дошла.

Известны его десять произведений: по арифметике, алгебре, астрономии, географии, календарю и по другим наукам, но и те труды которые мы располагаем достаточно, позволяет говорить о нем как о выдающем ученым мира.

Труды ал-Хорезми оказали огромное влияние на последующее развития математики в мировом масштабе. Эти работы явились средством многочисленных исследований, на эти произведения были написаны много комментарий, по ним учились десятки поколений.

Ал-Хорезми участвовал в экспедиции в Индию, которая была организована халифатом. Он изучил труды индийских математиков, и перевел их с индийского на арабский язык. На основе этих данных он написал книгу, по арифметике которую назвал «Книга сложении и вычитании по исчислению индийцев» (Трактат об индийском счете), а также по алгебре «Ал-китаб ал-мухтасар фи хисоб ал-джабр вал-мукобала» («Краткая книга об исчислении алгебры и алмукабалы»). Если Эвклид дал начало геометрии, то ал-Хорезми увековечил арифметику, а также алгебру. Начиная с XII века, арабские книги перевели на латыни, первая которая называлась «Арифметика», вторая «Алгебра», а сомовой ученого «Алгоритм». Не случайно каждый раздел книги по арифметике, а также по алгебре начинается со словами «Алгоритм говорит…» то есть «ал-Хорезми говорит…».

Следовательно, слово “алгоритм” прозвучало девять веков назад и с того времени началось знакомство Европы с алгоритмом, который является системой вычислений, правила которой действуют по сей день, которые одинаково пригодны и для выполнений упражнений, а также для решения задач в ЭВМ.

В книге по арифметики дана первая система на арабском языке, которая изложена десятичной позиционной нумерацией (т.е. любое число можно описать при помощи 0,1,2,3,4,5,6,7,8,9) и основанных на ней действий. Ал-Хорезми излагал способ исчисления индийцев с помощью девяти цифр (букв) которые позволяют выражать любое число, которое позволяет, выполнить арифметические действия. Благодаря этой книге Европа, а позже и весь мир, перешла на десятичную позиционную нумерацию, сочинение ал-Хорезми по арифметике дошло до нас только в переводе на латинском языке которое называлось “Algoritmi de numero indorum”, которое хранится в библиотеке Кембриджского университета. В книге описаны арифметические действия, дается метод извлечения квадратных корней. Конечно, метод ал-Хорезми вычисления и извлечения квадратного корня сложно, чем ныне существующий метод, так как для извлечения квадратного корня он приводит задачу к уравнению, после чего решает это уравнение.

Курт Фогель отметил: «Историческая роль этого руководства очень велика: оно положило начало распространению принципов десятичной позиционной арифметики, основанной на употреблении цифровых знаков 0, 1, … ,9, сначала в странах ислама, а затем в Западной Европе. Многие поколения авторов арифметических учебников отправлялись от этой книги, отличавшейся высокими методическими достоинствами». [1]

---

[1] **А.Ф. Файзуллаев. Научное творчество Мухаммада ал-Хорезми. Т., «Фан», 1983.**

Некоторые ученые мира сопоставляют ал-Хорезми с Эвклидом.

Благодаря книге ученого, сейчас производятся любые действия по правилам, сформулированным ал-Хорезми.

Сложение и вычитание ал-Хорезми начинает с большого разряда, который используется в настоящее время в начальных классах.

В книге большие числа формулируются при помощи единичных, десятичных, сотенных, тысячных единиц, читалась основа корни любых чисел и другие числа формулируются при помощи единицы. Например, число “1180 703 051 492 863” читается как “тысяча тысяч тысяч тысяч тысяч - пять раз, сто тысяч тысяч тысяч тысяч - четыре раза, восемьдесять тысяч тысяч тысяч тысяч - четыре раза, семьсот тысяч тысяч тысяч - три раза, три тысячи тысяч тысяч - три раза, пятьдесят одна тысяча тысяч – два раза, четыреста тысяч и девяносто две тысячи и восемьсот шестьдесят три”. Такое чтение сохранилась очень долго.

При сложении и вычитании чисел действия выполнялись с права на лево.

Ученый выделял большое значение при выполнениях действий над числами умножения и деления, методом раздвоения и удвоения чисел, которые удвоения есть частный случай умножения, а раздвоения есть деления. Это метод, который давал возможность извлечения квадратного корня.

В то время для обозначения чисел 1-9 использовали буквы арабского алфавита, а также так называемые восточно-арабские цифры (рис. 1).

0	1	2	3	4	5	6	7	8	9
٠	١	٢	٣	٤	٥	٦	٧	٨	٩

(рис. 1)

Ал-Хорезми при приближенное извлечение квадратного корня из неквадратного числа N использует формулу $\sqrt{N} == \sqrt{a^2 + b} \approx a + \frac{b}{2a}$, где $a^2 - N$ наибольший целый квадрат.

В книге действия над дробями, перевод на латыни “fractionts”, на арабском касара- ломать, изложена с помощью долей единицы, а именно, $\frac{1}{2}$=нисф, $\frac{1}{3}$=сулс, $\frac{1}{4}$=рубъ, $\frac{1}{5}$=хумс, $\frac{1}{6}$=судс, $\frac{1}{7}$=субъ, $\frac{1}{8}$=сумн, $\frac{1}{9}$=тусъ, $\frac{1}{10}$=ъушп. Используя эти обозначения, сформулировал простые дроби, к примеру, $\frac{4}{5}$ читалось, как “арбаъ ахмос”. При умножении чисел предлагается, выучить таблицу умножения, особенно до 9 на 9. Все правила поясняются на примерах. Вычисление выполнена, согласно тексту трактата, на посыпанной пылью или песком доске с помощью палочки. Если использовать пергамент, который в то время были редкими и дороговизны, стирание использованных цифр заменили записью всех промежуточных выкладок, включая сдвиг множителя.

Книги об арифметике и алгебре ал-Хорезми являлись учебниками для многих поколений и в настоящее время эти книги, как и геометрия Евклида является «началом» не потратившая своего достоинства.

Великий ученый Востока умер примерно в 850 году.

Литература

Мухаммад ибн Муса ал-Хорезми. Избранные произведения. Издательство “Фан”. Ташкент-1983.

А.П.Юшкевич, “История Математики в Средние века” , Государственное Издательство Физико-математической литературы, Москва 1961

DETERMINATION OF ANISOTROPY OF THIN-LAYER POLYMERIC MATERIALS BY THE POLARIZATION-OPTICAL METHOD

Matyakubov Bekzod Matnazarovich

Military technical institute of the National Guard of the Republic of Uzbekistan

Abstract *In this article of optical anisotropies polymer thin films and nanofibers was investigated using the optical-polarization methods. The mechanical and optical anisotropy of thin-layer polymeric materials based on fibroin silk and cotton pulp is also explained on the basis of several parameters. Several models for upper bounds on the different types of anisotropies are developed and these are compared with results of experiment.*

Keywords: *fibroin, cellulose, electrospinning, nanofiber, nanomaterial, formation, polymer, silk, structure, anisotropy.*

ОПРЕДЕЛЕНИЕ АНИЗОТРОПИИ ТОНКОСЛОЙНЫХ ПОЛИМЕРНЫХ МАТЕРИАЛОВ ПОЛЯРИЗАЦИОННО-ОПТИЧЕСКИМ МЕТОДОМ

Матякубов Бекзод Матназарович

Военно-технический институт Национальной гвардии Республика Узбекистан

Аннотация *В данной статье были исследованы с использованием методов оптической поляризации анизотропия полимерных тонких пленок и нановолокон. Дано объяснения на основе нескольких параметров механическая и оптическая анизотропия тонкослойных полимерных материалов на основе фиброина шелка и хлопковой целлюлозы. Также разработано несколько моделей верхних границ для различных типов анизотропий, которые сравниваются с результатамы эксперимента.*

Ключевые слова: *фиброин, целлюлоза, электроспиннинг, нановолокно, наноматериал, формирования, полимер, шелк, структура, анизотропия.*

ЮПҚА ҚАТЛАМЛИ ПОЛИМЕР МАТЕРИАЛЛАР АНИЗОТРОПИЯСИНИ ПОЛЯРИЗАЦИОН-ОПТИК УСУЛДА АНИҚЛАШ

Матякубов Бекзод Матназарович

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ҳарбий-техник институти

Аннотация *Ушбу мақолада юпқа қатламли полимер материаллар ва нанотоларнинг анизотропияси поляризацион-оптик усули ёрдамида тадқиқ қилинган. Ипак фиброини ва пахта целлюлозаси асосида олинган юпқа қатламли полимер материлларнинг механик ва оптик анизатропияси бир нечта параметрлар асосида тушунтириб берилган. Шунингдек, турли ҳил анизотропик холатлар учун юқори*

чегараланган бир нечта моделлар ишлаб чиқилиб эксперимент натижалари билан таққосланган.

Калит сўзлар: *фиброин, целлюлоза, электроспиннинг, нанотола, наноматериал, шакллантириш, полимер, ипак, тузилиши, анизотропия.*

Introduction

Currently, the improvement of the method of electrospinning of nanofibers at the nanotechnology level of modern materials, primarily nanoporous non-woven materials based on local biopolymers, is a very relevant scientific area of applied research.

However, modern scientific research in this regard is aimed at solving quite specific problems based on the relevance of the problem, in particular, the creation of nanoporous nanofiber nonwoven materials based on local bioactive polymers, for example, chitosan, fibroin, collagen, cellulose, co-acrylonitrile, etc. [1].

Electrospinning is a simple and versatile technique applicable to a wide range of polymers and solvents for the production of materials in nanometer scale.

Fibers with diameters from few tens of nm to few microns can be fabricated by electrospinning, a method based on electrostatic fields applied to a polymer solution [2].

Particular attention in the preparation of nanofibers is given to the choice of solvent for the initial solid polymer. The solvent must satisfy the following basic requirements [3]:

- boiling temperature in the range of 80-200 ^{o}C;
- saturated vapor pressure in the range of 0.35-10 kPa at 20 °C;
- surface tension not higher than 0.05 N / m;
- electrical conductivity in the range of 10^{-6}-10^{-2} S/m;
- relative dielectric constant not more than 100.

The conventional process of fibre spinning is based on the principle of pressure-driven extrusion of a viscous polymer into fibres of diameter ranging from 10 to 500μm^2.

The nano fibrous materials produced by electrospinning process exhibit novel and significantly improved physical, chemical and biological properties [4].

Electrospun nanofibres are normally collected as randomly oriented nonwoven mat. These fibres have smaller pores and higher surface area than regular fibres. The pronounced nano and micro structural characteristics of nanofibres enable to develop advanced materials with sophisticated applications.

Electrospinning can produce various novel surfaces with nano-scale fibre diameter and also it is very simple as compared to traditional fibre forming methods. Though electro spun nanofibres are still at the embryonic stage, it has an emerging future in various applications. It is going to bring about hundreds of billions of dollars of market impact on new materials within a decade. Research and development will slowly break down the barriers for use of nanofibres in various fields. Also the advent of electro spinning makes it possible to bring the traditional textile sector to a level of high-technological industry. However, there is a need of intense cooperation between people from various disciplines such as textile technology, chemical technology, biotechnology, polymer science and material science to explore these possibilities [5].

Objects and methods of research

Birefringence is an optical property of a material having a refractive index that

depends on the polarization and propagation of the direction of light. These optically anisotropic materials are called birefringent. Birefringence is often quantified as the maximum difference between the refractive indices exhibited by the material. Crystals with non-cubic crystalline structures, often birefringent, as well as plastics under mechanical stress. Birefringence is responsible for the birefringence phenomenon by which a ray of light, when incident on a birefringent, split polarization material into two beams, taking several different paths [6].

Polarization-optical methods are based on measuring the optical anisotropy of macromolecules in various structural and phase states. For anisotropic materials, the refractive index is dependent on the propagation direction of the light in the material. When the refractive index is different in all directions, $n_x = n_y = n_z$, the material is referred to as biaxial anisotropic.

Thin polymer films often exhibit uniaxial anisotropy, with a different refractive index in the direction perpendicular to the surface of the film $n_x = n_y = n_z$.

The z-direction corresponds with the so-called optical axis, i.e., the axis of symmetry with all perpendicular directions optically equivalent.

The difference between two refractive indices is called optical anisotropy, D_n, also termed birefringence. In this paper, we refer to D_n as to optical anisotropy [7].

Such a set of methods made it possible to simultaneously measure the effective viscosity (η_{ef}) and the orientation factor of macromolecules ($\beta \approx (\Delta n/\Delta n_\infty)^{0,5}$, where Δn is the measured, Δn_∞ is the maximum possible value of the DLP) for various velocity gradients (g) of the longitudinal field and solvent activity ($\boldsymbol{a} \approx \pm Y(M, T, pH)$.

The polarization-optical methods have been successfully used in the work, both independently and in combination with hydrodynamic, rheological, electrical research methods. The experiments were carried out at a wavelength of a monochromatic beam of 560 nm.

The quantities Δn and g are determined using the formulas [8]

$$\Delta n = \lambda \Delta \varphi / 2nd_a$$

$$g = Q/S_\kappa l_\kappa$$

Where $\Delta\varphi$ is the phase difference between the ordinary and extraordinary rays passing through the anisotropic region of the solution with a thickness of d_a; Q - is the second flow rate of the solution passing through the cross section of the capillary (S_k).

On the average degree of development of macromolecules (β) is estimated by the value of the ratio

$$\beta = (\Delta n/\Delta n_\infty)^{1/2}$$

The value of Δn_∞ was calculated by the Peterlin formula [9-10]:

$$\Delta n_\infty = 2\pi(n^2-2)^2(9n)^{-1}(a_1 - a_2)N' .$$

Where n - is the refractive index of the solution; $N' = N_A C/M_o$ - is the number of elementary units in a volume element with a concentration of C (in the case of a solid polymer, instead of C, ρ - is the density of the polymer); $(a_1 - a_2)$ - is the optical anisotropy

of the elementary link.

In these experiments, instead of M_0 and $(a_1 - a_2)$, similar segment indicators in the chain can be used.

For many polymers, the values $(a_1 - a_2)$ were established; however, such information is not available in the literature for fibroin molecules.

It is known that fibroin molecules in a fiber are antiparallel, i.e. are in the β-form and are fixed between themselves by hydrogen bonds, which are destroyed when the fibers dissolve. Macromolecules in solution shave predominant α-spiral conformation [11-12].

However, under the conditions of the longitudinal flow of solutions, the molecular chains unfold and orient themselves along the axis of symmetry of the hydrodynamic cell. In this case, the anisotropic region manifests itself in the form of a thin "cords" or "tapes" [13].

Results and discussion

In this regard, the measurement of $\Delta n_в$was carried out by placing a fiber with a thickness of $d_в$= 0,0036 cm in saline solvents.

As a result of such an experiment, $\Delta n_в$= 8,34*10^{-3}for a solvent of 2,5 MLiCl-DMF and $\Delta n_в$= 8,55*10^{-3}for a solvent of 7,7 MNaCNS-water were determined.

$$(a_1 - a_2) = 9n\Delta n_в M_0/[2\pi\rho N_A(n^2 + 2)^2]$$

where M_0=345 and ρ = 1,33 г/см^{3}were taken from.

Using the values of $\Delta n_в$ and expressions, we calculated the value $(a_1 - a_2)$:

Thus, $(a_1 - a_2)$ = 4,2*10^{-25}см^3 и $(a_1 - a_2)$= 4,4*10^{-25}см^3, respectively, for dimethyl formamide and aqueous saline solvents [14].

Using these values $(a_1 - a_2)$and replacing ρ with C in equation we found the coefficients connecting $\Delta n_\infty$with the concentration of fibroin in solutions: for 2,5 MLiCl - Δn_∞= 6,16*10^{-3}C; for 7,7 MNaCNS -water - Δn_∞= 6,43*10^{-3}C.




Fig. 3. The dependence of the amount of light refraction ($\Delta n/\Delta n_\infty$) on the longitudinal gradient of the field velocity (g):1 - ФБ$_1$; 2 -ХЦ; 3 - ФБ$_2$

Table 3 . Anisotropic properties samples of fibroin silk and cotton cellulose

Indicators	films		fibers
	cotton cellulose	Fibroin silk	Fibroin silk
Optical anisotropy			
Elementary link (a_1 - a_2), 10^{-2}, cm^3	30	64	64
Macromolecular orientation factor, $\Delta n/\Delta n_0$	0,70	0,75	0,85
Mechanical anisotropy			
Tensile strength, MPa:			
longitudinal	126	55	580
transverse	49	17	-
Moisture absorption24 hours, %	45-115	45-70	18-25
heat resistance, ^oC	130	110	150

Obviously, this is due to the fact that fibroin molecules effectively interact with hydrophilic groups with water molecules. In fact, anisotropic properties are characteristic of silk fibers, but they are less pronounced than in fibroin films.This similarity is due to the fact that fibroin forms an orientation structure [15].




Fig. 4. Various kinds of nanomaterials. (A) 0D spheres and clusters. (B) 1D nanofibers, wires, and rods. (C) 2D films, plates, andnetworks. (D) 3D nanomaterials [16].

Thus, orientationally crystallized films of fibroin samples are characterized by optical and mechanical anisotropic properties, pronounced indicators are the anisotropy of absorption, swelling, and moisture sorption, which depend on the crystallinity of the sample [17].

Conclusion

The results revealed that the optical anisotropy of the nanofibers was highly and thin films showed weak anisotropy. These results suggested that the electrospinning conjugated polymer nanofibers had macromolecular chains preferably oriented along the nanofiber axis.

References

[1]. Weitao Zhou, Jianxin He. Preparation of Electrospun Silk Fibroin/Cellulose Acetate Blend Nanofibers and Their Applications to Heavy Metal Ions Adsorption // Fibers and Polymers, 2018. V.2, No. 4. P. 431-437.

[2]. A.A.Kholmuminov, B.M.Matyakubov, T.T.Rakhmonov.,// Optical anisotropic properties of nanofiber polymer materials.,// International Scientific Journal Theoretical & Applied Science// Scopus ASCC: 3100.p-ISSN: 2308-4944 (print), e-ISSN: 2409-0085 (online) Year: 2020 Issue: 02 Volume: 82 pp. 249-253., Philadelphia, USA.

[3]. Kholmuminov A.A., Matyakubov B.M., Nano-Fiber Nonwoven Materials of Polymers with Surface-Active Properties //Journal of Scientific and Engineering Research., Research Article 2019, Vol 6(11): pp. 232-235 ISSN: 2394-2630 CODEN(USA): JSERBR www.jsaer.com.
[4]. Weitao Zhou, Jianxin He. Preparation of Electrospun Silk Fibroin/Cellulose Acetate Blend Nanofibers and Their Applications to Heavy Metal Ions Adsorption // Fibers and Polymers, 2018. V.2, No. 4. P. 431-437.
[5]. A.A. Kholmuminov, Yu.N., Kholmatova T.V. Voronina. Optical Polarization of the Transformation of the Silk Gland Secretion into the Fibroin Fiber of Natural Silk // Biophysics. - Moscow, 2001. V.46. №.1. P.87-91.
[6]. A.A. Kholmuminov, Yu.N., Kholmatova T.V. Voronina // Optical Polarization of the Transformation of the Silk Gland Secretion into the Fibroin Fiber of Natural Silk // Biophysics. - Moscow, 2001. V.46. №.1. P.87-91.
[7]. Beata T. Koziara • Kitty Nijmeijer • Nieck E. Benes // Optical anisotropy, molecular orientations, and internal stresses in thin sulfonated poly(ether ether ketone) films // J Mater Sci (2015) 50:3031–3040 DOI 10.1007/s10853-015-8844-0 Springerlink.com.
[8]. D.Sh.Shakarova., Ch.K. Begimkulova., A.A. Kholmuminov., Surface-Active Properties of Nanofibers on the basis of Fibroin Silk and Copolymer Acrylonitrile// International Journal of Advanced Scientific and Technical Research ISSN 2249-9954// Available online on http://www.rspublication.com/ijst/index.html Issue 8 volume 3 Page 62 May-June 2018
[9]. Peterlin A. Optical effects in flow // Annual Review of Fluid Mech. - 1976. - V.8. - P. 35-55.
[10]. Abbass A. Hashim // Polymer Thin Films // Published by In-The, Olajnica 19/2, 32000 Vukovar, Croatia© 2010 In-the // www.intechweb.orgISBN 978-953-307-059-9.
[11]. Panikkanvalappil R. Sajanlal, Theruvakkattil S. Sreeprasad, Akshaya K. Samal and Thalappil Pradeep // Anisotropic nanomaterials: structure, growth, assembly, and functions // DST Unit of Nanoscience (DST UNS), Department of Chemistry, Indian Institute of Technology // Published: 16 February 2011
[12]. Li D., Wang Y., Xia Y. Electrospinning nanofibers as uniaxially aligned arrays and layer by-layer stacked films // Adv. Mater. 2004. Vol. 16, N 4. P. 361-366.
[13]. Yi Bingcheng, Huihua Yuan, Xianliu Wang, Yanzhong Zhang // Fabrication of high performance silk fibroin fibers: Via stable jet electrospinning for potential use in anisotropic tissue regeneration // Journal of Materials Chemistry B // May 2018 DOI: 10.1039/C8TB00535D.
[14]. C. Kim and K.S. Yang, Electrochemical properties of carbon nanofiber web as an electrode for supercapacitor prepared by electrospinning, Applied Physics Letters. 2003. V. 83. No. 6. P. 1216-1218.
[15]. M. Alessandro, R. D. Ramsier and G. G. Chase. Continuous electrospinning of aligned polymer nanofibers onto a wire drum collector // Nano Letters / 2004. V.4. No.11. P. 2215-2218.
[16]. M. Campoy-Quiles, P. G. Etchegoin,D.C.Bradley// On the optical anisotropy of conjugated polymer thin films // Physical review B72,// 14 July 2005.
[17]. Filatov, Yu.N. (2003). Electroforming of fibrous materials (EPI process) M.: SSC RF NIFHI named after L.Ya. Karpova- 231 p.

БУЗИЛАДИГАН ИККИНЧИ ТУР ГИПЕРБОЛИК ТИПДАГИ ТЕНГЛАМА УЧУН КЎРИНИШИ ЎЗГАРГАН КОШИ МАСАЛАСИ ЕЧИМИНИНГ ЯГОНАЛИГИ ҲАҚИДА

Оқбоев Акмалжон Бахромжонович
Фарғона давлат университети
01.01.02-дифференциал тенгламалар ва математик физика йўналиши докторанти (PhD)
Тел: 99 972-09-30 e-mail: aoqboyev@mail.ru

Аннотация: *Мақолада бузиладиган иккинчи тур гиперболик типдаги тенглама учун кўриниши ўзгарган Коши масаласи ечимининг ягоналиги исботланган. Исботлаш жараёнида қўйилган масалага мос бир жинсли масала ечимини иккинчи тур волтерра типидаги тенглама кўринишга келтирилиб айнан нолга тенг экналиги кўрсатилгин.*

Калит сўзлар: *бузиладиган иккинчи тур гиперболик типдаги тенглама, кўриниши ўзгарган Коши масаласи, ечимнинг ягоналиги*

О ЕДИНСТВЕННОСТИ РЕШЕНИЯ ВИДОИЗМЕНЕННОЙ ЗАДАЧИ КОШИ ДЛЯ ВЫРОЖДАЮЩЕГОСЯ ГИПЕРБОЛИЧЕСКОГО УРАВНЕНИЯ ВТОРОГО РОДА

Окбоев Акмалжон Бахромжонович
Ферганский государственный университет
докторант (PhD) по специальности «01.01.02-дифференциальные уравнения и математическая физика»
Тел: 99 972-09-30 e-mail: aoqboyev@mail.ru

Аннотация: *В статье доказана единственность решения видоизмененной задачи Коши для вырождающегося гиперболического уравнения второго рода. Для этого было показано, что однородная задача, соответствующая рассматриваемой задаче, имеет тривиальное решение, сводя ее к интегральному уравнению Вольтерра второго рода.*

Ключевые слова: *вырожденное уравнение второго рода, видоизмененная задача Коши, единственность решения.*

ABOUT THE UNIQUENESS OF THE SOLUTION OF THE MODIFIED CAUCHY PROBLEM FOR A SECOND KIND DEGENERATED HYPERBOLIC EQUATION

Okboev Akmaljon
Ferghana State University
Doctoral student in the specialty "01.01.02-differential equations and mathematical physics"

Annotation: *In the work the uniqueness of the solution of the modified Cauchy problem was proved for a second kind degenerated hyperbolic equation. For this it was showed that homogeneous problem correponding to considered problem has only trivial solution by reducing it to the second kind Volterra integral equation.*

Key words: *Second kind degenerated equation, modified Cauchy problem, the uniqueness of the solution*

1. Введение. Рассмотрим уравнение

$$L_{\alpha,\lambda}(u)\equiv u_{xx}+yu_{yy}+\alpha u_y-\lambda^2 u=0,\qquad y<0 \tag{1}$$

в конечной односвязной области D, ограниченной характеристиками $AC:x-2\sqrt{-y}=0$, $BC:x+2\sqrt{-y}=1$ и $AB:y=0$ уравнения (1) при $y\le 0$, где λ - действи-тельное или чисто мнимое число, а $\alpha\in R$ причем $\alpha\le 1/2$.

В работе [1] для уравнения (1) сформирована следующая задача и дока-зана существование решение поставленных задачи.

Видоизмененная задача Коши. Найти функцию $u(x,y)\in C(\overline{D})\cap C^2(D)$, удовлетворяющую в области D уравнению (1) и сле-дующим начальным условиям

$$u(x,0)=\tau(x),\ x\in[0,1];\quad \lim_{y\to-0}(-y)^{\alpha}\frac{\partial}{\partial y}\left[u-A_{\alpha}^{-}(\tau,\lambda)\right]=\nu(x),\ x\in(0,1), \tag{2}$$

где $\tau(x)$ и $\nu(x)$ - заданные функции, а $A_{\alpha}^{-}(\tau,\lambda)$ - оператор вида

$$A_{\alpha}^{-}(\tau,\lambda)=\gamma_1\sum_{k=0}^{n}\frac{y^k\,4^k C_n^k}{(1/2+\beta)_k(n+\beta)_k}\int_0^1\Psi_k(\tau,\lambda)\left[z(1-z)\right]^{k+n+\beta-1}\bar{J}_{k+n+\beta-1}(\sigma)dz$$

при $\alpha\ne 0,\alpha\ne -n,\alpha\ne -n+1/2,\ n\in N;$

$$A_{\alpha}^{-}(\tau,\lambda)=\sum_{k=0}^{n+1}\frac{C_{n+1}^k(4y)^k}{k!(-n+1/2)_k}\int_0^1\Psi_k(\tau,\lambda)\left[z(1-z)\right]^k\bar{J}_k(\sigma)dz$$

при $\alpha=-n+1/2,\quad n\in N;$

$$A_{\alpha}^{-}(\tau,\lambda)=\frac{1}{\pi}\sum_{k=0}^{n}\frac{(4y)^k C_{n+1}^k}{(-n)_k(1/2)_k}\int_0^1\Psi_k(\tau,\lambda)\left[z(1-z)\right]^{k-1/2}\bar{J}_{k-1/2}(\sigma)dz+$$

$$+\frac{2(4y)^{n+1}}{\pi(-n)_n(1/2)_{n+1}}\int_0^1\Psi_{n+1}(\tau,\lambda)\left[z(1-z)\right]^{n+1/2}\left\{\ln\left[\sqrt{-y}z(1-z)\right]\bar{J}_{n+1/2}(\sigma)-\right.$$

$$\times\int_0^1\Psi_{n+1}(\tau,\lambda)\left[z(1-z)\right]^{n+1/2}\left\{\ln\left[\sqrt{-y}z(1-z)\right]\bar{J}_{n+1/2}(\sigma)-\right.$$

$$\left.\left.-\sum_{m=1}^{\infty}\frac{(-1)^m(\sigma/2)^{2m}}{m!(n+3/2)_m}\sum_{j=1}^{m}\frac{1}{n+j+1/2}\right\}\right\}dz\ \text{ при }\alpha=-n,n=0,1,2,...,$$

$\beta=\alpha-1/2,\quad (a)_n=\Gamma(a+n)/\Gamma(a)$ - символ Похгаммера; C_n^k - биномиальный коэффициент, $\gamma_1=\Gamma(2\beta)/\Gamma^2(\beta)$, $\Gamma(s)$ - гамма-функция Эйлера; $\Psi_k(\tau,\lambda)=\left(\lambda^2-\partial^2/\partial y^2\right)^k\tau(t)$, $t=x+2\sqrt{-y}(2z-1)$, $\sigma=4\lambda\sqrt{-yz(1-z)}$, $\bar{J}_{\alpha}(z)=\sum_{j=0}^{\infty}[(-1)^j/j!(1+\alpha)_j](z/2)^{2j}$.

В данной статье докажем единственность решения этой задачи.

2. Обозначения и вспомогательные леммы. Имеет место следующее равенство [2]

$$F(a,b;c;1)=\frac{\Gamma(c)\Gamma(c-a-b)}{\Gamma(c-a)\Gamma(c-b)},\qquad c-a-b>0, \tag{3}$$

где $F(a,b;c;x)$ - гипергеометрическая функция Гаусса.

Лемма 1. *Если* $\beta<1/2$, *то уравнение*

$$\frac{\Gamma(1-2\beta)}{\Gamma^2(1-\beta)}x^2\,\bar{I}_{-\beta}\left(\sqrt{x^2+\lambda^2}\right)=1 \tag{4}$$

имеет решение, где λ^2 *-постоянное число,*

$$\bar{I}_{\mu}(x)=\sum_{k=0}^{\infty}\frac{(x/2)^{2k}}{(\mu+1)_k\,k!}. \tag{5}$$

Доказательство. Обозначим левую часть уравнения (4) через $f(x)$. Поскольку функция $y=f(x)$ непрерывна при $x\in[0,+\infty)$ и $f(0)=0$, $\lim\limits_{x\to\infty}f(x)=+\infty$, график функции $f(x)$ пересекается с прямой $y=1$.

Лемма 1 доказано.

Лемма 2. Если $\gamma>-1$, то имеет место неравенство

$$\int_{\xi_0}^{\eta_0}d\xi\int_{\xi}^{\eta_0}(\eta_0-\xi)^{\gamma}(\eta-\xi_0)^{\gamma}\,d\eta\le\frac{(\eta_0-\xi_0)^{2+2\gamma}}{(1+\gamma)^2},\qquad 0\le\xi_0\le\eta_0\le 1. \tag{6}$$

Доказательство. Вычислив интеграла, имеем

$$\int_{\xi_0}^{\eta_0}d\xi\int_{\xi}^{\eta_0}(\eta_0-\xi)^{\gamma}(\eta-\xi_0)^{\gamma}\,d\eta=\frac{(\eta_0-\xi_0)^{2+2\gamma}}{(1+\gamma)^2}-\frac{\Gamma(\gamma+1)\Gamma(\gamma+2)}{\Gamma(2\gamma+2)}\frac{(\eta_0-\xi_0)^{2+2\gamma}}{2+2\gamma}.$$

Так как при $\gamma>-1$. Справедливо неравенства $(\eta_0-\xi_0)^{2+2\gamma}\ge 0$, $\dfrac{\Gamma(\gamma+1)\Gamma(\gamma+2)}{\Gamma(2\gamma+2)}>0$

, то

$$\int_{\xi_0}^{\eta_0}d\xi\int_{\xi}^{\eta_0}(\eta_0-\xi)^{\gamma}(\eta-\xi_0)^{\gamma}\,d\eta\le\frac{(\eta_0-\xi_0)^{2+2\gamma}}{(1+\gamma)^2}.$$

Лемма 2 доказано.

3. Единственность видоизмененная задача Коши. Однородные условия, соответствующим условиям (2), имеют вид

$$u(x,0)=0,\ x\in[0,1]; \tag{7}$$

$$\lim_{y\to-0}(-y)^{\alpha}\frac{\partial}{\partial y}u(x,y)=0,\ x\in(0,1). \tag{8}$$

Из (8) вытекает, что для достаточно малых y имеет место неравенство

$$\left|\frac{\partial}{\partial y}u(x,y)\right|<\varepsilon(-y)^{-\alpha},\ x\in(0,1), \tag{9}$$

где $\varepsilon=const>0$. Принимая во внимания (7), получим

$$\int_y^0 \frac{\partial}{\partial t} u(x,t)\,dt = -u(x,y). \tag{10}$$

Используя неравенство (9), получим

$$\left| \int_y^0 \frac{\partial}{\partial t} u(x,t)\,dt \right| < \left| \varepsilon \int_y^0 (-t)^{-\alpha}\,dt \right| = \frac{\varepsilon}{1-\alpha}(-y)^{1-\alpha}. \tag{11}$$

Из (10) и (11) вытекает, что

$$u(x,y) < \frac{\varepsilon}{1-\alpha}(-y)^{1-\alpha}. \tag{12}$$

Уравнение (1) и однородные условия (7), (8) в характеристических координатах

$$\xi = x - 2\sqrt{-y}, \quad \eta = x + 2\sqrt{-y} \tag{13}$$

имеют вид

$$E_\lambda(U) \equiv U_{\xi\eta} + \frac{\beta}{\eta-\xi}\left(U_\xi - U_\eta\right) - \frac{\lambda^2}{4}U = 0, \tag{14}$$

$$U(\xi,\xi) = 0, \quad \lim_{\eta-\xi\to 0} \frac{(\eta-\xi)^{2\beta}}{4^{\beta-1/2}}\left[U_\xi(\xi,\eta) - U_\eta(\xi,\eta)\right] = 0, \tag{15}$$

где $U(\xi,\eta) = u(x,y)$. *Для* доказательства единственности решения задача {(1), (2)} нужно показать, что задача {(14), (15)} имеет только тривиальное решение. В координатных ξ, η неравенства (9) и (12) при малых $\eta-\xi$, имеют вид

$$U(\xi,\eta) < \frac{2\varepsilon}{4^{1-2\beta}(3-2\beta)}(\eta-\xi)^{1-2\beta}, \quad U_\xi(\xi,\eta) - U_\eta(\xi,\eta) < \varepsilon\, 4^{2\beta}\,(\eta-\xi)^{-2\beta}. \tag{16}$$

В характеристическом треугольнике Δ_0, ограниченном прямыми $\xi = \eta$, $\xi = \xi_0$, $\eta = \eta_0$, рассмотрим функцию

$$R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) = \frac{(\eta-\xi)^{2\beta}}{(\eta-\xi_0)^\beta(\eta_0-\xi)^\beta}\sum_{k=0}^{\infty}\frac{\rho^k}{(k!)^2}F(\beta,\beta+k,1+k;\theta),$$

где $\rho = \gamma^2(\eta_0-\eta)(\xi-\xi_0)$, $\theta = \left[(\eta_0-\eta)(\xi-\xi_0)\right]/\left[(\eta-\xi_0)(\eta_0-\xi)\right]$, $\gamma^2 = \lambda^2 + \delta^2$, δ - решение уравнения (4). *Легко* видеть, что

$$\frac{\partial}{\partial\xi}R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) + \frac{\beta}{\eta-\xi}R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) = 0 \quad \text{при} \quad \eta = \eta_0, \tag{17}$$

$$\frac{\partial}{\partial\eta}R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) - \frac{\beta}{\eta-\xi}R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) = 0 \quad \text{при} \quad \xi = \xi_0, \tag{18}$$

$$R(\xi_0,\eta_0;\xi_0,\eta_0) = 1. \tag{19}$$

В области Δ_0 выполняются следующую оценки:

$$\rho \le \frac{\gamma^2}{4}(\eta_0-\xi_0)^2 < \frac{\gamma^2}{4}, \quad \theta \le 1. \tag{20}$$

Используя (20), оценим функцию $R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0)$ в области Δ_0:

$$\left|R\left(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0\right)\right|\le\frac{\left(\eta-\xi\right)^{2\beta}}{\left(\eta-\xi_0\right)^{\beta}\left(\eta_0-\xi\right)^{\beta}}\sum_{k=0}^{\infty}\frac{\left(\gamma/2\right)^{2k}}{\left(k!\right)^2}F\left(\beta,\beta+k,1+k;1\right).$$

Применяя формулу (3), из последнего неравенство имеем

$$\left|R\left(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0\right)\right|\le\frac{\left(\eta-\xi\right)^{2\beta}}{\left(\eta-\xi_0\right)^{\beta}\left(\eta_0-\xi\right)^{\beta}}\frac{\Gamma\left(1-2\beta\right)}{\Gamma\left(1-\beta\right)\Gamma\left(1-\beta\right)}\sum_{k=0}^{\infty}\frac{\left(\gamma/2\right)^{2k}}{k!\left(1-\beta\right)_k}.$$

Отсюда, используя (5) находим

$$\left|R\left(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0\right)\right|\le\frac{\left(\eta-\xi\right)^{2\beta}}{\left(\eta-\xi_0\right)^{\beta}\left(\eta_0-\xi\right)^{\beta}}\frac{\Gamma\left(1-2\beta\right)}{\Gamma\left(1-\beta\right)\Gamma\left(1-\beta\right)}\bar{I}_{-\beta}\left(\gamma\right). \tag{21}$$

На основании $U\left(\xi,\eta\right)\in C\left(\bar{\Delta}\right)$ и неравенств (16) имеем следующее неравенство

$$U\left(\xi,\eta\right)\le M\left(\eta-\xi\right)^{1-2\beta},\qquad M=const>0. \tag{22}$$

Имеет место тождество:

$$-2UE_{\lambda}^{*}\left(R\right)=\frac{\partial}{\partial\eta}M+\frac{\partial}{\partial\xi}N, \tag{23}$$

где

$$M=\left(\frac{\partial U}{\partial\xi}R-U\frac{\partial R}{\partial\xi}-\frac{2\beta}{\eta-\xi}UR\right),\qquad N=\left(\frac{\partial U}{\partial\eta}R-U\frac{\partial R}{\partial\eta}+\frac{2\beta}{\eta-\xi}UR\right),$$

$$E_{\lambda}^{*}\left(R\right)\equiv R_{\xi\eta}-\frac{\beta}{\eta-\xi}\left(R_{\xi}-R_{\eta}\right)-\frac{2\beta}{\left(\eta-\xi\right)^2}R-\frac{\lambda^2}{4}R.$$

Интегрируем тождество (23) по треугольнику, ограниченному прямыми $\xi=\xi_0$, $\eta=\eta_0$, $\eta-\xi=\varepsilon$, $\varepsilon>0$:

$$-2\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}d\xi\int_{\xi+\varepsilon}^{\eta_0}UE_{\lambda}^{*}\left(R\right)d\eta=\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}d\xi\int_{\xi+\varepsilon}^{\eta_0}\frac{\partial}{\partial\eta}Md\eta+\int_{\xi_0+\varepsilon}^{\eta_0}d\eta\int_{\xi_0}^{\eta-\varepsilon}\frac{\partial}{\partial\xi}Nd\xi. \tag{24}$$

Вычислив внутренние интегралы имеем

$$-2\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}d\xi\int_{\xi+\varepsilon}^{\eta_0}UE_{\lambda}^{*}\left(R\right)d\eta=\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}M\left|_{\eta=\xi+\varepsilon}^{\eta=\eta_0}d\xi+\int_{\xi_0+\varepsilon}^{\eta_0}N\right|_{\xi=\xi_0}^{\xi=\eta-\varepsilon}d\eta.$$

Отсюда, принимая во внимания свойств (17), (18) и (19), получим

$$\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}M\left|_{\eta=\xi+\varepsilon}^{\eta=\eta_0}d\xi=U\left(\eta_0-\varepsilon,\eta_0\right)R\left(\eta_0-\varepsilon,\eta_0;\xi_0,\eta_0\right)-U\left(\xi_0,\eta_0\right)-J_1,\right. \tag{25}$$

$$\int_{\xi_0+\varepsilon}^{\eta_0}N\left|_{\xi=\xi_0}^{\xi=\eta-\varepsilon}d\eta=J_2-U\left(\xi_0,\eta_0\right)+U\left(\xi_0,\xi_0+\varepsilon\right)R\left(\xi_0,\xi_0+\varepsilon;\xi_0,\eta_0\right),\right. \tag{26}$$

где

$$J_1=\int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon}\left(\frac{\partial U}{\partial\xi}R-U\frac{\partial R}{\partial\xi}-\frac{2\beta}{\eta-\xi}UR\right)\Bigg|_{\eta=\xi+\varepsilon}d\xi, \tag{27}$$

$$J_2 = \int_{\xi_0+\varepsilon}^{\eta_0} \left(\frac{\partial U}{\partial \eta} R - U \frac{\partial R}{\partial \eta} + \frac{2\beta}{\eta-\xi} UR \right) \Bigg|_{\xi=\eta-\varepsilon} d\eta . \qquad (28)$$

Теперь, вычисляем $J_2 - J_1$:

$$J_2 - J_1 = \int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon} \left(\frac{\partial U}{\partial \eta} - \frac{\partial U}{\partial \xi} \right) R \Big|_{\eta=\xi+\varepsilon} d\xi + \int_{\xi_0}^{\eta_0-\varepsilon} U \left(\frac{\partial R}{\partial \xi} - \frac{\partial R}{\partial \eta} + \frac{4\beta}{\eta-\xi} R \right) \Bigg|_{\eta=\xi+\varepsilon} d\xi . \qquad (29)$$

Учитывая (16), имеем

$$\lim_{\varepsilon\to 0} \left(\frac{\partial U}{\partial \eta} - \frac{\partial U}{\partial \xi} \right) R \Big|_{\eta=\xi+\varepsilon} = 0, \quad \lim_{\varepsilon\to 0} U \left(\frac{\partial R}{\partial \xi} - \frac{\partial R}{\partial \eta} + \frac{4\beta}{\eta-\xi} R \right) \Bigg|_{\eta=\xi+\varepsilon} = 0. \qquad (30)$$

Принимая во внимание (25)-(30), из формулы (24) в пределе при $\varepsilon \to 0$ получаем

$$U(\xi_0,\eta_0) = \int_{\xi_0}^{\eta_0} d\xi \int_{\xi}^{\eta_0} U(\xi,\eta) E_\lambda^*(R) d\eta .$$

Так как

$$E^*(R) = \delta^2 R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0),$$

то

$$U(\xi_0,\eta_0) = \delta^2 \int_{\xi_0}^{\eta_0} d\xi \int_{\xi}^{\eta_0} R(\xi,\eta;\xi_0,\eta_0) U(\xi,\eta) d\eta .$$

Итерируя это равенство и учитывая (21), (22), получим оценку

$$|U(\xi_0,\eta_0)| < \frac{\delta^2 M\ \Gamma(1-2\beta)}{\Gamma^2(1-\beta)} \bar{I}_{-\beta}(\sqrt{\gamma}) \int_{\xi_0}^{\eta_0} d\xi \int_{\xi}^{\eta_0} (\eta-\xi)(\eta-\xi_0)^{-\beta}(\eta_0-\xi)^{-\beta} d\eta .$$

Из леммы 1 вытекает, что

$$\frac{\Gamma(1-2\beta)}{\Gamma^2(1-\beta)} \delta^2 \bar{I}_{-\beta}(\sqrt{\gamma}) = 1 .$$

Учитывая это и неравенство $\eta-\xi \le \sqrt{(\eta_0-\xi)(\eta-\xi_0)}$, имеем

$$|U(\xi_0,\eta_0)| < M \int_{\xi_0}^{\eta_0} d\xi \int_{\xi}^{\eta_0} (\eta-\xi_0)^{1/2-\beta} (\eta_0-\xi)^{1/2-\beta} d\eta .$$

Отсюда, в силу (6), получим

$$|U(\xi_0,\eta_0)| < \frac{4M}{(3-2\beta)^2} (\eta_0-\xi_0)^{3-2\beta} .$$

Повторяя это рассуждение k раз, получим оценку

$$|U(\xi_0,\eta_0)| < \frac{4^k M}{\left[(3-2\beta)_k\right]^2} (\eta_0-\xi_0)^{1-2\beta+2k} .$$

Из последнего вытекает, что

$$|U(\xi_0,\eta_0)| = 0 .$$

Таким образом, мы доказали следующую теорему.

Теорема. *Видоизмененная задача Коши {(1), (2)} не имеет более одного решения.*

Литература

1. Urinov A.K., Okboev A.B., Modified Cauchy problem for one degenerated hyperbolic equation of the second kind, Ukrains'kyi Matematychnyi Zhurnal, Vol.72, No. 1, 2020, pp. 100-118.

2. Прудников А.П., Брычков Ю.А., Маричев О.И. Интегралы и ряды. Т.3. Специальные функции. Дополнительные главы.-2-е изд.-М.:ФИЗМАТЛИТ, 2003. - 668 с.

02.00.00 **КИМЁ ФАНЛАРИ**
ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
CHEMICAL SCIENCES

УДК 591.1.(575.1)

КОПСИНИН ВА N4-ЙОД МЕТИЛАТ КОПСИНИН АЛКАЛОИДЛАРИНИНГ КИМЁВИЙ СТРУКТУРАСИГА БОҒЛИҚ ВАЗОРЕЛАКСАНТ ТАЪСИРИ

Юнусов Лазизбек Содиқжонович., Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович., Усманов Пулат Бекмуратович[2]., Адизов Шахобиддин Мухаммадович[3]., Халилов Эргаш Халилович., Ахмедов Фазлиддин Юсупович., Муталипов Азизбек Абдуллажон ўғли.
1. Андижон давлат университети
2. УзМУ хузуридаги биофизика ва биокимё интитути
3. ЎзР ФА акад. С. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти

Аннотация. *Тадқиқотда изометрик шароитда Vinca erecta ўсимлиги ер устки қисмидан ажратиб олинган - копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири силлиқ мускул препарати қисқариш фаоллигига кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсири ўрганилган. Тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг вазорелаксант таъсири концентрация ва кимёвий структурасига боғлиқ бўлиб, қон томир силлиқ мускул ҳужайралари плазмолеммасида жойлашган $Ca^{2+}{}_L$–канали блокадаси билан боғлиқлиги аниқланган.*

Калит сўзлар: *алкалоид, копсинин, N4-йод метилат копсинин, қон томир, силлиқ мускул, $Ca^{2+}{}_L$–канали, вазорелаксант.*

ВАЗОРЕЛАКСАНТНОЕ СТРУКТУРНО-ЗАВИСИМОЕ ВЛИЯНИЕ АЛКАЛОИДОВ КОПСИНИНА И N4-ЙОД МЕТИЛАТ КОПСИНИНА

Юнусов Лазизбек Содиқжонович., Зайнабиддинов Анвар Эркинжонович., Усманов Пулат Бекмуратович[2]., Адизов Шахобиддин Мухаммадович[3]., Халилов Эргаш Халилович., Ахмедов Фазлиддин Юсупович., Муталипов Азизбек Абдуллажонович.

Аннотация. *В исследовании изучалось вазорелаксантное влияние, связанное с химическими структурами алкалоидов копсинина и его производного N4-иод метилат копсинина, выделенных из надземных частей растения Vinca erecta на сократительную активность гладкомышечного препарата аорты крысы. В опытах вазорелаксантное влияние копсинина и его производного N4-иод метилат копсинина связано с концентрацией и химической структурой, выявлено зависимость с блокадой $Ca^{2+}{}_L$–каналов в плазмалемме гладкомышечных кровеносных клеток.*

Ключевые слова: *алкалоид, копсинин, N4-иод метилат копсинин, кровеносный сосуд, гладкая мышца, $Ca^{2+}{}_L$–каналов, вазорелаксантный.*

VASORELAXANT STRUCTURALLY DEPENDENT EFFECT OF ALKALOIDS COPSININE AND N4-IODINE COPSININE METHYLATE


Yunusov Lazizbek Sodiqjonovich., Zaynabiddinov Anvar Erkinjonovich., Usmanov Pulat Bekhmuratovich[2]., Adizov Shaxobiddin Mukhammadovich[3]., Khalilov Ergash Khalilovich., Axmedov Fazliddin Yusupovich., Mutalipov Azizbek Abdullajonovich.

Abstract. *In the research it was examined the vasorelaxant effect associated with the chemical structures of the alkaloids - copsinin and its derivative N4-iodine methylate copsinine, isolated from the aerial parts of Vinca erecta plant on the contractile activity of the rat aortic smooth muscle. In the experiments, the vasorelaxant effect of copsinin and its derivative N4-iodine methylate copsinine is associated with the concentration and chemical structure, and a relationship with $Ca^{2+}{}_L$-channel blockade in the plasmalemma of smooth muscle blood cells.*

Keywords: *alkaloids, copsinin, N4-iodine methylate copsinine, blood vessel, smooth muscle, $Ca^{2+}{}_L$-channel, vasorelaxant.*

Кириш. Ҳозирги вақтда ~400 дан ортиқ ўсимликлардан ажратиб олинган алкалоидлар тавсифланган бўлиб, алкалоидларнинг классификацияси, синтез/биотрансформацияси ва кенг спектрдаги фармакологик фаоллиги айрим тадқиқотчилар томонидан батафсил ўрганилган ва ушбу алкалоидларнинг потенциал манбаларидан бири – *Vinca erecta* ўсимлик турлари ҳисобланади [1]. *Vinca erecta* ўсимлик турлари асосан тоғ минтақасида тарқалган турлар бўлиб, икки йиллик ёки кўп йиллик ўтсимон ўсимликлар ҳисобланади. Ҳалқ табобатида *Vinca erecta* ўсимлик турлари тана ҳароратини туширувчи, оғриқ қолдирувчи, шунингдек гастрит, тонзиллитни даволашда, яллиғланишга қарши, қон босмини туширувчи, жигар касалликлари, безгакни даволашда, тетиклаштирувчи сифатида [2] фойдаланилади.

Ушбу тадқиқотнинг мақсади – *Vinca erecta* ўсимлик турларидан ажратиб олинган – копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири силлиқ мускулининг изометрик қисқариш фаоллигига кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсирини таҳлил қилишдан иборат (1–расм).




1–расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг кимёвий структура формуласи [1].

Материал ва методлар. Аорта қон томир препаратини тайёрлаш стандарт услуб ёрдамида амалга оширилди.

Тажрибалар стандарт озуқа ва сув билан таъминланган шароитда боқилган, соғлом оқ, зотсиз каламушларда (150–200 гр.) амалга оширилди. Тажриба ҳайвонлари цервикал дислокация усулида жонсизлантирилгандан кейин, жарроҳлик усулида аорта қон томири ажратиб олинди ва ҳалқасимон сегментлар (*l*=2–4 мм; ё=1–2 мм) шаклида кесилди. Тажрибаларда қуйидаги кимёвий таркибга эга бўлган Кребс–Хензелейт физиологик эритмасидан фойдаланилди (мМ ҳисобида): (мМ): NaCl – 120,4; KCl – 5; $NaHCO_3$ – 15,5; NaH_2PO_4 – 1,2; $MgCl_2$ – 1,2; $CaCl_2$ – 2,5; $C_6H_{12}O_6$ – 11,5 (*pH*=7,4) [3]. Физиологик эритма карбоген (O_2–95% ва CO_2–5%) билан аэрацияланди, ҳарорат доимийлиги (*t*=+37±0,5°C) ультратермостат (U–8; Болгария) ёрдамида таъминланди. Аорта қон томир препаратининг қисқариш фаоллиги изометрик шароитда FT–03 (Grass Instrument Co., АҚШ) куч сенсори, сигнал кучайтиргич қурилма (Grass Instrument, АҚШ) орқали Endim 621.02 самописецида (Чехия) стандарт услуб (механография) ёрдамида қайд қилинди.


Тажрибаларда верапамил гидрохлорид [4,5] («Sigma–Aldrich», Германия), $NaHCO_3$, $CaCl_2$, $MgSO_4$, глюкоза, NaCl, KCl, NaH_2PO_4 (Россия) реактивларидан фойдаланилди. Тажрибаларда ўрганилган алкалоидларнинг $Ca^{2+}{}_L$–каналига таъсири KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси бўйича баҳоланди [6,3]. Тажрибаларда ўрганилган алкалоидларнинг заҳирадан ишга тушувчи Ca^{2+}–канали (SOCC – store–operated Ca^{2+}–channels)/рецепторга боғлиқ функция бажарувчи Ca^{2+}–каналлари (ROCC – receptor–operative Ca^{2+}–channels) фаоллигига таъсири фенилэфрин (1 мкМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи амплитудаси бўйича баҳоланди [7]. Олинган натижалар OriginPro v. 8.5 SR1 (EULA, Northampton, MA 01060–4401, АҚШ) махсус дастур пакети ёрдамида статистик қайта ишланди. Натижалар Лакин Г.Ф. (1990) томонидан келтирилган услублар ёрдамида математик–статистик қайта ишланди [8]. Натижалар *n* марта такрорийликда амалга оширилган тажрибалар натижаларининг *M*±*m* шаклида келтирилган бўлиб, *M* – ўртача арифметик қиймат ва *m* – стандарт хатолик қийматини ифодалайди. Шунингдек, тажриба натижалари гуруҳлар ўртасидаги қийматларнинг статистик ишончлилик даражаси Стьюдент *t*–мезони асосида ҳисобланди ва $p<0,05$, $p<0,01$ қийматларда статистик ишончли деб баҳоланди.

Дастлаб, каламуш аорта препарати 1 гр (9,8~10 мН) кучланиш бериш асосида, ~45–60 минут давомида меъёрий электромеханик фаоллик қайд қилинишга қадар инкубацияланди. Қуйидаги расмда каламуш аортаси препаратларини қисқариш фаоллигини қайд қилиш учун мўлжалланган экспериментал қурилманинг блок–схемаси кўрсатилган (2–расм).



2–расм. Каламуш аорта қон–томир силлиқ мускул препаратининг изометрик шароитда қисқариш фаоллигини қайд қилиш қурилмасининг умумий схематик кўриниши [9]. Бунда, А – тажриба қурилмаси, 5 мл ҳажмга эга бўлган (1) махсус идиш физиологик эритма билан (2) тўлдирилган бўлиб, физиологик эритманинг ҳарорати доимийлиги термостат (3) ёрдамида таъминланади. Шунингдек, эритма 95%–O_2; 5%–CO_2 таркибли газлар аралашмаси билан таъминланган (5) бўлиб, механик фаолликни сезувчи қурилма (4) сигнал кучайтиргич (6) орқали Endim 621.02 қурилмасига (7) уланган. В – алоҳида ажратиб олинган аорта силлиқ мускул препарати (8) ҳаракатланмайдиган илгакка (9) ва иккинчи томонидан эса механотрон илгагига махкамланган (10).

Олинган натижалар ва уларнинг таҳлили. Тажрибаларда копсинин (50–300 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (5–30 мкМ) алкалоидлари каламуш аорта қон томирининг KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган изометрик қисқариш фаоллигига (*in vitro*) сезиларли даражада вазорелаксант таъсирга эгалиги аниқланди. Жумладан, копсинин 50 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 6,1±3,1% га камайтириши ва максимал 300 мкМ концентрацияда 62,2±4,9% га камайтириши аниқланди (n=4–6). Шунингдек, N4-йод метилат копсинин 5 мкМ концентрацияда қисқариш кучини назоратга нисбатан 34,5±4,7% га камайтириши ва максимал 30 мкМ концентрацияда 83,2±3,2% га камайтириши аниқланди. Бунда копсинин ва N4-йод метилат копсинин учун (EC_{50}) қиймати мос равишда – 178,8 мкМ ва 8,7 мкМ га тенглиги аниқланди (3–расм А ва Б).




3-расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг аорта препаратида KCl (50 мМ) ёрдамида юзага келтирилган қисқаришга концентрацияга боғлиқ вазорелаксант таъсири. Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl ёрдамида юзага келтирилган қисқариш кучи 100% деб олинган. Абцисса ўқида – алкалоидларнинг концентрацияси мкМ ифодаланган. Барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи (* – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсирини таъминлашда L-типдаги потенциалга боғлиқ Ca^{2+}–каналларининг иштроки баҳоланди ва бунда 50 мМ KCl билан кальсийсиз муҳитга $CaCl_2$ кумулятив қўшиш орқали чақирилган аорта препартлари қисқаришига уларнинг таъсири ўрганилди. Бу тажрибаларда инкубатция муҳитида $CaCl_2$ (0-2,5 мМ) концентрациясини ошириш L-тип Ca^{2+}–каналлари орқали Ca^{2+} ионларини кириши натижасида аорта қисқариш кучини поғонали кўтарилишига сабаб бўлган (4-расм А). Инкубация муҳитида ўрганилаётган алкалоидларини мавжудлиги $CaCl_2$ ни ортишига жавобан қисқариш кучларини ривожланишини сезиларли камайтирган (4-расм А). Ушбу натижалар ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант таъсири L-тип Ca^{2+}–каналларининг киришини камайиши $[Ca^{2+}]_i$ миқдорини пасайиши ва бу қисқариш фаоллигининг сусайиши билан боғлиқ бўлиши мумкинлигидан далолат беради.

Тажрибада копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсирини таъминланишида L-тип Ca^{2+}–каналлари иштрокини янада ойдинлаштириш мақсадида ушбу каналнинг спесифик блокатори верапамил мавжуд шароитда уларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу тажрибадан маълум бўлдики, верапамил EC_{50} = 0,1 мкМ мавжудлигида уларнинг релаксант таъсири камайганлиги кузатилди. Бунда копсинин (EC_{50}=178,8 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (EC_{50}=8,7

мкМ) қисқариш кучини қўшимча мос равишда – 4,6±3,4% гача (назоратга нисбатан 54,6±4,2%) ва 8,3±3,1% гача сусайтириши (назоратга нисбатан 58,3±4,8%) аниқланди (4–расм Б).




4-расм. Копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсири $[Ca^{2+}]_o$ концентрациясига ва потенциалга-боғлиқ L-тип Ca^{2+}–каналлари ҳолатига боғлиқлиги. А-Кребс эритмаларига $CaCl_2$ ни комулятив қўшиш билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига Копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг таъсири. Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 50 мМ KCl билан чақирилган қисқариш кучи 100 % деб олинган. Абсцисса ўқида - $CaCl_2$ концентрацияси келтирилган. Б – верапамил (0,1 мкМ) мавжуд шароитда 50 мМ KCl ёрдамида чақирилган мускул қисқаришига копсинин ва N4-йод метилат копсининнинг релаксант таъсири (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Олинган натижаларга асосланиб айтиш мумкинки, копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант таъсири асосида L- Ca^{2+}-каналлари блокадаси ётади. Лекин, верапамил мавжуд шароитда ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант таъсирини қисман сақланиб қолиши, L- Ca^{2+}-каналлари блокадаси билан бир қаторда силлиқ мускул ҳужайраларидаги Ca^{2+}-ионлари транспорти камайишида бошқа механизмлар ҳам харакатга келган бўлиши мумкин.


Силлиқ мускул ҳужайраларида Ca^{2+} гомоеостазини бошқарилишида потенциалга боғлиқ Ca^{2+}–каналларидан ташқари рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}–каналлари ҳам мухим роль ўйнайди [6]. Навбатдаги тажрибаларда ўрганилаётган алкалоидларнинг рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}-каналларига таъсир эффектини баҳолаш учун $б_1$–адренорецептор агонисти фенилэфрин (ФЭ) билан чақирилган аорта мускули қисқариши асосан рецептор-бошқарилувчи Ca^{2+}-каналлари орқали кирувчи Ca^{2+}-ионлари билан таъминланади [10].

Бизнинг тажрибаларимизда L-тип Ca^{2+}-канали блокатори-верапамил мавжуд шароитда ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучига алкалоидларнинг таъсири ўрганилди. Ушбу шароитда ФЭ билан чақирилган мускул қисқариши, верапамилсиз шароитга нисбатан назоратдан 13,7±2,8% га камайиши кузатилди. Ушбу шароитда копсинин (200 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) алкалоидлари ФЭ билан чақирилган аорта қисқаришини назоратга нисбатан 77,4±5,1% ва 60,2±4,3% га максимал камайтирди (5-расм А ва Б).



5-расм. Копсинин (А) ва N4-йод метилат копсинин (Б) алкалоидларининг фенилэфрин билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига таъсири. Копсинин ва N4-йод метилат копсининларнинг 1 мкМ ФЭ билан чақирилган каламуш аортаси қисқаришига дозага боғлиқ таъсири. Ординаата ўқида – аорта қисқариш кучи 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 % деб олинган. Абсцисса ўқида – алкалоидлар концентрацияси. (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Ушбу тажрибаларда копсинин ва N4-йод метилат копсининларнинг EC_{50} қийматлари мос равишда 68,1 мкМ ва 33,5 мкМ ни ташкил қилди. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, ўрганилаётган алкалоидларнинг кузатилаётган таъсири рецептор-бошқарилувчи Ca^{2+}-каналлар блокадаси билан юзага келишини таҳмин қилиш мумкин. Рецептор-бошқарилувчи Ca^{2+}-каналларига ўрганилаётган алкалоидларнинг таъсирини қўшимча тасдиғи сифатида б-адренорецепторлар блокатори-фентоламин (ФА) билан ўтказилган тажрибалар орқали изоҳлаш мумкин. Тажрибаларимизда копсинин (200 мкМ) ва N4-йод метилат копсинин (50 мкМ) алкалоидларнинг релаксант таъсири 10 мкМ фентоламин мавжуд шароитда ФЭ қисқариши фентоламинсиз шароитга нисбатан 51,6±5,3 ва 45,4±4,5 га камайиши кузатилди (6-расм).



6-расм. **Копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг релаксант самарасига фентоламиннинг (10 мкМ) таъсири.** Ордината ўқида – аорта қисқариш кучи 1 мкМ ФЭ ёрдамида чақирилган аорта қисқариш кучи 100 % деб олинган. (барча ҳолатларда ишончлийлик кўрсаткичи * – $p<0,05$; ** $p<0,01$; $n=4–6$).

Ушбу олинган натижалар шундан далолат берадики, ўрганилаётган алкалоидларнинг релаксант эффекти рецептор бошқарилувчи Ca^{2+}-каналлар блокадаси билан боғлиқ бўлиши мумкин.

Хулосалар

Алкалоидлар - копсинин ва унинг ҳосиласи N4-йод метилат копсинин релаксант таъсирга эга бўлиб, гиперкалийли эритма ва фенилэфрин билан олдиндан чақирилган каламуш аортаси қисқаришини самарали бўшаштиради.

Адабиёт маълумотлари ва тажриба натижалари таҳлили асосида, *Vinca erecta* ўсимлик турларидан ажратиб олинган – копсинин ва N4-йод метилат копсинин алкалоидларининг каламуш аорта қон томири препаратининг *in vitro* шароитида изометрик қисқариш фаоллигига вазорелаксант таъсири асосан L-тип Ca^{2+}–канали блокадаси билан боғлиқлиқ бўлиши мумкин.

Ўсимликдан олинган копсинин асоси билан метил йодиднинг (CH_3I) ўзаро таъсирлашувидан олинган ҳосиласи N4-йод метилат копсинин релаксант фаоллигини сезиларли даражада ортишига олиб келади.

Ушбу тадқиқот ишида олинган илмий/экспериментал натижалар дитерпеноид алкалоидлар асосида антигипертензив фармакологик препаратларни ишлаб чиқиш учун назарий асос сифатида фойдаланилиши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Adizov Sh.M.,Tashkhodzhaev., Pratik P., Upadhyay P.Kh., Yuldashev M., Mirzaeva M. Alkyl-and Acyl-Derivatives of Copsinine and Pseudocopsinine and Their Criystal Structures // Chemistry of Natural Compounds. – 2018. – V.54. – P.147-152.

2. Sadritdinov F.S., Kurmukov A.G. The Pharmacology of the Plant Alkaloids and Their Use in Medicine // Tashkent – 1980. – P.47.

3. Kim B., Jo C., Choi H.–Y., Lee K. Vasorelaxant and hypotensive effects of cheonwangbosimdan in SD and SHR rats // Hindawi Evidence–Based Complementary and Alternative Medicine. – 2018. – V.2018. – P.1–8.

4. Ozaki H., Ohyama T., Sato K., Karaki H. Ca^{2+}–Dependent and independent mechanisms of sustained contraction in vascular smooth muscle of rat aorta // Japan J. Parmacol. – 1990. – V.52(510). – P.509–512.

5. Martinsen A., Baccelli C., Navarro I., Abad A., Quetin–Leclerc J., Morel N. Vascular activity of a natural diterpene isolated from *Croton zambesicus* and of a structurally similar synthetic trachylobane // Vascular Pharmacology. – 2010. – V.52. – P.63–69.

6. Cherkaoui–Tangi K., Israili Z.H., Lyoussi B. Vasorelaxant effect of essential oil isolated from *Nigella sativa* L. seeds in rat aorta: Proposed mechanism // Pak. J. Pharm. Sci. – 2016. – V.29(1). – P.1–8.

7. Hoe S.–Z., Lee C.–N., Mok S.–L., Kamaruddin M.Y., Lam S.–K. *Gynura procumbens* Merr. decreases blood pressure in rats by vasodilatation via inhibition of calcium channels // Clinics. – 2011. – V.66(1). – P.143–150.

8. Лакин Г.Ф. Биометрия // Москва. – Изд – во «Высшая школа». – 1990. – С.23–284.

9. Vandier C., Le Guennec J.Y., Bedfer G. What are the signaling pathways used by norepinephrine to contract the artery? A demonstration using guinea pig aortic ring segments // Adv. Physiol. Educ. – 2002. – V.26. – P.195–203.

10. Karaki H., Ozaki H., Hori M. et al. Calcium movements, distribution, and functions in smooth muscle // Pharmacological Reviews. – 1997. – V.49(2). – P.158–229.

ОЧИСТКА КЫЗЫЛКУМСКОЙ ЭКСТРАКЦИОННОЙ ФОСФОРНОЙ КИСЛОТЫ И ПОЛУЧЕНИЕ КОНЦЕНТРИРОВАННЫХ МАРОК ФОСФАТОВ АММОНИЯ НА ЕЁ ОСНОВЕ

Каршиев Бегзод Носирович
Базовый докторант
Институт общей и неорганической химии АН Республики Узбекистан
Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
Главный научный сотрудник лаборатории фосфорных удобрений
Институт общей и неорганической химии АН Республики Узбекистан
Намазов Шафоат Саттарович
Заведующий лабораторией фосфорных удобрений
Институт общей и неорганической химии АН Республики Узбекистан
Каймакова Дина Абдурахимовна
Младший научный сотрудник лаборатории фосфорных удобрений
Институт общей и неорганической химии АН Республики Узбекистан
Сайдуллаев Абдухалим Абдусалим угли
Стажёр-исследователь лаборатории фосфорных удобрений
Институт общей и неорганической химии АН Республики Узбекистан

Аннотация. *В работе изучены процессы очистки Кызылкумской экстракционной фосфорной кислоты и получения моно- и диаммонийфосфатов (МАФ и ДАФ). Показано, что при 125 %-ной норме $CaCO_3$ степень удаления сульфатных ионов составляет 85,65%. Образующиеся при этом гипсовый шлам содержит (вес. %): P_2O_5 – 22,12, CaO – 24,21, MgO – 4,69, Fe_2O_3 – 0,27, $A1_2O_3$ – 0,50, SO_3 – 32,01, F – 0,53 и предлагается в качестве*

суперфосфата пролонгированного действия. А при нейтрализации газообразным аммиаком (pH = 4) степень очистки обессульфаченной кислоты от CaO; MgO; Fe_2O_3; Al_2O_3 и F обеспечиваются на 87,69; 48,53; 98,56; 94,46 и 65,13%, соответственно. Благодаря высокой концентрации фосфора (не менее 38% $P_2O_{5общ.}$ и $P_2O_{5общ.}$: $P_2O_{5общ.}$ = 80%) и азота (более 7% N) осадок является самостоятельным азотнофосфорным удобрением – аммофосом. Доаммонизация очищенной суспензии до pH = 5,5 и 8,5 легли в основу получения МАФ и ДАФ марок P_2O_5 : N = 52 : 14 и 48 : 18, соответственно. Ренгенографический анализ показывает, что МАФ состоит из дигидроортофосфата, а ДАФ из гидроортофосфата аммония.

Ключевые слова: *экстракционная фосфорная кислота, кальциевый минерал, обессульфачивание, аммиак, нейтрализация, гипсовый и аммофосный шлам, МАФ и ДАФ, солевой состав.*

ҚИЗИЛҚУМ ЭКСТРАКЦИОН ФОСФОР КИСЛОТАСИНИ ТОЗАЛАШ ВА У АСОСИДА КОНЦЕНТРЛАНГАН МАРКАДАГИ АММОНИЙ ФОСФАТЛАРИНИ ОЛИШ

Каршиев Бегзод Носирович
Таянч докторант
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Сейтназаров Атаназар Рейпназарович
Фосфорли ўғитлар лабораторияси бош илмий ходими
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Намазов Шафоат Саттарович
Фосфорли ўғитлар лабораторияси мудири
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Каймакова Дина Абдурахимовна
Фосфорли ўғитлар лабораторияси кичик илмий ходими
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти
Сайдуллаев Абдухалим Абдусалим уғли
Фосфорли ўғитлар лабораторияси стажёр-тадқиқотчиси
ЎзР ФА Умумий ва ноорганик кимё институти

Аннотация. *Ишда Қизилқум экстракцион фосфор кислотасини тозалаш ва моно- ва диаммонийфосфатлар (МАФ ва ДАФ) олиш жараёнлари ўрганилган. Кўрсатганки, $CaCO_3$ 125 %-ли меъёрида сульфатли ионларни йўқотиш даражаси 85,65% ни ташкил этади. Бунда ҳосил бўлган гипсли шлам таркибида (оғир.%): P_2O_5 – 22,12, CaO – 24,21, MgO – 4,69, Fe_2O_3 – 0,27, $A1_2O_3$ – 0,50, SO_3 – 32,01, F – 0,53 бўлади ва узоқ муддат таъсир этадиган суперфосфат сифатида тавсия этилади. Газсимон аммиак билан нейтраллашда (pH = 4) эса сульфатсизлантирилган кислотанинг CaO; MgO; Fe_2O_3; Al_2O_3 ва F дан тозаланиш даражаси мос равишда 87,69; 48,53; 98,56; 94,46 ва 65,13% га таъминланади. Юқори концентрациядаги фосфор (38% $P_2O_{5умум.}$ ва $P_2O_{5сув.эрув.}$: $P_2O_{5умум.}$ = 80% дан кам эмас) ва азот (7% N дан юқори) эвазига чўкма мустақил равишдаги азотфосфорли ўғит – аммофос ҳисобланади. Тозаланган суспензияни pH = 5,5 ва 8,5 гача аммонийлаштириш мос равишда P_2O_5 : N = 52 : 14 ва 48 : 18 маркалардаги МАФ ва ДАФ олишга асос бўлди.*

Ренгенографик таҳлил кўрсатдики, МАФ дигидроортофосфат, ДАФ эса гидроортофосфатдан ташкил топган.

Калит сўзлар: *экстракцион фосфор кислотаси, кальцийли минерал, сульфатсизлантириш, аммиак, нейтраллаш, гипсли ва аммофосли шлам, МАФ ва ДАФ, тузли таркиб.*

PURIFICATION OF KYZYLKUM WET PROCESS PHOSPHORIC ACID AND CONCENTRATED BRANDS OF MONOAMMONIUM PHOSPHATE BASED ON IT

Karshiev Bekzod Nosirovich
Basic doctoral student
Institute of General and Inorganic Chemistry of Uzbek Academy Science
Seytnazarov Atanazar Reypnazarovich
Main scientific researcher of Phosphate fertilizers laboratory
Institute of General and Inorganic Chemistry of Uzbek Academy Science
Namazov Shafoat Sattarovich
Head of Phosphate fertilizers laboratory
Institute of General and Inorganic Chemistry of Uzbek Academy Science
Kaymakova Dina Abdurahimovna
Junior scientific staff-researcher of Phosphate fertilizers laboratory
Institute of General and Inorganic Chemistry of Uzbek Academy Science
Saydullayev Abduhalim Abdusalim o'g'li
Researcher-trainee of Phosphate fertilizers laboratory
Institute of General and Inorganic Chemistry of Uzbek Academy Science

Annotation. *In this work, the processes of purification of wet process phosphoric acid of Kyzylkum phosphorite and the obtaining of mono- and diammonium phosphates (MAP and DAP) were studied. It was shown that at a 125% norm of $CaCO_3$, the degree of removal of sulfate ions is 85.65%. The resulting gypsum sludge contains (wt.%): P_2O_5 – 22.12, CaO– 24.21, MgO– 4.69, Fe_2O_3– 0.27, $A1_2O_3$– 0,50, SO_3– 32,01, F – 0,53 and is proposed as superphosphate slow release action. When neutralized with gaseous ammonia (pH = 4), the degree of purification of desulfurized acid from CaO; MgO; Fe_2O_3; Al_2O_3 and F are provided at 87.69; 48.53; 98.56; 94.46 and 65.13%, respectively. Due to the high concentration of phosphorus (at least 38% P_2O_{5total} and P_2O_{5total}: P_2O_{5total} = 80%) and nitrogen (more than 7% N), the sediment is an independent nitrogen-phosphorus fertilizer - ammophos. Doammonization of the purified slurry to pH = 5.5 and 8.5 formed the basis for the preparation of MAP and DAP grades P_2O_5: N = 52: 14 and 48: 18, respectively.*

X-ray diffraction analysis shows that MAP consists of dihydroorthophosphate, and DAP consists of ammonium hydroorthophosphate.

Key words: *wet process phosphoric acid, calcium mineral, desulfurization, ammonia, neutralization, gypsum and ammophos sludge, MAP and DAP, salts composition.*

В Узбекистане экстракционную фосфорную кислоту (ЭФК) производит АО «Ammofos-Maxam» путем сернокислотного разложения мытого обожженного

концентрата (марка МОК-26) Центральных Кызылкумов, состава (вес.) 25,77 P_2O_5; 52,70 CaO; CaO : P_2O_5 = 2,05; 1,20 MgO; 0,63 Fe_2O_3; 1,15 Al_2O_3; 2,67 SO_3; 0,04 Cl; 3,60 CO_2; 6,88 нерастворимого остатка. В работах [1-3] найдены оптимальные условия получения ЭФК: концентрация H_2SO_4 – 92-93% H_2SO_4, норма H_2SO_4 – 105% от стехиометрии на разложение CaO в фоссырье, концентрация оборотной ЭФК – 15% P_2O_5, соотношение Ж:Т = 2,9-3,1, температура – 85-90°С, продолжительность – 4-6 в часов и содержание SO_3 в жидкой фазе пульпы 2,5-3,0г/100 $см^3$. В зависимости от химического состава МОК-26 и режима его переработки состав получаемой ЭФК колеблется в пределах, %: P_2O_5 – 17,0-21,5; CaO – 0,4-0,6; MgO – 0,8-1,2; Fe_2O_3 – 0,4-0,6%; Al_2O_3 – 0,02-0,04%; F – 1,0-1,3%; Cl – 0,01-0,015%; SiO_2 – до 1,5; SO_3 – 1,9-3,5%.

Производимая ЭФК в первую очередь служит сырьем для производства аммофоса путем нейтрализации аммиаком (до pH=5,5), упарки аммонизированной пульпы (до 35-40% H_2O), грануляции и сушки готового продукта [4]. Согласно TSh 6.6-09:2008 состав аммофоса первого сорта выглядит следующим образом: 46±1% $P_2O_{5усв.}$, 33-43% $P_2O_{5водн.}$, 11±1% N, 1,0% H_2O, а прочность гранул не менее 3.0 МПа. Однако продукт в воде полностью нерастворим ($P_2O_{5водн.}$: $P_2O_{5общ.}$ менее 80%), что объясняется загрязнением состава ЭФК с различными балластными примесями (Ca, Mg, Fe, Al, F, SO_3 и др.). Чем меньше продукт содержит $P_2O_{5общ.}$, $P_2O_{5усв.}$, $P_2O_{5водн.}$ и N, тем ниже его марка и сортность, т.е. тем ниже его стоимость.

Чтобы получить из ЭФК концентрированных марок фосфатов аммония – моно- и диаммонийфосфатов (МАФ и ДАФ), предназначенных для капельного внесения необходимо провести процесс её очистки от примесей.

Имеются различные методы очистки фосфорнокислых растворов: метод упарки, осаждения с различными щелочными реагентами, очистка органическими растворителями, ионный обмен, сорбционная очистка с применением адсорбентов и перекристаллизация [5].

В нашем случае для очистки ЭФК выбран метод осаждения с применением щелочных реагентов. Поскольку доминирующей примесью в ЭФК являются сульфатные ионы, тогда первой ступенью явилось её обессульфачивание кальциевым минералом.

Для осаждения сульфатных ионов из ЭФК состава (вес.%): P_2O_5 - 16,46; CaO - 0,052; MgO - 1,11; SO_3 - 2,98; Fe_2O_3 - 0,28; Al_2O_3 - 0,42; F - 0,99 в качестве реагентов применили гидроксид кальция (64,5% CaO и 24,98% CO_2) и карбонат кальция (55,72% CaO и 43,78% CO_2) при их нормах 100-150% от стехиометрии для связывания H_2SO_4 в $CaSO_4$. При этом длительность обессульфачивания – 15 минут при 60-65°С. По истечению времени содержимое реактора отстаивалось в течение 30 минут, затем кислоту с осадком разделяли на жидкую и твердую фазы методом фильтрования на воронке Бюхнера, с использованием колбы Бунзена, при разряжении 0,65 мм рт. ст. через фильтровальной бумаги и осадок высушивали при 80°С. Состав исходной и обессульфаченной ЭФК, а также осадка определяли по методикам [6]. Коэффициент осаждения сульфатных ионов рассчитывали по их содержанию в осадке по отношению к содержанию в обессульфаченной кислоте.

Результаты химического анализа показали, что чем больше нормы осадителя, тем выше коэффициент обессульфачивания ЭФК. Однако высокая норма (150%)

приводит к увеличению содержания CaO в кислоте, что за собой влечет необходимости обескальцинации. Было установлено, что для осаждения сульфатного иона из ЭФК оптимальной нормой $Ca(OH)_2$ можно считать 125% от стехиометрии. При этом коэффициент осаждения SO_3 составляет 83,43 и 85,65%, соответственно для $Ca(OH)_2$ и $CaCO_3$. Выбор 125 %-ной нормы вызвано также тем, что при её уменьшении снижается коэффициент осаждения SO_3. В деле очистки фосфорной кислоты от сульфатных ионов дает наибольший эффект дает $CaCO_3$. При этом высушенный гипсовый шлам имеет (вес. %): P_2O_5 – 22,12, CaO – 24,21, MgO – 4,69, Fe_2O_3 – 0,27, $A1_2O_3$ – 0,50, SO_3 – 32,01, F – 0,53. Осадок с таким составом может применится в качестве фосфорного удобрения пролонгированного действия, так как по содержанию фосфора приравниваются суперфосфату. А состав обессульфаченней ЭФК (вес.%): P_2O_5 – 18,42, CaO – 0,87, MgO – 0,93, Fe_2O_3 – 0,32, $A1_2O_3$ – 0,47, SO_3 – 0,53 и F – 1,20.

Для глубокой очистки кислоты, обессульфаченную ЭФК частично нейтрализовали газообразным аммиаком до значений pH = 2,01-4,01. Измерение величины pH исследуемых образцов осуществляли лабораторным иономером И-130М с электродной системой из электродов ЭСЛ 63-07, ЭВЛ-1М3.1 и ТКА-7 с точностью до 0.05 единиц pH. Далее содержимое реактора разделяли на жидкую и твердую фазы по вышеописанной методике. Твердую фазу высушивали при температуре не выше 75°С. Жидкую часть и высушенный твердый осадок подвергли химическому анализу. Содержание компонентов определяли по методикам [6].

В табл. 1 и 2 соответственно приведены составы твердой и жидкой фазы, образующихся при аммонизации обессульфаченной ЭФК в зависимости от значений pH.

Таблица 1

Состав осадков в зависимости от pH аммофосной суспензии

pH пульпы	Содержание компонентов, вес. %								
	$P_2O_{5общ}$	$P_2O_{5водн}$	N	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3	F
2,01	54,45	30,48	4,98	7,56	1,03	4,25	2,54	3,69	3,82
2,23	53,23	31,24	5,23	5,53	1,01	5,98	5,28	2,28	4,68
2,52	48,26	29,51	5,83	3,76	1,44	4,31	5,39	1,45	4,96
2,85	46,56	29,78	5,91	3,42	1,54	3,72	4,74	1,18	4,93
3,01	45,45	30,05	6,18	3,43	1,89	3,38	4,39	1,12	5,08
3,54	40,56	30,61	6,85	3,24	2,09	2,66	3,68	0,86	4,86
4,01	37,63	29,94	7,18	3,88	3,27	2,38	3,37	1,11	5,87

Таблица 2

Состав очищенной аммофосной суспензии в зависимости от pH

pH пульпы	Содержание компонентов, вес. %							
	P_2O_5	N	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3	F
2,01	17,25	5,01	0,48	0,86	0,260	0,430	0,70	1,120
2,23	16,88	5,38	0,43	0,88	0,144	0,321	0,71	1,076
2,52	16,84	6,46	0,40	0,87	0,081	0,180	0,73	0,981
2,85	16,98	7,76	0,36	0,89	0,019	0,100	0,77	0,916
3,01	16,82	7,78	0,32	0,85	0,011	0,082	0,78	0,862
3,54	16,69	7,92	0,25	0,79	0,010	0,052	0,81	0,764
4,01	16,96	8,06	0,09	0,58	0,004	0,031	0,78	0,521

Так как осадки не промывались водой либо другими растворителями, в них присутствуют водорастворимые формы N и P_2O_5 в виде сульфата и фосфатов аммония (табл. 1). А нерастворимый в воде азот находится в виде комплексных солей железа и алюминия. В осадках кальций представлен дикальцийфосфатом. Но главный результат заключается в том, что в осадках фосфор на 56-80% находится в водорастворимой форме по отношению к общему его содержанию. Благодаря высокой концентрации фосфора (37,63-54,45% $P_2O_{5общ.}$) и азота (4,98-7,18% N) осадки являются самостоятельным азотнофосфорным удобрением – аммофосом.

Коэффициент осаждения того или иного компонента рассчитывали по их содержанию в осадке по отношению к содержанию в обессульфаченной кислоте в процентах. В табл. 3 приведены данные по степени осаждения компонентов

Таблица 3

Степень осаждения компонентов из ЭФК в зависимости от pH

pH пульпы	P_2O_5	CaO	MgO	Fe_2O_3	Al_2O_3	SO_3	F
2,01	3,68	16,10	1,44	16,59	6,71	6,03	3,99
2,23	8,60	28,12	3,37	55,72	33,30	8,90	11,68
2,52	14,79	36,27	9,12	76,17	64,47	10,73	23,49
2,85	20,57	47,56	14,06	94,78	81,74	12,59	33,66
3,01	22,51	53,48	19,35	96,56	84,89	13,40	38,89
3,54	25,67	64,55	27,34	97,09	90,92	13,15	47,53
4,01	27,02	87,69	48,53	98,56	94,46	19,26	65,13

Здесь уместно привести результаты определения твердых фаз, образующихся при аммонизации ЭФК из фосфоритов Каратау [7, 8], которая содержит (вес. %): 20,3 P_2O_5; 0,24 CaO; 2,1 SO_3; 1,04 Al_2O_3; 1,02 Fe_2O_3; 2,72 MgO и 1,78 F. Наша ЭФК похожа на эту кислоту. Так вот, при аммонизации ЭФК из фосфоритов Каратау до pH = 2,5 образуются соединения, хорошо растворимые в воде $NH_4H_2PO_4$, $NH_4HSO_4 \cdot NH_4H_2PO_4$, $(NH_4)_2SiF_6$, и цитратнорастворимые комплексные фосфаты железа и алюминия (Fe, Al)$_3NH_4H_8(PO_4)_6 \bullet 6H_2O$, (Fe, Al)$NH_4HPO_4F_2$ и Mg(Fe, Al)$NH_4(HPO_4)_2F_2$. Первый комплекс хорошо кристаллизуется, легко фильтруется и отделяется. Второй аморфен, образует коллоидные неотстаивающиеся и плохо фильтрующиеся осадки. Наименее растворимое соединение Mg(Fe, Al)$NH_4(HPO_4)_2F_2$ образуется в магнийсодержащих кислотах и также хорошо кристаллизуется. При аммонизации до pH = 2,5 выделяются в осадок почти все ионы железа, часть алюминия, магния, фтора.

В интервале pH = 2,5-5,5 образуются соединения, содержащиеся в аммофосе: $NH_4H_2PO_4$; $(NH_4)_2SO_4$; $MgHPO_4$; Mg(Fe, Al) $(NH_4)_2(HPO_4)_2F_3$; $Mg_3(NH_4)_2(HPO_4)_4 \bullet 8H_2O$; $MgNH_4PO_4 \bullet H_2O$; $MgNH_4HFPO_4$; (Fe, Al)$NH_4(HPO_4)_2 \bullet$ $0,5H_2O$; (Fe, Al)$NH_4HPO_4F_2$; SiO_2; $CaHPO_4$; $Ca_5(PO_4)_3OH$. Все фосфаты, содержащиеся в аммофосе, кроме гидроксилапатита, цитратнорастворимы.

Судя по данным таблицы 3 можно говорить, что при аммонизации до pH = 4,0 происходит почти полное выделение кальция и полуторных окислов из растворов фосфатов аммония. При этом магний выпадает почти наполовину, сульфатный ион на ~20%, ионы фтора на ~65%, а потеря P_2O_5 с осадком достигает 27%. Из таблицы видно, что при pH = 4,01 кислота очищается от CaO, MgO, Fe_2O_3, $A1_2O_3$, SO_3 и F на 87,69; 48,53; 98,56; 94,46; 19,26 и 65,13% соответственно. При этом очищенная аммофосная суспензия содержит 16,96% P_2O_5; 8,06% N; 0,09% CaO; 0,58% MgO; 0,004% Fe_2O_3; 0,031% $A1_2O_3$; 0,78% SO_3 и 0,52% F (табл. 2).

Она служила исходным компонентом для получения высокомарочных фосфатов аммония (МАФ и ДАФ).

По действующей технологии производства аммофоса аммонизированная пульпа с содержанием влаги около 60% упаривается в аппаратах поверхностного типа с принудительной циркуляцией до влажности 30-35% и затем подаётся на гранулирование в аппарат БГС. При этом пульпа должна сохранять текучесть и легко перекачиваться насосами.

Поэтому осуществляли упаривание аммонизированной суспензии до остаточной влаги 40% при 85-95°С и атмосферном давлении. На рисунке 1 приведена плотность и вязкость упаренной жидкой фазы из аммофосной пульпы при pH=4,01.




Рис. 1. Плотность и вязкость упаренной до 40% H_2O аммофосной суспензии в зависимости от температуры.

Плотность упаренной аммофосной суснезии устанавливали пикнометрическим методом с точностью измерений 0,05 отн.%, кинематическую вязкость - с помощью стеклянного капиллярного вискозиметра ВПЖ-2 с погрешностью 0,2 отн.%.

Из рисунка видно, что при повышении температуры от 40 до 80°С плотность упаренной пульпы понижается от 1,40 до 1,365 г/см^3, а вязкость – от 80,8 до 48,7 сПз. С повышением температуры плотность пульпы понижается монотонно, однако

вязкость резко возрастает, что можно объяснить переходом комплексных солей из кристаллического в гелеобразное аморфное состояние.

На заключительном этапе была проведена доаммонизация упаренной пульпы до pH = 5,5 и 8,для получения МАФ и ДАФ. Во избежание потери аммиака насыщение проводили при температуре ниже 70°С. Гранулирование готовых пульп осуществляли в процессе сушки методом интенсивного размешивания и окатывания. Сушку ДАФ производили при температуре не выше 60°С, а МАФ – не выше 75°С. Состав удобрений определили по методикам [6]. Прочность их гранул с размерами гранул 2-3 мм измеряли на приборе МИП-10-1 [9].

По требованию ГОСТ 18918-85 МАФ должен содержать не менее 12% N и 52% $P_2O_{5усв.}$, а согласно ТУ 113-08-537-83 ДАФ – не менее 18% N и 48% $P_2O_{5усв.}$.

Результаты испытаний показали, что гранулы удобрений полностью растворяются в воде. МАФ имеет в своём составе (вес. %): P_2O_5 – 51,6; N – 14; SO_3 – 0,98; CaO – 0,5; MgO – 1,74; Fe_2O_3 – 0,04; Al_2O_3 – 0,14; F – не более 1,0 с прочностью гранул 3.25 МПа. Продукт с такими показателями пользуется большим спросом. ДАФ содержит 48% P_2O_5, и 18,7% N, прочность его гранул не менее 2 МПа. В нём 0,44% CaO; 1,7% MgO; 0,04% Fe_2O_3; 0,13% Al_2O_3; 1% SO_3 и не более 1,0% F.

Установлен солевой состав образцов фосфатов аммония. Рентгенографический анализ проводили на дифрактометре XRD-6100 (Shimadzu, пр-во Япония). Применяли CuK_α-излучение (β-фильтр, Ni, режим тока и напряжения трубки 30 mA, 30 kV) и постоянную скорость вращения детектора 4 град/мин, а угол сканирования изменялся от 4 до 80°. При снятии образцов применялась камера с вращением, где скорость вращения равна 30 об/мин. Расшифровка полученных рентгенограмм производилась с использованием база данных International Centre for Diffraction Data [10].

На дифрактограмме образца МАФ (рис. 2) четко проявляются дифракционные максимумы 5,303; 3,739; 3,066; 2,653; 3,368; 2,005; 1,773; 1,675; 1,600; 1,536; 1,471; 1,370; 1,329 А°, которые относятся к дигидроортофосфату аммония. В штрихдиаграмме появление полос 5,563; 5,035; 4,118; 3,41; 3,209А° свидетельствует об образовании в продукте гидрофосфата аммония (диаммонийфосфат).

В отличие от образца МАФ на штрихдиаграмме МАФ мы наблюдаем несколько иную картину (рис. 3). Здесь проявляются полосы гидрофосфата аммония, на что указывают дифракционные максимумы 5,60; 5,341; 5,066; 4,14; 4,01; 3,78; 3,374; 3,226; 3,145; 3,064; 2,81; 2,546; 2,475; 2,304; 2,08; 1,686А°.




Рис. 2. Дифрактограмма образца моноаммонийфосфата.




Рис. 3. Дифрактограмма образца диаммонийфосфата.

Таким образом, фосфор в получаемых продукта – фосфатах аммония находится исключительно в водорастворимой форме. МАФ состоит из $NH_4H_2PO_4$ с некоторым количеством $(NH_4)_2HPO_4$. ДАФ содержит $(NH_4)_2HPO_4$ и частично $(NH_4)_3PO_4$.

Список литературы

1. Волынскова В.Н. Садыков Б.Б., Мирзакулов Х.Ч. Получение экстракционной фосфорной кислоты из мытого обожженного фосфатного концентрата Центральных Кызылкумов. // Химия и химическая технология. – Ташкент, 2008. - №1. – С. 4-7.

2. Волынскова В.Н. Разработка и внедрение технологии производства экстракционной фосфорной кислоты фосфоритов Центральных Кызылкумов: Авторефер. дисс... канд. техн. наук. – Ташкент ИОНХ АН РУз, 2010. - 25с.

3. Намазов Ш.С., Садыков Б.Б., Волынского Н.В., Сейтназаров А.Р., Исаев Р.Д., Беглов Б.М. Экстракционная фосфорная кислота из мытого обожженного фосфоконцентрата Центральных Кызылкумов, содержащего 26% P_2O_5. // Химическая промышленность. - Санкт-Петербурт, 2014. - т.91, №5. – С. 223-236.

4. Дохолова А.И., Кармышев В.Ф., Сидорина Л.В. Производства и применение фосфатов аммония. - М: Химия, 1986. - 256с.

5. Кочетков С.П., Смирнов Н.Н., Ильин А.П. Концентрирование и очистка экстракционной фосфорной кислоты. / ГОУ ВПО Ивановский гос.хим.-техн.ун-т. – Иваново, 2007. – 304с.
6. Методы анализа фосфатного сырья, фосфорных и комплексных удобрений, кормовых фосфатов / М.М.Винник, Л.Н.Ербанова, П.М. Зайцев и др. – М.: Химия, 1975. - 218 с.
7. Портнова Н.Л., Кленицкий А.И., Кононов А.В. Реакции, протекающие при аммонизации экстракционной фосфорной кислоты // НИУИФ, Москва, 1979г, 9 стр. Деп. В ОНИИТЭХИМ, г.Черкассы, № 3275/79.
8. Кононов А.В., Трутнева Н.В., Ленёва З.Л., Евдокимова Л.М. Количество и состав твердой фазы, образующейся при аммонизации экстракционной фосфорной кислоты из рядовых руд бассейна Каратау в интервале изменения pH = 1,3-2,5 // Химическая промышленность. -1983. - №7. – С. 417-419.
9. ГОСТ 21560.2-82. Удобрения минеральные. Методы испытаний. – М.: Госстандарт, 1982, 30 с.
10. Diffraction Data cards and Alphabetical and Group Numerical Index of X-Ray. International Centre for Diffraction Data, 2013.

УДК:547.49/691.175

МАТЕРИАЛЫ ДЛЯ УЗЛОВ ТРЕНИЯ НА ОСНОВЕ УРЕТАН-ЭПОКСИДНЫХ БИКОМПОНЕНТНЫХ СИСТЕМ

Джалилов Абдулахат Турапович
Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии
доктор химических наук, профессор, академик академии наук Республики Узбекистан,
Тиллаев Абдухафиз Тошевич
Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии
Кандидат технических наук
Киёмов Шарифжон Нозимович
Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии
PhD по техническим наукам
Тел: 97 778-80-91 e-mail: qiyomovsh@mail.ru
Ташкентский научно-исследовательский институт химической технологии

Аннотация. *Данная статья посвящена термореактивным полимерным материалам на основе новых эпоксиуретановых полиблендовых многокомпонентных систем. Изучена триботехническая характеристика образцов эпоксиуретановых полимеров. Определены коэффициенты трения при разных постоянных нагрузках.*

Ключевые слова: *эпоксиуретановый полимер, реактопласт, коэффициент трения, полибленд, бикомпонентная полимерная система.*

URETAN-EPOKSID BIKOMPONENT SISTEMALAR ASOSIDAGI ISHQALANISH SOHASIGA MO'LJALLANGAN MATERIALLAR

Jalilov Abdulaxat Turapovich
Toshkent kimyo-texnologiya ilmiy tadqiqot instituti
kimyo fanlari doktori, professor, O'zR FA akademigi
Tillayev Abduhafiz Toshevich
Toshkent kimyo-texnologiya ilmiy tadqiqot instituti
Texnika fanlari nomzodi
Kiyomov Sharifjon Nozimovich
Toshkent kimyo-texnologiya ilmiy tadqiqot instituti
texnika fanlari bo'yicha falsafa doktori
Tel: 97 778-80-91, e-mail: qiyomovsh@mail.ru

Annotatsiya. *Ushbu maqola yangi uretan-epoksid poliblend ko'p komponentli sistemalarga asoslangan termoreaktiv polimer materiallariga bag'ishlangan. Epoksiuretan polimer namunalarining tribotexnik xususiyatlari o'rganilgan. Namunalarning ishqalanish koeffitsientlari turli xil doimiy yuk bosimida aniqlanagan.*

Kalit so'zlar: *epoksiuretan polimeri, reaktoplast, ishqalanish koeffitsienti, poliblend, ikki komponentli polimer sistema.*

MATERIALS FOR FRICTION UNITS BASED ON URETHAN-EPOXY BICOMPONENT SYSTEMS

Jalilov Abdulakhat Turapovich
Tashkent Scientific and Research Institute of Chemical Technology
Doctor of Chemical Sciences, Professor, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
Tillayev Abduhafiz Toshevich
Tashkent Scientific and Research Institute of Chemical Technology
Candidate of Technical Sciences
Kiyomov Sharifjon Nozimovich
Tashkent Scientific and Research Institute of Chemical Technology
Philosophy Doctor in technical science
Phone: 97 778-80-91, e-mail: qiyomovsh@mail.ru

Annotation. *This article is devoted to thermosetting polymer materials based on new urethane-epoxy polyblend multicomponent systems. The tribotechnical characteristics of epoxyurethane polymer samples were studied. The friction coefficients at different constant loads are determined.*

Key words: *epoxyurethane polymer, thermoset, friction coefficient, polyblend, bicomponent polymer system.*

Термореактивные полимеры получают из низкомолекулярных смол, которые полимеризуются путем конденсации или добавления, с использованием сшивающих агентов. Полученный полимер сильно сшит благодаря образованию трехмерной сети. По этой причине необходимо знать ходы и условия реакции отверждения, чтобы получить новый полимер с физико-механическими свойствами в каждом случае [1]. В некоторых литературных источниках объясняется необходимость контролирования стехиометрию реакционноспособной смеси и природу катализатора и инициатора, используемого в процессе получения бикомпонентных систем. Это важно для того, чтобы оптимизировать свойства полимерных композиционных материалов в период их службы. Изучение оптимальных стехиометрических соотношений гарантирует хорошее качество конечного продукта с точки зрения его физико-химических и механических свойств [2, 3].

В последние десятилетия рост промышленной деятельности создал постоянный спрос на новые материалы для удовлетворения их потребностей. В этом смысле традиционные материалы, металлы, дерево, стекло и так другие, они все чаще заменяются керамическими и полимерными материалами. Пластические массы - это легкие, гибкие, долговечные, коммерчески дешевые и технологически очень универсальные материалы, которые во многих случаях могут заменить более традиционные материалы и даже могут значительно улучшить их свойства. Преимущества, которые становятся все более очевидными при применении новых пластмассовых материалов во всех типах промышленности, либо из-за их специфических характеристик поведения, либо из-за производительности их обработки или методов обработки, обязывают инженеров, связанных с проектированием. Расчет и изготовление изделий и изделий из этих материалов позволяет глубоко обновлять свои научные и технические знания в этой области [4].

Органические полимеры с сильно сшитой структурой, которые поэтому не размягчаются и не плавятся из-за температуры или не растворяются в каком-либо химическом веществе, называются термореактивными. Его механическое поведение заметно отличается от термопластов из-за его большей устойчивости к вязкой ползучести при высоких температурах и большей размерной стабильности. Они более компактны, тверды, устойчивы к истиранию и непроницаемы для газов и паров, поэтому они очень удобны при применении для защиты всех типов поверхностей. Напротив, гибкость и ударопрочность находятся в невыгодном положении по сравнению с большинством термопластов [5]. Однако возможность комбинировать реактопластичные олигомеры с другими олигомерами и фибриллярными материалами всех видов, как органическими, так и неорганическими, расширила их использование в конструкции, поддерживающей стойкость элементов с великолепными механическими и физико-химическими свойствами [6].

На базе ташкентского научно-исследовательского института химической технологии разработан способ получения уретансодержащего олигомера на основе местного сырья. Метод получения олигомера, содержащего уретановых групп полностью исключает применения ди или полиизоцианатов и является безвредным

для окружающей среды. Основу уретансодержащего олигомера составляет глицерин и мочевина. На основе полученного олигоуретана и эпоксидной смолы создана многокомпонентная термореактивная полимерная система.

Целью данного эксперимента является исследование триботехнических свойств эпоксидных и эпоксиуретановых полимерных материалов, а также изучение влияния олигоуретанов на коэффициенты трения получаемых эпоксиуретанов.

Для исследования триботехнических характеристик полимерных материалов пары трения металл – пластмасса считаются целесообразными. Такую пару трения можно рассматривать как набор жестких микровыступов металла, внедряющегося в ровную поверхность полимерного тела, на том основании, что модуль упругости пластических масс в сотни раз меньше, чем у металла [7]. В таблице 1 приведены величины коэффициентов трения эпоксидного полимера и эпоксиуретановых полимеров при различных постоянных нагрузках. Полученные результаты по испытании образцов эпоксидного полимера служат для сравнительного анализа показателей, полученных по испытании образцов эпоксиуретановых полимеров.

Таблица 1

Коэффициенты трения эпоксидного и эпоксиуретанового полимера

Номер образцов	Название	Постоянная нагрузка, Н				
		20	30	50	70	100
		Коэффициент трения				
1	Эпоксидный полимер	0,194	0,230	0,313	0,350	0,367
	Эпоксиуретаны типа ЭУГ					
2	ЭУГ-25	0,188	0,209	0,284	0,338	0,347
3	ЭУГ-40	0,181	0,194	0,266	0,317	0,324
4	ЭУГ-50	0,176	0,188	0,239	0,301	0,311
5	ЭУГ-60	0,168	0,176	0,226	0,271	0,286
6	ЭУГ-70	0,165	0,170	0,228	0,244	0,278
7	ЭУГ-75	0,162	0,164	0,239	0,256	0,286

Обозначения: ЭУГ-25 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 25% от обшей массы полимера; ЭУГ-40 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 40% от обшей массы полимера; ЭУГ-50 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 50% от обшей массы полимера; ЭУГ-60 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 60% от обшей массы полимера. ЭУГ-70 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 70% от обшей массы полимера; ЭУГ-75 – эпоксиуретановый полимер. Массовая доля олигоуретана составляет 75% от обшей массы полимера.

В таблице 1 показана зависимость коэффициентов трения образцов полимерного материала, полученного на основе чистой эпоксидной смолы (образец 1) и образцов эпоксиуретановых полимерных материалов, полученных на основе синтезированного олигоуретана (образцы 2-7) от различных постоянных нагрузок. Из таблицы можно видеть, что коэффициент трения эпоксиуретанового полимера снижается с увеличением массовой доли олигоуретана. Полимерный материал на основе эпоксидной смолы, отверждённой полиэтиленполиамином, показывает самые высокие коэффициенты трения во всех подобранных величинах постоянной

нагрузки. Тенденция снижения коэффициента трения образцов по порядку увеличения номеров марок ЭУГ наблюдается только при постоянных нагрузках до 50 Н, а также у образцов эпоксиуретанов марок ЭУГ-25 (образец 2), ЭУГ-40 (образец 3) и ЭУГ-50 (образец 4). При высоких постоянных нагрузках изменение кривых образцов принимает немного другое направление. Самый низкий коэффициент трения при нагрузке 70 Н наблюдается у образца ЭУГ-70 (образец 6). Эпоксиуретановый полимер марки ЭУГ-75 (образец 7) при такой же нагрузке показывает коэффициент трения примерно на 17 % больше, чем у образца ЭУГ-70 и на 7 % больше, чем у образца ЭУГ-60 (образец 5).

Таким образом из вышеуказанных триботехнических параметров образцов эпоксиуретановых полимеров типа ЭУГ можно сделать вывод, что при большом количестве олигоуретана в составе эпоксиуретана происходит быстрый износ полимерного материала и образуется неровная, то есть абразивная поверхность в полимере. Абразивная поверхность убирает остатки износа, которые заполняли глубину поверхности металла, и происходит очередное изнашивание пластмассы. По этой причине, образец показывает высокие коэффициенты трения и подвергается износу.

Список литературы

1. C. Prisacariu, Polyurethane Elastomers: From Morphology to Mechanical Aspects, Springer Verlag, New York, 2011. P. 251.
2. A. Rudin and P. Choi, The Elements of Polymer Science and Engineering, 3rd Ed., Elsevier Publisher, Waltham, MA, 2013. P. 584.
3. Kiyomov Sh.N., Djalilov A.T. Antifriction and deformation-strength propertiesof epoxyrethane polymer // International Journal of Advanced Research in Science Engineering and Technology / Vol. 6, Issue 6, Jun 2019. PP. 3556-3561.
4. Полимерные композиционные материалы: структура, свойства, технология: Учеб. пособие / 4-е изд., испр. и доп. Под общей редакцией А.А. Берлина. – СПб.: ЦОП «Профессия», 2014. – 592 с.
5. Пластмассы со специальными свойствами. Сборник научных трудов / Под общей редакцией Н.А. Лаврова — СПб.: ЦОП «Профессия», 2011. — 344 с.
6. N.A. Lavrov, Sh.N. Kiyomov, V.K. Krizhanovskii. Tribotechnical properties of composite materials based on epoxy polimers/ Polimer Science, Seried D, 2019, Vol. 12 No. 2, P. 182-185.
7. Киёмов Ш.Н., Джалилов А.Т. Трибология эпоксиуретанового полимера // Universum: Технические науки: электрон. научн. журн. №6(63) 2019. С. 87-90.

ГЛИЦИРРИЗИН КИСЛОТАСИ АСОСИДА ОЛИНГАН ДАГ-1 ПРЕПАРАТИ ТАСИРИДА ҒЎЗАНИНГ ШЎРЛАНИШЛИ МУХИТГА МОСЛАШУВИНИ БАҲОЛАШ

Наврузов Санжар Ботирович
ЎзР ФА О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
таянч докторанти
Хашимова Нигора Рустамовна
ЎзР ФА О.С. Содиқов номидаги Биоорганик кимё институти
биология фанлари доктори

Аннотация: *Ширинмия ўсимлиги илдизидан олинган глицирризин кислотаси асосида яратилган ДАГ-1 препарати тасирида ғўзанинг шўрланишли мухитга мослашувини баҳолаш мақсадида антиоксидант тизимидаги ўзгаришлар ўрганилган.*

Тадқиқот натижасида уруғларни экишдан олдин ДАГ-1 препарати билан ишловлаш эркин пролин аминокислотасининг синтез/парчаланиш жараёнини фаоллаштирганлиги аниқланди.

Калит сўзлар:*ғўза, шўрланиш стресси, антиоксидант система, кислороднинг фаол шакллари, липидларнинг пероксидли оксидланиши, пролин, супероксидисмутаза, молондиалдегид.*

ОЦЕНКА АДАПТАЦИИ ХЛОПЧАТНИКА К УСЛОВИЯМ ЗАСОЛЕНИЯ ПРИ ДЕЙСТВИИ ПРЕПАРАТА ДАГ-1 ПОЛУЧЕННОГО НА ОСНОВЕ ГЛИЦИРРИЗИНОВОЙ КИСЛОТЫ

Наврузов Санжар Ботирович
Институт биоорганической химии имени академика А.С.Садыкова АН РУз
PhD докторант
Хашимова Нигора Рустамовна
Институт биоорганической химии имени академика А.С.Садыкова АН РУз
доктор биологических наук

Аннотация: *Рассматриваются изменения в антиоксидантной системе для оценки адаптации хлопчатника к засолению под воздействием препарата ДАГ-1, полученного на основе глицирризиновой кислоты из корней солодки.*

Исследование показало, что обработка семян хлопчатника с препаратом ДАГ-1 перед посевом активирует синтез / деградацию свободной аминокислоты пролина.

Ключевые слова: *хлопчатник, солевой стресс, антиоксидантная система, активные формы кислорода, перекисное окисление липидов, пролин, супероксидисмутаза, молоновыйдиалдегид*

ASSESSMENT OF COTTON ADAPTATION TO SALINIZATION CONDITIONS UNDER THE INFLUENCE OF DAG-1 PREPARATION BASED ON GLYCYRRHIZIC ACID

Navrurov Sanjar Botirovich
A.S. Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, PhD doctoral student
Khashimova Nigora Rustamovna
A.S. Sadykov Institute of Bioorganic Chemistry, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Biological Sciences

Abstract: *The article discusses the changes in the antioxidant system to assess the adaptation of cotton to salinization under the influence of the DAG-1 preparation, obtained on the basis of glycyrrhizic acid.*

The study showed that treatment of cotton seeds with DAG-1 preparation before sowing activates the synthesis / degradation of the free amino acid proline.

Keywords: *cotton, salt stress, antioxidant system, reactive oxygen species, lipid peroxidation, proline, superoxide dismutase, molonic dialdehyde*

Ҳозирги вақтда турли ташқи муҳит омилларнинг қишлоқ хўжалиги экинларининг етиштирилишига салбий таъсири ортиб бормоқда. Айниқса, ёғингарчиликнинг меъёридан кўп ёғиши оқибатида, ер ости сувларини юза қатламларда жойлашганлиги, минерал ўғитлардан меъёридан кўпроқ солиниши хисобига республикамизнинг айрим ҳудудларида тупроқ шўрланишини юзага келтирмоқда. Атроф-муҳитнинг стресс омиллари таъсирига ўсимликлар чидамлилигининг молекуляр механизмини ўрганиш ўсимликшуносликнинг асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Ўсимликларнинг табиий ҳимоя реакциялари тўғрисидаги билимлар шўрланиш шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини самарали ва мақсадли ошириш имкониятини яратади.

Ўсимликларга шўрланишнинг таъсирини ўрганиш бўйича ўтказилган тадқиқотларга кўра шўрланиш стрессининг дастлабки босқичларида ўсимликларнинг ўсиши ва ривожланишининг секинлашганлиги аниқланган [1]. Бу жараёнлар ўсимликларнинг мухитнинг салбий шароитда яшаши учун зарур бўлган адаптив хусусиятларининг намоён бўлиши билан боғлиқ. Ўсимликлар фотосинтез маҳсулотларининг сезиларли қисмини стресс шароитларига қисқа муддатли ва узоқ муддатли мослашишга сарфлашга имкон беради [2]. Туз стресси ўсимликларда сув танқислигига сабаб бўлади, ҳужайрада K+ ва Na+ ионлар нисбатини ўзгартиради ва ҳужайра метаболизмига салбий таъсир етувчи Na^+ ва Cl^- ионлари миқдорининг ошишига олиб келади. Буларнинг барчаси кислороднинг фаол шакилларини (КФШ) тўпланиши ва уларнинг инактивацияси ўртасидаги мувозанатни бузади, бу липидларнинг пероксидли оксидланишига ва тўйинмаган ёғ кислоталарининг ортишига олиб келади [3]. Ўз навбатида, булар мембрана ўтказувчанлиги ва оқсилларнинг структуравий ўзгаришларига сабаб бўлади. Ўсимликларда оксидланиш стрессини олдини олишнинг (КФШ ни зарарсизлантириш) асосий аҳамиятга эга бўлган ферментатив ва ноферментатив тизими мавжуд. Ҳозирги давр

изланишларига кўра ҳужайранинг турли бўлмалари: хлоропласт, митохондрия, пероксисома, цитозол ва апопластда жойлашган антиоксидант фермент – супероксиддисмутаза (СОД) ҳужайраларни супероксид радикаллари шаклланишидан ҳимоя қилишнинг биринчи йўналиши ҳисобланади [4,5]. Фақатгина СОД супероксид-анион радикалини водород пероксиди ва молекуляр кислородгача катализлайди. Радикал табиатли бирикмалар пайдо бўлган жойидан диффузия бўлиш имкониятига эга эмас. Аммо, H_2O_2 барқарор молекула бўлганлиги сабабли у ҳосил бўлган жойидан маълум бир масофага диффузия бўлиш имкониятига эга. Ўсимлик ҳужайрасида супероксид радикалида бўлгани каби, H_2O_2 ни ҳам детоксикация қиладиган ферментлар мавжуд. Улардан энг кенг тарқалгани пероксидазаларнинг катта оиласи- гваяколпероксидаза, аскорбатпероксидаза, глутатионпероксидаза ва каталаза [6]. СОД, бошқа антиоксидант ферментлар ва паст молекуляр антиоксидантлар билан бирга ҳужайрада редокс мувозанатни сақлашда иштирок этади [7]. Стресс ҳолатида аскорбин кислотаси, глутатион, пролин, полиамин, токоферол, флавоноидлар, антоцианлар, каротиноидлар каби паст молекуляр оғирликдаги антиоксидантларнинг синтези бир қатор ишларда ўрганилган [8, 9]. Пролин аминокислотаси юқори ўсимликларда энг кенг тарқалган метаболитлардан бири [9]. Оқсил молекуласи таркибидаги эркин пролин ва оксипролин ҳар қандай ҳужайранинг ажралмас қисмидир.

Эркин пролин миқдори қурғоқчилик, шўрланиш, оғир металлар, патогенлар паст ҳароратнинг таъсирида кўп марта (ўнлаб, баъзан юзлаб марта) ортади [10]. Бундан ташқари, пролиннинг стрессдан ҳимояловчи хусусияти макромолекулалар билан бевосита ёки билвосита боғланиш қобилиятида намоён бўлади ва шу билан оқсилларнинг гидратланиш соҳасини барқарорлаштириш орқали стресс остида денатурациядан сақлаб қолишга ёрдам беради [11].

Қишлоқ хўжалигининг асосий экинларидан бири бўлган ғўза ўсимлигининг жуда кўп навлари мавжуд бўлиб, уларнинг орасидан шўрланишга чидамли ва чидамсиз нав ва дурагай линияларини аниқлаш катта аҳамиятга эга. ДАГ-1 (глицирризин ва салицил кислоталар супрамолекуляр комплекси) препаратининг ғўзада шўрланишга нисбатан юзага келувчи мослашиш жараёнида антиоксидант тизимида кечадиган ўзгаришларга таъсирини баҳолаш тадқиқотнинг мақсади ҳисобланади. Ушбу иш ғўзани шўрланган тупроқ шароитида оксидланиш стресси таъсиридан ҳимояловчи биоген табиатга эга ДАГ-1 препарати таъсирида шўрланишга нисбатан чидамлилигини ошириш, носпецифик ҳимоя механизмлари индукциясини ўрганишга йўналтирилган бўлиб, пировардида ғўза хосилдорлигини ортишига хисса қўшади.

Тадқиқот усул ва услублари

Тадқиқот материали сифатида олинган ғўзанинг “Султон” нави чигитлари концентрланган сульфат кислота ёрдамида туксизлантирилиб, оддий сувда ювилди ва экиш олдидан назорат сифатида сув ва ДАГ-1 препаратининг 10^{-7}М концентрацияли эритмаларида 8 соат давомида ивитиб қўйилди. Сўнгра чигитлар фильтр қоғозларга экилиб, назорат сифатида сувли ва NaCl нинг турли концентрацияли (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ) эритмаларига солиниб, термостатда (27^0С да) 7 кун давомида ўстирилди.

Оқсил миқдори Lowry услубига кўра аниқланди [12]. СОД ферментининг умумий фаоллиги ишқорий муҳитда нитрокўк тетразолийнинг (НКТ) фотокимёвий қайтарилишини ингибирлаш орқали аниқланди [13].


МДА миқдори В.В. Рогожин йўриқномасига асосан тиобарбитур кислотаси (ТБК) ёрдамида аниқланди [14]. Услуб МДА ва ТБК ўртасидаги реакцияга асосланган бўлиб, юқори ҳарорат ва кислотали шароитда 1 молекула МДА ва 2 молекула ТБК тутувчи бўялган риметан комплекси 532 нм тўлқин узунлигида аниқланади. Эркин пролин аминокислотаси миқдори Батес услубига кўра аниқланди [15].

Олинган натижалар GraphPad Prism дастури ёрдамида қайта ишланди. Ўртача оғиш кўрсаткичи (±M) ва статистик ишонарлилик кўрсаткичи (P) аниқланди, P<0.1 дан кичик бўлган натижалар статистик ишонарли деб қабул қилинди.

Олинган натижалар ва уларнинг мухокамаси

Глицирризин кислотаси асосида олинган ДАГ-1 препарати тасирида ғўзанинг шўрланишли мухитга мослашувини баҳолаш мақсадида антиоксидант тизими ферментларидан СОД фаоллиги ва қуйи молекуляр метоболитлардан эркин пролин аминокислотаси ҳамда липидларнинг пероксидли оксидланишини охирги махсулоти малондиалдегидининг (МДА) миқдорий ўзгаришлари вақт динамикасида (7 кун давомида) ўрганилди.

Тадқиқот натижаларига кўра стресснинг (дастлабки) 1-кунида барча намуналарда эркин пролин аминокислотасининг миқдори юқори бўлди. Шўрланиш таъсирининг 2-кунида 50 мМ NaCl эритмасида ўстирилган намунада назоратга нисбатан 12.7% га камайган, 100 мМ NaCl ва 200 мМ NaCl эритмасида ўстирилган намуналарда эса 17.21% ва 24.61% га пролин миқдори кўпайган. NaCl таъсирининг 3 кунида пролин миқдори камайганлигини кузатиш мумкин. Бунда (50 мМ NaCl, 100 мМ NaCl, 200 мМ NaCl) шўрланиш даражасига мос равишда назоратга нисбатан 28.19%, 46.81%, 47.56% га камайган. Тузли мухит таъсирининг 4-кунида NaCl нинг (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ концентрацияли) эритмаларида ўстирилган намуналарда назоратга нисбатан 7.75%, 33.49%, 47.25% га пролин миқдорини кўпайиши пролин биосинтези фаоллашганидан дарак беради. Стресснинг 5-кунида 100 мМ NaCl эритмасида ўстирилган намунада назоратга нисбатан 18.21% га камайган, 50 мМ NaCl ва 200 мМ NaCl эритмасида ўстирилган намуналарда эса 31.33% ва 7.32% га пролин миқдори кўпайган. Тузли мухит таъсирининг 6-кунида NaCl нинг (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ концентрацияли) эритмаларида ўстирилган намуналарда назоратга нисбатан 152.52%, 82.09 %, 25.18 % га пролин миқдорини кўпайишини кўриш мумкин.



1-расм. Уруғлари ДАГ-1 препарати билан ишловланиб, NaCl нинг турли концентрацияларида ўстирилган ғўза ниҳолларида пролин миқдорини вақт динамикасида ўзгариши

Тажрибанинг сўнги 7-кунида NaCl нинг (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ концентрацияли) эритмаларида ўстирилган намуналарда назоратга нисбатан 31.00%, 31.89%, 17.59% га пролин аминокислотаси миқдори камайганлиги аниқланди(1-расм).

Пролин аминокислотаси энергия ва азот манбаси сифатида ўсимлик ҳужайрасида кўп миқдорда тўпланади ва стресс вақтида пролиндегидрогеназа ферменти ёрдамида парчаланади Ҳужайрадаги пролин миқдори нафақат синтез тезлигига, балки унинг парчаланиш тезлиги билан ҳам боғлиқ ҳисобланади[16].

Уруғларни экишдан олдин ДАГ-1 препарати билан ишловлаш эркин пролин аминокислотасининг синтез/парчаланиш жараёнини фаоллаштирганлиги аниқланди.

Турли стресс ҳолатларида пролин иштирокида мембраналар оксидланишига олиб келувчи – липидларнинг пероксидли оксидланиш (ЛПО) даражаси пасаяди [17]. ЛПО жараёнининг охирги маҳсулоти бўлган МДА ўсимлик ҳужайрасининг стрессларга резистентлик хусусиятини оширишда хизмат қилувчи бирламчи медиатор деб ҳисобланади.

Шу сабабли, тажриба давомида МДА миқдори ўрганилганида назорат сифатида оддий сувда ўстирилган ва 50 мМ NaCl ли мухитда ўстирилган намуналарда стресснинг дастлабки 3 кунида камайганлиги ва 4-5-6 кунларида оралиғида кўпайганлигини кўриш мумкин. Тажрибанинг охирги 7-кунида липидларнинг пероксидли оксидланиш жараёни секинлашгани ўрганилди(1-жадвал). Ўрта шўрланиш (100 мМ NaCl) ли эритмада ўстирилган намуналарда эса туз таъсирининг 3-4-5 кунларида тажрибанинг дастлабги кунига нисбатан тегишлича 120.4%, 79.38%, 367.5% га ошганлиги аниқланди. Кучли шўрланишли (200 мМ NaCl) ли эритмада ўстирилган намуналарда фақатгина стресснинг 5 чи кунида $299.15*10^{-5}$ мкг/гр қурук модда миқдорида малондиалдегид борлиги аниқланди.


1-жадвал

Уруғлари ДАГ-1 препарати билан ишловланиб, NaCl нинг турли концентрацияларида ўстирилган ғўза ниҳолларида малондиалдегид миқдорини вақт динамикасида ўзгариши

Малондиалдегид миқдори (10^{-5} мкг/гр қурук модда)							
Тажриба вариантлари	**Кунлик вақт динамикаси (24 соат)**						
	1-кун	**2-кун**	**3-кун**	**4-кун**	**5-кун**	**6-кун**	**7-кун**
Назорат	70.46	55.84	12.75	78.90	89.74	221.29	69.25
50мМ NaCl	62.79	51.87	5.90	86.29	177.78	197.34	15.58
100мМ NaCl	58.17	47.07	128.21	104.35	271.95	55.86	49.83
200мМ NaCl	77.40	83.25	11.62	83.10	299.15	39.45	24.12

Ушбу ҳолат СОД фаоллиги билан боғлиқ бўлиши мумкин. Чунки ўсимлик ҳужайрасида МДА миқдори ортишининг асосий омиларидан бўлган супероксид анион радикалининг кўпайиши ҳисобланади. Бу жараёнда ҳужайра мемранасини пероксидли парчаланишдан ҳимояловчи СОД ферменти фаолигининг ортиши ўсимликлар учун мухимдир.

Уруғлари ДАГ-1 препарати билан ишловланиб, NaCl нинг турли концентрацияларида ўстирилган ғўза ниҳолларида СОД ферменти фаоллиги вақт динамикасида (7 кун давомида) ўрганилганида NaCl нинг (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ концентрацияли) эритмаларида ўстирилган намуналарда назорат сифатида сувда ўстирилган намуналарга нисбатан СОД ферменти фаоллиги камайганлиги аниқланди (2-расм). Стресснинг дастлабги 1-кунида барча намуналарда (назорат, 50 мМ NaCl, 100 мМ NaCl ва 200 мМ NaCl эритмасида ўстирилган) СОД фаоллиги юқори бўлди. Тузли мухит таъсирининг 4-кунида NaCl нинг (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ концентрацияли) эритмаларида ўстирилган намуналарда назоратга нисбатан тегишлича 140%, 127.56%, 933.85% га СОД ферменти фаоллашган. Тажрибанинг 6-кунида ҳам 50 мМ ва 100 мМ NaCl эритмасида ўстирилган намуналарда назоратга нисбатан 35.42 ва 16.07% га фаоллик ортиши кузатилган.



2-расм. Уруғлари ДАГ-1 препарати билан ишловланиб, NaCl нинг турли концентрацияларида ўстирилган ғўза ниҳолларида супероксидисмутаза ферменти фаоллигининг вақт динамикасида ўзгариши

Шундай қилиб, тадқиқотларимизда ғўзанинг “Султон” навида антиоксидант тизимининг фаоллиги ва шўрланиш шароитига чидамлилик даражаси ўртасида тўғри корреляцияси ўрганилди. ДАГ-1 препарати хлоридли шўрланиш моделида эркин пролин аминокислотаси тўпланишини индуцирлади. Пролин миқдорининг ортишига ДАГ-1 препарати таркибидаги салицил кислотаси пролин синтезининг глутамат йўлини фаоллаштириши тахмин қилинди. ДАГ-1 препарати билан ишловланган ва (50 мМ, 100 мМ, 200 мМ) хлоридли шўрланиш моделида ўстирилган намуналарда СОД ферменти фаолиги пасайганлигининг сабаби глиоксисомада ортиқча ёғларнинг парчаланиши ёки ёғ кислоталарининг β-оксидланиш жараёнлари содир бўлган бўлиши мумкин, бу реакцияларнинг охирги маҳсулотлари сифатида хам H_2O_2 ҳосил бўлади.

Ўсимликларнинг табиий ҳимоя реакциялари тўғрисидаги билимлар шўрланиш шароитида қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини самарали ва мақсадли ошириш имкониятини яратади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Deilein U., Stephan A., B., Horie T., Luo W., Xu G. Schroeder J. I. Plant salt-tolerance mechanisms // Trend. In Plant Sci. – 2014. – Vol 19. – P. 371 -377.
2. Lazof D.B., Bernstein N. The NaCl induced inhibition of shoot growth: the case for distributed nutrition with special consideration of calcium // Adv. Bot. Res. – 1999. – Vol. 29. – P. 113-189.
3. Blokhina O., Virolainen E., Fagerstedt K.V. Antioxidants, Oxidative Damage and Oxygen Deprivation Stress: a Review //Ann. Botan. - 2003. - V. 91. - P. 179-194.
4. Полесская О.Г. Растительная клетка и активные формы кислорода./ Под ред. И.П.Ермакова. – М.: КДУ, 2007. – 140с.
5. Бараненко В.В. Супероксиддисмутаза в клетках растений // Цитология. 2006. Т. 48. С. 465-473.
6. Foyer Ch. H and Noctor G. Ascorbate and glutathione: The heart of the redox hub1 // Plant Physiology. - 2011. - Vol. 155. – P. 2–18.
7. Foyer CH; Noctor G Defining robust redox signalling within the context of the plant cell // Plant, Cell and Environment. - 2015. – Vol. 38. – P. 239-239.
8. Mattioni C., Lacerenza N.G., Troccoli A., de Leonardis A.M., di Fonzo N. Water and salt stressinduced alterations in proline metabolism of Tritictim durum, L. Seedlings // Plant Physiol. – 1997. - Vol. 101. - P. 787–792.
9. Verslues P. E., Sharma S. Proline metabolism and its implications for plant-environment interaction // The Arabidopsis Book / American Society of Plant Biologists. – 2010. – P. 1-23.
10. Kovacik J., Klejdus B., Babula P., Jaroˇsová M. Variation of antioxidants and secondary metabolites in nitrogen-deficient Barley plantset // J.of Plant Physiol. – 2014. – Vol. 171. – P. 260-268.

11. Kavi Kishor P.B., Sangam S., Amrutha R. N., Laxmi P. S., Naidu K. R., Rao K. R. S. S., Rao S., Reddy K.J., Theriappan P., Sreenivasulu N. Regulation of proline biosynthesis, degradation, uptake and transport in higher plants: Its implications in plant growth and abiotic stress tolerance // Curr. Sci. – 2005. – Vol.88. – P. 424-438.
12. Lowry O.H., Rosebrough N.J., Farr A.L., Randall R.J. Protein measurement with Folin phenol reagent // J. Biol. Chem. - 1951. - №1 (265-275).
13. Борисова Г.Г. и др. Методы оценки антиоксидантного статуса растений: учеб.-метод. пособие / под ред. Чукина Н.В. - Екатеринбург : Изд-во Урал, ун-та, 2012. –(72 с). ISBN 978-5-7996-0738-8
14. Рогожин В.В. Практикум по биологической химии / В.В. Рогожин.— СПб.:ГИОРД. - 2006. (256 с).
15. Bates L, Waldren R.P. Teare I.D. Rapid determination of free proline for water-stress studies // Plant and Soil. - 1973. - 39 (205-207).
16. Elthon T. E., Stewart C. R. Proline oxidation in corn mitochondria: involvement of NAD, relationship to ornithine metabolism and sidedness on inner membrane // Plant Physiol. – 1982. – Vol.70. – P.567-572.
17. Shevyakova N, Bakulina E, Kuznetsov V. Proline antioxidant role in the common ice plant subjected to salinity and paraquat treatment inducing oxidative stress. Physiol 2009; 56:663-9; http://dx.doi.org/10.1134/S1021443709050124
18.

ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ УЧУН ЁНҒИНГА БАРДОШЛИ ВА БИОҲИМОЯВИЙ ОЛИГОМЕР АНТИПИРИНЛАРНИНГ ТАДҚИҚОТИ

Назаров Фурқатжон Абдулфайзович
Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги академияси
мустақил изланувчи
Нуркулов Файзулла Нурмуминович
Тошкент кимё технология илмий тадқиқот институти
техника фанлар доктори.

Аннотация: *Мақолада антипирен-антисептик кимёвий моддаларни фосфор, азот ва олтингугурт гуруҳлари асосидаги органик олигомерлардан олиш ва қўллаш технологияси самарадорлиги тадқиқ этилган. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари билан ишлов берилган қоғоз, ёғоч ва тўқимачилик материалларни ёнғинбардош хусусияти юқори эканлиги аниқланди.*

Калит сўзлар: *Антипирен-антисептик, тўқимачилик материаллари, қурилиш материаллари, ёнғинбардош, масса йўқотилиши, пахта матоси, қоғоз, картон, суюқ девор қоғози.*

ИССЛЕДОВАНИЕ ОГНЕ И БИОЗАЩИТНЫЙ ЭФФЕКТИВНОСТИ ОЛИГОМЕРНЫХ АНТИПИРЕНОВ ДЛЯ ДРЕВЕСИНЫ СТРОИТЕЛНЫХ МАТЕРИАЛОВ

Назаров Фурқатжон Абдулфайзович
Республика Узбекистан
Академия Министерства по чрезвычайным ситуациям
независимый исследователь

Нуркулов Файзулла Нурмуминович
Ташкентского научно-исследовательского
института химической технология
доктор технических наук

Аннотации: *В статьи рассматривается эффективность технологии извлечения и применения антипиреновых антисептиков из органических олигомеров на основе групп фосфора, азота и серы. Было обнаружено, что бумага, дерево и текстильные материалы, обработанные антипиренами, обладают высокими антипиреновыми свойствами.*

Ключевые слова: *антипирин-антисептическое средство, текстильные материалы, строительные материалы, антипирен, потеря массы, хлопчатобумажная ткань, бумага, картон, жидкие обои.*

RESEARCH OF FIRE AND BIOPROTECTIVE EFFICIENCY OF OLIGOMERIC ANTIPYRENE FOR WOOD BUILDING MATERIALS

Nazarov Furkatjon Abdulfayzovich
Republic of uzbekistan
Academy of the Ministry of emergency situations
independent researcher
Nurkulov Fayzulla Normuminovich
Tashkent research Institute of chemical technology,
doctor of technical sciences

Annotation: *The article, the effectiveness of the technology for extracting and using fire retardant antiseptics from organic oligomers based on phosphorus, nitrogen and sulfur groups is considered. It has been found that paper, wood and textiles treated with flame retardants have high flame retardant properties.*

Key words: *antipyrine-antiseptic agent, textile materials, building materials, fire retardant, weight loss, cotton cloth, paper, cardboard, liquid wallpaper.*

Ҳозирги кунда Республикамизда амалга оширилаётган улкан бунёдкорлик ишлари доирасида кўплаб янги бино ва иншоотлар барпо этилиб, мавжудлари реконструкция қилинмоқда. Бу жараёнда замонавий қурилиш материаллари қаторида анъанавий ёғоч материалларидан ҳам кенг фойдаланилмоқда. Бу каби гўзал бино ва иншоотларни асраб авайлаш ва мамлакатда экологик мувозанатни сақлашда муҳим омиллардан бири ёнғин бардош ёғоч ва полимер материалларидан ташкил топган бино ва иншоатлардан фойдаланиш экологик ва иқтисодий самарадорликка олиб келади. [1].

Шунингдек тўқимачилик материаллари қадимдан кийим-кечак, чойшаб ва бошқа истеъмол товарларни ишлаб чиқаришда кенг фойдаланганлигига қарамасдан, ишлаб чиқариш соҳаларида техник тўқимачилик материаллари сифатида қўллаш ҳақида маълумотлар кам. Асосан тўқимачилик материаллари транспорт воситалари, мебел ишлаб чиқариш, осон йиғиладиган вақтинчалик яшашга мўлжалланган жиҳозлар, спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш, шиналар

ишлаб чиқариш, сунъий чаримлар ишлаб чиқариш, бино ва иншоатларни шифти, деворлари, полларини безашда кенг қўлланилади. Адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, бугунги кунда техник тўқимачилик материаллари ишлаб чиқариш ҳар 10 йилда 50% гача ошиб бормоқда[2].

Бино ва иншоатларга термитлар томонидан ҳам катта зарар етказилади, улар ёғоч ва целлюлоза асосида тайёрланган бошқа қурилиш материалларини емириб, иншоотлар, тарихий ёдгорликларга яроқсиз холатга келтириши мумкин. Улар девор, пол, шифт, чердак, дераза ва эшик ромларига жойлашиб олиб, бино ёки иншоотни ўзлари учун қулай маконга айлантиради. Бундан ташқари, термитлар темир йўл шпаллари, қоғоз, картон, мато, чарм, кигиз, жун ва бошқа материаллар билан озиқланади [3].

Термит етказган иқтисодий зарар ҳали бирор давлатда аниқ ҳисоблаб чиқилгани йўқ. Бироқ, статистик маълумотларга кўра, АҚШда бино ва иншоотларга етказилаётган зарар ҳажми узлуксиз ортиб бораётгани туфайли ушбу зараркунандаларга қарши тадбирлар учун ҳар йили 2 миллиард доллардан зиёд маблағ сарфланмоқда. Малайзияда давлат тасарруфидаги биноларни таъмирлашга сарфланадиган жами харажатнинг 75 фоизи термитлар етказган зиённи бартараф этишга йўналтирилмоқда [4].

Биз таклиф этаётган антипирен-антисептик кимёвий моддалари синтетик ва целлюлозадан ташкил топган тўқимачилик материаллари ҳамда ёғоч қурилиш материалларга ишлов берилиши натижасида қурилишда турли хил тўқимачилик материалларни ёнғин бардошлилигини ошириш мумкин.

Мақолада олинган антипирен-антисептик композитлари концентрациясини полимер бирикмаларни кислород индексиги таъсири тадқиқ этилган. Лаборатория жараёнида қийин ёнувчи, ёнувчи қаттиқ модда ва материаллар гуруҳини аниқлашдан иборат. Тажриба ўтказилиш ГОСТ 12.044-89 асосида полиэтилен билан олигомер антипиренларининг концентрациясини кислород индексига таъсири ўрганилди.

I-Жадвал

Олигомер антипиренларининг концентрациясини кислород индексиги таъсири. Полиэтилен F0220 билан олигомер антипиренларини композицияси.

Тажриба учун намунанинг рақами	Олигомер антипиренларининг концентрацияси, масс%	Кислород индекси, %
0(сиг)	0	18
1	1.0	38
2	5,0	42
3	10,0	46,3
4	16,0	57,0
5	18,0	60,0
6	20,0	62,0
7	30,0	63,0

Антипирен-антисептик кимёвий моддалари асосан фосфор, азот ва олтингугурт гуруппалари асосидаги органик олигомерлардан ташкил топган.

Олигомерларни олиш ва қўллаш технологияси оддий бўлиб, экологик ва иқтисодий самарадор ҳисобланади. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари билан ишлов берилган материаллар ёнғинда таркибидаги фосфор ва азот гуруҳлари термик парчаланишни олдини олади. Натижада ёнғин чиқиши ҳарорати юқори бўлиши ҳисобига материални ёнғиндан ҳимоялайди. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари таркибидаги олтингугурт эса антисептик хусусиятини намоён қилади. Тадқиқ этилаётган антипирен-антисептик кимёвий моддаларни қоғоз, синтетик тўқимачилик материаллари ва ёғоч қурилиш материаллар билан модификацияларни физик механик хосса ва хусусиятлари II-жадвалда келтирилган. Олигомер антипирен-антисептик моддалари ёрдамида қурилиш материалларни ҳимоялашнинг самарадор усуллардан ҳисобланади. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари қўлланилганда қурилиш материаллари таркибига кириб уни ёниши ва микроорганизимларни таъсир этишдан ҳимоялайди.

II-жадвал

Антипирен-антисептик кимёвий моддаларни физик-кимёвий хоссалари

Кўрсаткичлар	Синтетик аралашмали матолар (Ипак)	Ёғоч ва ёғоч маҳсулотлари	Пахта матоси, қоғоз, картон, суюқ девор қоғози
Антипирен антисептик олигомерларни сарфи	250г/м^2 қалинлиги 1мм гача	150 г/м^2	220г/м^2 қалинлиги 1мм гача
Тажриба натижалари			
-Масса йўқотилиши %	25	6,5	25
-Ёнғин бардошлилиг хусусияти	Секин ёнадиган	Секин ёнадиган	Секин ёнадиган
Фунгицид хусусиятлари			
-Токсик хусусияти	хавфсиз	хавфсиз	хавфсиз

S-1 ва S-2 олигомер антипириннинг қуйидаги физик-кимёвий хоссалари ўрганилди: зичлик, эриш нуқтаси, эрувчанлиги ва ёнғиндан сақловчи ёғоч қурилиш материалларидаги асосий эксплуатацион-техник хусусиятлари.

Фосфор -, азот-ва олтингугурт сақлаган олигомер антипиринларнинг физик-кимёвий хусусиятлари ҳақидаги маълумотлар III-жадвалда келтирилган.

III- жадвал

Синтез қилинган олигомер антипирининг физик-кимёвий хоссалари

Кўрсатгичлар	Олигомер антипирен	
	S-1	S-2
Зичлик, г/см^3 ГОСТ15139-69	1,04	1,05
$\eta_{хв}$	0,083	0,076
Эритувчи	сув	
Ташқи кўриниш ва ранги	Оқ рангли олигомерик модда	Асал хусусиятли олигомерик модда

Антипирен-антисептик кимёвий моддалари асосан фосфор, азот ва олтингугурт гуруппалари асосидаги органик олигомерлардан ташкил топган.

Олигомерларни олиш ва қўллаш технологияси оддий бўлиб, экологик ва иқтисодий самарадор ҳисобланади. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари билан ишлов берилган материаллар ёнғинда таркибидаги фосфор ва азот гуруҳлари термик парчаланишни олдини олади. Натижада ёнғин чиқиши ҳарорати юқори бўлиши ҳисобига материални ёнғиндан ҳимоялайди. Антипирен-антисептик кимёвий моддалари таркибидаги олтингугурт эса антисептик хусусиятини намоён қилади.Ёғочларда ёнғинга қарши самарадорликни ўрганиш бўйича тадқиқот ишлари амалга оширилди. Фосфор-, азот - ва олтингугурт сақлаган олигомер антипириннинг тадқиқот натижаларида намунанинг ўртача умумий йўқотиш 6,7% деб кўрсатди, бу эса унинг I гуруҳ оловбардошлик самарадорлигини беради.

Биз таклиф этаётган олигомер антипирен-антисептик кимёвий воситалари ёнғиндан, термитларни таъсир этишдан ҳамда моғорлашни олдини олади.

IV- жадвал

Антипирен-антисептик воситаларни техник хоссаси ва хусусиятлари

Антипирен-антисептик воситаларни термит ва моғор қўзиқоринлардан ҳимоя қилиш хусусиятлари	Юқори самарадор антисептик
Антипирен-антисептик воситаларни ёғоч қурилиш материалларга ишлов бериш сарфи. 200 g/m^2	I группа оловбардошлик самарадорлиги ГОСТ
Ишлов бериш ҳарорати, ˚С	+22 дан +45 гача

Яратилган олигомер антипирен-антисептикларни ёғоч материалларига қўшиб, уларнинг термитларни ўзига жалб қилмаслиги, алангаланиши, ёнишининг пасайиши, тутун ҳосил қилиш даражаси, механик хоссаларининг ўзига хос сақланиши ўрганилди.

Тажриба ўтказилиши давомида сосна ёғочининг ёнғин бардошлилиги аниқланди. Тажриба давомида ҳарорат 24°С, атмосфера босими 93кПа, хаво намли 58% дан ошмаслиги талаб қилинади. ГОСТ 12.044-89. (Жадвал-1).

V-жадвал

Олигомер антипирен-антисептиклари ёрдамида ишлов берилган ёғоч материалларини ёнғин бардошлилигини аниқлаш.

Тажриба учун намуна-нинг рақами	Таъсир этилган анти-пирен миқдори, %	Газ ҳолатидаги ёниш маҳсулот-ларининг максимал ҳарорати, °С	Максимал ҳароратга етиб келиш вақти, сек	Намунанинг оғирлиги грамм		Намуна-нинг оғирлик йўқотиши, %	Ёнув-чанлик гуруҳи
				Тажриба - гача	Тажриба -дан кейин		
0(сиг)	0	435	95	159,1	49,5	68,9	III
1	10	215	120	142,1	130,3	8,30	I
2	10	299	120	172,1	158,7	8,79	
3	10	289	120	150,4	137,1	8,84	
Олигомер антипирен-антисептик таъсир қилинган намуналарнинг оғирлик йўқотиши (Ўртача арифметиги), %						8,64	

Бизнинг иссиқ иқлимли республикамиз учун зарур бўлган юқори оловбардош полимер, текстил ва ёғоч материаллари ишлаб чиқариш учун экологик хавфсиз энергия тежамкор ёнғин бардош олигомер антипиренларни синов натижалари I гуруҳли яъни қийин ёнувчан гуруҳига мансуб, ёнғиндан ҳимояловчи қопламаларга кириши аниқланди.

Яратилган олигомер антипирен-антисептикларни ёғоч материалларига қўшиб, уларнинг термитларни ўзига жалб қилмаслиги, алангаланиши, ёнишининг пасайиши, тутун ҳосил қилиш даражаси, механик хоссаларининг ўзига хос сақланиши ўрганилди.

Ёнғинга бардошли ва биоҳимоя хусусиятли ҳамда энг муҳим ишлаш кўрсаткичларини яхшилаш мумкин бўлган ёнғинга қарши восита олинган (жад.VI.).

VI-жадвал

S-1 и S-2 олигомер антипирен-антисептиклари ёрдамида ишлов берилган ёғоч материалларини ёнғин бардошлилигини аниқлаш.

Тажриба учун намуна-нинг рақами	Вақт			Намунанинг оғирлиги грамм		Оғирлик йўқотиши	
	Ёниш нуқтасининг бошланинши	Ўз-ўзидан ёниб кетиш	Тления	Тажриба-гача	Тажриба-дан кейин	грамм	%
1	120	Мавжуд эмас	33	145,25	136,77	8,48	5,84
2	120		32	150,36	140,99	9,37	6,23
3	120		31	138,22	129,96	8,26	5,98
						Ўртача:	9,0
4	120	Мавжуд эмас	32	159,28	151,08	8,20	5,15
5	120		30	165,59	156,98	8,61	5,20
6	120		24	119,93	113,63	6,30	5,25
						Ўртача:	8,2

Шундай қилиб экологик хавфсиз энергия тежамкор ёнғинга бардошли антипирен – антисептик олигомерларни маҳаллий ва иккиламчи хомашёлардан олиш технологияси яратилди ва уларни қурилиш материаллари асосидаги полимер ва ёғоч махсулотларда, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва сақлашда, кимё, нефт-газ, автомобил саноатларида фойдаланиш экологик ва иқтисодий самарадорликка олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Нуркулов Ф.Н., Джалилов А.Т. Изучение огнезащитной эффективности олигомерных антипиренов АР-110 и АР-120 для древесных материалов. Известия. Волгоград ГТУ. 2015. №7. –с.175-178.

2. Тычинко Н.А. Огнебиозащита древесины и экология\\ Пожаровзрывобезопасность 2012 ТОМ 21 №1. с 40-46

3. Дмитриева М.В //изучение и выбор текстильных материалов, используемых в строительстве// http://rustm.net/catalog/article/403.html 15 сентября 2004. технический текстиль №10, 2004

4. Афанасьев С. В., Коротков Р. В., Кузьмин И. В., Трипоёицин А. А. Исследование эффективности огнезащитных составов на основе амидофосфата // Пожаровзрывобезопасность. — 2007. — Т. 16, № 3. — С. 28-31.

ALCEA NUDIFLORA L. ЎСИМЛИГИ ПОЛИПРЕНОЛЛАРИ АСОСИДАГИ "ПРЕНАЛОН" ВОСИТАСИНИНГ ФАРМАКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Малохат Жумаевна Рахматова
ЎзР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, Кимё фанлари номзоди, илмий ходим
Гулчирой Исхакова
Наманган Давлат Университети Умумий кимё кафедраси
Ассистенти
Назира Кудратовна Хидирова
ЎзР ФА акад. С.Ю.Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, Кимё фанлари номзоди, етакчи илмий ходим

Аннотация: *Мақолада Alcea nudiflora L. –ўсимлиги баргларидан ажратиб олинган полипреноллар асосида яратилган «Преналон» воситаси, унинг фармакологик хусусиятлари келтирилган.*

Калит сўзлар: *Alcea nudiflora, нейтрал моддалар, полипреноллар, гастропротектор, гепатопротектор, регенераторлик*

ФАРМАКОЛОГИЧЕСКИЕ СВОЙСТВА СРЕДСТВА "ПРЕНАЛОН" НА ОСНОВЕ ПОЛИПРЕНОЛОВ РАСТЕНИЙ *ALCEA NUDIFLORA L.*

Малохат Жумаевна Рахматова
Иститут химии растительных веществ им. акад. С.С. Юнусова АН РУз, кандидат химических наук, научный сотрудник
Гулчирой Исхакова
Наманганский Государственный Университет
Ассистент
Назира Кудратовна Хидирова
Институт химии растительных веществ им. акад. С.С.Юнусова АН РУз, кандидат химических наук, ведущий научный сотрудник

Аннотация: *В статье приведены данные о создание средства "Преналон" на основе полипренолов листьев растения Alcea nudiflora L. и его фармакологические свойства.*

Ключевые слова: *Alcea nudiflora L., нейтральные вещества, полипренолы, гастропротектор, гепатопротектор, регенератор*

PHARMACOLOGICAL PROPERTIES OF "PRENALON" PRODUCT BASED ON POLYPRENOLS OF PLANTS OF *ALCEA NUDIFLORA L.*

Malohat Jumayevna Rakhmatova
Institute of the Chemistry of Plant Substances named after Academicion S.Yu. Yunusov Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, PhD in chemistry, researcher
Gulchiroy Ishakova

Namangan State University
Assistant
Nazira Kudratovna Khidirova
Institute of the Chemistry of Plant Substances named after Academicion S.Yu. Yunusov
Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, PhD in chemistry, leading researcher

Tashkent, fax: (99871) 120 64 75; E-mail: m.rakhmatova.72@inbox.ru

Annotation: *In the research paper is presents information about of the creation of preparation "Prenalon" based on the polyprenols of the leaves of the plant of Alcea nudiflora L. and its pharmacological properties.*

Key words: *Alcea nudiflora L., neutral substances, polyprenols, gastroprotector, gepatoprotector, regenerator.*

Инсон ва ҳайвонлар организмида рўй берадиган турли касалликларни даволашда ишлатиладиган дори-дармонлар ичида шифобахш ўсимликлардан тайёрланаётган дорилар салмоқли ўрин тутади ва фармацевтика саноатида асосий хом ашё манбаи ҳисобланади. Ўрта Осиё ўсимликлари оламида доривор ўсимликларнинг 500 тури халқ табобатида турли касалликларни даволашда фойдаланилади [1].

Ўсимлик организми жуда мураккаб бўлиб, унинг таркибида турли органик ва минерал бирикмалар бўлади. Албатта, уларнинг ҳаммаси ҳам касалликларни даволаш хусусиятига эга эмас. Ўсимликларнинг шифобахш бўлиши улар таркибидаги кимёвий моддаларнинг турли туманлигига ва шу моддаларнинг инсон ва ҳайвон организмидаги касаллик туғдирувчи манбаларга таъсир этиш самарадорлигига боғликдир.

Маҳаллий ўсимликлар асосида доривор воситалар яратиш долзарб муаммолардан бири бўлиб, экстрактларнинг нейтрал қисмига кирувчи полипреноллар асосида кўплаб биологик қўшимчалар ва доривор воситалар яратилгани маълум [2,3]. Айниқса, уларнинг таркибида бўлган полиизопреноидларга қизиқиш йилдан йилга ортиб бормоқда. Бундай изланишлар илгари фақат Япония, Америка олимлари томонидан олиб борилган бўлса, ҳозирги кунга келиб Россия ва Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам олиб борилмоқда [4-6]. Бунга сабаб уларнинг кам заҳарлилик даражаси ва кенг биологик фаолликга эгалиги ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистонда академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институтида Malvaceae, Moraceae, Rosaceae ва Vitaceae оиласига мансуб ўсимликлар полипреноллари ни ўрганиш бўйича тадқиқотлар амалга оширилмоқда [7,8].

Alcea nudiflora L. ўсимлиги Malvaceae оиласига мансуб бўлиб республикамизда кенг таркалган. Илмий манбаларда кўрсатилишича ўсимликларда доривор маҳсулотларнинг тўпланишига ташқи муҳит ҳам таъсир этиши таъкидланган. Тадқиқотларимизни Наманган, Тошкент ва Самарканд вилоятларида ўсувчи *Alcea nudiflora* ўсимликлари устида олиб бордик. Олинган натижаларимиз асосида, *Alcea*

nudiflora ўсимлиги полипреноллари ўсиш ҳудудига қараб миқдорий жиҳатдан фарқланиши ва Наманган вилояти ҳудудларидан терилган ўсимлик намуналари, полиизопреноидларга бой эканлигини илмий асосландик. Шунга кўра, кейинги тадқиқотларимизни Наманган вилояти ҳудудида ўсувчи ўсимликнинг пишиш даврида йиғилган барглари билан олиб борилди [9].

Изланишларимиз натижасида, Malvaceae оиласига мансуб *Alcea nudiflora* L. – ўсимлиги баргларидан ажратиб олинган полипреноллар асосида «Преналон» воситаси яратилди.

Alcea nudiflora L. - ўсимлиги полипреноллари асосида яратилган дори воситаси Преналон олиш учун ўсимликнинг қуритилган барглари 96%-ли этил спирти билан экстракция қилинди. Олинган спиртли экстрактни ишқорий гидролиз қилиб, нейтралл моддалар йиғиндиси 5,1 % унум билан ажратиб олинди.

"Преналон" воситасининг таркибида ППлар (>35%), токофероллар (>6%), каротиноидлар (3,0% кам эмас), стеринлар (>20%), терпеноидлар (>25%) ва углеводородлар (>10%) борлиги ЮССХ, ЮСЮҚХ, СФ (спектро-фотометрик) усуллар ёрдамида аниқланди [10].

Профессор В.Н. Сыров бошчилигидаги институтимиз фармакология ва токсикология бўлими ходимлари томонидан "Преналон" воситасини ошқозонга турли ульцероген таъсирлар (ацетилсалицил кислота, этанол, сирка кислота, резерпин, атофан в.б.) натижасида ҳосил бўлган ошқозоннинг шиллиқ пардаси ва тери дефектларининг регенерация жараёнларига, шунингдек, гепатитнинг кечишига таъсири ўрганилган.

Фармакологик текширувларга кўра «Преналон» нинг юқори регенераторлик хусусиятлари ошқозон шиллиқ қавати, тери хўжай-ралари ва заҳарли гепатит билан жароҳатланган каламушларда ўтка-зилган тадқиқотларда исботланди [11]. "Преналон" воситаси шунингдек, ошқозоннинг сурункали яра касалликларида ошқозон шиллиқ пардаси нуқсонларининг битишини тезлатиши кузатилди. "Преналон" воситасининг ярага қарши таъсир қилиш механизми ошқозон шиллиқ пардаси резистентлигининг ортиши билан тушунтирилган. Шунингдек, ошқозон девори тўқималарида пластик жараёнларнинг кечишига ижобий таъсир кўрсатиши ҳисобига регенерациялаш омиллари фаоллашиши, ҳайвонлар организмига CCl_4 таъсирида пайдо қилинган чуқур токсик гепатитнинг гепатотоксик таъсирини камайтириши ва жигарда регенерация жараёнларининг кучайишини таъминлаши аниқланди. Бу воситанинг ўткир ва сурункали заҳарлилигини ўрганиш унинг ҳеч қандай салбий томонлари йўқлигини кўрсатди.

Юқоридаги натижаларга кўра, *Alcea nudiflora L.* ўсимлиги баргларидан олинган "Преналон" воситаси юқори регенераторлик қобилиятга эга ва ҳеч қандай салбий таъсирларни кўрсатмайди, LD_{50} = 5500-6300 мг/кг. Шуларга кўра уларни регенерация жараёнларини тезлатувчи юқори самарали восита сифатида қўллаш учун тавсия этилди.

Тадқиқотимиз натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, ажратиб олинган полипреноллар радиопротекторлик, иммуномодуляторлик хусусиятлари бўйича Иммунал препарати, улар асосида яратилган Преналон воситаси гастропротекторлик, гепатопротекторлик, теридаги жароҳатлар битишига ва

моддалар алмашинувига самарали таъсири бўйича “Фоспренил” доривор воситаси ўрнида қўлланилиши мумкинлиги фармакологолар томонидан тасдиқланган. Тадқиқот натижалари маҳаллий ўсимлик хом ашёси асосида самарали доривор воситалар ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рахматова М.Ж. Нейтральные вещества растений *Alcea nudiflora* и *Alcea rosea* / Автореферат диссертации. –Ташкент, ИХРВ, 2018.
2. Хидырова Н.К., Шахидоятов Х.М. Полипренолы растений и их биологическая активность. Химия природ.соедин. 89(2002)
3. Патент России № 2336889 от 27.10.2008. Способ получения биологически активной Т.А., Малыхин Е.В., Кукина Т.П., Попов С.А., Серебров В.В., Чибиряев А.М. липидной фракции экстракта древесной зелени пихты сибирской (*Abies sibirica*) // Ваганова
4. Swiezewska E., Chiojnacki T. Long-chain polyprenols from *Potentilla aurea* //Phytochemistry. -Oxford, 1991. –V.30. -N1.-P.267-270.
5. Кукина Т.П., Баяндина И.И., Л.М.Покровский. Неполярные компоненты экстрактов зверобоя продырявленного.// Химия растительного сырья. - Барнаул, 2007. -№3. -С.39-45.
6. Khidyrova N.K., Rakhmatova M.Zh., Kukina T.P., Shakhidoyatov Kh.M. Polyprenols and triterpenoids from leaves of *Alcea nudiflora* // Chemistry of Natural Compounds. -New-York, Springer, 2012. -V.48. -P.180.
7. Ван Е., Хидырова Н.К., Шахидоятов Р.Х. Изучения полиизопреноидов листьев растений *Althaea armeniaca* // Химия природ.соедин. -Ташкент, 2007. -№4. -С.387-388.
8. Zokirova U.T., Khidyrova N.K., Mamatkulova N.M., Khodjaniyazov Kh.U., Shakhidoyatov Kh.M. Polyprenols of Grape Vitis vinifera L. Leaves // International Journal Biochemistry Research&Review. -2013. -3(2). –P.97-106.
9. Рахматова М.Д., Хидирова Н.К., Шахидоятов Р.Х., Шахидоятов Х.М. Полипренолы листьев различных форм растения *Alcea nudiflora* // Илмий мақолалар тўплами. -Наманган, 2009. –Б.50-53.
10. Rakhmatova M.D., Mamatkulova M.N., Khidyrova N.K., Khodjaniyazov Kh.U., Mukarramov N.K. Accumulation dynamics of polyprenols in *Alcea nudiflora:* identification and comparative HPTLC analisis // International journal of Science and Research Metohodology // Human Journals (India). -2016. -V4. -№4. –P.82-91.
11. Сыров В.Н., Вайс Е.В., Рахматова М.Ж., Хидырова Н.К., Шахидоятов Р.Х., Хушбактова З.А.. Результаты экспериментального изучения иммунотропного действия полипренолов, выделенных из *Alcea nudiflora*. Хим.фарм.журнал.Т.50, №1, стр.24-27.2016. Москва.

ЛАБОРАТОРИЯ ВА УЙ ШАРОИТИДА ОРГАНИК ЧИҚИНДИЛАРДАН БИОГАЗ ОЛИШ

Д.И. Қосимов, С.И. Куканова, Л.И. Зайнитдинова
Ўз РФА Микробиология институти
тел: +90 931-01-09 e-mail: diyor-qosimov91@mail.ru

Аннотация: *Йирик шоҳли қорамол гўнги, ҳар хил озиқ-овқат маҳсулотлари чиқиндиларидан ҳамда фермер хўжаликлари чиқиндиларидан анаэроб бижғиш ёрдамида ёз фаслида лаборатория ҳамда дала шароитларида биогаз олинди. Ушбу ишда 5 л ҳажмга эга метантенк ва 200 л ҳажмга эга биогаз қурилмасидан фойдаланилди. Ушбу биореактор хонадоннинг инсон учун хавфсиз бўлган жойига ўрнатилди.*

Калит сўзлар:*биогаз, метан, ЙШҚ гўнги, биореактор*

ПОЛУЧЕНИЕ БИОГАЗА В ЛАБОРАТОРНЫХ И ДОМАШНЫХ УСЛОВИЯХ

Д.И.Косимов,С.И.Куканова, Л.И.Зайнитдинова
Институт Микробиологии АН РУз
тел: +90 931-01-09 e-mail: diyor-qosimov91@mail.ru

Аннотация: *Из навоза крупно-рогатого скота и различных домашних бытовых отходов и отходов фермерских хозяйств получен биогаз с помощью анаэробного сбраживания в лабораторных а также, полевых условиях,в летние месяцы. Для лабораторных опытовиспользовали лабораторный метантенкобъемом 5 л, для укрупненныхсмонтирована биогазовая установка объемом 200 л. Так называемый биореактор был установлен с соблюдением мер безопасности.*

Ключевые слова: *биогаз, метан, навоз КРС, биореактор.*

BIOGAS PRODUCTION IN LABORATORY AND HOME CONDITIONS

D.I. Kosimov, S.I. Kukanova, L.I. Zaynitdinova.
Institute of Microbiology of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan
phone: +90 931-01-09 e-mail: diyor-qosimov91@mail.ru

Annotation. *From cattle manure and various household waste and farm waste, biogas was obtained using anaerobic digestion in the laboratory as well as in the field in the summer months. For this work, a laboratory 5-liter digester was used. and installed a 200 liter biogas plant. The so-called bioreactor is installed in the safest place in the plot.*

Keywords: *biogas, methane, cattle manure, bioreactor*

Введение. Биогаз образуется, в результате разложения органическоговещества микроорганизмами в условиях отсутствия кислорода, так называемый процесс анаэробного брожения. В процессе получения биогаза участвуют различные микроорганизмы взаимодействиекоторыйх приводят к разложению сложных органических соединений таких как углеводы, жиры и белки на финальные продукты: метан и углекислый газ. Этот процесс происходит естественным путём во-многих средах с ограниченным доступом кислорода, например, на болотах, рисовых

полях и в желудке жвачных животных[1]. Именно этот естественный процесс используется в биогазовой установке, где органические материалы, такие как шламы от очистки сточных вод, навоз, зерновые и пищевые отходы помещают или закачивают в полностью герметические контейнеры или камеры брожения (реакторы). Первоначальный биогаз в основном состоит из метана и углекислого газа, а также небольшого количества азота, аммиака и сероводорода. В дополнение к биогазу, образуется осадок богатый питательными веществами, который может быть использован в качестве удобрения.

Основной особенностью анаэробного разложения органических субстратов, является сложная структура участвующих в таких превращениях микробных сообществ, составляющих своеобразную «пищевую цепь» [2]. Микробные популяции, преобразующие целлюлозыу в биогаз, таксономически разнообразны и могут развиваться в психрофильных, мезофильных и термофильных условиях, однако, при этом, в основном, происходят исходные типовые реакции [3]. Состав и стабильность микробного сообщества, следовательно, и эффективность всего процесса образование биогаза, зависят от состава питательной среды, условий культивирования (температура,pH), состава и структуры органического субстрата, скорости загрузки органического вещества в ферментер, времени удержания твердого вещества и ряда других факторов [4-5].

Микробное сообщество может включать в себя до 60 различных видов бактерии и архей, развивающихся в анаэробных условиях [6]. Взаимодействие этих микроорганизмов обусловлено их трофической взаимосвязью, обменом факторами роста, воздействием физиологически активных веществ [7-8].

Метанобразующие микроорганизмы (метаногены) – это строгие анаэробы, представляющие доминирующую группу архей(*Archaea*) из филума *Euryarchaeota*,включенных в пять порядков *Methanobacteriales, Methanococcales, Methanosarcinales, Methanomicrobiales и Methanopyrales*[9-10].

Целью исследований являлась оптимизация выхода биогаза из смеси домашних отходов и различных отходов животноводства и растениеводства.

Основная часть. *Материалы и методы.* В качестве объекта исследований использовался отходы крупно-рогатого скота, высшие водные растения (пистия), куриный помет, а также, в натурном экспременте отходы плодов и овощей и отходы домашнего хозяйства применяемые для получения биогаза.

В работе использовались питательные среды МПА, МПБ и среда Эндо производства HiMedia (Индия). среда Гильтая, Чапека-Докса, среда Гетчинсона, среда Омелянского, среда Постгейта «С», среда Баркера.

Определение количества микроорганизмов в 1 г (1 мл) исходного субстрата проводили методом серийных разведений с высевом на твердые и жидкие среды [11].

Лабораторные эксперименты по получению биогаза проводили в лабораторных метантенках объемом 5 литров. Метантенки, загруженные субстратом помещали в термостат при температуре 37°С.

Подготовка сырья. На эффективность работы БГУ большое влияние оказывает предварительная подготовка исходного субстрата. Чем меньше размеры частиц

органических компонентов исходного сырья, тем больше их удельная поверхность и собственные происходят процесса сбраживания [12].

Результаты и их обсуждение. Исследования по получению биогаза из вышеуказанных остатков проводились в модельных опытах в лабораторных метантенках. В качестве субстрата мы использовали куриный помет, который относится ко второму классу токсичности промышленных отходов и является опасным отходом птицеводческих хозяйств. Это обусловлено тем, что свежий птичий помет, как правило, содержит ряд опасных болезнетворных бактерий.

В течение всего периода испытаний нами отбирались пробы на содержание метана и отмечались максимальные показатели давления.

Нами проведены лабораторные исследования по получению биогаза из композитной смеси органических отходов куриного помета фермерского хозяйства, а также отработанной биомассы высших водных растений в разных температурных режимах.В работе использовалась активная ассоциация метанобразующих микроорганизмов, полученная в результате адаптации. Изучение динамики процесса сбраживания установило, что применение такой композиции органических отходов значительно повышает выход биогаза. Так, уже на 1 сутки давление в рабочей емкости ферментера составляло 2атм и до 20 суток держалось на уровне 3-4 атм при использовании органических отходов домашнего хозяйства (рис.1). При использовании органических отходов фермерского хозяйства первые трое суток проходит процесс адаптации использованной ассоциации к субстрату и наблюдается задержка в образовании газа, что связано, по-видимому, с повышенным содержании в использованном помете остатков антибиотиков, используемых для корма и других ингибиторов роста микроорганизмов (рис.2). Кроме того, высокий выход газа имел большую продолжительность по времени и содержание метана в нем достигало 56%.

Как известно, в зависимости от температуры протекания процесса метановые бактерии разделяют на мезо- и термофильные. Оптимальная температура для мезофильных бактерий от 30 до 40 °С, а для термофильных от 50 до 60 °С. В целом термофильный процесс метаногенеза идет интенсивнее мезофильного, притом в этих условиях анаэробной переработки отходов субстрат почти полностью обеззараживается от патогенной микрофлоры и гельминтов. Термофильные метаногены, обладают высокими скоростями роста, способны осуществлять интенсивный процесс метаногенеза и в связи с этим, рассматриваются в настоящий момент в качестве наиболееперспективных объектов для использования в биотехнологии.




Рис. 1. Куриный помет+пистия (55⁰ С).




Рис. 2. Куриный помет+пистия (37⁰ С).

Термофильные метанобразующие бактерии родов *Methanobacterium*и *Methanosarcina*являются основными компонентами термофильного анаэробного сообщества микроорганизмов, осуществляющего деструкцию органического вещества до метана. Установлено, что в термофильном процессе заметно меняются показатели давления и увеличивается объем образуемого биогаза, а также продолжительность процесса. Проведенный нами сравнительный анализ динамики процесса метаногенез в термофильных и мезофильных условиях установил, высокую степень интенсивности образования биогаза в термофильных условиях.

В результате проведенных исследований выявлено, что при сбраживании смеси куриного помета с измельченными высшими водными растениями достигается увеличение выхода биогаза в термофильных условиях (табл. 2). Уже в первые сутки давление в рабочем анаэростате поднимается до 1,5-2,3 атмосфер, однако содержание метана довольно низкое. На 10 сутки содержание метана достигает 53 %, после чего активность незначительно снижается. Следует отметить, что процесс образования метана продолжалсядо конца опыта. Отмечается увеличение CO_2 в составе биогазовой смеси в термофильных условиях, что связано с тем, что при высоких температурах растворенная в субстрате двуокись углерода интенсивнее переходит в газовидную фазу (в биогаз).

Таблица 2

Результаты хроматографического анализа проб (%)

Наименованиеобразца	сутки	CH_4	N_2	CO_2	Прочие
Смешанный субстрат куриного помета фермерскогохозяйства и отработанной биомассы пистии, 55^0C	2	31,92	3.0	49.17	<10
	6	39,29	2.8	47.12	<10
	10	53,0	2.0	34.47	<10
	16	56,1	-	33.68	<10
Смешанный субстрат куриного помета фермерского хозяйства и отработанной биомассы пистии, 35^0C	2	-	-	47,35	<10
	6	36,63	5.6	37.79	<10
	10	53,11	4.8	33.89	<10
	16	54,28	1.2	28.14	<10

По завершении процесса метанообразованиябыл проведен анализ на наличие патогенных микроорганизмов. Обсемененность исходного субстрата микроорганизмами группы кишечной палочки и стафилококками составляла $8{,}6\cdot10^5$ кл/г и $9{,}8\cdot10^5$кл/г соответственно. Установлено, что наблюдается как в жидкой фазе, так и в твердой фазе полученного в результате метанового брожения шламаснижение общего количества микроорганизмов семейства *Enterobacteriaceae(Salmonella и E.coli)*и стафилококков (рис 3).




Рис 3.Сравнительный анализ наличия патогенных микроорганизмов в исходном субстрате и в шламе после биогазификации.

Таким образом полученные результаты свидетельствуют о значительном снижение патогенности отходов и возможности их дальнейшего использования в качестве удобрений.

Полученные результаты характеризуют улучшение санитарно-гигиенических показателей полученных биоудобрений.

Следующим этапом наших исследований было проведение натурных испытаний на базе домашнего хозяйства.

На основе проведенных ранее лабораторных экспериментов была смонтирована установка общим объемом 200 литров, включающая реактор

анаэростати отводы для выпуска газа. Установка была смонтирована на основе имеющегося в хозяйстве материалов.

Натурные испытания были проведены в Самаркандской области, Нарпайского района, Нарпайская махалля, Галакассобское сельское место.

В качестве субстрата для получения биогаза использовалась смесь отходов КРС и различныхотходов домашнего хозяйства. Известно, что в Узбекистане летом температура поднимается до 40-42°Сднем, а вечером 25-28°С. **Состав используемого сырья:** 40кг КРС, 4 кг птичий помёт, 1 кг отходов картофеля, 1 кг яблочной кожуры, 1 кг морковной кожуры, 2,5 л помоев, 100 гд рожжей, 100 л воды, 15 л мочи КРС. Отходы пищевых продуктов вначале были высушены под солнцем, измельчены в ручном режиме до состояния порошка и смешаны с вышеуказанными продуктами. с добавлением 100литровводы. Чтобы ускорить процесс брожения в данную смесь было добавлено 15 л мочевины КРС и 100 г дрожжей. Затем эту смесь залили в бочку и герметично закрыли крышку реактора.

Надо отметить, данный биореактор установлен в наиболее безопасном месте участка.Данный эксперимент проведен в полевых условиях при значительных колебаниях температуры(сред. Т25°С (ночью)- и до 41 °С(днем). Наблюдения проводились ежесуточно. Начиная с 11 суток начал выделяться газ. Со временем, в составе выделенного газа содержание метана возросло (рис 5).




Рис 5. Показатели давления в натурном эксперименте.

В результате испытаний выяснилось, начиная со дня выделения газа, в течении двух недель количество выделяемого газа постепенно уменьшалось. Эксперимент длился 45 суток. В конце испытаний сырьё выгружено из реактора. Отмечено улучшение органолептических свойств, так в начале исследования запах смеси был очень сильный, а в конце стал слабо выраженный, что говорит о процессах биоконверсии, происходящих под действием аборигенного метанногенного сообщества. Полученный биогаз был успешно применен для газовой плиты.

Таким образом, проведенные натурные эксперименты показали щирокие возможности применения различного рода отходов для получения биогаза.

Литература:

1. Производства биогаза в Республики Беларусь и Швеции, обмен опытом. Отчет о выполнение проекта, 2012, 5с.
2. Ferry J.G. Fundamentals of methanogenic pathways that are key to the biomethanation of complex biomass// Curr. Opinion Biotechnol. 2011. V. 22.№3. P. 351–357.
3. Smiti N., Ollivier B., Garcia J.L. // FEMS Microbiol. Lett. 1986. V. 35. № 1. P. 93–97.

4. Levйn L., Eriksson A.R.B., Schnurer A. // FEMS Microbiol. Ecol. 2007. V. 59. № 3. P. 683–693.
5. Wijekoon K.C., Visvanathan C., Abeynayaka A. //Bioresour. Technol. 2011. V. 102. № 9. P. 5353–5360.
6. ЗаварзинГ.А. // Микробиология. 1997. Т. 66. № 5.С. 669–673.
7. Stams A.J.M. // Antonie van Leeuwenhoek. 1994. V. 66.№1–3. P. 271–294.
8. ЗаварзинГ.А. // Микробиология. 1989. Т. 51. № 6.С. 3–14.
9. Boone D.R., Whitman W.B., Rouviere P. Methanogenesis: Ecology, Physiology, Biochemistry and Genetics /Ed. J.G. Ferry. N.Y.: Chapman & Hall, 1993. P. 35–80.
10. Liu Y. Handbook of Hydrocarbon and Lipid Microbiology / Ed. K.N. Timmis. Berlin: Springer,2010. P. 549–558.
11. Нетрусов. А.И. Практикум по микробиологии // М., Академия, 2005, 355с.
12. Rude M.A., Scjirmer A. New microbial fuels: a biotech perspective// Curr. Opin. Microbiol. 2009.V. 12. № 3. P. 274–281.

03.00.00 БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

ТУРЛИ ЭКОЛОГИК ШАРОИТЛАРДА ТУРЛАРНИНГ РИВОЖЛАНИШ МАРОМЛАРИ

Имирсинова Азизахон Ашуровна
Андижон давлат университети
Биология фанлари номзоди, доцент
Тел. +998944067557; e-mail: aziza1975@mail.ru
Маткаримов Жохонгир Солайдинович
Андижон давлат университети
Катта ўқитувчи
Тел. +998944316916; e-mail: jmatkarimov84@gmail.com

***Аннотация**: Мақолада табиий ва интродукция шароитидаги Hordeum L. туркумига кирувчи турларнинг фенологик кузатиш натижалари таҳлил қилинган. Тадқиқотдаги турлар кенг тарқалиш хусусиятига эга эканлигини уларнинг ҳар қандай экстремал шароитга тез мослаша олиши, айниқса, ёввойи турларнинг ҳар қандай шароитга тез мослашиб, ҳосил бериши илмий асосланган.*

***Калит сўзлар:** Poaceae Barnh. оиласи, Triticeae Dum. трибаси, Hordeum bulbosum Torn., H. brevisubulatum Link., H. leporinum Link., H. spontaneum C.Koch., H. vulgare L. Sp. pl. "Қизилқўрғон", "Навасадский-525", "Compast", Hordeum jubatum L., H. bogdanii Wilen., H. geniculatum All.*

РИТМ РАЗВИТИЯ ВИДОВ В РАЗЛИЧНЫХ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ

Имирсинова Азизахон Ашуровна
Андижанский государственный университет
Кандидат биологических наук, доцент
Тел. +998944067557; e-mail: aziza1975@mail.ru
Маткаримов Жахонгир Солайдинович
Андижанский государственный университет
Старщый преподаватель
Тел. +998944316916; e-mail: jmatkarimov84@gmail.com

Аннотация:** В статье проанализированы результаты фенологических наблюдений видов рода Hordeum L. в природе и условиях интродукции. Научно обоснованы их широкий спектр распространения среды обитания, способность адаптации к любым экстремальным условиям, особенно, быстрое адаптация любым условиям и репродуктивные способности диких видов.Ключевые слова:** Семейство Roaseae Barnh., триба Triticeae Dum., Hordeum bulbosum Torn., H. brevisubulatum Link., H. leporinum Link.,*

H. spontaneum C.Koch., H. vulgare L. "Кизил курган", "Навасадский-525", "Compast", Hordeum jubatum L., H. bogdanii Wilen., H. geniculatum All.

THE RHYTHM OF SPECIES DEVELOPMENT IN DIFFERENT ENVIRONMENTAL CONDITIONS

Imirsinova Azizaxon Ashurovna
Andijan State University
Candidate of Biological Sciences (PhD), docent
Тел. +998944067557; e-mail: aziza1975@mail.ru

Matkarimov Johongir Solaydinovich
Andijan State University
Senior teacher
Tel.: +998944316916; e-mail: jmatkarimov84@gmail.com

Annotation: *The article presents the Hordeum L. in natural and introduced conditions, the results of phenological observation of the species included in the category are analyzed. It is scientifically based on the fact that the species involved in the study have a wide range of habitats, their ability to adapt quickly to any extreme conditions, especially wild species, to adapt quickly to any conditions and produce.*

Keywords: *The family Roaseae Barnh., tribe Triticeae Dum., Hordeum bulbosum Torn., H. brevisubulatum Link., H. leporinum Link., H. spontaneum C.Koch., H. vulgare L. "Kizil Kurgan", "Navasadsky-525", "Compast", Hordeum jubatum L., H. bogdanii Wilen., H. geniculatum All.*

Ҳозирги кунда Республикамизда чорвачилик тармоғини ривожлантириш учун чорвачилик озуқа базасини мустаҳкамлаш ва истиқболли ем-хашак ўсимлик турларини амалиётга жалб этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, жумладан, ем-хашак экинларининг янги навларини яратиш, ноанъанавий ем-хашак ўсимликларини интродукция қилиш ва инқирозга учраган яйловлар ҳосилдорлигини ошириш борасида муайян натижаларга эришилди. Шу билан бирга, чўл яйловларидан унумли фойдаланиш ва яйлов чорвачилигини янада ривожлантириш учун мавжуд ем-хашак ўсимликларини аниқлаш ва улардан фойдаланиш истиқболларини баҳолаш бўйича илмий асосланган натижалар талаб этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида[1] «... чорвачилик тармоғи озуқа базасини тизимли асосда мустаҳкамлаш, чорвачилик хўжаликлари ва ташкилотларини юқори сифатли озуқа билан барқарор таъминлаш» вазифалари белгилаб берилган.

Poaceae L. оиласининг *Triticeae* Dum. трибасига кирувчи турларининг биоэкологиясини ўрганиш Ўзбекистон яйловларидаги ўсимликларнинг табиий

[1]Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги 845-сонли қарори.

популяциялари ҳолатини яхшилаш ҳамда биологик хилма-хиллигини сақлаш борасидаги тадқиқотлар қаторига киради.

Тадқиқот объекти сифатида Poaceae Barnh. оиласи *Triticeae* Dum. трибасининг *Hordeum* L. туркумидан *Hordeum bulbosum* Torn., *H. brevisubulatum* Link., *H. leporinum* Link., *H. spontaneum* C.Koch., *H. vulgare* L. Sp. pl. (“Қизилқўрғон”, “Навасадский-525”, “Compast" навлари) танланган.

Ўзбекистон флорасида арпа (*Hordeum* L.) туркумига мансуб 7 та тур ёввойи ҳолда ўсади, улардан 4 таси кўп йиллик: *Hordeum jubatum* L., *H. bogdanii* Wilen., *H. brevisubulatum* Link., *H. bulbosum* Tron.; 3 таси эса бир йиллик: *Hordeum leporinum* Link., *H. geniculatum* All., *H. spontaneum* C.Koch ўт ўсимликлардир [6; 298-299-б.].

Экспедициялар давомида Тошкент вилояти ва Фарғона водийсидан терилган уруғлар Андижон давлат университети Ботаника боғи шароитида (2015-2016 йй.) бир хил муддат (22 ноябрь)да 2 м²ли тажриба майдонларига ҳар бир уруғ ораси 5 см ҳамда чуқурлиги 3-4 см ҳолида экилиб, Б.А.Доспеховнинг [3; 174-176-б.] услубий кўрсатмаси асосида тажрибалар қўйилди. Фенологик кузатувлар Г.Н.Зайцев [4; 266 б., 93; 3-10-б.] услуби асосида олиб борилди.

Униб чиқиш фазаси. Дала шароитида уруғнинг униши учун энг қулай суткалик ҳаво ҳарорати +12 ...+16⁰ С ҳисобланса, кузатув олиб борилган 2015 йил ҳаво ҳарорати +10 ...+13⁰ С ни ташкил этди ва уруғларнинг ёппасига униб чиқиши уруғ экилгандан 6-8 кун кейин кузатилди (1-жадвал қаранг).


1-жадвал

АндДУ Ботаника боғи шароитида турларнинг ўсиш ва ривожланиши (2015-2016 йй.)

т/р	Турнинг номи	Экилган кун	Униб чиқиш	Тупланиш	Найчалаш	Бошоқлаш	Гуллаш	Доннинг етилиши		
								Сут пишиш	Мум пишиш	Тўла пишиш
1	*Hordeum* ***bulbosum***	22.11	28.11	04.12	28.03	16.04	26.04	14.05	26.05	08.06
2	*H. brevisubulatum*	22.11	29.11	05.12	29.03	15.04	27.04	17.05	25.05	09.06
3	***H. leporinum***	22.11	27.11	03.12	27.03	13.04	25.04	15.05	27.05	10.06
4	*H.spontaneum*	22.11	28.11	04.12	29.03	15.04	27.04	17.05	25.05	09.06

Тупланиш фазаси. 2015 йил кузги тупланиш фазаси 15-20 кун давом этди, шундан сўнг кишки тиним даври бошланди. Тупланиш даврида ҳаво ҳарорати +8 ...+10⁰ С бўлиб, бу ҳарорат тупланишнинг жадал суръатда ўтиши учун энг мақбул ҳарорат ҳисобланади (1-расмга қаранг).

Тупланиш фазаси баҳорда яна давом этиб, кузатилаётган турларда биринчи йилда 50-60 кундан иборат бўлди.



1-расм. Кузатув олиб борилган 2015-2016 йил бўйича Андижон вилоятининг климодиаграммаси

Найчалаш фазаси. Бу фаза ***H. leporinum*** турида биринчи бўлиб бошланди, *H. brevisubulatum* ва *H.spontaneum* да энг охирида, *H.* ***bulbosum*** да оралиқ ҳолатда амалга ошгани маълум бўлди. Найчалаш фазаси турлар бўйича кузатилганда, ўртача 20-30 кунни ташкил этди.

Бошоқлаш фазаси. Кузатув олиб борилган йилларда бошоқлаш фазаси 5-7 кун давом этди. Биринчи галда асосий поялларда бошоқлар ҳосил бўлган бўлса, 2-3 кундан кейин ён томондаги поялар бошоқлади. Тажриба майдонида бошоқлаш фазаси 3-6 кун давом этди.

Гуллаш. Гуллаш бошоқлаш фазасидан 5-6 кундан кейин бошланди. 2016 йил апрель ойида ҳаво ҳарорати ўртача +20 ...+22^0 С ни ташкил этганда турларнинг гуллаш фазаси 5 кун давом этди.

Кузатилаётган турларнинг барчасида гуллаш давомийлиги бир хил, яъни 5 кундан иборат бўлди. Демак, турларнинг гуллаш даврига ҳароратнинг таъсири юқори бўлган, дейиш мумкин.

Доннинг шаклланиши ёки доннинг тўлишиши. Сут мум пишиқлигигача бўлган давр 8-10 кунни ташкил этиб, кейинги сут мум пишиш фазаси 12 кун давом этди.

Мум пишиш фазаси. Кузатув йилларида мум пишиш даври ўртача 4-5 кун давом этиб, сўнгра доннинг тўла пишиш фазаси бошланди ва *H.brevisubulatum* ва *H.spontaneum* нинг эрта пишиши **кузатилди.**

*Hordeum туркуми турларининг ичида H.bulbosum*нинг Ўзбекистон ФА Ботаника институти олимлари томонидан [5; 22 б.] маданийлаштириш бўйича биоморфологик хусусиятлар ўрганилиб, Тошкент ва Фарғона адирларининг лалмикор ерларида ем-хашак ўсимлиги сифатида экиб ўстиришга тавсия қилинган. Интродукция шароитида уларнинг ҳосилдорлиги гектарига 15-20 центнерни ташкил

қилади. Ана шу тадқиқотларнинг давоми сифатида биз ушбу туркум вакилларини ўрганиш асосида олинган натижаларни қуйида келтириб ўтамиз:

Табиий шароитда *Hordeum spontanium* уруғларининг униб чиқиши Оҳангарон водийсида октябрь охиридан бошлаб ноябрь ойининг ўрталаригача давом этди. Об-ҳаво қулай келган 2015 йилда декабрнинг охирларига келиб ҳар бир туп ўсимлик 5-6 тадан барг ҳосил қилди, уларнинг узунлиги 10-14 см, эни 5-9 мм.ни, ўсимлик бўйи эса ўртача 7-12 смни ташкил этди. Кузнинг қулай келиши туфайли кузатувдаги ниҳоллар 2-тартибгача шохланди. Кузатув майдончасидаги ҳар бир тупдаги умумий поялар сони ўртача 3-5 тадан иборат бўлди ва шу ҳолатда қишқи тиним даврини бошлади.

Hordeum spontaniumнинг баҳорги вегетацияси *Hordeum* туркумининг бошқа вакилларига нисбатан анча эрта бошланиб, кузатув йилида (2015 й.) февраль ойининг биринчи ҳафтасига тўғри келди. Вегетация даври бошлангач, ён шохланиш жадал амалга ошди ва илдиз бўғзидаги қисқарган бўғимлардаги куртаклар ҳисобига март ойининг ўрталаригача шохланишда давом этади.

Апрель ойи охирига келиб об-ҳавонинг кескин исиб кетиши натижасида ўсимликлар вегетацияси ҳам тезлаша бошлади. Натижада, бир тупда 5-7 та генератив, 4-6 та вегетатив поялар ҳосил бўлди. Уларнинг барг узунлиги ўртача 16-20 см, эни 14-21 мм дан иборат бўлиб, бошоғи 7-12 см, остки гул қипиғининг қилтиғи 11-16 см ни ташкил этди.

Аксар буғдойдошлар каби *H. spontaniumнинг* бошоқланиш даври апрель ойининг иккинчи ярмига, гуллаш даври эса май ойининг бошларига тўғри келди. Ҳавонинг исиб кетиши ва намликнинг камайиши ҳисобига донларнинг етилиши май ойининг ўртаси-июнь ойининг бошларида кузатилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, H. spontaniumдан ем-хашак сифатида фойдаланишда бошоқлаш ва гуллаш даврида ўриб олиниши керак, чунки мевасининг етилиш даврида қилтиғи тез қотиб қолганлиги, тез синувчанлиги туфайли чорва молларининг оғзини зарарлаши мумкин.

Шундай қилиб, *H. spontanium* истиқболли ем-хашак ўсимлиги бўлиб, уни лалми ерларда маданийлаштириш муҳим амалий ва илмий аҳамиятга эгадир. Бундан ташқари ёввойи арпа маданий арпа селекцияси учун ҳам қимматли генофонд ҳисобланади, у ҳозирги маданий арпа навларининг қадимги аждоди ҳисобланади.

Демак, Ўзбекистоннинг адир ва тоғ олди ҳудудларида бошоқдошлар оиласининг кўп йиллик ва бир йиллик турларини лалми ерларда маданийлаштириб, қимматли ем-хашак ўсимлиги ҳамда тупроқ унумдорлигини оширувчи омил сифатида фойдаланиш мумкин.

Андижон вилоятининг адир ва тоғ олди ҳудудларида олиб борилган кузатувларимиз натижасида турларнинг ўсиш ва ривожланиш даврини кузатиш бироз қийин кечганини айтиб ўтиш жоиз. Чунки, ушбу оила вакилларига хос бўлган бир белги борки, у ҳам бўлса уруғ униб чиқиши ва майса даврида турларни ажратиб олиш ниҳоятда қийин, морфологик жиҳатдан бир-бирига жуда ўхшаш бўлади. Шунинг учун тадқиқотларимизнинг дастлабки йилларида ушбу турлар қаерда

ўсаётганлигини яхшилаб ўрганиб олдик, керакли майдонларга белгилар қўйиш орқали турларни униб чиқиш давридан кузатиш имконига эга бўлдик.

Ex-sity шароитида ўрганилаётган турлар ичида энг эрта муддатда ***H. leporinum*** уруғларининг униб чиқиши кузатилган бўлса, табиий муҳитда *H. brevisubulatum* нинг униб чиқиши энг эрта амалга ошди (2-жадвалга қаранг).

2-жадвал

Табиий шароитда турларнинг ўсиш ва ривожланиш даврлари (2015-2016 йй.)

т/р	Турнинг номи	Ривожланиш даврлари, кун					
		Униб чиқиши	Майсалашдан тупланишгача	Тупланишдан найчалашгача	Найчалашдан бошоқлашгача	Бошоқлашдан гуллашгача	Гуллашдан пишишгача
1	*Hordeum* ***bulbosum***	20.10	24	97	35	23	26
2	*H.brevisubulatum*	19.10	23	95	34	22	25
3	***H. leporinum***	21.10	21	95	33	21	28
4	*H.spontaneum*	21.10	20	90	30	20	26

Ўрганилаётган турларда майсалашдан тупланишгача 20-24 кун, тупланишдан найчалашгача 90-97 кун, най чиқаришдан бошоқлаш давригача 30-35 кун, бошоқлашдан гуллашгача 20-23, гуллашдан пишишгача эса 23-27 кунни ташкил этди.

Униб чиқиш фазаси. Дала шароитида уруғнинг униши учун энг қулай суткалик ҳаво ҳарорати +12 ...+16^0 С ҳисобланса, кузатув олиб борилган 2015 йил ҳаво ҳарорати +12 ...+14^0 С ни ташкил этди. Демак, ушбу йилда ўсимликларнинг ривожланиши учун қулай ҳаво ҳарорати мавжуд бўлган. Бу эса, тиним даврида бўлган тадқиқот объектларининг униб чиқиши қулай имконият бўлиб, тўлиқ униб чиққан уруғларнинг майсалари шаклланиши учун мақбул шароитни келтириб чиқарган.

Тупланиш фазаси. 2015 йил тупланиш фазаси 18-25 кун давом этди, чунки ҳаво ҳарорати +10 ...+15^0 С бўлиб, бу ҳарорат тупланишнинг жадал суръатда ўтиши учун энг қулай ҳарорат ҳисобланади. Тупланиш фазаси баҳорда яна давом этиб, кузатилаётган турларда биринчи йилда 45-55 кундан иборат бўлди.

Найчалаш фазаси. Бу фаза *Hordeum brevisubulatum* турида биринчи бўлиб бошланди, қолган турларда эса бу фаза бир мунча кейин, ***H. leporinum,*** *H.*

*spontaneum*да эса оралиқ ҳолатда бўлди. Найчалаш фазаси турлар бўйича кузатилганда, ўртача 20-30 кунни ташкил этди.

Бошоқлаш фазаси. Интродукция шароитидаги каби табиий муҳитда ҳам кузатув йилларида бошоқлаш фазаси 5-7 кун давом этди. Биринчи галда асосий поялларда бошоқлар ҳосил бўлган бўлса, 2-3 кундан кейин ён томондаги поялар бошоқлади. Тажриба майдонида бошоқлаш фазаси 3-6 кун давом этди. Биринчи галда асосий поялларда бошоқлар ҳосил бўлган бўлса, 2-3 кундан кейин ён томондаги поялар бошоқлади.

Гуллаш. Бошоқлашдан гуллашгача бўлган давр ўртача 20 кундан иборат бўлиб, аксарият турларда гуллаш бошоқлаш фазасидан 7-10 кундан кейин бошланди. Табиий муҳитда ҳам турларнинг гуллаши апрель ойининг охирлари, май ойининг бошларига тўғри келиб, ҳаво ҳарорати ўртача +20 ...+22^0 С ни ташкил этганда, турларнинг гуллаш фазаси ўртача 4-7 кун давом этди.

Доннинг шаклланиши ушбу турларда ҳам мум, сут ва тўла пишиш даврларини ўз ичига олади ва юқорида айтиб ўтилгандек ушбу давр 24-27 кун давом этгани кузатилди (2-жадвалга қаранг).

Шунда сут мум пишиқлигигача бўлган давр ўртача 8-10 кунни ташкил этиб, кейинги сут мум пишиш фазаси 12 кун давом этди. Мум пишиш даври ўртача 4-5 кун давом этиб, сўнгра доннинг тўла пишиш фазаси бошланди ва *H.brevisubulatum* турида доннинг эрта пишиши **кузатилди.** *Hordeum* ***leporinum,*** *H. spontaneum* турлари эса энг кеч пишган турлар эканлиги аниқланди.

Хулоса қилиб айтганда, буғдойдошлар оиласи вакилларининг кенг тарқалиш хусусиятига эга эканлигини уларнинг ҳар қандай экстремал шароитга тез мослаша олиши билан изоҳлаш мумкин. Онтогенез босқичлари ва фенологик кузатувлар ўзаро бир-бирига солиштирилганда, ёввойи турларнинг ҳар қандай шароитга тез мослашиб, ҳосил бериши мумкинлигини кўрсатади.

Ташқи муҳит омилларининг турли таъсирларига жавобан ўсимликларда рўй берадиган морфологик реакцияларни ўрганиш уларнинг ноқулай шароитларда яшаб қолиш учун қўллайдиган тактика ва стратегияларини аниқлашда муҳим ҳисобланади. Бунинг натижасида турли ўсимликларни турли стрессларга қандай жавоб қайтаришини аввалдан баҳолаш имкони пайдо бўлади [2; 22 б.].

Фенологик кузатувларни табиий ва *ex-sity* шароитида ўрганиш натижасида айтиш мумкинки, ўрганилган ёввойи турларнинг ривожланиш маромлари, яъни ўсув даври *ex-sity* шароитида бироз қисқарди (10 кунгача).

Ex-sity шароитида ўсув даврининг қисқаришини, турларда онтогенезнинг у ёки бу босқичига ҳаво ҳароратининг таъсири билан ифодалаймиз. Чунки, табиий шароитдаги ўсимликлар намликни асосан йиллик ёғинлар ҳисобига олса, биз Тошкент, Ангрен ва Андижон шароитида агротехник тадбир сифатида суғориш ишларини қўшимча ташкил этдик ҳамда ўсимлик уруғларини асосан октябрь ойининг ўрталарида экдик. Табиий шароитда эса уруғлар ёзда пишиб етилиб, тупроққа тушгани бўйича тиним даврида бўлади. Бу эса уруғ физиологиясининг тўлиқ шаклланишига олиб келади, дейиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 октябрдаги «Чорвачилик ва балиқчилик тармоқларининг озуқа базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирларида тўғрисида»ги 845-сонли қарори.
2. Бўранова М.О. Ўзбекистон жануби шароитида *Lipskya insignis* (Lipsky) Nevskiнинг биоэкологик хусусиятлари. Биол. фан. фалс. док. (PhD) ... дис. автореф. – Қарши, 2018. – 22 б.
3. Доспехов Б.А. Методика полевого опыта. – М.: Колос, 1979. -С. 174-176.
4. Зайцев Г.Н. Методика биометрических расчетов. – М.: Наука, 1973. -266 с.
5. Махмудов В.М. Биоморфологические особенности дикорастущих многолетних злоков, перспектовных для введения в культуру на адырах Узбекистана: Автореф. дисс…. канд. биол. наук. – Ташкент, 1986. -22 с.
6. Флора Узбекистана. – Т.: АН СССР. Узб. Филиал. – Т. 1. 1941. -С. 298-299.

ТУПРОҚЛАРНИНГ СУВ-ФИЗИК ХОССАЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВА УЛАРНИ ЛАБОРАТОРИЯ ШАРОИТИДА АНИҚЛАШ

Каттаева Гулноза Норқуловна
Тупроқшунослик ва агрокимё илмий-тадқиқот институти
кичик илмий ходим.

Аннотация: *Ушбу мақолада Тошкент шаҳар Олмозор тумани тупроқларини, сув-физик хоссалари, ҳажм массаси, донадорлиги, говаклиги, солиштирма ҳажм массаси лаборатория шароитида ўрганилган. Тупроқнинг сув-физик хоссалари иқлим шароитлари билан бевосита боғлиқлиги аниқланган.*

Таянч сўзлар: *тупроқ, сув-физик хоссалари, лаборатория, гигроскопик намлик, максимал гигроскопик намлик.*

ИЗУЧЕНИЕ ВОДНО-ФИЗИЧЕСКИХ СВОЙСТВ ПОЧВ И ИХ ОПРЕДЕЛЕНИЕ В ЛАБОРАТОРНЫХ УСЛОВИЯХ

Каттаева Гулноза Норқуловна
Научно-исследовательский институт почвоведения и агрохимии
младший научный сотрудник

Аннотация: *В данной статье в лаборатории были изучены водно-физические свойства, объемная масса, зернистость, пористость, уделенная масса грунтов Алмазарского района города Ташкента. Было установлено, что водно-физические свойства почвы напрямую связаны с климатическими условиями.*

Ключевые слова: *почва, водно-физические свойства, лаборатория, гигроскопическая влажность, максимальная гигроскопическая влажность.*

STUDY OF WATER-PHYSICAL PROPERTIES OF SOILS AND THEIR DETERMINATION IN THE LABORATORY

Kattayeva Gulnoza Norkulovna
Research Institute of Soil Science and Agro chemistry

Junior researcher

Annotation: *In this article, the water-physical properties, bulk density, granularity, porosity, specific gravity of the soils of the Almazar district of the city of Tashkent were studied in the laboratory. It was found that the water-physical properties of the soil are directly related to climatic conditions.*

Keywords: *soil, water-physical properties, laboratory, hygroscopic humidity, maximum hygroscopic humidity.*

Кириш. Тошкент шаҳар Олмазор тумани тупроқ қоплами, пролювиал ва аллювиал соз ва созсимон ётқизиқлар устида ҳосил бўлган автоморф тизимдаги бўз тупроқлардир. Уларга хос хусусият, юмшоқлик, ғоваклик, гранулометрик таркибида майда қум ва чанг заррачаларининг тўпланганлиги, харакатчан аморф холатдаги карбонатли бирикмаларнинг микроғоваклар атрофида тўпланишидир [1]. Ер ости сувлари 10 метр ва ундан пастда жойлашгандир, улар чучук ҳолатда бўлиб, шунинг учун шахар тупроқлари шўрланмаган. Аммо, ер ости сувларидан тупроқларни суғориш натижасида ярим гидроморф ва гидроморф холатга ўтиши мумкин, натижада табиий типик бўз тупроқлар бўз-ўтлоқи бўз, ўтлоқи ва ўтлоқи ботқоқ тупроқлари пастқам жойларда ҳосил бўлган. Суғориладиган тупроқларнинг намлиги ошиб, генетик қатламларининг ҳолати, донадорлиги, ғоваклиги ўзгариб, ўзига хос физик холатларни шакллантиради[2].

Дала шароитида олинган тупроқ наъмуналарининг сув-физик хоссалари лаборатория шароитида қуйидаги усуллар ёрдамида аниқланди [3].

1. Тупроқнинг табиий намлиги хона хароратида 20^0 да қуритиб торози усулида аниқланади.
2. Тупроқ гигроскопик ва максимал гигроскопик намлиги қуритгич шикафида 105° ва эксикаторда сақлаш усули билан аникланди.
3. Тупроқнинг ҳажм массаси цилиндр усулида дала шароитида аниқланди.
4. Тупроқ солиштирма массаси пикнометр усули билан аниқланди.

Ушбу усуллардан фойдаланиб, Тошкент шаҳар Олмозор тумунини тупроқларини сув-физик хоссаларини ўрганилди. Ўрганиш натижасида тупроқни физик хоссалари, яъни намлик, юмшоқлик ва қаттиклик ҳолати, донадорлиги, ғоваклиги, механик ва микроагрегатлик таркиби билан чамбарчас боғлиқ эканлиги аниқланди. Юкоридаги тупроқларни сув-физик хоссалари тупроқ қопламининг пастига ва ён тарафига қараб харакатини, сингдирилиш кобилиятини белгилаб беради. Ушбу ишда лаборатория

1-жадвал

Тошкент шаҳар Олмозор туманинг тупроқларини сув-физик хоссалари


Кесма, №	Чуқурлиги, см	Намлик, %			Тупроқ массаси, г/см^3		Ғовак лик, %
		Табиий	Гигрос Копик	Максимал гигроскопик	Ҳажм	Солиш тирма	
Типик бўз тупроқлар							
2	0-6	2.07	1.40	4.42	1.30	2.65	51
	6-15	2.20	1.35	4.13	1.27	2.68	53

	15-34	2.76	1.30	4.01	1.23	2.70	54
	34-79	3.90	1.30	4.22	1.22	2.73	53
	79-146	4.56	1.30	4.16	1.20	2.75	56
Суғориладиган типик бўз тупроқлар							
4	0-20	3.41	1.36	4.94	1.35	2.61	48
	20-55	4.80	1.33	4.77	1.32	2.64	50
	55-92	5.67	1.24	4.46	1.28	2.63	51
	92-134	1.28	1.28	4.65	1.23	2.70	54
Суғориладиган ўтлоқи-бўз тупроқлар							
5	0-30	3.90	1.44	4.88	1.42	2.55	44
	30-65	5.56	1.31	4.60	1.40	2.60	46
	65-110	7.47	1.26	4.33	1.40	2.64	48
	110-150	8.61	1.29	4.50	1.35	2.70	49


шароитида Олмазор туманида тарқалган тупроқларнинг хажм ва солиштирма ҳажм массалари, ҳамда гранулометрик таркиби таҳлили ўтказилди, таҳлил асосида олинган натижалар 1-жадвалда келтирилди.

Суғориш натижасида тупроқларниг табиий намлиги 3,5 дан 8,6 % гача ошиб кетади, аммо гигроскопик ва максимал гигроскопик намликнинг миқдори жуда кам ўзгарадп. Табиий тупроқларда хажм массаси 1,20-1,35 г/см^3 ни ташкил қилиб суғориладиган ўтлоки бўз тупроқларда 1,42 г/см^3 дан ошиб кетади. Тупроқнинг хажм массаси донадорлик, ғоваклик ва органик модданинг миқдори билан боғликдир (1-жадвал).

Гумус аккумулятив катламда ҳажм массаси ошиб боради, бунинг сабаби серғоваклик ва ўсимлик томирларининг сероблигидир. Тупроқнинг солиштирма массаси 2,61-2,70 г/см^3 бўлиб механик ва минералогик таркиби билан боғликдир. Тупроқнинг гумус аккумулятив ва хайдалма қатламларида ғоваклик 48-56% ни ташкил қилади, бироқ юза қатламларининг зичлиги туфайли камайиб кетиши мумкин (1-жадвал).



1-расм



2-расм



3-расм

Тошкент шаҳар Олмозор туманинг тупроқларини сув-физик хоссалари

Табиий типик бўз тупроқлар намлиги, юза чим қатламида 2,1-3,0 % ни ташкил қилиб кесманинг 150 см чуқурлигида 4,6-5,2% дан ошиб боради. Ҳаво

хароратиппг юқорилиги ва тупроқ юзасидан буғланиш жараёни туфайли тупроқнинг чим қатлами қуриб қаттиқлиги ошиб боради. Гигроскопик намлик эса 1,3-1,4 % ни ташкил этади, максимал гигроскопик намлик 4,2-4,5 % орасида бўлиб тупроқ ҳарорати, қуруқлиги, қаттиқлиги, ҳамда сув ўтказувчанлик қобилиятига боғликдир (1,2,3-расмлар).

Ҳавонинг харорати ва ёғадиган ёғин миқдори тупроқнинг намлик даражасини белгилаб беради. Йиллик ёғадиган атмосферада ёғин кейинги ўн йиллик кўзатувларга кўра ўртача 300-350 мм ни ташкил қилади. Ўртача нисбий намлик 58%, энг кўпи 73-74 % декабрда, январда, энг ками эса 40-44% ёз ойларида кузатилади. Ёз ойларида кундузги 20-29% намлик кузатилади. Айрим вақтларда намлик 5% га тушади. Нисбий намлиги 80% ва ундан ортиқ кунлар айниқса ёз ойларида кам бўлади. Ҳарорат ва намлик, тупроқ қопламининг иссиқлик режимини белгилаб беради, унинг ўзгариши эса тупроқнинг физик хоссалари, органик моддалар миқдори, тупроқ эритмасининг концентрацияси, ўсимлик қоплами, ер ости сувларининг сатхи, минерализацияси, тупроқ харорати билан бевосита боғликдир [4,5].

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Олмозор тумани тупроқ қоплами таҳлили асосида унинг сув-физик хоссалари иқлим шароитлари, инсон техноген-антропоген фаолиятига бевосита боғлиқ. Қишлоқ хўжалик экинларида тупроқ намлиги, максимал гикроскопик намликдан ошиб кетса ўсимликлар сулий бошлайди. Шунинг учун гикроскопик ва максимал гикроскопик намликларни аниқлаш, қишлоқ хўжалик экинларини сўғоришда муҳим аҳамият касб этади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Холиқов Ш, Узоқов П, Бобохўжаев И. Тупроқшинослик // Тошкент, 2011.
2. Турсунов Л.Т. “Тупроқ физикаси” // Тошкент “Мехнат” 1988.
3. Бобохўжаев И., Узоқов П. Тупроқнинг таркиби, хоссалари ва анализи // Тошкент “Мехнат” 1990.
4. Номозов Х.Қ. Суғориладиган тупроқларнинг мелиоратив ҳолати // Тошкент “Мехнат” 2001.
5. Номозов Х.Қ., Турдиметов Ш.М. Ўзбекистон тупроқлари ва уларни эволютцияси // Т.: “Фан ва технология”, 2016.

УДК: 597.42/.55+591.9

СОВРЕМЕННОЕ ТАКСОНОМИЧЕСКОЕ СОСТОЯНИЕ ГОЛЬЦОВ (NEMACHEILIDAE) В КАРАДАРЬЕ

Ёркиной Каюмова, Дилдорахон Комилова
Ферганский государственный университет, Фергана, Узбекистан

Аннотация. *Гольцы - относительно малоизученные рыбы во внутренних водах Ферганской долины. В этой статье обсуждается современное таксономическое состояние гольцов в реке Карадарье.*

Ключевые слова: *гольцы, Ферганская долина, таксономия, синоним, ихтиофауна.*

ҚОРАДАРЁ ҲАВЗАСИДАГИ ЯЛАНГБАЛИҚЛАРНИНГ (NEMACHEILIDAE) ҲОЗИРГИ ТАКСОНОМИК ҲОЛАТИ

Ёркиной Каюмова, Дилдорахон Комилова
Фарғона давлат университети, Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация. *Фарғона водийсида учрайдиган ялангбалиқлар минтақа ихтиофаунасининг нисбатан кам ўрганилган турлари бўлиб, ушбу мақолада Қорадарё ҳавзасидаги ялангбалиқларнинг ҳозирги таксономик ҳолати ҳақида сўз боради.*

Калит сўзлар: *ялангбалиқлар, Фарғона водийси, таксономия, синоним, ихтиофауна.*

CURRENT TAXONOMIC STATE OF STONE LOACHES (NEMACHEILIDAE) IN KARA DARYA RIVER

Yorkinoy Kayumova, Dildorakhon Komilova
Fergana State University, Fergana, Uzbekistan

Annotation. *The stone loaches are relatively poorly studied fishes in the inland water in Fergana Valley. In this article discusses the current taxonomic state of loaches in the Kara Darya River.*

Key words: *stone loach, Fergana Valley, taxonomy, junior synonym, ichthyofauna.*

Гольцы являются самыми распространенными рыбами на Евразийском континенте, которых в настоящее время известно 750 видов, принадлежащих 42 родам [1]. Основные представители встречаются на Индийском, Индо-Китайском и Китайском субконтинентах. Их тело удлиненное, у большинства представителей не сжатое с двух сторон, без чешуи, иногда покрыто чешуей. Основным особым признаком семейства является наличие трех пар усиков вокруг рта. Не имеют подглазничных и надглазничных шипов. Первые сведения о гольцах, встречающихся в бассейне крупных рек Центральной Азии, таких как Амударья, Сырдарья, Зарафшан, и относительно малых рек, таких как Карадарья, Нарын, Чирчик, можно встретить в трудах Ф. Кесслера (1872), Л. Берга (1949), Ф. Турдакова (1936), Г. Никольского (1938). Сведения о гольцах, встречающихся в бассейне рек Ферганской

долины Карадарья и Нарын, а также их мелких притоков, дают в своих работах Ф. Турдаков (1963), А. Болтабоев (1971), М. Султонов (1974).

Карадарья является одной из крупных рек Ферганской долины и считается основным левым притоком Сырдарьи. Она образуется от слияния рек Тор и Каракульджа в Ошской области Кыргызыстана, ее общая длина составляет 180 км. Питается водами снегов и ледников, вода мутная. В Фергаской долине протекет через Андижанскую и Наманганскую области и вблизи кишлака Балыкчи сливаясь с рекой Нарын образует Сырдарью.

В бассейне Карадарьи встречается 5 видов гольцов, принадлежащих 3 родам семейства Nemacheilidae. Сведения о распространении по течению реки, о частоте встречаемости, морфологии и частично биологии этих видов дают Ф. Турдаков (1963) и А. Болтабоев (1971), исследований же по систематике этих рыб не проводилось. На основе морфологических показателей типовых экземпляров А. Прокофьев (2009) провел их оценку с точки зрения современной таксономии. Его результаты имеют некоторые противоречия со сведениями М. Коттелат (2012). Эти несоответствия требуют проведения исследований на основе современных научных методов систематики гольцов, распространенных в Ферганской долине, в частности в бассейне реки Карадарьи.

В бассейне Карадарьи встречаются следующие виды гольцов:

1. *Iskandaria kuschakewitschi* (Herzenstein, 1890)

Nemachilus kuschakewitschi Herzenstein, 1890. (Terra typical – Маргилан, Андижан).

D I 7, A I 5. Хвостовой плавник немного усечен, на верхней челюсти имеются хорошо видимые зубовидные отростки. Тело без чешуек. Длина головы составляет 19 – 24% длины тела (без С). Наибольшая высота тела в пределах 9 – 16%, в среднем 12,4%. Длина хвостового стебля 15 – 23%, в среднем 19%. На боках тела имеются коричневые пятна. Длина тела достигает 110 мм. Берг (1949) подчеркивает, что данный вид достаточно близок к *Nemacheilus oxianus*, отличается отсутствием чешуек на теле, формулой спинного плавника, наличием зубовидного отростка на верхней челюсти и небольшой усеченностью хвостового плавника. Биология почти не изучена.

Прокофьев (2009) провел морфологическое исследование данного вида и отнес его к роду *Iskandaria*. К этому роду он относит один вид и три подвида (*I. k. badamensis, I. k. kuschakewitschi, I. k. pardalis*). Автор обращает внимание на схожесть морфологических особенностей этого рода и родов *Paracobitis* и *Troglocobitis*, и размещает их на ветвях одной клады составленного им филогенетического дерева [3]. Эта рыба встречается в верхнем течении Сырдарьи, в Карадарье и Нарыне. В низовьях Карадарьи нами был пойман только один ее образец.

2. *Nemacheilus oxianus* (Kessler, 1877)

Nemachilus brandti var. *oxiana* Kessler, 1877. (Terra typical – низовья Амударьи).

D II 8-9, A II 5. Хвостовой плавник ощутимо усечен, заметно разделение на две отдельные части. Грудные плавники почти достигают брюшных плавников. Длина головы составляет 20 – 28% длины тела (без С), в среднем 24,6%. Наибольшая высота тела в пределах 12 – 21%, в среднем 18,8%. Длина хвостового стебля 13 – 21%, в

среднем 16,9%. В отличие от *Iskandaria kuschakewitschi* брюшной плавник по отношению к спинному плавнику расположен немного позади. Тело покрыто мелкими чешуйками. На теле имеются неправильные пятна коричневого цвета. Длина достигает 66 мм.

Г. Никольский (1938) и Л. Берг (1949) пишут об исследовании этого вида в основном в условиях нижнего и верхнего течения Амударьи. Ф. Турдаков (1963) отмечает, что встречал его в Ферганской долине в нижнем течении Карадарьи, а в верхнем течении реки и в Нарыне не встречал. В другой работе, посвященной ихтиофауне Карадарьи, говорится о том, что этот вид встречается во всех частях реки (Болтабоев, 1971). О систематическом положении *Nemacheilus oxianus* ведутся споры среди ихтиологов. Некоторые авторы говорят о том, что этот вид относится к роду *Oxynoemacheilus*, другие авторы относят его к роду *Nemacheilus*, или считают, что он может принадлежать отдельному роду в качестве монотипа (Прокофьев, 2009). В наших исследованиях, проведенных в нижнем течении Карадарьи, этот вид вообще не встречался.

3. *Triplophysa dorsalis* (Kessler, 1872)

Cobitis dorsalis Kessler, 1872. (Terra typical – Яны-курган).

D III 6-7, A III 5. Сплющен начиная с основы хвостового стебля. Грудные плавники почти достигают брюшных плавников. Длина головы составляет 21 – 22% длины тела (без С). Наибольшая высота тела в пределах 14 – 20%, в среднем 17%. Длина хвостового стебля 8 – 23%, в среднем 20,3%. Верхняя сторона тела темного цвета, нижняя – светлого, по бокам имеются темные пятна. Во время размножения наблюдается половой диморфизм. Длина обычно 90 мм, в редких случаях достигает 130 мм.

В прошлом веке многие авторы рассматривали этот вид как представителя рода *Nemacheilus*, иногда рода *Diplophysa* (Никольский, 1938; Берг, 1949; Турдаков, 1963). Однако последние исследования показали его принадлежность к роду *Triplophysa* (Прокофьев, 2009; Коттелат, 2012). В литературе говорится о том, что он встречается в Ферганской долине в среднем и верхнем течении Карадарьи. В период наших наблюдений, проведенных в нижнем течении Карадарьи, не встречался.

4. *Triplophysa elegans* (Kessler, 1874)

Cobitis elegans Kessler, 1874. (Terra typical – Река Салар под Ташкентом).

D III 7, A III 5. Хвостовой стебель короче головы, сжат с боковых сторон. Высота хвостового стебля составляет 6,5 – 9% по отношению к телу. Сведения о систематическом положении этого вида очень запутаны. Во многих ихтиологических исследованиях он зарегистрирован в качестве подвида *Triplophysa stoliczkai* (Берг, 1949; Турдаков, 1963; Прокофьев, 2009). Однако Коттелат (2012) утверждает, что он может быть отдельным видом. В настоящее время этот вид требует глубокого исследования с таксономической точки зрения. В литературе говорится о том, что он встречается во многих притоках Карадарьи (Турдаков, 1963).

5. *Triplophysa strauchii* (Kessler, 1874)

Diplophysa strauchi Kessler, 1874. (Terra typical – Река Или).

D III-IV (6) 7-8, A III 5. Не сжат с основы хвостового стебля, толщина равна высоте хвостового стебля или больше. Длина хвостового стебля равна длине головы

или длиннее ее. Длина головы составляет 19 – 27% длины тела (без С). Наибольшая высота тела в пределах 12 – 19%, в среднем 14,2%. Длина хвостового стебля 19,5 – 27%, в среднем 23,6%. Длина достигает 18-20 см.

Данный вид считается инвазивным для водных бассейнов Ферганской долины, который во второй половине прошлого века попал в реку Чирчик Ташкента из Казахстана. Попав в приток Сырдарьи, достиг верхнего течения. Проведено сравнительное изучение морфометрических показателей этого вида, обитающего в Карадарье, Чирчике и природных ареалах обитания (Шералиев и др., 2020). Во время наших наблюдений много встречался в нижнем течении Карадарьи.

Можно сделать вывод, что таксономическое положение гольцов бассейна реки Карадарьи установлено не полностью. Необходимо их морфологическое и остеологическое исследование на основе современных научных методов, в том числе с молекулярно-генетической точки зрения.

Список литературы

1. Fricke, R., Eschmeyer, W. N. & Van der Laan, R. (eds) 2020. Eschmeyer's Catalog of Fishes: genera, species, references. Electronic version accessed 06 July 2020.
2. Kottelat M. Conspectus cobitidum: an inventory of the loaches of the world (Teleostei: Cypriniformes: Cobitoidei) // The raffles bulletin of Zoology, 2012, Supplement No. 26: 1-199.
3. Prokofiev A. M. Problems of the Classification and Phylogeny of Nemacheiline Loaches of the Group Lacking the Preethmoid I (Cypriniformes: Balitoridae: Nemacheilinae) // Journal of Ichthyology, 2009, Vol. 49, No. 10. 874-898.
4. Балтабаев А. Ихтиофауна бассейна реки Карадарьи. Автореф. дис. …канд. биол. наук. Ташкент, 1971. – 42 с.
5. Берг Л.С. Рыбы пресных вод СССР и сопредельных стран. Часть II. Москва, Ленинград, - 1949а. С. 467-926.
6. Кесслер К. Ф. Ихтиологическая фауна Туркестана. Москва, - 1872. 39 с.
7. Никольский Г. В. Рыбы Таджикистана. Москва, Ленинград, - 1938. 228 с.
8. Позвоночные животные Ферганской долины. / под ред. Султанов М.И. Ташкент, “ФАН” 1974. - 224 с.
9. Турдаков Ф.А. Виды рода *Nemachilus* реки Зеравшана и Санзора. Труды Узбекского университета, VII, 1936, стр. 197-212.
10. Турдаков Ф.А. Рыбы Киргизии. Фрунзе: Изд. АН КирССР, 1963. –284 с.
11. Шералиев Б., Каюмова Ё., Комилова Д. Морфологические особенности пятнистого губача (*Triplophysa strauchii*) встречающегося в водоемах Ферганской долины // Научный вестник НамГУ. 2020. №1: 120-131.

INULA HELENIUM L. ВА *INULA SALICINA L.* ТУРЛАРИ СУВ РЕЖИМИ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ КОРРЕЛЯЦИЯСИ

Кучкаров Нурбек Юлдашевич
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
таянч докторанти (PhD)

Аннотация: *Мақолада I. helenium ва I. salicina турларининг сув режими кўрсаткичлари корреляцияси келтирилган бўлиб, унда қургоқчил шароитда турларнинг қайси кўрсаткичлар эвазига мослаша олиш хусусиятлари акс этган. Бу эса ўз навбатида мезофитлар экологик гуруҳига кирувчи ўсимликларнинг сув танқислиги шароитида ҳам ўсиши ва ривожланиши турларнинг мезофитлар типининг ксеромезофитлар гуруҳига киришини исботлайди.*

Калит сўзлар: *I. helenium, I. salicina, мезофит, ксеромезофит, корреляция, сув режими, транспирация, осмотик босим, сув миқдори, сувни сақлаш қобилияти.*

КОРРЕЛЯЦИЯ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ВОДНОГО РЕЖИМА ВИДОВ *INULA HELENIUM* L. И *INULA SALICINA* L.

Кучкаров Нурбек Юлдашевич
Национальный университет Узбекистана имени Мирзо Улугбека
базовый докторант (PhD)

Аннотация: *В статье приведено корреляция показателей водного режима I. helenium и I. salicina, которое отражает особенности того, какие виды могут адаптироваться в засушливых условиях. Это, в свою очередь, доказывает, что рост и развитие растений, относящихся к экологической группе мезофитов, даже в условиях водного дефицита относится к группе ксеромезофитов мезофитного типа этого вида.*

Ключевые слова: *I. helenium, I. salicina, мезофит, ксеромезофит, корреляция, водный режим, транспирация, осмотическое давление, количество воды, водоудерживающая способность.*

CORRELATION OF INDICATORS OF WATER REGIME OF SPECIES *INULA HELENIUM* L. AND *INULA SALICINA* L.

Kuchkarov Nurbek Yuldashevich
National University of Uzbekistan named after Mirzo Ulugbek
basic doctoral student (PhD)

Annotation: *The article shows the correlation of indicators of the water regime of I. helenium and I. salicina, which reflects the features of which species can adapt in arid conditions. This, in turn, proves that the growth and development of plants belonging to the ecological group of mesophytes, even in conditions of water scarcity, belongs to the group of xeromesophytes of the mesophytic type of this species.*

Key words: *I. helenium, I. salicina, mesophyte, xeromesophyte, correlation, water regime, transpiration, osmotic pressure, amount of water, water retention capacity.*

Глобал иқлим ўзгаришлари кечаётган бугунги кунда ўсимликларнинг сув режими кўрсаткичлари ва улар ўртасидаги ўзаро мувофиқликни исботлаш, айниқса турларнинг қурғоқчил муҳит шароитларига мослашиш хусусиятларини аниқлаш катта аҳамият касб этади [1,2].

Вегетация давомида *I. helenium* – Қора андиз ва *I. salicina* – Толбарг андиз турлари сув режимининг асосий кўрсаткичлари сувни сақлаш қобилияти (ССҚ), сув миқдори (СМ), ўсимлик ҳужайра ширасининг осмотик босими, транспирация жадаллиги кўрсаткичлари ўртасида кечган боғлиқлик Фехнер коэффеценти орқали аниқланди: [-0,9; -1] – Энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш, [-0,7; -0,9] – Юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш, [-0,5; -0,7] – Сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш, [-0,3; -0,5] – Меъёрий акс бир-бирига нисбатан боғланиш, [-0,1; -0,3] – Кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланиш, [0] – Бир-бирига нисбатан боғлиқлик йўқ, [0,1; 0,3] – Кучсиз тўғридан-тўғри боғланиш, [0,3; 0,5] – Меъёрий тўғридан-тўғри боғланиш, [0,5; 0,7] – Сезиларли тўғридан-тўғри боғланиш, [0,7; 0,9] – Юқори тўғридан-тўғри боғланиш, [0,9; 1] – Энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш [4].

Қуйида келтирилган 4.1 – расмда Тошкент адирлари шароитида ўсимликларни 2017-2019-йиллар вегетацияси давомида сув режимининг ўртача мавсумий кўрсаткичлари келтирилган бўлиб, қора андиз ўсимлигининг 2017 йилда сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,7) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,7) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,9) - энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,6) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,3) - меъёрий акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди.

Толбарг андизда эса ушбу кўрсаткичлар қуйидагича ўз аксини топган: сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,6) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,5) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,8) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,9) - энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,2) - кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,2) - кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди.

2018 йилда қора андиз сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,7) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,7) -

юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,8) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,3) - Кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,1) - Кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди.


Толбарг андизда эса ушбу кўрсаткичлар қўйидагича ўз аксини топган: сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,5) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,7) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш, мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,8) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,9) - энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,2) - кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,05) - ўта кучсиз акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди.

2019 йилда қора андиз сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,7) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,9) - энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,6) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,7) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди.

Толбарг андизда эса ушбу кўрсаткичлар қўйидагича ўз аксини топган: сув режими кўрсаткичларининг бир-бирига мувофиқлиги яъни сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги, сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида эса (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжуд эканлиги аниқланди. Транспирация жадаллиги ва осмотик босим ўртасида (+ 0,8) - юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва сув миқдори ўртасида (+ 0,9) - энг юқори тўғридан-тўғри боғланиш, сувни сақлаш қобилияти ва транспирация жадаллиги ўртасида (– 0,5) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш, транспирация жадаллиги ва сув миқдори ўртасида эса (– 0,5) - Сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланишлар мавжудлиги аниқланди (1-расм).

Қора андизнинг 2017-2019-йилларнинг вегетацияси давомидаги сув режими кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 2017-йилда сувни сақлаш қобилияти ва осмотик босим ўртасида (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. 2018-йилда ҳам сувни сақлаш қобилияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими ўртасида (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. 2019-йилда эса сувни сақлаш қобилияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш

мавжудлиги ҳамда сув миқдори ва ҳужайра ширасининг осмотик босими кўрсаткичлари ўртасида (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўсимлик вегетациясининг қурғоқчил даврида тескари корреляция мавжудлиги яъни осмотик босимининг ортиши ҳисобига сувни сақлаш қобилиятининг оптимал сақланиши турларнинг муҳит шароитларига қулай мослаша олишидан далолат беради ва ксерофит ўсимликлардан фарқли ўлароқ қора андиз тури мезофитлар типининг ксеромезофитлар гуруҳига киради.



1-расм. Корреляцион анализ.
а) *I. helenium* 2017 й. б) *I. salicina* 2017 й. в) *I. helenium* 2018 й.
г) *I. salicina* 2018 й. д) *I. helenium* 2019 й. е) *I. salicina* 2019 й.

Толбарг андизнинг 2017-2019-йилларнинг вегетацияси давомидаги сув режими кўрсаткичлари таҳлил қилинганда 2017-йилда сув миқдори ва осмотик босим ўртасида (– 0,6) - сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. 2018-йилда сувни сақлаш қобилияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими ўртасида (– 0,7) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги

аниқланди. 2019-йилда эса сув миқдори ва ҳужайра ширасининг осмотик босими (– 0,9) - энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги ҳамда сувни сақлаш қобилияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими кўрсаткичлари ўртасида (– 0,8) - юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткичлар ўз навбатида ўсимлик вегетациясининг қурғоқчил даврида тескари корреляция мавжудлиги яъни осмотик босимининг ортиши ҳисобига сувни сақлаш қобилиятининг оптимал сақланиши турларнинг муҳит шароитларига қулай мослаша олишидан далолат беради ва ксерофит ўсимликлардан фарқли ўлароқ толбар андиз тури ҳам ўз навбатида мезофитлар типининг ксеромезофитлар гуруҳига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Рахимова Т.У. Экология растений адырной зоны Узбекистана часть I Т.: «Университет» 1997. - С. 276.
2. Рахимова Т.У. Экология растений адырной зоны Узбекистана часть II Т.: «Университет» 1997. - С.195.
3. Рахимова Т.Т. “Ўсимликлар экологияси” ва “Фитоценология” фанларидан методик қўлланма, Т.: 2009. - Б. 70.
4. Мамуров Э., Адилов Т. Эҳтимоллар назарияси ва математик статистика”, Т.: 2005. - Б. 62-80.

ФАРҒОНА ВОДИЙСИДА ТАБИИЙ ҲОЛДА ЎСУВЧИ ACER SEMENOVII REGEL & HERDER (SAPINDACEAE) АРЕАЛИ ҲАҚИДА

Нўмонова Н.Э., Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти таянч докторанти. e–mail: nazokat.nomonova@gmail.com,
тел: 97 963 55 58.
Акбаров Ф.И. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти кичик илмий ходими e-mail: feruz.akbar@mail.ru, тел: 90 293 32 93

Аннотация: *ушбу мақолада, Acer semenovii турининг Фарғона водийсида географик тарқалиши, экологияси Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) ва 2020-йил мақсадли дала тадқиқотларида йиғилган гербарий маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Олиб борилган дала тадқиқотлари ёрдамида Acer semenovii нинг тарқалиши мумкин бўлган янги координаталар қайд этилди, турларнинг тарқалишини ифодаловчи хариталар яратилди. Турнинг тарқалиши учун энг оптимал шароитга эга ҳудудлар баҳоланди ва башорат қилинди.*

Калит сўзлар. *Acer semenovii, Aceraceae, ареал, ArcGIS, TASH, Maxent, MAPS.ME.*

ОБ АРЕАЛЕ ACER SEMENOVII REGEL & HERDER (SAPINDACEAE) В ФЕРГАНСКОЙ ДОЛИНЕ

Нўмонова Н.Э., базовый докторант Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан. e–mail: nazokat.nomonova@gmail.com.,
тел: 97 963 55 58.

Акбаров Ф.И., младший научный сотрудник Института ботаники Академии наук Республики Узбекистан. e-mail:feruz.akbar@mail.ru, тел: 90 293 32 93

Аннотация: *в этой статье, Географическое распространение и экология видов Acer semenovii в Ферганской долине были проанализированы на основе данных гербария, собранных в Национальном гербарии Узбекистана (TASH), и целевых полевых исследований в 2020 г. С помощью полевых исследований были зафиксированы новые координаты возможного распространения Acer semenovii, созданы карты, отражающие распространение вида. Районы с наиболее оптимальными условиями распространения вида были оценены и предсказаны*

Ключевые слова. *Acer semenovii, Aceraceae, ареал, ArcGIS, TASH, Maxent, MAPS.ME.*

DISTRIBUTION AREAL OF ACER SEMENOVII REGEL & HERDER (SAPINDACEAE) IN THE FERGANA VALLEY.

Нўмонова Н.Э., basic doctoral student of the Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan. E-mail:nazokat.nomonova@gmail.com. тел: 97 963 55 58.

Akbarov F.I., is a junior researcher at the Institute of Botany of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan e-mail:feruz.akbar@mail.ru.,tel: 90 293 32 93

Annotation: *in this article, Geographical distribution and ecology of Acer semenovii in the Fergana Valley were analyzed on the basis of herbarium data collected in the National Herbarium of Uzbekistan (TASH) and targeted field research in 2020. With the help of field research, new coordinates of the possible distribution of Acer semenovii were recorded, maps representing the distribution of the species were created. Areas with the most optimal conditions for the spread of the species were evaluated and predicted*

Keywords. *Acer semenovii, Aceraceae, areal, ArcGIS, TASH, Maxent, MAPS.ME.*

КИРИШ: Биологик турларни тарқалишини акс эттирувчи хариталарни тузиш мураккаб масала ҳисобланади. Ундан ҳам мураккаб масала иқлим ўзгариши, яшаш муҳитларини қисқариши, табиий ландшафтларнинг трансформацияси ва бошқа омиллар таъсирида турларнинг тарқалиш динамикасини башоратлаш ҳисобланади [1]. Бу муҳим вазифани ҳал этиш учун ташқи муҳит омилларини инобатга олган ҳолда турларнинг тарқалишини моделлаштиришга қаратилган дастурлар ишлаб чиқилган [2]. Шундай дастурлардан бири максимал энтропия усули (MaxEnt) бўлиб, 2006 йилдан бери бу дастур асосида турларнинг тарқалишини моделлаштиришга доир 1000 дан ортиқ ишлар нашр этилган [3,11].

Мазкур мақола Фарғона водийси флорасида табиий ҳолда тарқалган Семенов зарангининг (*Acer semenovii* Regel & Herder, Sapindaceae) потенциал учраши мумкин бўлган майдонларни баҳолаш ва келажакдаги ареалини башорат қилишни замонавий тадқиқот услубларидан фойдаланган ҳолда амалга оширишга қаратилган.

A. semenovii Ўрта Осиё (Тиёншон, Олой, Шарқий Помир Олой), Афғонистон ва Эронда кенг тарқалган. У асосан дарё водийлари, баргли ўрмонлар, тоғ ёнбағирларида, 700-2800 м баландликгача бўлган худудларда учрайди [4,5,12]. Фарғона водийсида табиий ландшафтлар майдонининг камлиги ва ўсимликлар қопламида дарахт ва бутазорларнинг аҳамияти юқорилигини инобатга олган ҳолда мазкур турнинг маҳаллий популяцияларини тарқалишини баҳолаш ва хариталаш мазкур тадқиқотнинг бош мақсади сифатида қабул қилинган.

2. Тадқиқот методлари:

2.1. *Тадқиқот объектлари ва тўпланган маълумотлар учун манбалар*

Тадқиқот объекти Фарғона водийси ўсимликлар қопламида табиий ҳолда тарқалган *A. semenovii* ҳисобланади. Таҳлиллар учун бирламчи маълумотлар Ўзбекистон Миллий гербарийси (TASH) ноёб илмий объектида сақланаётган ва 2020-йил амалга оширилган мақсадли дала тадқиқотларида йиғилган гербарий намуналари ҳисобланади.

TASH фондида Семенов зарангининг 425 гербарий намуналари мавжуд бўлиб, улардан 417 таси Ўзбекистон флорасига мансуб. Бироқ, Фарғона водийси ҳудудидан тўпланган намуналар жуда ҳам кам бўлиб, 1915–1974 йиллар оралиғида терилган 19 намунадан иборат, улар умумий хажмнинг 4.5% ташкил этади холос. Фарғона водийсининг Ўзбекистон қисмидан терилган гербарий намуналарининг асосий қисми 1936–1962 йилларга тўғри келади. Чоп этилган илмий манбалар орасида эса О.Н. Бондаренко (1956), М.М. Арифханова (1967), Т.Т. Рахимова (1974) ва К.Ш. Тожибаев (2002) тадқиқотлари муҳим аҳамият касб этади [6-9].

2.2. *Турларни тарқалишини моделлаштириш ва хариталаш.*


Гербарий намуналари йиғилган нуқталарнинг географик координаталари MAPS.ME (10.0.3) ва Google Earth (4.3) дастурларида аниқланди. Турнинг мавжуд гербарий намуналари терилган нуқталар акс этган хариталар ArcGIS (10.3.1) дастуридан фойдаланиб яратилди.

Турнинг тарқалиши мумкин бўлган потенциал майдонларини моделлаштириш ва иқлим сценарийлари (rcp8.5, йиллик ўртача ҳароратнинг 2050-йилгача 1.4–2.6°C ўсиб бориши) бўйича башорат қилиш MaxEnt дастурида (Phillips et. al., 2006, Phillips and Dudic 2008), WorldClim маълумотлар базаси 2020-йил январда тақдим этган WorldClim 2.1 биоиқлимий параметрлар (www.worldclim.org) асосида амалга оширилди.

3. Олинган натижалар ва уларни таҳлили.

Семенов заранги Ўрта Осиёнинг Тиёншон ва Помир-Олой тоғлари бўйлаб катта ареалга эга. Одатда якка-якка ёки кичик гуруҳлар ҳосил қилган ҳолда қуйи ва ўрта тоғ минтақасидаги ёнбағирликларда учрайди.

Ў.Алланазарова ва бошқ. (1976) маълумотларига кўра Семенов заранги формация ҳосил қиладиган майдонлар Ғарбий Тиёншоннинг Чотқол, Угом ва Писком тизмаларида тарқалган [10,11]. Фарғона водийси ўсимликлар қопламида *Acer semenovii* тарқалган худудлар Қурама тизмасининг Чодак ва Чоркесар ҳавзалари худудларига тўғри келади ва одатда якка-якка тарзда ўсадиган дарахтлар кўринишида учрайди (1-харита).



Гербарий фонди ва дала тадқиқотлари давомида тўпланган маълумотларнинг таҳлили асосида Фарғона водийсида турнинг баландлик минтақалари бўйича тарқалиш диапозони д.с. 1000–2800 м ташкил этиши аниқланди. Маҳаллий популяциялар учун оптимал баландлик 1500–2000 м оралиғи ҳисобланади.

1-харита. Фарғона водийсида Acer semenoviі ўсиш нуқталари.

Семенов зарангини тадқиқот ҳудудида ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудлар аниқланди ва хариталанди (2-харита). Харитада турнинг ўсувчанлик коэффициенти 0 дан 1 гача белгиланган. Тур популяцияларнинг тарқалиши учун мос шароитнинг юқори эҳтимоли мавжуд ҳудудлар – қизил, мос келиш эҳтимоли кам минтақалар – яшил, ўрта ва ўртадан юқори мос ерлар – оч ва тўқ сариқ рангларда тасвирланган.


Моделлаштириш натижаларига кўра турнинг Фарғона водийсида сақланиб қолган маҳаллий популяциялари Қурама тизмасининг Ризак, Чодак ва Чоркесар ҳавзаларига тўғри келмоқда. Айни пайтда мазкур тоғ дарёлари ҳавзаларнинг адир минтақаси ва Ғовасой, Косонсой ҳавзаларининг қуйи қисми (0.77–0.85 коэффициент), шунингдек Олой тизмасидаги Шоҳимардон ва Сўх дарёлари хавзаларига ҳамда Оламушук адирлари жойлашган шарқий (0.85–1 коэффициент) турнинг маҳаллий популяциялари учраши мумкин бўлган, бироқ айни пайтда ўсимлик туплари қайд этилмаган худудлар тоифасига киради.

2-харита. *A. semenoviі* ўсиши учун оптимал шароит мавжуд ҳудудлар
(иқлим маълумотлари 1970-2000 йиллар учун).

MaxEnt дастурида турнинг Фарғона водийсида тарқалишини моделлаштириш учун асос бўлган иқлим кўрсаткичларини таҳлилига кўра, айнан шу ҳудудлар табиий ландшафтларни тиклаш, яшил қопламалар ташкил этиш, ўрмонзорлар барпо этиш каби илмий-амалий чора-тадбирларни режалаштириш имконини беради.

Тадқиқот объектининг потенциал учраши мумкин бўлган майдонларни, иссиқхона газлари (йиллик ўртача ҳароратнинг 2050-йилгача 1.4–2.6°C ўсиб бориши

(rcp8.5) иқлим сценарийлари асосида башоратлаш натижаларига кўра, *A. semenovii* 2050-йилда Қурама тизмасининг Ризак, Чодак ва Чоркесар ҳавзалари ҳамда Олой тизмасининг Шоҳимардон ва Сўх дарёлари ҳавзаларида ўсиш кўрсаткичларини (0.77–0.85 коэффициентдан, 0.85–1 коэффициентга) ошганини ва ўсиши учун қулай шароитга эга майдонлар кўлами кенгайганини кўриш мумкин (3-харита). Аксинча Оламушук адирларида тур ўсиши учун оптимал шароитга эга ҳудудларни қисқариши қайд этилди.



3-харита. 2050 йил *A. semenovii* тарқалиши учун мос шароит мавжуд ҳудудлар (иқлим сценарийлари (rcp8.5) асосида).

Бундай ҳулосага келиш учун гербарий намуналари мавжуд географик объектларда жойлашган координаталарнинг 1970-2000 ва 2050-йилларда ўзига оптимал шароит мавжуд майдонларда ўсувчанлик коэффициентлари солиштирилди. Бунда ўртача ўсиш коэффициенти 1970-2000 йиллар учун 0.96%, 2050-йилга келиб эса 0.98% ташкил қилади. Йиллик ўртача ҳароратнинг 1.4–2.6°C кўтарилиши тур ўсиши учун Фарғона водийсининг ғарбий ва жанубий қисимларида ижобий, шарқий қисмида аксинча салбий таъсир кўрсатади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Duputie A., Zimmermann N.E., Chuine I. Where are the wild ´things? Why we need better data on species distribution. Glob Ecol Biogeogr. 2014;23(4):457–67.

2. Lobo J. M., Jiménez-Valverde A., Hortal J. The uncertain nature of absences and their importance in species distribution modelling //Ecography. – 2010. – Т. 33. – №. 1. – С. 103-114.

3. Merow C., Smith M. J., Silander Jr J. A. A practical guide to MaxEnt for modeling species' distributions: what it does, and why inputs and settings matter //Ecography. – 2013. – Т. 36. – №. 10. – С. 1058-1069.

4. Harris AJ, Chen P, Xu X, Yang X, Wen J. (2017) The phylogeny of Staphyleaceae reveals five major clades: Implications for generic delimitation and classical biogeographic disjunctions in the family. Journal of Systematics and Evolution. https://doi.org/10.1111/jse.12236 [Ref list]

5. Tojibaev K.S., Beshko N.Y., Popov V.A.. 2016. Botanical-geographical regionalization of Uzbekistan. Botanical Journal 101 (10):1105e1132.
6. О.Н.Бондаренко. “Растительность Наманганской области и её хозяйствен-ное значение”. Автореф. дис... канд. биол. наук. – Ташкент: 1956. 21 с.
7. М.М.Арифханова. “Растителность Ферганской долины”, ФАН. Ташкент 1967 год. 296 ст.
8. Т.Рахимова К флоре Чусть и папских адыров Ферганской долины // Докл.Ан УзССР.1979. №8. С.64-65.
9. К.Ш.Тожибаев. “Чодакчой хавзаси ўсимликлар қоплами ва ўтлоқлари”. канд. дис... иши. Ташкент: 2002. 202 б.
10. Аланазарова У., Бутков А.Я, Хамидов Г.Х. Горные лиственные леса и кустарники мезофильного склада // Растительний покров Узбекистана и пути его рационального использования. ФАН. Ташкент 1984. Т.4. 13-129 с.
11. Thiers B. 2008 [continuously updated]. Index Herbariorum: A global directory of public herbaria and associated sta. – New York Botanical Garden's Virtual Herbarium. URL: http://sweetgum.nybg.org/science/ih (Accessed 20 January 2020).
12. Lama, D. 2004. Taxonomical, Distributional and Ecological studies of Acer L. in the Darjiling-Sikkim Himalayas. Ph.D. Thesis, University of North Bengal.
13. Phillips S. J., Anderson R. P., Schapire R. E. Maximum entropy modeling of species geographic distributions //Ecological modelling. – 2006. – Т. 190. – №. 3-4. – С. 231-259.
14. Phillips S. J., Dudík M. Modeling of species distributions with Maxent: new extensions and a comprehensive evaluation //Ecography. – 2008. – Т. 31. – №. 2. – С. 161-175.
15. http://efloras.org
16. www.plantarium.ru
17. www.worldclim.org

ЎЗБЕКИСТОН ФЛОРАСИДА ТАРҚАЛГАН *SALVIA* L. ТУРКУМИНИНГ ЎРГАНИЛИШ ТАРИХИ

Турдибоев Обиджон Абдумалик ўғли
Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ботаника институти, кичик илмий ходим
Тел: 90 696-37-21, e-mail: turdiboyev.obidjon@mail.ru

Аннотация. *Ушбу мақолада биринчи маротаба Ўзбекистон флорасида тарқалган Salvia L. туркумининг ўрганилиш тарихи уч йўналишга бўлиб ўрганилди. Биринчи йўналиш, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турларини фанга киритилиши (1879-1984); иккинчи йўналиш, ҳозирга қадар амалга оширилган геоботаник ва флористик тадқиқотлар (1961-2019); учинчи йўналиш, турларни хўжалик аҳамияти (1964-2020) нуқтаи назаридан олиб борилган тадқиқотлар тахлил килинди. Шунингдек, ҳар уч йўналишнинг ўзига хос хусусиятлари, тадқиқотларнинг қисқача таҳлили, келгусида туркум турларининг ўрганиш зарур бўлган жиҳатлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *Salvia, таксономия, флора, Қизил китоб, эндем, доривор, асал-ширали.*

ИСТОРИЯ ИЗУЧЕНИЯ *SALVIA* L. РАСПРОСТРАНЕННОГО РОДА ВО ФЛОРЕ УЗБЕКИСТАНА

Турдибоев Обиджон Абдумалик угли
Институт ботаники Академии наук Республики Узбекистан, младший научный сотрудник. e-mail: turdiboyev.obidjon@mail.ru

Аннотация: *В статье впервые рассматривается история изучения рода Salvia L. во флоре Узбекистана по трем направлениям. Первое направление - описание видов Salvia флоры Узбекистана для науки (1879-1984); второе направление - геоботанические и флористические исследования (1961-2019); третье направление - изучение вида с точки зрения его хозяйственного значения (1964-2020). В статье приводится описание специфики каждого из трех направлений, краткий анализ проведенных исследований и перечень вопросов, которые необходимо изучать в будущем.*

Ключевые слова: *Salvia, таксономия, флора, Красная книга, эндемик, лекарственный, медоносный.*

HISTORY OF THE STUDY OF THE GENUS *SALVIA* L. IN THE FLORA OF UZBEKISTAN

Obidjon A. Turdiboev
Institute of Botany, Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, junior researcher. e-mail: turdiboyev.obidjon@mail.ru

Annotation: *The history of three directions of the study of the genus Salvia L in the flora of Uzbekistan is represented in the article for the first time. The first direction is the description of Salvia species of the flora of Uzbekistan for science (1879-1984); the second direction is geobotanical and floristic research (1961-2019); the third direction is the study of the species from the point of view of economic value (1964-2020). The paper contains a description of specifics of each of the three directions, a brief analysis of performed research, and the issues that must be studied in the future.*

Keywords: *Salvia, taxonomy, flora, Red Book, endemic, medicinal, melliferous.*

Lamiaceae Lindl. оиласининг энг катта полиморф туркумлардан бири *Salvia* L. нинг Ер юзида 980 тури тарқалган [44]. Туркум илк бор К. Линней (1753) томонидан *Salvia officinalis* L. тури асосида киритилган. "*Salvia*" сўзи лотин тилидан таржима қилинганда "даволамоқ", "сақламоқ" деган маънони англатади [16]. Ўрта Осиёда туркумнинг С.Н. Кудряшев (1937) 19, А.М. Махмедов (1984,1987) 34, Ф.О. Хасанов (2015) 35 тури, А.И. Введенский (1961) Ўзбекистон флорасида 16, Ў. Пратов ва б. (2018) 21, О.Т. Тургинов ва б. (2019) 21 тури учрашини қайд этган [13, 16, 17, 36, 5, 22, 47]

Ўрта Осиё флорасида тарқалган *Salvia* туркум турларини ўрганишга қаратилган қатор тадқиқотлар олиб борилганлигига қарамасдан, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турларини ўрганишга бағишланган яхлит тадқиқот ишлари амалга оширилмаган. Кенг кўламли адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, мазкур туркумни ўрганиш борасида олиб борилган илмий изланишларни яхлит холда таксономия, геоботаника, биокимё ва бошқа

йўналишларда олиб борилмаган. Бу эса ўз навбатида тадқиқотларни маълум босқич ёки даврга ажратиш мумкин эмаслигини кўрсатади. Бироқ, туркум турларини ўрганишга қаратилган тадқиқотларни мос равишда уч йўналишга ажратиш мумкин. 1) Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турларини фанга киритилиши; 2) Ҳозирга қадар амалга оширилган геоботаник ва флористик тадқиқотлар; 3) Туркум турларнинг хўжалик аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганиш.

Биринчи йўналиш учун қуйидаги илмий изланишларни келтириш мумкин.

Е. Регел (1879) Ўрта Осиёдан терилган гербарий намуналарини ўрганиш натижасида туркумнинг фанга *S. trautvetteri* Regel (А. Регел, Қоратоғ тоғининг Балиқчи-ота яқинидан) ҳамда *S. schmalhausenii* Regel (И. Краузе, Майли-су дарё ҳавзасидан) турларини киритган. Е. Регел ва И. Шмалгаузен Н.И. Королковнинг Туркистон Ходжикент районидан терган намуналаридан яна бир янги тури *S. korolkowi* Regel & Schmalh. аниқлаган [16].

Е. Регел, И. Шмалгаузен (1881) 1869 йилда Зарафшон дарё водийси Санги-жумон қишлоғи атрофидан терилган гербарий намуналари асосида янги *S. sarawschanica* Regel & Schmalh. турини фанга киритган [16].

А. Франхет (1883) Зарафшон тизмаси Тахта-карача довонидан янги *S. capussi* Franch. турини аниқлаган. Кейинчалик, *S. capussi* Franch. *S. sarawschanica* Regel & Schmalh. турига синоним сифатида келтирилган [16]. О. Федченко, Б. Федченко (1913) биринчи маротаба Ўрта Осиёдаги мазкур туркум таркибига 16 тур, 4 кенжа туркумга киритган, 9 та аввал таърифланган турлар синоним сифатида келтирилган [16]. М.Г. Попов (1923) янги турни (*S. bucharica* Popov) Яккабоғ райони Самахадан ўзи терган [21]. С.Н. Кудряшев (1937) Ўрта Осиёдаги ушбу туркумнинг тур белгилари, қисқача характеристикаси, янги турларини аниқлаб, турларни аниқлаш калити, тарқалиши тўғрисида маълумотлар келтирган [21]. С.Н. Кудряшев Ўрта Осиё жанубида тарқалган *Aethiopis* Benth. секциясига учта янги турни аниқлаган: *S. insignis* Kudr. – С. Коржинский (1887) ва Р. Рожевиц (1906) Боботоғ тизмасидан; *S. kopetdaghensis* Kudr. Копетдоғдан Бози-кямов ва Ахшабод тоғлари ўртасидан; *S. linczevskii* Kudr. И.А. Линчевский (1931) Жанубий Копетдоғда Чандир ва Сумбар дарёлари оралиғи Махтумсу дарасидан терган намуналардан аниқлаган. Ўрта Осиё флораси учун туркумга 19 турни киритиб, экологияси ва хўжаликда аҳамиятини ҳамда айрим турларнинг эфир мойлар таркибини Ўрта Осиёда биринчи марта ўрганган [13]. *S. insignis* Kudr. кейинчалик, *Aethiopis* Benth. секциясидан *Macrocalyx* Pobed. секциясига киритилган [20].

В.П. Бочанцев (1937) *S. schmalhausenii* Regel турининг олдинги тадқиқотчиларидан фарқли равишда 5 хил морфологик жиҳатдан турли белгиларини аниқлаб, биринчи марта В.П. Дробов Помир-Олой тизмасидан кўп тўпланган *S. schmalhausenii* Regel ҳар хиллигига эътибор қаратган. Туркум учун характерли белги саналган косачабарг тукланиши, тишлар ўлчамининг корреляцияси, гуллар катта-кичиклиги ва бошқа белгилари *S. schmalhausenii* Regel дан фарқ қилувчи тўрт мустақил янги турни ажратган: *S. aequidens Botsch., S. margaritae* Botsch., *S. drobovii* Botsch., *S. campylodonta* Botsch. [4].

Е.Г. Победимова (1954) туркумнинг Ўрта Осиё учун янги эндем кенжа туркумлари (*Macrosphace* Pobed. va *Sanglakia* Pobed.) ва монотип секция *Macrocalyx*

Pobed. аниқлаган. Туркумнинг янги 5 турини Ўрта Осиё флораси учун келтирган [20].

А.И. Введенский (1961) Ўзбекистон флорасида учун туркумнинг 16 тури учрашини қайд этган [5]. Сўнгги тадқиқотлар натижасида флорада туркумнинг 25 тури тарқалганлиги аниқланди [чоп этилмаган].

Ўзбекистон флорасида тарқалган *Salvia* туркум турларини ўрганиш борасидаги охирги асосий тадқиқотлар А.М. Махмедовга тегишли.

А.М. Махмедов (1984) "Шалфей Средней Азии и Казахстана" монографиясида туркум турларининг морфологияси, таксономияси, тарқалиши, хўжаликда фойдаланилиши ҳамда айрим турларни муҳофаза қилиш бўйича маълумотлар келтирган. Туркум таксономиясини чуқур таҳлил этиб, турларини 4 кенжа туркум, 9 секция, 34 турга бирлашишини кўрсатган [16]. Шунингдек, А.М. Махмедов (1980, 1984) Ўрта Осиёдан терилган гербарий намуналари таҳлили натижасида туркумнинг икки турини фанга киритган. Булар *S. tianschanica* Makhm. Ўзбекистон ҳамда Тожикистон чегарасида жойлашган Қурама тизмаси ва *S. kamelinii* Makhm. Тожикистон Вахш тизмасидан терилган [14, 15].

Иккинчи йўналишда, маҳаллий флорада *Salvia* туркумига оид турларнинг тарқалиши (флористик рўйхати), ўсимликлар жамоаларида тутган ўрни, ценопопуляциялари ажратилган. Бир қанча вақт туркумга оид геоботаник тадқиқотлар Lamiaceae оиласининг бошқа туркумларига ёндош сифатида амалга оширилган [7, 11].

С.М. Мустафаев (1966) Қашқадарё дарёси ҳавзасида туркумнинг 3, К.З. Зокиров (1961, 1971) Зарафшон дарёси ҳавзасида 12, Қизилқум қолдиқ тоғлари ва Нурота тизмасида 5 тури учрашини келтирган [19, 8, 9]. П. Халқўзиев (1971) Шоҳимардон дарё ҳавзасида туркумниг 5, Т.Х. Худойбердиев (1987) Олой тизмасида туркумнинг 3 тури учрашини қайд этган [34, 41].

Нурота қўриқхонаси флорасида туркумнинг (Нурота тизмаси) 7 (*S. submutica* Botsch. "Қизил китоб"га киритилган), Сурхон давлат қўриқхонасида 7 (*S. lilacinocoerulea* Nevski "Қизил китоб"га киритилган), Чотқол қўриқхонасида 5 (*S. korolkowi* Regel & Schmalh., *S. tianschanica* Makhm. "Қизил китоб"га киритилган), Зомин давлат қўриқхонаси 7, Зомин Миллий табиат боғида 7 тури тарқалган [3, 10, 12, 37, 1].

К.Ш. Тожибаев (2010) Жануби-ғарбий Тянь-Шань флорасининг Ўзбекистон қисмида туркумнинг 8 тури учраши ва уларнинг ареаллари тўғрисида маълумотлар келтирган [26]. Ҳ.Ф Шомуродов ва б. (2017) *S. lilacinocoerulea* Nevski турининг 4 ценопопуляцияси 55 турлар билан бирга учраши, ценопопуляцияларида *Juniperus seravschanica, Artemisia tenuisecta, Elymus hispidus (Elytrigia trichophora), Salvia lilacinocoerulea* каби турларни доминант ва кодоминант ҳолда тарқалиши ҳамда демографик хусусиятларини ўрганган [46].

Сўнгги йилларда Ўзбекистон Республикаси вилоятлари (юксак ўсимликлар) кадастри бўйича лойиҳалар доирасида, Самарқанд вилолятида 13, Қашқадарёда 15, Навоийда 10, Жиззахда туркумнинг 12 тури учраши аниқланди [23, 24, 25, 27].

Бойсун ботаник-географик райони флорасида туркумнинг 11, Молгузар тизмасида (Молгузар ботаник-географик райони) эса 8 тури учраши келтирилган

[28, 2]. О.Т. Тургинов ва б. (2019) Ўзбекистон фораси учун камёб ва тор тарқалиш ареалига эга эндем (*S. submutica*, *S. tianschanica*, *S. drobovii*) турларининг Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тарқалиши ўрганилган [47].

Ўзбекистон Республикаси "Қизил китоб"ининг 1984 йил биринчи нашрига 3, 1998 йил 5, 2006 йил 5, 2009 йил 6, 2019 йил эса туркумнинг 6 тури киритилган [29, 30, 31, 32, 33]. Кўрсаткичларнинг ошиб бориши турларнинг абиотик, биотик ва антропоген омиллар таъсирида ареали қисқариб, камайиб бораётганини англатади.

Учинчи йўналиш, турларнинг дориворлик, манзаралилик, эфир-мойли ва асал-ширалилик хусусиятларини ўрганишга қаратилган.

С. Мелибоев ва б. (2018) *S. aethiopis* – юрак, буйрак, безгак, *S. deserta* – юрак, *S. sclarea* – томоқ ва меъда, *S. spinosa* – безгак, буйрак, юрак, *S. karelinii* – тери ва бошқа касалликларда фойдаланиладиган дориворлик хусусиятлари, Ў. Пратов ва б. (2018) *S. sclarea*, *S. submutica*, *S. korolkowi* турларининг манзаралилик хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирган [18, 22]. К.Х. Ходжиматов (1970, 1998), Х.К. Джумаев (1990), Egamberdieva et al. (2013), Mamadalieva et al. (2020) туркум турларининг кимёвий таркибини ўрганиб, бир қатор янги фармакологик ва дориворлик хусусиятларини аниқлаган [38, 39, 6, 43, 45]. Х.Х. Холматов (1964), Г.Х. Хамидов ва б. (1976), Қ.Ҳ. Ҳайдаров, Қ.Ҳ. Ҳожиматов (1992) туркум турларининг эфир-мойли ва асал-ширалилик хусусиятлари, турларнинг хом-ашё захиралари бўйича илмий тадқиқотлар олиб борган [40, 35, 42]. Туркумнинг *S. deserta*, *S. sclarea*, *S. aethiopis*, *S. karelinii*, *S. scrophulariifolia* турлари асал-ширага бойлиги билан ажралиб туради.

Мухтасар қилиб айтганда, Ўзбекистон флорасида тарқалган *Salvia* туркум турларининг ўрганилишига оид кенг кўламли адабиётлар таҳлили, Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турларини фанга киритилиши, ҳозирга қадар олиб борилган геоботаник ва флористик тадқиқотлар ҳамда туркум турларининг хўжалик аҳамияти нуқтаи назаридан ўрганилиши каби уч йўналишга ажратиш мумкинлигини кўрсатди. Юқоридаги кўрилган уч йўналишда кўплаб илмий изланишлар олиб борилганлигига қарамай, туркум турларининг яхлит таксономия, полинология, карпология, карпоэкология, молекуляр йўналишларда тадқиқотлар амалга оширилмаган. Бу каби тадқиқот ишларини амалга ошириш, кейинчалик туркум турларини ўрганишда янги йўналишларни пайдо бўлишига олиб келади.

Ҳозирда "Ўзбекистон табиий флорасининг икки уруғпаллалилар систематикаси" (ВА-ФА-Ф5-010 2017–2020) лойиҳаси доирасида Ўзбекистон флорасида тарқалган туркум турларнинг таксономияси ҳамда Ўзбекистон ботаник-географик районлари бўйича тарқалиши замонавий методлар асосида ўрганилмоқда. Мазкур тадқиқот ишлари "Ўзбекистон флораси"нинг янги нашрлари учун асос бўлади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаева Н.С., Ходжиматов О.К., Каршибоева Н.Х., Янгибаева З.А. Губоцветные (*Lamiaceae*) зааминского национального природного парка (Республика Узбекистан) // Бюллетень Брянского отделения РБО, 2017. № 2 (10). – С. 4–8.

2. Азимова Д.Э. Молгузар тизмаси флораси: автореф. дис. ...канд биол наук. – Ташкент, 2018. – 45 с.

3. Бешко Н.Ю. Флора Нуратинского заповедника: автореф дис. ...канд. биол. наук. – Ташкент, 1999. – С. 45-49.
4. Бочанцев В.П. О *Salvia schmalhausenii* auct. // Бюлл. САГУ, 1937, 22 № 37. – С. 321-328.
5. Введенский А.И. *Salvia* L. - шалфей. Флора Узбекистана. –Ташкент: АН УзССР, 1961. – 382-394 с.
6. Джумаев Х.К. Биология цветения и плодоношения *Salvia sclarea*.L. и *Origanum tuttanthum* Gontsch. (Узбекская ССР) / Х.К. Джумаев, Р.М. Мухамеджанова // Раст. ресурсы. - 1990. - Т.26, вып. 4. - С.519-524.
7. Закиров К.З. Растительный покров Узбекистана и пути его рационального использования. Т.4. – Т.: "Фан" УзССР, 1984. – С. 383.
8. Закиров К.З. Флора и растительность бассейна реки Зеравшан. Ч. 2. Конспект флоры. – Ташкент: Изд-во АН УзССР, 1961. – С. 446.
9. Закиров П.К. Ботаническая география низкогорий Кызылкума и хребта Нуратау. – Ташкент: Фан, 1971. – С. 203.
10. Ибрагимов А.Ж. Флора Сурханского заповедника (хребет Кугитанг): Автореф. дис. … канд. биол. наук. – Ташкент, 2010. – 20 с.
11. Коровин Е.П. Растительность Средней Азии и Казахстана. Т. 2. – Т. 1962. – С. 549.
12. Красовская Л.С., Левичев И.Г. Флора Чаткальского заповедника. – Ташкент: "Фан", 1986. – С. 176.
13. Кудряшев С.Н. Материалы к изучению шалфеев Средней Азии. Тр. сектора раст. ресурсов Ком. наук УзССР. 1937. Вып. 3. – С. 35.
14. Махмедов А.М. Заметки о видах из рода *Salvia* L. из подрода Macrosphace Pobed. // Новости сист. высш. раст., т.21, 1984.
15. Махмедов А.М. Новый вид шалфея (*Salvia* L.) с Западного Тянь-Шаня // Новости сист. высш. раст., т.17, 1980. – С. 215-218.
16. Махмедов А.М. Шалфей Средней Азии и Казахстана (систематика, география и рациональное использование). – Т: "Фан", 1984. – С. 112.
17. Махмедов А.М. Род Шалфей – *Salvia* L. // Определитель растений Средней Азии. Т. IX. – Т.: Изд-во "Фан", 1987.– С. 138-150.
18. Мелибоев С. ва б. Ўзбекистон флорасида учрайдиган доривор ўсимликлар. – Фарғона: "Фарғона" нашриёти, 2018. – С. 224.
19. Мустафаев С.М. Растительные ресурсы бассейна реки Кашкадарья. Автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1966. – С. 31.
20. Победимова Е.Г. Род Шалфей – *Salvia* L. // Флора СССР. Т. 21. Ред. Б. К. Шишкин. М.; Л.: Изд-во АН СССР, 1954. – С. 244-363.
21. Попов М.Г. Флора пестроцветных толщ (краснопесчанниковых низкогорий) Бухары (Фрагмент к истории флоры Туркестана) // Тр. Туркестанского научн. Общ. Т. 1. Ташкент, 1923. С. 41.
22. Пратов Ў.П. ва б. Ўзбекистоннинг ёввойи манзарали ўсимликлари. – Тошкент: "O'zbekiston" НМИУ, 2018. – 184 б.
23. Тожибаев К.Ш. и др. Кадастр флоры Узбекистана: Самаркандская область (сосудистые растения). – Ташкент: "Фан", 2012. – С. 220.

24. Тожибаев К.Ш. и др. Кадастр флоры Узбекистана: Кашкадарьинская область (сосудистые растения). – Ташкент: “Фан”, 2018. – С.256.
25. Тожибаев К.Ш. и др. Кадастр флоры Узбекистана: Навоийская область (сосудистые растения). – Ташкент: “Фан”, 2019. – С. 216.
26. Тожибаев К.Ш. Флора юго-западного Тянь-Шаня (в пределах республики Узбекистан): Автореф. дис. … док. биол. наук. – Ташкент, 2010. – С. 35.
27. Тожибаев К.Ш., Бешко Н.Ю., Батошов А.Р., Азимова Д.Э. Кадастр флоры Узбекистана: Джизакской область (сосудистые растения). – Ташкент: “Chinor ENK”, 2015. – С. 300.
28. Тургинов О.Т. Бойсун ботаник-географик райони флораси: Дис. ...канд биол наук. – Тошкент, 2017. – 296. б.
29. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». – Т.: “Фан”, 1984. Т.1. – С. 150.
30. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». – Т.: “Chinor ENK”, 1998. Т.1. – С. 336.
31. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». – Т.:“Chinor ENK”, 2006. Т.1. – С. 336.
32. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». – Т.: “Chinor ENK”, 2009. Т.1. – С. 356.
33. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби». – Т.: “Chinor ENK”, 2019. Т.1. – С. 356.
34. Халкузиев П. Флора и растительный покров басс. р. Шахимардан: автореф. дис. канд. биол. наук. – Ташкент, 1971. – С. 26 с.
35. Хамидов Г.Х. Ҳоджиматов К.Ҳ., Ниязов Б.Н. к вопросу нектаропродуктивности некаторых видов рода шалфея условниях Узбекситана. – В кн.: Биологические и морфологические особенности полезных растений Узбекистана. – Т.: “Фан” 1976. – С. 58-63.
36. Хасанов Ф.О. (Ред.) Определитель растений Средней Азии. Т. XI. – Ташкент, 2015. Изд-во “Фан”, –С. 456.
37. Хасанов Ф.О., Эсанкулов А.С., Тиркашева М.Б. Флора Зааминского государственного заповедника. – Ташкент: “REN-Poligraf”, 2013. – 120 с.
38. Ходжиматов К.Х. Исследование шалфея мускатного и, шалфея пустынного в УзССР / К.Х. Ходжиматов // Актуальные проблемы изучения эфирномасличных растений и эфирных масел. - Кишинев, 1970. - С.68-70.
39. Ходжиматов О.К. Лекарственные растения бассейна р. Пскем (Ташкентская область Республики Узбекистан). – 1998.
40. Холматов Х.Х. Дикорастущие лекарственные растения Узбекистана. – Т.: “Медицина” 1964. – 278 б.
41. Худайбердиев Т.Х. Губоцветные Алайского хребта. – Т.: Фан, 1987. – С. 55-58.
42. Ҳайдаров Қ.Ҳ., Ҳожиматов Қ.Ҳ. Ўзбекистон ўсимликлари: Ўрта мактабларнинг биология ўқитувчилари учун қўлл. – 2-қайта ишланган ва тўлдирилган нашри. – Т.: “Ўқитувчи” 1992. – 248 б.
43. Egamberdieva D. et el. Medicinal plants from Chatkal Biosphere Reserve used for folk medicine in Uzbekistan //Med Aromat Plant Sci Biotechnol. 2013. Т. 7. № 1. – С. 56-64.

44. Hu G.X. et al. Phylogeny and staminal evolution of *Salvia* (*Lamiaceae*, *Nepetoideae*) in East Asia // Annals of botany. 2018. Т. 122. № 4. – С. 649-668.
45. Mamadalieva N. Z. et al. Extractives and biological activities of *Lamiaceae* species growing in Uzbekistan // Holzforschung. 2020. Т. 74. № 2. – С. 96-115.
46. Shomurodov H. F. et al. A Demographic Structure of Populations of Salvia Lilacinocoerulea Nevski, a Rare Species Endemic to the Western Pamir-Alay (Uzbekistan, Turkmenistan) // American Journal of Plant Sciences. 2017. Т. 8. № 06. – С. 1411.
47. Turginov O., Turdiboev O., Khoshimov K. Endemic species of the genus *Salvia* L. (*Lamiaceae* Lindl.) in flora of Uzbekistan // Scientific Bulletin of Namangan State University. 2019. Т. 1. №. 1. – С. 65-72.

КАРТАЛАШТИРИШ ПОПУЛЯЦИЯСИ БОШЛАНҒИЧ НАМУНАЛАРИНИНГ ҚУРҒОҚЧИЛИК МУҲИТИДАГИ МОРФО-ФИЗИОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Холмурадова Мафтуна Махмуджановна, Тураев Озод Суннаталиевич, Нормаматов Илёс Сулаймонович, Шарипов Сирожиддин Норбобоевич , Набиев Саидғани Мухторович, Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич
Геномика ва биоинформатика маркази

Аннотация: *Мақолада ғўза генларни картлаштириш учун махсус ишлаб чиқилган уяли ассоциатив картлаштириш (УАК) популяциясининг бошлангич ашёларидаги айрим морфо-физиологик кўрсаткичларини ўрганиш натижалари ёритилган. Тадқиқот натижаларига кўра популяциянинг умумий оналик шакли Наманган-77 навидан тегишли хусусиятлар бўйича кескин фарқликка эга бўлган бошлангич намуналар аниқлаб олинди. Ўзаро кескин фарқликка эга бошлангич ашёлар асосида олинган УАК оилалари қургоқчиликка алоқадор генларни картлаштириш учун танлаб олинди.*

Калит сўзлар: *ғўза, қургоқчиликка чидамлилик генлари, УАК популяцияси, морфо-физиологик хусусиятлар,транспирация жадаллиги.*

МОРФО-ФИЗИОЛОГИЧЕСКИЕ ПРИЗНАКИ ИСХОДНОГО МАТЕРИАЛА ПОПУЛЯЦИИ КАРТИРОВАНИЯ ПРИ УСЛОВИЯХ ЗАСУХИ

Холмурадова Мафтуна Махмуджановна, Тураев Озод Суннаталиевич, Нормаматов Илёс Сулаймонович, Норбеков Журабек Кушбокович, Набиев Саидгани Мухторович, Кушанов Фахриддин Неъматуллаевич
Центр Геномики и биоинформатики

Аннотация: *В данной статье представлены результаты исследования по оценке некоторых морфофизиологических параметров родительских основателей популяции гнездого ассоциативного картирования (ГАК), специально созданной для высокоточного картирования генов хлопчатника. По результатам исследования были выявлены основатели ГАК со значительными отличиями от общего материнского сорта Наманган-77. Семейства ГАК, полученные на основе селекционных материалов с резкими отличиями друг от друга, были отобраны для картирования генов, связанных с засухой.*

Ключевые слова: *хлопчатник, гены засухоустойчивости, ГАК популяции, морфофизиологические признаки, интенсивность транспирасии.*

MORPHO-PHYSIOLOGICAL TRAITS OF MAPPING POPULATION FOUNDERS UNDER DROUGHT STRESS

Кириш. Ғўза – бу дунё миқёсида қарийб 8 миллиард кишининг эҳтиёжини қондириш учун етиштириладиган глобал саноат экинидир. 2050 йилга келиб ер аҳолисининг экспоненциал ўсиши тахминан 9 миллиардга етади [1], бу эса табиий маҳсулотларга бўлган талабнинг ўсишига олиб келади. Келгусидаги кутилаётган бу каби муаммоларни ҳал қилиш мақсадида селекционер олимлар томонидан ғўза навларини такомиллаштиришга бўлган этибор кучайтирилмоқда. Айниқса, шўрланган ва қурғоқчил тупроқ каби абиотик стрессларга бардошли ғўза навларини яратиш бугунги кунда олимлар олдида турган долзарб масалаларидан бири ҳисобланади [2].

Узоқ йиллар мобайнида исталган агрономик хусусиятларни селекция қилиш ва интенсив танлаш ғўзадаги кенг хилма-хилликка ўз салбий таъсирини қўрсатди. Натижада, замонавий ғўза генотипларининг генетик хилма-хиллиги кескин тушиб кетди [3]. Ғўза мезофит ўсимлик бўлганлиги сабабли унинг ишлаб чиқарилиши ҳамда селекцияси сифатига турли хил абиотик ва биотик стресслар таъсир кўрсатади [4]. Сўнги йилларадаги мавжуд элита навларининг тор генетик сегрегацияси туфайли абиотик стрессга чидамли ғўза навларини яратиш мураккаб бўлиб қолди [5]. Гарчи ғўза ўсимлиги бу каби стрессларга нисбатан бардошли деб таърифланган бўлсада, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган суғориш сувларининг камайиб бориши, сувдан фойдаланиш самарадорлиги юқори бўлган ғўза генотипларига эга бўлиш истагини кучайтирмоқда [6].

Ғўзада қурғоқчилик стрессига чидамлиликни баҳолашда ўсимлик бўйи, ҳосилдорлик, кўсаклар сони ва оғирлиги, илдиз тузилиши ва оғирлиги, хлорофилл миқдори, фотосинтез даражаси, транспирасия даражаси, баргдаги нисбий сув миқдори, сўлиган баргдаги йўқотилган сув миқдори, ҳужайра мембранаси стабиллиги, CO_2 концентрацияси, осмотик потенциал ҳамда осмотик адаптация каби бир қанча морфо-физиологик хусусиятларга эътибор қаратиш самарали натижа бериши кўплаб манбаларда такидлаб ўтилган [7, 8, 9].

Тадқиқот материаллари ва услублари. Мазкур тадқиқотда УАК-популяцияси бошланғич ашёлари (ота-она шакллари), хусусан, умумий оналик шакли Наманган-77 нави ҳамда оталик КК-1796, КК-1795, L-1000, С-9006, КК-1086, Catamarca 811, С-9008, L-N1, L-141, Hapicala 19, 0-030, С-4769, L-45, Занги-Ота, Saenr Pena 85, С-2025, КК-602, SAD-35-11 ҳамда С-417 шаклларидан фойдаланилди.

Тадқиқотда селекциянинг кузатув, фенотипик баҳолаш, статистик усуллар ва турли лаборатория таҳлилларидан фойдаланилди.

Тадқиоқот намуналарнинг қурғоқчиликка чидамлилигини ўрганиш мақсадида тажрибалар Геномика ва биоинформатика марказининг Махсус уруғлик хўжалиги тажриба даласида суғоришнинг икки хил режими асосида ўтказилди:

1) оптимал суғориш фонида, 1х2х1 (шоналаш даврида 1 марта, гуллаш даврида 2 марта ва ҳосил тўплаш даврида 1 марта суғориш) схемаси асосида;


2) сунъий сув танқислиги фонида, 0x1x0 (фақат гуллаш даврида 1 марта сув бериш) схемаси асосида суғорилди.

Натижалар ва уларнинг муҳокамаси. Икки хил суғориш фонида ўстирилган ўсимлик намуналарида уларнинг бўйи, кўсаклар сони, биринчи ҳосил шохининг баландлиги, моноподиал ва симподиал шохлар сони каби морфо-биологик кузатувлар олиб борилди. Бундан ташқари намуналарда физиологик хусусиятлардан бири бўлган транспирация жадаллиги аниқланди.

Қўлга киритилган маълумотлар статистик жиҳатдан вариациялар таҳлили (ANOVA – analysis of variance)нинг умумий чизиқли модель (GLM – general linear model) усулида қайта ишланди.

Транспирация жадаллиги А.А. Иванов [10] усули бўйича аниқланди. Мазкур усулга кўра сувнинг буғланиш (транспирация) жадаллиги, ҳар бир ўсимликдан йиғиб олинган баргларнинг вазнини маълум вақт орасида такрорий ўлчаш ҳамда 60 дақиқа ичида буғланган сув миқдорини аниқлаш орқали амалга оширилди.


Транспирация жадаллиги бўйича олиб борилган статистик таҳлил натижаларидан кўриш мумкинки сунъий сув танқислиги муҳитида ўстирилган намуналарнинг 75 фоизи қурғоқчилик стресси остида кўп миқдорда сув буғлатган. Намуналарнинг 25 фоизи эса нисбатан кам миқдорда сув буғлатган ва натижада ҳар иккала фонда ҳам бир-бирига яқин кўрсаткичларни номоён этган. Хусусан, популяциянинг умумий оналик шакли ҳисобланган Наманган-77 нави оптимал муҳитда 225,2 мг ва сув танқислиги мухитида 242,5 мг сув буғлатган бўлса, L-1000 ва L-45 линияларида мос равишда оптимал фонда 411,3 мг ва 576,9 мг, сув танқислиги фонида эса мос равишда 386,3 мг ва 603,4 мг сув транспирация бўлган. Ҳар иккала фонда ҳам энг кам сув буғлатган ўсимлик КК-1796 бўлиб, оптимал фонда 200,4 мг ва сув танқислиги фонида 274,8 мг сув буғлатганлиги билан нисбатан чидамлиликни кўрсатган. Сув танқислиги мухитида энг кўп сув буғлатган намуналар Занги-Ота (828,6 мг), Saenr Pena 85 (861,4 мг), С-2025 (890,8 мг) ва КК-602 (826,3 мг) навлари бўлган (1-расм).



1-расм. Ота-она намуналарида транспирация жадаллиги кўрсаткичининг GLM таҳлили. **А-**намуналар бўйича таҳлил, **Б-**муҳит бўйича таҳлил. Наманган**-**77, **2**-КК-1796, **3**-КК-1795, **4**-L**-**1000, **5**-С**-**9006, **6**-КК-1086, **7**-Catamarca 811, **8**-С**-**9008, **9**-L-N1, **10**-L**-**

141, **11**-Hapicala 19, **12**-0-030, **13**-C-4769, **14**-L-45, **15**-Занги-Ота, **16**-Saenr Pena 85, **17**-C-2025, **18**-KK-602, **19**-SAD-35-11, **20**-C-417.

Бизга маълумки, пахта ҳосилининг эртапишарлик хусусияти билан ижобий корреляцияга эга бўлган биринчи ҳосил шохининг баландлиги қанчалик кичик бўлса ўсимлик шунчалик эртапишар ҳисобланади. Бу кўрсаткич бўғимлар сони билан ифодаланиб, ўсимликнинг уруғпалла барги жойлашган қарама-қарши бўғимларидан юқорига қараб то биринчи ҳосил (симподиал) шохигача бўлган бўғимлар сони ҳисобга олинади. Табиийки, сув танқислиги каби стресслар ўсимликларнинг одатдагидан тезроқ гулга кириши ва ҳосилини имкон қадар тезроқ етилтиришига олиб келади. Ушбу тадқиқотда ҳам айнан қурғоқчилик мухитидаги намуналар кам бўғимлар сони билан нисбатан эртапишарлик белгиларини намоён этди (2-расм).




2-расм. Ота-она намуналарида биринчи ҳосил шохининг баландлиги кўрсаткичининг GLM таҳлили. **А**-намуналар бўйича таҳлил, **Б**-муҳит бўйича таҳлил. **1**-Наманган-77, **2**-KK-1796, **3**-KK-1795, **4**-L-1000, **5**-C-9006, **6**-KK-1086, **7**-Catamarca 811, **8**-C-9008, **9**-L-N1, **10**-L-141, **11**-Hapicala 19, **12**-0-030, **13**-C-4769, **14**-L-45, **15**-Занги-Ота, **16**-Saenr Pena 85, **17**-C-2025, **18**-KK-602, **19**-SAD-35-11, **20**-C-417.

Бунда, сув танқислиги мухитидаги C-9008 ва L-45 нав ва линиялари ўсимликлари энг кам (4 та) бўғим сони билан оптимал муҳитдаги ўсимликлардан кескин фарқ қилди. L-1000, C-9006 ва KK-1086 нав ва линиялари ҳар икки суғориш режимида ҳам деярли бир хил натижа кўрсатди. Шунингдек, биринчи ҳосил шохининг жойлашиш баландлигини кўрсатувчи бўғимлар сони сув танқислиги фонида Наманган-77, KK-1795, 0-030, Занги-Ота ва C-2025 каби намуналарда айнан шу ўсимликларнинг оптимал фондаги намуналарига қараганда бироз камайган. Бу эса қурғоқчилик стресси таъсирида ўсимликларнинг репродуктив ривожланишидаги мослашувчанлигини ифодалайди.


Шунингдек, намуналарда ҳосилдорликни белгиловчи симподиал шохлар сони таҳлил қилинди (3-расм). Унга кўра энг юқори кўрсаткични оптимал шароитда C-9008 (16 та) нави номоён қилган бўлса, энг паст кўрсаткични эса сув танқислиги шароитида Наманган-77 (9 та) ва Saenr Pena 85 (10 та) намуналари намоён этди. Ҳар иккала муҳитда ҳам деярли бир хил натижани Hapicala 19, C-4769, SAD-35-11 ва C-417 нав ва нав намуналари кўрсатди. Оптимал сув режимидаги Наманган-77, C-9008, L-45 ва Saenr Pena 85 намуналари мос равишда 13, 16, 15 ва 12 та симподиал шохлар

сонига эга бўлган холда сув танқислиги режимидаги Наманган-77 (9 та), С-9008 (12), L-45 (12) ва Saenr Pena 85 (10) ўсимликларидан бироз фарқ қилди.



3-расм. Ота-она намуналарида симподиал шохлар сони кўрсаткичининг GLM таҳлили. **А-**намуналар бўйича таҳлил, **Б-**муҳит бўйича таҳлил. **1**-Наманган-77, **2**-KK-1796, **3**-KK-1795, **4**-L-1000, **5**-C-9006, **6**-KK-1086, **7**-Catamarca 811, **8**-C-9008, **9**-L-N1, **10**-L-141, **11**-Hapicala 19, **12**-0-030, **13**-C-4769, **14**-L-45, **15**-Занги-Ота, **16**-Saenr Pena 85, **17**-C-2025, **18**-KK-602, **19**-SAD-35-11, **20**-C-417.

Ғўзада ҳосилдорликнинг энг асосий кўрсаткичларидан бири ҳисобланган кўсаклар сони ўрганилганда (4-расм), энг юқори кўрсаткични С-9008 нави (оптимал фонда 22 та, сув танқислигида 12 та), энг паст кўрсаткични С-4769 (сув танқислигида 9 та, оптимал фонда 12 та) намоён этди.



4-расм. Ота-она намуналарида кўсак сони кўрсаткичининг GLM таҳлили. **А-**намуналар бўйича таҳлил, **Б-**муҳит бўйича таҳлил. **1**-Наманган-77, **2**-KK-1796, **3**-KK-1795, **4**-L-1000, **5**-C-9006,**6**-KK-1086, **7**-Catamarca 811, **8**-C-9008, **9**-L-N1, **10**-L-141, **11**-Hapicala 19, **12**-0-030, **13**-C-4769, **14**-L-45, **15**-Занги-Ота, **16**-Saenr Pena 85, **17**-C-2025, **18**-KK-602, **19**-SAD-35-11, **20**-C-417.

Сув танқислиги шароитида энг юқори кўрсаткични 13 та кўсак сони билан Catamarca 811 ташкил этган бўлса, энг паст кўрсаткични эса L-45 ва SAD-35-11 (ҳар икки намунада 9 тадан кўсак сони) ўсимликлари намоён этди. Сув танқислиги стресси деярли таъсир қилмаган намуна сифатида С-9006 навини такидлаш мумкин.

Ушбу нав оптимал шароитда ўртача 13 та кўсак ҳосил қилган бўлса, қурғоқчилик шароитида ўртача 12 та кўсак ҳосил қилган.

Хулоса

Амалга оширилган морфо-физиологик тадқиқот натижалари асосида УАК папуляциясининг бошланғич намуналари сифатида танлаб олинган 20 та оталик ва оналик шаклларининг қурғоқчиликка чидамлилик даражалари турлича эканлигини хулоса қилиш мумкин.

Хусусан, транспирация жадаллиги бўйича умумий оналик шакли Наманган-77 нави ҳар иккала фонда ҳам бир хил натижа кўрсатиб, ушбу белги бўйича барқарор эканлиги маълум бўлди. Бу эса, ушбу белги бўйича иккала фонда ҳам кескин фарқли натижани кўрсатган оталик шакллари КК-1086, Catamarca 811, С-9008, L-N1, 0-030, С-4769, С-2025, КК-602, SAD-35-11, С-417 асосида яратилган УАК оилалари иштирокида тегишли генларни карталаштиришга жалб этиш юқори аниқликни таминлайди.

Эрта пишарликка алоқадор ғўзанинг биринчи ҳосил шохи баландлиги белгиси иккала фонда ўзаро ўртачи 1,5 бўғимга фарқланган. Ушбу белги бўйича стабил бўлган оталик шакллари КК-1795, L-1000, С-9006, КК-1086, С-2025 ҳамда иккала фонда кескин фарқланувчи L-N1, L-45, Saenr Pena 85 ва SAD-35-11 намуналари иштирокидаги УАК оилалари ғўзада эртапишарликни бошқарувчи генларни идентификаци қилишда юқори самарадорликни намоён этишини хулоса қилиш мумкин.

Ғўзанинг ҳосилдорлигини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири бўлган симподиал шохлар сони Наманган-77 навида қурғоқчилик фонида кескин тушиб кетганлигини кўриш мумкин, бу эса ушбу нав сувсизлик шароитида ҳосилдорлигининг кескин тушиб кетишига ишора беради. Симподиал шохлар сони ҳар иккала фонда ҳам бир-бирига яқин натижаларни кўрсатган Catamarca 811, L-N1, L-141, Hapicala 19, 0-030, С-4769, Занги-Ота, С-2025, SAD-35-11, С-417 намуналар стабил натижани намоён этиб улар асосида олингин УАК оилалари ҳосил шохларини бошқарувчи генларни юқори аниқликда карталаш имконини беради.

Ҳосилдорликнинг яна бир асосий омили бўлган кўсаклар сони бўйича тадқиқотимизда Наманган-77 нави бироз ўзгарувчан бўлиб, қурғоқчиликда ушбу кўрсаткич тушиб кетган. Наманган-77 нави ҳамда кўсаклар сони бўйича стабил кўрсаткичга эга С-9006, L-141, Hapicala 19, С-4769 ва икки муҳитда ўта ўзгарувчан С-9008 намуналари асосида олинган УАК оилаларини мазкур белгига алоқадор геном ҳудудларини карталаштиришга тавсия этилади.

Қурғоқчилик шароитида УАК популяцияси ота-она намуналарини ўрганиш мазкур белгини бошқарувчи генларни аниқлашда юқори сегрегацияга эга популяциянинг тегишли оилаларини тўғри танлаш имконини беради.

Адабиётлар

1. Gilland B.J. World population and food: can food production keep pace with population growth over the next half century? Food policy. 2002; 27: 47–63. doi: 10.1016 / S0306-9192 (02) 00002-7.

2. Richard Odongo Magwanga, Pu Lu , Joy Nyangasi Kirungu, Latyr Diouf ,Qi Dong , Yangguang Hu, Xiaoyan Cai, Yanchao Xu, Yuqing Hou, Zhongli Zhou,Xingxing Wang,

Kunbo Wang, Fang Liu. GBS Mapping and Analysis of Genes Conserved between Gossypium tomentosum and Gossypium hirsutum Cotton Cultivars that Respond to Drought Stress at the Seedling Stage of the BC2F2 Generation. International journal of Molecular Sciences. 2018, 19, 1614; doi:10.3390/ijms19061614.

3. Abdurakhmonov, I.Y.; Kohel, R.J.; Yu, J.Z.; Pepper, A.E.; Abdullaev, A.A.; Kushanov, F.N.; Salakhutdinov, I.B.; Buriev, Z.T.; Saha, S.; Scheffler, B.E.; et al. Molecular diversity and association mapping of fiber quality traits in exotic G. hirsutum L. germplasm. Genomics 2008, 92, 478–487.

4. Dabbert, T.A.; Gore, M.A. Challenges and Perspectives on Improving Heat and Drought Stress Resilience in Cotton. Breed. Genet. 2014, 409, 393–409.

5. Zhang, J.; Percy, R.G.; McCarty, J.C. Introgression genetics and breeding between Upland and Pima cotton: A review. Euphytica 2014, 198, 1–12.

6. Peng, Z.; He, S.; Gong, W.; Sun, J.; Pan, Z.; Xu, F.; Lu, Y.; Du, X. Comprehensive analysis of differentially expressed genes and transcriptional regulation induced by salt stress in two contrasting cotton genotypes.BMC Genom. 2014, 15, 760.

7. Saeed M, Guo W, Ullah I, Tabbasam N, Zafar Y, Zhang T (2011). QTL mapping for physiology, yield and plant architecture traits in cotton (Gossypium hirsutum L.) grown under well-watered versus water-stress conditions. Electronic J. Biotechnol. 14:3-3.

8. Abdelraheem Abdelraheem, Vasu Kuraparthy, Jinfa Zhang. Identification of Drought and Salt Tolerant Cotton Germplasm and Associated Markers in the U.S. Upland Germplasm. ASA, CSSA and SSSA International Annual Meetings (2016). Monday, November 7, 2016. Poster Number 163-1322.

9. Saleem M.A., Malik T.A., Shakeel A., Ashraf M. QTL mapping for some important drought tolerant traits in upland cotton. The journal of Animal & Plant Sciences, 25 (2): 2015, Page: 502-509 ISSN: 1018-7081

10. Иванов А.А., Силина А.А., Цельникер Ю.Л. О методе быстрого взвешивания для определения транспирации в естественных условиях. // Ботанический журнал., -1950. Т.35. -№2. – С. 171-185.

05.00.00 ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

ЕРЛАРНИ ЭКИШГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ҲОЛАТИ ВА ИЗЛАНИШНИНГ МАҚСАДИ

Нишонов Ботир.Мухаммаджонович. Наманган муҳандислик-қурилиши институти.

Аннотация: *Мақолада ерларни бир ўтишда экишга тайёрлаш учун техник воситалар таҳлили, уоар иш жараёни, ютуқ ва камчиликлари, қўйилган муаммони ҳал этиш учун техник ечим ва изланишлар вазифаси ва йўналиши келтирилган. Мавжуд агрегатларни пахтичилик худудларида фойдаланиш муаммолари кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар*: борона, текислаш, намлик, чизел-култиватор, қатлам, юмшаткич, галтак, чивиқ, барана, ротацион майдалагич.*

СОСТОЯНИЕ ПОДГОТОВКИ ЗЕМЛИ К ПОСЕВУ И ЦЕЛЬ ПОИСКА

Аннотация *: В статье дан анализ техническим средствам для подготовки земель к посадке за один проход, процесс выполнения работ, преимущества и недостатки, задачи и направления технических решений и исследования для решения проблемы. Рассмотрены проблемы использования существующих агрегатов в хлопкаводчествких районах.*

Ключевые слова: *борона, выравнивание, влага, чизел-культиватор, слой, прутковий, каток, барана, ротационний измельчитель.*

STATE OF LAND PREPARATION FOR SOWING AND PURPOSE OF SEARCH

Annotation*: The article analyzes the technical means for preparing land for planting in one pass, the process of performing work, advantages and disadvantages, tasks and directions of technical solutions and research for solving the problem. The problems of using existing units in cotton growing regions are considered.*

Key words*: harrow, leveling, moisture, chisel-cultivator, layer, bar, roller, ram, rotary grinder.*

Бороналаш комплекс агротехник тадбирлар ўртасида қишлоқ хўжалик экинларидан мўлжалланган юқори ва сифатли хосил олиш учун тупроққа экин экишдан олдин тупроққа ишлов бериш биринчи галда бажариладиган асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Унинг мақсади хайдалган ердаги йирик кесак ва тупроқ палахсаларини майдалаш, уруғ экилиши керак бўлган белгиланган чуқурликда тупроқ қатламини майинлигини таъминлаши, майдон юзасини текислаши, бегона ёввойи ўсимлик майсаларидан халос этиши, минерал ўғитларни аралаштириш, тупроқда микробиологик активликни ошириш, қатқалоқни юмшатиш, майдон юза қатламини зичлаши ва шу билан бир вақтда ҳайдов

қатламидаги намликни сақлаб қолишдан иборат. Маълумки Ўзбекистон Республикасининг пахтачилик туманларида тупроқ-иқлим шароити, тупроқнинг механик таркиби, унга ишлов бериш технологияси, машина турлари ва унга қўйилган талаблар бўйича уч зонага бўлинган.

Жами пахтачилик регионларида эрта баҳорги бороналаш энг асосий агротехник тадбирлардан бири бўлиб, хосил келажагини белгилайди. Кўплаб илмий муассасаларда олиб борилган илмий тадқиқот ишлари ва илғорлар [1-9] тажрибаси шуни кўрсатадики: ер вактида бороналанмаса тупроқ намсизланиб қолади, натижада ишлов пайтида тупроқ етарли майдаланмайди, йигилган намликни сақлаб қололмайди, майдон ёввойи бегона ўсимликлар билан қопланади. Шунинг учун эрта баҳорги бороналашни тупроқнинг юза қатлами етилаётган пайтда қиска вақт (2...3 кун) мобайнида ўтказиш зарур. Эрта баҳорги бороналашни вақтида ўтказилиши намликни сақлаб қолинишига сабаб бўлади. Агар бороналаш белгиланган вақтдан 10 кун кечикилса 1га майдондан 200...300м3, агар шундан ҳам кечиктирилса 1000 м3 намлик буғланиб кетиш хавфи туғилади [2]. Тупроқ таркиби қуруқшайди ва қотиб қолади, натижада майдаланиш жароёни қийинлашади. Эрта баҳорги бороналаш бегона ёввойи ўсимликларга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этади. Ф.А.Соколов [5] тажрибасида қуйидаги натижалар олинган: Ярим майдон бороналаниб, ярим майдон қолдирилган. 19 мартда бороналанган майдонда 1м² майдонда 3,6 дона бегона ўт бўлган, бороналанмаган майдонда эса 89,2 дона дан 243,2 донага кўпайган. Шундан кейин бутун бир майдонда бороналаш тадбири ўтказилди ва 1 кундан кейин бегона ўтлар ҳисоби такрорланди. Шунда икки маротаба бороналанган майдон бегона ўтлардан тўла ҳалос бўлган, бир марта март ойида бороналанган майдонда эса бегона ўтлар сони 38,8 дона бўлган. Кеч бороналанган майдонда бороналаш тадбири бегона ёввойи ўтларга қарши курашишда етарли натижа бермади ва бу майдонда чизел-култиватор ва борона билан биргаликда ишлов берилди. Бу натижалар бегона ўсимликларга қарши курашишда эрта-баҳорги бороналашни аҳамияти катта эканлигини кўрсатди.


Тупроқни чизеллаш ва дискалаш билан бир вақтда бороналаш муҳим аҳамиятга эга. Чунки дискалаш ва чизеллашда хосил бўлган кесаклар 1...2 соатдан сўнг намсизланади ва қаттиқлашади. Шундай экан, эрта баҳорда бороналашдан мақсад-тупроқ юза қатламини майин бўлгунга қадар майдалаш, намликни йўқолиши ва бегона ўсимликлар кўпайишини олдини олишдир. Бу қисман тупроқ юзасини текислайди ва ўсган бегона ўсимликларни бартараф этади. Пахтачилик минтақасида бороналашга қўйиладиган агротехник талаблар қуйидагилар томонидан аниқланган ва ифодаланган: Г.М. Рудаков [2,3], А.Тухтакузиев [4], Соколов Ф.А [5], Р.Б.Сафаров [6], Э.С.Курбонов [7] ва бошқалар [8,9].

Бороналарни танлаб олишдан мақсад-ишлаб чиқилган агротехник талабларга жавоб бера оладиган ротацион майдалагич (юмшатгич) конструкциялари билан танишиб ўрганмоқ керак, такомиллашган конструкциялар борасида изланишлар ва уларнинг параметрларини асослаб бериш керак.

Ротацион юмшатгичларнинг турлари, улар борасида олиб борилган изланишлар ва уларнинг таҳлили.

Ротацион юмшатгичлар тупроқ маълум устки қатламига кесиб ишлов бериш, кесакларни майдалаш, ўғитларни аралаштириш учун мулжалланган. Улар конструкцияси жиҳатидан хилма-хилдир [10].

Галтаксимон бороналар. Чивиқ симли ғалтаксимон бороналаш тупроқ юзасини яхши текислайди ва зичлайди ҳайдалган ва чизелланган майдондаги намликни кўтарилиб кетишини олдини олади. Лекин юза қисмдаги қаттиқ ва қуруқ кесакларни ёмон майдалайди. Шунинг учун бундай юмшаткичлар ҳам пахтачилик худудларида ўз ўрнини топа олмади. Охирги пайтларда янги агрегатлар пайдо бўлмокда, улар чивиқли симли каток билан ротацион бороналар ўртасидаги оралиқ ўринни эгалламоқда. Уларни ижобий баҳолаш мумкин. Уларни атамалари ғалтаксимон борона, борона каток, боронасимон каток ва игнали каток. Улардан эътиборни тортгани ғалтаксимон борона. Ишчи органлари планка ва планкага маҳкамланган тишлардан иборат. Ғалтаксимон боронанинг иккала шакли хам тупрокни яхши майдалайди ва зичлайди, бироқ катокнинг бўшлиқ қисмига тупроқ тўлиб қолади, шунингдек унинг планкалари ўз ўқига паралел қилиб дискларга ўрнатилган. Бу ҳолат панкаларни узунасига жойлашганлиги сабаб кесакларни каток бўшлиқ қисмидан отилиб чиқишига халақит қилади. Бир талай Россия изланувчилари Н.К.Мазитов [11], Ю.М.Матяшин [12], И.М.Гринчук [13] ва бошқалар чивиқли симли каток ва ротацион бороналарнинг ишчи органлари борасида изланишлар олиб бордилар ва қулай комбинациялашган планкали тишли ишчи органларни ишлаб чиқишди. Барабан бўшлиқ қисмларини тўлиб қолишини бартараф қилиш мақсадида улар барабанни конуссимон қилиш кераклигини таклиф қилдилар. Россия шароитига конуссимон бороналар бошқа ишлаб келаётган бороналардан ўз афзаллиги билан устунлик қилади.



1-Расм. Комбинациялашган планкали тишли ротацион борона.

Юқорида келтирилган расмлардаги катоклар пахтачилик худудларида ички нам қатламни тупроқ юза қисмга чиқаради, кесакларни талаб даражасида майдалай олмайди, рўпара келган кесакларни майдалаб қолган кесакларни асли холича қолдириб кетади. Шунинг учун бу қурилма қишлоқ хўжалигида ўз ўрнини топа олмади.

Ғалтаксимон борона асосий ўлчамлари ва онструкцияларининг таҳлили.

Чивикли (симли) каток, ротацион ва ғалтаксимон бороналарнинг параметрлари ва конструкцияларини яратилишида қуйидаги изланувчиларни катта хиссалари бор: В.П.Мармалюков, Монгольд Дитер, Н.К.Мазитов, Ю.И.Матяшин, И.М.Гринчук, А.Ф.Жук, В.Реблейн, И.М.Панов, Ф.М.Канарев, С.М.Вольфрам, А.Г.Чирков, А.А.Вильде ва бошқалар.

Хорижий мамлакатлар изланувчилари орасида қуйидаги изланувчилар алохида эътиборга лойиқ: E.Dalleine, Thumann kurt, Sacr H, Shcmidt H, Gardner H ва бошкалар.

Ўртача қаттиқликдаги ноқора тупроқ шароитида, чизел-култиватор изидан кейин кессаклар майин, сер намли бўлади ва уни ҳар қандай ишчи орган орқали майдалаш мумкин. Шунинг учун муаллиф В.П.Мармалюков тупроқ юза қисмини текислашда ижобий натижа берадиган спиралсимон катокни танлади.

Оғир ва қаттиқ типдаги тупроққа ишлов бериш учун тишли, пичоқли ротацион ва игнали ишчи органлар лозим.

Пахтачилик худудларида тупроққа экин экишгача чизел култиватор билан 15...20 см чуқурликда ишлов берилади. Тишли бороналар тупроққа бундай чуқурликда ишлов бера олмайди. Чизел-култиватор билан биргаликда эса агрегат оғирлигини, габарит ўлчовини катталаштиради ва бурилиш радиусини катталаштиради.

Пахтачилик худудларида ротацион ишчи органлар тупроқни бўшатувчи, кесакларни қисман майдаловчси ва қаторлараро ишлов берувчи машиналарга тегишлидир. Улар МВН-2,8 ва МВХ-5,4 конструкцияси асосини ташкил этади, ундан ташқари чигитни экиш учун-йўл йўл ишлов бериш ҳимоя худудларида тупроққа ишлов берувчи култиваторда алмашиб ўрнатиш шаклида ишлаб чиқарилади [14,15,16]


Бир неча эътиборга лойиқ изланувчилар ротацион бороналарнинг ишчи юзасини кўпайтириш мақсадида комбинациялашган ишчи органларни таклиф этганлар:

Кўп ҳолларда чизел-культиватор орқа қисмига ротацион майдаловчи қурилмалар 1 қатор якка ўрнатилиб ишлов берилганда етарли натижа бермаганлиги учун уларни қўш қатор ёки ундан ҳам кўп қатор қилиб ўрнатилиб ишлов берилади.

Яъни чизель-культиватор олд қисмида трактор босиб зичлаб ўтган изини юмшатувчи из-юмшатгич кейинги қаторда ясси пластинали каток, иккинчи қаторда чизел-культиватор ишчи воситалари ўрнашган, учинчи қаторда биринчи қаторда жойлашган пластинали каток нусхаси жойлашган, охирги қаторда оғир қўш қовурғали қалқасимон каток жойлашади. Буни Германияда ишлаб чиқарилган LEMKEN комбинациялашган тупроққа қайта ишлов берувчи агрегатида кўришимиз мумкин. Бу агрегат шудгорланган майдонларда тупроқни талаб даражасига келтириб, майдонларни экин экишга тайёрлаб бериш учун хизмат қилади.

Улар бир-бирига нисбатан бошқарлувчан қилиб ўрнатилган. Ҳар бир катокдан кейин текислагич қўйилган. Биринчи қатор текислаш учун подшибник билан маҳкамланган. Ҳалқаларга перпендикуляр ўрнатилган горизонтал қирқувчи планкалар ёрдамида тупроқ юзасини текислайди. Қирқувчи планкалар рессорлар

ёрдамида зўриқишдан ҳоли бўлади. Катокдан кейинги текислагич қўшимча ишлов беради ва юзани текислайди. Иккинчи қатордаги кўш қатор ўрдак кафтсимон лемехлар экин уяси чуқурлигида тўлиқ ишлов беради. У бойлаб маҳкамаланади. (Стойка) устунчалар паралеллограмм тортқилар билан маҳкамланганлиги учун тупроқ маълум чуқурликда қўпориш бир текисда бўлади. Лемехлар ясси бўлгани учун ерга тортилиш кучи кўп бўлади. Шунингдек, бу кучлар катокларни тупроқ кесакларини майдалашга, тупроқни зичлашга ва текислашга ундайди. Учинчи қатордаги ротацион ясси планкали каток шарикли подшибник билан маҳкамланган. Ясси қирқувчи планкалар ён юзаси билан кесакларни бўлиб майдалайди. Охирги қатордаги каток оғир бўлиб тупроқни қайта ишлаш жараёнига якун ясайди. Рамага шарнирли балка билан, балка эса вертикал ўзгарувчан қилиб константмаҳкамланган. Тупроқ таркибига қараб ва ишлов бериш чуқурлигига қараб шпиндел орқали бошқариш мумкин.



2-Расм. Комбинациялашган ротацион майдалагич LEMKEN фирмаси (Германия).

Шудгорлаш билан бир вақтда тупроққа қайта сифатли ишлов берилади. Қўпорилган дағал тупроқ ва кесакларни кесиб зичлаш ва майдалаш учун ишчи қамров кенглиги ўзгарувчан Вариопак-110 қўлланилади.

Германияни AMAZONEN-WERKE фирмасида ишлаб чиқилган донли экинлардан бўшаган майдонларда комбинациялашган агрегат тупроқни чуқур бўшатиб майдаловчи культиватор покришкали майдаловчи-зичловчи каток билан агрегатланган. Олдинги қаторда турган чизел-ишчи воситалари тупроқни қўпориб ташлайди. Иккинчи қатордаги вертикал айланиб ҳаракатланувчи пичоқлар тупроқни чуқур бўшатади, ўсимлик новда-пояларини тупроқ билан қориштиради. Охирги қатордаги поркришка ғилдиракли каток тупроқ билан аралашган поя-новдаларни зичлаб-ишлов беради. Шина-покришкали каток агрегатга шарнирли балка билан қотирилган ва олдинги қатордаги агрегат оғирлиги ҳисобига босим юкланиш олади. Ғилдираклар орасига тиқилиб қолган кесакларни махсус тароқлар орқали тозаланиб туради. Пневматик шина кийдирилган ғилдираклардан иборат ғалтак судрашга қаршилиги, қаттиқ тўғинли ғилдиракка нисбатан бир мунча камроқ бўлади. Бунга сабаб пневматик шина деформацияланиши натижасида тўғиннинг таянч майдони бир неча маротаба ката бўлади. Оқибатта, ерга тушадиган солиштирма босим кескин камаяди, у тупроққа саёзроқ ботади, камроқ ҳажмдаги тупроқни зичлайди, бу жароёнга энергия кам сарфланади. Бундан ташқари тупроқнинг ғилдиракка берадиган элементар босимларининг тенг таъсир

этувчиси R вертикал ўққа яқинроқ бқлиб, X_a елка камаяди, бу эса P кучини камайишига олиб келади. Ишлов бериш жараёнида сернам тупроқ ёпишиб қолмайди.

Тупроқ зичланиши тупроқ табиий нам кўтарилишини олдини олади. Уруғларни униб чиқиш кафолати ошади.

Тупроқ кесакларини майдалаш-зичлаш, шунингдек юза нотекслиги катта бўлмаган майдонларда тупроққа қайта ишлов бериш учун ҳалқасимон қўш қанотли, ҳалқали тишли ва ҳалқали понали катоклардан фойдаланилади. Бу катоклар рамага шарнирли балка орқали маҳкамланади. Босим етарли бўлиши учун балка кашак орқали константа (қимирламас) қилиб қотирилган. Уларни етарли чуқурлик ва зичлик учун шпиндел орқали ростлаш мумкин. Тиқилган тупроқларни ҳалқалар орасига тароқсимон планкалар орқали ўзини ўзи тозалаб туради.

Бу катокни камчилиги конструкциясининг мураккаблиги, нам тупроқ қанотлар орасига тиқилади ва етарли чуқурликда ишлаёлмайди.

Ўтказилган изланишлар таҳлилидан шуни ҳулоса қилиш мумкинки, чивиқли (симли) каток, ротацион ва ғалтаксимон бороналар борасида кўплаб изланишлар олиб борилди, уларни ишчи органи типларини ҳар томонлама кўриб чиқилди. Тажриба ва назарияда уларни параметрлари аниқланди. Улар асосан ўрта ва енгил тупроқ шароитида ўтказилди.

Бир неча изланувчилар оғир ва ўрта шароитдаги тупроқ худудларда комбинациялашган ишчи элементларини тавсия қилдилар. Чивиқли (симли) катоклар ва ротацион юмшатгичлар нисбатан авзал эканлигини такидлаб ўтдилар, уларни умуий холда ғалтаксимон бороналар деб аташ мумкин. Шунингдек тавсия этилган ғалтаксимон бороналар комбинациялашган ишчи органларини типларини танлаш ва уларни параметрларини ўрганиш учун махсус изланишлар олиб борилмади. Улар мавжуд оддий чивикли ва ротацион ишчи органлар ёки тишли ва дискли бороналардан фойдаланилган.

Ғалтаксимон юмшатгичларнинг агротехник кўрсаткичлари ошиши ва энергетик кўрсаткичлари камайиши учун зарур бўлган чивик (сим)ларнинг ва тишлари биргаликда формаларини, барабаннинг параметрини ўрганиш, ҳаракат тезлиги, барабанга солиштирма оғирликларни ўрганиш лозим.

Ғалтаксимон юмшатгичлар ҳар хил ишлов бериши ва формаси билан ажралиб туради. Уларни қўллашни шароити ва параметри, талаб этилган сифатли ишлов беришни таъминлаш, тупроқ типи ва холатига караб, унинг физик механик хусусияти, ғалтаксимон пичоқли юмшатгич типини танлаш ва параметрларини аниқлаш учун махсус тажриба ва назарий изланишлар олиб боришни талаб қилади.

Мавжуд иш пахтачилик ва такрорий экин экиш худудларида чизел култиватор билан биргаликда ишлаши учун ғалтаксимон пичоқли юмшатгич боронани типларини танлаш ва параметрларини аниқлашга бағишланади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Кондратюк В.П. Обработка почвы под посев хлопчатника в Средней Азии. - Ташкент: Фан, 1972.-287 с.
2. Рудаков Г.М. Технологические основы механизации сева хлопчатника. - Ташкент: Фан, 1974.-161 с.
3. Рудаков Г.М. Механизация хлопководства. - М.: Колос, 1975. - С.61…70.
4. Тухтакузиев А. Исследование и обоснование параметров зубовой бороны для работы на повышенных скоростях движения в зоне хлопководства: дисс. …канд. техн. наук. - Ташкент, 1979. - 144 с.
5. Соколов Ф.А. Агрономические основы комплексной механизации хлопководства. - Ташкент: Фан, 1972.-224 с.
6. Сафаров Р.Б. Исследование оптимальных параметров, режимов работы и прогнозирования условий эффективно - функционированных агрегатов для предпосевной обработки почвы в зоне хлопкосеяния: Дисс. … канд. техн. наук. - Янгиюль, 1981.-203 с.
7. Курбанов Э.С. Выбор типа и обоснование параметров рыхлителя навесного бороновального агрегата для зоны хлопкосеяния: Дисс. … канд. техн. наук. - Янгиюль, 1990. -163 с.
8. Наркулов С.Н. Исследование работы предпосевных агрегатов на повышенных скоростях движения. Материалы зонального координационного совещания по проблеме 16.17. «Разработка рациональных методов эксплуатации МПТ колхозов и совхозов зоны хлопкосеяния». - Ташкент, 1975. - С.7-17.
9. Соколов В.Н. Исследование параметров орудия для предпосевного уплотнения и выравнивания почвы в хлопководстве: Автореф. дисс. … канд. техн. наук. - Янгиюль, 1974.-С.
10. Матяшин Ю.И. и др. Расчет и проектирование ротационных почвообрабатывающих машин. М.: Агропромиздат, 1988, 176 с.
11. Мазитов Н.К. Разработка и исследования ротационной машины для поверхностной обработки почв: Автореф. дисс. … канд. техн. наук. - Казань, 1976.С.
12. Матяшин Ю.И. и др. Исследование ротационной бороны с коническими барабанами // Механизация и электр. соц. с-х. - 1977. - №2. - С. 13-15.
13. Тринчук И.М. Коническая ротационная борона // Тракторы и сельхозмашины. - 1977. - №4. - С. 33-34.
14. Иргашев Х.И. Исследование рабочих органов культиватора для обработки защитных зон рядков хлопчатника - Ташкент: Госиздат УзССР. 1964. - 107 с.
15. Сергиенко В.А., Мамаджанов И. К обоснованию технологии процесса рыхления почвенной корки на посевах хлопчатника // Межреспубликанская научно-производственная конференция по комплексной механизации производства хлопка. - М., 1971. - С. 96-97.
16. Цой С.Г. Доработка машин и орудий для возделывания хлопчатника на гребнях и по снятым гребням // НТО САИМЭ за 1989. № гос. Рег. 01860047708 - Янгиюль. 1989. - С. 35-45.

УДК 62-503.55

ЁНИЛҒИ НАСОСИЭЛЕКТР ТИЗИМИНИНГ ИШЛАШ ЖАРАЁНИНИ МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШ ВА БОШҚАРИШ

Катта ўқитувчи К.М.Умаров- НамДУкасб таълими методикаси кафедраси. Катта ўқитувчи А.Э.Юсупов, ассистент Б.Б.Жўраев,–ҚарМИИ, ЕУТТ кафедраси.

Аннотайия: *Ушбу мақолада "GMЎзбекистон" автомобилларида қўлланиладиган электр юритмали ёнилғинасослари асосий параметрларинингишлашжараёнидаги математик модели, оптималпараметрлари вабошқаришусуликелтирилган.*

Калит сўзлар*: ёнилғи насоси, электр кучланиш, босим, математик модел, оптимал параметр.*

Аннотайия *В данной статье приведены математическая модель, оптимальные параметры и метод контроля в процессе эксплуатации основных параметров электрического наполнения топливом, применяемым в автомобилях GM Узбекистан.*


Ключевые слова*: топливный насос, электрическое напряжение, давление, математическое модель, оптимальный параметр.*

This article *provides a mathematical model, optimal parameters and control method for the operation of the main fuel injection pump parameters used in GM Uzbekistan.*

Key words*: fuel pump, electrical voltage, pressure, mathematical model, optimal parametr.*

Автомобилларга қўйиладиган асосий талаблардан бири бу иқтисодий тежамкорлигидир. Иқтисодий тежамкорликка ёнилғи тежамкорлигини ошириш орқали эришилиши ҳеч кимга сир эмас. Автомобилларда ёнилғи тежамкорлигини таъминлаш ёнилғи тизимини тадқиқ қилиш орқали амалга оширилади. Ёнилғи тизимини ўрганиш жараёнида тизим учун энг асосий элемент бу ёнилғи насоси ҳисобланади. Ёнилғи насоси двигателнинг ҳар хил иш режимларида ишлаши учун керакли миқдордаги ёнилғини керакли босимда етказиб беришни амалга оширади. Ёнилғи насоси тизимда 310 – 400 кПа босимни ҳосил қилади. Насосда ҳосил бўлган носозликлар нафақат тизим учун балки бутун двигателнинг ҳам носоз ишлашига олиб келади. Шунинг учун унинг иш жараёнини тадқиқ қилиш келиб чиқадиган носозликларни олдини олишни кўзда тутади. Шундан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, ушбу мавзу бугунги кунда жуда ҳам долзарбдир.

Электр юритмали ёнилғи насосининг асосий қисмлари 1 расмда келтирилган[1]:




1-расм.Электр юритмали марказданқочмаёнилғинасосинингконструкцияси.А-ҳимоя қопқоғидан; В- электродвигателдан; С-бевосита насоснинг ўзи.

1 – электр ажраткич; 2 – гидравлик ажраткич (ёнилғини чиқиши); 3 – қайтиш клапани; 4 – графитли чўтка; 5 – доимий магнитли двигател якори; 6 – парракли насос ишчи ғилдираги; 7 – ёнилғи узатиш канали.

Электр юритмали ёнилғи насосининг нормал ҳолатда ишлаши учун қуйидаги техникталаблар бажарилиши шарт [2]:

1. Ёнилғинасосигабериладиганэлектркучланиши 8-13,2 В.
2. Токнинг кучи 0 - 7 А.
3. Ёнилғисарфининазоратқилиш 5-180 *л./с.*
4. Босимниназоратқилиш 0-650кПа.



2-расм. Электр юритмалиёнилғи насоси ишжараёнинингпринципиалсхемаси

2-расмда кўрсатилган принципиал схема асосида ёнилғи насоси ишлаш жараёнинингматематик моделини иккинчи тур Лагранж тенгламасидан фойдаланиб тузамиз [3].

$$\frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial \dot{q}_i}\right) - \frac{\partial T}{\partial q_i} + \frac{\partial \Phi}{\partial \dot{q}_i} + \frac{\partial \Pi}{\partial q_i} = Q_i \ , \qquad (1)$$

бу ерда T, $П$ – тизимнинг кинетик ва потенциал энергияси; $Ф$ – Рэлеэнинг диссипатив функцияси; $q_i, \dot{q}_i$ - тизимнингумумлашган координата ва тезлиги; Q_i - умумлашган куч.

Куйидагибелгилашларникиритамиз: q_i, - электр заряди; $\dot{q}_i = i_i$ -электр токи.

Қаралаётганнасосучункинетиква потенциал энергия ҳамдаРэлеэнингдиссипативфункциясинианиқлаймиз [3]:

$$T = \frac{1}{2} L i_i^2, \quad П = \frac{1}{2} c(q_1 - q_2)^2, \quad Ф = \frac{1}{2} R(i_1 - i_2)^2 \qquad (2)$$

*Л*агранжҳадларини координата, тезлик ,вақтваумумлашган куч бўйичахусусийҳосилаларниоламиз:

$$\frac{\partial П}{\partial q} = c(q_1 - q_2), \qquad \frac{\partial T}{\partial i_i} = L_i i_i, \qquad \frac{\partial Ф}{\partial i} = R(i_1 - i_2), \qquad \frac{d}{dt}\left(\frac{\partial T}{\partial i_i}\right) = L_i \frac{di_i}{dt},$$

$$Q_1 = E_{эюк}, \qquad Q_2 = R_k \cdot i_2$$

БуердаL_i – индукция [5,7], $L = \frac{D^2 + n^2}{45 \cdot D + 100 \cdot l}$, Гн; D – ғалтакдиаметри, см; n- ўрамлар сони; l- ғалтакка ўралган сим узунлиги, см; c – конденсатор сиғими, Ф[5]; R- қаршилик, Ом; $R_k = \frac{M_к}{i_2}$ - конструктив ўзгармас [4]; $Е_{эюк}$, $М_к$ – электрюритувчи куч, В ванасосдагиқаршиликмоменти.

Аниқланган *Л*агранж ҳадларини (1) тенгламагақўйибқуйидаги лаборатория қурилмаси ишлашжараёнининг математик моделиниоламиз

$$\left.\begin{aligned} L_1 \frac{di_1}{dt} &= E_{эюк} - R(i_1 - i_2) - c(q_1 - q_2) \\ L_2 \frac{di_2}{dt} &= R(i_1 - i_2) + c(q_1 - q_2) - R_k \cdot i_2 \end{aligned}\right\}, \qquad (3)$$

Юқоридакелтирилганлардankелибчиққанҳолдаоптималбошқаришмасаласиниқўллашимизмумкин [1,2,4].

Электр юритмали насоснингбошланғичвақтдагиҳолати

$$q_i(0) = q_0(0), \qquad i_i(0) = i_0(0). \qquad (4)$$

Шундайбошқаришни$u(t)$топишкеракки, насос ҳаракатиниаввалданбелгиланганҳолатгаўтказсин

$$q_i(t) = q_0(t), \qquad q_i(t) = q_0(t), \ 0 \le t \le T \qquad (i = \overline{1, n}), \qquad (5)$$

Бунда ўтишжараёнивақтиқисқабўлсин. У ҳолдабошқаришданмақсадфункционални

$$J(\varphi_0, u(t), \varphi(t)) = \int_{t_0}^{T} f^0(\varphi(t), u(t), t)dt). \qquad (6)$$

берилган (2)-(6) шартларбўйичаминималлаштиришданиборатбўлади

$$\dot{\varphi}(t) = f(\varphi(t), u(t), t), \qquad (7)$$

$$u \in U, \qquad t_0 \le t \le T, \qquad (8)$$

буерда$f(\ldots)$ – узлуксиз-дифференциалланувчи функция;$u(t)$ – [t0,T]кесимдагибўлакли-узлуксиз функция.

Қаралаётган насосни оптималбошқаришнингзарурийшартинитадқиққилишучунПонтрягиннинг максимум принципиданфойдаланамиз [1,2].

Максимум принципинишакллантиришучун Гамильтон-Понтрягин функциясини

$$H = (q,u,t,\psi_i,\psi_0) = -f^0(q,u,t) + \langle \psi, u \rangle \tag{9}$$

вақўшматизимни

$$\left.\begin{aligned} \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_1}{\partial y_1} = -L_1^{-1} c\psi_2, \qquad \frac{d\psi_2}{dt} = -\frac{\partial H_1}{\partial y_2} = -\psi_1 + L_1^{-1} R\psi_2 \\ \frac{d\psi_1}{dt} &= -\frac{\partial H_2}{\partial y_3} = -L_2^{-1} c\psi_2, \qquad \frac{d\psi_2}{dt} = -\frac{\partial H_2}{\partial y_4} = -\psi_1 + L_2^{-1} R\psi_2 \end{aligned}\right\} \tag{10}$$

бошқаришгақўйилган $|u| \le 1$ чегарабиланкиритамиз

Қаралаётгантизимниечишучунзарурийшартбажарилишикерак

$$H(\varphi_i(t),u(t),t,\psi_i,\psi_0) = \max_{u \in U} H(\varphi_i(t),u,t,\psi_i(t),\psi_0)\,. \tag{11}$$

Оптимал бошқаришнианиқлашгаўтишда (7) асосидафункциянишакллантириб

$$\left.\begin{aligned} q_1 = y_1, \dot{q}_1 = y_2, \dot{y}_2 &= u_1 - \frac{1}{L_1}\left[R(y_2 - y_4) + c(y_1 - y_3)\right] \\ q_2 = y_3, \dot{q}_2 = y_4, y_4 &= \frac{1}{L_2}\left[R(y_2 - y_4) + c(y_1 - y_3)\right] - u_2 \end{aligned}\right\}, \tag{12}$$

насосҳаракатинибошқаришни $u_1 = L_1^{-1}E$, $u_2 = L_2^{-1}R_k i_2 \sin\omega t$ ҳарактерловчи математик моделниоламиз.

Бунданмаълумки, (9) шарт $u = sign\,\psi_2$, $\psi_2 \neq 0$ функцияниажратади, яъни

$$H_i = -f^0 u + \psi_2(t)u\,. \tag{13}$$

Унда


$$u_k = sign\psi_2(t) = \begin{cases} 1, & \psi_2(t) > 1 \\ -1, & \psi_2(t) < 1 \end{cases}, \quad k=2,4,\ldots,2n\,, \tag{14}$$

яънибошқариши $u_k(t)$ биттануқтадаалмашлабулашимкониятигаэга.

1-жадвал. Ёнилғи насосига келадиган ток қийматлари

T, с	i_1, А	$\frac{di_1}{dt}$ А·с$^{-1}$	$E_{эюк}$, В	i_2, А	$\frac{di_2}{dt}$ А·с$^{-1}$	$E_{эюк}=R_k \cdot i_2$ В
0	0	13.06	8.66	0	-0.000027	-0.000018
0.1	1.178	10.05	6.66	0.127	3.01	1.99
0.2	2.12	7.5	4.97	0.489	5.57	3.7
0.3	2.88	5.53	3.66	1.04	7.53	4.99
0.4	3.5	4.178	2.77	1.7	8.88	5.89
0.5	4.028	3.4	2.25	2.5	9.67	6.41
0.6	4.51	3.07	2.04	3.3	9.99	6.62
0.7	4.98	3.1	2.06	4.16	9.95	6.6
0.8	5.47	3.368	2.23	4.98	9.7	6.27
0.9	5.98	3.75	2.48	5.77	9.31	6.17
1	6.53	4.17	2.767	6.53	8.9	5.9

Электр юритмали ёнилғи насоснинг ишлаш жараёнини тадқиқ қилиш учун Рунге-Кутта сонли усулиниқўллаб бошланғич $t=0$ шарт асосида ҳисоблаш эксперименти ўтказилиб, натижалар жадвал ва график(3-расм) кўринишида келтирилган.



3- расм. Қурилманинг ишлаш жараёни характеристикаси

Хулос принципиал схемаси математик модел қуйидаги параметрларни аниқлаш имконини берди[5]:

-электрюритувчи куч-$E_{эюк}=8.66$ $В=кг \cdot м^2/(с^3 \cdot А)$;

-конденсатор сиғими- $c=6.628$ $Ф=с^4 \cdot А^2/(кг \cdot м^2)$;

-электрқаршилиги-$R=1.6$ $О м=кг \cdot м^2/(с^3 \cdot А^2)$;

-манбадагиL_1насосгакелтирилганL_2индукция-$L_1=L_2=0.6$$Ген=кг \cdot м^2/(с^2 \cdot А^2)$.

Шуни таъкидлабўтишжоизкиушбу математикмоделбиринчи марта ишлабчиқилдивакамчиликларданҳолиэмас.

Фойдаланилган адабиётлар

1. А.Муҳитдинов, Б.Саттивалдиев, Э.Файзуллаев, Ш.Ҳакимов Автомобиллар конструкция асослари, Тошкент-2015, В-123-128
2. Афанасьев В.Н., Колмановский В.Б., Носов В.Р. Математическая теория конструирования систем управления. М.: Высшая школа, 1989. С.162–163.
3. Васильев Ф.П. Численные методы решения экстремальных задач. М.: Наука, 1988. С. 421–485.
4. Конденсаторы, их назначение и устройство// http://electrono.ru/peremennyj-tok/52-kondensatory-ix-naznachenie-i-ustrojstvo.
5. Кочубиевский И.Д. Системы нагружения для исследования и испытаний машин и механизмов. - М.: Машиностроение, 1985. С. 64-75.
6. Кухлинг Х. Справочник по физике /Пер. с нем. М.: Мир. 1982.- 222 с.
7. Маркеев А.П. Теоретическая механика. М: Наука, 1990. - 416 с.
8. Расчет катушек индуктивности// http://admhome.narod.ru /tech/induktivnost/.
9. Топливный насос инжекторного.htm

09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

ВАТАН ТУШУНЧАСИ ҲАҚИДА

Худайбердиев Акрам Акбарович
Андижон давлат университети
Эркин тадқиқотчи

Аннотация: *Мақолада шоир ва мутафаккирларнинг Ватан тушунчаси ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ватанга берилган таъриф, Ватан тушунчасининг турли маъно ва мазмуний талқинлари ижод намуналари асосида ёритиб ўтилган. Ватан концептининг тор ва кенг маъноларда қўлланилиши ижодкорларинг насрий ва назмий асарларидан келтирилган парчалар мисолида кўрсатиб ўтилган. Ватан тушунчасининг моддий ва маънавий боғлиқлик нуқтаи назаридан маъно касб этиши очиб берилган.*

Калит сўзлар: *Ватан тушунчаси, Ватан, Ер, юрт, ҳудуд, давлат, макон, табиат, ҳайвон, инсон, кўнгил.*

О КОНЦЕПЦИИ РОДИНЫ

Худайбердиев Акрам Акбарович
Андижон давлат университети
Независимый исследователь

Аннотация: *В статье на творческих примерах описаны взгляды поэтов и мыслителей на понятие Родина, определение Родины, различные значения и смысловые трактовки концепции Родины. Применение концепции Родины в узком и широком смысле показано на примере отрывков из прозы и поэзии творцов. Выявлено, что понятие Родины обретает смысл с точки зрения материальной и духовной связи.*

Ключевые слова: *концепция Родины, Родина, Земля, страна, территория, государство, место, природа, животное, человек, душа.*

ABOUT THE CONCEPT OF MOTHERLAND

Khudayberdiev Akram Akbarovich
Andijan State University
Freelance researcher

Annotation: *The article describes the views of poets and thinkers on the concept of homeland, the definition of homeland, various meanings and semantic interpretations of the concept of homeland on the basis of creative examples. The application of the concept of homeland in a narrow and broad sense is shown in the example of excerpts from the prose and poetry of your creators. It is revealed that the concept of homeland acquires meaning in terms of material and spiritual connection.*

Keywords: *Motherland concept, Homeland, Earth, country, territory, state, place, nature, animal, human, soul.*

Инсоният яралибдики, Ватан сўзининг маъносини англашга, унинг мазмун-моҳиятини тушунишга интилади. Ҳаётда энг кўп ишлатиладиган сўзлардан бири ҳам Ватан десак, хато бўлмас. Буюк аждодларимиз меросига мурожаат қилиш, бошқа эл ва халққа мансуб улуғ мутуфаккир ва ижодкорлар ижодини ўрганиш, халқ донишмандлигининг айни мавзу билан боғлиқ ажойиб намуналари бўлган мақоллар, ривоятларга қулоқ тутиш жараёнида бу муқаддас тушунчанинг янгидан-янги қирраларини кашф этамиз. Аммо шунга қарамай, ҳар бир авлод "Ватан" тушунчасини янгидан кашф этади, ўз ижоди намуналари, кашфиётлари ва фаолияти билан унинг маъно-мазмунини кенгайтиради.

Дарҳақиқат, "Ватан" тушунчасининг қамрови ниҳоятда кенг. Ватан деганда тасаввуримизда, дастлаб, инсоннинг киндик қони тўкилган тупроқ, уни камолга етказган, ҳаётига маъно-мазмун бахш этадиган маскан гавдаланади. Зеро, ҳар бир кишининг ўз туғилган ери, ўсиб-улғайган юрти бор.

Ватан тушунчаси деярли барча ижодкору олимлар ижодидан кенг ўрин эгаллаган. Ватан мавзусига мурожаат қилмаган шоир, ёзувчи умуман бирор бир ижодкор бўлмаса керак. XX аср жадид адабиётининг йирик вакилларидан бири Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ижодида Ватан тушунчаси ифода этилган ўринларга эътибор қаратайлик. Чўлпоннинг "Кеча ва кундуз" романида Ватанни севиш ва у ҳақидаги фикрлар Раззоқ сўфи ва унинг хотини ҳамда Раззоқ сўфининг акаси билан суҳбати асносида ушбу персонажлар орқали ифода этилган:

"Сўфи яна паст товуша олдида муборак оғзини очиб, азиз тилини қалдиратмоққа мажбур бўлди.

— Бадбахт Фитна! Қўясанми, қўймайсанми, ахир? «Ҳуббил ватани минал-имон», деганлар — «Ватанни севиш имондан», ахир! Билмасанг бекор-да, Ватани йўқ — дунёда лўли, холос. Мени беватан, деб билдингми?

Сўфи бир оз қизиб ҳам кетди:

— Бу ҳовли-жой отангдан қолгани учун ўзимники дейсанми ё? Ундай десанг, бошпут олиб, ўрусвойнинг релига тушиб, «ҳайт!» деб... Маккатуллога жўнаб қоламан! Ҳовлинг бошингдан қолсин, Фитна!

Бу сафар Қурвонбиби ялиниб-ёлвориб зўрга тинчитди.

Чинакам, сўфида ҳажга бориш нияти кучли. Ҳар йили жаврайди. Бир-икки марта паспорт ҳам олди. Фақат, нима учундир, оёғини ўз шаҳрининг тупроғидан уза олмайди.

Бу тўғрида ҳам — «Ватанни севиш имондан», деб — «ватани»дан кечиб кетолмайдими? Ҳар қалай, бир сири бор. [2,12]

Келтирилган парчада Раззоқ сўфининг "Ватанни севиш имондандир" ҳадисига мурожаати ва шунинг баробарида яшаб турган гўшасига чинми ё ёлғонми "муҳаббати" ифода этилган. Аслида ҳозирда у яшаб турган ҳовли ўз туғилиб ўсган юрти ҳам эмас. Хотини Қурвонбибининг отаси – Раззоқ сўфининг қайнотасидан қолган ҳовли. Чўлпон Раззоқ сўфи тилидан Ватан тушунчасини ифодалар экан, Ватан маълум бир яшаб турган ҳудуд, ҳовли-жой, хонадон, оила маъноларида талқин этилади.

Яна бир парчада:

"Сўфининг ўша акаси ўтган йил кузакда яна келди.

Аммо бу сафар жиддий бир масалани кўтариб келган эди. Бир-икки кун меҳмон бўлгандан сўнг гап очди:

— Сўфи, ўзингиз «ватан», «ватан» дейсиз-у, ватанингизни билмайсиз.

Сўфи шу «билмайсиз» деган нарсага тутоқиб кетди:

— Нега билмас эканман, ака! Билиб гапирсангиз-чи!

— Жаҳлингиз чиқмасин. Билиб гапираётирман. Ватанингиз — ота-онангиз ўтган, ўз киндигингиздан қон тўкилган, ота-она арвойига шам ёқиладиган жой эмасми?

Сўфи жим қолди. Ҳатто, кўзларига ёш келгандай бўлди.

— Нимага индамайсиз? — деб сўради акаси.

— Ҳақ гапга нима дейман? Қизиқсиз...

— Бўлмаса, ватанингиз — ўша ўзимизнинг қишлоқ.

— Ҳа, ўша қишлоқ... [2,13]

Раззоқ сўфи туғилиб ўсган қишлоғидан шаҳарга кўчиб келиб, Қурвонбибига уйлангач, қайнотасидан қолган шу ҳовлида қўним топган. Акаси тилга олиб ўтган қишлоқ Раззоқ сўфининг асл киндик қони тўкилган гўшаси. Бу ўринда ҳам Раззоқ сўфининг акаси тилидан айтилган Ватан тушунчаси "ота-онаси ўтган, ўз киндик қони тўкилган, ота-она арвоҳига шам ёқиладиган жой" маъносини ифодалайди.

Жадид намоёндаларидан яна бири Маҳмудхўжа Беҳбудий Ватан ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтади: *"Жаноби Ҳақ таъолий ҳазратлари бизни ердан яратмишдур. Чунки бизим туғулодурғон, ўсадурғон, тириклик қиладурғон ҳам ўлгондин сўнгра кўмиладурғон ўрнимиз шул ердур. Бас, ер бизим онамиз ва умрлик ватанимиздур. Бир кишиға ўз уйи ва маҳалласининг аҳволини билиб турмак қандай лозим бўлса, умрлик ватан аслиси бўлғон ернинг аҳволини билмак ондан ортуғроқ лозимдур".* [6,63] Кўринадики, бу ўринда Маҳмудхўжа Беҳбудий диний манбага асосан ёндошар экан, Ватан тушунчасининг тор ва кенг маъноларини уғулаб ўтади. Ватан тушунчасини "бизим туғулодурғон, ўсадурғон, тириклик қиладурғон ҳам ўлғондин сўнгра кўмиладурғон ўрнимиз... ер бизим онамиз ва умрлик ватанимиздир" маъносида ифодалайди. Келтирилган парчада ифодаланган Ватан тушунчасини ҳам тор, ҳам кенг маъноларда англаш мумкин. Тор маънода инсон туғилиб ўсган, яшаган ва ўлгандан сўнг кўмиладиган жой, маълум бир ҳудуд тушунилса, кенг маънода эса бутун инсониятга Ватан бўлмиш Ер сайёраси тушунилади.

Абдулла Авлоний Ватан ҳақида қуйидаги фикрларни билдириб ўтган: *"Ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакатини шу кишининг Ватани дейилур. Ҳар ким туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ суяр. Ҳатто бу Ватан ҳис-туйғуси ҳайвонларда ҳам бор. Агар бир ҳайвон ўз Ватанидан – уюридан айрилса, ўз еридаги каби роҳат-фароғатда яшамас, маишати талх бўлиб, ҳар вақт дилининг бир гўшасида ўз Ватанининг муҳаббати турар".*

Абдулла Авлоний наинки инсоният, балки ҳайвонот оламида ҳам Ватан туйғусининг мавжудлигини таъкидлайди. Илмий адабиётлар ҳам ҳатто ҳайвонларда ватан тушунчаси макон, ҳудуд сифатида мавжудлигини тасдиқлайди. Ҳайвонларнинг тарқалиш чегараси, мослашган ҳудуди улар учун ўз ватанидир. Улар айнан ўша ҳудудда кўпайиб, ривожланиб ҳаёт кечиришади. Авлоний инсон ҳайвондан фарқли онгли мавжудот ўлароқ туғилган, ўсган ерини жонидан ортиқ

суйишини эътироф этади. Ватан деганда эса “ҳар бир кишининг туғилиб-ўсган шаҳар ва мамлакати”ни назарда тутади.

Абдулла Авлоний “Ватан” номли шеърида Ватан номини “Сенинг исминг бу дунёда муқаддасдир”, дея улуғлайди. У Ватанни эъзозлаб, унга Она деб мурожаат этади:

Онамизсан! Бизни(нг) мушфиқ онамизсан!
Жавлон уриб яшайдургон хонамизсан! [1,196]

Ватан – бу халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагидир. Ватан муқаддас қадрият. Ватан она каби азиз ва мукаррамдир. Ватан инсонга бахт-иқбол берадиган заминдир.

Шоир Сидқий Хондайлиқий ҳам Ватанга бағишланган шеърида “Ватан надир?”, дея аниқ савол қўйиб, унга аниқ жавоб берган тарзда Ватанни қуйидагича эътироф этади:

Ватан надир, туққан ерим, турғон ерим,
Ўсиб-униб, ўйнаб-кулиб юрғон ерим.
Ватан менга ҳақиқатда қўндоқ каби,
Тарбиянинг негизини қурғон ерим,
От-эшакда ўрдан-қирдан бугдой ташиб,
Иссиқ ерда ўнғайсизлик кўрғон ерим.
Қайда бўлсам, қайда турсам, қайда юрсам,
Мангу ўйнар кўзда жавлон ургон ерим.
Жоним Ватан, таним Ватан, кўзим Ватан.

Сидқий Хондайлиқий Ватан надир деганда уни туғилган, ўсиб-унган, ўйнаб-кулган ер маъносида тушунтириб, “Ватан – жони, тани, кўзи” эканлигини ҳам таъкидлайди. Ватан – бу инсон ва унинг авлод-аждодлари киндик қони тўкилган муқаддас даргоҳдир. Ватан – бу аждодлар маскани, эл- юрт, халқ вояга етган, унинг тили, тарихи, маданияти, урф-одатлари, қадриятлари шаклланиб, ўсиб, камол топиб борадиган заминдир.

Шу ўринда рус мутафаккири Иван Александрович Ильиннинг Ватан ҳақидаги фикрларини келтиришни лозим топдик. У Ватаннинг экзестенциал ва моддий хусусиятга эга бўлган барча таърифларини рад этади. У шундай деб ёзади: *“Уларнинг бирортаси ҳам ўз-ўзидан ватанни ташкил этмайди: на одамларнинг яшаш жойи, на уларнинг келиб чиқиши, на қон билан боғлиқ генезиси, на миллий ва ирқий ўзига хослик, на одатий турмуш тарзи, на иқтисодий бирлик, на табиат, на жамият, қонун ёки давлат”.* [3,318]. Ильин Ватан инсон билан доимо боғлиқ бўлган моҳият эканлигини айтади. Файласуфнинг сўзларига кўра Ватан абадийдир. Ватан бу моддий тушунча эмас, балки маънавий тушунча. Бу миллат мавжудлигининг маънавий моҳияти, унинг ақлий ва ахлоқий тузилиши, қадрият тизимининг тимсолидир. Ильин учун ватан, аввалambор, ер, яшаш жойи эмас, балки унинг руҳи ва зиёратгоҳидир. [7]

Кўринадики, рус мутафаккири И.А.Ильин Ватан тушунчасининг маънавий томонига эътибор қаратгани ҳолда у инсон моҳияти билан чамбарчас боғлиқ эканлигига урғу берганини эътироф этади. Ильин Ватан тушунчасини инсоннинг маънавий, руҳий-ҳиссий ҳолатлари билан боғлаб тушунтиришга ҳаракат қилади. Шу сабабли Ватан тушунчасини моддий борлиқ билан боғламасликка, у объектив

борлиқдан кўра инсоннинг ҳис-туйғулари билан чамбарчас алоқадорликда эканлигига алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбек адабиёти вакиллари ижодида ҳам Ватаннинг инсон моҳияти ва ҳис-туйғуси билан боғлиқ ҳолда ифодаланган шеърларни кузатамиз.

Шоир Нормурод Назруллаев Ватан ҳақидаги шеърида Ватан кўнгилдан бошланишини айтиб, агар инсон унга жону танини бағишласа, кўнгил инсоннинг Ватани бўлиб қолишини урғулаб ўтади, кўнгил Ватан эканлигини таъкидлайди.

Кўнгиллардан бошланар Ватан,
Севиб, қучиб, яйрагил, кўнгил!
Бағишласанг ўзинг жону тан,
Ватан бўлиб қолади кўнгил!

Ватан тушунчаси билан боғлиқ мазмун-моҳиятдан англанишича, Ватан концептини тор ва кенг маъноларда тушуниш мумкин. Ватан тушунчаси тор маънода кишининг туғилиб ўсган юрти, муайян халққа тегишли ҳудуд маъносини англатса, кенг маънода эса муайян қитъа вакиллари учун ўз қитъалари умумий ватан, башарият учун Ер сайёраси ягона макон саналади. Шу сабабдан уни фақат тор маънода талқин этиш ҳам ярамайди. Ватан концептини кенг маънода тушуниш, яъни Ер юзини ягона ватан сифатида талқин қилиш инсониятни ягона мақсад йўлида бирлаштиради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдулла Авлоний. Танланган асарлар. 2 жилдлик. 1-жилд. – Т.: “Маънавият”, 1998 й.
2. Абдулҳамид Чўлпон. Кеча ва кундуз. “Шарқ”, – Тошкент.: 2000 й.
3. Ильин И. А. Родина и мы. Смоленск: Посох, 1995. 511 с.
4. Нарзуллаев Н. Халқим, сен билан қалбим!: Шеърлар, қўшиқлар, тўртликлар /Масъул муҳаррир Азим Саид.-Т.: Янги аср авлоди, 2000.-179 б.
5. Маъруфжон Йўлдошев. Чўлпон сўзининг сирлари. “Маънавият”, – Т.: 2002 й.
6. Мунаввар Қори Абдурашидхонов. Танланган асарлар. – Тошкент.: “Маънавият”. 2003 й.
7. Ўзбегим. “Ватан” серияси. “Шарқ”, – Тошкент.: 1992 й.
8. https://doi.org/10.30853/manuscript.2018-12-1.29

+99891-614-11-68 e-mail: akromandijoniy@gmail.com

MENTALITY IN THE SPEECH OF UZBEK MOTHERS IN MODERN SOCIETY

Umarova Nodira Ikromovna
EFL Teacher, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan
E-mail id: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Annotation: *This article is devoted to the study of mentality and features of speech style of Uzbek mothers in modern society. Moreover, the article gives a definition of mentality, its influence on the speech culture of modern mothers. The mentality in communication with the child is given in examples based on the answers of an anonymous questionnaire among Uzbek mothers, which was conducted for scientific purposes.*

Keywords*: motherhood, woman, mentality, modern society, social status of mother, children, speech culture, social factor, speech behavior.*

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ЎЗБЕК ОНАЛАРИ НУТҚИДА МЕНТАЛЛИК

Умарова Нодира Икромовна, ЎзМУ ўқитувчиси, мустақил тадқиқодчи (PhD)
Электрон манзил: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақола замонавий жамиятда ўзбек оналарининг менталитети ва нутқ услубининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари мақолада менталитет таърифи келтирилган хамда унинг замонавий оналар мисолида нутқ маданиятига таъсири ёритиб берилган. Она-бола муносабати ва онанинг болага муомиласидаги менталлик илмий мақсадда ўтказилган аноним сўровнома натижаларига асосланган мисоллар билан бойтитилган.*

Калит сўзлар: *оналик, аёл, менталитет, замонавий жамият, оналарнинг ижтимоий статуси, фарзанд, нутқ маданияти, ижтимоий омил, нутқ хулқи.*

МЕНТАЛЬНОСТЬ В РЕЧИ УЗБЕКСКИХ МАТЕРЕЙ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Умарова Нодира Икромовна, преподаватель НУУз, соискатель (PhD)
Адрес эл.почты: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Аннотация: *Данная статья посвящена изучению менталитета и особенностей речевого стиля узбекских матерей в современном обществе. Более того, в статье дано определение менталитета, его влияние на речевую культуру современных матерей. Менталитет в общении с ребенком приведен в примерах, основанных на ответах анонимного вопросника среди узбекских матерей, который был проведён в научных целях.*

Ключевые слова: *материнство, женщина, менталитет, современное общество, социальный статус матерей, ребёнок, речевая культура, социальный фактор, речевое поведение.*

Motherhood is central to contemporary gendered expectations for women. The cultural expectation to bear and rear children is so strong that parenthood appears normative and childlessness deviant [7]. The “naturalness” of wanting and enjoying motherhood has been explored and challenged by several scholars who show the force of

gendered expectations that conflate motherhood and femininity. The cultural tensions between valuing motherhood success and valuing work success have been characterized as "competing devotions" and largely anecdotal accounts of lower rates of motherhood among highly-successful career women add weight to the idea that women seeking careers must make choices between devotion to family and devotion to career. A life-course approach to explaining variations in the importance of motherhood suggests that when life circumstances change, perceptions of motherhood change as well [1].

The pedagogical concept of motherhood by N.E.Rudova also reflects the idea of motherhood guarantees human reproduction both physically and socioculturally. Motherhood is life-forming natural genetic principle of personality, integrated value of individual consciousness realized by the mother the power of sacrificial love in activities to ensure harmonious development a child in upbringing and educational service to the human race [4].

Mentality is a whole complex of features that unites generally accepted, individual, cultural, emotional and mental concepts characteristic of a particular national people or nationality, ethnic group. From the point of view of psychology, mentality is a reflection of the contents of the human psyche: in what categories he thinks how he interacts with the environment and what way of life he leads. Habits, deeds and actions speak about mentality [6]. A mother and her baby are partners in the child's socialization. The basic behavioral agenda involved in the socialization process is common to all human mothers and infants, unfolds in part automatically, and hopefully results in healthy child outcomes. Regardless of the set of circumstances in which mother and infant find themselves, they must and do interact with each other from the moment the child is conceived [3].

The mentality of Uzbek women, in our opinion, is considered to be exemplary for others, since Uzbek women differ in their views and attitude towards life, kindness, politeness and especially devotion to the family. A woman mother in Eastern countries, in particular in our country, gives all of herself to her family.

Every girl born in an Uzbek family begins to learn about family values from an early age. Qualities such as a woman's role and responsibilities in the family, respect for the husband, the mother's role in child rearing, and how to treat a child develop under the care of grandmothers or mothers in the home.

In modern society, maternal speech is one of the topics studied and being studied by foreign and local scholars. Professor R.Shaffer points out that the words used in relation to a child in child rearing govern the mood and mood in the child, bringing the child and the child closer together. "Words used against a child should not hurt his heart, they should be given psychological support with exemplary examples. It builds self-confidence in them and nurtures them as human beings [6]. Along with a woman's worldview and feelings, her style of speech (lexicon) changes with the introduction of new words. If we talk about the mentality in the speech of mothers, first of all, it should be noted that the mother-in-law communication with the child is a key factor in the upbringing of the child, the development of worldview and the culture of behavior of the child. Because in the child it is the reflection of the mother in the mirror.

In order to conduct a sociolinguistic analysis of maternal speech in modern Uzbek and English society, we conducted an anonymous survey to study the lexical similarities and differences between maternal and child speech in different situations in society, depending on the age, marital status, occupation and religion of women of different status. According to survey, in modern society, the speech culture of Uzbek-speaking mothers is unique. It should also be noted that the role of our mothers in society, age, religion, profession and other similar factors have an impact on the mentality of speech.

Let's analyze the mentality of speech culture of Uzbek mothers on the example of two factors: social status and profession:

Factor	*Dialogue vocabulary*			
Social status	*Married*		*Divorced*	
	Молодец (good job), умница, умняшечка (good girl), зўрсан (you are the best), яхши хам сени эсим йўғида туққан эканман (it's good that I gave birth to you when I still had no mind), бубуська (bubuska), тотош(totosh)...	*Аҳмоқ (stupid), аҳмоққа ўхшама(don't be like a stupid), қайсарчам (caprice), попоч (popoch), хафа қилма мени (don't make me sad), маймун (monkey)…*	*Хеч нарсани ўйлама(Don't think about anything), эътибор берма(don't pay atention), сени қўлингдан келади(you can do it), она қизим (ona qizim), қақачам(qaqacham), қўй энди аразни йиғиштир сенга ярашмас экан(Oh common, stop pouting, it doesn't suit you)... Жоним (my soul), асалим (my honey), эркатойим (erkatoim), it's ok, don't worry, ишим йўқ (don't mind about my child's problem)…*	*Илтимос (please), асалим (my honey), исми билан (by telling his/her name), давай! Қил! (Go ahead! Do it!)… Асабни буздинг (you play on my nerves), ақлингни йўқотдингми?(you lost your mind?), тарбиясиз (ill-mannered), одам бўлсанг ўзингга фойда (if you become a good man it will be in your favor)...*
Profession	*Administrative position*	*Entrepreneur*	*Worker*	*Housewife*

	Аҳамият бериб тингла (listen to me attentively), исмига жон қўшимчасини қўшиш билан (by adding suffix "jon" to his/her name), гапни қўпайтирма (don't' triffle), асосан буйруқ оҳангида мурожаат қиламан (mainly address with tone of command), шуни қила оласанми? (Could you do it? Please?)… Молодец (good job), қуёнчам (my young hare), ақллигим (smarty), чиройлигим	*Баракалла (good job), болажоним (my child), онам (my mom), ойижон (my mother), барака топ (thank you), қуёшим (my sun)… Ярамас (yaramas; bad boy), чўчқа, маъсулиятсиз (you are irresponsible), ёмон бола (bad boy),*	*Ты же мой герой (you are my hero), тойчоғим (you are my foal), мен сени жуда яхши кўраман (I love you very much), орлёнок мой (my eaglet), эээ ўғил боламисан ўзи?(are you a man or not?)… (my beautiful), келажагим (my future), қувончим (my joy), дўндиқчам (dundikcham)...*	*Қандолатим (sweetie), сени жуда яхши кўраман (love you very much), рахмат жоним болам (thank you my baby)... Мени чаққон қизим (my nimble girl), ақллигим мени (you are my clever), ширин қизим (my sweetie girl), полвон ўғлим (you are my hero), илтимоооооос(pleaaaaase) ... дангаса (yoa are lazy), паразит(parasite), эси йўқ (stupid)...*

The analysis shows that mother' speech characteristics are various according their social status and religion. There are not significant differences in using dialogue vocabulary with a child between these two types of mothers. Mothers who are married are characterized by using stricter but sometimes polite lexis. On the other hand, divorced mothers differ in use of the careful words. The profession of mothers directly affects their communication skills and is one of the mental outcomes. So, we can see that occupation is about the character of human being and it reflects on his speech.

Studies have shown that mothers sitting at home have the most polite style of communication with children, while busy mothers who work are reluctant to indulge their children with affectionate words.

At a time when the relevance of the study of language and mentality is growing, the speech skills of mothers, the role of speech (behavior) in dealing with the child in various life situations were studied on the example of speech portraits of Uzbek mothers. According to the results of the research, the words (lexicon) that a mother uses in relation to her child are one of the most important factors. They are a way of conveying to the child's psyche, the mother's thoughts about the child, the child's love, and the mother's mood. Words used correctly and appropriately will nurture a child lovingly from an early age.

References

1. Hays, S. The cultural contradictions of motherhood / S. Hays. − New Haven and London: Yale University, 1996. – 288 p.
2. Khasanboyev J., khasanboyeva O. va boshqalar/. Pedagogika – T.: «Fan», 2006. -123б.
3. Marc H. Bornstein, Joan T. D. Suwalsky, and Dana A. Breakstone, Emotional Relationships between Mothers* and Infants: Knowns, Unknowns, and Unknown Unknowns. Dev Psychopathol. 2012 Feb; 24(1): 113–123.
4. Rudova N.Y., Sistema vospitaniya tsennostnogo otnosheniya k materinstvu:– SPb., 2009. – p.22
5. Shadrina A. Dorogiye deti: sokrasheniye rojdayemosti I rost tseni materinstva v XXI veke/ Moskva, Novoye literaturnoye obozreniye. 2017. – 392 s
6. Schaffer R., Mothering Text – Cambridge: Harvard University Press, 1977-p.68
7. Ulrich Miriam, Weatherall Ann. Motherhood and infertility: Viewing motherhood through the lens of infertility. Feminism & Psychology. 2000;10:323–36

ЎЗБЕКИСТОНДА ЁШЛАРНИНГ СИЁСИЙ МАДАНИЯТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МИЛЛИЙ МАФКУРАНИНГ ЎРНИ

Абдуллаев Бархаётжон Бўриевич
Қўқон давлат педагогика институти
ижтимоий фанлар кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада глобаллашув ва ахборот алмашинуви жадаллашган шароитда жамиятни ислоҳ этиш, ўзимизнинг миллий манфаатларимизга мос бўлган кучли давлатни барпо этиш ҳамда унинг негизида кучли фуқаролик жамиятини қарор топтириш – ёшлар сиёсий онги, маданиятининг шаклланишига ҳал қилувчи таъсир кўрсатиши тўғрисида сўз юритилган. Шунингдек, ёшлар сиёсий маданиятининг шаклланиши ва ривожланишида миллий мафкуранинг ўрни очиб берилган.*

Калит сўзлар: *ёшлар, сиёсий маданият, сиёсий онг, миллий мафкура, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги, сиёсий эътиқод, "гоявий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш" тамойили, мафкуравий иммунитет.*

РОЛЬ НАЦИОНАЛЬНОЙ ИДЕОЛОГИИ В РАЗВИТИИ ПОЛИТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ МОЛОДЁЖИ УЗБЕКИСТАНА

Абдуллаев Бархаётжон Буриевич
Кокандский Государственный педагогический институт
старший преподаватель кафедры общественных наук

Аннотация: *В статье рассматривается решающее влияние на формирование политического сознания и культуры молодежи - реформирования общества в условиях ускоренной глобализации и обмена информацией, построения сильного государства в соответствии с нашими национальными интересами и построения сильного гражданского общества. Выявлена роль национальной идеологии в формировании и развитии политической культуры молодежи.*

Ключевые слова: *молодежь, политическая культура, политическое сознание, национальная идеология, политическая активность граждан, политические убеждения, принцип «идеологического самообразования», идеологический иммунитет.*

THE ROLE OF NATIONAL IDEOLOGY IN THE DEVELOPMENT OF THE POLITICAL CULTURE OF YOUTH IN UZBEKISTAN

Abdullaev Barkhayotjon Burievich
Kokand State Pedagogical Institute
Senior Lecturer, Department of Social Sciences

Annotation: *The article explains the decisive influence on the formation of political consciousness and culture of youth - reforming society in the context of accelerated globalization and the exchange of information, building a strong state in accordance with our national interests and building a strong civil society. It is revealed the role of national ideology in the formation and development of the political culture of youth.*

Keywords: *youth, political culture, political consciousness, national ideology, political activity of citizens, political beliefs, principle of "ideological self-education", ideological immunity.*

Фуқароларнинг фаол ҳаракати ҳар бир жамият тараққиётини таъминловчи куч ҳисобланади. Зеро, фуқаро бўлмаса жамият бўлмаганидек, унинг фаол ҳаракатисиз тараққиётнинг бўлиши ҳам мумкин эмас.

Жамиятнинг бир бўлаги бўлган фуқаронинг жамиятни ривожлантириш борасидаги фаолияти ранг-баранг бўлиб, улар амалиётда илмий, сиёсий, иқтисодий, диний, бадиий ва бошқа йўналишларга бўлинади. Фуқаролар фаолиятида ушбу йўналишлар нисбатан хусусийлик касб этади, яъни ҳар бир фуқаро ўз қизиқиши, интилиши ва қобилиятидан келиб чиққан ҳолда бу йўналишлардаги соҳаларнинг бири билан шуғулланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, жамиятда фуқаролар учун нисбатан хусусий йўналишлар ичида барчанинг бирдек англаши, билиши ва фаолият юритиши лозим бўлган йўналиш ҳам борки, бу йўналиш жамиятнинг сиёсий йўналишидир.

Сиёсий йўналишдаги фаолиятнинг барча учун дахлдорлиги давлат бошқарувида бевосита кўпчиликни иштирокини таъминловчи ҳамда жамиятда демократиянинг асосий белгиларидан бири бўлган озчиликнинг кўпчиликка бўйсуниши тамойилини қарор топтирувчи асосий омил ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳозирда кучли давлат негизида кучли фуқаролик жамиятини барпо этишга интилмоқда. Бу борада Ўзбекстон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев "бу йўл – эркин, демократик, инсонпарвар давлат қуриш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, Ватанимиз иқтисодий қудратини юксалтириш ва янада равнақ топтиришнинг мустаҳкам замини"[1], деб таъкидлайди.

Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов ҳам фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлини кўрсатиб, "сиёсий маданиятни юксалтириш керак. Одамлар ҳокимият қарорлар қандай қабул қилишини, уларнинг

ижроси қандай назорат қилинаётганини билишлари, бу қарорларни тайёрлаш ва амалга оширишда фаол иштирок этишлари зарур” [2]лигини эътироф этади.

Маълумки, сиёсий маданият жамиятнинг, ундаги инсонларнинг сиёсий томондан баркамоллигини кўрсатувчи сиёсий фаолиятдаги меъёрлар тизими ҳисобланади. Жамият ҳаётида инсонларнинг сиёсий фаолияти амалиётда икки кўринишда намоён бўлади. Уларнинг бири, эмоция (ҳиссиёт)га асосланган, кўр-кўрона сиёсий фаолият бўлиб уни “оломон ҳаракати”, деб аташ ҳам мумкин. Иккинчиси эса, бевосита рационалликка (ақлга) таянган ҳолда, ватанпарварлик, миллатпарварлик, байналминаллик ва юрт тинчлиги каби меъёр ва мезонларга асосланувчи сиёсий фаолият бўлиб, у сиёсий маданият, дея аталади.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётда улкан ислоҳотларни бошлаган, янги ривожланиш йўлидан бораётган ҳар бир давлат ва жамият ислоҳотларнинг муваффақиятини таъминлашда фуқаролар сиёсий фаоллигининг олий даражаси бўлган сиёсий маданиятга катта эҳтиёж сезади. Ўзбекистон ҳам ҳозирда улкан ислоҳотлар амалга ошираётган ва айни вақтда унинг муваффақиятини таъминлашда фуқаролардаги сиёсий маданиятга катта эҳтиёж сезаётган давлатдир.

Тарихнинг барча даврларида жамиятда бирор-бир янгилик - ислоҳотни амалга ошириш мушкул иш бўлган. Чунки, ҳар бир жамиятда онгли равишда тушуниб янгиликни қабул қилувчи ва уни қўллаб-қувватловчи инсонлар қаторида ислоҳотлар зарурриятини тушунмайдиган, консерватив кишилар тоифаси ҳам мавжуд бўлганки, бундай кучлар ўзларининг лоқайдликлари, тушунмасликлари ҳамда сиёсий томондан билимсизликлари туфайли доимо жамият тараққиётига тўсиқ бўлиб келган. Мазкур кучлар жамият тараққиётига тўғоноқ бўлишда тарихан ташқи кучлар билан тез тил топишган уларнинг манфаати учун жамият манфаатларини топтаган.

Ҳозирда, Ўзбекистонда тарихдаги барча даврлардан ҳам мураккаброқ бўлган глобаллашув ва ахборот алмашинуви жадаллашган шароитда жамиятни ислоҳ этиш, ўзимизнинг миллий манфаатларимизга мос бўлган кучли давлатни барпо этиш ҳамда унинг негизида кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришга ҳаракат қилинмоқда. Бу ислоҳотлар жараёнининг асосий хусусияти шундаки, унда ислоҳотларга тўғаноқ бўлувчи ички кучлар қаторида ташқи кучларни таъсири ўта юқорилиги билан характерланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, бугунги кунда глобаллашув таъсирида дунёни яхлит макон эканлиги, ундаги муаммолар бутун инсониятнинг муаммоси эканлиги ҳамда жаҳон халқлари манфаатларининг муштараклиги тобора равшан бўлиб бормоқда. Лекин, айни вақтда ўз манфаати ва ўз муаммосидан бошқани тан олмайдиган кучлар ҳам борки, улар ўзларининг ғаразли ниятлари йўлида ҳозирги фан-техника ютуқларидан усталик билан фойдаланиб, бошқалар манфаатини топтамоқда. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов томонидан бу кучларни мафкуравий полигонлар - дея аталганлиги ва уларни ядро полигонларидан ҳам катта кучга эга эканлигини бот-бот таъкидлагани ўз вақтида бу кучларга берилган объектив баҳодир.

Мафкуравий полигонлар янги асримиздаги мустамлакачи кучларни янгича кураш услубидир. Тарихан империалистик давлатларнинг ҳарбий кучлари орқали

амалга оширган янги худудларни босиб олиш ва унга эгалик қилиш сиёсати ҳозирда ҳеч қандай ҳарбий кучларсиз мафкуравий полигонлар орқали амалга оширилмоқда. Ҳақиқатдан ҳам, ҳозирда мафкуравий полигонлар томонидан ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган лойиҳалар, дастурлар, барча соҳани қамраб олган халқаро нодавлат, нотижорат ташкилотлари ҳамда кучли таъсирга эга бўлган ОАВ ёрдами билан муттасил, изчил олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида дунёнинг хоҳлаган нуқтасидаги суверен давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаёти издан чиқарилмоқда. Анархизмни келтириб чиқарган кучлар эса, мавжуд бошбошдоқликдан фойдаланиб, мазкур давлатларда ўз мавқеларини янада мустаҳкамлашга уринмоқдалар. Мафкуравий полигонлар таъсирида вужудга келган бундай ҳаракатларга мисол сифатида дастлаб Грузия ва Украинада сўнгра Қирғизистонда бирин-кетин рўй берган "рангли инқилоб"ларни[3], 2011 йилда бошланган "Араб баҳори"ни келтириш мумкин.

Россиялик тадқиқотчи Н.А.Комлева: "Араб баҳори", деб 2011 йил баҳорида Шимолий Африка ва Яқин Шарқ мамлакатларида тез шиддатларда юз берган сиёсий ўзгаришлар йиғиндисига айтиш мумкин"[4], деган фикрни билдиради. Тадқиқотчи, М.Муҳаммадсидиқов Н.А.Комлева фикрини давом эттирган холда "Араб баҳори" мазкур мамлакатлардаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардаги мураккаб ички вазиятга нисбатан норозилик ҳаракати эди, лекин бу ҳодисаларни амалга ошишида, албатта, ташқи таъсирларнинг ҳам роли катта бўлган" [5], дея тасдиқлайди.

Юқоридаги тадқиқотчиларнинг фикрига қўшилган холда айтиш керакки, ҳозирда мафкуравий полигонлар дунё давлатларининг барчасига таъсир этишга уринмоқда. Лекин мазкур таъсир аксарият ҳолларда, янги асрдаги ахборот хуружига тайёр бўлмаган, фуқароларида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитет шаклланмаган давлатлар ҳаётида оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Шунинг учун ҳам ҳозирги шароит тақозосига кўра Ўзбекистон фуқароларида сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш масаласи ўта долзарблашиб бормоқда.

Маълумки, инсонларнинг сиёсий фаоллигини ошишида жамиятда тарқалаётган ахборотларнинг роли беқиёс. Ахборот таъсирида кишилардаги сиёсий фаолият "оломон ҳаракати" кўринишида ҳам ёки соғлом сиёсий эътиқод негизидаги сиёсий маданият кўринишида ҳам вужудга келиши мумкин. Ахборот хуружи таъсирида вужудга келадиган, кишиларнинг сиёсий ҳиссиётига асосланувчи "оломон ҳаракати", албатта, ҳар бир давлатда кўнгилсиз оқибатларни келтириб чиқариши табиий. Шунинг учун ҳам тарихдаги аксарият давлатлар ўз сиёсатларида ахборотнинг бу ёвуз кучига асосий эътиборни қаратиб келган. Масалан, собиқ СССР мафкуравий курашда рақибларининг ахборот хуружидан ҳимояланиш учун мамлакатни дунё ахборот манбаидан изоляциялаш сиёсатини олиб борган. Таъкидлаш лозимки, ҳозирда бундай йўл жаҳон давлатлари томонидан ҳам, Ўзбекистон томонидан ҳам қораланган. Чунки, мамлакатни дунё ахборот манбаидан изоляциялаш сиёсати ўта хато сиёсат бўлиб, жамиятни жаҳондан узилиб қолишига, мамлакатни турғунлашувига ҳамда инсон ҳуқуқларининг поймол этилишига олиб келувчи йўллиги маълумдир.

Тарихнинг барча даврларида ҳам ижтимоий онгда ижобий характердаги воқеликни қарор топтириш осон кечмаган. Бу жараёнга ўз-ўзидан стихияли тарзда ёки бузғунчи кучларнинг таъсири натижасида вужудга келадиган ғоялар, қарашлар тўсқинлик қилган. Шунга кўра, ҳозирги жамиятда сиёсий маданиятни ривожлантириш муаммоси биздан, бирданига икки вазифани бажаришни талаб этмоқда. Мазкур вазифаларнинг бири, бевосита фуқароларда соғлом сиёсий эътиқод негизида сиёсий маданиятни ривожлантириш бўлса, иккинчиси, кишиларнинг сиёсий онгида бузғунчиликни келтириб чиқарувчи кучларнинг қарашлари ва ғояларини бартараф этиш ҳисобланади.

Таъкидлаш лозимки, жамият ҳаётида бу икки вазифани бирданига ҳал этишда ҳеч қайси ижтимоий ёки сиёсий тузилма жамият мафкурасичалик самара бера олмайди. Мафкура том маънода бу икки вазифани бир вақтда ва бирданига ҳал эта оладиган улкан куч ҳисобланади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳисобга олинган ҳолда Ўзбекистонда мустақил тараққиёт даврида жамиятдаги кенг кўламдаги ислоҳотлар қаторида мафкура соҳаси ҳам тубдан ислоҳ этила бошланди. Чунки, мустақилликнинг дастлабки йилларида қўлга киритилган тажрибалар мафкура ҳар қандай жамият ҳаётида зарурлиги, мафкура бўлмаса инсон, жамият, давлат ўз йўлини йўқотиши муқаррарлигини кўрсатди.

Мана шундай сабаблар туфайли бугунги давр ушбу соҳа олимлари олдига қатор вазифалар қўймоқда. Бу мураккаб вазифани бажариш иши қуйидаги йўналишларни ўз ичига олди. Улар: “1) Идеологик концепцияларни илмий асосланган энг муҳим принциплар ва миллий манфаатлар негизида шакллантириш; 2) Оммавий онгга таъсир кўрсатиш ҳамда жамият сиёсий маданияти билан алоқани таъминлаш; 3) Мафкуравий ишни, тарғиботни уюштириш, мафкуравий ишни такомиллаштириш механизмларини ривожлантириш”[6] ва бошқалардир.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев эса, мафкура масаласида барча соҳалар қатори, ушбу соҳага ҳам инновацияларни жорий этиш лозимлигини уқтирган ҳолда, “бугун биз давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан янгилашга қаратилган инновацион ривожланиш йўлига ўтмоқдамиз. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки замон шиддат билан ривожланиб бораётган ҳозирги даврда ким ютади? Янги фикр, янги ғояга, инновацияга таянган давлат ютади”[7], дея изоҳлайди.

Албатта, Президентимиз томонидан миллий мафкура концепцияси учун янги ғоялар, принциплар ва категорияларни ишлаб чиқиш жараёнига долзарб вазифа сифатида эътибор қаратилиши бежиз эмас. Чунки, миллий мафкурани янгилашнинг объектив ва субъектив томонлари мавжуд бўлиб, у объектив томондан, илмий қонун-қоидаларга, жамиятимиздаги ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-маънавий муҳитга, давлатимизнинг имкониятлари ва ўзбек халқнинг миллий менталитетига нечоғлик мос бўлишига боғлиқ бўлса, субъектив томондан эса, у ишлаб чиқувчиларнинг илмий салоҳияти, истеъдоди ва ижодий илҳомига боғлиқ ҳисобланади.

Юқоридагилардан маълум бўладики, бир мафкуранинг назарий жиҳатдан яралиши ва уни амалиётга кириб бориш жараёни тадрижий жараёндир. Бу жараён

амалиётга кириб бораётган ҳар бир мафкурадан доимо давр билан ҳамнафас бўлиб, янги ўзгаришларни ҳисобга олган ҳолда ўз-ўзини қуришни ҳамда тарихий ва амалиётдаги мафкуралар тажрибасидан ижодий фойдаланиб, келажакни ўзида ёрқин акс эттиришни талаб этади. Бугунги кунда эндигина жамият ҳаётига кириб бораётган миллий мафкуранинг шаклланиш жараёнида ҳам, албатта, бу талабларни ҳисобга олиш лозим бўлади. Мана шундагина миллий мафкура мафкуравий амалиётда яккаҳокимлик ва мафкуравий нигилизмдан узоқлашади ҳамда мукаммал структурага эга бўлган ҳолда ижтимоий ҳаётда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш ва жамият барқарорлигини таъминлашда асосий ролни ўйнайди.

Таъкидлаш керакки, ҳар бир мафкура ўз таркибий қисмларини қай даражада пухта, халқчил ва комбинациялашган ҳолда шакллантирилганига қараб амалиётда муайян даражадаги натижаларни қўлга киритади. Аксинча бўлса, мафкура ўзидаги нуқсонлар сабабли жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнларни бошқа ўзанда, яъни бегона мафкуралар таъсирида ривожланишига йўл қўйиб беради.

Шу нуқтаи-назардан қараганда жамиятимиз мафкураси бўлган миллий мафкурани структуравий жиҳатдан мукаммал ўрганиш ва бу жараёнда уни янада такомиллаштириш масаласи ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди.

Бугунги кунда, фуқаролар онгига миллий мафкура таъсирини янада кучайтириш масаласи уни жамиятимиз мисолидаги пирамиданинг юқорисидан қуйига қараб эмас, балки қуйидан юқорига қараб тарғиб этиш кераклигини кўрсатади. Бу жараёнда, миллий мафкурадаги ғоялар, категориялар ва тамойилларнинг мазмуни, аввало, якка шахс – индивидга йўналтирилиши, унинг манфаатлари ва муаммоларини акс эттириши лозим бўлади. Агар, миллий мафкура жамият ривожида ҳар бир индивиднинг роли мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда, инсон мақсад-муддаоларини ўзида акс эттирса ҳамда бу жараёнда унга кўмаклашса аниқки, миллий мафкура жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида катта таъсирга эга бўлган кучга айланади.

Фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш муаммоси мафкура соҳасида катта ишларни амалга оширишни, яъни миллий мафкура структурасини янада мукаммаллаштириш вазифасини кун тартибига қўяди. Бу вазифа ҳозирда миллий мафкура таркиби учун зарур бўлган барча турдаги категориялар ва тамойилларни ишлаб чиқишни кўзда тутади. Албатта, мафкуравий амалиётда бу вазифаларни ҳал этиш осон бўлмайди. Зеро, бу жараён биздан биринчи навбатда, тарихий ва бугунги амалиётдаги барча (бунёдкор ва вайронкор) мафкуралар структурасини мукаммал ўрганишни, айниқса, улардаги категорияларни вужудга келиши ва тузилиши қонуниятларини тадқиқ этишни талаб этади.

Тарихий ва бугунги амалиётдаги мафкураларнинг таркибий тузилишини ўрганиш орқали биз уларнинг мафкуравий амалиётда қўллаган тажрибавий билимларига эга бўламиз. Мафкуравий амалиётда ушбу тажриба ва билимлардан ижодий ёндашган ҳолда фойдаланиш миллий мафкурани структуравий жиҳатдан мукаммал ва ўта рақобатдош мафкура бўлиб шаклланишига олиб келади. Структуравий жиҳатдан мукаммалликка эриша борган сари миллий мафкуранинг жамиятни барқарор ривожлантиришдаги таъсир кўлами ҳам кенгайиб боради.

Албатта, бу ҳолат у орқали жамиятда фуқаролар сиёсий маданиятини ривожлантириш муаммосини ҳал этишда катта имкониятни вужудга келтиради.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, миллий мафкуранинг структуравий жиҳатдан мукаммаллашув жараёни унда фақат категорияларни шакллантириш билангина ҳал бўлмайди. Бу жараён миллий мафкура таркиби учун зарур бўлган бир қатор тамойилларни ҳам мафкуравий амалиётга жорий этишни тақозо этади.

Тарихдан маълумки, амалиётдаги аксарият мафкуралар ўзларидаги ғояларни кишилар онгига сингдиришда айланма йўллардан фойдаланишган. Яъни, улар муайян ғояни тўғридан-тўғри инсон онгига йўналтирмасдан уни турли образлар, восита ва усуллар орқали сингдирган. Тарихий мафкураларнинг бу тажрибаси мафкуравий амалиётда “ғоя демасдан туриб ғояни сингдириш”[8] тамойилини вужудга келтирган.

“Ғоя демасдан туриб ғояни сингдириш” тамойили мафкуравий амалиётдаги энг қадимий қоидалардан бири бўлиб, у қарийб инсоният тарихидаги илк мафкуралар билан тенгдошдир. Мазкур тамойил бугунги кунда ҳам барча мафкураларда мавжуд бўлиб, мафкуравий амалиётда у мафкуравий назария ва амалиёт сирини кенг халқ оммасидан сақлашда асосий ролни ўйнаб келмоқда.

Ҳозирда ушбу тарихий тамойил ва тажрибани ҳисобга олган ҳолда миллий мафкура амалиётида “ғоя демасдан туриб ғояни сингдириш” тамойилининг қўлланилиши жамиятдаги кенг халқ оммасида ғоявий-сиёсий билимдонликни ривожлантиради ҳамда уларда бу билимларнинг амалий кўриниши бўлган сиёсий маданиятни қарор топтиради. Айни вақтда бу тамойил жамиятда миллий мафкуранинг обрўсизланишини ва халқда ғоялардан безиш ва бегоналашиш жараёни юз беришини олдини олади.

Миллий мафкура амалиёти учун зарур бўлган яна бир тамойиллардан бири бу “ғоявий жиҳатдан ўз-ўзини тарбиялаш” тамойилидир.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, бугунги ўта мураккаб даврда мустамлакачи кучларнинг янгича кураш услуби бўлган мафкуравий полигонлар тобора кучайиб бормоқда. Улар аксар ҳолларда янги асрдаги ахборот хуружига тайёр бўлмаган, фуқароларида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитет шаклланмаган давлатлар ҳаётида оғир оқибатларни келтириб чиқармоқда.

Мафкуравий хуруж реал бўлган мана шундай шароитда Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг ахборот олиш ва уни тарқатиш борасидаги конституциявий ҳуқуқини таъминлаган ҳолда, уларнинг онгида етарлича сиёсий маданият ва мафкуравий иммунитетни шакллантириш йўлидан бормоқда. Жамиятда бунга эришиш учун эса, биринчидан, кишиларнинг сиёсий онгида бузғунчиликни келтириб чиқарувчи кучларнинг қарашлари ва ғояларини бартараф этиш, иккинчидан, фуқароларда соғлом сиёсий эътиқод негизида сиёсий маданиятни шакллантириш асосий вазифа қилиб белгиланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз.–Тошкет. Ўзбекистон. 2016. – 8 б.
2. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда.Тошкент. “Ўзбекистон”, 2000. – 17 б.

3. Миллий ғоя ва раҳбар маъсулияти.Тошкент. “Ғофур Ғулом” нашр.,2007. – 533 б.
4. Комлева Н.А. Арабская весна: геополитический аспект // [Электронный ресурс]-Режим доступа-URL:http://www.philos.lv/Citu_raksti/Arabskaja.html (дата обращения: 14.03.2014)
5. Муҳаммадсидиқов М. Африка давлатларида диннинг сиёсийлашуви ва унинг сиёсий жараёнларга таъсири. Сиёсий. фан. док. ... дис. автореф.–Тошкент. 2018. –30 б.
6. Тожиев. Ҳ. Миллий мафкуранинг назарий ва методологик масалалари. –Тошкент. “Меҳнат”, 1999. – 53 б.
7. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 22 декабрдаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси. (2017 йил 22 декабрь). –Тошкент.Ўзбекистон, 2018. – 20 б.
8. Тоҳириён А. ва бошқалар. Миллий ғоя ва маънавият асослари. – Тошкент,: Navro’z. 2015. – 48 б.

“ИНСОН САЛОҲИЯТИ” ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ МОҲИЯТИ

Холмирзаев Хуршид Нақибиллаевич
Андижон давлат университети таянч докторанти

Аннотация: *Мақолада инсон салоҳияти муаммоси таҳлил этилади. “Инсон салоҳияти” тушунчаси, инсон салоҳиятининг инсон қобилияти ва капитали билан боғлиқлиги, инсон салоҳияти ривожланиши масалалари жамият тараққиёти контекстида ўрганилади.*

Калит сўзлар: *салоҳият, инсон салоҳияти, инсон қобилияти, инсон капитали, инновация, модернизация.*

ПОНЯТИЕ “ЧЕЛОВЕЧЕСКИЙ ПОТЕНЦИАЛ” И ЕГО СУЩНОСТЬ

Холмирзаев Хуршид Накибиллаевич
докторант Андижанского ггосударственного университета

Аннотация: *В статье анализируется проблема человеческого потенциала. Изучается понятие “человеческий потенциал”, взаимосвязь человеческого потенциала с человеческим капиталам и человеческой способностью.*

Ключевые слова: *потенциал, человеческий потенциал, человеческая способность, человеческий капитал, инновация, модернизация.*

THE CONCEPT OF “HUMAN POTENTIAL” AND ITS ESSENCE

Holmirzaev Hurshid Naqibillaevich
Basic doctoral student of Andijan State University

Abstract: *The article analyzes the problem of human potential. The concept of "human potential", the relationship of human potential with human ability and capital, the development of human potential are studied in the context of the development of society.*

Keywords: *potential, human potential, human ability, human capital, innovation, modernization.*

Ҳозирги кунда илмий-фалсафий адабиётларда “салоҳият”, “инсон салоҳияти”, “шахс салоҳияти”, “инновацион салоҳият”, “салоҳиятнинг шакллари” каби тушунчалар кенг қўлланилмоқда. Мазкур тушунчаларга тадқиқотчилар томонидан турлича ёндашилиб, таҳлил этилмоқда. Бугунги кунда илмий-фалсафий адабиётларда “салоҳият” ва “инсон салоҳияти” тушунчаларининг кўпчилик томонидан тан олинган умумий ва ёки ягона таърифи йўқ. “Салоҳият” сўзи арабчадан олинган бўлиб, “қобилият” деган маънони англатади.

Фалсафий фанлар олдида инсон салоҳиятининг:

- хусусиятлари ва моҳияти;
- шаклланиши ва ривожланиш мезонлари;
- салоҳият тараққиётининг омиллари;
- салоҳиятни реализация қилиш ва бошқа жиҳатларини ўрганиш вазифаси турибди. Бу муаммони ҳал этиш назарийгина эмас, улкан амалий аҳамиятга ҳам эга. Маълумки, ҳар қандай жамият тараққиётида инсон салоҳиятининг роли улкан бўлиб, у жамият тараққиёт салоҳиятининг асосида туради. Инсон салоҳияти жамиятнинг тарихий тараққиёти билан биргаликда ошиб боради. Бу муаммо Ўзбекистон учун ўта муҳим, чунки жамиятда модернизация жараёнлари амалга ошаётган ва инновациялар тараққиётига кенг йўл очилган ҳозирги даврда инсон салоҳияти ва уни реализация қилиш, ҳар бир жамият аъзоси салоҳиятини юзага чиқариш учун шароитлар яратиш ва уни жамият тараққиёти йўлида тўғри йўналтириш стратегик муаммо ҳисобланади.

Ҳозирги давр жамият тараққиёти суръатларининг мисли кўрилмаган даражада тезлашиб бораётган давр. Инсоният юз йиллар давомида босиб ўтган йўлни бугунги ахборот асрида бир неча кунда ўтиши мумкин. Бугунги глобаллашув, ахборот тараққиёти ва тарқалиши, Интернетдан фойдаланиш, нано технологиялар ва сунъий интеллектнинг ривожланиши даврида инсон омили ва унинг салоҳияти жамият тараққиётининг муҳим омилларидан бирига айланмоқда. Жамият ва инсон тараққиёти билан боғлиқ муаммоларни илм-фан аввалдан англаб етиб, бу муаммолар ечимини топиши, бу борада инсон салоҳияти масаласини ҳам илмий-фалсафий жиҳатдан таҳлил этилиши фалсафий фанлар олдида турган долзарб муаммолардан бири ҳисобланади.

Кўриниб турибдики, инсон салоҳияти ҳозирги давр билангина эмас, келажак тараққиёт билан боғлиқ муаммо экан. Унинг ҳал этилиши жамият тараққиёти тенденциялари ва ориентациясини англаб етиш ва унинг талаблари ва эҳтиёжларига мослашиб бориш, зарур бўлганда, мазкур ижтимоий-иқтисодий эҳтиёжларни, жамият томонидан шахсга қўйилаётган талабларни олдиндан кўра билиш ва уларни тушуниш каби масалаларга боғлиқ. “Инсон салоҳияти муаммоси – бу келажак муаммоси, инсон салоҳиятининг имкониятларини баҳолаш ва уни бошқариш муаммоси”. [1;4] Шундан келиб чиққан холда, инсон салоҳияти масаласи келажакда жамият учун зарур ва муҳим бўлган мутахассисларни тайёрлаш муаммосининг ҳам ҳал этилишига алоқадор.

Инсон салоҳияти инсоннинг ижтимоий, иқтисодий-сиёсий, илмий-интеллектуал, маданий-маънавий салоҳиятини ўз ичига олади. Инсон салоҳиятининг намоён бўлиши бевосита жамиятнинг мақсадлари ва манфаатларидан келиб чиққан холда инсоннинг манфаатлари ва эҳтиёжлари масаласига алоқадор. Инсоннинг моҳияти шундайки, у доимо ўзида мавжуд салоҳиятни юзага чиқариш ва ривожлантиришга интилади. Инсоннинг бу муаммоси турли даврларда давр рухидан келиб чиқиб ўзига хос амалга ошиб келган. Инсон салоҳиятини реализация қилиш унинг ҳаёти мазмунини ташкил этади ва эҳтиёжларини ифода этади.

Инсон салоҳияти инсон онгида мавжуд ва келажакда ҳаракатга келтирилиши мумкин бўлган ва унинг олдига қўйган мақсадга эришувида келиб чиқадиган вазифаларни ҳал этишда ишлатилиши мумкин бўлган имкониятлар, ресурслар, воситалар, заҳиралар мажмуасини ташкил этади.

Инсон салоҳиятини ўрганиш борасида Ўзбекистон олимлари бир қатор илмий-назарий ишларни амалга оширмоқдалар. Жумладан, тадқиқотчи Ш.Акрамова инсон салоҳиятини “ҳозирча амалга ошмаган меҳнат қобилиятлари сифатида ифодалашимиз мумкин”, деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, “инсон салоҳияти” тушунчаси “инсон капитали” тушунчасидан кенгроқ. Чунки ижтимоий шароитдан келиб чиқиб инсон салоҳиятининг маълум бир қисмигина инсон капиталига айланади.

Кўриниб турибдики, инсон салоҳиятини ҳали инсон томонидан реализация қилинмаган ижтимоий-иқтисодий, илмий-интеллектуал, маданий-маънавий ва бошқа капитал ташкил этар экан. Жамият ва инсон эҳтиёжларидан келиб чиқиб, инсон салоҳияти заҳирадаги капиталини ишга солади ва бу асосда давр талабларига жавоб беради. Инсоннинг жамиятда фаоллиги, фаолияти салоҳият заҳирасининг тобора кенгайиб боришига хизмат қилади.

Инсон салоҳиятининг асосида инсон капитали туради. Инсон капитали шахснинг ўз ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб, бутун ҳаёти давомида йиғиб борадиган, инсонга жамиятда амалга оширадиган фаолияти учун асос ва ресурс бўлиб хизмат қиладиган, унинг салоҳиятини оширишга имкон берувчи билимлари, кўникмалари, ижтимоий тажрибаси ва шу билан бирга инсоннинг жисмоний ва ижтимоий саломатлигини англатади. Инсон капитали унинг салоҳияти доирасида шаклланади ва ривожланади. Бундан келиб чиқадики, инсон капиталининг шаклланиши инсон салоҳиятининг ривожланиши демакдир. Инсон салоҳияти ва инсон капитали ўзаро алоқадор жараён сифатида инсоннинг жамиятда ўзини реализация қила олишининг имконияти ҳисобланади. Бу жараённинг муҳим элементлари инсоннинг қобилияти, таланти ҳисобланади. Бу борада Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг фикрларини келтириш ўринли бўлади. Президентимизнинг “Асосий мақсад – мамлакатимизда инсон капиталини ривожлантириш” мавзусидаги маърузаси айнан мамлакатимизда инсон капиталини ва инновацияларни ривожлантириш муаммосига бағишланган. [2;3]

Қобилият инсоннинг индивидуал салоҳиятини ташкил этади ва унинг туғма имконияти ҳисобланади. Қобилият ўта индивидуал ва туғма хусусият бўлиб, у кўпроқ инсоннинг психологик ўзига хос жиҳати билан боғлиқ. Қобилият инсонни

кўпроқ рухий ва интеллектуал имкониятлари нуқтаи назаридан тавсифлайди. Қобилият ижтимоий шарт-шароитлар доирасида янада ривожланади. Инсоннинг билими ва кўникмалари ортиб боргани сари унинг қобилияти ва салоҳияти ҳам кенгайиб боради. Бу жараёнда инсоннинг амалга ошираётган ижтимоий фаолияти, амалиёти муҳим ҳисобланиб, унда инсон тараққиёти учун улкан имкониятлар мавжуд. Замон талабларидан келиб чиқан холда янгича фаолият турларининг ўзгариб ёки кўпайиб бориши бевосита инсоннинг тараққиётига, демак салоҳиятига ҳам ижобий таъсир этади.

Инсоннинг жамиятдаги ўрнини унинг салоҳияти белгилайди. Инсон салоҳиятининг шаклланиши объектив ва субъектив жараён бўлиб, у инсон ва жамиятнинг тарихий ижтимоий фаолиятидан келиб чиқади. Ижтимоий фаолият инсон салоҳияти шаклланишининг асоси. У тарихий хусусиятга эга. “Ўтмишда тўпланган инсон салоҳияти унинг генетик кодида акс этибгина қолмасдан, у моддийлашади, маданият, сиёсат, иқтисод ва илм-фанда ифода этади. Иккинчидан, ҳозирги кунни ифодалайди. Бундай сифатда инсон салоҳияти инсонда мавжуд кучни ва уни қўллашни долзарблаштиради. Учинчидан, инсон потенциали келажакка йўналган бўлиб, унинг ҳозирги кунда тўпланиши ва реализация қилиниши жараёнининг характери ва хусусиятлари унинг келажак имкониятларини белгилаб беради.” [3;1]

Инсон салоҳияти ривожланишининг хусусияти, тенденциялари ва ориентациясига қараб жамият келгуси тараққиётининг йўналишларини, унинг иқтисодий-ижтимоий, маданий-маънавий ва инновацион динамикасини ўрганиш мумкин. Демак, жамият тараққиётининг асосий тенденцияларини аниқлаш, унинг муҳим ва долзарб йўналишларини ва соҳаларини режалаштириш бевосита инсон салоҳиятини таҳлил этишга алоқадор экан. Давр рухи ва хусусияти инсон салоҳиятининг юзага чиқиши учун турлича таъсир этиши мумкин. Бу жараёнда жамиятда демократик жараёнлар тараққиёти, инсон ҳуқуқларига амал қилиш масалалари ҳам катта аҳамият касб этади.

Аслида тарихий нуқтаи назардан олиб қаралганда, инсон салоҳияти барча даврларда ҳам жамият тараққиётининг асосий омилларидан бири бўлган. Давр хусусиятидан келиб чиқиб, инсон салоҳиятини ривожлантириш ва уни юзага чиқариш учун шароитлар турлича бўлган. Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган модернизация жараёнлари инсон салоҳиятининг ривожланиши ва инсон капиталининг ўсиши учун улкан имкониятлар яратади. Модернизация жараёнининг натижалари пировардида субъектив омилнинг салоҳияти, капитали ва унинг асосида ташкил топадиган ижтимоий фаолиятига боғлиқ.

Жамият салоҳиятини унда яшаб фаолият олиб бораётган субъектлар салоҳиятинг мажмуаси ташкил этади. Албатта, бунда кишиларнинг бир хил ижтимоий-иқтисодий ва маданий шароитда яшаб келаётганлиги билан боғлиқ равишда уларнинг салоҳияти ҳам ўхшаш бўлиши мумкин. Лекин шундай бўлсада, жамият салоҳияти унинг аъзолари салоҳиятининг шунчаки йиғиндисидан иборат эмас. “Инсон потенциали – алохида шахс, жамият ва давлатнинг маълум вазифаларни ҳал этиш ва мақсадларга етиш соҳасида инсон ресурсларидан

фойдаланиш борасидаги имкониятларининг мажмуаси” сифатида қаралиши мумкин экан.[4;2]

Шуни таъкидлаш зарурки, “инсон салоҳияти” ва “шахс салоҳияти” тушунчалари фарқ қилади. “Инсон салоҳияти” тушунчаси кўпроқ жамиятга ва жамоага нисбатан қўлланилади. “Шахс салоҳияти” тушунчаси инсонни индивидуал қобилияти, руҳий-физиологик хусусиятлари нуқтаи назаридан тавсифлайди. Албатта, жамият салоҳияти тарихий тараққиётнинг барча босқичларида ҳам шахс салоҳиятига асосланади. Шахс тараққиёти жамият салоҳиятининг ҳам таққиётига хизмат қилади. Лекин ўз навбатида ҳар қандай шахс салоҳияти унинг жамият билан ўзаро алоқаси асосида ва жамиятда амалга ошираётган фаолияти натижасида тараққий этади. Бу бевосита шахснинг жамиятда шаклланиши контекстида қаралади.

Инсон салоҳиятини ўрганиш жараёнида унинг эҳтиёжлари, қобилияти ва салоҳиятининг ўзаро мос келиши масаласи ҳам муҳим ҳисобланади. Инсон эҳтиёжларининг шаклланиши бевосита жамиятга ва унинг хусусиятларига алоқадор бўлганлиги туфайли инсон томонидан буни англаб етиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Чунки эҳтиёж ҳам, салоҳият ҳам инсоннинг фаолиятини шаклланишига ва ривожланишига таъсир кўрсатади. Инсон фаолияти кенгайиб борган сари унинг заҳирадаги салоҳияти ва яширин қобилияти, онг ости имкониятлари ҳам ишга тушади ва янада ривожланади.

Инсон салоҳиятининг юзага чиқишида, юқорида таъкидлаб ўтиганидек, ижтимоий шарт-шароитлар ҳам катта таъсир кўрсатади. Айниқса, инсон илмий-интеллектуал салоҳиятининг юзага чиқиши, қобилияти ва талантини кўрсата олишига жамиятнинг тараққиёт даражаси, инсонни ўраб турган ижтимоий муҳит бевосита таъсир этади. Инсон салоҳиятини юзага чиқариш учун жамиятда етарли шароит бўлмаса, инсон капиталининг ортиб бориши масаласига жамият етарли эътибор қаратмаса, бундай жамият тараққиётдан орқада қолиши аниқ.

Инсон тараққиёти ўз-ўзидан унинг салоҳиятининг ҳам ривожланишига таъсир этади. Инсон шунчаки ривожланиш воситаси сифатида эмас, у ўз салоҳияти асосида креатив яратувчи ва барча соҳаларда ижод субъекти сифатида қаралиши зарур. Бундан ташқари бугунги кун нуқтаи назаридан инсон инновация тараққиётининг субъекти ва асосчиси контекстида ўрганилиши лозим. Бу нуқтаи назардан олиб қаралганда инсон салоҳиятида асрлар давомида жамият томонидан яратилган ва тўпланган ижтимоий ва миллий қадриятлар, билимлар, ижтимоий – маданий тажриба акс этади.

Ўзбекистонда барча соҳаларда бўлаётган модернизация жараёнлари, инновациялар тараққиёти ва бу борада бир қатор чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жамият аъзоларининг салоҳиятини ошириши учун кенг имкониятлар яратмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Китайцева Е.А. Сущность понятия “человеческий потенциал”. http://thsp.ru/issues/issue0609/060907.htm
2. К.К. Человеческий потенциал и инновационная экономика.// Вестник Российской Академии естественных наук. 2003, № 4. С.3.
3. Мирзиёев Ш.М. www.president.uz/uz/2604
4.Солнцева Г.Б., Смолян Г.Л. Человеческий потенциал: размышления содержании понятия. В кн.: Человеческий потенциал: опыт комплексного подхода / РАН. Ин-т человека; Под ред. Фролова И.Т. - М.: Эдиториал УРСС, 1999. С. 59.)

МИССИОНЕРЛИК ФАОЛИЯТИ: ИЖТИМОИЙ-ФАЛСАФИЙ ТАЛҚИН

Обломурадова Хабиба Наимовна
Тошкент давлат юридик университети
катта ўқитувчиси
Тел: 97 145-77-83 e-mail: h.oblamurodova@tsul.uz

Аннотация: *Мақолада миссионерлик фаолиятининг ижтимоий-фалсафий таҳлили, миссионерликка хос бўлган хусусиятлар, миссионерлик ташкилотлари ва уларнинг мақсад-муддаолари атрофлича таҳлил қилинади. Муаллиф мазкур фаолият билан шугулланаётган марказлар ва ташкилотларнинг гаразли мақсадлари, улар томонидан қўлланилаётган услуб ва воситаларни кенг қамровли маълумотлар ва мисоллар асосида ёритиб беришга ҳаракат қилган. Шу билан бирга мақолада миссионерлик ҳаракатларини олдини олишнинг ҳуқуқий асослари, жамиятда барқарорлик ва тараққиётни таъминлашда диний маърифат ва багрикенглик маданиятининг ўрни ва аҳамияти очиб берилган.*

Калит сўзлар: *дин, миссия, миссионерлик, прозелитизм, глобаллашув, миллий негилизм, экспанция, толерантлик, диний багрикенглик, мафкуравий иммунитет, маърифат, диний маърифат.*

МИССИОННАЯ ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ: СОЦИАЛЬНО-ФИЛОСОФСКАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ

Обломурадова Хабиба Наимовна
Ташкентский государственный юридический университет
старший преподаватель
Тел: 97 145-77-83 e-mail: h.oblamurodova@tsul.uz

Аннотация: *В статье анализируется социально-философский анализ миссионерской деятельности, особенности миссионерства, миссионерские организации и их цели. Автор попытался раскрыть с примерами обширную информацию о целях, используемые методы и средства центров и организаций занимающихся этими видами деятельности. В статье также разъясняются правовые основы предотвращения миссионерских движений, роль и значение религиозного просвещения и толерантности в обеспечение стабильности и процветания общества.*

Ключевые слова: *религия, миссия, миссионерство, прозелитизм, глобализация, национальный негилизм, экспанция, толерантность, религиозная толерантность, идеологический иммунитет, просвещение, религиозное просвещение.*

MISSIONARY ACTIVITY: SOCIO-PHILOSOPHICAL INTERPRETATION

Oblomuradova Khabiba Naimovna
Tashkent State University of Law
Senior Lecturer
Тел: 97 145-77-83 e-mail: h.oblamurodova@tsul.uz

Annotation: *The article analyzes the socio-philosophical analysis of missionary activity, features of missionary, missionary organizations and their goals. The author tried to disclose with examples extensive information about the purposes, methods and means used by the centers and organizations involved in these activities. The article also explains the legal basis for preventing missionary movements, the role and importance of religious education and tolerance in ensuring the stability and prosperity of society.*

Keywords: *religion, mission, missionary, proselytism, globalization, national negilism, expansion, tolerance, religious tolerance, ideological immunity, enlightenment, religious education.*

Глобаллашув шароитида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига, фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онги ва қалбига қарши қаратилган мафкуравий хуружларни вақтида сезиш, уларни бир-биридан фарқлаш, келиб чиқиш сабаблари ҳамда таъсир доирасини аниқлаш, энг муҳими – бу таъсирларга қарши ишончли ҳимоя тизимини яратиш муҳим аҳамият касб этади. «Кейинги йилларда Ер юзида кескин геосиёсий ўзгаришлар рўй берди, халқаро миқёсда хавфсизлик ва барқарорлик тизими издан чиқмоқда. Глобаллашув жараёнининг тобора шиддатли тус олиши нафақат инсоният имкониятларини кенгайтирмоқда, балки зиддиятларнинг кескинлашуви, ривожланган ва қолоқ давлатлар ўртасидаги тафовутнинг ўсишига олиб келмоқда. Бунинг оқибатида тинчлик ва барқарорликка раҳна солаётган, моҳияти ва кўламига кўра трансмиллий хусусиятга эга турли хатти-ҳаракатлар содир этилмоқда»[1].

Бугунги Ўзбекистонда мафкуравий ва ижтимоий-сиёсий таҳдид сифатида намоён бўлаётган миссионерлик ва прозелитизм таҳдидларини вақтида сезиш, уларни бир-биридан фарқлаш, келиб чиқиш сабаблари ҳамда таъсир доирасини аниқлаш, аҳолининг диний маърифати, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини янада ошириш ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлашга қаратилгандир. Ўзбекистон фуқароларида миссионерлик ҳаракатларининг асосий мақсади турли халқ, миллат ёки элатларнинг ижтимоий-сиёсий барқарорлигига таъсир ўтказиш эканини тушунтириш, маънавий-маърифий профилактик ишларни самарали йўлга қўйиш, турли кўринишдаги таҳликали жараёнларни авж олишига қаратилган вайронкор ғоялардан огоҳлантиришда намоён бўлмоқда.

«Бугун инсоният ўзи орзу қилган ва ўзининг муносиб яшаш андозасига эриша олмай, қалби, шуури нотинч бир даврни бошидан кечиряпти»[2], - дея таъкидлайди

проф. Т.Жўраев. Бу даврда огоҳлик, атрофимизда, айниқса жаҳонда содир бўлаётган ижтимоий бўҳронларга нисбатан ҳушёрлик ва зийраклик ўта муҳимдир.

Шу жиҳатдан, бугун глобаллашув шароитида миссионерлик муаммосига ҳам диний экстремизм, фундаментализм, халқаро терроризм каби глобал муаммолар қаторида қаралмоқда. Дунё бўйлаб фаолият кўрсатаётган муайян ижтимоий-сиёсий марказларнинг молиявий қўллаб-қувватлаши асосида фаолият юритаётган турли секта ва гуруҳларнинг ривожланаётган мамлакатларни тараққий қилган гегемон давлатларнинг иқтисодий, сиёсий манфаатлари қаратилган ҳудудга, яъни уларга қарам бўлишига олиб келаётгани бунинг яққол ифодасидир. Айтиш мумкинки, миссионерлик реал омил сифатида халқлар ва миллатларнинг мустақил тараққиётига таҳдид эканлиги янада аниқ намоён бўлмоқда.

Шу ўринда, миссионерлик ва прозелитизм тушунчаларининг мазмун-моҳиятига эътиборимизни қаратсак. Файласуф олим А.Очилдиев «миссионерликни белгиланган вазифани ҳал қилишга қаратилган назарий ва амалий фаолият мажмуи» сифатида таърифлайди[3]. Бугунги кунда миссионерлик ҳаракатлари учун «белгиланган вазифа» нафақат эътиқод тарғиботи, балки бир жиҳатдан мазкур миссия вазифа олган сиёсий ёки маҳфий ташкилотларнинг мақсадлари, бошқа бир жиҳатдан эса мавжуд ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, ҳуқуқий, маданий ва бошқа муносабатларни издан чиқариш шакллари сифатида ҳам намоён бўлмоқда.

1. Сиёсатшунос олим М.Мусаевнинг фикрича, «Миссионерлик – ўзининг диний қарашларини турли усуллар орқали ўзга дин вакиллари орасида устун қўйиш ва уларнинг диний эътиқодига нисбатан шубҳа уйғотиш орқали ўз динидан воз кечиб, ўзга динни қабул қилишга даъват этиш»[4], - дея таъриф беради.

2. Ф.ф.д., проф. И.Саифназаров «мамлакатимизда диний миссионерлик ҳаракати хуфёна бўлсада мавжудлигини, прозелитизм (бир диний эътиқоддан бошқа бир диний эътиқодга миссионерлар таъсирида ўтиш) фактлари аҳён-аҳён бўлса-да учраб тураётганлигини инкор этиш фалсафий ва сиёсий жиҳатдан шапкўрликдир. Шу ўринда фаолияти 2011 йили фош этилган «Иегова шоҳидлари» диний сектаси қилмишларини, бузғунчи жиноий хатти-ҳаракатларини эслашнинг ўзи кифоядир»[5], - дея таъкидлайди. Мазкур ҳолат миссионерликни, унинг амалдаги хатти-ҳаракатини Ўзбекистонда ўз таъсирини шакллантиришдан манфаатдор бўлган секта ва гуруҳлар мақсад ва манфаатлари билан қиёслаб ўрганиш унинг таъсири кўламини тўғри баҳолаш ва бартараф этиш йўлларини излаб топиш учун муҳим омил саналади.

3. Глобаллашув жараёнларида Ўзбекистон хавфсизлиги ва барқарор тараққиётига раҳна солаётган миссионерлик ва прозелитизмнинг салбий таъсири бевосита жамиятнинг ёш қатламига қаратилганлиги билан баҳоланмоқда. Чунки ёшлар айнан ер юзидаги ҳар қандай миллат ва мамлакатнинг эртанги куни ҳисобланади. Ачинарлиси шундаки, миссионерлар ҳали онги шаклланиб улгурмаган, тажрибасиз, ғўр ёшларни ўз тузоғига илинтириб, улардан ўзларининг муайян сиёсий-иқтисодий мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқда ва бу орқали жамиятдаги мавжуд ижтимоий-сиёсий вазиятни ўзгартиришга эришмоқда.

4. Глобаллашув шароитида инсон онги ва қалбини забт этишда информацион миссионерликнинг кенгайиб бораётгани билан ҳам хатарлидир. Президентимиз Ш.Мирзиёев ёшлар билан учрашувда: «Интернет ва юқори технологиялар туфайли дунёда маданиятлар ва давлатлар ўртасидаги чегаралар йўқолиб бормоқда. Ҳозирда интернет тармоқларида олтмиш мингдан ортиқ бузғунчилик, зўравонлик ва ахлоқсизликни, «оммавий маданият»ни тарғиб этаётган сайтлар фаолият кўрсатмоқда»[6], - дейди.

5. Айни шу жиҳатдан информацион миссионерлик фаолиятининг стратегияси ва тактикаси асосан жамиятнинг ўрта ва қуйи қатламларига йўналтирилганлиги билан хатарли тус олмоқда. Статистикага кўра, дунё миқёсида Интернет фойдаланувчиларининг асосий қисмини 18 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилмоқда. Уларда ҳали мафкуравий иммунитет, ахборот билан ишлаш маданияти тўлиқ шаклланмагани боис миссионерлик найранглари таъсирига тушиб қолиш имконияти юқори.

6. Президентимизнинг «Ана шундай кескин ва мураккаб ахборот хуружлари ва хавф-хатарларига биз қандай қарши тура оламиз. Ёшларга Интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали қандай маънавий ва руҳий озуқа бераяпмиз? Афсуски, бунга ижобий жавоб бера олмаймиз. Ёшларда ёт ғояларга нисбатан маънавий иммунитет шаклланмас экан, бу яхши, бу ёмон деган қатъий фикр пайдо бўлмас экан мафкуравий ҳаракатларга қарши туриш қийин бўлади»[6], дея ҳавотирланишлари бежиз эмас, албатта. Бугунги авлоднинг аксарияти ахборот манбаи сифатида Интернетга мурожаат қилишини ҳисобга олсак, электрон тузоқларнинг хавфи қай даражада юқори эканлигини англаб олиш қийин эмас.

7. Дунё миқёсидаги таниқли миссионерлар қаторида эътироф этилаётган евангелист Билли Грахим ўз фаолиятини, асосан, ОАВ: радио, телевидение йўналишидан фаол фойдаланган ҳолда, ўзга мамлакатлардаги сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий вазиятларни ўзгартириш мақсадида, ривожланган ғарб давлатларидаги «оммавий маданият», «демократик эркинликларни жорий этиш», «юқори турмуш тарзи», ғарб мамлакатлари урф-одатлари ва маданиятини тарғиб этиш каби усуллардан кенг фойдаланишга асосий урғу бериши аниқланган [7].

8. Ўзбекистонга таҳдид солаётган аксарият миссионерлик сайтлари, блог ва форумлари рус ва ўзбек тилларида бўлиб, уларнинг остида нафақат юртимиз ҳудуди, балки Марказий Осиё минтақасида беқарорлик ҳолатларини келтириб чиқариш мақсади ётганлигини англаб олиш қийин эмас.

9. Информацион миссионерлик таъсирига тушиб қолмаслик бугунги кунда Ўзбекистон фуқаролари, айниқса, ёшлар онгу тафаккурини маърифат, мафкуравий иммунитет асосида шакллантириш ва тарбиялашимиз лозимлигидан дарак беради. Шу ўринда, Президентимизнинг «... турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим»[8], деган фикрлари замирида унинг қанчалик муҳимлигини англаб етиш мумкин.

Хулоса шуки, жаҳонда ғоявий-мафкуравий курашлар кескин давом этаётган, маънавий таҳдидлар кучайиб бораётган ҳозирги даврда ёшлар ўртасида миллий

қадриятларга беписандлик, зарарли ёт ғоялар таъсирига берилиш, жиноятчилик, экстремизм, миссионерлик ҳаракатларига адашиб қўшилиб қолиш ҳолатлари ҳамон учрамоқда. Шу боис, маънавий-маърифий ишларнинг таъсирчанлигини ошириш, маънавият соҳасидаги ички ва ташқи таҳдид ҳамда хавф-хатарларга қарши самарали курашиш, жамиятда мафкуравий иммунитетни мустаҳкамлаш давлат ва фуқаролик жамияти институтлари зиммасига катта масъулият юклайди.

Бир нарса аниқки, миллатни, элатни ана шу тажовузлардан ҳимоя қилиш имкониятлари мавжуд. Ана шундай имкониятлардан бири «Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида Миллий ғояни ривожлантириш концепцияси»ни амалиётга жорий қилиш ҳисобланади. Бу концепциянинг зарурати шундаки, ғоя ва мафкуралар турли-туманлиги ва улар ўртасида зиддиятлар кучаяётган бир шароитда у миллатни нафақат бирлаштиради, шунингдек, унга истиқболда хавф солиши мумкин бўлган таҳдидлардан ҳимоя қилади ва аҳолида, айниқса, ёшларда фидойилик руҳиятини шакллантириб боради. Бу ғоя миллатнинг эртанги кун истиқболи учун масъуллик ҳиссини англашига асос бўлади.

Қолаверса, миссионерлик, прозелитизм хавфига қарши тура оладиган миллий омиллардан самарали фойдаланиш имкониятларини ишга солишнинг аҳамияти ошиб боради.

Баён қилинганлар юзасидан қуйидаги таклифларни келтириш мумкин:

– миссионерлик фаолияти, улар қўллаётган услублар ва воситаларга қарши курашишда зиёлилар салоҳиятидан самарали фойдаланиш;

– миллатни тил, ҳудуд ва этномаданий жиҳатдан бирлаштирувчи омилларни ижобий мақсадларга йўналтиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

– глобаллашув шароитида миссионерлик фаолияти томонидан тақдим этилаётган туҳфаларга қарши миллатнинг туб ва тараққиёт манфаатларига мос юксак инсоний фазилатлар, қадрият ва маданиятни акс эттирган конструктив ғояларни яратиш ҳамда илгари суриш;

– миссионерликка қарши курашишда ижобий натижага эришиш учун таълим тизими, оммавий ахборот воситалари фаолияти ва бошқа шу каби муассасаларга тааллуқли инновация ҳамда тараққиёт дастурларини шакллантириш;

– миллатлараро муносабатлар хавфсизлигига таҳдид солувчи ахборий-психологик хуружларга қарши мустаҳкам бунёдкор ғояларни ишлаб чиқиш ва уларни жамият ҳаётига татбиқ этиш;

– миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда ҳар бир фуқаро онги, ҳаётининг мазмуни ва кундалик турмуш тарзига ҳамжиҳатлик ғоясини сингдириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мирзиёев Ш.М. Тинчлик, маърифат ва бунёдкорлик йўлида ҳамкорлик. Ўзбекистон Республикаси Президенти вазифасини бажарувчи Шавкат Мирзиёевнинг Тошкентдаги симпозиумлар саройида Ислом ҳамкорлик ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши 43-сессиясининг очилиш маросимидаги нутқи // «Халқ сўзи» online, 2016 йил 19 октябрь.

2. Жўраев Т. Миллий давлатчилик: ҳавфсизлик ва барқарорлик // – Тошкент: Академия, 2007. – Б. 4.
3. Очилдиев А., Нажмиддинов Ж. «Миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари» // – Тошкент: «Тошкент Ислом университети», 2009. –Б. 53-54.
4. Мусаев М. Миссионерлик ва прозелитизмнинг олдини олишда Ўзбекистон тажрибаси // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. –Тошкент: Ўзбекистон гуманитар журнали, №3 (71)/2015. –Б. 94.
5. Саифназаров И., Обидов А. «Динлараро ҳамжиҳатлик – ижтимоий барқарорлик омили» // – Тошкент: Инновацион ривожланиш нашриёт-матбаа уйи, 2019. –Б. 142.
6. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабрь куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги мактабда ёшлар билан учрашувда сўзлаган нутқи // 27.06.2020. URL: https://www.gazeta.uz/uz/2019/12/27/youth.
7. Мусаев М. Миссионерлик ва прозелитизм ҳаракати: қиёсий таҳлил // Ижтимоий фикр. Инсон ҳуқуқлари. – Тошкент: Ўзбекистон гуманитар журнали, 2012. №2(58). – Б. 121.
8. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз // – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 488.

ЖАХОН МАМЛАКАТЛАРИНИНГ ЕР ИСЛОҲОТИ ТАЖРИБАСИ ВА ЎЗБЕКИСТОНДА АМАЛГА ОШИРИЛАЁТГАН ЕРГА ОИД МУНОСАБАТЛАР ТАҲЛИЛИ

Фарғона политехника институти
“Геодезия, картография ва кадастр” кафедраси ассистенти
Абдухалилов Бекзод Комилжонович
babduhalilov@gmail.com, babduhalilov@bk.ru

Аннотация. *Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида ер муносабатлари, ер ислоҳоти ва ерга бўлган мулк ҳуқуқи ҳамда ер тузиш борасида мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар ёритиб берилган. Хорижий давлатлар томонидан амалга оширилаётган ер ислоҳоти билан мамлакатда олиб борилаётган ер муносабатлари, ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш билан боғлиқ таҳлилий маълумотлар ҳамда хулосалар келтириб ўтилган.*

Калит сўзлар. *Ер ислоҳоти, ер фонди, ер ресурслари, ер мониторинги, хатлов, кўчмас мулк, ер участкаси, кооператив, деҳқон хўжалиги, фермер хўжалиги, оптималлаштириш, кластер тизими*

ОПЫТ ЗЕМЕЛЬНОЙ РЕФОРМЫ В МИРЕ И АНАЛИЗ ЗЕМЕЛЬНЫХ ОТНОШЕНИЙ В УЗБЕКИСТАНЕ

Ферганский политехнический институт
Ассистент кафедры геодезии, картографии и кадастра
Абдухалилов Бекзод Комилжонович
babduhalilov@gmail.com, babduhalilov@bk.ru

Аннотация. *В данной статье даётся анализ, проделанной работе за годы независимости в Республике Узбекистан в области земельных отношений, земельной реформы и земельной собственности, а также в сфере управления земельными ресурсами. Представлены аналитические данные земельных реформ проводимых зарубежными странами и выводы о земельных отношениях, рациональном и эффективном использовании земельных ресурсов в нашей республике.*

Ключевые слова. *Земельная реформа, земельный фонд, земельные ресурсы, мониторинг земель, инвентаризация, недвижимость, земля, кооператив, дехканское хозяйство, сельское хозяйство, оптимизация, кластерная система*

WORLD LAND REFORM EXPERIENCE AND ANALYSIS OF LAND RELATIONS IN UZBEKISTAN

Ferghana Polytechnic Institute
Assistant of the Department of Geodesy, Cartography and Cadastre
Abdukhalilov Bekzod Komiljonovich
babduhalilov@gmail.com, babduhalilov@bk.ru

Annotation. *This article gives an analysis of the work done over the years of independence in the Republic of Uzbekistan in the field of land relations, land reform and land ownership, as well as in the field of land management. Analytical data of land reforms carried out by foreign countries and conclusions on land relations, rational and efficient use of land resources in our republic are presented.*

Keywords. *Land reform, land fund, land resources, land monitoring, inventory, real estate, land, cooperative, dekhkan economy, agriculture, optimization, cluster system*

Инсон сивилизацияси ривожлангани сари ер билан боғлиқ муносабатлар ҳам ўзгариб борган. Дунё мамлакатлари ер ислоҳотини ўзининг ҳудуди, келиб чиқиши, тарихи, ижтимоий мослашувчанлиги каби омилларни инобатга олган ҳолда олиб борган. Интернет тармоғида чоп этилган қуйидаги мақолада бир қанча давлатларнинг ер ислоҳоти билан боғлиқ сиёсати ўрин олган[2].

Афсоналарга кўра, Канадада гўё қишлоқ хўжалиги ерлари сотилмаяпти. Аргентина ва болгарияликларнинг айтишича, барча ерлар чет элликлар, Франция томонидан сотиб олинган, улар ер ислоҳотини давлат томонидан тартибга солиш бўйича тажрибага эга бўлиши керак. Канадага келсак, ундаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар мамлакат ҳудудининг 6 фоизидан кам — 58,05 миллион гектарни ташкил этади. 19 асрнинг охирида Канадада қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар қайта тақсимланиб, кейинчалик улар маҳаллий аҳолига берилди. Миллий даражада тўғридан-тўғри ерга эгалик қилишда чекловлар йўқ, чет элликлар ҳам уларни сотиб олишлари мумкин. Шу сабабли, Канадада қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар чет элликлар учун ёпиқ эканлиги ҳақидаги гаплар манипуляцион уйдирмадир.

[2] http://hudud24.uz/er-islohoti/

Агар ерларини чет элликлар сотиб олган Аргентина ва Болгария ҳақида гапирадиган бўлсак, энди вазият бошқача. Аргентина қишлоқ хўжалиги ерлари учун очиқ бозорга эга бўлган агросаноат мамлакатдир. Хусусий мулк қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 98 фоизини ташкил этади. Турли вилоятларда чет элликлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларнинг 10 фоизидан кўпроғига эга эмаслар, бу эса ер бозорида чет элликларнинг монополияси йўқлигидан далолат беради. Шунга қарамай, 2011 йилдан бери чет элликлар сотиб оладиган ер майдонида чекловлар ўрнатилди. Бундай чеклашлар натижасида ер бозорида талаб пасайиб, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар нархи тушди. Шу сабабли, 2016 йилдан бошлаб ер ислоҳоти босқичма-босқич эркинлаштирилиб, унга қўйилган чекловлар олиб ташланди.

Болгарияга келсак, мамлакатдаги қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер майдони 5 миллион гектардан бир оз кўпроқ. Болгариядаги ер ислоҳоти худди Украинада 1991 йилда колхоз ерларининг ҳайдалиши билан бошланди, аммо Украинадан фарқли ўлароқ, ер 1946 йилгача эгалик қилган одамларга берилди. 2004 йилда қишлоқ хўжалиги ерларини сотишга 3 йиллик мораторий амал қила бошлади. 2007 йилда Европа Иттифоқига кириш билан Ер қонунчилигини Европа Иттифоқи стандартларига мувофиқлаштириш бошланди. 2014 йилда қишлоқ хўжалиги ерлари чет элликлар учун очиқ эди. Чет элликлар сотиб олиши мумкин бўлган тўловлар ва ер майдонида ҳеч қандай чекловлар йўқ. Болгариянинг ер ислоҳотига кириши қишлоқ хўжалигига сармояларни жалб қилишга ёрдам берди. Аммо 2019 йилда катта сармоядорлар йўқлиги сабабли ер нархи 2018 йил даражасида қолди. Чет элликлар учун янада жозибадор инвестиция бу — Болгария пойтахтида кўчмас мулк сотиб олишдир. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларни асосий харидорлари — Болгария фуқаролари, чунки чет элликлар катта массивларни олишга қизиқишмоқда ва Болгарияда ўртача ер майдони 8 гектарни ташкил этади. Юқоридагилардан келиб чиқадики, Аргентина ва Болгарияда чет элликлар сотиб олмаган эркин ер ислоҳоти мавжуд ва маҳаллий фермерлар ер ресурсларидан бемалол фойдаланишлари мумкин.

Францияда 1960 йилда ер ислоҳоти бошланди. Унинг мақсади қишлоқ жойларини ривожлантириш, иқтисодий ривожланиш ва бандликни таъминлаш, қишлоқ хўжалигининг маҳсулдорлигини ошириш ва фермерларнинг даромадларини барқарорлаштириш эди. Энди мамлакатда Франция фуқаролари ва юридик шахслари, хорижий юридик шахслар томонидан ерни олишда чекловлар йўқ. Шунингдек, мамлакатда SAFER давлат агентлиги мавжуд бўлиб, у ер олди-сотди шартномаларини тузишнинг барча ҳолатларини кўриб чиқади, ер майдони ва битимлар нархига норасмий чекловларни ўрнатиши ҳамда монополияга қарши назоратни амалга ошириши мумкин. SAFERнинг ер олди-сотди битимларини тузишга розилигини олиш жараёни жуда мураккаб, шу билан бирга узоқ ва қимматга тушади, бу эса бозорнинг жозибадорлиги ва динамикасига салбий таъсир қилади. Францияда тартибга солинган ер ислоҳоти мамлакатдаги қишлоқ хўжалик ерларининг 75 фоизи узоқ муддатли ижарада бўлишига олиб келади. Шу сабабли, ортиқча бюрократия ерларнинг эркин айланишини чеклайди.

Эстонияда ҳам ер ислоҳотининг бошланиши Украинада бўлгани каби бир хил шартларга эга — мустақилликка эришгач, ер хусусийлаштирилиб, собиқ мулкдорлар ва колхоз ишчиларига берилди. 1995 йилдан бери чет элликлар қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлардан мажбурий фойдаланиш шарти билан 5 йил давомида сотиб олиш имконига эга бўлдилар. 2011 йилдан бошлаб ер ислоҳоти ҳеч қандай чекловларсиз чет элликлар учун мутлақо очиқ бўлди. Мутахассислар буни ижобий баҳолашди. Чунки хорижий инвестицияларни жалб қилиш қишлоқларни ривожлантиришга ёрдам беради. Эстонияда эркин ер ислоҳоти мавжуд бўлса-да, фуқаролар ёки чет элликлар томонидан ерни оммавий сотиб олиш йўқ. Шунинг учун ернинг 60 фоизи қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари томонидан ижарага олинган ва эрнинг атиги 5 фоизи чет элликларга тегишли.

Австралия дунёдаги энг йирик дон маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва экспорт қилувчилардан бири ҳисобланади. 1975 йилдан бери чет элликлар қишлоқ хўжалиги ерларини бепул сотиб олишди. Австралияда ер ислоҳоти либерал ва очиқ, аммо унчалик фаол эмас. Эндиликда мамлакатда ҳайдаладиган ерларнинг етишмаслиги ва уларнинг аста-секин шўрланиши кузатилмоқда. Бироқ Австралия ерлари органик маҳсулотларни етиштириш учун хитойлик сармоядорларни қизиқтиради.

Америка Қўшма Штатларида ер ислоҳоти ерларни қайта тақсимлаш ва ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар ўртасидаги тенгсизликни бартараф этиш мақсадида амалга оширилди. Ҳозирда 93 фоиз ер хусусий мулкка эга. Бугунги кунда бозор либерал ва очиқ, деярли барча чекловлар олиб ташланди. Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерларга эгалик қилиш қонунлари турли штатларда фарқ қилади, аммо улар бизнесни қўллаб-қувватлашга ва ривожлантиришга қаратилган[3].

Ўзбекистон заминнинг ер ислоҳоти тадбирлари ҳам узоқ тарихларга бориб тақалади. Бизгача етиб келган тарихий маълумотлар шуни кўрсатадики, Ўрта Осиёда мингларча йил олдин бўлганидек XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг бошларида бутун ер шароитга кўра давлатга, мазкур ҳолда хонга, амирга қарашли бўлиб аҳолига фойдаланиш учун турли шартлар билан берилар эди. Ушбу даврларда қарор топган меъёрларга мувофиқ ер учта асосий тоифага бўлинган:

1) давлат ерлари (амлок)

2) эгалик ерлари (мулк) ва

3) вақф яъни диний ва хайрия муассасалари ерлари.

Давлат ерларига сувсиз даштлар, тўқайлар, кўчманчилар, жамоа фойдаланувидаги ишлов берилмаган ерлар кирарди. Мулк ерларига асосан қишлоқ хўжалигида фойдаланилиши мумкин бўлган ерлар киради. Бу ерларни ҳокимлар белгиланган тартибда фойдаланиш учун аҳолига белгилаб берардилар. Бу ерлар сотилмасди, айирбошланмасди. Улардан умумий ўлпон (хирож) солиғи тўланарди. Мулк ерлари мазкур мулк қандай ҳосил бўлганлиги ва ундан давлат солиғи олиниши ёки олинмаслигига қараб бир неча тоифа (мулки ҳур, мулки ушрий ва мулки хирож)га бўлинарди. Аммо уларнинг ҳаммасига ҳам олинадиган даромаднинг ярмисигача етиб борадиган турли 22 солиқлар солинган. Шуни

[3] http://hudud24.uz/er-islohoti/

алоҳида эътироф этиш жоизки, гарчи ер давлат ёки подшо мулки эканлиги тўғрисида ҳеч ким, ҳеч маҳал баҳслашмаган бўлсада вақт ўтиши билан амалда ундан фойдаланувчиларга бириктирилган ва тасарруф қилинган, яъни ҳатто сотилган, мерос қилиб берилган. Ўрта Осиёда, жумладан Ўзбекистонда ҳам Чингизхон томонидан киритилган тархон ҳуқуқи сақланиб қолган бўлиб, бу ҳуқуқхон фармойишлари билан ерларни ўлпонлардан озод қиларди, лекин бу юридик ҳуқуқнинг эмас, балки хон шахсий истагининг оқибати бўлганлигидан давлаг тахтита келган янги хон уни сақлаб қолар ёки аксинча, бекор қилар эди. Айнан бундай ҳолнинг мавжуд бўлиши, яъни ер муносабатларида аниқ, бир юридик ҳуқуқнинг мавжуд бўлмаганлиги Ўрта Осиёда узоқ даврлар ҳаракатда бўлган ердан фойдаланиш шаклларида жуда кўп чалкашликларга олиб келди[4].

Ўзбекистон Республикаси унумли бўлган ер ресурсларига эга мамлакат ҳисобланади. 2020 йил 1 январь ҳолатига умумий ер фонди 44892.4 минг.га ни ташкил қилади[5]. Шу жумладан суғориладиган ерлар майдони 4329 минг.га фоиз ҳисобида 9.64%ни ташкил қилади. 25639 минг.га ер майдонини қишлоқ хўжалик ерларини ўзи ичига қамраб олган.

Ўзбекистон Республикасида ер ресурсларидан фойдаланиш ва уларни мухофаза қилиш, шунингдек, ер тузиш ишларини такомиллаштириш, аҳолининг турмуш шароитини яхшилашга хизмат қиладиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва хусусий тадбиркорлик билан шуғулланиш, чорвачилик фермалари, фермер ва деҳқон хўжаликларини юритиш билан боғлиқ ер сиёсатини олиб бориш ҳамда ер ислоҳотини ташкил этишда мустақиллик йилларида амалиётга тадбиқ қилиб келинаётган қатор норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга асосланиб олиб борилади.

Хусусан, Ўзбекистонда хали мустақиллик эълон қилинмаган 1990 йилда “Ер тўғрисида”ги (ҳозирда ўз кучини йўқотган) Қонун қабул қилинган[6]. Ушбу Қонунда ерларнинг таркиби дея номланган ҳозирги ер фонди тоифалари 7 та турга ажратилган. Шунингдек, ер ислоҳотини ўтказишда ушбу Қонун билан белгилаб қўйилиб, ер қишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигини юритиш учун колхозларга, совхозларга, бошқа давлат, кооператив, жамоат корхоналарига, муассасалар ва ташкилотларга, диний ташкилотларга доимий эгалик қилиш мақсадида берилади, деб белгиланган. Камида 5 йил муддатга ерларни ижара ериш ҳам кўзда тутилган.

Қишлоқ аҳолисининг томорқа ерлари майдонларини кенгайтириш ва янгидан томорқа ерлари ажратиш, шаҳар аҳолисига дала ҳовлилари учун ер ажратиш ишлари жадаллик билан амалга оширилган 1991 йилларида асосий эътибор ерлардан самарали фойдаланишга, кўплаб оилаларни ижтимоий ҳолатини яхшилашга қаратилди. 1992 йилдан бошлаб эса, деҳқон ва фермер хўжаликларини

[4] Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б.,Мажитов Б.Х. Ердан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма.Т.: ТИҚХММИ, 2017, - 22 б

[5] https://ygk.uz/uz/node/392

[6] https://nrm.uz/contentf?doc=313515_o‘zbekiston_respublikasining_20_06_1990_y_97-xii-son_er_to‘g‘risidagi_qonuni&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana

ташкил қилиш, норентабел давлат хўжаликларини тугатиб, уларнинг ўрнида кичик жамоа хўжаликларини ташкил қилиш билан боғлиқ ер тузиш ишлари олиб бориш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Шунингдек, янги турдаги ер эгалари ва ердан фойдаланувчиларга уларнинг ерга бўлган ҳуқуқларини тасдиқловчи давлат далолатномаларини бериш ишларини янги тартибда амалга оширишда зарур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш зарурати туғилди.

Ер ислоҳотининг негизини ташкил қилувчи ва ҳуқуқий асосини таъминловчи 1998 йил 30 апрель куни қабул қилинган "Деҳқон хўжалиги тўғрисида"ги ва "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонунлари ҳамда "Ер кодекси" билан боғлиқ норматив ҳужжатлар мамлакатда ер ислоҳотини амалга ошириш юзасидан қатор масалалари белгилаб берди. "Ер кодекси"нинг 8-моддасига асосан ер фонди тоифалари 8 та турга бўлинди[7]. Ушбу ер фондлари тоифаларига кўра, ҳудудларда ер тузиш жараёнлари, ер тузиш лойиҳаларини амалга ошириш, ерларни муҳофаза қилиш тадбирлари ҳамда ер муносабатларни ўрнатиш юзасидан қатор масалалар белгиланди. Кейинчалик 2004 йилда ушбу нормативларга замон талаблари асосида ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Республикамизда фермерлик фаолиятидаги иккинчи босқич ислоҳотларидаги яна бир муҳим жараёнида Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг 2008 йил 6 октябрдаги "Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида"ги Фармойишига асосан барча ер майдонлари тўлиқ инвентаризация қилиниши, фермер хўжаликларининг фаолиятини танқидий баҳолаш асосида уларнинг ер майдонлари оптималлаштиришни назарда тутувчи чора-тадбирлар амалга оширилди[8]

Ер ресурсларини тизимли ҳисобга олиш ва улардан фойдаланишни назорат қилиш, давлат кадастрларини тартибга солиш, Ўзбекистон Республикаси картография фондини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури доирасида ер қонунчилигига риоя этиш юзасидан доимий мониторинг қилиш тизими ишлаб чиқилди ва жорий қилинди, кўчмас мулк объектларини ялпи хатловдан ўтказиш ишлари ташкил этилди, 21 та давлат кадастрларини интеграциялашувини назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Миллий геоахборот тизимини ташкил этиш ишлари бошланди.

Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш юзасидан назоратни кучайтириш, геодезия ва картография фаолиятини такомиллаштириш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш мақсадида 2017 йил 31 май куни Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ерларни муҳофаза қилиш ва улардан оқилона фойдаланиш борасида назоратни кучайтириш, геодезия

[7] https://www.lex.uz/acts/152653

[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида"ги 3077-сонли Фармойиши. 2008 йил 6 октябрь.

ва картография фаолиятини такомиллаштириш, давлат кадастрлари юритишни тартибга солиш чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-5065-сон Фармони қабул қилинди[9]. Мазкур фармоннинг амалга оширилиши республикамиз ер ресурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ва қишлоқ хўжалиги ерлари унумдорлигини ошириш, қишлоқ хўжалиги ерларидан, айниқса, суғориладиган ерлардан бошқа мақсадларда фойдаланишнинг олдини олиш юзасидан қаттиқ назорат ўрнатиш, шунингдек, республика ер фонди ҳисобини юритишни тизимлаштириш, замонавий юқори технологияли техник воситалар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ва унинг ҳудудий бўлинмалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, соҳа мутахассисларига юкланган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли бажариш учун қулай шарт-шароитлар яратиш имконини беради.

2018 йилга келиб, 2 638 та ҳолатда 16 447 гектар майдондан ноқонуний фойдаланилган ҳамда 1 502 та ҳолатда 28 427 гектар экин ерлари ноқонуний ажратилганлиги, ерлардан, айниқса суғориладиган ерлардан ноқонуний фойдаланиш, шахсий манфаати йўлида якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотларни қуриб олиш ҳолатлари ортиб бориши, жумладан, 2018 йил давомида республика бўйича 4062 ҳолатда 622 гектар ер майдони ўзбошимчалик билан эгаллаб олиниб, якка тартибда уй-жой ёки бошқа бино ва иншоотлар қуриб олинганлиги, фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларининг контурлари кесимида экинларни жойлаштириш ва ҳосилдорликни белгилаш бўйича маҳаллий ҳокимликлар томонидан қабул қилинган қарорларнинг шаффофлиги ва холисоналиги таъминланмаётганлиги, бу эса, айрим қишлоқ хўжалиги экинларини шартномага нисбатан кўп ёки кам экилишига, ҳосилдорликнинг адолатсиз белгиланишига сабаб бўлаётганлиги, қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан тупроқ унумдорлигини ошириш ҳамда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳамда замонавий ресурс тежамкор инновацион технологияларни кенг жорий этиш масалаларига эътибор қаратилмаётганлиги каби камчиликларни бартараф этиш, соҳада янги ёндошувни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 9 январдаги “Фермер хўжаликлари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари ер майдонларини мақбуллаштириш ҳамда қишлоқ хўжалиги экин ерларидан самарали фойдаланишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 14-сонли қарори[10] қабул қилинди. Қарорга мувофиқ Республика ишчи гуруҳлари тузилган ҳолда фаолиятлари танқидий олиб борилиб, қишлоқ хўжалик корхоналари ерлари мақбуллаштирилди.

Сўнгги йилларда ер ислоҳоти сиёсатида қишлоқ хўжалигида кластер тизимини жорий этиш билан боғлиқ ишлар, янги йўналишга ўтиш ишлари бошланди. Қишлоқ хўжалигида, пахтачилик соҳасида бўлаётган ислоҳотлар дея

[9] https://lex.uz/docs/3223420

[10] https://lex.uz/docs/4149388

таъриф берилаётган кластер тизими замонавий иқтисодиётнинг бир кўриниши сифатида майдонга чиқди. Кластер тизими орқали ер муносабатларини ўрнатишда ишлар тизимли йўлга қўйилиб, бу билан қишлоқ хўжалик ва ишлаб чиқариш корхоналарининг узвийлиги таъминланади. Мисол учун чет давлатлардан Франция ва Нидерландияда ҳам кластер тизими ўз самарасини кўрсатган. Ер муносабатларида кластер ислоҳоти - замонавий ёндошув орқали ердан олинадиган даромад, самарали фойдаланиш ва ерларни муҳофаза қилиш борасида иқтисодий рентабилликка эришилади. Бунинг ҳуқуқий асоси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 25 январдаги “Пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг замонавий шаклларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида“ги қарорига мувофиқ, 2018 йилда мамлакатимиз ҳудудларида 16 пахта-тўқимачилик кластерлари ташкил қилиниб, уларга фермер хўжаликларининг қарийб 159 минг гектардан ортиқ экин майдонлари бириктирилганлигидир.

Таҳлил натижасидаги якуний фикрлар. Ер ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш ҳозирги куннинг долзарб масаласи эканлиги юқоридаги Ўзбекистон Республикаси ва бир қатор хорижий давлатлар мисолида яққол акс этмоқда. Асосан, чет давлатлари ер муносабатларини ўрнатишда ижара сиёсатини қўллаган ҳолда фуқаролар билан ижтимоий-иқтисодий алоқаларни ўрнатган бўлса, бу даврлар асосан 1990-2000 йилларга тўғри келади. Ҳар бир мамлакат босиб ўтган тарих йўлида ер ислоҳоти асосан монопол бўлган ташкилотлар ёки ишлаб чиқариш корхоналари томонидан ўзлаштириб келинган. Бу ўз навбатида ер ресурсларидан фойдаланишда камчиликларга, тупроқ бонитетининг меъёридан паст даражага тушиб, қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг сифатини пасайишига омил бўлди. Ҳар бир ўтказиладиган ер ислоҳоти ҳамда ўрнатиладиган ер муносабатларининг асоси барча ер эгаларининг қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли фойдаланишга мажбур эканлигидир. Бундан ташқари ерларни фермер ва деҳқон хўжаликлар тасарруфига ўтказилганлиги, аҳолининг томорқа ер участкаларидан унумли фойдалана олиш маданияти шаклланганлиги боис, ер муносабатларини ўрнатишда самарадорликка эришилмоқда. Фермер хўжаликлари томонидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш, ишлаб чиқариш корхоналари билан ҳамкорликда фаолият олиб бориш, пахта-ғалла экинларини тегишли режа асосида етиштириб, давлат ташкилотларига сотиш орқали тушган маблағларни келажакдаги фаолият турларига сарфлаши орасида юзага келган паст рентабиллик иш фаолияти натижасида хорижий тажрибага таянган ҳолда қишлоқ хўжалиги соҳасига кластер тизимини жорий қилиш истиқболдаги режаларни барча истеъмолчилар, ишлаб чиқарувчилар ва талаб эгалари учун энг мақбул йўл сифатида танланди. Шу муносабат билан хорижий тажрибага асосланган ҳолда ер эгаликлари босқичма-босқич хусусийлаштирилиб, туман (шаҳар) кадастр бўлимлари томонидан бир марталик акциялар ўтказилиши натижасида фойдаланмай келинаётган, қаровсиз бўлган ҳамда тегишли кадастр ҳужжатлари ўрнатилган тартибда расмийлаштирилмаган ер участкалари, бино-иншоотлар ўз эгаларини топиши борасида чора-тадбирлар ҳам ер ислоҳоти йўлидаги самарали фаолият бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Ер кодекси, 1998 йил 30 апрел
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Фермер хўжаликлари юритувидаги ер участкалари миқдорларини мақбуллаштириш бўйича чора-тадбирлар ҳақидаги таклифларни ишлаб чиқиш бўйича Махсус комиссияни ташкил этиш тўғрисида”ги 3077-сонли Фармойиши. 2008 йил 6 октябрь
3. Бабажанов А.Р., Рўзибоев С.Б., Мажитов.Б.Х. Ердан фойдаланиш асослари. Ўқув қўлланма.Т.: ТИҚХММИ, 2017, - 22 б
4. http://hudud24.uz/er-islohoti/
5. http://hudud24.uz/er-islohoti/
6. https://ygk.uz/uz/node/392
7. https://nrm.uz/contentf?doc=313515_o‘zbekiston_respublikasining_20_06_1990_y_97-xii-son_er_to‘g‘risidagi_qonuni&products=1_vse_zakonodatelstvo_uzbekistana
8. https://www.lex.uz/acts/152653
9. https://lex.uz/docs/3223420
10. https://lex.uz/docs/4149388

ДИНШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ИЖТИМОИЙ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Аҳмадалиев Худайберди Умматалиевич
Андижон давлат университети
“Фалсафа” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада ҳозирги глобаллашув жараёнлари натижасида рўй бераётган миллатлар, ирқлар, динлараро мулоқотнинг ўзига хос аҳамият касб этиши контекстида динларни ўрганишнинг ижтимоий-фалсафий долзарб масалалари ҳақида сўз юритилган.*

Калит сўзлар: *глобаллашув, контекст, динлараро мулоқот, назария, тўқнашув, жамият, минтақа, конфессия, экстремизм, терроризм, толерантлик.*

СОЦИАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ РЕЛИГИОЗНОЙ НАУКИ

Аҳмадалиев Худайберди Умматалиевич
Андижанский государственный университет
Старший преподаватель кафедры «Философия»

Аннотация: *В данной статье рассматриваются современные социально-философские проблемы изучения религий в контексте особой важности межэтнического, межрелигиозного диалога, возникающего в результате современных глобализационных процессов.*

Ключевые слова: *глобализация, контекст, межрелигиозный диалог, теория, конфликт, общество, регион, деноминация, экстремизм, терроризм, толерантность.*

SOCIAL PROBLEMS OF RELIGIOUS SCIENCE

Amadaliev Khudaiberdi Ummatalievich
Andijan State University

Senior Lecturer, Department of Philosophy

Annotation: *This article discusses the contemporary socio-philosophical problems of the study of religions in the context of the special importance of the interethnic, inter-religious dialogue that arises as a result of modern globalization processes.*

Keywords: *globalization, context, interreligious dialogue, theory, conflict, society, region, denomination, extremism, terrorism, tolerance.*

Маълумки, дин доимо башарият диққат марказида бўлган. Тарихнинг муайян босқичларида у мутлақ ҳукмрон куч бўлган бўлса, баъзи босқичларда инкор этилган ва унга қарши “уруш” эълон қилинган. Жамиятдаги мавқеидан қатъи назар у доимо ўрганиш, тадқиқот объекти бўлиб келган. Глобаллашув натижасида рўй бераётган миллатлар, ирқлар, динлараро мулоқотнинг ўзига хос аҳамият касб этиши контекстида, динларни ўрганиш янада муҳим аҳамият касб этмоқда [1].

Айни дамда, Ер куррасининг баъзи минтақаларида диний асосдаги келишмовчилик ўчоқларининг алангалагани, шунингдек, баъзи нохолис тадқиқотчилар томонидан динлар ўртасидаги тўқнашув “назария” ларининг илгари сурилиши дин ва бағрикенглик масалалари билан шуғулланувчи диншунослик фанининг янги босқичга кўтарилишига сабаб бўлди. Кўпмиллатли ҳамда кўпконфессияли бўлган Ўзбекистонда ҳам, мустақилликка эришилган илк йилларданоқ дин, бағрикенглик масалаларига катта эътибор берилмоқда. Бунинг самараси ўлароқ юртимизда диншунослик соҳаси ҳам ривожланиб бормоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистонда Халқаро Ислом академиясини ташкил этиш ҳақидаги фармонида ҳам диншунослик асослари, йўналишлари, илмий тадқиқот тамойиллари, уларни жамият ҳаёти ва ривожидаги ўрни билан боғлиқ масалаларни ҳал этишга қодир юқори малакали кадрлар тайёрлаш вазифаси белгиланган. Шу жиҳатдан ҳам, мазкур академияда яратилаётган диншуносликка оид ўқув адабиётлари бугунги кунда фан олдида турган бир қатор долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилган. Жумладан: – сўнгги даврда дунёда рўй бераётган қонли тўқнашувлар асосан диний ва миллий асосда юз бераётганини ҳисобга олиб, талабаларда бағрикенглик маданиятини шакллантириш, уларга динларнинг тинчликпарвар, инсонпарвар ғояларини очиб бериш; – динлар тарихи, моҳиятини очиб беришда эски, бир ёқлама, атеистик ёндашувдан воз кечиш. Талабаларга динлар борасидаги илмий мактаблар, назариялар ҳақида объектив билимларни бериш; – турли динларни ниқоб қилиб олган экстремистик ва террорчи ташкилотларнинг аслида ҳеч қайси динга тўғри келмаслигини очиб бериш; – Ўзбекистон Республикасида мавжуд конфессиялар ўртасида тотувликни таъминлашга ҳисса қўшиш. Диншунослик асослари фанини ўқитишдан мақсад миллий ва диний қадриятларнинг тарихан муштараклиги, уларнинг умуминсоний қадриятлар билан уйғунлиги, бу қадриятларнинг ҳозирги ҳар томонлама янгиланаётган Ўзбекистон шароитидаги аҳамиятини янада аниқроқ ёритиб бериб, талабаларда динга нисбатан тўғри ёндашувни шакллантириш ва жамият учун юксак маънавиятли кадрларни тарбиялашдан иборат. “Диншунослик” фани таълим жараёнида талабаларда дин, унинг турли шакллари, таълимотлари,

йўналишлари, мазҳаблари ҳақида тўғри илмий хулосалар чиқара оладиган, диний ва дунёвийлик муносабатларини асосли таҳлил қила оладиган тўғри дунёқарашни шакллантиради [2]. Бунда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонун, Жиноят, Фуқаролик, Оила кодексларидаги дин ва виждон эркинлиги ҳақидаги кўрсатмалар, қоидалар дастурул амал бўлиб хизмат қилиши лозим. Дин ва қонун ўзаро муносабатларини яхши билиш Республикада демократик, ҳуқуқий жамият қуриш пойдеворини мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Диншунослик барча ижтимоий фанлар қатори ҳам ўзининг ўрганиш объектига эга. У диннинг пайдо бўлиши, ижтимоий моҳияти ва жамиятдаги ролини тадқиқ қилиш билан бирга диний эътиқодларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, уларнинг жамият тараққиётидаги эволюциясини илмий жиҳатдан ўрганади. Динларни ўрганиш узоқ тарихга эга. Ҳар бир инсон ён–атрофидагиларнинг эътиқоди, қайси динга мансублигига қизиқади, улар ҳақида билишни истайди. Бу борадаги илк маълумотларни Қадимги Греция ва Рим ёзувчилари асарларида кўришимиз мумкин. Улардан энг машҳури “тарих отаси” номини олган Геродот (мил. авв. V аср) ўзи тадқиқ қилган халқларнинг динлари ҳақида маълумотлар келтирган. Бу қизиқиш Ўрта аср Европасида ҳам мавжуд бўлган. Лекин бошқа динлар ҳақида фикр билдирувчилар, христианларнинг эътиборини жалб қилмаслик ва уларни ўша динларга кириб кетмасликлари таъминлаш мақсадида, у динларга нисбатан салбий фикр билдириш, уларни ёмонлаш орқали уларга ёндашишни маъқул деб топганлар.

Ислом оламида ҳам динларни ўрганиш бўйича тадқиқотлар узоқ тарихга бориб тақалади. Милодий VII– VIII асрлардаёқ диний тортишув (мунозара)ларни ўз ичига олган “мақола”лар (кейинчалик “мақолот”), VIII –IX асрлардан эътиборан эса бошқа динларга “раддия”лар ёзила бошланган. Кейинги асрлардан эса “ал–Фирақ” (Фирқалар), “ар–Радд” (Раддия), “ад–Диёнот” (Динлар) ва “ал–Милал” (Халқлар) йўналишидаги адабиётлар вужудга келган. “Ад–Диёнот” (Динлар) йўналишида ёзилган илк асар Ҳасан ибн Мусо ан–Навбахтийнинг (ваф. 910) “ал–Ароъ вад–диёнот” (Эътиқодлар ва динлар) китоби ҳисобланади. Кейинчалик Масъудий (957) ўзининг “ад–Диёнот” (Динлар), Масбиҳий (1029) “Даркул буғяти фий васфид диёноти вал ибодоти” (Динлар ва эътиқодлар васфида мақсад меъёри) китобларини ёзганлар. Шунингдек Берунийнинг (973–1048) “Таҳқиқун ма лилҳинд мин мақулатин, мақбулатин фил– ақли ав марзулатин” (Ақлга мақбул ёки номаъқул бўлган Ҳиндистонга оид изланишлардан) номли китоби ҳам шулар сирасига киради [4].

Замонавий Диншунослик эса бир ярим асрга яқин даврга бориб тақалади. Ғарбда, замонавий маънодаги динлар тадқиқотлари Макс Мюллер (1823–1900) томонидан бошлаб берилган. Олим 1856 йилда “Қиёсий мифология” ва 1870 йилда нашрдан чиққан “Динларнинг асоси ва шаклланишига оид дарс баҳолари” номли асарлари билан бошқа динларни тадқиқ қилишга йўл очган ва каттагина эътибор қозонган [3]. У Англиядаги машҳур Оксфорд университетида динлар тарихидан маърузалар ўқиган. Ўзининг “Шарқнинг муқаддас китоблари таржима силсиласи” асарида у илк бора “religious studies” (диншунослик) сўзини қўллаган. Мюллер ва унинг замондошлари динларни илмий тадқиқ қилишда филологияни муҳим деб

билишган ва диннинг асл моҳиятига фақатгина тил орқали қилинган изланишлар билангина етишиш мумкин, деган фикрни олға сурган. Бироз кейинги даврларда Голландияда С.Р.Тиле ва Шантепи де ла Соссе бу борада изчил фаолият олиб борганлар. Шундай қилиб даврлар ўтиши билан Париж, Брюссель ва Рим каби марказларда диншунослик университетлар таълим дастурларидан жой олган [3].

Диншунослик фанининг тарих, фалсафа, психология, социология, археология ва бошқа ижтимоий фанлар билан мустаҳкам боғлиқлиги диншунослик назариясини бойитишга хизмат қилади. Шундан келиб чиққан ҳолда, диншунослик фанининг қуйидаги соҳалари мавжуд: Дин феноменологияси. Феномен, намоён бўлувчи, кўзга кўринувчи нарса бўлиб, феноменология кўзга кўринувчи нарсанинг систематик шаклда тадқиқ қилинишидир. Диннинг кўзга кўринувчи, ташқарида акс этувчи жиҳатларини ўрганувчи илм соҳаси “Дин феноменологияси” дейилади [1]. Дин феноменологияси, тарихий шаклланишларни эътиборга олмаган ҳолда диний факт ва воқеликнинг бизга намоён бўлган жиҳатларини асосий ўринга кўтаради. Турли динларнинг ибодат ва маросимларини, муқаддас жой, замон, нарса ва шахсиятларини тадқиқ қилиб, муштарак жиҳатларини топишга ҳаракат қилади. Дин феноменологияси диний туйғу ва бу туйғунинг кўринишлари деярли бутун дунёда бир–бирига ўхшашига ишора қилади; барча динларнинг асли ва ғоясининг бир эканлигини исботлашга ҳаракат қилади. Шунинг билан бирга диний рамз (белги)ларда яширинган маъноларни очиш ва мажозий сўзларнинг муқаддас мазмунини ёритиш каби ишлар ҳам унинг вазифаларига киради.

Дин феноменологияси материалларини динлар тарихидан олади. Лекин у бу материалларга тарихийликдан ҳам кўра кўпроқ систематик жиҳатдан ёндашади. Шундай қилиб диний асослар, диний феномен ва шаклланишларни муқояса қилади. Дин феноменологияси бошқа дин илмлари билан баъзи нуқталарда бирлашишига қарамасдан, мустақил бир илм соҳаси сифатида, баъзан фарқланган жиҳатлари ҳам бўлиб туради.

Дин социологияси бу дин – жамият муносабатларини, бу муносабатлар ортидан келиб чиқувчи воқеа–ҳодисаларни ўрганади [3]. Шу туфайли бу илм соҳаси ижтимоий диний муассасаларни, диннинг давлат, халқ, оилага нисбатан муносабатини, дин соҳасида юзага келувчи ижтимоий воқеа–ҳодисаларни, турли дин жамоаларининг жамият билан бўлган муносабатларини асосий мавзу сифатида тадқиқ қилади. Демак, дин социологиясининг мавзуси, жамиятнинг асос шакллари ва диннинг ташқи кўринишлари билан ижтимоий жараёнлар, уларнинг тузилиш ва қонунларидан иборат экан. Бошқача қилиб айтганда, бу илм соҳаси, тарих бўйича хусусий ва мушоҳадага суянувчи дин ва жамият тадқиқотларини, диннинг ижтимоий ҳаётдаги кўринишларини ўрганади. Дин социологияси, бир томондан жамият, бир томондан диний илмларга таянади; бу икки асос устида якдилликни келтириб чиқаришга ҳаракат қилади [1].

Дин психологияси бу илм соҳаси, замонавий психология билан биргаликда шаклланган ва унинг бир тармоғига айланган. Дин психологияси, аввало инсонга оид бўлган диний ҳаётнинг турли жиҳатларини психологик жиҳатдан ўрганади. Яъни дин психологияси диннинг психологик жиҳатини, шахснинг диний тажрибасини ва бу тажрибанинг турли кўринишларини баён қилишга ҳаракат

қилади. Натижада у диннинг инсон руҳидаги асосий хусусиятлари хатти–ҳаракатларга бўлган таъсири тўғрисида атрофлича тўхталади. Руҳ–жасад алоқаси билан атроф–маданият таъсирларининг барчасини ичида ўрганувчи диний эътиқод, шахсларнинг ички оламидаги турли ривожланишларни кўрсатиб беради. Шу сабабли Дин психологияси диний тажрибадан бошлаган ҳолда инсон турларини атрофлича ўрганиб, ўзига хос типологияларни кашф қилади; буюк диний шахсиятларнинг ички ҳаётлари билан қизиққан ҳолда уларнинг руҳий ҳолатлари билан шуғулланади. Кишининг диний ҳис, тушунча ва яшаш тарзи дин психологиясининг асосий мавзусидир. У шахсда дин туйғуси ва ҳиссининг қандай қилиб келиб чиққанлиги ва шаклланишини, иҳтидо (ҳидоят топиш) ёки инкор ҳодисаларини, диндан келиб чиққан руҳий кескинлик ва шубҳаларни тадқиқ қилади.

Дин психологияси умумий психологиянинг барча методларидан фойдаланган ҳолда ўзига тааллуқли бўлган мавзуларни муҳокама қилади. Бу илм тури, диндорликнинг шахс руҳиятидаги силжиш ва таъсир жараёнининг тадқиқ қилинишида умумпсихологиядаги тамал асослар, берилган маълумотларга (рақамлар)га қараб анкеталар, тестлар ва кузатувлардан фойдаланади. Дин фалсафаси. Дин социологияси, Дин психологияси каби асосий мавзуси “дин” бўлган Дин фалсафаси, “дин” ни фалсафадан келиб чиқиб тадқиқ қилади. Бу тадқиқот асносида ақлий ва бетараф йўл тутади. Бу илм тури, қандайдир бир Яратувчи куч эътиқодига фалсафий бир асос топишга ҳаракат қилади [2]. Шу туфайли ҳам Дин фалсафаси соҳасида фаолият кўрсатувчиларнинг мақсади диннинг ҳақ ёки ботил эканлиги масаласи билан машғул бўлиш эмас, диний ҳукмларнинг мантиғи ва моҳиятини очиб беришдир. Дин фалсафасини бошқа дин илмларидан ажратиб турувчи жиҳат бу, ундаги ҳукм бериш, хулоса ясаш хусусиятидир. Бошқа дин илмлари, баҳо бериш, муносабат билдириш методига суянган ҳолда диний масалаларни ҳал қилишса; Дин фалсафаси, улар ясаган хулоса ва эришган натижалардан кенг миқёсда фойдаланади ва бу натижалар сабабли бир қанча ҳукмларни чиқаради. Ҳатто Дин фалсафаси, динни мақсад қилиб олган илм турлари қўлга
киритган натижалар ва бу натижаларга эришиш учун улар қўллаган методлар ҳақида ҳам ҳукм чиқариши мумкин. Дин фалсафаси, диннинг моҳияти, инсоннинг диний ҳақиқатлар билан бўлган боғлиқлигини ўрганади. Бу илм турининг эътиборида бўлган мавзуларнинг бошида Худонинг борлиги, сифатлари, яратувчи–коинот муносабати, яратиш, оламнинг яратилишидаги мақсад, қайта тирилиш, пайғамбарлик ва ваҳий каби кенг миқёсда метафизик бир характерга эга масалалар асосий ўринни эгаллайди. Бундан ташқари илм–имон, илм–дин, дин–маданият (дин–санъат, дин–тил–адабиёт) диний тажриба, диний ҳис каби асослар ҳам бу илм турининг сарҳадларига киради.

Дин тарихининг юқорида маълум қилинганлар билан яқиндан алоқасидан ташқари, у суянувчи бир қанча илм турлари ҳам мавжуд. Уларнинг ичида биринчилардан бўлиб тарих ўрин олади. Тарих, макон ва замон тайин қилган ҳолда ўтмишдаги воқеа–ҳодисаларни ўрганувчи бир илм тури бўлиши билан бирга, мозий ва ҳозирдаги динларнинг тарихий шаклланиши жиҳатидан Динлари тарихига

яқиндан кўмакчи бўлади. Диний матнларнинг ўрганилиши, табиий равишда, тилга боғлиқ. Демак, яна бир томондан Динлар тарихи суянадиган илм тури – бу филологиядир. Бундан ташқари мифология (ривоят ва афсоналар), этнология, археология, санъат тарихи, фольклор ва шунга ўхшаш бир қанча илм турлари борки, улардан ҳам динлар тарихи изланишларида бевосита фойдаланилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Саматов Д. Научно-теоретические основы принципа толерантности в стабилизирующей учебной среде // Восточноевропейский научный журнал. - 2018. - №. 6.
2. Каххарова М. М. Этическое наследие мыслителей востока //Актуальные проблемы современной науки. – 2018. – №. 5. – С. 47-52.
3. MM Kakhkharova. Социально-философские основы формирования духовно-нравственной общественной среды // Theoretical & Applied Science, 682-687
4. Қаҳҳорова М. М., Йўлдошева С. М. Миллий-ахлоқий камолотга эришишнинг ўзига хос жиҳатлари // Сборники конференций НИЦ Социосфера. – Vedecko vydavatelske centrum Sociosfera-CZ sro, 2015. – №. 51. – С. 90-96.

ЖАМИЯТДА ИННОВАЦИОН ТАФАККУРНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОСЛИГИ

Абдураҳмонов Ҳасан Иброҳимович
Тошкент темир йўл муҳандислари институти
Ижтимоий-гуманитар фанлар кафедраси
мустақил изланувчиси (PhD)

Аннотация: *Ушбу мақолада жамиятимизда инновацион тафаккурни шакллантириш жараёнлари ва унинг аҳамияти ўтаҳлил қилинган. Инновацион тафаккурни шакллантириш талаблари, бунда ижодий тафаккурнинг роли, назарий билимларнинг аҳамияти ва инсон миясининг қобилиятлари ҳамда мантиқ ва режалаштириш билан инновацион тафаккурни шакллантириб бўлмаслиги ўрганилган. Шунингдек, бунда бир неча инноввцион тўсиқлар ва уларни бартараф қилиш бўйича таклифлар берилган.*

Калит сўзлар*: жамият, тараққиёт, иновация, инновацион тафаккур, ижодий тафаккур, назарий билим, амалиёт, инсон мияси, мантиқ ва режалаштириш, инновацион тўсиқлар.*

ХАРАКТЕРИСТИКИ ФОРМИРОВАНИЯ ИННОВАЦИОННОГО МЫШЛЕНИЯ В ОБЩЕСТВЕ

Абдурахмонов Хасан Иброхимович
независимый исследователь (PhD)
Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта

Аннотация: *В данной статье анализируются процессы формирования инновационного мышления и его особенности в нашем обществе. И изучены требования к формированию инновационного мышления, роль творческого мышления и теоретических*

знаний в его формировании, способности человеческого мозга, невозможность формирования инноваций на основе логики и планирования. Кроме того, перечислены некоторые из инновационных барьеров на пути к творчеству в нашем обществе творческие барьеры и сделаны предложения по их преодолению.

Ключевые слова: *общество, развитие, инновации, инновационное мышление, творческое мышление, теоретические знания, практичность, человеческий мозг, логика и планирование, инновационные барьеры.*

CHARACTERISTICS OF FORMATION OF INNOVATIVE THINKING IN SOCIETY

Abdurahmonov Hasan Ibrohimovich,
independent researcher (PhD) Tashkent Institute of Railway Engineers

Resume: *This article analyzes the processes of formation of innovative thinking in our society, its features. And they studied the requirements for the formation of innovative thinking, the role of creative thinking and theoretical knowledge in its formation, the ability of the human brain, the impossibility of forming innovations based on logic and planning. In addition, some of the innovative barriers to creativity in our society are listed as creative barriers and suggestions are made to overcome them.*

Keywords: *society, development, innovation, innovative thinking, creative thinking, theoretical knowledge, practicality, the human brain, logic and planning, innovative barriers.*

Инсоният тараққиётининг ҳозирги босқичида юқори технологиялар рақобатбардошликнинг асосидир. Шунинг учун мамлакатимизда инновацион ривожланиш йўли одамларда инновацион тафаакурни шакллантириш заруратини келтириб чиқармоқдаки, акс ҳолда бизнинг мамлакатимиз ҳеч қачон юқори ривожланган давлатлар қаторига кирмайди. Бироқ, бундай тафаккур ҳаммада ҳам шаклланмаган, кам сонли иноснлар шундай тафаккур қила оладилар, янгиликлар яратадилар ва инновацион ишлайдилар. Аммо мавжуд иқтисодий ва ижтимоий шароитда инновацион тарзда самарали ишлай оладиган одамларни шакллантириш муаммоси тобора долзарб бўлиб қолмоқда.

Сўнгги йилларда мамлакатмизда инновацион ғоялар, ишланмалар ва технологиялар асосида иқтисодиётнинг барча тармоқлари ва ижтимоий соҳани жадал инновацион ривожлантиришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ташкил қилинди. Инновацион ғоялар ва технологияларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш, уларнинг янада ривожланишини таъминловчи норматив-ҳуқуқий базани яратиш доирасида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 3 та фармони, 11 та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг 8 та қарори ва 4 та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари тасдиқланди[1]. Бу эса мамлакатимизда инновацион фаолиятнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаб, одамларда инновацион тафаккурни шакллантириш учун замин ҳозирлади.

Инновацион тафаккур нима? Бу нарса ва ҳодисаларнинг моҳиятига киришга қодир тафаккур тарзидир. Бу ҳар қандай мутахассис учун зарур ва бу профессионал

муаммоларга янги, оригинал ечимларни топишга ёрдам беради. Бу инновацион, ижодий фикрлайдиган иқтидорли одамлардир. Улардаги инновацион тафаккурнинг энг муҳим хусусияти унинг амалий йўналтирилганлигидир. Ёшларнинг инновацион фаолияти соҳаси асосан ишлаб чиқариш ҳисобланади. Ушбу тушунчани психологик ҳодиса сифатида ўрганиш, ижтимоий-психологик ёндашувга таяниб, А. Петрова ва И. Тарасов уни қуйидагича тушунади. "... ижтимоий амалиётнинг муайян вазиятидан келиб чиққан муаммоли маъноларни англашдан объектив воқеликда акс этмайдиган янги ўзгарувчан маъноларни яратишга, уларни ҳар томонлама билишга ва кейинчалик ушбу объектив мавжуд бўлган воқеликда ҳаётга татбиқ этишга бўлган ҳаракатининг руҳий динамик жараёнидир" [2.62-69].

Бугун жамиятимизда инновацион фикрлайдиган ходимларга катта зарурат сезилмоқда. Улар қуйидагилар билан тавсифланади: 1) ўзига хослик - нарсаларни бошқача кўриш, тахминларга шубҳа қилиш ва ишлашга анъанавий ёндашишдан чиқиш қобилияти; 2) садоқат, қатъиятлилик, ташаббускорлик, ғайрат ва меҳнатсеварлик; 3) ҳар нарсада устунликка интилиш ва ўзига танқидий муносабат; 4) ақл ва ҳазил туйғусининг мослашувчанлиги; 5) бошқа одамларнинг фикрларидан мустақиллик, ташқи босимга қаршилик ва ўзига ишонч; 6) шубҳалар, қизиқувчанлик, ноаниқлик ва муаммоли вазиятларнинг мураккаблигига нисбатан бағрикенглик.

Тўғри, инновацияларнинг ўзига хос ноаниқлиги сабабли, уларни режалаштириш вақти ёки сифатини аниқ режалаштириш ва прогноз қилиш мумкин эмас. Ишлаб чиқариш, касбига ижодий ёндашадиган шахсларнинг фаолиятини башорат қиладиган ёки бошқарадиган қатъий мезонларни ўрнатиш деярли мумкин эмас.

Инновацион тафаккур - бу ўқитилиши мумкин бўлган ва амалда қўлланганда яхшиланиши мумкин бўлган маҳорат шаклидир. Масалан, ижтимоий гуруҳ ёки жамоанинг барча аъзолари янги ғояларни излаш, ишлаб чиқиш ва амалга оширишда ёрдамни ҳис қилишлари жуда муҳим ва бу уларга ўзларининг инновацион қобилиятларини ва умуман ташкилотнинг потенциалини максимал даражада оширишга имкон беради. Газ камерасини ихтиро қилган нацистларнинг фикрлашини инновацион ва ижодий деб аташ мумкин эмас, гарчи у бошқа жиҳатдан ҳам инновацион тафаккур хусусиятларига мос келсада, чунки инновация амалий ва конструктив бўлиши лозим. Ҳатто интуитив даражада ҳам "Инновацион бомба", "Инновацион заҳарли газ" ва "Инновацион қурол" каби комбинациялар салбий қабул қилинади. С. Лесков томонидан ёзилганидек, гилотин ва электр стулни болалар учун китобга янгилик сифатида киритиш мумкин эмас, деб ҳисоблаймиз[3.].

Инновацион тафаккур тезда шаклланмайди ва ўз-ўзидан жамиятда ҳам кенг тарқалмайди. Уни мулоқот ёки оммавий ахборот воситаларидан ўрганиш мумкин эмас. Жуда кам одам туғилишдан бошлаб бундай фикрлаш қобилиятига эга. Аммо ҳамма замонларда ҳам шундай одамлар бўлган ва ҳозирда ҳам бор, уларнинг тажрибасини оммалаштириш зарур, чунки инноовацион тарфаккурдаги бошқа барча янги элементлар ва фикрлаш усуллари билан бир хил эди: фикрларни қоғозга

тушириш ва келажак авлодларга ўтказиш, нарсаларни рақамларга айлантириш ва улар билан ишлаш, расмларга, расмларга ва ҳоказоларга маълумотларни жойлаш ва бошқалар. Инсон миясининг асосий мулки - бу таълим жараёнида янги фикр ва муносабатларни шакллантириш қобилиятидир, яъни, бошқа одамларнинг тажрибаси ва кўникмаларидан фойдаланишни яхши ўзлаштириш. Агар ушбу бегона тажриба ва кўникмалар умумлаштирилиб, назария шаклида тузилган бўлса, ўқитиш янада самаралироқ бўлади. Назария ўрганишда умумий тасаввур ва аниқ кўрсатмалар беради, у нима учун баъзи элементлар ва техникаларни билишингиз кераклигини тушунтиради. Шунинг учун назария энг қимматли - келажакдаги воқеаларни башорат қилиш учун воситадир. “Инновацион тафаккур илмий ва назарий жиҳатдан ўзини намоён қилади. Илмий тафаккур эса барча даврдаги олимларни тадқиқотларга ва уларнинг натижаларига ёндашишда йўналтирадиган услубий принципларга мувофиқ амалга ошириш билан тавсифланади”[4, с. 10].

Инновацион тафаккур анъанавий мантиққа асосланмайди. Ахир, янги нарса эски билимлардан келиб чиқмайди. Мантиқий ўзгартиришлар ёрдамида фақат минимал элементлар билан янгиларнинг модификацсиясини (комбинациясини) олиш мумкин. Бу дизайн фикрлаши, яъни. билим ва кўникмаларни ўз мақсадлари учун тўғридан-тўғри ишлатишни кўзда тутади.

Аслида, инновация бу ҳар доим сакраш, янги билимларга қўшимча сифатида талқин қилинади. Қандай қилиб инсон тафаккури билимда ютуқларни келтириб чиқаради? Фақат кутилмаган тўсиқни енгиб ўтиш орқали. Кўпинча бу тўсиқ мутлақо имконсиз бўлиб туюлади, енгилмас, онг унинг олдида кучсиз кучсиздай кўринади. Бундай тўсиқ ҳар доим қарама-қаршиликлар келтириб чиқаради. Бизнинг миямиз қарама-қаршиликларни қандай ҳал қилишни билмайди. Бир хил объектдаги қарама-қарши талаблар, хусусиятлар, ҳаракатларнинг комбинацияси онгни имконсиз, деб ҳисоблайди. Эволюция одамга бирон бир табиий фикрлаш тарзида қарама-қаршиликни енгиб ўтиш қобилиятини бермади. Шунинг учун бизда зиддиятли вазиятларни ҳал қилиш кўникмалари йўқ. Бундай вазият ҳар доим янги бўлади, бунинг учун ҳар сафар қарама-қаршиликни ҳал қилиш усули ўйлаб топилавермайди ва маҳорат шаклланмайди, мияда ўрнатилмайди. Бундай вазиятда бўлган одам кўпинча рухсат сўрамайди, ён беради, муросага келади. Инсон тафаккури ҳам мантиқий, ҳам ижодий бўлиши мумкин. Мантиқий фикрлаш босқичма-босқич мулоҳаза қилиш ва мантиқнинг асосий қонунларига риоя қилиш билан тавсифланади.

Шу ўринда жамиятимизда учрайдиган инновацион тўсиқлар - ижодий тўсиқларнинг айримларини келтириб ўтиш мумкин, масалан:

ижодда устунлик қиладиган бошқа одамларга тақлид қилиш, уларнинг фикрлари ва хатти-ҳаракатларида улардан фарқ қилмаслик истаги билан ифодаланган конформизмга мойиллик (оппортунизм, мавжуд тартибни пассив қабул қилиш);

одамлар орасида “оқ қарға” бўлишдан қўрқиш, янгиликка интилиш уларнинг ҳукмларида аҳмоқона ва кулгили туюлади;

ҳаддан ташқари янгиликлар яратишдан қўрқиш, ҳатто уларни агрессив равишда рад этиш ва бошқа одамларнинг фикрларини танқид қилиш. Бизнинг

маданиятимизда қуйидаги таклиф жуда кенг тарқалган: одамни танқид қилиш, унга нисбатан жоҳил бўлиш, унга нисбатан ҳурматсизликни англатади;

ўз позициясини танқид қиладиган кишидан ҳадиксираш, қасос олишдан қўрқиш. Бирор кишини танқид қилсак, одатда биз унга жавоб қайтарамиз. Бундай реакциядан қўрқиш кўпинча ўз ижодий фикрлашининг ривожланишига тўсқинлик қилади;

шахсий ташвиш, ўзидан шубҳаланиш, ўзини ўзи салбий идрок этиш, одамнинг ўзини паст баҳолаши, ўз ғояларини очиқчасига ифода этишдан қўрқиш;

олинган билимлардан шахсий манфаати йўлида фойдаланиш, уларнинг тарқалиши, амалиётга киритилиши ва ёндашувларнинг хилма-хилликка йўл қўймасдан билимларни мулк сифатида қаралиши асосланган фикрлашнинг қатъийлиги.

Инновацион тафаккур ижодий фикрлашни талаб қилади. Бундай фикрлаш эса анъанадан воз кечиш, тахминларни шубҳа остига қўйишга асосланади. Унда ҳеч қандай қатъий тартиб ёки қоидалар ҳам мавжуд эмас. Агар мантиқий ёндашувни оқилона, анъанавий, аналитик, конвергент, вертикал ёки “чап томонли” фикрлаш деб таърифлаш мумкин бўлса (яъни миянинг чап ярим шари шунинг учун жавоб беради), унда ижодий ёндашув хаёл, ўзига хослик, сезги, кенг қамровли муносабат, тафовут билан ажралиб туради.

Инновацион тафаккур бу анъанавий ёндашувлардан оқилона чекиниш бўлиб, унда ижодий жараёнлар тасаввурни боғлаб, оригинал ғояларни шакллантириш учун ишлатилади. Ушбу ғоялар кейинчалик таснифланади, танланади, тартибга солинади ва рационал ва мантиқий фикрлаш ёрдамида синовдан ўтказилади. Шунинг учун, ижодкорлар ва уларнинг иш фаолиятини фақат келажакда баҳолаш мумкин. Шахсий натижалар мунтазам равишда, камида икки йилда бир марта баҳоланиши керак. Тугалланган лойиҳалар сонини, чоп этилган мақолалар ва олинган патентларнинг таҳлили асосида энг яхши ва энг ёмон ходимлар аниқланади. Керакли психологик рағбатлантириш сифатида одамларни вазифаларга даврий равишда қайта тақсимлаш, шунингдек самарали иш ҳақини тўлаш тизимидан фойдаланилади.

Шунингдек, инновацион фикрлаш ижодий, яъни мавжуд алгоритмлар, намуналар, моделлар доирасидан ташқарида. Ижодий фикрлаш ҳар доим субъектив равишда янги натижаларга олиб келади. Бундан ташқари, инновацион тафаккур нуқтаи назаридан унинг ижодий таркибий қисми бадиий ҳаётда амалга ошириладиган ижодий фикрлашдан фарқ қилади. Рассом томонидан унга кириш мумкин бўлган воситалар орқали ички дунёни акс эттириш ҳар доим объектив янгиликка эга, агар бу ички дунё ҳар бир инсон учун ўзига хос бўлса албатта[5.94].

Бизнингча, инновация - бу фикрлаш йўлидаги ҳақиқий ютуқ. Турли стратегия ва ғояларни қайта тузиш ва уйғунлаштириш инновацион ютуқ эмас. Баъзида стратегия назариётчилари ғояси аянчли доирада ҳаракат қилаётганга ўхшайди. Айримлар буни илмий ва амалий жиҳатдан олинган янги билимлар, деб ҳисоблайдилар. Друскер инновацион ўзгаришининг тўртта йўналишини аниқлаган бўлиб, дастлабки ички, кейинги учтаси - ташқи. Шу билан бирга, у улар орасида аниқ чегаралар йўқлигини ва улар кесишиши мумкинлигини таъкидлайди. Бироқ,

ҳар бир йўналиш алоҳида таҳлил қилишни талаб қилади. Инновацияни таъминлашга қаратилган фикр сифатида, А.П. Усолтсева ва Т.Н. Шамало қуйидагича шакллантиради: “Инновацион тафаккур - бу когнитив ва инструментал даражадаги инновацион фаолиятни таъминлашга қаратилган ижодий, илмий-назарий, ижтимоий ижобий, конструктив, трансформатсион ва прагматик фикрлашдир”. [6.17-31].

Инновацион фаолият амалиёти инновацион ғояларни шакллантиришнинг мантиқий ва эвристик усулларини тақозо қилади. Мантиқий усуллар синов ва хато каби усулларни ўз ичига олади; тест саволлари усули; морфологик таҳлил; фокусли объект усули; етти карра ўлчаш стратегияси; визуал муаммоларни ҳал қилиш назарияси ва бошқалар. Эвристик усуллардан энг машҳурлари: ақлий ҳужум; сектика; йўналтирилган фикрлаш усули; эвристик методлар кутубхонасидан фойдаланиш усули ва бошқалар. Дарсларда ўқувчилар ўртасида муаммолар ва вазиятларни ҳал қилишга қаратилган ўзига хос ақлий неоплазма сифатида инновацион тафаккурни шакллантириш таълим мазмунини, ўқитувчининг дидактик фаолиятини, педагогик технологияларни, ўқувчиларнинг ўқув фаолиятини ўз ичига олган муайян тизимни талаб қилади[7.186].

Жамиятимизда инновацион тафаккурни ривожлантириш бўйича қуйидаги жиҳатларни илгари суриш мумкин:

1. Анъанавий ва одатий фикрлаш тарзидан қочиш керак. Ахборотни қабул қилишда онгнинг хусусиятлари туфайли одам анъанавий фикрлаш шаклларидан қочиб қутула олмайди. Ёши билан, урф-одатлар ва одатлар кучаяди. Фрейд шунингдек, одамлар бирлашмалар орқали фикр юритишларини ва уларнинг қарорларига ассоциатив жараёнлар таъсир қилишини таъкидлайди. Шунинг учун янги вазиятни идрок этиш ва талқин қилиш одамлар аввалги вазиятларни қандай бошдан кечирганликлари ва бошқарганларига асосланади. Бу билмаган ҳолда маълум қолипларни ўйлашга олиб келади, бу одам маълумотни фақат унинг сифатига мувофиқ таҳлил қилишига халақит беради. Назариётчилар ва амалиётчилар аллақачон мавжуд тузилмалар орқасида нима борлигини тушунишни ўрганишлари керак.

2. Ўзгариш ва янгиликни рағбатлантириш керак. Ўзгариш ва янгиликка интилиш назария соҳасида ҳам, аниқ ишларда ҳам қўллаб-қувватланиши керак. Инновациялар нафақат юқори раҳбарият ёки фан ва технологиялар бўлимининг ходимлари эмас, балки барча ташкилотларнинг барча аъзоларини жалб қилиши керак. Юқори раҳбарият ходимларнинг инновацияларини рағбатлантириш учун муайян имтиёзлардан фойдаланиши керак.

3. Инновацияларни бошқарадиган менежерларни тайёрлаш даражасини ошириш керак. Улар амалдаги сиёсатдаги чекловларни кўрсатиб бериши учун олдинги стратегик тажрибани яхши билишлари керак. Энди бу ўз-ўзидан шаклланмайди, шунинг учун стратегия назарияси соҳасидаги хабардорликни ошириш учун маҳорат дарслари керак.

Шундай қилиб, энг инновацион жараёнда меҳнатни рағбатлантириш ва рағбатлантириш икки вазифани ҳал қилишга қаратилган бўлиши лозим: инновациялар билан шуғулланадиган одамларнинг ижодий фаоллигини уйғотиш ва

ушбу фаолиятни ташкилотларнинг аниқ мақсадига қаратилган вазифаларини ҳал қилишга йўналтириш. Инновациялар муваффақиятли қўўланган жойларда тараққиёт бўлади, замонавий истеъмолчининг энг қатъий талабларига жавоб берадиган маҳсулотлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлигининг 2018 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботидан. https://mininnovation.uz/
2. Петрова Е.А., Тарасова И.В. Инновационное мышление: путь к успеху руководителя / Карьерный успех: формирование кадрового потенциала / Материалы III Международной конференции (Ярославль, 24-26 октября 2014 г.). – Ярославль: Изд-во Академии Пастухова, 2014. –С. 62-69.
3.Лесков С. Л. Живая инновация. Мышление XXI века: пособие для старшеклассников. 2-е изд. М. : Просвещение, 2010.
4. Сенько Ю. В. Формирование научного стиля мышления учащихся. М: Знание, 1986. (Новое в жизни, науке, технике. Сер. «Педагогика и психология»). 10 с.
5. Усольцев А., Шамало Т. Понятие инновационного мышления. Педагогическое образование в России. 2014. № 1. –С. 94
6.Усольцев А.П. Формирование инновационного мышления школьников в учебном процессе / А.П. Усольцев, Т.Н. Шамало // Образование и наука. - 2014. - № 4. - С. 17-31.
7. Романова Э.Ф. Инновационное мышление – как фактор подготовки старшеклассника к жизни в обществе. –Казан, Казанский педагогический журнал №5, 2018. –С. 186

ҲОЗИРГИ ДАВРДА МАЪНАВИЙ БЕГОНАЛАШУВНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Дилмурод Абдулбоқиевич Хакимов
Наманган мухандислик-технология институти
“Ижтимоий фанлар”кафедраси ассистенти
Тел:+998999771471 mr_dimosh90@mail.ru

Аннотация:*Мазкур мақола маънавий бегоналашув муаммоси ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан таҳлил қилинган. Шунингдек, маънавий бегоналашувнинг объектив-субъектив жараён сифатида инсон, муайян ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамият маънавий оламини инқирозини ифодалаши илмий жиҳатдан асосланган.*

Калит сўзлар: *маънавият, маънавий инқироз, маънавий бегоналашув, объектив ва субъектив жараён, ижтимоий бегоналашув, ўз-ўзини англаш, ўз-ўзидан бегоналашиш, меҳр-муҳаббат, инсонийлик.*

Хакимов Дилмурод Абдулбоқиевич
Наманганский инженерно-технологический институт
Ассистент кафедры социальных наук
Тел:+998999771471 mr_dimosh90@mail.ru

Аннотация: *В данной статье социально-философски анализируется проблема духовного отчуждения. А также, с научной точки зрения обосновывается что в качестве объективно-субъективного процесса духовное отчуждение проявляет кризис духовного мира определённой группы и общества в целом.*

Ключевые слова*: духовность, духовный кризис, духовное отчуждение, объективно-субъективый процесс, социальное отчуждение, самосознание, самотчуждение, любов и милосердие, человеколюбие.*

Hakimov Dilmurod Abdulboqiyevich
Namangan Institute of Engineering and Technology
Assistant of Social Sciences
Tel: +998999771471 mr_dimosh90@mail.ru

Annotation: *This article socially and philosophically analyzes the problem of spiritual alienation. And also, from a scientific point of view, it is substantiated that as an objective-subjective process, spiritual alienation manifests a crisis of the spiritual world of a certain group and society as a whole.*

Keywords: *spirituality, spiritual crisis, spiritual alienation, objective-subjective process, social alienation, self-awareness, self-estrangement, love and mercy, philanthropy.*

Инсон ижтимоий жараёнларни фаол ҳаракатлантирувчи субъекти ҳисобланади. Чунки у жамият билан муносабатлар соҳасида юзага келадиган муҳим муаммоларни тушуниш ва мантиқий изоҳлашда устувор ўринни эгаллайди. Ижтимоий жараёнлар билан боғлиқ муаммолардан бири бу бегоналашувдир. Шунинг учун бегоналашувни шахснинг ўзи яшаб турган соҳадаги фаолияти - жамиятнинг натижаси бўлган объектив жараён ва субъектив ҳаракатлар деб белгилаб, бу муаммони шахс ва унинг ижтимоий-маданий маконидаги қарама-қаршиликлар контекстида кўриб чиқсак, бегоналашувни ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида тушуниш ва ўрганишга кенг имкон очилади.

Бегоналашув ижтимоий-фалсафий нуқтаи-назардан кишиларнинг ўзига нисбатан ишончсизлиги, маънавий-руҳий жиҳатдан тушкунлиги, ўз ҳаётларини ижобий томонга ўзгартириш учун зарур чора-тадбирларни кўрмаслиги оқибатида юзага келади. Оқибатда эса улар жамият томонидан белгиланган маънавий-ахлоқий талабларни бузган ҳолда фаолият олиб боришга ҳаракат қилади. Жамият олдидаги ўз мажбуриятларидан оғиш, ўзи яшаётган муҳит ёки жамият мақсадларига ёт бўлган ҳатти-ҳаракатларни амалга ошириш, кишиларнинг ўз-ўзидан қониқмаслиги, ўзини ўзидан бегоналашуви, ўз қобилиятига ишончсизлиги устувор ўринни эгаллайди.

Бегоналашув муаммоси бир асрдан кўпроқ вақт давомида фалсафада муҳим ўринни эгаллаганига қарамай, бугунги кунда ҳам кўпгина олимларни эътиборини жалб қилишда давом этмоқда. Бу ҳолат ушбу муаммо нафақат ҳал қилинмаганлиги, балки бир қатор ижтимоий-иқтисодий омиллар таъсири туфайли янада мураккаблашаётганлиги билан боғлиқ. “Бегоналашув — инсон фаолияти ва унинг

натижалари мустақил кучга айланиб, инсон устидан ҳукмронлик ва унга ёвузлик қиладиган ҳолатга киришишини ифодалайдиган ижтимоий жараён. Меҳнат шартшароити, воситалари ва маҳсули устидан ижтимоий назоратнинг йўқлигида, шахсиинг ҳукмрон ижтимоий гуруҳлар томонидан алдамчилик йўли билан бошқариш объектига айлантирилишида намосн бўлади. Бегоналашув киши онгида муайян тарзда акс этади (ижтимоий меъёрларни ёт ва ёвуз меъёрлар сифатида идрок этиш, ёлғизлик ҳисси, лоқайдлик ва б.). Бегоналашув концепциясининг келиб чиқи-ши Т.Гоббс, Ж.Ж.Руссога бориб тақалади, Гегель томонидан эса ривожлантирилди. 20-асрлар фалсафа, социология ва ижтимоий психологиясида Бегоналашувнинг айрим томонлари тадқиқ этилмоқда”[11]. Шу боисдан ҳам инсон фаолиятини бегоналашуви энг муҳим ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. Бегоналашув нафақат иқтисодий ва ижтимоий соҳада, балки инсон фаолиятининг барча соҳаларини ўз ичига қамраб олади. Бегоналашув - бу ташқи ва ички қарама-қарши ва салбий характерли шаклларда намоён бўладиган шахс ва воқелик ўртасидаги муносабатларнинг йиғиндисидир.

Маънавий бегоналашув ҳақида гапирган вақтимизда "маънавият" тушунчасига ҳам тўхталиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ. Бошқа ижтимоий фанлар ва гуманитар фанлар сингари ижтимоий фалсафада ҳам маънавият тушунчасига ягона универсал таъриф берилмаган. И.Абдуллаев «Маънавият арабча сўз бўлиб, «маъно» феълидан олинган ва рух, ақл, идрок, рухий ҳолат, ички кайфият, дадиллик, жасорат, хусусият, моҳият, ғамхўрлик, қайғуриш, дид каби бир қанча маъноларни англатади»[1], деб ёзади. Унга файласуф Т.Маҳмудов эътироз билдириб,: «Маънавият»ни бундай таърифлашда кўп нарсалар қўшилиб кетганга ўхшайди. Унда «маънавият»га тегишли белгилар билан бирга тафаккурни ва руҳиятни ифодаловчи маънолар ҳам учрайди. Шунингдек, яхши ва маънавияти юксак барча одамлар дадил ва жасоратли бўлмасликлари ҳам мумкин. Одамларни «маънавиятли, маърифатли, илмли, фозил, доно ёки маънавиятсиз, маънавий қашшоқ, маърифатсиз, нодон, жоҳил инсонлар»га ажратиш ҳам масалага юзакироқ қарашни англатади. Аввало, одамларни «маънавиятли» ва «маънавиятсиз»ларга ажратиб бўлмайди. Чунки одамзот пайдо бўлибдики, у ижтимоий тараққиёт жараёнида албатта маънавиятли бўлиб шаклланади. Маънавиятсиз одам йўқ. Фақат маънавият баркамол ёки тубан, бой ёки қашшоқ, юксак ёки паст бўлиши мумкин» [2], деб ёзади. Бизнинг назаримизда маънавият инсоннинг бошқа одамларни билишга ва уларга хизмат қилишга бўлган юқори интилишларининг намоён бўлишидир. Шунингдек, маънавият муайян қадриятлар, мақсадлар ва маъноларнинг иэрархияси мавжудлигининг белгиси бўлиб, у инсон томонидан дунёнинг маънавий-руҳий ривожланишининг энг юқори даражасини англатади.

[11] https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/begonalashuv-uz/

[1] Қаранг: Абдуллоҳ Исматуллоҳ. Маънавият ва маърифат // Миллий тикланиш, 1996, 12 ноябр.

[2] Қаранг: Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият // Тафаккур ва тақдир.-Т.: Маънавият, 1998. - 29 б.

Маънавий бегоналашув инсоннинг ўз онги ва тафаккур дунёсидан узоқлашувидир. Маънавий бегоналашув инсонни ўз ҳаётий қадриятларини инкор қилишидир. Бизнинг фикримизча, маънавий бегоналашув - бу объектив-субъектив жараён бўлиб, бу жараён инсон, ижтимоий гуруҳлар ва умуман жамиятнинг нафақат маънавий дунёсини инқирозини ифодалайди, балки маънавий-ахлоқий қадриятларни рационализация қилиш қобилиятини пасайшига олиб келади. Маънавий бегоналашув нафақат кишиларни балки ижтимоий гуруҳларнинг ижтимоий бегоналашувидир. Маънавий бегоналашувни бартараф этиш учун ҳуқуқий, маънавий, ижтимоий, сиёсий ва иқтисодий (моддий ва ишлаб чиқариш) соҳаларда ва ижтимоий ривожланишнинг барча ижтимоий даражаларида: шахсий, ижтимоий-гуруҳий, ижтимоий, давлат, цивилизация ва глобал миқёсда кенг қамровли ислоҳотларни амалга ошириш керак. Шу боисдан ҳам "дунё шиддат билан ўзгариб, барқарорлик ва халқларнинг мустаҳкам ривожланишига раҳна соладиган турли янги таҳдид ва хавфлар пайдо бўлаётган бугунги кунда маънавият ва маърифатга, ахлоқий тарбия, ёшларнинг билим олиш, камолга етишга интилишига эътибор қаратиш ҳар қачонгидан ҳам муҳим"[12] масалалардан ҳисобланади. Айни пайтда глобаллашга дунёқараш инсоният ўз теран моҳиятини, яъни ўзлигини билиши ва унга биноан яшашига асосланиши керак. Зеро моҳиятдан бегоналашган маънавият тараққиётнинг эмас, аксинча, инқирознинг нишонасидир. Биз бу жуда таҳликали даврда ўз миллий ўзлигимизни қайта тиклаш йўлида иш олиб борар эканмиз, комилликка эришувнинг энг юксак марраларига эришган беҳисоб бобокалонларимизнинг бебаҳо маънавий меросига, уларнинг руҳий ҳазинасига бемалол суянишимиз мумкинлигидан фахрлансак арзийди.

Маънавий бегоналашув бу жамият даражасида маънавий бирликнинг йўқолишидир. Маънавий бегоналашуви кишилар дунёқарашининг бир-биридан узоқлашувидир. Зеро, ўз моҳиятидан бегоналашган инсон бошқаларни қизиқишлари ва ҳиссиётлари билан ҳисоблашмайди. "Бегоналик хадик-хавотир келтириб чиқаради ва пировард-натижада айни шу боис хавотир юзага келади. Бегонага, ёт кимсага айланиш дунёдан узилишни, бу эса инсоний куч-қувватни тасарруф этиш имкониятидан маҳрумликни билдиради. Шу боис – бегоналашув – чорасизга, атроф-муҳитга, ашёларга ва одамларга фаол таъсир кўрсата олмаслик демакдир; бу дунё ҳақ-ҳуқуқларимга ҳамла қила олишини, мен эса ўзимни ҳимоя қила олмаслигимни билдиради"[13].

Маънавий бегоналашув бу ҳаётнинг маъносизлиги эмас, балки ақлнинг маъносизлашувдир. Бу маъносиз вазиятдан чиқиб кетишнинг ягона йўли инсон ва бутун борлиқни бирлаштирувчи, уни ягона коинот деб тан олувчи маънавий-руҳий кучга мурожаат қилиш, бу куч орқали худонинг инсонга бўлган муҳаббатини ҳис қилишидир. Бундай билиш жараёни тасаввуфда ирфоний билиш деб аталади. Шарқнинг буюк мутафаккири Имом Ғаззолий бундай илмни қуйидагича таъриф ва

[12] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 27.

[13] http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/erix-fromm-sevgi-sanati-01.html

тавсиф этади. «Зеро, илм кўр қалб кўзини очувчи, қоронғу зулматда нур бағишловчи ва заиф баданларга куч қувватдир. Илм билан банда аброрлар кўтарилади, олий мартабаларга етишади. Илм устида тафаккур қилиш кундузги рўза тутганга, уни музокара этиш кечани ибодат билан бедор ўтказганга тенгдир. Аллоҳга тоат-ибодат тавхидни англаш, Аллоҳни улуғлаш ва тақво қилиш илм билан бўлади. Илм билан қариндошлик алоқалари боғланади. Харом билан халол ажратилади. Илм пешво-имомдир, амал унга эргашади. Илмдан баҳраманд инсонлар бахтли, маҳрумлар эса, бахтсиздир».[14] Демак, юксак маданиятга интилган жамиятнинг ҳар бир аъзосида илмни ривожланган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Зеро инсон билимсиз, кўрларча яшаса, чин (беғараз) ишқсиз жамиятнинг бошқа аъзолари билан бегоналарча, шавқу-завқсиз, қувончларсиз, ўзаро зиддият ва жанжаллар ичида яшайди. Жамиятдаги барча зиддиятлар инсонларда ё билимнинг саёзлиги, ё ҳис-туйғуларнинг тубанлиги, ё ҳар иккисининг ҳам камлиги, шунингдек, хулқнинг бузилишидан келиб чиқиши маълум. Айни пайтда файласуфлар оқиллик ҳам, ҳиссиётлар ҳам маънавият масаласида олий ҳакам бўла олмайди, деб уқтирадилар. Зеро маърифатли бўлиш кишини ақллироқ қилади, ва лекин уни яхши одамга айлантира олмайди. Кишида ҳис-туйғулар кучли бўлсаю хулқи бузуқ бўлса, бунинг фойдасидан зарари кўпроқлиги маълум.

Хуллас, маънавий бегоналашув жараёни ҳар бир кишининг фаолияти ва ҳаракатларида ўзига хос шаклда намоён бўлади. Жараён сифатида, маънавий бегоналашув, бир томондан, индивидуал ва ижтимоий ҳаётнинг маънавий соҳасидаги ўзгаришларни, ўз-ўзини ташкиллаштирилган, бошқаларни англатади. Иккинчи томондан эса маънавий бегоналашув ижтимоий ҳаётда қадриятларни рационализация қилиш қобилиятини йўқотиш билан тавсифланади. Учинчи томондан маънавий бегоналашув бугунги жамиятнинг маргиналлашувида ёрқин намоён бўлади. Тўртинчидан, маънавий бегоналашуви бу кишилар ўртасида девиант хатти-ҳаракатларнинг ўсиши, истеъмолчиларнинг кайфиятини кучайиши, индивидуал, ижтимоий-гуруҳий ва умуммиллий идентификация инқирози ва бошқалардан иборатдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллоҳ Исматуллоҳ. Маънавият ва маърифат // Миллий тикланиш, 1996, 12 ноябр.
2. Маҳмудов Т. Инсон ва маънавият // Тафаккур ва тақдир.-Т.: Маънавият, 1998. - 29 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017. – Б. 27.
4. Абу Ҳомид Мухаммад ал-Ғаззолий. Иҳё у улумиддин. Биринчи китоб. -Тошкент.: «Fikrmedia», 2003. –Б.33.
5. https://qomus.info/encyclopedia/cat-b/begonalashuv-uz/
6. http://kh-davron.uz/kutubxona/jahon/erix-fromm-sevgi-sanati-01.html

[14] Абу Ҳомид Мухаммад ал-Ғаззолий. Иҳё у улумиддин. Биринчи китоб. -Тошкент.: «Fikrmedia», 2003. –Б.33.

МАЪНАВИЙ МЕРОСИМИЗДА КОМИЛ ИНСОН ҒОЯСИ (ЖАДИДЧИЛИК ТАЪЛИМОТИ МИСОЛИДА)

Амридинова Дилрабо Турсуновна
Самарқанд Давлат чет тиллари институти
Фалсафа фанлари номзоди, доценти
Тел: +99891 550 35 33 e-mail: Dilrabo1971@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақолада фалсафий меросимиз тарихида муҳим ўрин эгаллаган жадидлик таълимотида комил инсон ғоясининг намоён бўлиши ва тадрижий ривожланиши манбалар асосида ёритилган.*

Калит сўзлар: *жадидчилик, таълим, тарбия, маориф мактаб, матбуот.*

ИДЕЯ ВСЕСТОРОННЕ-РАЗВИТОЙ ЛИЧНОСТИ В ДУХОВНОМ НАСЛЕДИЕ

Амридинова Дилрабо Турсуновна
Самаркандский государственный институт иностранных языков
Доцент философических наук
Тел: +99891 550 35 33 e-mail: Dilrabo1971@mail.ru

Аннотация: *В данной научной статье рассматривается эволюция концепции всесторонне развитой личности в туркестанском джадидизме. Приводятся интересные фактические материалы из источников и архивных материалов.*

Ключевые слова: *Джадидизм, воспитание, просвещение, новометодные школы.*

THE IDEA OF A PERFECT PERSON IN OUR SPIRITUAL HERITAGE (ON THE EXAMPLE OF THE DOCTRINE OF ACCELERATION)

Amridinova Dilrabo Tursunovna
Samarkand State Institute of Foreign Languages
Associate Professor of Philology
Тел: +99891 550 35 33 e-mail: Dilrabo1971@mail.ru

Annotation:*This scientific article discusses the evolution of the concept of a comprehensively developed personality in Turkestan Jadidism. Interesting factual materials from sources and archival materials are provided.*

Keywords:*Jadidism, education, enlightenment, new-method schools.*

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамравли бунёдкорлик ишлари биринчи галда жамиятда инсон қадрини улуғлашга қаратилган. Қурилаётган ҳар бир янги бино, амалга оширилаётган ҳар бир янги лойиҳа, ҳар бир ихтиро инсон ва унинг камоли учун хизмат қилади. Модомики умуминсоний қадриятлар асосида олиб борилаётган бугунги тарбиявий ишларимиз, эзгу амалларимиз инсонпарварлик деб аталмиш пойдеворга тамал тошлари сингари асос бўлиб хизмат қилади.

Давлатимиз раҳбари Ш.М.Мирзиёев томонидан маънавий меросимизни холисона тадқиқ қилиш, келажак авлодга ибрат бўла оладиган буюк ишларни

амалга ошириш ва уларнинг натижаларини ифтихор билан намоён этишга ундайдиган фармон ва қарорлари барчамизни руҳлантириб, аждодларимиз қолдирган бебоҳо мерос, умуминсоний қадриятлар ривожига хизмат қилиши халқимизга, аввало ёшларимизга етказилиши зарур деб ҳисобланади.

Ёшларнинг ўз салоҳиятини намоён қилиши учун зарур шароитлар яратиш, зўравонлик ғояси "вируси" тарқалишининг олдини олиш-Бизнинг асосий вазифамиздир" [1] -деб таъкидлайди Президентимиз Ш.М.Мирзиёев.

Маълумки, таълим-тарбия масалалари Шарқ мутафаккирларининг доимо диққат марказида турган. Мозийда ёш авлоднинг тарбияси масаласини ўз асарларида четлаб ўтган бирон-бир мутафаккир, файласуф, шоир тарихчини топиш қийин. Ҳар бир тарихий даврда ушбу муаммога атаб кўплаб асарлар битилган. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий "Бахт-саодатга эришув ҳақида"номли рисоласида инсоннинг хулқ-одоб, касб-ҳунар эгаллаши таълим ва тарбия орқали амалга оширишни уқтирар экан, "таълим" деган сўз халқлар ва шаҳарликлар ўртасида назарий фазилатни бирлаштириш, "тарбия" эса шу халқлар ўртасидаги туғма фазилат ва амалий касб-ҳунар фазилатларини бирлаштириш деганидир"-деб ёзган эди [2].

Мовароуннаҳр халқлари жуғрофий нуқтаи назардан Шарқ ва Ғарбни туташтирган карвон йўлларида жойлашганликлари сабабли Шарқ ҳамда Ғарб маданиятидан хабарлари бўлган ва улар Ғарб ва Шарқ маданиятидан баҳраманд бўлиб, уларнинг ўзлаштирибгина қолмай, уларга ижодий ёндашиб янги чўққиларга кўтарганлар.

Асрлар давомида ўзбек халқи ўз фарзандларининг тарбияси, одоб-ахлоқий билан жиддий шуғулланиб келган, ёш авлоднинг ҳар томонлама баркамол бўлиб, вояга етишига катта аҳамият берган. Шу боис, ўзининг тафаккури, одоби-ахлоқи ва буюк хизматлари билан дунёни ҳайратга солган Алишер Навоий, Бобур Мирзо, Улуғбекдек буюк шахслар, Нодирабегим, Зебуннисо ва Увайсий сингари ўнлаб оқилалар халқимиз маънавиятини дунёга танитган, **"Бизнинг улуғ аждодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанларини эслаш ўринли. Ота боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар давомида шакилланиб, сайқал тапган ор-номус, уят ва андиша, шарму ҳаё, ибо ва иффат каби юксак ахлоқий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно мазмунини ташкил этади" [1].**

Шу боисдан етук маърифатпарвар Абдулла Авлоний "Тарбия биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ёнажот-ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир"-деб хитоб қилган эди [2]. Дарҳақиқат, ўтган асрнинг бошларида халқнинг аҳволи ўта аянчли бўлиб, мамлакатда очлик, иқтисодий танглик, миллий тарқоқлик ва парокандалик ҳукум суриб, тарбия ва маориф ишлари тамоман издан чиққан еди.

Ўз даврининг педагоги бўлган Абдулла Авлоний, Мунаввар Қори Абдурашидхонов, Фитрат, Беҳбудий ва бошқа жадидлик ҳаракатининг раҳномалари мамлакатни ушбу ҳалокатдан қутқариш ва тараққиёт йўлига буришда тарбиянинг ўрни беқиёс эканлиги тушуниб етдилар.Абдулла Авлоний таъкидлаганидек ҳар бир миллатнинг саодати, равнақи тинч ва роҳатда яшаши яхши тарбияга боғлиқдир.

“Боланинг саломатлиги, ва саодати учун яхши тарбия қилмоқ, танани пок тутмоқ, ёш вақтидан маслагини тузатмак, яхши хулқларни ўргатмоқ, ёмон хулқлардан сақлаб ўсдурмакдур.

Тарбия қилгувчилар табиб кабидурки, табиб хастанинг баданидаги касаллигини даво қилгани каби тарбияни боланинг вужудидаги жаҳл маразига “яхши хулқ” деган давони ичидан, “поклик” деган давони устидан беруб, катта қилмоғи лозимдир” [3].

Юқорида номлари зикр этилган атоқли жадид-маърифатпарварлар комил инсон ва унинг келажаги, миллат ва унинг эртаси, равнақи йўлида кураш олиб бориб, бизга бой-маданий мерос қолдирганлар. Улар илгари сурган ғоялар бугунги кунда ҳам ўз қийматини йўқотмаган, балки янгича аҳамият касб этади. Улар аввалambор инсон шахсини улуғлаганлар ва мана шу шахс тимсолида ватан равнақи ва истиқболларини кўрганлар. Бинобарин, инсон ҳаётининг қадр-қиммати эса ўз ҳаётини онгли ва мазмунли қуриши, маълум мақсадлар асосида яшаши, шу мақсадлар йўлида курашиш, ўзида аввало яхши ишлари ва яхши ном қолдириши, ўз ишлари ва ҳаётини давом эттирувчи солиҳ фарзандлар тарбиялаб ўстириш, эл-юрти ва ватани манфаатлари учун курашиши асосида қарор топади.

Туркистонда маърифатпарварлик ўз тараққиётининг дастлабки босқичида, яъни XIX асрнинг иккинчи ярмида, ўтмиш авлод маданий-маънавий меросини, мусулмон ахлоқи-одоби қоидаларини тарғибот ва ташвиқот қилди. Одамларни билим, илм эгаллашга чақирди. Мавжуд ижтимоий-иқтисодий тузум қолоқлигини, кишилар маданий-маънавий савияси қолоқликдан чиқиш, жамиятни инсонпарварлаштириш йўлларини излади.

Унинг тарихимизда тутган ўрни ва қиммат шундаки, биринчи бўлиб мустақиллик миллий мафкурасига асос солди, ғафлат уйқусида ёзган мазлум Шарқни уйғотди ва кўзини очди, озодлик, эрк, миллий ғурур ва шаън ҳақида, буюк аждодлари, бой маданияти, умуман мустамлака истибдоди даврида унутилаёзган қадриятлар тўғрисида жар солди, овоза қилди. Жадидларнинг буюк тарихий хизматлари шундан иборатки, улар етилиб қолган ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш принципларини эволюцион-ислоҳот йўли аосида ишлаб чиқдилар.

XIX асрнинг иккинчи ярмида ўзбек маърифатпарварлари жамият ҳаётини инсонпарварлаштириш учун мамлакатни ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий қолоқликдан олиб чиқиш зарур, деб ҳисобладилар. Бунинг учун фуқароларни, билимли илмли қилмоқ керак, деган ғояни илгари сурадилар. Бошқача айтганимизда, маърифатли инсонни шакллантирмасдан туриб, жамиятни инсонпарварлаштириб бўлмаслиги, ўз навбатида, инсон руҳий-маънавий камолоти билим, илм билан бевосита боғлиқ эканлигини тушунтиришга ҳаракат қилдилар.

Жадидлар ёшларга мурожат қилиб, миллатнинг тараққиёти учун курашишга чақириларди ва уларни миллат тараққиётининг пойдеворлари, деб тушундилар. Улар бу масалада ёшларга мурожат қилар эканлар. Туркистоннинг тараққиёти ва равнақи замонавий таълим – тарбия берадиган мактаб ва олий даргоҳларда таҳсил олиш, ислоҳотларни амалга ошириш ғайратли ёшларнинг ҳаракати маърифатпарварлиги, шижоати соясида вужудга келади деб таъкидлаганлар. Шунинг учун ҳар бир ўзимизда мавжуд бўлган мушкул ишларда ёлғиз

ёшларимизни илм салоҳиятидан умидвормиз ва улардан ёрдам сўраймиз деб ёзадилар. Жадид мактаби, илмнинг бешигидир. Бу бешикдан кейин албаттда, ўрта махсус ва олий ўқув юртларининг бўлиши ва ёшлар таҳсилини шу тарзда, занжирсимон давом эттиришлари зарур.

Хўш, жадидлар наздида замона кишиси қандай бўлмоғи лозим? Қандай сифатларга эга бўлган кишилар ўз миллатини зулим исканжасидан халос етишга қодир? Истиқлол ва юрт равнақи қайғуси билан яшаган жадидчилар замон кишисининг сиймосини белгилашда икки манбадан озиқ олдилар, бир томондан, улар маънавий анъаналарга суянган бўлса, иккинчи томондан, Аврупо тажрибасига мурожат етган.

“Маданият тўлқинлари Осиёдан кўрқиб, Европа қитъасини босган”, маҳаллий мутаассиб гуруҳлар ислоҳатлар тиш – тирноқлари билан қаршилик кўрсатиб, ҳақни ортга жаҳолат ботқоғига тортаётган бир даврда жадидлар Европанинг илғор тажрибасига, хусусан, Европа фалсафаси ва адабиёти талқинидаги инсон консепсиясига мурожаат этишга, Европа “маданиятига киришмаққа” интилади. Улар ўша давр шароитида инсон тарбияси соф миллий замин доирасида қолиши миллатнинг равнақини чеклаб қўйиши мумкинлигини яхши тушунганлар. Шунинг учун ҳам ўз изланишларида Ғарб тамоилларига мурожат этганлар. Европа маданияти, кенг тарқалган турли назариялар, хусусан, инсон концепцияси жадидлар дунёқарашининг шаклланишига таъсир ўтказган.

Жадидлар Ғарб мамлакатларининг маънавий ҳаётида миллий анъаналаримиз, халқимиз руҳиятига тўғри келмайдиган жиҳатларни инкор этган ва комил инсонни тарбиялашда миллийликни бош мезон деб билганлар.Ушбу методологик концепциядан келиб чиқиб XIX арснинг 20 йилларида жадидчилик ҳаракати намояндалари мисилсиз оғир ижтимоий-сиёсий шароитда ҳам ватанимиз кнлажаги, миллатимиз тараққиёти ва равнақи учун имкон борича фолият кўрсатган.

Хулоса ўрнида, маънавий меросимиз тарихидан муҳим ўрин эгаллаган жадидчилик таълимотини чуқур ўрганиш:

- ёшларимизга инсонпарварлик ғоялари мазмунини теран англашга;
- таълим – тарбия сифат ва самарадорлигини оширишга;
- уларнинг қалбида ватанпарварлик туйғусини янада ривожлантиришга ва комиллик сари интилишига
- таълим соҳасида илгари сурилаётган “Тарбия” концепсиясини фақатгина назарий сохасинигина эмас, балки илмий ва амалий хусусиятини ҳам бойитишга хизмат қиладиган ғоялар беришига ишонамиз

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеяси 72-сессиясининг ялпи мажлисидаги сўзлаган нутқи. 2017 йил 19 сентябрь. АҚШ. Нью-Йорк. II жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018. 265б
2. И.А.Каримов. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент. “Маънавият” 2008 й.126б

3. Абу Наср Форобий. “Бахт-саодатга эришиш ҳақида” Рисолалар. Тошкент, 1975.96б
4. Авлоний А. “Туркий Гулустон ёхуд ахлоқ”. Тошкент. “Шарқ” 1992. 123б

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
10.00.00 ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHILOLOGICAL SCIENCES

MENTALITY IN THE SPEECH OF UZBEK MOTHERS IN MODERN SOCIETY

Umarova Nodira Ikromovna
EFL Teacher, National University of Uzbekistan, Tashkent, Uzbekistan
E-mail id: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Annotation: *This article is devoted to the study of mentality and features of speech style of Uzbek mothers in modern society. Moreover, the article gives a definition of mentality, its influence on the speech culture of modern mothers. The mentality in communication with the child is given in examples based on the answers of an anonymous questionnaire among Uzbek mothers, which was conducted for scientific purposes.*

Keywords*: motherhood, woman, mentality, modern society, social status of mother, children, speech culture, social factor, speech behavior.*

ЗАМОНАВИЙ ЖАМИЯТДА ЎЗБЕК ОНАЛАРИ НУТҚИДА МЕНТАЛЛИК

Умарова Нодира Икромовна, ЎзМУ ўқитувчиси, мустақил тадқиқодчи (PhD)
Электрон манзил: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Аннотация; *Ушбу мақола замонавий жамиятда ўзбек оналарининг менталитети ва нутқ услубининг хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Бундан ташқари мақолада менталитет таърифи келтирилган хамда унинг замонавий оналар мисолида нутқ маданиятига таъсири ёритиб берилган. Она-бола муносабати ва онанинг болага муомиласидаги менталлик илмий мақсадда ўтказилган аноним сўровнома натижаларига асосланган мисоллар билан бойтитилган.*

Калит сўзлар: *оналик, аёл, менталитет, замонавий жамият, оналарнинг ижтимоий статуси, фарзанд, нутқ маданияти, ижтимоий омил, нутқ хулқи.*

МЕНТАЛЬНОСТЬ В РЕЧИ УЗБЕКСКИХ МАТЕРЕЙ В СОВРЕМЕННОМ ОБЩЕСТВЕ

Умарова Нодира Икромовна, преподаватель НУУз, соискатель (PhD)
Адрес эл.почты: kamila.abdulazizova.02@mail.ru

Аннотация: *Данная статья посвящена изучению менталитета и особенностей речевого стиля узбекских матерей в современном обществе. Более того, в статье дано определение менталитета, его влияние на речевую культуру современных матерей. Менталитет в общении с ребенком приведен в примерах, основанных на ответах анонимного вопросника среди узбекских матерей, который был проведён в научных целях.*

Ключевые слова: *материнство, женщина, менталитет, современное общество, социальный статус матерей, ребёнок, речевая культура, социальный фактор, речевое поведение..*

Motherhood is central to contemporary gendered expectations for women. The cultural expectation to bear and rear children is so strong that parenthood appears normative and childlessness deviant [7]. The "naturalness" of wanting and enjoying motherhood has been explored and challenged by several scholars who show the force of gendered expectations that conflate motherhood and femininity. The cultural tensions between valuing motherhood success and valuing work success have been characterized as "competing devotions" and largely anecdotal accounts of lower rates of motherhood among highly-successful career women add weight to the idea that women seeking careers must make choices between devotion to family and devotion to career. A life-course approach to explaining variations in the importance of motherhood suggests that when life circumstances change, perceptions of motherhood change as well [1].

The pedagogical concept of motherhood by N.E.Rudova also reflects the idea of motherhood guarantees human reproduction both physically and socioculturally. Motherhood is life-forming natural genetic principle of personality, integrated value of individual consciousness realized by the mother the power of sacrificial love in activities to ensure harmonious development a child in upbringing and educational service to the human race [4].

Mentality is a whole complex of features that unites generally accepted, individual, cultural, emotional and mental concepts characteristic of a particular national people or nationality, ethnic group. From the point of view of psychology, mentality is a reflection of the contents of the human psyche: in what categories he thinks how he interacts with the environment and what way of life he leads. Habits, deeds and actions speak about mentality [6]. A mother and her baby are partners in the child's socialization. The basic behavioral agenda involved in the socialization process is common to all human mothers and infants, unfolds in part automatically, and hopefully results in healthy child outcomes. Regardless of the set of circumstances in which mother and infant find themselves, they must and do interact with each other from the moment the child is conceived [3].

The mentality of Uzbek women, in our opinion, is considered to be exemplary for others, since Uzbek women differ in their views and attitude towards life, kindness, politeness and especially devotion to the family. A woman mother in Eastern countries, in particular in our country, gives all of herself to her family.

Every girl born in an Uzbek family begins to learn about family values from an early age. Qualities such as a woman's role and responsibilities in the family, respect for the husband, the mother's role in child rearing, and how to treat a child develop under the care of grandmothers or mothers in the home.

In modern society, maternal speech is one of the topics studied and being studied by foreign and local scholars. Professor R.Shaffer points out that the words used in relation to a child in child rearing govern the mood and mood in the child, bringing the child and the child closer together. "Words used against a child should not hurt his heart, they should be given psychological support with exemplary examples. It builds self-confidence in them and nurtures them as human beings [6]. Along with a woman's worldview and feelings, her style of speech (lexicon) changes with the introduction of new words. If we talk about the mentality in the speech of mothers, first of all, it should be

noted that the mother-in-law communication with the child is a key factor in the upbringing of the child, the development of worldview and the culture of behavior of the child. Because in the child it is the reflection of the mother in the mirror.

In order to conduct a sociolinguistic analysis of maternal speech in modern Uzbek and English society, we conducted an anonymous survey to study the lexical similarities and differences between maternal and child speech in different situations in society, depending on the age, marital status, occupation and religion of women of different status. According to survey, in modern society, the speech culture of Uzbek-speaking mothers is unique. It should also be noted that the role of our mothers in society, age, religion, profession and other similar factors have an impact on the mentality of speech.

Let's analyze the mentality of speech culture of Uzbek mothers on the example of two factors: social status and profession:

Factor	*Dialogue vocabulary*			
Social status	*Married*		*Divorced*	
	Молодец (good job), умница, умняшечка (good girl), зўрсан (you are the best), яхши хам сени эсим йўғида туққан эканман (it's good that I gave birth to you when I still had no mind), бубуська (bubuska), тотош(totosh)...	*Аҳмоқ (stupid), аҳмоққа ўхшама(don't be like a stupid), қайсарчам (caprice), попоч (popoch), хафа қилма мени (don't make me sad), маймун (monkey)…*	*Хеч нарсани ўйлама(Don't think about anything), эътибор берма(don't pay atention), сени қўлингдан келади(you can do it), она қизим (ona qizim), қақачам(qaqacham), қўй энди аразни йиғиштир сенга ярашмас экан(Oh common, stop pouting, it doesn't suit you)... Жоним (my soul), асалим (my honey), эркатойим (erkatoim), it's ok, don't worry, ишим йўқ (don't mind about my child's problem)…*	*Илтимос (please), асалим (my honey), исми билан (by telling his/her name), давай! Қил! (Go ahead! Do it!)… Асабни буздинг (you play on my nerves), ақлингни йўқотдингми?(you lost your mind?), тарбиясиз (ill-mannered), одам бўлсанг ўзингга фойда (if you become a good man it will be in your favor)...*
Profession	*Administrative position*	*Entrepreneur*	*Worker*	*Housewife*

	Аҳамият бериб тингла (listen to me attentively), исмига жон қўшимчасини қўшиш билан (by adding suffix "jon" to his/her name), гапни қўпайтирма (don't' triffle), асосан буйруқ оҳангида мурожаат қиламан (mainly address with tone of command), шуни қила оласанми? (Could you do it? Please?)… Молодец (good job), қуёнчам (my young hare), ақллигим (smarty), чиройлигим	*Баракалла (good job), болажоним (my child), онам (my mom), ойижон (my mother), барака топ (thank you), қуёшим (my sun)… Ярамас (yaramas; bad boy), чўчқа, маъсулиятсиз (you are irresponsible), ёмон бола (bad boy),*	*Ты же мой герой (you are my hero), тойчоғим (you are my foal), мен сени жуда яхши кўраман (I love you very much), орлёнок мой (my eaglet), эээ ўғил боламисан ўзи?(are you a man or not?)… (my beautiful), келажагим (my future), қувончим (my joy), дўндиқчам (dundikcham)...*	*Қандолатим (sweetie), сени жуда яхши кўраман (love you very much), рахмат жоним болам (thank you my baby)... Мени чаққон қизим (my nimble girl), ақллигим мени (you are my clever), ширин қизим (my sweetie girl), полвон ўғлим (you are my hero), илтимоооооос(pleaaaaase) ... дангаса (yoa are lazy), паразит(parasite), эси йўқ (stupid)...*

The analysis shows that mother' speech characteristics are various according their social status and religion. There are not significant differences in using dialogue vocabulary with a child between these two types of mothers. Mothers who are married are characterized by using stricter but sometimes polite lexis. On the other hand, divorced mothers differ in use of the careful words. The profession of mothers directly affects their communication skills and is one of the mental outcomes. So, we can see that occupation is about the character of human being and it reflects on his speech.

Studies have shown that mothers sitting at home have the most polite style of communication with children, while busy mothers who work are reluctant to indulge their children with affectionate words.

At a time when the relevance of the study of language and mentality is growing, the speech skills of mothers, the role of speech (behavior) in dealing with the child in various life situations were studied on the example of speech portraits of Uzbek mothers. According to the results of the research, the words (lexicon) that a mother uses in relation to her child are one of the most important factors. They are a way of conveying to the child's psyche, the mother's thoughts about the child, the child's love, and the mother's mood. Words used correctly and appropriately will nurture a child lovingly from an early age.

References

8. Hays, S. The cultural contradictions of motherhood / S. Hays. − New Haven and London: Yale University, 1996. – 288 p.
9. Khasanboyev J., khasanboyeva O. va boshqalar/. Pedagogika – T.: «Fan», 2006. -123б.
10. Marc H. Bornstein, Joan T. D. Suwalsky, and Dana A. Breakstone, Emotional Relationships between Mothers* and Infants: Knowns, Unknowns, and Unknown Unknowns. Dev Psychopathol. 2012 Feb; 24(1): 113–123.
11. Rudova N.Y., Sistema vospitaniya tsennostnogo otnosheniya k materinstvu:– SPb., 2009. – p.22
12. Shadrina A. Dorogiye deti: sokrasheniye rojdayemosti I rost tseni materinstva v XXI veke/ Moskva, Novoye literaturnoye obozreniye. 2017. – 392 s
13. Schaffer R., Mothering Text – Cambridge: Harvard University Press, 1977-p.68
14. Ulrich Miriam, Weatherall Ann. Motherhood and infertility: Viewing motherhood through the lens of infertility. Feminism & Psychology. 2000;10:323–36

МУСТАҚИЛ ВА ЁРДАМЧИ СЎЗЛАР МУНОСАБАТИ ХУСУСИДА

Исақов Зокиржон Солиевич
Қўқон давлат педагогика институти
филология фанлари номзоди, доцент

Аннотация. *Мақолада сўзларни мустақил ва ёрдамчи сўз туркумларига ажратишнинг умумий ҳамда хусусий томонлари ёритилган.*

Калит сўзлар: *сўз, сўз шакл, лексема, морфема, сўз туркумлари, мустақил сўзлар, ёрдамчи сўзлар, категория, юклама, боғловчи, кўмакчи, энклиза, делимитация, идентификация, ёндош вазифа, синтактик вазифа.*

О СООТНОШЕНИИ САМОСТОЯТЕЛЬНЫХ И ВСПОМОГАТЕЛЬНЫХ СЛОВ

Исаков Закиржон Солиевич
кандидат филологических наук, доцент
Кокандский государственный педагогический институт

Аннотация. *В статье раскрыты общие и специфические аспекты расчленения слов на самостоятельные и служебные части речи.*

Ключевые слова: *слово, форма слова, лексема, морфема, части речи, самостоятельные слова, вспомогательные слова, категория, частицы, союзы, послелог, энклиза, делимитация, идентификация, вторичная функция, синтаксическая функция.*

ABOUT CORRELATION OF INDEPENDENT AND AUXILIARY WORDS

Isakov Zakirjon Soliyevich
Kokand State Pedagogical Institute
Candidate of philological sciences, associate professor

Annotation:*. General and specific aspects of word classification on independent and official parts of speech are revealed in article.*

Keywords: *word, word form, lexeme, morpheme, parts of speech, independent words, auxiliary words, category, particles, conjunctions, post logs, encloses, delimitation, identification, secondary function, syntax function.*

Тилшунослик тарихида сўзларни туркумларга таснифлаш – мустақил ва ёрдамчи сўзларга ажратиш жуда қадим даврларданоқ бошланган. Ўша даврлардан бошлаб ҳозиргача мустақил ва ёрдамчи сўзлар ўзаро умумий категориал маънонинг мавжуд ёки мавжуд эмаслигига қараб фарқланиши анъана тусига кирган [9,15]. Масалан, отларнинг умумий категориал маъноси предметлик, феълнинг умумий категориал маъноси ҳаракат-ҳолат ифодалашдир. Ёрдамчи сўзларда, дарҳақиқат, умумий категориал маъно йўқ. Яъни муайян гуруҳга кирувчи ёрдамчи сўзларнинг ҳаммаси ҳам умумий грамматик маъно ифодалайди, деб бўлмайди. Аммо уларда ҳам муайян умумграмматик белги мавжудлиги шак-шубҳасиз.

Бундай мулоҳазалар юритиш айрим тилшуносларни ёрдамчи сўзларнинг сўз туркумилик мавқеига шубҳа билан қарашга олиб келди.

Ёрдамчи сўзларнинг сўзлик мавқеини рад этишда тилшунослар турли жиҳатлардан ёндашадилар. Хусусан, А.К.Васильева мантиқий жиҳатга эътибор қилади. Унинг фикрича, сўз фикрнинг вербал ифодаси бўлиб, тушунча ифодалай олмайдиган сўз сўз туркумлари сирасига кирмайди [1,74; 7,21]. Бу фикр бир жиҳатдан тўғри. Чунки ёрдамчи сўзлар тушунча ифодаламайди. Аммо фикрни вербаллаштиришда уларнинг ўрни мустақил сўзларникидан кам эмас. Ғишт туширишга Анваржон ва Толибжон боради. // Ғишт туширишга Анваржон ёки Толибжон боради.

Бу ўринда бир-биридан фарқ қилувчи икки фикрнинг юзага келишига айнан ёрдамчи сўзлар восита бўлаётгани яққол кўриниб турибди.

Айрим тадқиқотчилар ёрдамчи сўзларнинг мавқеини белгилашда тил системаси табиатидан келиб чиқиб баҳо беришга ҳаракат қилади: *«Юклама морфемалар ургусиз бўлиб, лексик морфемага энклиза ҳолида қўшилади. Ургу лексик морфеманинг охирги бўғинида қолиб, юклама морфемага ўтмайди. Боғловчилар эса бир сўз шаклини иккинчи сўз шакли билан муносабатини билдириш билан бирга, гаплар ўртасидаги муносабатни ҳам билдиради ва ўзаро боғланиб келаётган лисоний бирликлар билан фонетик яхлитликни ташкил этмайди. Лекин юклама ва боғловчилар сўз шакл синфига (морфологик сўзга) кирмайди. Чунки юклама ва боғловчилар қурилмалик хусусиятига, таркиби морфемаларга бўлиниш хусусиятига эга эмас»* [5,49].

Кўринадики, бу талқинда асосан қўшимча морфемалар ва ёрдамчи сўзлар муносабатига эътибор берилган. Аммо кўриниб турибдики, юкламалар ва боғловчилар сўз доирасига киритилмайди. Кўмакчилар эса сўз (сўзшакл) таркибида, унинг таркибий қисми ҳисобланади. Ёрдамчи сўзларни бу тадқиқотчилар ҳам сўз туркуми доирасида санамайдилар.

Бизнингча, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ўзаро муносабатини, бир-бирига нисбатан тутган ўрнини баҳолашдаги бундай иккиланишларнинг асосий сабаби иккита:

1. Сўзга аниқ таърифнинг йўқлиги.
2. Сўз туркумига аниқ таърифнинг йўқлиги.

Тилшунослик тарихида сўзга берилган етмишдан ортиқ таърифлар маълум. Ҳар бир тадқиқотчи сўзга ўзига яқин бўлган мезондан келиб чиқиб баҳо беради. Ҳар бир берилган таъриф қайсидир жиҳатдан ўзини оқласа-да, тўлиғича маъқул таъриф ҳамон мавжуд эмас.

Сўзга таъриф бериш иккита жиҳатни қамраб олади:

1. Делимитация (сўзнинг чегарасини аниқлаш).
2. Идентификация (турли қўлланишларда (шаклларда) сўзни аниқлаш).

Ҳар иккала муаммо ҳам тилшунослик тарихида жуда кўп ишланди, аммо охирига етмади. Агар ёрдамчи сўзлар ва мустақил сўзларни бир-биридан ажратиш, тўғрироғи, уларнинг «тенг эмаслиги»ни исботлаш осон бўлганда эди, бу натижа аллақачон қўлга киритилган бўларди. Тилшуносликда сўз туркумлари сирасига киритилган ва чиқарилган бирликлар беҳисоб бўлган. Аммо ёрдамчи сўзлар ҳар қанча танқидга қарамай мустақил сўзлар билан бир қаторда тилга олиниб келади. Ҳар қанча ғалати бўлмасин, мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг бундай келиша олмаслиги атама билан анча боғлиқ.

Рус тилшунослигидаги қабул қилинган атама ўзбек тилшунослигидан кўра анча қулай. В.В.Виноградов бу атамаларнинг келиб чиқишига ва масала моҳиятини аниқлашга таъсири борлигига эътибор берган. Маълумки, рус тилшунослигида «части речи» (нутқ бўлаклари)га қарама-қарши турувчи «частицы речи» (нутқ бўлакчалари) ажратилади. *«Частица атамаси (лот. particula), грамматик терминологиянинг катта қисми каби, рус грамматикасига антик грамматикадан, унга эса ўз навбатида шарқ грамматикаларидан (қиёсл. арабча – harf – бўлакча) кириб келган»* [2,544]. «Нутқ бўлаги ва бўлакчалари» атамаси шунинг учун ҳам қулайки, бўлак ёки бўлакча бўлишидан қатъи назар улар бир бутуннинг қисми эканлиги сезилиб туради. Аммо сўз туркуми атамасида бу қулайлик йўқ, аксинча, атама анча ноқулайлик келтириб чиқариб мустақил ва ёрдамчи сўзларни дарҳол иккига айириб юборади: *«Адабиётларда сўзга ажратишнинг асосий тамойиллари сифатида тушунча ифодалаш, шаклий яхлитлик, фонетик бир бутунлик белгилари кўрсатилади. Агар бу белгиларга жиддий эътибор берадиган бўлсак, уларнинг ҳаммаси мустақил сўзларни ажратишга ёрдам беради, ёрдамчи сўзлар эса бундай хусусиятга эга эмас. Шундай экан, ёрдамчи сўзларни, масалан, -ми, -чи, -у(-ю), -да сингариларни «сўз» атамаси остида бирлаштириш мумкинми? Табиийки, йўқ. Чунки улар «сўз» (морфологик сўз) тамойилларининг биронтасига ҳам жавоб бермайди»* [5,47].

Мустақил ва ёрдамчи сўзларни фарқловчи белгиларгина эмас, бирлаштирувчи жиҳатлар ҳам мавжуд. Аввало, юқорида ҳам мурожаат этиб ўтганимиз – мантиқий жиҳатга эътибор берсак. Фалсафий нуқтаи назардан нарса қанча муҳим бўлса, унинг алоқалари ҳам шунча муҳимдир. *«Ўзаро муносабатлардан ташқарида нарса ҳеч нимадир»* [3,124]. Муносабатларни ифодалашга айнан ёрдамчи сўзлар ихтисослашган. Шунинг учун ҳам улар нутқда жуда кенг қўлланилади. Бу борада статистик кузатишлар олиб борган француз стенографи Эсту қўлланиш даражаси 40% бўлган ҳолатгача қайд этган [2,544].

Мустақил ва ёрдамчи сўзлар орасидаги боғлиқликни тил фактлари ҳам тасдиқлаб туради. Хусусан, тадқиқотчи И.Мадраҳимов «маъновий номустақиллик» [1М] белгиси асосида лексемаларни текшириб шундай хулосага келади: *«...барқарор*

[1М] белгисига эга бўлган соф ёрдамчи сўзларни лексемалар таркибидан чиқариб ташлаш айирмада [1М] нинг зидди бўлган «маъновий мустақиллик» [1М] белгисининг барқарорлигини таъминламайди, чунки [1М]га нисбатан бефарқ бўлган сўзлар гуруҳи ичида шундай бирликлар борки, улар ҳам [1М], ҳам [-1М] хусусиятларига эга (от кўмакчилар, ёрдамчи ва кўмакчи феъллар) ёки улар ичида шундай элементлар борки (атоқли отлар, мавҳум отлар ва ҳ.к.), уларда [1М] бошқа кўринишларда юзага чиқади. Мана шунинг учун лексемаларнинг маъновий таснифида илк босқич [1М] ва [-1М] асосидаги тенг қийматли зиддият моҳиятига эмас, [1М] белгиси асосидаги нотўлиқ зиддият табиатига эга» [4,31].

Ана шундан келиб чиқиб, мустақил ва ёрдамчи сўзларни фарқлайди. Кўринадики, мустақил ва ёрдамчи сўзлар муайян ўзаро алоқада туради. Аммо бу боғлиқлик тенглик дегани эмас, албатта. Уларнинг ўзаро муносабатлари типини аниқ кўрсатиш учун морфологик тизимнинг яна бошқа аъзолари – қўшимчаларга тўхталиб ўтиш лозим.

Ёрдамчи сўзларни «сўз» доирасидан чиқарувчилар ишонарли далилларини келтиришлари шубҳасиз. Аммо альтернатив қарашлар ҳам бор. Хусусан, Ш.Шаҳобиддинова *-жон, -хон, -ой, -чак, -лоқ, -чоқ* каби қўшимчалар ҳақида сўз юритиб шундай дейди: *«Хўш, уларнинг сўз эмаслиги шубҳа тугдирадими? Бир қарашда бу саволга жавоб бериш осондек туюлади. Сабаби, юқорида айтиб ўтилганидек уларнинг шаклан ва мазмунан сўзга яқин келмаслиги аниқ. Бироқ уларнинг қўшимчалар эмаслигини кўрсатувчи омиллар ҳам йўқ эмас. Бу омиллардан асосийси сифатида доимо сўз охирига кўчувчи сўз ургусининг бу бирликларга кўчмаслигини кўрсатиш мумкин. Аммо бу омилни кучсизлантирувчи кейинги жиҳат мавжуд бўлиб, уларнинг «ўз» ургуси ҳам йўқ. Демак, улар қўшимчалардан ургу олмаслиги, сўзлардан эса ургуси йўқлиги билан фарқланади»* [8,27].

Аслида мустақил ва ёрдамчи сўзларнинг ўзаро муносабатига доир бўлган муаммо «қўшимча юкламалар» деб аталган бирликларга алоқадор бўлганда янада кескинлашади. Уларнинг, кўриб ўтганимиздек, сўзга ўхшамаслиги қанча аниқ бўлса, қўшимчага ҳам ўхшамаслиги шунчалик аниқ. Сўзга ўхшамаслиги борасида билдирилган фикрлар анчагина.

Қўшимчалар ва юкламалар орасидаги муносабат деярли барча тиллар тадқиқотчилари учун қизиқарли материал бўлиб келган. Хусусан, Н.Д.Арутюнова шундай қоида орқали уларнинг фарқларини аниқлаб беришга ҳаракат қилади: *«...қандайдир V сўзни шакллантирувчи n «ёрдамчи элементи», агар V дан келиб чиқувчи қандайдир ZV бирикмаси мавжуд бўлса ва унда Z албатта ўша n ёки n га боғлиқ бошқа ёрдамчи элемент билан шакллансагина ва фақат шунда, аффикслар сирасига киради. Акс ҳолда, яъни бундай бирикма тилда бўлмаса, n элементи юкламалар сирасига киради»* [6,223].

Ш.Шаҳобиддинова туркий тиллар табиатидан келиб чиқиб, қўшимча ва ёрдамчи сўзларни фарқлашга бир оз бошқачароқ ёндашади: *«Муайян кўрсаткич -n агар бирикма, гап, матн қурилишига муайян таъсир кўрсатса, ўзига ўхшашлари билан изчил зиддиятли боғланишлар асосида дистрибутив муносабатларда турса – қўшимча, акс ҳолда юкламадир»* [8,29].

Мана шу қоиданинг татбиқи сифатида юкламалар тизимига кўрсатиб ўтилган *-жон, -хон, -ой, -ча, -чак* ва ҳоказоларни киритиш мумкин.

Кўринадики, туркий тилларда қўшимча билан муносабатлар шаклий хусусиятларидан келиб чиқиб, кўпинча юкламага келиб тақалса-да, аслида ёрдамчи сўзларнинг барчасига тааллуқлидир. Сўзлардан қўшимчаларгача бўлган масофада ёрдамчи сўзларнинг қандай изчилликда жойлашиши ҳар бир ёрдамчи сўзлар моҳиятини аниқлашни талаб қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Васильева А. К. О природе частей речи как системы классов полнозначных слов // Филологические науки. – 1973. – №6. – С.65-75.
2. Виноградов В. В. Русский язык. – Москва: Высшая школа, 1986. – 640 с.
3. Гегель. Наука логики. Т.II. – Москва: Мысль, 1971. – 248 с.
4. Мадраҳимов И. Лексемалар таснифидаги илк босқич // ЎТА. – 2003. – №3. – Б.29-32.
5. Нурмонов А. ва бошқ. Ўзбек тилининг назарий грамматикаси. Морфология. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. – 164 б.
6. Общее языкознание. Внутренняя структура языка. – Москва, 1972. – 565 с.
7. Суник О. П. Общая теория частей речи. – Ленинград, 1966. – 131 с.
8. Шаҳобиддинова Ш. Айрим қўшимчаларнинг мавқеи хусусида // ЎТА. – 2000. – №5. – Б.27-29.
9. Элтазаров Ж. Сўз туркумлари ҳақидаги лингвистик назариялар. – Самарқанд, 1996. – 127 б.

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ТИЛНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК СИСТЕМАСИДАН ЭМОЦИОНАЛ ЛЕКСИКАНИ АЖРАТИШ МЕЗОНЛАРИ

Улуғбек Раҳмонов
Андижон давлат университети
таянч докторанти

Аннотация:*Мақолада инглиз тили луғат таркибидаги эмоционал лексиканинг ҳар хил турларини ажратиш асос қилиб олинган. Мақолада сўзнинг маъносига нисбатан "ҳиссийлик" тушунчасига мурожаат қилиш, шунингдек, тил ва нутқдаги ҳиссий ҳодисаларнинг ўрнини аниқлашга қаратилган. Ҳис-туйғу ёки эмоционал муносабат ва ўхшаш ҳиссиёт, яъни муайян воқеликка оид муносабатлар уйғотувчи сўзларнинг эмоционал маънога эгалиги таҳлил этилади. Бунда ""эмоционаллик" ва "экспрессивлик" тушунчаларига кенг ўрин берилган.*

Калит сўзлар: *Эмоционал лексика, ҳис-туйғу, эмоционаллик, экспрессивлик, эмоционал маъно, нейтрал маъно.*

КРИТЕРИИ ВЫДЕЛЕНИЯ ЭМОЦИОНАЛЬНОЙ ЛЕКСИКИ ОТ ЛЕКСИКО-СЕМАНТИЧЕСКОЙ СИСТЕМЫ ЯЗЫКА В СОВРЕМЕННОЙ ЛИНГВИСТИКЕ

Улугбек Рахманов
Докторант
Андижанского государственного университета

Аннотация; *В статье основана на выделении различных типов эмоциональной лексики из словаря английского языка. В статье рассматривается понятие «чувствительность» к значению слова, а также выявляется роль эмоциональных событий в языке и речи. Анализ эмоционального значения слов, вызывающих эмоциональные или эмоциональные и сходные эмоции, то есть отношения с конкретной реальностью. Понятия «эмоциональность» и «выразительность» широко используются.*

Ключевые слова: *эмоциональная лексика, эмоция, эмоциональность, выразительность, эмоциональный смысл, нейтральный смысл.*

CRITERIA FOR SEPARATING EMOTIONAL LEXICON FROM LEXICAL-SEMANTIC SYSTEM OF LANGUAGE IN MODERN LINGUISTICS

Ulugbek Rakhmonov
Base doctorate
Andijan state university

Annotation; *In this article is based on the separation of different types of emotional vocabulary from the English dictionary. The article addresses the notion of "sensitivity" to the meaning of the word, as well as identifying the role of emotional events in language and speech. An analysis of the emotional meaning of words that evoke emotionally or emotionally and similar emotions, that is, relationships with a particular reality. The concept of "emotional" and "expressiveness" is widely used.*

Key words: *Emotional vocabulary, emotion, emotionality, expressivity, emotional meaning, neutral meaning.*

Ҳозирги кунда тилдаги ҳиссий сўзлар муаммоси маҳаллий ва хорижий тилшунослар ўртасида баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Сўнгги ўн йилликларда бу муаммолар, хусусан физиология, психология, кибернетика, назария, ахборот фалсафаси каби илмлардаги ҳиссий соҳани ўрганишнинг объектига айланганлиги сабабли айниқса муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Эмоционал лексикани ажратиш ҳақидаги мулоҳазалар кўпгина тилшунос олимлар ўртасида муаммоли масалалардан бири ҳисобланади. Эмоционал лексика ўзи нима? Тил луғат таркибидан эмоционал лексикани аниқлаш принциплари ҳақидаги масала ёки қолаверса сўзнинг семантик структурасидан сўзнинг эмоционал маъносини ажратиш принциплари ҳақидаги масала тилшунос олимлар орасидаги долзарб масалалардан биридир. Бу борада бир неча тилшунос олимлар ўз фикрларини асарларда қайд этганлар.

С.К.Абакумов эмоционал лексика тоифасига *хушмуомалалик, ширинсўзлик, мулойимлик ҳатто қаҳр-газаб, норозиликни* ифодаловчи сўзларни киритади [1.31].

С.С.Плямоватая эмоционал лексика тоифасига ҳиссиётни ифодаламаса ҳам, предмет ва воқеа-ҳодисаларни эмоционал баҳоловчи *олғир, уддабурон, қўрқоқ, юраксиз* каби сўзларни киритади[2.9].

Л.А.Булаховский эмоционал лексика бобида қисқача тўхталиб, лексиканинг фақатгина сўзлашув қатламига тааллуқлиларини тан олади[4.76-77].

Е.Ф.Петришчева “сўз ясовчи унсурларни сўзнинг эмоционал бўёқдорлиги белгиси эмас”[3.40-41] деб қатъий фикр билдиради.

Ҳар қандай тасниф принципидан келиб чиқиб, барча таърифлар алоҳида бир ҳолат сифатида таҳлил қилиниши, яъни улар ё сўзнинг эмоционал маъноси, ёки унинг услубий мувофиқлиги, ёинки ижтимоий чекланганлиги ҳақида огоҳлантириши лозим. Аммо бу вазиятда мутлақ принцип хусусида гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Демак, муаллиф учала принципни ҳам аралаштириб юбораяпти. Бундай бир-бирига тўғри келмайдиган фикрларни яна кўплаб келтириш мумкин, аммо ҳозирги замон тилшунослигида эмоционал лексикани ажратиш масаласини яққол тасаввур қилиш учун бу фикр етарли. Амалда тил луғат таркибида эмоционал лексиканинг муайян турини ажратиш бўйича бир хил фикрловчи иккита тилшуносни кўрсатишнинг асло имкони йўқ.

Ҳозиргача эмоционаллик масаласининг етарли даражада ишланмаганлигини қайд этиб, бир қанча рус ва хорижий тилшунослар лексиканинг бу тоифасига эътибор қаратганлигини таъкидлаш лозим. Тилшуносликда эмоционал лексика кенг маънода таъриф-тавсиф қилинади: уларнинг доирасини чеклаб қўйишган. Хорижий тилшунослар эса, аксинча, бу доирани кенгайтиришга мойил бўлган. Бунга кўра, нейтрал лексика фонида эмоционал сўзлар таҳлил қилинмайди, нейтрал сўзлар эмоционалликнинг кенг тармоқли соҳаси ичида кўринмай қолган.

Чет эл тилшунос олимлари томонидан аслида “эмоционал маъно” ва “эмоционал қайғудошлик” тушунчалари, яъни ассоциатив алоқалар принципига кўра, қандайдир ҳис-туйғу уйғотиш бўйича дифференцияланмаган ёки табақаланмаган ёндашув туфайли тадқиқот объектини чеклашмайди. Шундай эмоционал қайғудошлик билан мураккаблашган маъноли сўзлар эмоционал лексика (**home, enemy, friend** каби) таркибига кирмайди. Эмоционал сўзлар бундай иккиламчи вазифа бажармай, бевосита ҳиссий таъсир уйғота олади. Эмоционал лексика луғатда у ёки бу даражада акс этадиган (контекстуал қатлам бундан мустасно) мунтазам, доимий эмоционал маънога эга. Иккинчи гуруҳга мансуб, шартли равишда ассоциатив аталувчи ва хорижий лингвистикадаги **bias words, watch words, touched by emotion** каби сўзлар махсус лексикографик талқинга муҳтож эмас. Бу уларни луғатда эмас, нутқда қўллаш жараёнида маълум ассоциатив алоқалар туфайли эмоционал қайғудошлик уйғотувчи нейтрал сўзлардир.

Revenge, hatred, wrath каби таъсирчан ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар алоҳида гуруҳни ташкил қилади. Мақолада мазкур турдаги сўзларнинг эмоционал лексика билан анча кўп даражада яқин бўлган эмоционал қайғудошлик уйғотувчи сўзлар доирасида туришлиги ҳақидаги нуқтаи-назар олға сурилади ва бу эса тадқиқотчига мазкур сўзларни эмоционал лексика билан боғлиқ равишда таҳлил этишга имкон беради.

Ҳозирги замон тилшунослигида “эмоционаллик” ва “экспрессивлик” тушунчалари кўпинча синоним, ўзаро алмашинувчан тарзда қўлланилади. Илмий тадқиқотларда “эмоционал экспрессив маъно” терминидан кўп фойдаланилади. В.В.Виноградов фикрига кўра, нутқдаги экспрессив шакл субъектив характеристика ва ғоявий шаклни акс эттиради [4.181]

Чет эл тилшунос олимлари ўртасида “эмоционаллик” ва “экспрессивлик” тушунчаларига нисбатан табақаланмаган муносабат устунлик қилади. Кўпгина тилшунос олимлар бу иккала тушунчани бирдай қўллашади. Уларнинг тадқиқотларида гап фақат нейтрал бўлмаган (эмоционал-экспрессив) маъноларни нейтрал маъноларга зидлаш ҳақида боради.

Бу тушунчаларни фарқлашга уринишлар ҳақида ҳам тўхталиш мақсадга мувофиқ. “Эмоционаллик” ва “экспрессивлик” тушунчалари бу вазиятда фақат улар ўртасидаги ўзаро муносабатга аниқлик киритиш учун қисм ва яхлитлик тарзида қўлланилган.

Масалан, Е.М.Галкина-Федорук бу тушунчаларнинг турли пландалигини кўрсатар экан, шу билан бирга экспрессивлик тушунчасининг эмоционаллик тушунчасидан кенг, улар ўртасидаги муносабат эса қуйидагича: барча эмоционаллик экспрессив бўлиши мумкин, аммо ҳамма экспрессивлик – эмоционал эмас” [5] деган хулоса келади.

Демак, мазкур мақолада эмоционаллик сўз маъносининг луғатда аниқ-тиниқ талқин этилиши лозим бўлган энг аҳамиятли таъриф-тавсифи сифатида баҳоланади. Бизнинг бу ишимизда “эмоционаллик ва экспрессивлик”нинг ҳаракат доираси маълум даражада шартли белгиланган. Ажратилиши тил ва нутқ ўртасидаги фарқ доирасида ўтказилади. Бунда асосийси энг муҳим ажратиш, одатда, тил луғат таркибидан эмоционал сўзлар ва экспрессив сўзлар, яъни нейтрал бўлмаган маъноларнинг принцип жиҳатидан ҳар хил турларининг сунъий равишда ажратишга уринишдан халос бўлишга ёрдам беради. Бу яна истисносиз барча эмоционал сўзлар туринининг мазкур тадқиқот объекти сифатида қўйилишига имкон беради.

Шундай қилиб, инглиз тили луғат таркибидан эмоционал лексикани ажратиш масаласини қўяр эканмиз, биз уни нейтрал лексикага нисбатан зидлаймиз. Танлов принципи қуйидагича: ноль эмоционал маъноли сўзлар нейтрал (маркировкаланмаган, фарқланмаган) саналади. Бунда эмоционал маъноли сўзлар, улар қанчалик турфа характерга эга бўлмасин, эмоционал лексикага мансуб. Эмоционаллик кенг тушунчага эга ва эмоционал лексиканинг бир неча тури ажратилади, уларнинг ҳар бири ўз дифференциал, табақавий белгисига эга.

Тил луғат таркибидаги эмоционал маъноли сўзларни ажратиш мезонлари ҳақидаги масала ва бу жараёнда эмоционаллик ишораларига алоҳида аҳамият бериб, эмоционал маъно, худди нейтрал маънодагидек тил тараққиётининг табиий ривожига боғлиқ эканлигини айтиш лозим. Л.Льюиснинг **dangerous sense** тилшуносликка оид тушунчасини киритганлиги бежиз эмас. Бу ерда у ҳозирги замон инглиз тилидаги маъноларнинг ўтмишдаги муаллифлар фикрига мослигини таъкидлайди[7.23].

Шундай қилиб, бир мунча йил аввал нейтрал ҳисобланган сўз маънолари бугунги тил тараққиёти нуқтаи-назаридан қараганда эмоционал лексика таркибига кириши ва кирмаслиги ҳам мумкин. Бир соҳа доирасида эмоционаллик ёки эмоционаллик характери соҳасидаги ўзгаришлар ҳам шундай табиий кечиши мумкин. Эмоционал маъноларга аниқ мисоллар таҳлили диахроник планда кўзга ташланади.

Эмоционал маъно ўзгаришининг турли сабаблари бор. Эмоционал маъно ўзгаришининг оламга муносабат тўғрисидаги нуқтаи-назарнинг ўзгариши билан ҳам боғлаб бўлмайди. Бироқ бу ҳолат анча аҳамиятли, чунки амалиётдан маълумки, сўзлар ўз эмоционал маъносини мутлақо тасодифан ўзгартирадилар, яъни ижтимоий ёки сиёсий воқеа-ҳодисаларнинг ўзгараётганлигидан одамлар ўз қарашларини қайтадан текшириб чиқмоқдалар. Ҳозиргача бу сўз боягидай вазифада Иккинчи жаҳон уруши йилларида Америкада **postwar (conditions)** сўзи кенг қўлланилган, бора-бора идеаллаштирилиб, **ultra-modern** маъносига эга бўлди. Урушдан кейинги йилардан **postwar** ноўрин ҳисобланиб, ундан фойдаланишдан кўнгил совий бошлади. **Postwar** сўзи **postwar conditions of political turmoil, postwar housing of shoddy construction, etc.,** жумласида салбий коннотацияга эга бўлди[8.11]. Яқин кунларда ҳам **hobby** сўзи енгил табиатлик, бачканалик маъносини билдириб келган, бугун эса у мутлақо "яхши, дуруст" коннотация касб этган, демак, **hobby**га эга ҳар ким ана шундай ижобий шахс саналади[9.19].

Ж.Вандриеснинг таъкидлашича: "Ифодали, маънодор сўзларнинг экспрессивлиги айниқса тез қувватдан кетади. Сўз хира, заифлашиб, унинг сийқаси чиқади. Инсон руҳий ҳолати, ички кайфиятини тасвирловчи сўзлар, улар қанчалик кучли, таъсирчан бўлмасин, аста-аста қувватдан кета бошлайди ва охир-оқибат, ҳар қандай таъсирчанлигини йўқотиб истеъмолдан чиқади"[10.201]. Ҳақиқатан ҳам, **awfully, dreadfully** каби сўзларнинг "аввалги қудрати"ни йўқотганлигига анча бўлди. Лекин бу уларнинг эмоционал лексика таркибидан чиқиб кетганлигини билдирмайди. Улар шунчаки ўзининг самарадорлигини йўқотган ва кўпинча эмоционал ҳодиса эканлигига ишора беради холос. Ҳудди шу кучли ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар тобора бу ҳиссиётнинг ғайрат-шиддатини сусайтира боради. Айтайлик, **dismay** сўзи шундай кучли қувватга эга. Ҳозир у деярли заиф, камқувват сўз. Ёки **to annoy** феъли аввал **to harm, to injure** маъноларни ифодалаган, ҳозир у **to irritate** феълининг синонимидир ва ҳ.к. Кўп ҳолларда доимий контекст кучли ҳис-туйғуларни ифодаловчи сўзлар маъносини шундай ўзгартириб юборадики, улар охир-оқибат дардчил сентименталлик – сертакаллуф, эркалик, тантиқлик, чучмаллик ҳолатларини ифодалай бошлайди. Инглиз тилидаги **weep, sob, thrill** каби сўзларнинг қисмати шундай бўлган. Улар "ҳурматли" сўзлар тоифасидан чиқиб кетди ва **Read thar & weep** ёки **sob-stories, sob-stuff** сўз бирикмаларидагина кўрина бошлади.

Инглиз тилидан **to thrill** феъли яқин кунларда ҳам қўшимча таъриф-тавсифларга муҳтож бўлмаган, чунки унинг ўзи кучли ижобий ҳис-туйғу ифодалаган. Аммо у тезда журналистлар томонидан илиниб олинди ва тез орада суистеъмол орқасидан ўз қуввати ва таъсирчанлигини йўқотди. Ҳозир ҳам шу журналистларнинг турли олд қўшимчалар-у, таъриф-тавсифлар воситадасида унинг – **A Thousand Super-Thrills** – илгарги салоҳиятини тиклашга уринишлари беҳуда кетяпти.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги замон тилшунослигида эмоционал лексика ажратиш жуда кўплаб баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Эмоционал маънолар сўзда асосий ва мантиқий маъно билан бирга

келиши мумкин. Эмоционал маъно якка ёки матн таркибида бўлади. Бунга сабаб эмоционал сўзлар бир неча маъноларни англатишидадир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абакумов С.И. Современный русский литературный язык, М., “Наука”, 1942, стр.31.
2. Плямоватая С.С. О грамматической природе и классификации имен существительных с уменьщительными экспрессивными суффиксами в современном русском языке, Русский язык в школе, 1955, № 6, стр.9
3. Патрищчева Е.Ф. Об эмоциональной сокрашенности слов в современном русском языке, в “Развитие лексики современного русского языка”, М.: 1965, стр.40-41.
4. Виноградов В.В.. О языке художественной литературы, М.: 1959, стр.181.
5. Галкина-Федорук. Е.М. Об экспрессивности и эмоционалности в языке, сб.статей по языказнанию изд. МГУ, М.: 1958.
6. Lewis C.S. Studies in Words, Cambridge, 1990, p.23.
7. Будагов Р.А. Проблемы развития языка. Наука, М. –Л.: 1965, стр.51.
8. Bolinger D. Aspects of Language, N.Y.: 1981, p.11.
9. Bergen E. Comfortable Words, N.Y.: 1962, p. 19.
10. Вандриес Ж. Язык. М.: Едиториал УРСС, 2004, стр.201.

НИСБАТ КАТЕГОРИЯСИНИНГ ТАБИАТИ ВА УНИ ТАРЖИМА ҚИЛИШНИНГ АЙРИМ МУАММОЛАРИ

Қўқон Давлат Педагогика Институти ўқитувчилари
Исматова Нодира Махмудовна
Алиева Наргиза Нодировна
23- умумтаълим мактаби ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада нисбат категориясининг инглиз ва ўзбек тилларида, ҳамда баъзи туркий тилларида ифодаланиш воситалари ёритиб берилган. Бундан ташқари нисбат категориясининг таржима қилиш муаммолари, нисбат шаклларини кўрсатувчи лингвистик белгиларнинг ўзига хос хусусиятлари атрофлича таҳлил қилинган.*

Калит сўзлар: *категория, мажҳул нисбат, нисбат категорияси, ўзлик нисбат, биргалик нисбат, орттирма нисбат, ўрта нисбат.*

ПРИРОДА КАТЕГОРИИ ЗАЛОГА И НЕКОТОРЫЕ ПРОБЛЕМЫ С ЕЁ ПЕРЕВОДОМ

Преподаватели Кокандского Государственного
Педагогического Института
межфакультетской кафедры
Исматова Нодира Махмудовна
Алиева Наргиза Нодировна

Учительница средней школы №23 города Коканда
Гафурова Барно Асаджон кизи

Аннотация: *В статье рассматривается реализация категории залога в английском, узбекском и некоторых тюркских языках. Кроме того, были анализировано проблемы возникающие при переводе, лингвистические знаки указывающие на формы залога.*

Ключевые слова: *категория, пассивный залог,обратный залог, рефлексивный залог, каузативный залог, средний залог.*

THE NATURE OF CATEGORY OF VOICE IN ENGLISH AND SOME PROBLEMS IN THEIR TRANSLATION

Teachers of Interfaculty chair at Kokand
State Pedagogical Institute
Ismatova Nodira Makhmudovna
Alieva Nargiza Nodirovna
English teacher at secondary school №23
Gafurova Barno Asadjon kizi

Annotation: *The article deals with realization of category of voice in English, Uzbek and some other turkic languages. Besides that it has been analyzed translation problems and linguistic signs indicating the category of voice.*

Key words: *category, passive voice, category of voice, reflexive voice, reciprocal voice, causative voice, middle voice.*

Типологик нисбат категорияси синтактик конструкция томонидан ифода этилган ситуациянинг иштирокчилари ўртасидаги муносабат характери ва унинг йўналишини кўрсатади. Нисбат категориясининг тилда мавжудлиги одатда феълнинг аниқ нисбат шаклларини мажҳул нисбат шаклларига қарама-қарши қўйиш йўли билан аниқланади. Масалан, ўзбек ва бошқа туркий тилларда улар мажҳул нисбатни кўрсатувчи белги **-ил, -ин** грамматик қўшимча морфемалар бўлса, инглиз тилида **be** ёрдамчи феъли ҳамда асосий феълнинг **сифатдош II** шакли, яъни **‘be-Ven’** ҳисобланади. Бундай қарама-қарши қўйишда мажҳул даража оппозициянинг белгиланган, яъни ифодали ва кучли аъзоси ҳисобланади. Мажҳул даража синтактик қурилма эгаси томонидан иш-ҳаракатни ўзига қабул этишни ифодалайди. Бу қурилмалардаги эга мажҳул ёки пассив эга деб юритилади ва у иш-ҳаракатнинг объекти вазифасини ўтайди. Аниқ нисбат шакли бу оппозициянинг кучсиз аъзоси бўлиб мазкур маънони умумлаштирган ҳолда «номажҳуллик» тарзида ифода этади. Бу номажҳуллик қуйидаги кўринишларда, яъни каузатив нисбат, ўзлик нисбат, биргалик нисбат ва ҳ.к. тарзида намоён бўлиши мумкин. Инглиз тилида феълларнинг мажҳул нисбат шаклида ишлатилиш кўлами анча кенгдир. Жумладан, бу ерда фақатгина ўтимли феъллар эмас, балки ўтимсиз феъллар ҳам мажҳул нисбат шаклида ишлатилаверади. Масалан:

Tom *has just* ***been rung up*** *by the police.*

Томга ҳозиргина полициядан ***қўнғироқ қилишди****.*

The diplomat was refused *transit facilities through London. Дипломатга Лондон орқали ўтишга рухсат берилмади.*

Биринчи гапда инглиз тилидаги мажҳул нисбат шакли ўзбек тилида биргалик нисбати шаклида берилаяпти. Иккинчи гапда эса инглиз мажҳул даража шакли ўзбек тилида ҳам сақланмоқда.

She **was undisturbed** by the frown of his face.

Йигитнинг юзидаги ғазаб ифодаси қизни безовта қилмади. (ёки ...ғазабдан қиз **таъсирланмади.)**

Бу ерда мажҳул нисбат маъноси ўзлик нисбат шакли орқали ифода этилмоқда.

Have *you ever* ***been told*** *that you were good looking? - Сизга ҳеч маҳал «сиз жуда истаралисиз» деб* ***айтишмаганми****? (ёки...айтмаганларми?)*

Бу ерда мажҳул нисбат шакли ўзбек тилига биргалик нисбати ёки аниқлик нисбати ёрдамида берилмоқда.

He ***was said*** *to have been very wild in his youth.*

Айтишларича*, у ёшлигида жуда одамови бўлганмиш.*

Бунда инглиз тилидаги мажҳул даража шакли ўзбек тилига биргалик нисбати орқали берилмоқда.

Юқорида биз тўлдирувчи билан ишлатиладиган айрим феъларнинг мажҳул даражада ишлатилишини кузатдик. Аммо барча шу турдаги феъллар ҳам пассив шаклида ишлатилавермайди. Масалан, ҳолатни билдирувчи феъллар яъни, **to have, to belong, to cost, to resemble, to fail, to misgive** ва шу каби қатор феъллар мажҳул даражада ишлатилмайди. Шунга кўра феъллар икки катта гуруҳга бўлинади.

1) Мажҳул даража шаклида ишлатиладиган феъллар.

2) Мажҳул даража шаклида ишлатилмайдиган феъллар.

Агар инглиз тилида феъларнинг катта бир қисми мажҳул нисбат шаклида ишлатилмаслиги эътиборга олинса, нисбат категориясининг инглиз тилида феълларга мансуб грамматик категория, деб айтишга асос йўқдек туюлади. Чунки агар нисбат категорияси оппозицияси икки аъзодан - “актив” ва “пассив” аъзолардан иборат бўлиши, ва катта бир гуруҳ феълларда бу оппозиция нейтрализацияга учраши назарда тутилса, бундай грамматик категориянинг тилда мавжуд грамматик категориялар орасидаги ўрни ҳақида ўйлаб кўришга тўғри келади. Чунки актив шаклнинг актив шакл эканлигини исботлаш учун уни пассив шаклга солиштириш керак, шунда актив шакл пассив шаклга ўхшамаганлиги биз учун уни актив деб айтишига асос бўлиб хизмат қилади. Аммо, агар актив қиёслаш учун пассив шакл мавжуд бўлмаса, активнинг актив эканлигини қандай исботлаймиз?

Актив-пассив оппозицияси ишламайдиган, яъни нейтраллашган бу ўринларда умуман нисбат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади [1,53]. Аммо инглиз тилидан фарқли ўлароқ, ўзбек ва қирғиз тилларида бу каби феъллар ва бошқа барча феъллар нисбат категорияси орбитасидан чиқиб кета олмайди, чунки бу тилларда нисбат категорияси кўп аъзоли оппозицияга эга. Иккинчи томондан агар аъзолар сони кўп бўлса, буни оппозиция деб номлаш ҳам ғалати туюлади. Бу тиллардаги нисбат тизими қуйидагилардан иборат:

1) Аниқ (актив) нисбат

2) Мажҳул (пассив) нисбат
3) Ўзлик (рефлексив) нисбат
4) Биргалик (ресипрока) нисбат
5) Орттирма (каузатив) нисбат

Ўзбек тилида феъл нисбатсиз бўла олмайди, у албатта у ёки бу нисбат шаклида бўлади. Айрим ўринларда эса «кўп нисбатли» шаклда ҳам бўлиши мумкин-ки, бу каби ҳол инглиз тилида ҳеч учрамайди, аниқроғи, инглиз тили системаси бу каби грамматик қурилмаларга йўл қўймайди. Масалан:

Чақиртирилди - каузатив - пассив
Кўрсаттирди - каузатив - каузатив
Илинтирди - ўзлик – каузатив

1. Плоткин В. Я. Грамматические системы в английском языке. – Кишинев: Штиинца, 1975, 53 б.

Илинтирилди - ўзлик - каузатив – мажҳул
Кийинтирилди - ўзлик -каузатив -мажҳул
Чақиртиришди - каузатив - биргалик
Ювинтиришди - ўзлик - каузатив- биргалик
Ўлдиртирди - каузатив - каузатив
Ўлдиртирилди - каузатив - каузатив - мажҳул

Инглиз тилига келсак, бу масалага бироз ойдинлик киритишнинг зарурияти туғиладики, бу нарса, машҳур инглиз тилшуноси Г. Свитнинг таъбири билан айтганда, инглиз тили ҳозирги ҳолатида “қўшимчалар йўқолиб кетган давр”да турганлиги учун бу тил морфологик структурасининг бир оз камбағаллиги билан изоҳланади[2,132]. Шунинг учун оппозиция “актив-пассив” шаклида эмас, балки “нопассив-пассив” шаклида бўлиши керак. Чунки ўзларининг лексико-грамматик хусусиятларига кўра пассивда ишлатилмайдиган феъллар бошқа барча категориал формаларга эга ва тўлиқ парадигмани ҳосил қилади.

Масалан: takes - goes
is taking - is going
has taken - has gone

Шунинг учун нопассив маъноларнинг айримлари юқорида биз айтиб ўтганимиздек, синтактик ёки лексик йўл билан ифодаланди. Масалан:

The door opens inside the room. - Эшик ичкарига очилади.

Бу ўринда **opens** феълининг нисбатга тегишлилиги ўзбек ва инглиз тилларида турлича баҳоланади. Инглиз тилида шакли актив бўлгани билан маъноси актив нисбат маъносига тўғри келмайди. Маъноси пассивга яқинроқ келади, лекин шакли тўғри келмайди. Шунинг учун бу каби ҳоллар инглиз тилида **Middle Voice - Ўрта нисбат** деб юритилади. Яна бир мисол.

The magazine doesn't sell well. Журнал яхши сотилмайди. (Яъни, уни сотиб олмайдилар. Камроқ сотилади).

Ўзбек тилида эса бу формалар ўзлик нисбати (Қиёсланг: Чол тонгга яқин узилди) ёки мажҳул нисбат шаклида берилиши мумкин.

Масалан: *Ходимлар кириб-чиқиб турганлиги учун бу эшик тез-тез очилади. Яна мисол: Шунча қийноқларга қарамасдан Мирвали душманга сотилмади.*

Биринчи мисолда мажҳул маъноси кучлироқ, чунки эшикни кириб-чиқиб турган ходимлар очмоқда. Иккинчи холатда эса феъл ўзлик нисбатида, десак янглишмаймиз, чунки Мирвалини ҳеч ким сотмоқчи эмас, сотадиган одам ҳам йўқ, қўлга тушиб қолган унинг ўзи-ку!

Бундан ташқари, мажҳул даражада қўлланиладиган ва қўлланилмайдиган феъллар ўртасидаги чегара ҳам жуда нисбийдир, яъни мажҳулда ишлатилмайди, деб ҳисобланадиган феъллар нутқда мажҳул шаклда кўриниб қолиши мумкин. Масалан:

The bed had not been slept in.

The house seems not to have been lived in for a long time.

Шундай қилиб, инглиз тилида пассив формалар потенциал жиҳатдан барча феъллар билан қўлланилиши мумкин. Аммо унинг нутқда реализацияси айрим чеклашларни олдинга суриши мумкин.

Савол туғилиши табиий: Нега давомли шаклларнинг перфектив аспектда формалари йўқ? Ёки бўлмаса нега норматив грамматикаларда давомли формаларнинг пассив шакли инкор қилинади?

Гап шундаки, инглиз тилида «**to be**» феъли полифункционал актив ва нутқда энг кўп учрайдиган феъл ҳисоланади. Мана шу феъл пассив ясашда ҳам, давомли шаклларни ясашда ҳам иштирок этувчи асосий ёрдамчи феъл саналади. Давомли пассив шаклларни ясашда **to be** феъли 2 марта ишлатилади. Масалан,

The patient is being examined. ёки The patient has been being examined.

Ёрдамчи феълларнинг бу қадар кўп, керагидан ортиқча ишлатилишини олдини олиш мақсадида Future Continuous Passive ҳамда Pertect Continuous Passive формалар нутқда бир оз соддалаштирилади ва Future Continuous Passive ўрнига Future Indefinite Passive ва Perfect Continuous формалар ўрнига Perfect Passive формаларb ишлатилади. Масалан:

The police will be keeping an army of reporters at bay - An army of reporters be kept at bay by the police.

We have been expecting the decision for a long time - The decision has been expected for a long time.

Буларнинг ҳаммаси ўша машҳур тезис: «Тилда бор бўлган ҳамма нарса ҳам нутқда учрайвермайди»ни яна бир бор тасдиқлаб турипти.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

2. Плоткин В. Я. Грамматические системы в английском языке. – Кишинев: Штиинца, 1975, 53 б.

3. Sweet H. A. A New English Grammar. - Part 2, Oxford, 1931,p.132

ИҚТИСОДИЁТ ТЕРМИНЛАРИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ МАСАЛАСИ ХУСУСИДА

(Ўзбек ва инглиз тиллари мисолида)

Ойбек Сапорбаевич АХМЕДОВ
Филология фанлари доктори, профессор
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
ahmedov.oybek@mail.ru

Аннотация: *Ушбу мақола иқтисодиёт терминларини тартибга солиш тадқиқига бағишланган. Соҳа терминларини муайян тилда тўғри ифода этиш, уларнинг тўғри ва оптимал вариантини танлаш масаласига урғу берилган. Шу маънода, терминологияда мавжуд бўлган байналмилаллик, вариантлилик, (дублетлик-синонимлик), омонимлик ва баъзи терминлар семантикасидаги услубий бўёқдорлик, кўчма маънолик ҳамда ибораларга хос хусусиятлар лингвистик таҳлил орқали денотатив ва конотатив маънолари очиб берилган. Иқтисодиёт терминологиясида лугавий синонимиянинг бир кўриниши туб ёки ясама лексемалардан иборат терминлар билан бирикма терминларнинг параллел (тенг) равишда қўлланиш жараёнидаги намоён бўлувчи гализликлар, хорижий тиллардан ўзбек тилига ўзлашган ва ўзлашаётган байналмилал терминларни изоҳлаш ёки аксинча, уларнинг ўзбек тилидаги калькаларини тушунтиришга интилиш натижасида ҳам ўзига хос синонимларни вужудга келиши амалий мисоллар билан ёритилган.*

Калит сўзлар: *термин, терминологик тизим, иқтисодиёт терминлари, таржима, ўзлашма, дублетлар, тартибга солиш, синонимлар, байналмилал терминлар*

ABOUT NORMALIZATION OF ECONOMICAL TERMINOLOGY

(On the example of Uzbek and English languages)

Oybek Saporbayevich AKHMEDOV
Doctor of Science in Philology (DSc), Professor
Uzbekistan State World Languages University
ahmedov.oybek@mail.ru

Abstract: *This article deals with investigating normalization of economic terms. As well as correct expressing them in a definite language, accentuated to choose their optimal variants. From this point their denotative and connotative meanings were revealed via linguistic analysis. Touched upon existence of international features, variance and valiancy (doublet-synonyms), homonyms and existence of expressiveness, stylistic color in the semantics of some economic terms. As well as original and derived economical terms are considered one of the variants of lexical synonyms in this article. Therefore, borrowed economical terms in the form of word combination and compound words are being used parallel in communication and this phenomenon leads some confusions consequently.*

Key words: *term, terminological system, economical terms, translation, borrowings, doublets, normalization, synonyms, international terms*

О ВОПРОСЕ УПОРЯДОЧЕНИЕ ЭКОНОМИЧЕСКИХ ТЕРМИНОЛОГИЯ

(На примере узбекского и английского языков)

Ойбек Сапорбаевич АХМЕДОВ
Доктор филологический наук, профессор
Узбекский государственный университет мировых языков
ahmedov.oybek@mail.ru

***Аннотация**: В статье анализируются нормализация экономических терминов. Также правильное выражение терминов в определённом языке, подчёркнутые чтобы выбрать их оптимальный вариант. С этой точки зрения их денотативные и коннотативные смысли были выявлены с помощью лингвистического анализа. Статья также затронула вопрос о существовании международных особенностей, дисперсии и двойные синонимы, омонимы и наличие выразительности, стилистические окраски в семантике некоторых терминов.*

***Ключевые слова:** термин; терминологическая система; экономические термины; перевод; заимствование; дублеты; нормализация; синонимы; международные термины.*

Мамлакатимиз бозор иқтисодиётига ўтиш даврида жамиятда юз бераётган туб ўзгаришлар, ислоҳотлар натижасида барча соҳалар ривожланиб, такомиллашиб бормоқда. Бундай экстралингвистик омиллар асосида она тилимизда минглаб янги тушунчалар пайдо бўлди. Ана шу тушунчаларни ифодаловчи минглаб янги терминлар ҳам юзага келди.

XX асрнинг охирига келиб ўзбек тилида юзага келган муаммолардан бири бу, тил қатламларида пайдо бўлган янги тушунчаларни қай тарзда ифодалаш лозимлиги масаласидир. Бу ҳодиса табиий шаклда юзага келган бўлса-да, аксарият кишилар ўзлари билганча “термин” топиб, “термин ясай” бошлади. Бундай “ижодий ҳатти-ҳаракатлар” натижасида ўзбек тилининг терминологик тизимида хилма-хиллик пайдо бўлди. Терминологияда салбий ҳолат деб ҳисобланадиган синонимия, омонимия, полисемия ҳодисаларига ҳам беихтиёр кенг йўл очиб берилди. Бу жараёндан иқтисодиёт терминологияси ҳам четда қолмади.

Терминология соҳасида юз берган бундай салбий ҳолатлар бир томондан кишиларнинг ахборот алмашиш жараёнини қийинлаштиришга олиб келган бўлса, иккинчи томондан бир тушунчани ифодалаш учун турли терминларнинг мавжудлиги боис, улардан энг оптималларини танлаб олиш ҳамда бошқасидан воз кечиш муаммоси кун тартибига чиқди.

Юқорида келтирилган мулоҳазалар ва уларни далилловчи мисоллар ўзбек тилшунослигида, хусусан, иқтисодиёт лексикасининг таркибий қисми бўлмиш иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш масаласи ҳозирги куннинг ҳам долзарб масалаларидан бири эканлигини тасдиқлайди. Бу ўринда Қ. Мусаевнинг терминологияни тилнинг лексикаси сифатида уни гўё бир шаҳарга қиёслаб айтган фикри ўринлидир: “Терминология ягона режа асосида қурилса-да, лекин бирданига барпо этилмайди. У тарихий шарт-шароитлар асосида шаклланади, уни яратишда ҳар хил авлодга мансуб бўлган турли меъморлар, лойиҳачилар, кашфиётчилар иштирок этади. Улар ҳар бир қурилаётган иншоотни яхши ўрганган ҳолда барпо этадилар. Терминологияни тартибга солишдаги ўзига хос мураккаблик шу билан белгиланади” (2; 163-б.).

Дарҳақиқат, терминологияни тартибга солиш масаласи терминларни тўғри танлаш, тўғри қўллаш ва уларни у ёки бу тилга тўғри ўгириш мезонига нисбатан бирмунча мураккаб ва масъулиятлидир. Бу вазифани муваффақиятли адо этиш учун даставвал, соҳа терминологиясида мавжуд бўлган нуқсон, камчилик ва тартибсизликларни аниқлаш, уларнинг келиб чиқиш механизмини синчковлик билан илмий жиҳатдан ўрганиш талаб этилади. Рус тилшуноси Д.С. Лотте, деярли барча соҳа терминологик тизимлари учун умумий бўлган тартибсизликларнинг юзага келишига сабаб бўлувчи қуйидаги камчиликларни кўрсатиб ўтади:

1. Барча терминологик системалар учун тааллуқли бўлган жиддий камчиликлардан бири – терминларнинг кўп маънолилигидир. Бунда бир термин икки ва ундан ортиқ маъноларда қўлланади.

2. Ҳозирги терминологиядаги иккинчи йирик нуқсонлардан бири терминлар синонимиясидир. Термин-синоним (дублетлар)лар деганда, бир тушунчани ифодалаш учун икки ва ундан ортиқ терминнинг истеъмолда бўлиши тушунилади.

3. Терминологиядаги учинчи камчилик, маълум бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи терминнинг англатиши лозим бўлган тушунча моҳиятига уйғун бўлмаслигидир. Баъзи ҳолларда сўзнинг айнан маъноси билан тушунча мазмуни ўртасида мутаносиблик йўқолади.

4. Терминнинг кўп компонентлиги натижасида уни қўллашдаги ноқулайлик. Бунда бир тушунчани ифодалашга хизмат қилувчи термин икки, уч ва ундан ортиқ компонентлардан иборат бўлади. Бундай ясалишга оид бўлган терминларда, биринчидан, нутқ тежамкорлиги, яъни ихчамлиги бузилади. Бу эса, ўз навбатида, таржима жараёнида фикрлашга салбий таъсир кўрсатади. Иккинчидан, термин керагидан ортиқ даражада узун бўлганда эллипсис ҳодисасининг вужудга келиш эҳтимоли кучаяди.

5. Юқорида қайд этилган нуқсонга яқин бўлган яна бир камчилик бу – кўп компонентли терминлар талаффузининг ноқулайлигидир.

6. Терминологиядаги навбатдаги камчилик аксарият ҳолларда баъзи тушунчаларни ифодаловчи терминлар истеъмолда мавжуд бўлмайди. Натижада бундай тушунчалар ўта муҳим ва аҳамиятли бўлишига қарамай, кенг тарқалиш имкониятидан маҳрум бўлади.

7. Яна бир камчилик шуки, термин ҳосил қилишда у англатиши лозим бўлган тушунча моҳияти билан ўзаро боғлиқликнинг етишмаслигидир. Шундан келиб чиқиб, терминлар таржимасида икки ҳолат юзага келади. 1) асосий терминни яратишда унинг дериватлилик имконияти етарлича инобатга олинмайди; 2) хорижий терминларни ўзлаштиришда (калькалашда) уларга жиддий эътибор билан қараб, танқидий ёндашилмайди.

8. Терминологиядаги энг катта камчилик аслида терминологияни керагидан ортиқ миқдорда чет тил терминлари билан тўлдириб ташлашдир. Бироқ бунда тилнинг ички манбалари ҳисобига терминлар ясалиши, тилнинг ташқи манбаси ҳисобига бошқа тиллардан термин ўзлаштиришни инкор этиб, бу жараёндан чекиниш назарда тутилмайди. Аммо эҳтиёж сезилмаган ҳолларда ҳам чет тил терминларини сунъий равишда тилга олиб кириш ҳар доим ҳам ўзини оқламайди.

Бундай ҳолатларда кўпроқ ўз тил имкониятларидан фойдаланиш ва бунда термин ифодалаши лозим бўлган тушунча моҳияти билан термин ўртасидаги мутаносибликни сақлашга эътибор қаратиш лозим (6; 37–38-б.).

Терминшунос Д.С. Лотте томонидан илгари сурилган, барча тиллар терминологиясида учраши мумкин бўлган ушбу камчиликлар орадан ярим асрдан кўпроқ вақт ўтишига қарамай, бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Олим таъкидлаб ўтган бу нуқсонлар иқтисодиёт терминологиясида ҳам мавжуд.

Аслида, барча терминологик ишларнинг бош мақсади фақат ўша соҳа мутахассисларинингтина эмас, балки барча жамият аъзосининг бир-бири билан ахборот алмашиш жараёнини қулай тарзда амалга оширишдан иборатдир. Бу жараён эса луғатлар воситаси орқали иш кўришда янада жиддийлашади. Шуниси ҳам борки, луғатларда ўз "тасдиғи"ни олган ҳар бир термин бевосита ёзма ва оғзаки нутққа, дарслик, ўқув қўлланма, илмий-тадқиқот ишлари, матбуот саҳифаларига, қолаверса илмий ва бадиий адабиётларга ҳам кўчади. Шундай экан, ҳар қандай термин у ёки бу тушунчани аниқ, тўғри ифодалашни тақазо этади. Улар ўзбек тилининг қонун-қоидаларига мувофиқ яратилиши лозим.

Иқтисодиёт соҳаси бўйича нашр этилаётган дарслик ва қўлланмалар, илмий-оммабоп асарлар, турли луғатларда ўз ифодасини тўғри топаёттир, аксар терминлар ўзбек тилининг ички қонуниятлари асосида тушунчаларни аниқ ифодалаб, жараёнининг ҳозирги кун талаб даражасида бўлишини таъминламоқда.

Она тилимизда бурундан ишлатиб келинган *сармоя, мулк, мулкчилик, фойда, хўжалик, савдо-сотиқ, даромад, сотиш, сотиб олиш, иш ҳақи, корхона, тўлов* каби юзлаб терминлар шулар жумласидандир.

Иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш, соҳа терминларини муайян тилда тўғри ифода этиб, уларнинг тўғри ва оптимал вариантини танлаш масаласида айни бир терминни бирдан ортиқ тушунча учун қўллаш ёхуд бир тушунчани турли терминлар билан аташ инкор қилинади. Терминологияда байналмилаллик, вариантлилик, (дублетлик-синонимлик), омонимлик ва айрим терминлардаги бўёқдорлик, кўчма маънолик ва ибораларга хос хусусиятлар мавжуд. Рус тили ва у орқали ўзбек тилига ғарбий Европа тилларидан ўзлаштирилган терминларнинг тушунча моҳиятини тўғри акс эттира олмаслиги, бир тушунчани ифодаловчи терминларнинг ноқулайлигига сабаб бўлувчи кўп компонентлилик ҳолатининг мавжудлиги ўзбек тилида чет тил терминларининг керагидан ортиқ даражада ўзлашиши, айрим терминларнинг ёзилиши ва талаффузидаги ҳар хилликнинг юзага келиши каби терминологиянинг асосий мезонларига зид келувчи ҳолатлар ҳам учраб туради.

Инглиз тилидан ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясига кириб келган айрим терминларни таржимасиз ҳам қўллаш мумкин. Бироқ, она тилимизда уларнинг муқобили бўла туриб улар тушунчани аниқ ифодалаган ҳолатларда ҳам чет тили терминларини тилга киритавериш ҳақли эътирозни келтириб чиқаради.

Таъкидлаш жоизки, бой ёзма анъанага эга бўлган тилларда қўлланиб келган ва кўп тилларда байналмилал сўзларнинг муқобили сифатида ишлатилиши мумкинлиги ҳам тилнинг ички имкониятидан тўла фойдаланиш ва тегишли терминларни таржима қилиш энг тўғри йўл эканлигини кўрсатади. Аниқроқ қилиб

айтганда, қатор байналмилал терминларни қўллашни инкор этмаган ҳолда, ўзбек тилининг тарихий анъаналарини ҳисобга олиб, иқтисодиёт терминологиясини тартибга солиш мақсадга мувофиқдир. Бунинг учун муайян бир тушунчани ифодалашда миллий ва байналмилал терминларнинг ҳар иккаласи ҳам терминологик талабларга тенг жавоб берган ҳолларда она тилимиздаги терминни қўллаш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Бироқ, бу нарса она тилимзнинг бойишига ҳам олиб келади.

Айрим ҳолларда синонимик қатордаги ўзбекча термин кўп компонентли, яъни бирикмалардан иборат бўлса ёки тушунча тўғрисида семантик ғализлик, нотўғри фикр туғдирса, бундай ҳолларда, албатта, байналмилал термин афзалликка эга бўлади ва унинг доминантлигини тан олиш керак. Бундай терминларнинг маънодош вариантлари ўзбек тилида бир нечта термин орқали берилса, инглиз тилида бундай ҳолат кузатилмайди. Масалан: *ижара – аренда – рента; қарздор – дебитор; боқиманда – недоимка – тўланмай қолган қарз; солиқ – налог; баённома – декларация; ҳисобчи – бухгалтер; сўровнома – анкета – бланка; тақчил – дефицит – танқис* ва ҳ.

Инглиз тилида: *rent; debtor; arrear; tax; declaration; accountant; application; deficency* каби синонимларнинг бирини танлаб олиб бошқасидан воз кечиш мақсадга мувофиқ. Мулоқот жараёнида уларнинг биттасини қўллаш фаоллик даражаси юқори бўлган ҳолатларда, мазкур синонимларнинг ўзбекчасини иқтисодиёт терминлари сифатида нутқимизда бемалол қўллаш мумкин. Уларнинг аксарияти тегишли манбаларда иқтисодиёт терминлари маъносида қўлланаётганлиги ҳам шундан далолат беради. Фикримизни далиллаш учун айрим манбалардан олинган мисолларга эътибор қаратайлик:

Ўзбекча: *Солиқлар асосий икки манба, яъни юридик ва жисмоний шахслардан ундириладиган пул маблағидир. Ижара шартномаси ижарага берувчи билан ижарага олувчининг муносабатларини тартибга солувчи асосий расмий хужжат ҳисобланади* [198; 78-б.]. **Инглизча**: *Taxes are formed primarily by two sources, money imposed from legal entities and physical persons. Lease to tenant is the official document governing their relationship.*

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида луғавий синонимиянинг яна бир кўриниши туб ёки ясама лексемалардан иборат терминлар билан бирикма терминларнинг параллел (тенг) равишда қўллаш жараёнида намоён бўлади. Бундай синонимия, биринчидан, ўзбек тилида аввалдан қўлланиб келинган иқтисодиёт термини ёки шу маънода қўлланаётган лексеманинг мазмунини конкретлаштириш учун фойдаланиш натижасида келиб чиққан. Инглиз тилида уларнинг айрим муқобилларини ҳам бир нечта вариантда бериш мумкин. Масалан, **ўзбек тилида**: *харажат – қўшимча чиқим; товар – савдо маҳсулоти; йиғим – ажратмалар; чакана – майда савдо; улгуржи – кўтарасига савдо* шулар жумласидан.

Инглиз тилида: *coin/change; expense/expenditure; goods/commodity; levy/collection; retail; wholesale* ва бошқалар.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тилидаги бу каби терминларнинг инглизча муқобиллари нисбатан кам бўлса, айримларининг маънодошлиги кўп. Фикримизни *харидор* термини орқали исботлаймиз.

Ўзбек тилида: *харидор – мижоз – сотиб олувчи* (3 та). **Инглиз тилида**: *customer – consumer – client – buyer – purchaser – offtaker – emptor – shopper – vendee – bargainee* (10 та) ва б.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясига чет тиллардан ўзлашган ва ўзлашаётган байналмилал терминларни изоҳлаш ёки аксинча, уларнинг ўзбек тилидаги калькаларини тушунтиришга интилиш натижасида ҳам ўзига хос синонимлар пайдо бўлмоқда. Масалан: ***marketing*** *– маркетинг – бозор иқтисодиёти;* ***manager*** *– менежер – иш бошқарувчи;* ***agent*** *– агент – вакил,(жосус, шпион);* ***barter*** *– бартер – мол айрибошлаш;* ***diversification*** *– диверсификация – таркибий ўзгариш – ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турини кўпайтириш;* ***option*** *– опцион – товар ёки қимматли қоғозлар олди –сотти жараёнида тузиладиган биржа битими;* ***report*** *– рапорт – ҳисобот – баёнот, хабар – маълумот – ҳисоб-китоб;* ***control*** *– контрол - назорат* кабилар шулар жумласидан. Бундай ҳолатларда байналмилал терминларнинг ўзи қўлланган маъқул. Чунки, бундай байналмилал терминларнинг талқини ўзбек тилида кўп бўлганлиги сабабли уларни қўллашда ғализликлар юзага келиши мумкин. Бундай ғализлик ва чалкашликларнинг олдини олиш мақсадида ўзбек тилига ўзлашаётган иқтисодиёт байналмилал терминларнинг қуйидаги жиҳатларига ҳам алоҳида эътибор бериш талаб этилади:

- Байналмилал терминнинг ўзбек тили товуш тизимига мослиги;
- Унинг ўзбекча муқобили миллий тилда бор-йўқлиги;
- Калька ёки таржима қилиш зарурати;
- Уни нутқда ихчам қўлланилиши, содда ва равонлиги ва ўнғайлиги.

Ҳозирги кунда кўплаб байналмилал лексемалар ва терминлар она тилимизнинг имкониятлари асосида ўзбекчалаштирилмоқда. Бунда айрим сўзлар ўзбек тилидаги тайёр муқобиллари билан берилмоқда, маълум қисми эса таржима қилинмоқда, бошқа бир қисми ўзбек тили қонун-қоидалари асосида ясалмоқда. Жумладан: ***broker*** *– маклер – даллол,* ***auction*** *– аукцион – кимошди,* ***economics*** *– экономика - иқтисодиёт,* ***preference*** *– переференция – имтиёз,* ***check*** *– чек – чек,* ***balance*** *– баланс – қолдиқ, сальдо,* ***budget*** *– бюджет – бюджет,* ***office*** *– офис – идора* шулар жумласидан.

Яна бир усул дунёнинг кўпчилик тилларида ишлатилиб келинаётган байналмилал терминларнинг ўзбек тилига ҳам ўз ҳолича ўзлаштирилишидир. Янги кириб келаётган байналмилал терминларнинг ҳаммасига ҳам ўзбекча муқобилларини топиш анча мураккаб иш. Шунинг учун уларнинг асосий қисми жаҳоннинг аксарият тилларида бир хил шаклда, яъни асли ҳолича қўлланилади, байналмилал терминларни бу шаклда қўллаш дунё ишбилармонларининг ахборот алмашинуви учун қулайлик туғдиради. Масалан: ***transit*** *– транзит,* ***embargo*** *– эмбарго,* ***auditor*** *– аудитор,* ***advice*** *– авизо,* ***debt*** *– дебет, credit – кредит,* ***bonus*** *– бонус,* ***active*** *– актив,* ***tariff*** *– тариф,* ***deposit*** *– депозит* ва б.

Иқтисодиёт терминлар синонимиясининг юқорида кўриб ўтилган турлари бевосита ва билвосита лексик синонимияга алоқадор. Сўз ясовчи қўшимчаларнинг ўринли ёки ўринсиз ишлатилиши натижасида ҳам вариантдош терминлар пайдо бўлади. Бундай вариантдошлик содда, ясама ҳамда қўшма терминлар ёхуд бирикма терминларнинг аниқловчи қисми тенг маъноли хилма-хил аффикслар билан шакллантириш туфайли юзага келади.

Маълумки, XX асрнинг охирига қадар рус тили собиқ Иттифоқ таркибидаги миллий халқлар тилларининг терминологик тизимининг шаклланишида доминантлик қилган. Бироқ сўз ўзлаштиришнинг қонун-қоидалари етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги боис истиқлолгача бўлган даврда ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида ҳам русча байналмилал терминларни хилма-хил тарзда ишлатишга мажбур бўлинганди. Бу вазият бир тушунчани ифодаловчи терминлар ҳар хил кўринишда ҳамда ҳар хил талаффузда ишлатилишига олиб келди. Масалан: *бюжет – бюджет; расхот – расход; налок – налог; бланка – бланк; таможний – таможенный – божхона; банка – банк; прискурант – прейскурант; клеринг – клиринг* ва б.

Ҳолбуки, бундай ҳолат инглиз тили иқтисодиёт терминларида кузатилмайди: *budget; expense; tax; bank; form; customshouse; price list; sanation; advance; goods; clearing, rate* ва б.

Қайд этиш лозимки, ўзбек тилшунослигининг ҳозирги босқичида бу турдаги вариантдошликка чек қўйилган. Айрим ҳолларда морфологик усулда, яъни аффиксларнинг қўшилишидан ҳосил бўлган бир асосли (туб) лексемалар ёнида шу асос иштирокида ҳосил қилинган бирикмалар пайдо бўлиб қолади. Бу ҳам ўзига хос синонимияни юзага келтиради.

Ўзбек тилида: *мулкдор – мулк **эгаси**; истеъмолчи – истеъмол **қилувчи**; арзонлаштириш – арзон **нархда сотиш**; қимматлаштириш – қиммат **нархда сотиш**; савдогар – савдо **қилувчи**; бозоргир – бозори **чаққон**; даромадлилик – даромад **келтирувчи**; нақдина – нақд **пул.***

Бундай ҳолат инглиз тили иқтисодиёт терминларида деярли учрамайди. Иқтисодиёт терминологиясида сўз ясовчи аффиксларни ўринли–ўринсиз қўллаш ва терминларнинг синонимларини ўринсиз ишлатиш натижасида ҳам кўплаб вариантдош терминлар ҳосил бўлади. Бу хилдаги вариантдош терминлар қаторига қуйидагиларни киритиш мумкин. **Ўзбек тилида**: *савдогар – савдо пеша; ишчан – меҳнатсевар – ишбилармон – уддабурон; даромадлилик – сердаромад – фойда келтирадиган – рентабиллик; чегириш – чегирма – чегирим; маҳсулдор – сермаҳсул – унумли* ва б.

Инглиз тилида эса ушбу терминларнинг муқобиллари ясама ва туб терминлардан иборат бўлиб, уларни ягона лексик-семантик хусусиятга эга дейиш мумкин: *trader; businessman/entrepreneur; profitable/lucrative; discount/sale; exuberant* ва ҳ.

Баъзи ҳолларда чет тилидан ўзлашган, шу жумладан, русча байналмилал аффикслар билан ўзбекча аффикслар тенг қўлланиши натижасида вариантдош терминлар ҳосил бўлади: *бизнесмен – бизнесчи; банкчи – банкир; акциядор – акционер; арендатор – арендачи; счёт фактураси – ҳисобварақ фактураси; акциз товарлар – акцизли товарлар; акциз маркалар – акциз белгили/маркали; мигрант солиқ тўловчилар – иммигрант солиқ тўловчилар* сингари.

Инглиз тили иқтисодиёт лексикасида бундай ҳолат кузатилмаслигининг асосий сабаби инглиз тилига бошқа тиллардан сўз ўзлашиш нисбатан суст даражада бўлиб, аксинча, инглиз тилидан бошқа тилларга сўз ўзлаштириш даражаси юқоридир. Масалан, **инглиз тилида:** *buisnessmen; banker; shareholder; leaseholder; invoice; excise goods; documentary stamps; migrant tax payers* ва б.

Юқорида ўзбек тилида қайд этилган иқтисодиёт бирикмали терминларнинг аниқловчи компонентининг асоси (ядроси) бир хил бўлса-да, уларнинг бошқа кўринишлари хилма-хил аффикслар воситасида шаклланганлигини кузатиш мумкин. Натижада, муайян тушунчани ифодаловчи икки ёки ундан ортиқ вариантдош бирикма терминлар юзага келмоқда. Масалан: *нотариф тўсиқлар – тарифсиз тўсиқлар; нархсиз рақобат – бенарх рақобат; камомад маблағ – камомадли маблағ; акционерлик ширкати – акциядорлик ширкати; мерос ҳуқуқи – меросхўрлик ҳуқуқи; ворис мулки – ворислик мулк; биржавий курс – биржа курси; соатбай иш – соатбайли иш* сингари.

Инглиз тилида бу каби терминларнинг айримлари ясама бўлса, баъзилари қўшма ва бирикмали терминлардир: *nontariff; priceless rivalry; deficiency of money; stock-company; hereditary right; exchange rate; legatee's property; market price; hourly work.*

Баъзи ҳолларда иқтисодиёт терминларини қўллашда ортиқчаликка (плеоназмга) йўл қўйиш натижасида ҳам синонимлар пайдо бўлмоқда. Масалан: *бож – бож пули; солиқ – солиқ пули; қарз – қарздорлик; бартер – бартер келишуви; божхона иттифоқи – божхона ҳамкорлиги; интегрциялашув – интеграллашув; солиқ боқимандаси – солиқ қарздорлиги* сингари.

Инглиз тилида бундай ҳолат кузатилмайди. Иқтисодиёт терминлари қуйидагича талқин қилинади: *duty; tax; debtor; barter contract, customs union; integration; tax arrear* ва б.

"Бозор иқтисодиёти луғати"да келтирилган иқтисодиёт бирикма терминлар вариантдошлигининг яна бир кўриниши кўзга ташланади. Унда бирикмалар таркибидаги лексемалар, биринчидан **от+от** модели асосида, иккинчидан **сифат+от/от+сифат** моделига мувофиқ шаклланган: *даромадлар индексацияси – индексацияланган даромадлар; биржа фирмаси – биржали фирма; солиқ имтиёзи – имтиёзли солиқ; спиртли ичимликлар лицензияси – лицензияли спиртли ичимликлар; солиқдан озод – солиқ тўлашдан озод* ва б.

Инглиз тилидаги иқтисодиёт терминлари эса қуйидагича ифода этилади: *indexation of gainings – indexed gainings; exchange firm; tax preference; licence of alcohol drinks – licenced alcohol drinks* каби.

Аксарият ҳолларда янги термин яратиш, ҳосил қилиш ишига оддий калькалаш ёки оддий таржима қилиш сифатида қаралмоқда. Терминологиядаги мавжуд камчилик, тартибсизликнинг асосий сабабларидан бири ҳам шунда. Иқтисодиёт соҳасига оид янги термин ҳосил қилиш ёҳуд термин танлашга оддий таржима сифатида эмас, балки ижодий жараён сифатида ёндашилмоғи лозим. Таассуфки, айрим таржимонлар ҳамда муаллифлар томонидан иқтисодиёт соҳасига оид дарслик, ўқув адабиётларини яратишда термин ясаш, ижод этиш, терминларни калькалаб ўзбекчалаштириш каби жараёнларда терминологик талаб ва мезонларга ҳар доим ҳам амал қилиш ҳолатлари кузатилмайди.

Академик Ғ.Абдураҳмонов терминологияни тартибга солиш масаласида терминологик луғатлар ҳам ўзига хос аҳамиятга эга эканини алоҳида таъкидлаган эди: "Терминологик луғатлар муайян фан соҳасига хизмат қилибгина қолмай, терминларни тартибга солиш, такомиллаштириш ва стандартлаштиришда муҳим роль ўйнайди. Терминологик луғатлар учун термин танлаш ниҳоятда масъулиятли

иш бўлиб, ҳар бир термин маълум тушунчани тўғри ифодалаши, ўзи ифодалаган соҳага ва айни вақтда миллий тилнинг ички қонуниятларига мос бўлиши шарт, танланган термин бир маъноли, ихчам бўлиши керак, у синонимлик ва омонимлик хусусиятига эга бўлмаслиги лозим", - деб ёзади у (1; 3-б.).

Иқтисодиёт терминологиясидаги энг асосий нуқсонлардан бири бу, терминологияда мавжуд бўлган термин-синонимлар (дублетлар), термин-омонимлар, кўп маъноли сўзлар, метафора, метонимия, синекдоха ҳодисаларидир. Бундай ҳодисалар вақтинчалик бўлиб, терминларни тартибга солиш жараёнида аста-секинлик билан бартараф этиб борилса-да, терминлардан фойдаланишда, терминларни тўғри ифодалашда турли қийинчиликлар ва чалкашликларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Ўзбек тили иқтисодиёт терминологиясида юқорида таҳлил қилинган лексик (луғавий) синонимия, грамматик (морфологик) ва вариантдошликлар, имловий чалкашликларнинг мавжудлиги, умуман, терминологик тизимларнинг қиёсий-типологик йўналиши бўйича амалга оширилаётган илмий тадқиқот ишларнинг камлиги, махсус фанлар мутахассислари билан филологлар ўртасида ҳамкорлик ва алоқанинг деярли йўқлиги, терминологик, изоҳли луғатлар яратишнинг қониқарли эмаслиги, энг муҳими, терминларнинг ясалиши, қўлланиши устидан назоратнинг сустлиги билан изоҳланади.

Иқтисодиёт йўналиши аниқ, тизимли ва тартибли соҳа бўлганидек, шу соҳа амалиётида қўлланаётган тушунчаларнинг ифода воситаси бўлмиш терминларнинг мажмуи ҳисобланган терминология ҳам шу шаклда аниқ ва тартибли бўлишини талаб қилади. Бироқ, амалиётда иқтисодиёт терминларини қўллашда семантик ғализликларнинг юзага келиши, ўзбек ва инглиз тиллари иқтисодиёт терминологиясида синонимия, омонимия, полисемиянинг оғзаки ва ёзма нутқдаги муаммолари, терминларни тўғри ёзиб, тўғри қўллаш сингари бир қатор ҳал қилинмаган масалалар шулар жумласидандир.

Иқтисодиёт терминологиясидаги синонимия (вариантдошлик ва дублетлик), омонимия, полисемия ҳодисалари, айрим терминларнинг семантикаси ва имлосининг хилма-хиллиги терминологиядаги асосий йўналишлар, тизим ва меъёрга солиш кабиларга мантиқан зид келади. Шу боис иқтисодиёт терминологиясини меъёрлаштириш масаласида мазкур соҳа мутахассислари билан тилшуносларнинг илмий ҳамкорлигини самарали йўлга қўйиш кутилган натижаларни бериши мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдураҳмонов Ғ. Терминология муаммолари// Ўзбек тили терминологияси ва унинг тараққиёт перспективалари: Биринчи Республика терминология конференцияси материаллари.-Т.: Фан, 1986.-136 б.

2. Мусаев К.М. Формирование, развитие и современные проблемы терминологии.-М.: Наука, 1986. -263 с.

3. Мусаев Қ. М. Таржима назарияси асослари. – Т., 2005. – 361 б.

4. Муминов О. М. Lexicology of the English Language. – Т., 2008. – 239 p.

5. Мусаев Қ.М., Қудратов М.Ш. Инглизча-русча-ўзбекча иқтисодий луғат. – Т., 2001.– 762 б.
6. Лотте Д.С. Основы построения научно-технической терминологии.- М.: 1961.- 273 с.

ЗАМОНАВИЙ ТИЛШУНОСЛИКДА ТИЛ КОНТАКТЛАРИ ЙЎНАЛИШИНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК АППАРАТИ ХУСУСИДА

Асқарова Шахноза Исмаиловна
Фарғона давлат университети таянч докторанти

Аннотация: Ушбу мақолада замонавий тилшуносликнинг янги йўналишларидан бири ҳисобланган контакт лингвистикасининг асосий терминологик аппарати хусусида атрофлича маълумот берилган.

Калит сўзлар: тил контактлари, тил интерференцияси, тил конвергенцияси, тил дивергенцияси, адстрат, субстрат, суперстрат, диглоссия, пиджин, креол тили.

ТЕРМИНОЛОГИЯ НАПРАВЛЕНИЯ ЯЗЫКОВЫХ КОНТАКТОВ В СОВРЕМЕННОМ ЯЗЫКОЗНАНИИ

Аскарова Шахноза Исмаиловна
базовый докторант
Ферганского государственного университета

Аннотация: В данной статье даётся описание основной терминологии контактной лингвистики, которая является одной из новых направлений современного языкознания.

Ключевые слова: языковые контакты, языковая интерференция, языковая конвергенция, языковая дивергенция, адстрат, субстрат, суперстрат, диглоссия, пиджин, креольский язык.

TERMINOLOGY OF THE DIRECTION OF LANGUAGE CONTACTS IN MODERN LINGUISTICS

Asqarova Shahnosa Ismailovna
PhD student
Fergana State University

Annotation: The article describes the basic terminology of contact linguistics, which is one the new directions of modern linguistics.

Keywords: Language contacts, language interference, language convergence, language divergence, adstratu, substrate, superstrat, diglossya, pidgin, Creole language

Большой интерес к изучению иностранных языков, явление знакомое каждому народу, каждой нации. Человек владеющий двумя и более языками имеет

возможность свободно путешествовать, а также является не заменимым кадром среди сотрудников во многих сферах деятельности. Информационные процессы в Республике Узбекистан, расширяющиеся связи в экономической, политической, научной, культурной жизни и в других областях общества, способствуют возникновению массового двуязычия и многоязычия. Все эти факторы не могут не влиять на развитие языка. От характера взаимодействия и взаимосвязей народов проживающих на территории Узбекистана зависит и характер изменения языка. В результате проживания на одной территории и взаимных контактов разных народов и народностей появились явления билингвизма и полилингвизма. Языковые контакты узбекского языка с родственными и неродственными языками, исследования связанные с явлением билингвизма, являются насущной проблемой ставшей перед узбекскими языковедами. Повышенное внимание лингвистов к взаимодействию языков между народами является одной из основных проблем в мировой лингвистике.

В.Ю. Розенцвейг считает, что контактная лингвистика, которая привлекла внимание лингвистов благодаря сравнительно-историческим исследованиям, является не только чисто теоретической проблемой лингвистики, но и политической проблемой на уровне общества и государства[1. стр.5].

Естественно, что интенсификация международных отношений приведет к дальнейшей интенсификации языкового общения. Этот процесс является непрерывным и не признает каких-либо границ или ограничений, так как основан на объективных закономерностях развития потребностей общества. Вышеуказанные факторы встречаются на разных языках в разных формах и размерах. Диапазон языковых контактов зависит от темпов развития общества и их речевого общения.

Современные проблемы билингвизма и контактов между узбекским и другими языками являются одной из наиболее важных проблем, стоящих перед узбекским языкознанием.

Интенсификация языковых контактов между народами свидетельствует о необходимости более глубокого изучения этого вопроса в мировой лингвистике. По мнению известного французского лингвиста Ж.Вандриеса «столкновение языков является исторической необходимостью и они не могут не оказывать влияние друг на друга» [2. С.257]. По нашему мнению термин столкновение не отражает всей сути понятия языковых взаимоотношений, поэтому, мы считаем, что для этого определения целесообразно использовать термин контакт.

Основные вопросы контактной лингвистики изложены в монографии У. Вайнрайха «Языковые контакты» [3]. Но поскольку данное направление является относительно новой областью в узбекском языкознании и процесс ее формирования продолжается, круг ее проблем и терминологический аппарат обновляются. Тем не менее, мы хотели бы высказать некоторые замечания по проблемам современной контактной лингвистики, основанной на существующих знаниях.

Что означают языковые контакты?

Языковые контакты - это взаимодействие и взаимоотношения языков, которые влияют на фонетическую, лексико-семантическую и синтаксическую структуру двух или более языков. В этом контексте, взаимодействие и взаимное воздействие двух

или более языков на их языковые структуры, отражается концепция языковых отношений. Необходимо различать термины *языковые контакты* и *язык общения* .

Язык, на котором осуществляются языковые отношения между коммуникантами, считается *контактным языком*. Существуют две разновидности языковой ситуации:

1. Язык общения - это язык одной из наций, вступивших в социально – политическую связь. В данном случае языком общения в области лингвокоммуникации может быть язык первой или второй нации, в зависимости от обстоятельств.
2. Язык обеих стран не может быть языком общения. В этом случае коммуникативное общение осуществляется через третий язык. В этих случаях контактный язык называется *языком-посредником* [4].

Билингвизм - это еще один термин, используемый для описания языковых контактов. Билингвизм (двуязычие) - это способность говорить на двух языках, владеть двумя языками. Люди, которые общаются на двух языках, являются *билингвам* [5. с.]. Языковая интерференция является еще одним из таких терминов.

Языковая интерференция от (лат.inter — между собой, взаимно и ferio — касаюсь, ударяю) - это не произвольное проявление языковых свойств родного языка во втором языке.

Термин «конвергенция языков» (от лат. *convergo* - приближаюсь) относится к исторической связи языков, конвергенции и сходства, которые возникают в результате контактов (столкновений) и происходят в родственных и не родственных языках.

Процессу языковой конвергенции противопоставляется процесс дивергенции. Под понятием языковой дивергенции (от средневекового (лат. *divergo* — отклоняюсь; англ. *divergence, divergent evolution*) понимается расхождение между языковыми единицами родственного языка (например, деление фонем). Например, в древнетюркских языках фонема t подразделяется на **т** и **д**: *тог (uzb.) - даг (azerb.), тога (uzb.) - дау (azerb.).*

Следовательно, языковая конвергенция, сближение и сходство противопоставляется языковой дивергенции, отклонению и расхождению языковой единицы.

Адстрат (от лат. *ad* - «при, около» и *stratum* — «слой, пласт») с точки зрения языковых контактов является общим знаменателем языковой системы, которая была сформирована различными народами, живущими в одном регионе в течение длительных периодов времени. Например, взаимодействия и взаимосвязи между узбекским и таджикским языками служат примером общих черт языковых систем. В то же время фонетические, лексические и грамматические особенности в обоих языках являются ***адстратом*** [6.с.19]. В процессе адстрата нет случаев этнической ассимиляции и вымирания одного языка в другом.

В системе языковой коммуникации также используются термины ***субстрат*** [7] *(от лат. stratum — «слой, пласт»)* ***и суперстрат*** [8]**.** Признаки победоносной языковой структуры элементов побежденного языка в результате взаимодействия двух языков обозначаются как явления *субстрата* и *суперстрата*. Субстрат-это поглощение языка коренных народов языком поселенцев через широкое этническое

вмешательство. Например, в III-II веках до нашей эры римляне завоевали Иберию (нынешнюю Испанию) и Галию (нынешнюю Францию). В этих регионах формируется двуязычие между местным языком и латинским. Под влиянием римлян на местный язык период двуязычия завершился переходом коренных народов на полноценный латинский язык, на основе которого сформировались испанский и французский языки настоящего времени. Элементы иберийского и галльского языков, присутствующие в этих языках, являются примерами феномена субстрата [8].

Знаки, оставленные этническими группами в местном языке, называются суперстратами. В V веке нашей эры территория современной Франции была завоевана франкскими племенами. Франки смешались с местными жителями и переняли их обычаи, образ жизни и язык. Подобное явление имело место и тогда, когда тюркско – болгарские племена подчинили себе славянские племена на Балканском полуострове. Название как нынешних болгарского, так и французского государств является фактом феномена суперстрата по их языковой природе. Феномены суперстрата и субстрата проявляются преимущественно на фонетическом, грамматическом, частично лексическом уровнях языка. Однако необходимо будет отличать эти понятия от ассимиляции в языке. Потому что, в отличие от овладения словом, феномен субстрата и суперстрата связан с поражением одного из двух языков, а также с языковыми связями, охватывающими все языковые уровни. Теория субстрата возникла в начале XIX в на основе взглядов. Я. Бредсдорфа и сыграла огромную роль в истории индоевропейского языкознания. Эта теория при изучении языков других языковых семей не утратила своей актуальности и сегодня.

Еще одним термином в парадигматическом ряду языковых связей является ***диглоссия.*** **Диглоссия** (от др.-греч. δυο - «два» и γλωσσα/γλωττα-язык) обозначает такую форму владения двумя самостоятельными языками или подсистемами одного языка, при которой эти языки и подсистемы функционально распределены: например, в официальных ситуациях — законотворчестве, делопроизводстве, переписке между государственными учреждениями и так далее [9].

Кроме того, использование узбекского и русского языков в зависимости от ситуации речи также может быть в форме диглоссии. В школе обучение ведется на русском языке, в семье говорят по узбекски. Следовательно, социальная функция языка является главным фактором диглосси, присущим речевому процессу.

Сведения о явлениях адстрата, субстрата, суперстрата, диглоссии служат для восполнения теоретического пробела в узбекской лингвистике, связанного с языковыми контактами. К числу терминов, связанных с языковыми контактами также относится термин **зуллисонайн**, который широко используется в узбекской классической литературе.

Термин зуллисонайн используется по отношению к "двуязычным" поэтам и писателям, которые творили на двух языках. Например, Алишер Навои творил на узбекском и персидском языках, Садриддин Айни-на узбекском и таджикском языках.

Контактная лингвистика также изучает **пиджин** (англ.*pidgin* — упрощённый язык) и **креольскии** языки (исп. *criollo* от *criar* -«кормить», «выращивать», «выводить») [10]. Специальные языковые средства, возникающие в результате необходимости установления связи между различными языковыми сообществами, не имеющими общего языкового контакта, называются пиджин. В пиджине нет владельца единного языка, так как ни для кого из говорящих не является родным.. Он не формируется в результате естественного и исторического развития конкретного языка, а появляется при смешении и структурном упрощении языков под влиянием регулярных и массовых языковых отношений двух языковладельцев. Креольский язык – это язык, сформированный на основе языка пиджин и имеющий статус родного языка для команды владельцев языка.

В последние годы национальные и региональные варианты языков, вопросы их взаимодействия стали основным объектом изучения контактной лингвистики. Контактная лингвистика непосредственно новое направление в языкознании, которое сформировалось в конце XX в., хотя взаимосвязь языков существовала ещё во времена античности, но детальное изучение данного явления стало возможным только с недавних пор. Непосредственная связь контактной лингвистики с антропоцентризмом, определяющая основные направления развития современной лингвистики, обусловливает необходимость изучения ее основных терминов и категорий.

Контактная лингвистика, переживающая сегодня процесс становления, еще не до конца сформировалась на границе терминологической парадигмы и ее проблематики. В свою очередь корректность внесённая в терминологию контактной лингвистики расширяет границы лингвистических познаний. Она также внесет большой вклад в развитие областей науки, которые в дальнейшем развиваются вместе с изучением актуальности языка для социальных проблем общества, этнических групп.

Список использованной литературы:

1. Розенцвейг В.Ю. Основные вопросы теории языковых контактов. -В кн: «Новое в лингвистике», вып. VI, М.: 1972. - С.5.
2. Вандриес Ж. Язык. М.: 1968. - С.257
3. Вайнрайх У. Языковые контакты. – Киев: Вища школа. - 1979.
4. Лингвистический энциклопедический словарь. М., 1990. С. 237.
5. Розенцвейг В.Ю. Языковые контакты. Л.: 1972. С. 3.
6. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990. - С.19
7. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990. - С.497
8. Лингвистический энциклопедический словарь. М.: 1990. - С.499
9. Перетрухин В.Н. Введение в языкознание. Белгород, 1966. - С.65
10. Молодкин А.М. Взаимодействие языков разного типа в этнокультурном контексте. – Саратов: Изд-во Саратов, 2001.

“ТИЛИ ЎРГАНИЛАЁТГАН МАМАЛАКАТ АДАБИЁТИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШ, ТАЛАБАЛАРНИ ТАНҚИДИЙ ВА ИЖОДИЙ ФИКРЛАШ ВА МУЛОҚАТГА ЎРГАТИШ МУАММОЛАРИ

Абдувалиев Маҳаматжон Арабович, Воситов Валижон Абдуваҳобович, Ибрагимова Гулчеҳра Мадаминжановна, Юсупова Хабиба Мухиддин қизи
Андижон давлат университети

Аннотация: *Мазкур мақола “Тили ўрганилаётган мамлакатлар адабиёти” фанининг мақсад ва вазифалари, талабалар танқидий, ижодий фикрлаш ва коммуникатив компетенцияларини ривожлантиришга йўналтирилган фаолиятларини самарали ташкил этишнинг долзарб масалаларини тадқиқ этиш ва бу борада турли машқ ва фаолият топшириқлари тизимини яратишга бағишланади.*

Калит сўзлар: *Америка адабиёти, ривожланиш босқичлари, адабий оқимлар, намоёнда, бадиий адабиёт, жанр, миллий адабиёт, танқидий баҳо бериш, ўқитувчи-талаба ҳамкорлиги, Камала Вижератне, В. Шекспир.*

ПРОБЛЕМЫ ПРЕПОДАВАНИЯ «ЛИТЕРАТУРА СТРАНЫ В ИЗУЧЕНИИ ЯЗЫКА», ОБУЧЕНИЕ КРИТИЧЕСКОМУ И ТВОРЧЕСКОМУ МЫШЛЕНИЮ И ОБЩЕНИЮ СО СТУДЕНТАМИ

Абдувалиев Махаматжон Арабович, Воситов Валижон Абдувахобович, Ибрагимова Гулчехра Мадаминжановна, Юсупова Хабиба Мухиддин кизи
Андижанский государственный университет

Аннотация: *Статья посвящена изучению роли и места предмета «Литература страны, язык которой изучается» в развитии критического творческого мышления и коммуникативных компетенций студентов, а также вопросам выработки эффективной способы организации своей деятельности с помощью различных видов упражнений и заданий.*

Ключевые слова: *американская литература, этапы развития, литературный тренд, репрезентативность, художественная литература, жанр, национальная литература, критическая оценка, сотрудничество учителя и студента, Камала Вижератне, В. Шекспир*

PROBLEMS OF TEACHING “THE LITERATURE OF THE COUNTRY WHOSE LANGUAGE IS BEING LEARNED” AND FORMING CRITICAL, CREATIVE THINKING SKILLS AND DEVELOPING COMMUNICATION COMPETENCES OF STUDENTS

Abduvaliev Mahamatjon Arabovich, Vositov Valijon Abduvahobovich, Ibragimova Gulchehra Madaminjanovna, Yusupova Xabiba Muhiddin qizi
Andizhan State University

Annotation: *The article is devoted to the study of the role and place of the subject “The literature of the country whose language is being learned” in the development of critical creative thinking and communicative competences of the students and the issues of working out the effective ways of the organization of their activities via various types of exercises and tasks.*

Key words: *American literature, development stages, literary trend, representative, belles-lettres, genre, national literature, critical ivaluation, teacher-student interaction, Kamala Wijeratne, W.Shakespeare.*

Мамлакатимизда чет тиллар бўйича педагогик кадрлар тайёрловчи таълим йўналишлари Давлат таълим стандартлари, ўқув режаларида “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” фанини иккинчи босқич учинчи ва тўртинчи семестрларида (маърузалар: 40 соат, семинар машғулотлари: 44 соат, мустақил таълим: 66 соат) ўтиш кўзда тутилган.

Фанни ўқитишдан кўзланган асосий мақсадлар қуйидагилардан иборат:

1. Буюк Британия ва Америка адабиётларининг шаклланиши, ривожланиш босқичлари, адабий оқимлар ва уларнинг йирик намоёндалари, асарлари ҳақида назарий ва амалий билим, кўникма ва малакаларни шакллантириш.

2. Мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида рўй берган воқеалар, уларни бадиий адабиётда акс эттирилишидаги муаммолар ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш ва бу борадаги хусусий танқидий нуқтаи назарларни чет тилида эркин баён этиш компетенцияларини ривожлантириш.

3. Инглиз ва Америка адабиётининг турли жанрларига мансуб асарларни чет тилда тезкор ўқиш, мазмунини сўзлаб бериш, асарда илгари сурилган ғоя, асар муаллифининг ижтимоий дунёқараши кабиларга тавсифлар беришга ўргатиш.

4. Адабиётшунослик, миллий адабиётга хос термин ва тушунчалар ҳақида билимларга эга бўлиш, уларни асар матни ва адиб услубиёти таҳлили жараёнида фаол қўллашга ўргатиш.

5. Талабаларнинг эстетик дидларини ривожлантириш, инсонпарварлик, бағрикенглик, садоқат, фидоийлик каби умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш.

6. Талабаларнинг лингвокогнитив ва лингвомаданий билимларини ўстириш кабилардир.

Юқорида санаб ўтилган мақсадлар ушбу фанни ўқитиш жараёнини самарали ташкил этиш учун қуйидаги зарурий талабларни амалга оширишни тақозо этади. Булар жумласига қуйидагиларни киритиш мумкин:

- Маъруза ва семинар машғулотларини махсус тайёргарликка эга бўлган ёки бу борада кўп йиллик амалий ва хорижий тажрибаларни эгаллаган соҳа мутахассиси ўтиши зарур.

- Маъруза ва семинар машғулотларини ўтказишнинг замонавий ва турли туман самарали усул ва технологияларни ўз ичига олган ўқитувчилар ва талабалар фаолиятларини мақсадга қаратилган тарзда ташкил этишга йўлловчи ўқитувчилар ва талабалар китоблари (Teacher’s book, Student’s book)ни яратиш. Улар ўқитувчи ва талабаларнинг ижодий ва илмий салоҳиятларини ўстириш баробарида, улардаги лингвистик, методик, прагматик ва нутқий компетенцияларини баб-баробар тарзда ривожлантириб боришни, бунда ўқитувчига ўқув материалини танлаш, тақдим этиш, талабалар фаолиятини ташкил этиш борасидаги хусусий стратегияларини қўллаш эркинлигини бериш мақсадга мувофиқ бўлади. Ўқитувчилар китобининг мазмун-моҳияти ягона бир қолипга солинган, бир хил ёки ўхшаш фаолият ва турли-

туман вазият ва нутқий ҳолатлар учун мўлжалланган интерфаол ўқитиш усулларини амалиётга жорий этишдан иборат бўлмоғи зарур.

- У ёки бу адабий оқим ҳақидаги матн, унинг етакчи намоёндалари қаламига мансуб асарларни ўқиш ва идрок этиш борасида ўқитувчи турли йўналтирувчи саволларни моҳирлик билан шакллантириши ва ўқитишнинг керакли босқичида тақдим этиши муҳим ҳисобланади. Бундайлар жумласига матн (асар) мазмунини билиш учун ўқиш (Reading for meaning), ўқиш орқали маълум хулосалар чиқариш (Reading for inference), адибнинг баён услуби, асарнинг жанр, стилистик, прагмалингвистик, лингвокогнитив, лингвомаданий хусусиятларга маълум чизгилар бериш мақсадида ўқиш (Registering stylistic, linguopragmatic, linguocognitive and linguocultural features), адабий оқим, адиб ижодий фаолияти ва асарига танқидий баҳо бериш (critical ivaluative questions)га қаратилган саволлар кабилар киради. Юқоридагилар дарс машғулотининг маълум босқичларида амалга оширилади ва бу жараён ўқитувчи-талаба (Teacher-student interaction) ҳамкорлигига асосланиши, маълум мақсадга қаратилган саволлар тил ўрганувчиларнинг жуфт ёки жамоа бўлиб ишлашига қаратилмоғи лозим.

- Ўқитувчи томонидан бериладиган савол ва топшириқлар матн хусусиятлари ва таълимий мақсадлардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилгани мақбул. Улар (машқ ва фаолиятлар) ўқиш, муносабат билдириш ва баҳолашнинг махсус усули сифатида намоён бўладилар. Шу маънода Шри Ланкалик мутахассис Камала Вижератне томонидан қуйидаги шеърий асар бўйича тақдим этилган топшириқ ва саволларни мисол қилиб кўрсатишимиз мумкин:

Hurt No living thing

Christina Rossetti

Hurt no living thing:
Ladybird, nor butterfly,
Nor moth with dusty wing,
Nor cricket chirping cheerily,
Nor grasshopper so light of leap,
Nor dancing gnat, nor beetle fat,
Nor harmless worms that creep.

Questions:

Level I

Reading for meaning:

(1) There are a number of creatures in the poem – What are they? How can you distinguish them?

(2) make a list of creatures/ write adjectives and adverbs that describe them as in the example: *cricket - chirping cheerily.*

Level II

Inference living thing:

(3) To whom is the poet saying “Hurt No living thing”

(4) Why does she say “Hurt No living thing”?

Level III

(5) What are the words that suggest innocence of these creatures?

What are the vulnerability of the creatures?
What are the words they give pleasure to humin beings?

Level VI

(6) How many of the following ideas is the poet trying to convey through the poem?

Life how ever tiny is precious and should be respected.
There is beauty even in the smallest forms of life.
Man and other forms of life should exist.
Small creatures are not important and could be killed.
God has created all forms of life.

(Kamala Wijeratne, 62-63)

Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти фани таҳсили жараёнида талаба адабий оқим, асар муаллифи ва асар матни билан иш кўради. Бу матн оддий шеър, ҳикоя, роман ёки пьеса кабиларда намоён бўлади. Чет тилдаги бадиий асарни ўқишда унинг мазмуни, композицияси, унда кўтарилган масалалар, ғоя, мавзу, қаҳрамон ва бошқа бир қатор масалаларни ўрганиш, таҳлил этиш, зарур хулосаларга келиш учун фойдаланиладиган бир қанча усуллар, фаолият механизмлари мавжудки, улардан моҳирона фойдаланиш фан мақсад ва вазифаларини муваффақиятли равишда амалга оширишга ёрдам беради. Бундай топшириқлар жумласига қиёслаш, ўрин алмаштириш, тартибга солиш (тартибли жойлаштириш), тугаллаш, башорат этиш, таснифлаш кабилар киради. Масалан:

1. Fill in the parts of the table illustrating common and specific features of Romanticism and critical Realism in English literature:

Romanticism specific features	**Common features of both trends in literature**	**Critical Realism specific features**
1. 2. 3. etc.	1. 2. 3. etc.	1.2. 3. etc.

II. Make up the chronological order of the events that happened with Robinson Crusoe and Gulliver ва хоказо.

III. Make up the list of the positive and negative characters of the tragedy “Hamlet” by W.Shakespeare and give your reasons in the written forms.

Юқоридаги услублар қаторига адабий асар матни таркибига кирувчи тил бирликларининг семантик, стилистик, прагматик хусусиятларини кашф этишга ёрдам берувчи компонент таҳлил, катта қисмли асар матнини содда ва лўнда шаклга келтиришга ва баён этишга ўргатувчи адаптив фаолият турларини фарқланишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Юқоридаги каби ижодий фаолиятлардан бири тақдим этилган гап микро ёки макро матн қисмларини матн мазмунига ёки тил бирликлари тузилиши жараёнларига таянган ҳолда тугаллаш ёки ўрнини тўлдиришдир. Бу фаолият талаба бадиий асар матнининг маълум қисмини ўқигандан сўнг, у эгаллаган билимларини мустаҳкамлаш ва синаб кўриш мақсадида амалга оширилади. Масалан, бу тоифага қуйидагича топшириқлар берилиши мумкин:

Берилган гапларни сиз ўқиган асар қисми мазмуни учун муҳим бўлган сўз, сўз бирикмаси билан тўлдиринг ва пайдо бўлган микро матн мазмунини сўзлаб беринг. Масалан:

Lanny graduated from the colored boy`s High school in Cape Town. He was offered ….. in that High school. But he couldn`t take it. He had to go home. Because he was sent there by … They had sent him to Cape Town to get …

He had won a scholarship and got a diploma, and then he had won another grant and got …

The son was returning with even more success that the community had hoped for. He arrived by … . There at the station he met a ticket collector "Nice day" Lanny said "I`m returning home after … the ticket collector stared at him with a cold hostile stare. Lanny suddenly remembered. This was Highveld and on the Highveld one couldn`t speak … Later on at the coffee house he was beaten by a white man because he was … and … He was met by his people. They looked poor and thin, Mabel, his sister worked while having a talk with her son Mrs. Swartz told him that Baas Gert had given money to send him … his homeplace was called Stilleveld. It had been the birthday place of a new people. They were neither … nor … (The Path of Thunder by P.Abrahams, part one, "Home")

Асар қаҳрамонлари ўртасида кечган қуйидаги диалогларни уларнинг мазмунига путур етказмаган ҳолда зарур бўлган гаплар билан тўлдиринг. Диалоглар таркибига кирувчи гапларнинг синтактик тузилиши, маъноларидан четлаш сабабларига изоҳ беринг:

Sarrie: What is the matter my dear? … Tell me

Lanny: I am son of old Gert Villier

Sarrie: But doesn`t matter my dear, I`m still not related to you ….

He was not a Villier. It`s only the name.

Lanny: Is that true?

Sarrie: …… Everything is all right.

Lanny: ……I`d lost you.

Sarrie: You`ll never lose me. Remember, …..

Lanny: Celia is here.

Sarrie: I know. But you must go back.

Lanny: You don`t mind?

Sarrie: …… Why should I mind? I would only mind if anything went wrong with you, Lanny

(What is wrong? I thought, don`t worry about anything, my father was a founding, It is true, I`m in your heart. Not at all)

Берилган матндаги нотўғри маълумотларни аниқланг ва тўғри маълумот билан алмаштиринг:

Lanny left home when he was 15. English was the language of communication in Stilleveld. The forebears of the little colored community of Stilleveld were the white folks who lived in the big house on the hill and those on the surrounding farms. You are a great man, son and you can`t do great things for us, said the preacher. Gert Villier warned Lanny not to make wrong steps in Stilleveld. Mako was really a mad man. Celia was Lanny`s second love who lived in Cape Town. Fieta loved mad Sam but he didn`t.

Celia came to Stilleveld to see Lanny`s school. At the end of the novel Lanny and Sarrie decided to part. They kneeled before Nationalism, race discrimination and unequality.

Асардаги воқеалар ривожи, қаҳрамонлар тақдири келажакда қандай бўлишлигини асарнинг маълум қисми ўқилгандан сўнг башорат қилишга чорлаш ҳам талабаларни ижодий фикрлашга, изланишга ундайдиган фаолият тури ҳисобланади. Талабаларга ёрдам тариқасида тўғри ва нотўғри маълумотларни ўз ичига олган гап ёки гаплар қатори тақдим этилиши мумкин.

Масалан:

1. What does the title "An American tragedy mean?
2. The novel was written against cheap romantic stories which told about poor youth who made fortunes and married girls from well-to-do families.
3. Formation of Clyde`s character: poor, humiliated, sensitive, greediness for wealth and position among the rich because of social environment.
4. Clyde loves Roberta but kills her because of Griffiths, a girl from a rich family.
5. Clyde is accused of Roberta`s murder, his death on an electric chair.

Ёки турли башорат вариантлар акс этган воқеалар талабаларга тарқатилади ва улар тўғри деб ҳисоблаган жавобларини белгилайдилар. Натижалар жавоб калитлари орқали текширилади. Масалан:

Clyde`s murder is sure to be proved and the final verdict of the court of justice will be:

1. Clyde will be sentenced to a long time imprisonment.
2. He will be sentenced to death on an electric chair;
3. Clyde will be sent into exile.

Бу каби фаолиятлар талабаларга асар унинг ўқилмаган қисми борасида даслабки хулосалар чиқаришга ёрдам беради.

Бадиий асарлар мазмуни ва асар муаллифи томонидан қўйилган максад у томондан асар ифодалилигини таъминлаш, асарга давр руҳини сингдириш, ижобий ва салбий қаҳрамонлар, уларга хос фазилатларни аниқлашда таснифлаш ва тавсифлаш фаолиятига ўргатиш ҳам самара беради. Бу жараёнда қиёслаш фаолияти ҳам амалга оширилади. Бу драматик асарнинг маълум қисмларини ёки асар тўлигича ўқиб бўлингандан сўнг қўллаш тавсия этилади. Масалан, инглиз ёзувчиси Ж.Свифт қаламига мансуб "Гулливернинг саёҳатлари" асарини ўқиш жараёнида ёки уни ўқиб бўлгач, талабалардан изоҳ бериш сўралади :

1. Explain the reasons of the usage of archaic in form words in the text of the novel: shew (show) buildeth, betwixt, durst, brethren etc.
2. What is the essence of using such place and other names which were created and used by J.Swift: Brobdignag, Laputu, Hekinah, Degul, Blefuscu etc.
3. Give your comments to the underlined words, word combinations: I had quite lost my stomach and was almost reduced to, a skeleton; I heartily wished I might there end my days; The light offended my eyes; We trusted ourselves to the mercy of the waves. The town is capable of holding five hundred thousand souls; I emptied the liquor of ten vessels.
4. Speak about the syntactic stylistic devices like repetition of sentences syntactic parallelism, sentences with abnormal structure and inserted ones etc.

5. You know Swift touched all the spheres of life in his satirical work: government systems, court life, education, science, war and peace issues, just and unjust kings etc. Do you think he could do it, well?

6. Give your comments to the meanings of the following emotional-expressive words: grief, terror, joy, kindness, graciously, mighty, magnificent etc.

7. Explain the concrete meanings of political "mother", "moon", "souls" etc in the text of the novel.

Асар матнида кўтарилган муаммолар, уларнинг тўғри ечими таъминлаш ва муаммо ечими бўйича талаба(лар)нинг шахсий ёндашуви ва уларнинг фикр-мулоҳазаларини билдириш эркинлиги ҳаётий муаммолар ва уларни хал этиш борасида тўғри қарорлар қабул қилишга ўргатади. Ушбу жараёнда талаба асардаги вазият иштирокчисига, қаҳрамонга айланади. Бундай фаолият қуйидаги савол ёки машклар тизими орқали йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқ:

Do you think that Lanny made a right decision to come back home? Why?

Do you see any differences between Cape Town and Stilleveld? If yes, point out the main differences.

Try to give the definition to colored people and tell about the origin of them.

Why did Fieta ask Lanny to leave Stilleveld?

How do you comment the fact that the preacher was educated but illiterate?

What would you do if you were Lanny? Would you continue to love Sarrie?

Would you kneel before the problems, he faced?

What do you think of the Villiars?

Could you share your impressions on the novel with your friends?

Ўрин алмаштириш топшириқлари матн таркибидаги сўз харф, сўзлар, сўз бирикмалари ёки гапларни бошқалари билан алмаштириш орқали содир бўладиган семантик, тартиб ва стилистик ўзгаришларни идрок этишга ўргатади, бир мазмунни турли ифода воситалар орқали ифода этиш имкониятларини кегайтиради.

Write modern forms of the given archaisms in Gulliver`s travels:

Brethren-, hath-, tyed-, durst-, betwixt- etc.

Replace the underlined words and word combinations with corresponding synonyms:

I would hide the facilities and defornities of my political mother; a six days journey once in every moon etc.

Replace sentences with corresponding forms of other sentences with the same content:

Man Mountain took me away despite my illness etc.

Тартибли жойлаштириш бадиий матн тартибидаги тўғри ва нотўғри сўз тартибли гаплар, сўз бирикмаларининг меъёрий грамматик тузилиши, матн таркибини параграфларга бўлиш, баён тартиби бўйича кўникмалар ҳосил қилишига хизмат қилади. Бунда параграфлар таркибидаги сўзлар чалкаш ҳолда талабалар эътиборига тақдим этилади. Мазмунан боғланган гапларни ҳам шундай ҳолатга келтириш мумкин. Талабалар бу фаолиятни якка ҳолда ёки гуруҳ-гуруҳ бўлиб ёзув тахтасига ёзишлари мумкин.

Recreate order of words and sentences without changing the meanings:

When that happens I go mad.

"I see, Lanny slowly said. He went on: Sam seemed this to understand. You see so, the people right are when say they I`m mad. How did Sam happen it? True it is (Peter Abrahams, 74)

Бадиий асарнинг маълум қисм (лар)и ўқиб бўлингач, бажариладиган самарали фаолиятлардан бири у ҳақида иншо, баён ёки ҳикоя ёзишдир. Бу фаолият дарсдан ташқари вақтларда амалга оширилгани мақбул. Лекин ёзма иш мазмуниннг моҳияти, унинг ифода ва баён услуби, фикрлар изчиллиги ва узвийлиги ҳақидаги муҳокамалар семинар машғулотлари жараёнида уларга талабалар томонидан берилган тақризлар асосида амалга оширилади. Бу фаолият талабаларда ёзма нутқ кўникмаларини ривожлантириш баробарида, илмий-ижодий ва танқидий фикрлаш салоҳиятларини оширишга хизмат қилади. Иншо, баён ёки ҳикоя мавзулари рўйҳати фан ўқитувчиси томонидан тузилади ва танлов учун тақдим этилади.

1. Write an essay on the first book: Home is home be it ever so homely. While writing pay attention to the following points:
   a) The end of the Eight.
   b) You are welcome Lanny Swartz.
   c) New life, new problems in Stilleveld.
2. Write a narrative story of the book, you have read recently and ask your friends to give his/her reviews on the work.
3. Dignity is important for womankind (having read "Sister Carrie" by Th. Dreiser).
   a) Strange companions on the way to Chicago.
   b) Hunting for a job.
   c) For the sake of fame and wealth.
   d) What you sow you shall mow etc.

Бу каби хилма-хил, ранг-баранг ҳаётий фаолият турлари тил ўрганувчиларда бадиий асар таҳлили, унинг мазмуни, ифода воситалари ҳамда асарда илгари сурилган ғоя ёки муддаолар кабиларни тезкорлик билан илғаб, тушуниб олишга ўргатади ва уларнинг чет тилдаги сўзлашув ва баён кўникмаларини ривожлантиради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Kamala Wijeratne. Putting literature back on the Educational Map in Sri Lanka in: Teaching literature. London, Macmillan publishers limited, 1992.
2. Sinclair J.M. The integration language and literature in the English Curriculum, in R. Carter and D. Burton, literary Text and language study. London, 1982.
3. Burton G. and Dimbleby R. Teaching communication. London, 1990.
4. Valdes J.M. Culture Bound: Bridging the cultural gap in language teaching. Cambidge, Cambridge University Press, 1986.

ТИЛШУНОСЛИКДА КОГНИТИВЛИК, ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ УРГАНИШ ОМИЛЛАРИ

Шакурова Наргиза Хамракуловна
Карши давлат университети укитувчиси
Тел: 91 223 79 23

АннотацияЖ *Мазкур мақолада когнитив тилшунослик тилни маданий ходиса сифатида*

ўрганадиган ва инсоннинг билим ва тажриба курилишини ўрганадиган фан сифатида ёритиб берилган. Когниция бевосита ва билвосита лисон ва шубҳасиз маданият билан алоқадорлиги ҳакида маълумот берилган. Бугунги кунда лингвомаданияттшунослик тилшуносликнинг жадал ривожланаётган, тилда ўз ифодасини топаётган ва халклар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларининг муайян бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йўналиш сифатида талқин қилинаётганлиги шак шубҳасиздир.

Мақолада концепт яъни тушунчани икки турга ажратилган. Биринчи тур концепт универсал бўлиб у сўзларнинг умумий маъносини англатади, иккинчи тур концепт эса ўз ичига маданий миллий қийматга эга бўлган концептларни ўз ичига олади. Муаллиф томонидан «ОНА» тушунчасининг когнитив-фрейм ва маданий аҳамияти таҳлил этилиб, мавжуд муаммолар ҳал этишда соҳа мутахассислари билан олиб борилган ижодий ҳамкорлик натижасидаги таҳлилий фикрлар асосида хулоса берилган.

Таянч сузлар: *Когниция, концепт, лисон, маданий модел, социолингвистика, прагмалингвистика, экзистенциал, лингвомаданий концепт.*

ЯЗЫК, КОГНИЦИЯ И КУЛЬТУРА В СВЕТЕ ЛИНГВИСТИКИ.

Шакурова Наргиза Хамракуловна
Преподаватель Каршинского государственного университета
Тел: 91 223 79 23

Аннотация *В этой статье анализируется когниция и культура как взаимодействующим*

друг с другом и с другими системами в частности с языком. В статье представлена отношение культуры и когниции в рамках двух измерений: во первых существование культуры является результатом и выражением когнитивных способностей человека, во вторых человеческие общества оформляющие культуру любого аспекта человеческой жизни. В предыдущие дни лингвокультурология является как развевающая современная наука так как язык и когниция является культурное измерение. Культурную когницию нужно рассматривать параллельно в разнообразных коммуникативных событиях осознавая культурных концептуализации , культурных моделей , и схем. И так когниция делиться на две смысловые части: универсальный концепт который означает общий смысл слов, второй тип концепт который включает в себе науку культуру.

Автор проанализировал концептуально-когнитивные особенности фрейм «ОНА» «МАТЬ» и сделал выводы на основе аналитических мнений в творческом сотрудничестве с мастерами в решении существующих проблем.

Ключевые слова: *Концепт, когниция, лингвистика, модель культуры, социолингвистика, прагмалингвистика, экзистенциал, концепт лингвокультурологии*

LANGUAGE, COGNITION AND CULTURE IN THE SPHERE LINGUISTICS

Shakurova Nargiza Khamrakulovna
Lecturer at Karshi State University
Shakurova Nargiza Khamrakulovna
Lecturer at Karshi State University
Tel: 223 79 23

Annotation *This article analyzes cognition and culture as interacting: with each other and with other systems, in particular with the language. The article presents the relationship of culture and cognition in two dimensions: firstly, the existence of culture is the result and expression of cognitive abilities of a person, secondly, human societies form the culture of any aspect of human life. In previous days, linguoculturology is like a fluttering modern science since language and cognition is a cultural dimension. Cultural cognition needs to be seen in parallel in a variety of communicative events, being aware of cultural conceptualizations, cultural patterns, and patterns. And so cognition is divided into two semantic parts: a universal concept which means the general meaning of words, the second type of concept that includes the science of culture. The author analyzed the conceptual and cognitive features of the "OHA" "MOTHER" frame and made conclusions based on analytical opinions in creative collaboration with the masters in solving existing problems.*

Key words: *concept, cognition, linguistic, sociolinguistic, pragmalinguistic, conceptualization, existential.*

ТИЛШУНОСЛИКДА КОГНИТИВЛИК, ТИЛ ВА МАДАНИЯТНИНГ ЎРГАНИШ ОМИЛЛАРИ.

Когниталогия тафаккур ҳақидаги фан бўлиб, унинг таянч нуқтаси тилшуносликдир. Когнитив тилшунослик фани XX асрнинг иккинчи ярмида ахборот технологиялари тараққиёти оқибатида юзага келган сунъий интеллект тизими воситаларида оид мушоҳада, саволларга жавоб изловчи фан сифатида пайдо бўлди. Бу фан хам инсоннинг билиш фаолиятини ўрганадиган фанлар таркибига киради. Тилни маданий ҳодиса сифатида ўрганадиган , инсоннинг билим ва тажриба қурилишини текширадиган фан бу когнитив тилшуносликдир. Когниция ахборотни қабул килиш, тақдим этиш ва яратиш фаолиятини қамраб олар экан, бу ҳаракатлар лисоний заҳирадан фойдаланиши шубҳасиз, билвосита ёки бевосита алоқадор булади.

Д.С.Лихачёвнинг таъкидлашича тил ва когницияниг негизи маданий тафаккурдир. Тил турли гуруҳларда шаклланган маълум миллат маданиятининг йиғиндиси ҳисобланади [Лихачев 1992 28 бет]. Демак бу тилшунос ғояларига таянадиган бўлсак тилни маданий ҳодиса сифатида ўрганадиган, инсоннинг билим ва тажриба қурилишини текширадиган фан бу когнитив тилшуносликдир. Когниция билим фаолияти ахборотини қабул қилиш, тақдим этиш ва яратиш фаолиятини қамраб олар екан, бу ҳаракатлар шубҳасиз, билвосита ва бевосита лисон билан алоқадор бўлади. Ш.С.Сафаровнинг фикрича, когнитив

тилшуносликнинг асосий вазифаси инсон онгида кечадиган ментал жараёнларни лисоний фаолият билан боғлиқ холда ўрганишдир, унинг маълум объекти эса билим олиш, уни амалда қўллаш ҳамда узатиш манбаи ва уни шакллантирувчи восита бўлган тил тизими ҳисобланади [Сафаров 2006 р11]

Тилшунослар фикридан шуни англаш жоизки, лингвомаданиятшунослик бугунги кунда тилшуносликнинг жадал ривожланиётган , тилда ўз ифодасини топаётган ва ҳалқлар маданиятини кишилар ўртасидаги муносабатларнинг муйан бир шакли сифатида тадқиқ қилинаётган янги йуналиш сифатида талқин килиш мумкин.

Таниқли социолог олим Роберт Уотноу ўзининг " Ҳалкнинг ҳаётий луғати"

номли китобининг кириш қисмида маданиятни таҳлил қилиш тадқиқотларнинг муҳим хусусиятларидан бири уларни фанлар аро , яъни антропология, адабий танкид, сиёсий фалсафа, диншунослик, маданият тарихи ва когнитив психологиялар билан ўзвий тадқиқ қилиниши керак деб

Айрим тадқиқотчилар концептни турларга ажратади (Фрункина) " Тил тизимида иккита турли концептлар бор. Биринчи тур концептлар универсал маъноли концептлар бўлса, иккинчи тур концептлар ўз ичига маданий-миллий қийматга эга бўлган концептларни қамраб олади". Олима иккинчи тур концептларини ҳам ўз навбатида иккига ажратади: а) лингвомаданият спецификаси билан изоҳланадиган б) миллий менталитедни англашга хизмат қиладиган калит элементи (Джусупов Н. М. лингвокогнитивные аспекты исследования символа в художественном тексти. Автореферат).

С.Т.Воркачев эса лингвомаданий концептлар таркибида бутун ва қисм универсал ва специфик икки хил семантик аломатларни ажратиш мумкинлигини эътироф этади 1) Тилнинг барча кўриниши учун умумий бўлган семалар,улар семантик парадигмани мустаҳкамлайди ва унинг тушунчавий ёки прототип асосини ҳосил қилади. Иккинчи тур концептининг таркибида унинг намоён бўлиши учун ҳеч бўлмаганда қисман хизмат қиладиган семантик белгилар бўлади, бу белгилар лингвокультура , этикосемантик специфика билан ажратилади ва тил ташувчининг менталлиги ёки шахснинг тил менталитети билан боғлиқ бўлади. Тадқиқотда бутун ва қисм, универсал ва специфик системага бўлиниш асосий шарт қилиб белгиланган.

Юқоридаги таърифларнинг барчасида концептга миллий – маданий менталлик бирлиги сифатида баҳо берилганини кўзатамиз. Менталликнинг миллий – маданий хусусиятларини очиб кўрсатиши кўпгина соҳалар юқорида таъкидлаганимиздек " когнитив тилшунослик , лингвокультурология , этиколингвистика , тил антрапологияси, гендрология) нинг асосий масаласи бўлиб келмоқда. Кўрсатилган соҳаларнинг барчасида менталликнинг асосий бирлиги деб концепт белгиланган. Биз мисол тарикасида ОНА концептини кўриб чиқишимиз мумкин. Оналик хомиладорликдан бошланади ва онанинг қолган ҳаёти билан давом этади. Оналик ва унинг хусусиятлари – яратиш, озиқлантириш, кузатиб бориш, ҳимоя қилиш, ғамхўрлик қилиш, меҳр бериш қобилияти билан ажралиб туради.

Оналик – бу мураккаб жараён булиб она ва бола ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг хусусиятлари шунингдек оиланинг роли билан боглиқ харакатлар. Онанинг бу роллари хусусиятлари ажралмас булиб улар барча маданиятларга хос универсал маъноga эга.

Маълумки турли тиллар маданияти турлича бўлганлиги сабабли семантик концепцион тузилишларининг фарқларини намойиш этади. Бундай маданий тафоввутлар инглиз ўзбек ва бошка тиллар орасида мавжуд.

Бундай тафоввутларга мисол қилиб "Она" тушунчасини семантик тузилиши ва вербаллашувини куриб чиқамиз . Агар барча жамоа учун универсал булган концепциялар мавжуд бўлса бу оддий концептсферани англатади. Муайян жамиятнинг қиймат тузилишини акс эттирган тушунча бутунлай бошқача . Турли маданиятларда , жамиятларда ,тарихий даврларда ахлоқий тартибни ёки эстетик, прагматик ва бошқа қадриятларни тушунишга концептуализацияга таъсир қилувчи зарур шартлар ва фарқлар мавзусида "Она" тушунчаси табиий равишда антроник кундалик когнитив концептсферасини дастлабки тушунчаларини англатади , чунки "она" инсоннинг асосий тушунчасидир .Бошқа томондан ушбу концепция маданий ва ижтимоий ахамиятга эга тушунчадир ,чунки у ҳар бир этноснинг ахлоқий,эстетик, прагматик ва бошқа ҳолатлардан келиб чиқадиган ғоялар акс эттиради . Шундай қилиб "ОНА"тушунчасининг икки томонлама когнитив-фрейм ва маданий ахамиятга эга тузилиши ҳақида гапириш мумкин. «ОНА» тушунчаси факатгина фарзандни дунёга келтирган аёлларга эмас балки фарзанд боқиб олган аёлларга нисбатан хам қўлланилади. Шундай килиб биринчи тоифадаги аёл биологик , иккинчи тоифадаги аёл эса нобиологик она тоифасига киради. Учинчи тоифадаги «ОНА» га нисбатан эса «УГАЙ ОНА» атамаси қўлланилиб иккита тоифадаги аёллардан фарқли ўларок фарзндлари мавжуд бўлган эркакга турмушга чиккан аёлларга нисбатан қўлланилади. Ҳар учала лексик қатлам турли концепт-когнитив хусусиятларни англатади. Биринчи биологик «она»га нисбатан яратиш, озиқлантириш, кузатиб бориш, химоя қилиш, ғамхўрлик қилиш, меҳр бериш

каби тушунчалар қўлланилади. Иккинчи тоифадаги нобиологик «ОНА» га нисбатан эса яратиш, озиклантириш концепти қўлланиб бўлмайди, қолган кузатиб бориш, ҳимоя қилиш, ғамхўрлик қилиш, меҳр бериш каби тушунчалар муҳитга қараб иккиламчи бўлади. Учинчи тоифадаги «ЎГАЙ ОНА» сўзига мутлақо зид бўлган меҳрсиз, бағритош тушунчалари келтирилади .Бундан ташқари «ОНА» концепти метафораларидан иборат. Бунга мисол килиб ОНА ВАТАН, ОНА ЗАМИН, ОНА ТУПРОҚ атамаларини олишимиз мумкин.

Ҳар бир давр ўз фани олдига ижтимоий тараққиёт талабларидан келиб чиққан ҳолда муйян талабларни қўяди ва тадқиқ объектини диққат қилиш лозим бўлган жиҳатларига урғу бериб тадқиқ методологияси методини тайинлайди.

Бугунги кунда тилшунослигимиз лисоний бирликлар тадқиқидан нутқ бирликларини ўрганишга, лисоний имкониятларнинг воқеланишини кузатиш босқичига қадам қўйди. Лингвокогнитология шундай йўналишдан биридир. Лингвокогнитология тил бирликларининг замиридаги билим заҳирасининг структурасини тадқиқ қилади. Билимни система сифатида ўрганиб, унинг систем хусусиятларини очишга хизмат килади.

Концепт лингвокогнитологиянинг таянч тушунчаси. Когнитив концепт бошка концептлардан фарк қилади. Лисоний бирлик ўзи акс эттираётган билим системаси билан яхлитликка олингани билан когнитив концепт мақомига эга бўлади.

Адабиётлар руйхати.

1. Вержбитская А. Язык. Культура. Познание. М. 1996

2. Демьянков.В.З. Когниция лингвистика как разновидность интерпретирующего подхода. М 1994 17-33б

3. Джусупов Н. М. Лингвокогнитивные аспекты исследования символа и художественном тексте. Автореф

4. Лихачёв. Д. С. Очерки по философии художественного творчества. 1996 158б

5. D'Andrade,R A folk model of the mind. / Cultural models in language and thought . New York Cambridge University Press, 1995 p 112-150

6. Fillmore Ch. Frame semantics-Seoul Hashin Publishing Co 1982 p 111-137

7. Lakoff, G, Johnson, M Philosophy in the flesh. The Embodied Mind and its challenge to Western thought New York 1999 p 624

8. М.В. Пириминова. Концепт как основная единица менталности. august@vtsnet/ru

9. Safarov, Sh Kognitiv tilshunoslik. Jizzax Sangzor, 2006.

АДАБИЁТЛАР ДЎСТЛИГИ – ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИДИР

Содиржон ЯКУБОВ,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети
Хорижий филология факультети
Жаҳон адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси,
филология фанлари номзоди

Abstract: *From the ancient, philosophical epics of the East, to the works of people who are built on conflicting opinions and who can fight for their happiness in the face of adversity, the German people love to read. The friendship of these literatures is a unique symbol of the friendship of peoples.*

Keywords. *Oriental, philosophical epic, tradition, friendship of literature, friendship of peoples, art of translation, school of translation.*

ДРУЖБА ЛИТЕРАТУРЫ - ДРУЖБА НАРОДОВ

Содиржон Якубов

Аннотация: *Немецкий народ любит читать от древних философских эпосов Востока до произведений людей, основанных на противоречивых мнениях и способных бороться за свое счастье перед лицом невзгод. Дружба этих литератур - уникальный символ дружбы народов.*

Ключевые слова. *Восточный, философский эпос, традиция, литературная дружба, дружба народов, переводческое искусство, переводческая школа.*

FRIENDSHIP OF LITERATURE - FRIENDSHIP OF PEOPLES

Немис-ўзбек адабиётларидаги дўстона ижодий алоқалар нафақат Ўзбекистон ва Германия адабиётлари ривожига, балки жаҳон адабиётининг бойишига катта ҳисса қўшди. Адабиётшуносларнинг самарали меҳнатлари, илмий изланишлари эса, нафақат илм-фан ва адабиёт назариясининг ривожига, балки ўзбек ва олмон китобхонлари учун қанчадан-қанча ўқишли адабиётлар тақдим этди, зеро адабиётнинг инсон тафаккурини тарбиялашдаги аҳамияти беқиёс бўлгани учун адибларнинг чуқур маънога эга асарлари халқлар маданиятининг юксалишига хизмат қилди.

Жаҳон халқларининг адабиёт, тасвирий санъат, безак, меъморчилик ва бошқа маданият соҳасидаги олимларидан тортиб оддий зиёли хизматчиларгача, ҳаммани, дастлаб, ўзбек мумтоз адибларининг китоблари, кейинчалик замонавий ёзувчиларимизнинг гуманистик ғояларга суғорилган асарлари доим қизиқтириб келган. Европа китобхонлари ҳозир ҳам Шарқнинг қадимий, фалсафий мазмундаги достонларидан тортиб, қарама-қарши мулоҳазаларга қурилган, қийинчиликларга қарамай ўз бахти учун кураша оладиган инсонлар тақдири ҳақидаги насрий асарларимизгача, барча-барчасини севиб мутолаа қилишади. Чунки, улар ҳам ўзга миллат адабиётидаги бадиий образларнинг турмуш тарзи, ҳис-туйғулари ва кечинмаларини, адолатсизликка қарши курашларини ўқиб, ўхшашлик топади, миллий зиддиятларга оид тарихий хатоларни тушуниб етади, турли элатлар билан янада руҳан яқинлашади.

Шунинг учун, жамиятда ижтимоий масалалар, қарама-қаршиликлар бўлар экан элатлар аро адабиётларнинг ривожланиши ҳам давом этаверади, муаммоларни адабиётларда бадиий шаклда ёритиш ўзбек адибларининг асосий вазифаларидан бири бўлиб қолаверади.

Ўзбекистон-Германия адабиёти алоқалари бардавомдир. Президентимиз айтганларидек: «Ўзбекистон ва Германия алоқаларининг бугунги ҳолатини холисона баҳолаб, уларни янада ривожлантириш учун устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб олдик.»

Германия адабиётининг кашф этилмаган, ўрганилмаган қирралари ҳали жуда кўп. Шунингдек, Германия учун ҳам Шарқ адабиётининг ҳали очилмган сир-асрорлари талайгина. Шундай экан, ҳар икки юрт адиблари доим ижодий алоқаларни ривожлантириб боришаверади, таржимонларимиз олмон тилидан ўзбек тилига, олмонлик мутахассислар эса ўзбек тилидан олмон тилига асарларни ўгиришни давом эттираверадилар. Ғарб ва Шарқ, Германия ва Ўзбекистон, турли миллат, турли диний эътиқод бўлишига қарамай ҳамда урф-одатлар, маданият ва дунёқарашлари ўзгача бўлмасин бу икки халқни адабиёт доим бирлаштириб туради. Уларнинг адабиётдаги изланишларининг мунтазам давом этиши ҳар иккала халқ адабиётини бойитиб боради, маданиятларининг ривожланишига, халқлар фаровонлигига хизмат қилади.

Ўзбек адибларининг асарлари жаҳоннинг турли тилларига таржима қилинди. Кўплаб ўзга юрт адабиётшунос олимлари ҳалигача ўзбек адабиёти тарихини янада кўпроқ ихлос билан таржима қилишади. Нуфузли кутубхона ва музейларда ҳам тарихий қўлёзмаларимиз қатори замонавий асарларимизнинг босма китобларини

ардоқлаб сақлашади. Босмахоналаримизда юксак даражада чоп этилган китобларимизни европаликлар санъат асари қаторида қадрлашади.

Немис халқи ўзбек халқининг турмуши ва яшаш тарзига, мумтоз адабиётига, тарихига, қадимий меъморчилигу ҳунармандчилигига, тасвирий санъатига, хуллас, ўзбек маданиятига қизиқишлари беқиёс. Шу боисдан улар барча соҳаларда дўстона алоқаларни мустаҳкамлашга интилишади.

Адабиётда ҳам турли довонлардан бирин-кетин ошиб, Ойбекнинг «Болалик», Асқад Мухторнинг «Опа-сингиллар», Иброҳим Раҳимнинг «Тақдир», Саид Аҳмаднинг «Турна», Ҳаким Назирнинг «Янги қўшнилар», шоира Зулфия шеърлари, Худойберди Тўхтабоевнинг болалар севган асарлари, Ўткир Ҳошимовнинг сара ҳикоялари ва қиссалари ҳамда бошқа ёзувчиларимизнинг асарларини маҳорат билан немис тилига таржима қилишди. Ўзбек адабиётининг нафислиги, оддий инсонга хос ҳис-туйғуларга бойлиги, воқеаларнинг аниқ-тиниқ ифодаланиши олмон китобхонларига жуда ёқади, шарқона руҳиятдан чексиз завқланади.

Олмон таржимонларининг меҳнатларини ҳам ҳар қанча шарафласак арзийди. Уларнинг ижодий изланишлари сабабли Германияда ҳамда олмон тилида мулоқот қиладиган Германия атрофидаги қўшни мамлакатларда ўзбек адабиёти машҳур бўлди.

Асрлар давомида туркий ва бошқа тиллар асосида пайдо бўлган адабиётимиз, тарихий қийинчиликларга қарамай энг баланд довонлардан ошиб ўтди. Ўзбек адабиёти сиёсий бўҳронларда талафот бериб бўлса-да, ўз руҳиятини сақлаб қолди. Ўзбек адиблари асарлари жаҳон маданияти дурдоналарига айланди. Бунга адибларимизнинг Европа, шунингдек, олмон адиблари билан бўлган дўстона алоқалари асосий омил бўлгани энг муҳим воқеадир.

Ўзбек китобхонлари ҳам олмон адабиётидан атрофлича баҳраманд бўлмоқдалар. Улар Германиянинг энг улуғ шоирлари ва ёзувчиларининг ўзига хос мураккаб, фалсафий асарларини ўзбек тилида ўқимоқдалар. Таржимонларимизнинг қалами чархланиб, ўзбек тили таржимонлари мактаби вужудга келди.

Ўзбек-олмон адабиётларидаги дўстона ижодий алоқалари Ўзбекистон-Германия сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига ҳам ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзаро ишонч кучли бўлган жойда, икки юрт санъати ва маданиятидан хабардор кишилар доимо ўзаро ҳамкорлик қилишга интилаверадилар. Мамлакатимиз Президенти таъкидлаб ўтганидек, «Ўзбекистон ва Германия ўртасидаги илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш соҳаларида ўзаро ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланмоқда. Мамлакатимизда немис тили ва маданиятига қизиқиш ортиб бормоқда. Сизнинг «Мактаблар: истиқболдаги шериклар» ташаббусингиз муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Кант, Гегель ва Шиллер тили бўлган немис тилини 400 мингдан зиёд ўқувчи ва талабалар ўрганмоқда. Мамлакатимизда немис тили ўқитиладиган мактабларнинг умумий сони қарийб 1700 тани ташкил этади. Сўнгги бир йил давомида немис тили бўйича 400 дан зиёд янги синфлар очилди.»

«... Берлинда имзоланган шартнома ва битимларимиз бугун ҳаётга изчил жорий этилмоқда. Жумладан, «Siemens», «The Linde Group», «Thyssen»,

«Volkswagen», «MAN», «CLAAS», «LEMKEN», «Knauf», «Deutsche Kabel», «Oberhofer» каби йирик немис компаниялари билан биргаликда Ўзбекистонда юқори технологиялар, саноат ва қишлоқ хўжалиги, энергетика, транспорт-логистика, инфратузилмалар соҳасидаги лойиҳалар жадал амалга оширилмоқда.»

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Германия Федератив Республикасига амалга оширган давлат ташрифи чоғида икки давлат ўртасидаги сиёсий, иқтисодий, илм-фан, таълим, маданий-маърифий соҳаларда ҳам кенг кўламдаги ҳамкорлик алоқаларимизни янада кенгайтириш юзасидан очиқ, ошкора музокаралар бўлиб ўтди. Бу тарихий ташриф икки давлат, икки халқ ўртасидаги ҳар томонлама алоқаларни кенгайтиришга, хусусан ўзбек-немис ёзувчилари асарларини маҳорат билан таржима қилиш учун ҳам устувор йўналиш ва вазифаларни белгилаб берди. Олий даражадаги музокаралар натижалари Ўзбекистон-Германия муносабатларида янги имкониятларни очиб беради.

Икки мамлакатнинг бир-бирига яқинлиги, алоқаларининг кучайиши, халқлар дўстлигининг мустаҳкамланишида ушбу юртларнинг адабиёти асосий восита бўлди, яъни:

- бугунги кундаги ўзбек-олмон адабиётларининг, қолаверса санъат ва маданиятининг ўзаро алоқаларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши мозийга бориб тақалади ҳамда ўз тарихига эга.

- Ўзбекистон-Германия адабиётлари алоқалари тарихини бир неча даврга бўлиб ўрганиш мумкин: қадимги давр – Шарқда кўҳна мумтоз адабиёти гуллаб яшнаган давр ҳамда янги замон ўзбек адабиёти даври – замонавий проза йўналишида пайдо бўлган бадиий асарлар даври. Бундай даврларга бўлиб ўрганиш – нафақат илм билан шуғулланадиган, балки оддий китобхонларга ҳам енгилликлар яратади.

- халқимиз олмон адабиёти намоёндалари – буюк Гётенинг фалсафий асарларидан тортиб, замонамизнинг демократ ёзувчиси Анна Зегерсгача, яъни турли олмон адибларининг асарларини ўзбек тилида ўқиш имконига эга бўлди.

- Мумтоз адабиётимиз вакиллари, улуғ шоир ва мутаффакир Алишер Навоийдан тортиб, прозамиз дарғалари, сўз усталари Абдулла Қодирий ҳамда Абдулла Қаҳҳор каби ёзувчиларнинг асарлари олмон тилига ўгирилиши эса олмон адабиётининг ривожланишига салмоқли ҳисса қўшди.

- олмон адабиётшунос олимларининг ўзбек адабиёти ҳақида олиб борган илмий изланишлари натижасида олмон халқи жуда кўп ўзбек адибларининг номини таниди, ижодий фаолияти ва асарлари ҳақидаги маълумотлар билан кенгроқ ва чуқурроқ танишди.

- Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамда Германия Ёзувчилар уюшмасининг ўтказган конференциялари, маданият кунлари ва бошқа тадбирлар натижасида икки халқ орасидаги дўстлик ришталари кучайди. Икки юрт бир-бириниг урф-одатлари, яшаш тарзи, маданияти, санъати, тарихи, табиати, қадимий шаҳарлари билан яқиндан танишди.

Икки мамлакат, икки юрт ўртасида юзага келган дўстлик умид қиламизки барқарор давом этади. Президентимиз Шавкат Мирзиёев Германия Президенти билан бўлган расмий учрашувида сўзлаганидек, «Ишончим комилки, Тошкентда

буюк немис шоири ва мутафаккири Гёте ҳайкалининг очилиши халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорликнинг янги тимсолига айланади...

Биз Германия билан узоқ муддатли ва кўпқиррали алоқаларни ривожлантиришга, ўзаро ишончга асосланган, юксак даражадаги мулоқотни сақлашга муҳим аҳамият берамиз. Аминманки, бугунги музокаралар натижалари Ўзбекистон-Германия муносабатларида янги уфқларни очиб беради.»

Чиндан ҳам адабиётимиз мустаҳкам дўстликка сабаб бўлди, дўстлик эса ижодий муҳитга, янги-янги асарлар ёзилишига, ижтимоий муаммоларнинг ҳал этилишига, ҳатто сиёсий-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишига замин яратди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон ва Германия: Ўзаро ишончга асосланган юксак даражадаги мулоқот. Танланган асарлар. IV жилдлик. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти. 2019 й. III жилд, 311-314 бетлар.
2. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон ва Германия – ишончли, муҳим ва узоқ муддатли ҳамкорлардир. Танланган асарлар. IV жилдлик. Тошкент, Ўзбекистон нашриёти. 2019 й. III жилд, 315-319 бетлар.
3. Конрад Н.И. Запад и Восток. Ред. Восточной литературы. М., 1972.
4. Конрад Н.И. Запад и Восток. (Статьи). М., 1972.
5. Ломидзе Г.Н. Проблемы творческого взаимодействия литератур народов СССР. М., 1960.
6. Неупокоева И.Г. Проблемы взаимодействия современных литератур. М., Изд. АН СССР, 1963.
7. Неупокоева И.Г. Некоторые вопросы изучения взаимосвязей и взаимодействия национальных литератур. М., 1960, 1960.
8. Рашидов Ш. Знамя дружбы. М., «Политиздат», 1967.
9. Саломов Г.Н. Тил ва таржима. Т., «Фан», 1966.
10. Таржима санъати. Т. 1978.
11. Бадиий таржиманинг актуал масалалари. Т. 1977.
12. Шарипов Ж.Т. Шеърий таржиманинг баъзи масалалари. Т., «Фан», 1959.

ЎЗБЕК ТИЛИДАГИ ГЕНЕРОНИМЛАР ВА ХАЛҚ ТОПИШМОҚЛАРИ

Ш.М.Искандарова, ФарДУ профессори
Холдарова Ирода.Валижоновна., ФарДУ катта ўқитувчиси

Аннотация. *мақолада ўзбек тилидаги генеронимлар билан халқ топишмоқлари ўртасидаги муносабат ёритилган. унда генеронимларнинг топишмоқларда қўлланилиши ҳамда генеронимларга ишора қилувчи мантиқий воситалар хусусида фикр юритилади.*

Калит сўзлар: *генероним,топишмоқ, этнография, тагмазмун, яралиш, туғилмоқ, она сути, она, бола, бўғоз, қисир.*

ГЕНЕРОНИМЫ В УЗБЕКСКОМ ЯЗЫКЕ И НАРОДНЫЕ ЗАГАДКИ

Ш.М.Искандарова, профессор ФерГУ
И.В.Холдарова, старший преподователь ФерГУ

Аннотация. *в статье освещены вопросы отношения генеронимов в узбекском языке с народными загадками. в ней описаны использование генеронимов в составе загадок, а также логические средства указывающие на генеронимы.*

Ключивые слова*: генероним, загадка, этнография, презуппозиция, создание, рождение, материнское молоко, мать, ребенок, стельная, яловая.*

GENERONYMS IN THE UZBEK LANGUAGE ANDRIDDLES

Sh.M.Iskandarova, FerSU professor
I.V.Kholdarova, senior teacher of FerSU

Annotation. *the article describes the relationship between uzbek generonyms and folk riddles. it discusses the use of generonyms in puzzles and the logical means of referring to generonyms.*

Key words*: generonym, riddle, ethnography, original content, creation, birth, breast milk, mother, child, throat, barren.*

Муайян бир халқнинг маданий-маърифий меросларидан бири бўлган топишмоқлар орқали халқ донишмандлиги, зукколиги акс этади. “Топишмоқлар инсон идроки, кузатувчанлиги, поэтик тасаввур қобилиятини ўстирувчи ақлнинг қувноқ ўйини, маънавий дам олиш воситасигина бўлиб қолмай, аждодларимизнинг руҳий олами, тарихий ўтмишини билишда калит вазифасини ҳам ўтайди” [4,3-бет].

Ўзбек халқ оғзаки ижодига тегишли жанрларга хос манбаларнинг тил хусусиятларини ўрганишда, улардаги турли-туманлик яққол намоён бўлади. Шуни инобатга олган ҳолда топишмоқлар тилини ўрганиш ўзбек тилининг ўзига хос хусусиятларини белгилашда муҳим аҳамиятга эга [2].

Топишмоқлар маълум бир халқнинг тафаккури, зукколиги, идрокини, айни вақтда, унинг ҳозиржавоблигини намоён этувчи воситалардан саналади. Шунга асосан, халқ ҳаёти, дунёқараши, тасаввурини ифодалаши орқали топишмоқлар нутқимизни бойитувчи восита вазифасини бажаради. Филологияга доир тадқиқотларда топишмоқлар ҳам тадқиқотчилар эътиборини у ёки бу тарзда жалб этган бўлиб, дастлаб топишмоқларга фольклор, этнографиянинг ўрганиш объекти сифатида ёндашилди. Ўзбек тилшунослигида ҳам топишмоқлар юзасидан айрим изланишлар олиб борилган. Хусусан, Ж.Абдуллаев, М.Сапарниязова, У.Қобуловаларнинг тадқиқотларида топишмоқлар лингвистик асосда маълум даражада таҳлил этилган. Жумладан, Ж.Абдуллаев ва У.Қобулованинг илмий ишлари бевосита топишмоқларнинг лексик-семантик хусусиятларига алоқадор бўлса, М.Сапарниязованинг номзодлик

диссертациясида топишмоқларнинг семантик-синтактик хусусиятлари монографик асосда тадқиқ этилган [1;3;5].

“Топишмоқлар топилиши зарур бўлган нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгиларини ажратиш асосига тузилади. Топилиши зарур бўлган нарса ва ҳодисаларнинг номи яширилгани ҳолда, унинг муҳим белгилари топишмоқнинг шаклий структурасида ўз ифодасини топади” [5,3-бет].

Ўзбек тилидаги генеронимлар ҳам бевосита ана шу нуқтаи назардан таҳлил этилганда, икки хил ҳолат кузатилди: биринчидан, топишмоқ орқали “яралиш” семали предмет, ҳаракат, жараён англатувчи бирликларни аниқлаш, иккинчидан, тагмазмунни аниқлашда восита бўлувчи генеронимларнинг вазифасини очиш.

Масалан, биринчи ҳолатда:

Пиширса ош бўлур,

Пиширмаса қуш бўлур (Тухум) [4][15].

Берилган топишмоқда *тухум* лексемасига хос икки хил вазият англашиляпти, бири тухумни қайнатиш, қовуриш орқали озиқ-овқатга айлантириш жараёни, иккинчиси эса тухумни бостириш орқали жўжа, яъни тухумни очиб чиқиб, қушнинг пайдо бўлиши назарда тутилган. Бу ерда *пиширии* жараёни орқали *ош*га, овқатга айланиб, тугаш ҳисобга олинса, *пиширмаса*, яъни бостириш орқали тухумни ёриб чиқиб *қуш*га айланиши, ҳаётнинг бошланишига эътибор қаратилади.

Таъкидлаш зарурки, генеронимлар ўртасидаги антисемик муносабат топишмоқлар матни орқали ҳам ўз аксини топади. Балиқ номини топишга қаратилган қуйидаги топишмоқда туғилиш ва ўлишга боғлиқ генеронимлар қўлланилган:

Сувда туғди, ерда ўлди (Балиқ).

Мазкур топишмоқда балиқнинг яшаш тарзига хос ҳолат берилган бўлиб, унинг кўпайиш (туғилиш) жараёни сув билан боғлиқ эканлиги, қуруқликда ҳаёт кечира олмаслиги назарда тутилган. Айтиш зарурки, бу ўринда генеронимлар денотатив маъносини сақлаган. Худди шунинг каби капалак ҳашароти ҳақидаги топишмоқда ҳам шу ҳолат кузатилади:

Қаноти бор, қони йўқ,

Тухум қўяр сони йўқ (Капалак).

Келтирилган топишмоқда *капалак* лексемаси маънолари таркибидаги энг муҳим семалар, яъни “қанотли”, “қони йўқлик”, “тухум қўювчи”, капалак тухумига хос “миқдор” семалари топишмоқ жавобини аниқлашга хизмат қилган. Бу ерда ҳам “яралиш” семали генероним бўлган *тухум қўймоқ* бирикмаси ўз маъносида келган.

Ўсимликлар ҳақидаги топишмоқларда ҳам топилиши зарур бўлган тушунчани ифодаловчи лексемалар, уларга хос белгилар, маъно хусусиятлари сақланиши мумкин. Масалан:

Ердан кўкариб чиқар,

Бағридан олтин оқар (Пахта).

Бу топишмоқда пахтанинг кўкариб чиқиши, ҳосили эса ноёб, қимматбаҳо эканлигига ишора кузатилади. *Кўкармоқ* лексик бирлигига хос “яралиш”, “униш”

[15] Ўзбек топишмоқлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1991. (Кейинги топишмоқлар ҳам шу манбадан олинди.)

семаси генератив белгига эга. Шу билан бирга, мазкур топишмоқда *олтин оқар* ифодаси ҳам берилган бўлиб, пахта ўсимлигининг тасвирий ифодаси *оқ олтин* бирикмасига тегишли белги эътиборга олинган.

Маълумки, халқ топишмоқлари одатда "икки қатордаги мазмуний тузилишга эга бўлади. Биринчи қаторда шаклий тузилиш бирликлари маъносидан келиб чиқадиган юза мазмун, иккинчи қаторда эса шаклий тузилиш бирликлари остида ифодаланаётган ва тингловчининг тил кўникмаси асосида англашиладиган тагмазмун. Топишмоқларда тагмазмуннинг мавжудлиги уни метафорик матнга айлантиради. Бу эса метафорик матннинг мазмуний тузилишида топилаётган нарса ва ҳодисанинг дифференциал белгилари марказий ўринни эгаллашини кўрсатади" [5,3-бет].

Кўриниб турибдики, тагмазмунни аниқлашда генеронимлар муҳим восита вазифасини бажаради. Генеронимларга боғлиқ топишмоқларда бундай ҳолат кўп кўзга ташланади. Масалан, айнан пахта ўсимлигига хос топишмоққа эътибор қиламиз:

Момиққина онаси,

Ёғлиққина боласи (Пахта, чигит).

Ушбу топишмоқ воситасида *пахта* лексемасига хос "юмшоқлик", *чигит* лексемасига хос бўлган "ёғли" семаси англашилган. Генеронимлар билан боғлиқ *она* ва *бола* лексемалари орқали чигит(*бола*)нинг пахта(*она*) ичида пайдо бўлишига ишора сезилади.

Шунингдек, гармдори ҳақидаги топишмоқда ҳам *она, бола* сингари генеронимлар билан алоқадор сўзлар иштироки кўринади:

Қонга ўхшаш, қони йўқ,

Боласининг сони йўқ (Гармдори).

Бу ерда гармдорининг рангига хос "қизиллик", уруғига хос "кўплик" семалари орқали топишмоқдан англашилган мазмун аниқланади. Уруғининг жойлашиш ўрни, кичиклик белгиси *бола* лексемаси билан туташтиради.

Худди шундай жараён тарвуз полиз экинига тегишли сўз ҳақидаги топишмоқда ҳам кузатилади:

Мен ажаб ҳайронман бир нарсага,

Қозиқда бойловли турибди-ю,

Онаси боласининг қорнида (Тарвуз).

Бу ерда берилган топишмоқ мазмунан тескари ифода бергандек, яъни тарвузнинг уруғи – *она*, тарвуз – *бола*. Одатда бола онанинг қорнида пайдо бўлиши, топишмоқда тарвузга нисбатан аксинча *она боланинг қорнида* дейилиб, тарвузга хос муҳим белги кўрсатиляпти.

Аслида бундай тескари мазмундаги топишмоқларни барча уруғли, данакли ўсимликларга нисбатан ишлатиш мумкин. Топишмоқларда метафорик мазмун орқали халқ зукколиги намоён бўлади. Ушбу топишмоқдан ҳам кўриняптики, *она*, яъни уруғ, *бола* – тарвуз, *боласининг қорнида* ифодаси орқали тарвуз ичида уруғининг мавжудлигига ишора қилинмоқда. Бу ерда берилган мазмун остида "яралиш" семаси билан бирга, "давомийлик" семаси ҳам ифодаланган, тагмазмунни ифодалашда генеронимларнинг ўрни алоҳида кўзга ташланмоқда.

“Ўзбек топишмоқлари” китобида уй-жой ва унга тегишли жиҳозлар ҳақидаги топишмоқлар орасида уй-жой қурилиши билан боғлиқ қуйидаги топишмоқ эътиборимизни тортди:

Онаси қорнида боласи кўндаланг ётибди (Тўсин, васса).

Ушбу топишмоқда тўсин онага, васса болага ўхшатилган бўлиб, умумий асос “ҳажм”, тўсиннинг катталиги *она* лексемаси орқали, вассанинг унга нисбатан кичик экани *бола* лексемаси ёрдамида берилган.

Уй-жой жиҳозлари ҳақидаги топишмоқлар орасида кўрпага тегишли бўлган қуйидаги топишмоқда эса генеронимлар бевосита иштирок этган:

Кечаси бўғоз,

Кундузи қисир (Кўрпа).

Кўринадики, кўрпанинг кечаси хизматда бўлиши, яъни ичига одам кириши билан боғлиқ ҳолат *ҳомиладор* лексик бирлигининг “қорнида боласи бор” семаси билан мантиқан туташади.

Генеронимлар билан ассоциатив муносабатга киришувчи *бола, она, ота, она сути* сингари қатор луғавий бирликлар доирасида *она сути* бирикмасига алоҳида тўхталиб ўтиш мумкин. Бу бирикма халқ топишмоқларида шундай ҳолда ўз аксини топган:

Ерга кўмилмайди,

Косага қуйилмайди,

Дунёда ҳамма одам

Ичмай қўймайди (Она сути).

Она сутига хос бўлган “азизлик” (*ерга кўмилмайди*), “миқдор”, “камлик” (*косага қуйилмайди*), “гўдаклар учун озуқа” (*ичмай қўймайди*) сингари муҳим семалар топишмоқнинг жавобини топишга йўл очмоқда.

Шунингдек, ҳаётнинг давомийлигини, тириклик даврига хос кетма-кетликни аниқлашга қаратилган қуйидаги топишмоқларда ассоциатив муносабатга киришган *болалик* лексемасининг айрим семалари маълум белгилари билан намоён бўлади:

Эрта билан тўрт оёқлаб юради,

Тушда икки оёқлаб юради,

Кечқурун уч оёқлаб юради.

Ёки:

Тўртида тариқдай,

Ўттизда айиқдай,

Тўқсонида товуқдай.

(Одам – болалиги, йигитлиги, кексалиги).

Бу топишмоқларда *болалик* луғавий бирлигига хос “бошланиш” семаси *эрта билан*, “кичиклик” семаси эса *тариқдай* ифодаси билан берилиб, *ҳаёт* лексемасига хос “давомийлик” семаси *тушда* (ўрта ёш), *кечқурун* (кексалик); “ўсиш” семаси эса кейинги қаторларда акс этган.

Бир отадан беш ўғил.

Ёки:

Икки онага бештадан бола,

Ҳар бирининг оти бор (Қўл, бармоқлар).

Берилган топишмоқларда *ота, она, бола* лексемалари иштирок этган бўлиб, бу бирликлар ҳам генеронимлар билан ўзаро ассоциатив боғланади. Топишмоқларда *ота, она* лексемаларини “яралиш”, “яқинлик” семалари *бола* лексемаси билан боғлайди.

“Топишмоқларда фикрлаш фаолиятининг натижасида номаълум воқеликнинг маълум воқеликка айланиши учун ифодада яширин семантик компонент иштирок этади, яъни топишмоқда сўзловчи назарда тутган ахборот ошкора баён қилинмасдан, яширин мазмун кўринишларидан иборат бўлади” [3,14-бет].

Хусусан, ўзбек халқ топишмоқлари баъзан назмда, баъзан насрий шаклда берилади. Насрда берилган топишмоқлар эртакли топишмоқлар деб ҳам юритилади.

Жумладан, ана шундай эртакли топишмоқлардан бирида мақтанчоқ бир подшонинг овга чиқиши, ови юришмагач, бир болани учратиши, улар ўртасида бўлиб ўтган суҳбат шундай берилади:

“Подшо сўрайди:

– Бизларни нима сўйиб меҳмон қиласан?

Шунда бола:

*– Топсак **бирни**, топмасак **иккини** сўямиз, – деб жавоб берибди.*

Подшо боланинг жавобидан ҳайрон қолибди. Кейин вазирларига:

– Бу боланинг гапида бир хосият бор, буни бир синаб кўрамиз, – дебди.

Подшо одамлари билан билан боланинг уйига борибди. Бола подшони, унинг одамларини яхшилаб меҳмон қилибди. Подшо боладан:

– Бола, сен нечта қўй сўйдинг? – деб сўрабди. Шунда бола:

*– **Бирни** топмадик, шунинг учун **иккини** сўйдик, – деб жавоб қайтарибди. Подшо яна таажжубланиб:*

*– **Бирни** топмасанг, **иккини** қаердан топиб сўясан? – дебди.*

*– Бизнинг бир **бўғоз совлиғимиз** бор эди, бошқа бир қўй тополмай, шу **бўғоз қўйни** сўйдик. Ўзини сўйгандан кейин **боласи** ҳам ўлди. Ана, **иккисини** сўйдик деганнинг маъниси шу, – дебди ҳалиги бола”.* (Ўзбек топишмоқлари, Боланинг жавоби).

Кўриниб турибдики, мазкур эртакли топишмоқда *бир, икки* сингари лексемалар орқали қўйнинг жинсига ишора қилинмоқда. Хусусан, бўғоз совлиқни ифодалаш учун *икки* сўзидан ўринли фойдаланилган. Бу ерда ҳомиладорлик белгисига хос бўлган “қорнида боласи борлик”, “миқдор” семалари орқали, қўйнинг қўчқор (*бир*) эмас, балки бўғоз совлиқ (*икки*) эканлиги тагмазмун остига яширилган.

Хуллас, топишмоқларда топилиши зарур бўлган нарса ва ҳодисаларнинг муҳим белгилари ажратилади. Топишмоқ орқали “яралиш” семали предмет, ҳаракат, жараён англатувчи бирликларни аниқлаш ҳамда тагмазмунни ёритишда восита бўлувчи генеронимларнинг вазифасини очиш ҳам муҳим масалалардан саналади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ж. Ўзбек халқ топишмоқларининг лексик-семантик хусусиятлари: Филол.фанл.номз. ... дисс. автореф. Тошкент,1993ю
2. Бердиёров Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тилининг паремиологик луғати. – Тошкент: Ўқитувчи, 1984.
3. Сапарниязова М. Ўзбек халқ топишмоқларининг синтактик-семантик хусусиятлари: Филол.фанл.номз. ... дисс. автореф. Тошкент, 2005.
4. Ўзбек топишмоқлари. Тошкент: Ўқитувчи, 1991.
5. Қобулова У.С. Метафорик матнда интеграл ва дифференциал семалар муносабати (ўзбек халқ топишмоқлари мисолида): Филол. фанл. номз. ... дисс. автореф. Тошкент, 2007.

НУТҚИЙ ВАЗИЯТ БИЛАН БОҒЛИҚ МУЛОҚОТ ШАКЛЛАРИ

Кахаров Қобил Шухрат ўғли Фарғона давлат университети ўқитувчиси

Аннотация. *мақолада турли халқлар коммуникация жараёнининг ўзига хос хусусиятлари, нутқий мулоқот, нутқий этикет ва уларнинг нутқ вазияти билан узвий боғлиқ эканлиги ўзбек ва немис нутқий этикетлари асосида ёритилади.*

Калит сўзлар: *нутқий этикет, коммуникация, нутқ маданияти, нутқий вазият, хулқ-атвор, расмий ва норасмий мулоқот, саломлашиш, хайрлашиш.*

ФОРМЫ ОБЩЕНИЯ СВЯЗАННЫЕ С РЕЧЕВОЙ СИТУАЦИЕЙ

Кахаров Қобил Шухрат ўғли переподаватель Ферганского государственного университета

Аннотация*. в статье рассматриваются особенности коммуникативного процесса разных народов, речевого общения, речевого этикета и их неразрывная связь с речевой ситуацией на основе узбекского и немецкого речевого этикета.*

Ключевые слова*: речевой этикет, общение, культура речи, речевая ситуация, поведение, формальное и неформальное общение, приветствие, прощание.*

FORMS OF COMMUNICATION ASSOCIATED WITH A SPEECH SITUATION

Kaxarov Qobil Shuhrat o’g’li Lecturer of Ferghana State University

Annotation*. the article examines the features of the communicative process of different nations, speech communication, speech etiquette and their inextricable connection with the speech situation on the basis of uzbek and german speech etiquette.*

Key words: *speech etiquette, communication, culture of speech, speech situation, behavior, formal and informal communication, greeting, farewell.*

Ўтган асрнинг сўнгги йилларидан бошлаб жаҳон тилшунослигида ўзаро мулоқот, турли халқлар учун хос бўлган нутқий алоқа билан боғлиқ муаммоларга, уларнинг ўзига хос томонлари, фарқли жиҳатлари, алоқа-аралашувнинг миллий-маданий белгиларини ўрганишга жиддий эътибор қаратилмоқда. Бу эътибор,

қизиқишларнинг натижаси сифатида нутқий этикет, унинг бирликлари, нутқий этикет вазиятлари билан алоқалар бўлган масалалар ҳусусида кўплаб тилшуносларнинг тадқиқотлари юзага келди [1;2;3;4;5;6;7;8;9;10;12].

Нутқий этикет вазиятлари муомаланинг ташқи шароитлари ва ички ҳолатлари билан алоқадор бўлиб, улар барқарор ва ўзгарувчан вазиятларга бўлинади. Нутқий этикет вазиятларида ишлатилувчи маълум тилга хос бирликлар умумлашиб, аста-секин қатъийлашган андозаларга айланади. Маълум миллат тилига мансуб бўлган ана шу андозалар нутқий этикет бирликларининг мавзу гуруҳларини ташкил қилади. Масалан, саломлашиш – Begrüssung, хитоб – Anrede und Aufmerksamkeiten überschütten, verwöhnen, танишиш – Bekanntschaft, илтимос – Bitte, хайрлашиш – Verabschiedung, узр сўраш – Verzeihung, қутлаш – Glückwunsch, миннатдорчилик билдириш – sich bedanken каби.

Ш.Искандарова нутқий этикет учун мулоқотнинг ўрни ва пайтининг мавжудлиги, сўзловчи ва тингловчининг иштироки, мақсад, асос, алоқа воситалари, хулқ-атворнинг махсус белгиланган шакллари, ифода мавзуси, сўзлашувчиларнинг ўзаро муносабатларига хос хусусиятлар, ижтимоий белгилар, вазиятнинг расмий ва норасмийлиги белгиларини танлаб, уларни барқарор ва ўзгарувчан белгиларга ажратади[11].

Нутқий одатнинг ҳар қандай вазияти, албатта, маълум жой ва пайтда юзага келади. Бироқ ана шу ўрин ва пайтнинг алмашиниши нутқий одат бирликларини кескин ўзгартириб юборади. Нутқий одат вазиятлари сўзловчи ва тингловчининг иштироки билан содир бўлади. Фақат сўзловчилар шароит, ҳолатга кўра бирликларни танлайдилар: мурожаат шакли, “сен” ёки “сиз” шакллари, турли имо-ишоралар каби.

Нутқий одатнинг ҳар қайси вазиятида маълум миллат урф-одатлари, тилига мансуб бўлган махсус турғун қолиплар хизмат қилади, бу алоқа воситаси саналади. Масалан, ўзбек халқида хайрлашув вазиятида жўнаб кетувчи шахс нутқида “Хайр”, “Яхши қолинг”, кузатиб қўювчи шахс нутқида унга мос равишда “Яхши боринг”, “... га салом айтинг”, “Ой бориб, омон қайт/инг”, ҳар иккала шахс нутқида “Бўпти”, “Хўп”, сингари жумлалар билан бирга диний эътиқодлар натижасида “Худога // Худонинг паноҳига // Оллоҳга омонат топширдим” бирлиги ҳам юзага келган бўлса, немис халқида хайрлашув вазиятида “auf Wiedersehen” (кўришгунча), “Tschüs” (хайр), „Leb wohl“ (яхши қолинг) /жўнаб кетувчи/, “gute Fahrt” (яхши боринг), „gute Reise“ (яхши саёхат) /кузатиб қолувчи/, “bis bald” (тез орада кўришгунча), “bis dann” (яна учрашгунча), „bis gleich“ (яқин орада кўришгунча), „schöne Wochenende“ (гўзал ҳафта охирини тилайман) каби жумлалар ишлатилади. Немисларда, одатда, пайшанба ёки жума кунлари хайрлашаётганда бир-бирларига шундай тилак билдирадилар, чунки улар ҳафта охирида камдан-кам ҳолатда уйда қоладилар, бирон жойга саёҳат ёки сайр қилиш одат тусига кирган, „alles Gute“ (барча яхшиликларни тилайман), „ich wünsche Ihnen einen schönen Tag/Abend“ (мен сизга гўзал кун/оқшом тилайман), „gute Nacht“ (хайрли тун) /иккала вазиятда ҳам қўллаш мумкин/, „viele Grüße an …” (...га кўпдан-кўп салом айтинг) сингари шакллар юзага келган.

Немис тилида саломлашишнинг **Guten Morgen! (Хайрли тонг, эрталабки салом)** ; **Guten Tag!** (Хайрли кун) саломлашиши кун давомида қўлланилади. Лекин оқшом вақтида **Guten Tag!** саломлашиши **Guten Abend!** га ўзгаради. Ҳудудлар бўйича турли хил саломлашиш шаклларини кузатиш мумкин. Масалан, жанубий Германияда **Grüß Gott!** (Аллоҳга салом) ишлатилса, шимолий Германияда **Moin!** ишлатилади. Hallo! / Hi! / Hey! / Hallöchen! / Na (du / сен)? Moinsen! (шимолий Германия), Servus! (жанубий Германия) саломлашишлари норасмий доираларда аввалдан таниган одамларга нисбатан бутун кун давомидагина эмас, балки кечқурунлари ҳам ишлатилиши мумкин. Бундан ташқари жанубий Германияда *Habedere* саломлашиш шакли "Ich habe dich Ehre" сўзидан олинган бўлиб, "Мен сени ҳурмат қиламан, шарафлайман" маъносини англатади ва Habedere ва Servus саломлашишлари хайрлашишда ҳам ишлатилади. Дўстлар даврасида ҳам Tag! / Hallo! / Hi! / Hey! саломлашишларини кўп учратиш мумкин.

Grüß dich! / Grüß Sie! (салом сенга / Сизга) саломлашишлари, айниқса, жанубий Германияда қўлланилади. Бу саломлашишлар куннинг барча вақтларида қўлланилади. Бу саломларга жавобан Servus! (танишлар доирасида), Hallo! / Guten Tag! (нотанишлар доирасида) қўлланилади.

(Auf) Wiedersehen! (яна кўришгунча) хайрлашиш турлари ичида классик шакл ҳисобланади. Жанубий Германияда кўпинча (Auf) Wiederschaun! хайрлашишини учратиш мумкин. Бу хайрлашишга жавобан Tschüss! / (Auf) Wiedersehen! / (Auf) Wiederschaun! шакллари билан жавоб қайтариш мумкин. Бундай хайрлашиш шакли телефондаги суҳбатда қўлланилмайди.

Tschüs(s)! / Tschau! бу хайрлашиш шакллари нафақат дўстлар даврасида балки, нотаниш кишилар орасида ҳам қўлланилади. Бавария федерал ўлкасининг кўплаб жойларида Tschüss! шакли камдан-кам холатларда қўлланилади. У ерларда Tschau! (италянча Ciao! дан олинган) сўзини ишлатишни хуш кўрадилар. Бундан ташқари Pfiat di! / Pfiat eich! / Pfiat Eahna! ёки Servus! ни ҳам қўллашлари мумкин. Ёши улуғ кишиларда ҳам баъзан Ade! хайрлашиши ҳам учраб туради. Мамлакатнинг шимолий қисмларида одатий Tschüss! деб хайрлашилади. Бундан ташқари Tschö! хайрлашув сўзи ҳам ишлатилиб, бундай хайрлашиш шакли фақат танишлар орасида қўлланилади. Ҳар иккала хайрлашишлар куннинг исталган вақтида қўлланилади ва буларга жавоб тариқасида ҳам Tschüss! / Tschö! / Tschau! лар ишлатилади.

Кўринадики, немисларда турли пайт ва вазиятлар учун турлича хайрлашиш воситалари лингвистик шаклланган. Ўзбекларда ҳам хайрлашиш, кузатиш ва жўнаб кетиш вазиятларида қўлланилувчи махсус жумлалар шаклланган.

Турли расм-русум ва анъаналар туфайли нутқий хулқнинг ижтимоий белгиланган шакллари юзага келиб, уларнинг йиғиндиси асосида маълум вазият қолипларининг мавзу гуруҳлари ҳосил бўлади. Ўзбек халқида саломлашиш вазиятидаги "Ассалому алайкум" – "Ваалайкум ассалом", "Хуш келибсиз" – "Хушвақт бўлинг", "Ҳорманг" – "Омон бўлинг", "Яхши қолинг" – "Яхши боринг"; қутлаш вазиятида "Муборак бўлсин" – "Қуллуқ" каби махсус турғун бирликлар, немис халқида саломлашиш вазиятидаги Guten Morgen/Tag/Abend, (Хайрли тонг/кун/кеч), Herzlich Willkommen – Danke schön (Хуш келибсиз – Раҳмат катта),

Frohes Schaffen – Danke schön (Хорманг – катта раҳмат), Leb wohl – Gute Reise/Fahrt (Яхши қолинг – Ажойиб саёҳат тилайман/Оқ йўл); қутлаш вазиятида Gratulation/Ich gratuliere – Danke schön (Табриклайман – катта раҳмат) каби махсус шакллар ўзбек ва немис нутқ этикети учун зарурий алоқа воситалари саналиб, уларсиз нутқий этикет меъёри бузилади.

Ҳар иккала халқда ҳам мулоқотни бошлаш, уни рисоладагидай олиб бориш маълум мақсадга қаратилади. Нутқий фаолият учун энг муҳим белги мақсад бўлиб, ҳар қандай мулоқотнинг асосида муайян мақсад ётади. Нутқий одат вазиятларида алоқага кириш ва мулоқот жараёнини зарур тарзда сақлаш учун маълум нутқий этикет бирликлари ишлатилиб, улар мулоқотни меъёрига келтиради ва шу тилга хос сўзлашиш асосини намоён қилади.

Оилавий муносабатларда қўлланилувчи махсус этикет бирликлари ҳам мавжуд. Бунда ўзбек ва немис тилларидаги шакллар вазифа жиҳатидан ўзаро ўхшаш бўлса-да, лингвистик шаклланиш жиҳатдан кескин фарқ қилади. Айнан шу шаклларнинг таҳлилидан шарқ ва ғарб маданиятига хос бўртиб турган белгиларни яққол англаб олиш мумкин:

Чақиради аяси,
Тинмай гамимни ейди:
– Кела қолинг, дадаси,
Овқат совийди, – дейди. (С.Мўмин, Эъзоз)

„Guten Abend, mein Schatz, wie war Dein Tag? Bist Du nicht müde?“ (Хайрли кеч, менинг хазинам, кунинг қандай ўтди, чарчамадингми? (Leonhard Thoma, Das Idealpaar)

“Саломлашиш” вазиятини ифода қилаётган ҳар иккала тилдаги ушбу лисоний воситалар нутқий этикетнинг асосини белгилаяпти: ўзбек тилидаги “дадаси” ҳамда немис тилидаги „mein Schatz“ мурожаат шакли, аввал салом бериш ва ўзбек тилида сизлаб, немис тилида сенлаб гапириш орқали ўзбек ва немис нутқ этикетига хос эр-хотин ўртасидаги муносабат меъёри кўриняпти.

Немис тилида аёл тилидан айтилган айни вазият шаклининг лингвистик таҳлилига эътибор қаратсак, шакл I шахс ҳолатида ифодаланган, ўзакдан англашилган сўз маъноси ҳам бевосита сўзловчи шахсига алоқадордир. Бу эса ғарб маданиятига хос бўлган очиқ ифода, дадиллик ва бевоситалик белгиларини кўрсатади.

Бундан ташқари шарқ аёли нутқида турмуш ўртоғига нисбатан “сизлаш” одатий меъёр саналса, немис аёли нутқида, аксинча, “сен” (du) мурожаат шакли фаоллашган. Аммо ҳар икки шакл ижтимоий характерга эга бўлиб, бири хусусида айтилган мулоҳазани иккинчи бири учун талқин қилиш тўғри бўлмайди. Чунки улар икки турли шароитда юзага келган, шунинг учун ҳам уларнинг мазмун мундарижаси мос келмайди, фарқланади.

Нутқий одатнинг расмий ва норасмий шароити алмашиниб турадиган жиҳатлардан саналади. Ҳар иккала тилда ҳам норасмий шароитларда мулоқот анча илиқ, самимий, оддий бўлса, расмий мулоқотлар совуққон ва жиддий тарзда ифодаланади. Ўзбек тилида расмий мулоқотларда асосан фамилия, исм, отасининг исми билан мурожаат этиш, мақсадни рўй-рост очиқ билдириш устун турса, немис тилида асосан фамилия олдидан Frau/Herr (хоним/жаноб) сўзларини келтириб,

унвон ёки даражаси билан бирга мурожаат қилинади. Масалан, ўзбек тилида Козим Холматович деб, немис тилида Herr Gärtner/Frau Walser ёки Frau Doktor Betina Weigel /Herr Professor Markus Müller деб мурожаат қилинади.

Нутқий одат вазиятларида сўзлашувчиларнинг мавжудлиги ўзгармас белги ҳисобланса, уларнинг ижтимоий белгилари эса аксинча, ўзгарувчан бўлади. Ҳар бир сўзловчи нутқ бирликларини ўзининг ва суҳбатдошининг ижтимоий мақомига кўра ажратиб, саралаб қўллайди.

Нутқий одат вазиятларида лисоний бирликлар сифатида ишлатилувчи синонимлар ўзига хос хусусиятларга эга. Бунда тил бирликларининг шаклан сўз, сўз бирикмаси ва гап тарзида эканидан кўра, улар англатган маъноларнинг бир хиллиги муҳимроқ. Ягона вазиятни ифодаловчи нутқий этикет бирликлари бир туркумдан бўлмаса, айнан ўхшаш шаклда берилмаса-да, ифодалаётган мазмунига қараб маънодошлик қаторини ҳосил қилиши мумкин. Жумладан, ўзбек нутқий этикетининг “Илтимос” вазиятига тегишли “Илтимос”, “Малол келмаса”, “Бемалол бўлса”, “Сизга оғирлик қилмаса”, немис нутқий этикетининг „Bitte“ (илтимос), „Wenn es möglich sei“ (агар имкони/иложи бўлса), „Es wäre gut, wenn …“, (яхши бўлар эди, агар ...) „Könnten Sie das machen“ (буни қила олармидингиз), „Entschuldigung …/Entschuldigen Sie …“ (узр/кечирасиз) сингари шакллар айнан бир мақсадни ифодалашга хизмат қилаётганлиги туфайли ўзаро синонимик муносабат ҳосил қилади.

Биламизки, ўзбек тили нутқий этикет вазиятларида тасдиқ маъносини билдириш учун “ҳа”, “шундай”, “албатта”, “шукур” каби сўзлардан фойдаланилса, немис тили нутқий этикет вазиятларида эса “Ja” (ҳа), “Ja klar” (ҳа шунақа), “Genau” (тўғри), “Das stimmt” (шундай), “So” (шундай), “Gotseidank” (худога шукур) каби шакллар билан ифодаланади.

Нутқнинг бошқарув (регулятив) вазифаси ҳам ўзбек ва немис нутқий этикетида мулоқотнинг барча вазиятларига тўғри келади. Алоқа ўрнатишда у ёки бу тил бирликларини танлаб ишлатиш сўзловчи ва тингловчи ўртасидаги мулоқот хусусиятини белгилайди. Катта/кичик, эркак/аёл, бошлиқ/ходим ва шу каби бошқа қатор муносабатларда муомала нутқий этикет бирликларини меъёрида ва ўринли қўлланилиши билан намоён бўлади. Шу аснода унинг бошқарув функцияси амалга ошади.

Хитоб (аппелятив) вазифаси ҳам юқоридагиларга ўхшаб нутқий этикетнинг барча вазиятларида кўринади, у, асосан, тингловчининг диққатини жалб қилиш учун хизмат қилади. Нутқий этикетларда уни таминловчи воситаларнинг ҳам меъёри сақланади.

Нутқий этикетнинг таъсир этиш (перцептив) вазифаси адресант томонидан қўлланилаётган лисоний ва нолисоний воситалар натижасида адресатнинг таъсирланишидан иборат бўлиб, бу кўпинча, тингловчининг имо-ишора, юз ифодаси, айниқса, мимикалари билан ифода этилади. Нутқий этикетларда уларнинг ўринлилиги муҳим саналади.

Ҳаяжон вазифаси (эмотив) эса ҳамма бирликларга тегишли бўлмай, сўзлашувчиларнинг меъёрий тарзда алоқа ўрнатишлари ва уни мақсадли олиб

бориш табиатлари билан боғланади. Бунда кўпинча мулоқотга киришувчиларнинг ёш, жинс ва асосийси характер хусусиятлари муҳим аҳамият касб этади.

Демак, нутқий жараёнга қўйиладиган талаблар ва тил бирликларининг вазифалари (бошқарув, ҳитоб, таъсир этиш, ҳаяжон) нутқий этикет ифодаланиши билан ўзаро қоришиб, сингиб кетади. Нутқий этикет бундай ўринларда уларнинг меъёрда қўлланилганлиги ва ўринлилиги билан баҳоланади. Бунда тилнинг сегмент бирликлари (сўз, сўз бирикмаси, гап) билан бирга суперсегмент бирликлар (овоз тони, баландлиги, оҳанг, товуш сифати) ҳам ўта муҳим саналади.

Адабиётлар:

1. Формановская Н.И. Русский речевой этикет. 2-изд. М., 1978.
2. Алпатов В.М. Япония. Язык и общество. М., 1988.
3. Арутюнова Н.Д. Фактор адресата // Известия АН СССР / Сер. Литературы и языка. М., 1981.
4. Гольдин В.Е. Обращение: теоретические проблемы. М., 1987.
5. Дешериев Ю.Д. Социальная лингвистика. К основы общей теории. М., 1977.
6. Sedlaczek R. Leet&Leitwand. Das Lexikon der Jugendsprache. - Wien, 2006.
7. Ibelgaufts, Renate. Körpersprache. Wahrnehmen, deuten und anwenden. - Augsburg: Weltbild Verlag GmbH Argyle, 2005.
8. Hartung W. / Schönfeld H. Kommunikation und Sprachvariation. - Berlin, 1981.
9. Bolten, Jürgen: Interkulturelle Kompetenz. Erfurt: Landeszentrale für Politische Bildung, 2001.
10. Augenstein S. Funktionen von Jugendsprache. Studien zu verschiedenen Gesprächstypen des Dialogs Jugendlicher mit Erwachsenen. - Tübingen, 1998.
11. Искандарова Ш.М. Ўзбек нутқ одатининг мулоқот шакллари: Филол. фан. номз... дисс.автореф. –Самарқанд, 1993.
12. https://www.deutsch-perfekt.com/deutsch-lesen/taegliche-routine-gruss-und-abschiedsformeln

КИНО ТИЛИДА АДАБИЙ МЕЪЁРНИНГ ЎРНИ

Ширинова Мехригиё Шокировна
БухДУ ўзбек тилшунослиги кафедраси таянч докторанти

Аннотация: *Мақолада кино санъатининг бошқа санъат турларидан фарқли айрим жиҳатлари, кино тили тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари, адабий меъёр хусусида фикр юритилган. Давр талабига мос кинофильмлар яратиш кино тилини лингвистик аспектда таҳлил этиш билан бевосита боғлиқлиги таъкидланган. Шунингдек, айрим мустақиллик даври ўзбек кинофильмлари тилида адабий меъёрдан чекиниш ҳолатлари аниқланган.*

Калит сўзлар: *санъат, кино, кино тили, кино тилининг хусусиятлари, адабий меъёр, кино номлари.*

РОЛЬ ЛИТЕРАТУРНЫХ НОРМ В ЯЗЫКЕ КИНО

Ширинова Мехригиё Шокировна
базавый докторант кафедра узбекского языка БухГУ

Аннотация: *В статье рассматриваются некоторые аспекты киноискусства, отличающиеся от других видов искусства, понятие "язык кино" и его особенности. Утверждается, что создание фильма, соответствующего нашему времени, непосредственно связано с анализированием языка кино в лингвистическом аспекте. А также, выяснены некоторые отклонения от литературных норм в языках узбекских фильмов в период независимости.*

Ключевые слова: *искусство, кино, язык кино, особенности "языка кино", литературная норма, названия кино.*

THE ROLE OF LITERARY NORMS IN THE LANGUAGE OF CINEMA

Shirinova Mekhrigiyo Shokirovna
PhD student Uzbek language department of BukhSU

Abstract: *The article considers some aspects of cinema art that differ from other forms of art, the concept of "language of cinema" and its features. It is argued that the creation of a film corresponding to our time is directly related to the analysis of the language of cinema in a linguistic aspect. And also, some deviations from literary norms in the language of Uzbek films in the period of independence have been clarified.*

Key words: *art, cinema, language of cinema, features of the "language of cinema", literary norm, movie names.*

Инсон яралибдики, кашфиётлар қилишга, ихтиролар яратишга уриниб келади. Бу яратиқлар, албатта, қайсидир эҳтиёжимизни қондиришга ёрдам беради. Айниқса, санъатнинг қайси бир турини олмайлик, барчаси инсон тафаккурининг олий маҳсули бўлиб, инсонларнинг завқланишига, баҳра олишига хизмат қилади. Санъатлар орасида томошабинни тезда ўзига ром қилиб, экран олдидан жилишга йўл қўймайдиган, кўнгилочар тури кинодир.

Кино оммага, жамиятга қаратилган, шу сабабли кинодаги ҳар бир восита тарбия калитидир. Умуман олганда, санъат фанларнинг ютуқларига суянган ҳолда ҳаётни образлар воситасида ифода этади. Образлилик санъатнинг ҳамма кўринишларини бирлаштирадиган, умумийлиги, ўхшашлигини таъминлайдиган универсал воситадир. "Образли формадан ташқарида санъат йўқ" (Ойбек). Хусусан, кинонинг ҳам образлилигини таъминлайдиган асосий воситалардан бири кино тилидир. Кино тилидаги ҳар бир сўзнинг ўз "юк"и бор. Ана шу "юк"дан фойдаланганимизда адабий меъёрни унутиб қўймаслигимиз зарур.

Адабий меъёр – адабий тил меъёрларига риоя этишдир. Бу меъёрлар тилимиздаги сўзларни назорат қилади, якдилликка, бир хилликка ундайди. Сўзларни турли хил вариантда, ҳар хил шаклда, яъни меъёрга зид ҳолатда ишлатилишига йўл қўймайди. Зеро, "Меъёр [а. ўлчак, асосий ўлчов; андоза] 1 Расмийлаштирилган, умум томонидан қабул қилинган, ҳамма томонидан мажбурий деб ҳисобланган, қонун ҳукмига кирган тартиб-қоида. *Ҳуқуқ меъёрлари.*

Ахлоқ меъёрлари. 2 Бирор нарса, иш ва ш.к. нинг миқдор, даража жиҳатдан талабдаги, белгили ўлчами. *Ҳар нарса ҳам ўз меъёрида яхши*" [3, 462].

Демак, меъёр жамиятнинг ҳар бир соҳасига алоқадор тушунчадир. Меъёр бузилса ёки бузилган меъёрлар ўз вақтида тузатилмаса, аслиятга, моҳиятга путур етади ёхуд аслият бошқа бир аслиятни юзага келтиради. Адабий тил меъёрлари ҳам тилни асосий воситалардан бирига айлантирган барча соҳаларга бирдек тегишлидир.

Бугунги кунда ўзбек миллий кино санъати ўз ўрни ва мавқеига эга. Жаҳон кино санъатида ҳам муносиб ўринга эга бўлиши учун ҳукуматимиз томонидан муносиб шароитлар яратилган. Айниқса, Президентимиз Ш.М.Мирзиёевнинг "**Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги** қарорида ўзбек миллий кино саноатини ривожлантиришда, унинг кино бозорида рақобатбардошлигини оширишда бир қатор муаммолар борлиги айтиб ўтилган. Шундай муаммолардан бири "*ишлаб чиқилаётган кино маҳсулотларининг мафкуравий-бадиий даражасининг пастлиги, сценарийнавислик, режиссёрлик ва актёрлик ишларининг лозим даражада сифатли эмаслиги, ёшлар учун маънавий намуна бўлиб хизмат қиладиган бадиий образларнинг кўпинча мавжуд эмаслиги ёш авлодни жасорат ва қатъиятлилик руҳида тарбиялаш, ёт «оммавий маданият»га қарши курашиш каби миллий кинематографиянинг асосий мақсадларини амалга ошириш имконини бермаяпти*" [1] дея таъкидланган. Бу муаммонинг ечими бевосита кино тилига ҳам боғлиқдир. Бундан ташқари, ушбу ислоҳотнинг давоми сифатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январдаги Олий Мажлисга мурожаатномасини ҳам айтиш мумкин. Мурожаатномада киноматографияни 2030 йилгача ривожлантириш концепсияси ҳамда "Киноматография тўғрисида"ги Қонун ишлаб чиқилиши муҳим масалалар қаторида санаб ўтилди [2]. Бу каби ислоҳотларнинг амалга оширилиши кино соҳасининг ҳар томонлама кенг ривожланишига йўл очиб беради, дейиш мумкин.

Мустақиллик даври ўзбек кинофильмларини кузатар эканмиз, тижорат кинофильмлари сон жиҳатдан етакчилик қилади. Тижорат кинофильмлари тилидаги адабий меъёр эса ачинарли аҳволда. Тўғри, бу киноларнинг аксарияти миллий телеканалларда намойиш этилмаса-да, аммо нодавлат ва нотижорат телеканалларда кунора намойиш этилмоқда. Телеканалларда юзини кўрмаган кинолар эса кинотеатрларда камида бир марта оммага тақдим этилган. Бундан ташқари кинолар интернет сайтларида жойлаштирилган, дўконларда дискларга кўчирилган нусхалари сотилмоқда. Бу фикрларни айтишдан мақсад шуки, кино тилидаги адабий меъёр қай аҳволда бўлишидан қатъий назар жамиятнинг бир қисмига бўлса ҳам намойиш этилди ҳамда ўз таъсирини кўрсатди.

Истиқлол йилларида экран юзини кўрган айрим ўзбек кинофильмлари тилини таҳлилга тортдик. Кинофильмларни танлашда кўпроқ адабий меъёрдан чекинилган ҳолатларни асос қилиб олдик. Бу асос эса диққатимизни тижорат кинофильмларига қаратди.

Мисолларга эътибор беринг: "Паноҳ" фильмидан: "Ока, шу мани қўриқлийди деб ўйлавозми?", "Яхшиликча сур бўттан", "Котта кўча", "Ў, братан, табриклимиза", "Қўрқвоссанми?", "Ҳақиқатни этинг".

Музаффар Эркиновнинг “Ягонам” филмидан: “Бурнинг котта бўп кетади”, “Отворадиган қўғирчоғинг бўлдимми энди?”, “Туфлигимни чиройли қип тозалаб бер, укагинам”, (Анвар), “Бу телефонни мен сизга оберганман”, “Бор, омийсанми?” (Мафтуна), “Азгина”, “сийним”, “ўшанийчун” (Фотограф), “Калитти Сухробга бер” (Мафтунанинг отаси).

(Мазкур фильмни кузатар экансиз, Эшмат ота тилида умуман шева унсурлари учрамайди - бу борада “Қайси санъаткорлар тилида шева унсурлари кўпроқ учрайди?” деган савол ҳам пайдо бўлади.)

Дилшод Ахмедов “Тўқликка шўхлик” филмидан: Лайло: “Шу кўйлакди кийишни холагандим”, “Кўчадан кемийди”, “Гаплашиб олишимиз керай”, “Қорайиззи кўрмий”; Алишер: “Тинчлийми?”, “Муҳайё қисам”, “Нима деб ўйласанг, уйлувур”, “Ўзим қўнғироқ қивораман”; Шерзод: “Ҳар бир ишшинг жовоби бор?”; Ҳусноро: “Ҳово алмаштирамиз”.

Жаҳонгир Фозилжонов: Самоартфилмс “Салом, Наташа” филмидан: “… қизга уйланвоссанми?”, “Нима қивоссан бўтта?”, “Поез кевотти”, “Адам минам ойимми жахллари сал ёмон”, “Нега урвос”, “енги нарсамиз йўғу”, “опчиқиб ташийман”, “Утта ашуламас, табрик бувотти”, “Бошши ачтиб юборди”, Наташа: “Турмийман шеттан”.

Заминфилм студияси “Аччиқ ҳаёт” (Жаҳонгир Фозилжонов) “Баҳром қивотти”, “Вагзалга кеп турларинг”, “Сан мани сўтак девоссанми”, “Вашше чақиб ташийман”, “кимми тойчоғи бу?”, “Бир катайса қиларканмиз-да”.

Бу каби мисолларни жуда кўплаб келтиришимиз мумкин. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикасининг “Давлат тили ҳақида”ги қонунининг **16-модда**сида *“Телевидение ва радио эшиттиришлари давлат тилида, шунингдек бошқа тилларда олиб борилади”* дея ёзиб қўйилган. Телевидение орқали узатиладиган ҳар бир кўрсатув ҳамда кинофильмлар ўзбек адабий тилининг кўзгуси саналади.

Бугунги кунда аксарият кинофильмлар тилида Тошкент шеваси етакчилик қилади. Ваҳоланки, “Давлат тили тўғрисида”ги Қонунда “Давлат тили расмий амал қиладиган доираларда ўзбек адабий тилининг амалдаги илмий қоидалари ва нормаларига риоя этилади (**7-модда**.)”, - деб белгилаб қўйилган. Кинофилмлар тилидаги савия кишида ҳақли эътироз ва жиддий хавотир уйғотади. Бугунги юқорида мисол тариқасида келтириб ўтилган кинофилмлар тили на томошабинларга, на ўқувчиларга намуна бўлолмайди.

Бундан ташқари, қаҳрамонлар нутқида кўча сўзлари, ҳиссиёти, тийиқсиз чучмаллик тезлик билан кириб келмоқда. Муаллиф ва режиссёрлар сценарийлар мазмунига эмас, сўзларнинг (ибораларнинг) замонавийлигига эътибор қаратишмоқда. Тўғри, бадиий асарда замон ва қаҳрамонлар характерини ёритиб беришда уларнинг нутқи муҳим аҳамиятга эга. Аммо бугунги қаҳрамонлар нутқидаги шева унсурлари бунга хизмат қилмаяпти-да!

Бундай филмларнинг кўплаб томошабинларга эга бўлаётганини инобатга олсак, бу ёш авлод адабий тили ривожига жиддий хавотир уйғотиши турган гап. Чунки миллатнинг адабий тилини шакллантиришга тўғри йўналиш бермай туриб, унинг маънавиятини юксалтириш, комил шахсни тарбиялаш ҳақида гапириш беҳудадир.

Кино тили – жамиятга қаратилган тил. У адабий тил меъёрларига риоя қилмаслиги мумкин эмас. Кино тили миллатнинг давлат тилини бошқариб турадиган воситалардан биридир, чунки халқ кинони кўра туриб адабий тил меъёрларини ўз-ўзидан ўзлаштиради. Кино тилида тил меъёрларига риоя қилиш, тилимизнинг бетакрор, жозибадор сўзларидан фойдаланиш ўзбек адабий тилини кенг ёйиш ва тарғиб этишда муҳим ўрин эгаллайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. **Мирзиёев Ш.М.** Миллий киноиндустрияни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида. 2018 йил 24 июль, ПҚ-3880-сон [Электрон ресурс] http://www.lex.uz/ru/docs/3835308
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020. [Электрон ресурс] https://president.uz/uz/lists/view/3324
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 1-жилд. – М.: Рус тили, 1981. – 632 б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 2 жилдлик. 2-жилд. – М.: Рус тили, 1981. – 715 б.
5. **Ширинова М.Ш.** Ортология адабий меъёр ҳақидаги фан сифатида // “БухДУ илмий ахбороти”, 2019 йил 3-сон, Б. 127-131
6. **Ширинова М.Ш.** Кино тили тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари // “БухДУ илмий ахбороти”, 2019 йил, 4-сон.
7. **Shirinova M.Sh.** The concept of film language and its studiedness in linguistic aspect. Актуальные вопросы современной науки и образования: сборник статей Международной научно-практической конференции. В 2 ч. Ч. 1. – Пенза: МЦНС “Наука и Просвещение”. – 2020. С. 157-159
8. **Ширинова М.Ш.** Ўзбек кинофильмлари номларининг ортологик хусусиятлари // “БухДУ илмий ахбороти”, 2020 йил, 1-сон.
9. https://studref.com/473325/zhurnalistika/yazyk_kino_yazyk_ekrana
10. https://sites.google.com/site/kursliteraturaikino/home/vodnoe-zanatie-azyk-kino-i-azyk-literatury-literaturnaa-kinematograficnost-raznyh-zanrov
11. https://www.google.com/search?q=uzbek+kino+2018&safe=strict&rlz=1C1GGRV_enUZ851UZ851&source=lnms&tbm=isch&sa=X&ved=2ahUKEwix9eDw1tfmAhU0i8MKHQfYCf0Q_AUoA3oECAgQBQ&biw=1517&bih=741&dpr=0.9

ҲИНДИЙ ТИЛИДАГИ СОНЛАРГА ХОС ЛЕКСИК ОМОНИМЛАР ТАҲЛИЛИ

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович
Тошкент давлат шарқшунослик университети
«Жанубий ва Жануби-Шарқий Осиё тиллари» кафедраси докторанти, филология фанлари номзоди
Тел: 90 805-78-18 e-mail: sirojiddin2003@yahoo.com

Аннотация: *Мазкур мақолада ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилидаги сонларга оид омоним сўзлар лингвистик таҳлил қилинган. Уларнинг ўзига хос лисоний хусусиятлари ва ифодаланиш жиҳатлари атрофлича ўрганилган. Таҳлил натижалари турли хил моделларда акс эттирилган.*

Таянч сўз ва иборалар: *омонимия, омоним сўзлар, саноқ сонлар, тартиб сонлар, нумератив сонлар, лексема, татсама, тадбҳава, санскрит.*

АНАЛИЗ ЛЕКСИЧЕСКИХ ОМОНИМОВ ЧИСЛИТЕЛЬНЫХ В ЯЗЫКЕ ХИНДИ

Нурматов Сирожиддин Султанмуратович
Докторант кафедры «Языков Южной и Юго-Восточной Азии» Ташкентского государственного университета востоковедения, кандидат филологических наук
Тел: 90 805-78-18 e-mail: sirojiddin2003@yahoo.com

Аннотация: *В данной статье рассматривается лингвистический анализ омонимичных слов числительных в современном литературном языке хинди в индо-арийских языках. Были тщательно изучены их лингвистические особенности и выражения. Результаты анализа были отражены в разных моделях.*

Опорные слова и выражения: *омонимия, омонимичные слова, количествинные числительные, порядковые числительные, нумеративные числительные, лексема, татсама, тадбхава, санскрит.*

ANALYSIS OF LEXICAL HOMONYMS OF NUMERALS IN HINDI LANGUAGE

Nurmatov Sirojiddin Sultanmuratovich
Doctoral student of the Department of "South and South-East Asian Languages" at Tashkent state university of Oriental studies, candidate of philological Sciences
Tel: 90 805-78-18 e-mail: sirojiddin2003@yahoo.com

Abstract: *In this article numerical homonyms in modern Hindi literary language which is belong to Indo-Aryan Languages family were analysed. Their linguistic features and aspects of expression were researched. Analysis results were reflected in different models.*

Key words and expressions: *homonymy, homonymous word, counting numbers, ordinal numbers, numeral numbers, lexeme, tatsama, tadbhava, sanskrit.*

Дунёдаги барча тиллар ўзига хос ривожланиш тарихига эга. Дунё тилларидаги ҳар бир сўз ўзига хос хусусиятларга эга. Улар орасида омоним сўзлар ўзининг лингвистик жиҳатлари билан бошқа сўзлардан ажралиб туради. Мазкур мақолада Ҳиндистоннинг давлат тили бўлмиш ҳиндий тили лексикасидаги сонларга доир омоним сўзлар таҳлил қилинади.

Илмий манбаларда қайд этилишича, омонимлар юнонча сўздан (homos – бир хил + onyma – ном) олинган бўлиб, талаффузи ва ёзилиши бир хил бирдан ортиқ сўзларга айтилади. Масалан: боғ (турли мева, гул ва бошқалардан иборат майдон) – боғ (боғлайдиган нарса); от (исм) – от (иш ҳайвони) ва ҳоказо [4; 75].

Юқоридаги маълумотлардан келиб чиқиб шуни алоҳида қайд этиш лозимки, гарчи жаҳон тилшунослигида омонимия ҳодисасига оид кўплаб илмий тадқиқот ишлари амалга оширилган бўлса-да, лекин ҳинд тилшунослигида сонларга оид лексемаларда учрайдиган омоним сўзлар лингвистик жиҳатдан тадқиқ этилмаган.

Мазкур мақолада янги ҳинд-орий тиллари гуруҳига мансуб ҳиндий тилидаги сонларга хос омоним сўзлар атрофлича ўрганилади.

Омоним сўзлар ҳар бир тилда асосан от, сифат ва феъл сўз туркумига оид лексик бирликлар қаторида кўп учрайди. Бошқа сўз туркумларига, жумладан, равиш, олмош, сон сўз туркумларига оид лексемаларда омонимия ҳодисаси нисбатан кам содир бўлади. Ҳинд-Оврўпа тиллари оиласининг ҳинд-орий тиллари гуруҳига оид ҳиндий тилидаги сонларга оид лексик омонимлар озчиликни ташкил этса-да, лекин улар ўзига хос ифодаланиш жиҳатлари билан ажралиб туради.

Мазкур мақолани ёзишда ҳиндий тили сон турлари орасида мавжуд бўлган асосан саноқ, тартиб, нумератив сон турларига оид бир неча лексемалар таҳлил қилинди. Таҳлил натижалари қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганилди.

I гуруҳ. Ушбу гуруҳ саноқ сонларга оид омоним сўзлардан ташкил топган бўлиб, улар ҳам сон, ҳам сифат сўз туркумига оид лексемалардан иборат. Ушбу гуруҳга оид мисоллар SS (S) = OS моделига хос деб топилди. Ушбу моделда SS-саноқ сон, (S)-сифат, OS-омоним сўзлар демакдир.

एक (ek) бир (саноқ сон), एक (ek) бир хил, ягона (сифат);

नौ (nau) – "тўққиз (саноқ сон)", नौ (nau) – "янги" (сифат);

बीस (biis) – "йигирма" (саноқ сон), बीस (biis) – "яхши, олий" (сифат);

Юқоридаги мисолларда саноқ сонларга оид лексемаларнинг иккитадан маъно хусусиятига эга эканлиги маълум бўлмоқда. Масалан:

एक मकान (ek makaan) – "бир макон", एक उम्र का (ek umr kaa) – "бир хил ёшдаги";

नौमंज़िला इमारत (naumanzilaa imaarat) – "тўққизқаватлик бино", नौजवान अध्यापक (naujavaan adhyaapak) – "ёш ўқитувчи";

बीस किलोमीटर (biis kilomiitr) – "йигирма километр", बीस होना (biis honaa) – "кучли бўлмоқ" [5; 259].

II гуруҳ. Ушбу гуруҳ саноқ сонларга оид омоним сўзлардан ташкил топган бўлиб, улар ҳам сон, ҳам от сўз туркумига оид лексемалардан иборат. Мазкур гуруҳга оид мисоллар SS (O) = OS моделига хос деб топилди ва бу моделдаги SS-саноқ сон, (O)-от, OS-омоним сўзлар деган маънони англатади. Мазкур гуруҳга оид лексемалар қуйида акс эттирилади:

चार (chaar) – "тўрт" (саноқ сон), चार (chaar) – "айғоқчи" (от);

पाँच (paaNch) – "беш" (саноқ сон), पाँच (paaNch) – "одамлар (асосан яхши одамлар)", पाँच (paaNch) – "ҳурматли шахслар";

नौ (nau) – "тўққиз (саноқ сон)", नौ (nau) – денгиз флоти (от) [8; 746].

Мазкур гуруҳга оид саноқ сонларга оид лексемалар ҳам иккитадан маъно хусусиятига эга бўлиб келмоқда. Уларнинг ўзига хосликларини қуйидаги мисолларда кузатишимиз мумкин:

चार विद्यार्थी (chaar vidyaarthii) – "тўртта талаба", इस जगह पर चार भी हैं। (Is jagah par chaar bhi hain) – "Бу жойда айғоқчилар ҳам бор";

पाँच छात्र (paaNch chaatr) – “бешта ўқувчи”, यह सारे लोग पाँच जैसे हैं। (Yah saare log paanch jaise hain) “Буларнинг барчаси ҳурматли шаҳслардир;

नौ प्रांत (nau praant) – “тўққизта вилоят”, नौसेना (nau senaa) ҳарбий денгиз флоти [5; 904].

III гуруҳ. Ушбу гуруҳдаги мисоллар юқоридаги гуруҳлардан фарқли равишда тартиб сонларга оид омоним сўзлардан ташкил топган бўлиб, улар тартиб сон, от ва сифат сўз туркумларига оид лексемалардан ташкил топган. Модели эса қуйидагича, яъни TS (O, S) = OS. Ушбу моделда TS-тартиб сон, O-от, S-сифат, OS-омоним сўзлар демакдир. Жумладан:

दूसरा (dusraa) – “иккинчи” (тартиб сон), दूसरा (dusraa) – “бошқа, ўзга” (от);

तीसरा (tiisraa) – “учинчи” (тартиб сон), तीसरा (tiisraa) – “бегона, нотаниш” (сифат) [8; 579].

Юқоридаги мисолларда тартиб сонларга оид лексемаларнинг иккитадан маъно хусусиятига эга эканлиги маълум бўлмоқда. Масалан:

मेरी बेटी दूसरी कक्षा में पढ़ती है। (Merii beTii dusrii kakshaa mai paRhtii hai) – “Қизим 2 синфда ўқийди”. यह आदमी बिल्कुल दूसरा है। (Yah admii bilkul dusraa hai) – “Бу одам мутлоқ бошқа (ўзга)”;

तीसरा महीना (tiisraa mahinaa) – “учинчи ой”

तीसरा आदमी (tiisraa aadmi) – “бегона одам”.

IV гуруҳ. Мазкур гуруҳ таркибида нумеративлар ҳамда отларга оид лексик бирликлар омонимия ҳодисасини ташкил этган бўлиб, улар ҳам ҳиндий тили лексикасида мавжудлиги аниқланди. Улар асосан нумератив сон ва отлардан иборат. Мазкур гуруҳга оид мисоллар NS (O) = OS моделига хос деб топилди. Ушбу моделда NS-нумератив сон, (O)-от, OS-омоним сўзлар демакдир. Масалан:

अंगुल (angul) – “таҳминан икки сантиметрга яқин ўлчов бирлиги” (нумератив сон), अंगुल (angul) – “бармоқ” (от) [8; 4];

प्रादेश (pradesh) – “қарич, яъни ўлчов бирлиги” (нумератив сон), प्रादेश (pradesh) – “провинция, штат, туман” (от);

सेर (ser) – “таҳминан 1 литрга яқин суюқлик ўлчов бирлиги” (нумератив сон), सेर (ser) – “сэр, жаноб” (от);

धनुष (dhanush) – “2 метрга тенг узунлик ўлчов бирлиги” (нумератив сон), धनुष (dhanush) – “камон қуроли (ўқ-ёй)” (от), धनुष (dhanush) – “ўқотар (бурж)” (от) [5; 821].

Юқоридаги гуруҳдаги мисоллардан фарқли ўлароқ ушбу гуруҳдаги лексемалар нумератив сонлардан ҳамда отларга хос сўзлардан ташкил топган бўлиб, улар ҳам иккита, ҳам учтадан маънони англатиб келмоқда. Қуйидаги мисолларда уларнинг ўзига хосликларини кузатишимиз мумкин:

यह द्वार दो अंगुल के बराबर है। (Yah dvaar do angul ke baraabar hai) – “Бу эшик таҳминан икки метрга тенг”, पाँचों अंगुल बराबर न रहना। (PaanchoN angul baraabar na rehnaa) – “Беш қўл баробар бўлмаслик (Беш қўл баробар эмас)”;

इसका प्रादेश कितना लम्बा है ? (Is kaa pradesh kitnaa lambaa hai?) – “Бунинг ўлчови қанча?”, भारत में कितने प्रादेश हैं? (Bhaarat mai kitne pradesh hain?) – “Ҳиндистонда нечта штат бор?”;

मुझे एक सेर दूध दे दीजिये। (Mujhe ek ser duudh de diijiye) – “Менга 1 сер (литр) сут беринг”, सेर, आपकी सेवा के लिये तैयार हूँ। (Ser, aapkii sevaa ke liye taiyaar hoon) – “Сэр (жаноб), хизматингизга тайёрман”.

इसकी लम्बाई डेढ़ धनुष है। (Iskii lambaaii DeRh dhanuSh hai) – “Бунинг узунлиги 1,5 дҳануш (таҳминан 3 метр)га тенг”.

इस तीर चलाने के साधन का धनुष बिल्कुल ठीक है। (Is tiir chalaane ke saadhan kaa dhanuSh bilkul thiik hai) – “Бу ўқ-отар воситанинг ўқ-ёйлари жойида”

उसका जन्म नवम्बर महीने के अंतिम दिनों में हआ है। इसी लिये उसका राशि-चक्र है – धनुष। (Uskaa janm navambar mahine ke antim dinoN mai huaa hai. Isii liye uskaa raashi-chakra hai - dhanuSh) – “У ноябрь ойининг сўнгги кунларида таваллуд топган. Шунинг учун унинг буржи “ўқотар” ҳисобланади”.

V гуруҳ. Ушбу гуруҳ таркибида фақатгина биттагина мисол аниқланган бўлиб, у бошқа гуруҳдаги сўзлардан фарқ қилади. Унинг иккинчи маъноси буйруқ майлини англатиб келмоқда. Мазкур гуруҳга оид мисол SS (BM) = OS моделига хос деб топилди. Ушбу моделда SS-саноқ сон, (BM)-буйруқ майли, OS-омоним сўз демакдир. Масалан:

दो (do) – “икки” (саноқ сон);

दो (do) – “бер” (буйруқ майли).

Мазкур гуруҳга оид лексема таркиби ҳам иккита маънони англатмоқда. Бири саноқ сонларга хос бўлган “икки” сони маъносини англатса, иккинчиси ҳиндий тилидаги देना (denaa) – “бермоқ” феълининг буйруқ майлига хос бўлган तुम (tum) кишилик олмоши учун қўлланиладиган दो (do) – “бер” шакли ҳисобланади. Уларнинг ўзига хос ифодаланиш жиҳатларини қуйидаги мисолларда кузатишимиз мумкин:

दो शब्द (do shabd) – “иккита сўз” (икки оғиз сўз)

वचन दो (vachan do) – “ваъда бер”.

Шунингдек, ҳиндий тилида юқорида кўрсатиб ўтилган сонларга оид лексик омонимлардан ташқари, йирик сонларга хос бўлган лексемалар ҳам мавжудки, уларда ҳам омонимия ҳодисаси кузатилади. Масалан, नील (niil) [7; 597] – яъни, бу лексема юз миллиарддан юқори бўлган сонлар маъносида қўлланилиши билан биргаликда, қадимги ҳинд-орий тилларига хос санскрит тилида “қора ранг” маъносида ҳам қўлланилган ва бу сўз пракрит тилларидан ўтиб, ундан янги ҳинд-орий тилларига ўзлашганда тадбҳава [3; 39] шаклига ўзгарган ва “кўк ранг” маъносини англата бошлаган.

Яна бир йирик сонлар қаторида қўлланилган पद्म (padma) сўзи ҳам сон сўз туркумига оид эканлиги билан қаторда унинг “нилюфар гули” маъносига эга шакли борлиги ҳам кузатилди. Шунингдек, शंख (shankha) [6; 271] – лексемаси ҳам йирик сонлар маъносини англатиши билан биргаликда, у “мусиқа асбоби” маъносида ҳам ҳозирги адабий ҳиндий тилида қўлланилади.

Юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб қуйидаги умумий хулосаларга келинди:

1.Ҳинд-орий тилларига оид ҳиндий тилидаги сонларга хос лексемалар атрофлича ўрганилиши натижасида уларда омонимия ҳодисаси борлиги кузатилди.

Таҳлилга тортилган мисоллар сонларга хос лексик бирликлардан иборат бўлиши билан биргаликда уларнинг иккинчи ва учинчи маънолари от ва сифат сўз туркумларига оид эканлиги ҳам маълум бўлди.

2. Сонларга хос лексемалар турли хил гуруҳларга бўлиб ўрганилди ва уларнинг таркибий қисмлари турли хил моделларда акс эттирилди. Улар орасида нумератив сонларга оид омоним сўзлар гуруҳи етакчи гуруҳ сифатида белгиланди ва моделлар орасида NS (O) = OS модели маҳсулдор қолип деб топилди.

3. Таҳлилга тортилган баъзи мисоллар саноқ сон маъносини англатиб келиши билан биргаликда, унинг иккинчи маъноси мустақил сўз туркумларига доир сўзлар мажмуасини эмас, балки феълга оид грамматик категорияга хос бўлган буйруқ майли хусусиятини англатиб келиши ҳам аниқланди ва унинг модели SS (BM) = OS формуласига мос келиши кўрсатиб берилди.

4. Бирлик ва ўнликларга оид сонларга оид лексемалардан ташқари йирик сонлар таркибида ҳам омонимия ҳодисаси мавжудлиги аниқланди. Айниқса, улар қадимги ҳинд-орий тилларига хос бўлган санскрит тилида йирик сонлар маъносини англатган бўлса, кейинчалик улар янги ҳинд-орий тилларига келиб сифат ва от сўз туркумларига оид лексик бирликлар маъносини ҳам бера бошлаган.

5. Қадимги ҳинд-орий тиларига хос баъзи санскрит тилидаги сонлар ҳозирда ҳам кенг қўлланилиб, улар икки ёки уч хил маъно хусусиятига эга эканликлари ҳам маълум бўлди (सत्ता (sattaa) – “етти” (саноқ сон), सत्ता (sattaa) – “суверенитет”, सत्ता (sattaa) – “куч”). Гарчи, мазкур сўзлар татсама типига оид сонлар ҳисобланса-да, бундай лексемалар янги ҳинд-орий тилларига хос бўлган ҳозирги адабий ҳиндий тилида ҳам қўлланиши аниқланди. Шунингдек, сонларга хос омоним сўзлар орасида тадбҳава типига оид сўзлар ҳам етакчи ўринни ташкил этиши таҳлил натижаларига кўра кузатилди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кочергина В.А. Санскрит. –М.: Академический Проект, 2007.

2. Низомиддинова С. Ҳозирги замон ўзбек тилида сон. -Т.: Фан, 1974.

3. Шоматов О.Н. Жанубий Осиё тилларига кириш. I қисм. -Т.: ТошДШИ нашриёти, 2003.

4. Ҳожиев А.Тилшунослик терминларининг изоҳли луғати. –Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002.

5. Хинди-русский словарь. Составители А.С.Бархударов, В.М.Вескровный, Г.А. Зограф, В.М.Липеровский. Под ред. В.М.Бескровного. Т I-II. –М.: Советская Энциклопедия, 1972.

6. धीरेंद्र वर्मा -हिन्दी भाषा का इतिहास। -दिल्ली, 1962.

7. भोलानाथ तिवारी - हिन्दी भाषा। -इलाहाबाद, 1972.

8. बृहत हिन्दी कोश – वाराणसी, 1981.

ИНГЛИЗ ТИЛИДАГИ СПОРТГА ОИД ЛЕКСИК БИРЛИКЛАРНИНГ ТАРИХИЙ ТАРАҚҚИЁТ БОСҚИЧЛАРИ.

Саримсоков Хуршид Абдималикович

Аннотация; *Тилшунослик ва спорт соҳасининг бир-бирига боғлиқ ҳисобланади. Ушбу мақолада Англияда вужудга келган жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари орқали спортга оид лексик бирликларнинг тарихий-генетик илдизлари ҳақида фактик-аналитик маълумотлар келтирилган.*

Калит сўзлар*: кураш, найза, отбоқар, пример лига, нюмаркет, крикет.*

THE HISTORICAL DEVELOPMENT STAGES OF SPORTS LEXICAL UNITS IN ENGLISH.

Annotation: *Linguistics and sport are interconnected. This article has presented factual analytical information about the historical and genetic roots of sportive lexical units through physical education and sports games that appeared in England.*

Keywords: *wrestling, javelin, groom, premier league, newmarket, cricket.*

ИСТОРИЧЕСКИЕ ЭТАПЫ РАЗВИТИЯ СПОРТИВНЫХ ЛЕКСИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА.

Аннотация: *Лингвистика и спорт взаимосвязаны. Эта статья представила фактическую аналитическую информацию об исторических и генетических корнях спортивных лексических единиц через физкультуру и спортивные игры, которые появились в Англии.*

Ключевые слова: *борьба, копье, конюх, премьер-лига, ньюмаркет, крикет.*

Бугунги кунга қадар терминологияга оид тадқиқотларни амалга ошириш мамлакатимиз ва хорижий тилшуносликда ўзига хос ўринни эгаллаб келмоқда. Бу фан ва техниканинг жадаллик билан ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий, илмий-техникавий ахборот ҳажмининг ортиши натижасида терминологик лексиканинг тобора кенгайиб бориш жараёни билан изоҳланади. Мазкур жараён турли соҳага оид терминларни илмий жиҳатдан ўрганиш эҳтиёжини юзага келтирди. Мақоламизда Англияда вужудга келган жисмоний тарбия ва спорт ўйинлари орқали спорт терминларининг тарихий-генетик илдизлари ҳақида маълумотларни келтирамиз.

Ласкодаги (Франция ҳудуди) қадимий ғордаги ёдгорликларнинг гувоҳлик беришича, **кураш** энг қадимги спорт тури ҳисобланади. Ушбу спорт тури қарийб 15300 йил аввал пайдо бўлган. Британия ҳудудида **кураш – wrestling** нинг оммалашуви милоддан аввалги 55 йилда Рим империясининг ушбу ҳудудга кириб келиши билан узвий боғлиқ. Бундан ташқари, **running – югуриш**, **javelin throwing – найза отиш** каби спорт турларининг ҳам кенг оммалашишига катта ҳисса қўшган. Бу учала спорт тури ўша даврларда ҳам Олимпиада ўйинлари таркибига киритилган [7; Б. 4].

Буюк Британияда “Ancient History Encyclopediya” – “Қадимги Тарих энциклопедияси”да тарихшунос Марк Картврайт (Mark Cartwright) томонидан чоп этилган “Medieval Tournament” – “Ўрта асрлар Мусобақаси” номли тарихий-мемуар рисолада спорт беллашувларига қуйидагича таъриф келтирилган: *“The medieval tournament was a forum for European knights where they could practise and show off their military skills in activities such as jousting or the mêlée, indulge in a bit of pageantry, display their chivalrous qualities and win both riches and glory”* [3; Б.7].

Таржимаси: *“Ўрта асрлар мусобақаси Европа рицарлари учун от устида* ***найзабозлик*** *ёки* ***қўл билан олишув*** *ва жанговор маҳоратларини намойиш қила оладиган, бир оз томоша кўрсатиб, ўзларининг рицарлик сифатлари ҳамда иқтидорларини намоён этиб, бойлик ва шуҳратни қўлга киритадиган тадбир эди”.*

Ушбу мусобақа Европа халқлари орасида ҳам оммалашиб, IX асрдан XVI асргача давом этган. Унинг аҳамиятли томони шундан иборат эдики, мазкур тадбир кучли жангчиларни машҳур спортчиларга айлантирган дастлабки мусобақа бўлган. Бу спорт тури халқ тилида бир неча номлар билан номланган: **melee** (французча “*mêlée*” – *қўл жанги*), **tourney** ёки **tournoi** – *мусобақа* , **hastilude** – *беллашув,* **jousting** – *от устида найзабозлик* (махсус йўлакда, узун ёғоч найза билан қарама- қарши томондан чопиб келиб, от устида олиб бориладиган олишув). Ушбу спорт турининг 40 дан ортиқ атамалари мавжуд бўлган. Масалан: **armour** – иштирокчи совути; **caparison** – отга кийдирилган рамзий мато, **chamfron** – отнинг пешона ва юз қисмини ҳимоя қилувчи темир қалқон, **crest** – бош кийим устидаги рамзий белги (пат, шоҳ, хоч,...), **crinet** – от кўкрагини ҳимоя қилувчи совут, **ecranche** – иштирокчининг чап тарафида турувчи ёғоч қалқон, **frangible lance** – узунлиги 3,3 метр бўлган мўрт ёғоч найза, **groom** – иштирок этадиган отга тайинланган назоратчи, **ground crew** – мусобақа ташкилотчиси, **helm** – дубулға, **heraldry** – иштирокчининг кийими ёки байроқ ранглари, **horse master** – отлар ҳолати назоратчиси, **marshals** – мусобақа ҳакамлари, **runners** – майдонда қолган яроқсиз қуролларни тозаловчи одам, **sabatons** – иштирокчининг сон ва оёқ қисмларини ҳимояловчи темир қоплама, **tilt yard** – мусобқа ўтказиладиган майдон [3; Б.16]. Ҳозирги кунда бундай спорт тури расман ташкил этилмайди. Аммо Британиянинг миллий байрамларида Йоркшир, Сассекс, Нотингем каби тарихий шаҳарларда меҳмонлар учун рамзий, кўргазмали чиқишлар ўтказилади.

Ўрта асрларда Буюк Британияда қироллик аъзолари ва сарой аъёнларининг вақтини мароқли ўтказиш мақсадида бир қанча спорт турлари мавжуд бўлган. Масалан, аёллар кўпроқ бўш вақтида **chess – шахмат**, **acrobatics – акробатика** билан шуғулланишган, эркаклар эса **hunting – ов**, **falconry – лочин ёрдамида ов** қилиш билан шуғулланишган [3; Б.12].

Демак, кураш, югуриш, найза отиш, акробатика каби спорт турларининг пайдо бўлиши инглиз тили луғавий таркибида *wrestling, frangible lance, chess, ground crew, horse master* каби сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Юқоридаги спорт турлари билан, асосан, қироллик оиласи ва унинг вакиллари, рицарлар мунтазам шуғулланишган бўлса, оддий халқ вакилларининг ҳам ўз ўйинлари бўлган. Улар орасида ҳанузгача ўз қадрини йўқотмаган спорт тури бу – **футбол – football**. Оддий ҳалқ томонидан ўйналадиган бу спорт тури 1170

йилда спорт ўйини сифатида қабул қилинган. Орадан бир аср вақт ўтиб, яъни 1280 йилда "**kicking a ball**" – "**тўп тепиш**" тўғрисида кўплаб маълумотлар ёзиб қолдирилган. Ёзма манбаларда келтирилишича, Англияда 1314 йилдан бошлаб бу ўйинга **football** номи берилган ва спорт тури сифатида расман тан олинган [5]. Қирол оиласига тегишли тарихий қўлёзмаларда эса 1409 йилда шахсан қирол Генрий IV томонидан битилган расмий номада ушбу ўйин **football – футбол** деб қайд қилинган [6; Б.310]. 1848 йилга келиб футболнинг бир нечта қоидалари қабул қилинган: **goalies – дарвозабон**; **throw-ins – тўпни қўл билан ташлаш**; **goal kicks – тўпга зарба бериш**. Шундан сўнг жамоалар тузилиб, мусобақалар ўтказила бошланган ва 1863 йил Лондонда Бирлашган Қироллик учун илк бор **Association Football – Футбол Ассоциацияси** тузилади. Ташкилот 1871 йилда илк бор **Association Football Cup – Футбол Ассоциацияси Кубоги**ни таъсис этади, ҳозирда бу *Англия кубоги* деб ҳам аталади. Юқоридаги тарихий далилларга асосан Англияни **the Cradle of football** ёки **the Land of football – футбол ватани** деб аташади. Ҳозирда Англияда футбол бўйича бир нечта мусобақалар мавжуд, уларнинг энг каттаси мунтазам ташкил этиладиган **Premier legue – Пример лига** ўйинлари ҳисобланади [4; -Б.52]. Энг машҳур спорт турларидан бири бўлган футбол ўйини йиллар давомида инглиз тили луғат таркибида *ball, forward, goalkeeper, off-side, out, leage, cup, line's man, gate, penalty, penalty area, (yellow, red) cards, playmaker, wistle, full-back, VAR* каби сўзларнинг пайдо бўлишига олиб келган.

Англияда ўзига хос тарихга эга бўлган яна бир спорт тури бу **horse racing – от пойгаси** бўлиб, Авлиё Биданинг ёзишича, инглизлар от парвариш қилишни милодий 631 йилда бошлаган. Ёзма манбаларда қайд этилишича, пойгачи отларнинг пайдо бўлиши XI асрда салиб юришидан қайтган инглиз рицарларининг ўзлари билан араб отларини мамлакат ҳудудига олиб келиши билан боғлиқ [2; -Б.2]. Англия қироли Чарльз II (айрим манбаларда Карл II, 1660–1685)нинг ҳукмронлик даври от пойгаларининг ривожланиш даври ҳисобланади. Манбаларда ёзилишича, отлар пойгаси черков ақидалари билан уйғунлашган, театр ва асосий кўнгилочар томошаларни ташкил этишдан мақсад оддий халқни чалғитиш бўлган. Бу даврга келиб пойга қирол буйруғига биноан махсус тартиб-қоидалар орқали стандартлаштирилган ва 1667 йилда у **Newmarket – Нюмаркет** (ҳозирги номи **Newmarket Racecourse**) отчопар майдонини бунёд этишга фармон берган [10; Б.36]. Қоидаларга мувофиқ, мусобақада фақат икки от иштирок этган. Совриндорлар қиролнинг махсус совғалари билан тақдирланишган. От пойгалар стандарти Қиролича Анна (1702–1714) фармони билан бутунлай янгиланади. Фармонга кўра, 1711 йил август ойида профессионал пойгачи отлар учун **Ascot – Аскот** (ҳозирги номи **Royal Ascot**) отчопар ўйингоҳи бунёд этилади [10; Б.385]. Мусобақада иштирок этувчи отлар сони иккитадан олти-саккизтагача оширилади ва пойгачи отлар ғолиблик учун икки йўналишда беллашишни бошлайди: 1) **short distance – қисқа масофа** учун ўтказиладиган мусобақа; 2) **long distance – узоқ масофа** учун мусобақа. Профессионал чавандозларни тайёрлаш мақсадида 1750 йилда **Jockey Club** – *чавандоз клуби*га асос солинади [10; Б.400]. Ҳозирга келиб эса бу ташкилот Буюк Британиядаги энг катта пойгаларни ташкил этувчи ташкилот ҳисобланади.

Англияда тараққий этган спорт турларидан яна бири **cricket** –*крикет*дир. Жон Мейр маълумотига кўра, ушбу спорт тури дастлаб ўрта асрларда Буюк Британиянинг жанубий шарқида яшовчи чорвадор халқ орасида "**children's game**" – "*болалар ўйини*" кўринишида пайдо бўлган. Қироличалар Мария I (1553-1558) ва Елизабетта I (1558-1603) даврида Суррей гарфлиги Коронери ("Coroner" ўлимларни қайд этувчи қироллик амалдори) Жон Деррикнинг ёзишича: *"Being a scholler in the ffree schoole of Guldeford hee and diverse of his fellows did runne and play there at creckett and other plaies"* [1;Б.21].

Таржимаси: "Гулдефорд бепул мактаб ўқувчиси бўлган кезлари у ва унинг дўстлари чопишарди, крикет ва бошқа ўйинларни ўйнашарди". Муаллифнинг ёшини ҳисобга олган ҳолда ушбу қўлёзмадаги воқелик 1550 йилни ифода этган. Крикетнинг дастлабки терминлари сифатида, **small ball** ёки **cricket ball** – *тўп, крикет тўпчаси*, **sticks** – *таёқчалар*, **bat** – *бита* (тўп қайтарувчи бақувват таёқ), **pitch** – *майдон*, **linecourse** – *йўлак* кўрсатилган. Ушбу спорт турининг қоида-меъёрлари расман 1744 йилда ишлаб чиқилган ва 1788 йилдан бошлаб ушбу қонунлар Лондондаги Мерилибон Крикет Клуби (Marylebone Cricket Club (MCC)) ҳимоясига топширилган. Ҳозирги кунда бутун дунё учун унинг 42 қонун лойиҳалари мавжуд. Шу даврдан бошлаб *крикет* Англиянинг миллий спорт тури номини олди. Сўнгра у давлат мактаблари ҳамда Қироллик армиясида кенг тарғиб этила бошланди [11; Б.184]. 1971 йилда **International Cricket Council** (ICC) – *Халқаро Крикет Кенгаши* тузилиб, 1975 йилда Англияда 20 жамоадан иборат дастлабки **Cricket World Cup** – *Жаҳон крикет кубоги* ўтказилди [8; Б.496]. Ҳозирги вақтда инглиз тилида крикет билан боғлиқ *sticks, cricket ball, linecourse, bat, batsman, pitch, yorker, rope, track* сўзлари фаол қўлланади.

Қадимги Хитой ва Рим давлатлар худудида маълум вақт омма эътиборида бўлишига қарамасдан, замонавий ***Регби*** ўйини 1823 йилда Қирол Георг IV (1820-1830) даврида Англиянинг Регби шаҳрида вужудга келди. Ушбу спорт турининг Қиролича Виктория (1837-1901) даврида равнақ топди. 1895 йилда Регби алоҳида жамоавий спорт тури сифатида расмийлаштирилди ва шу йили Регби Футбол Иттифоқи ташкил этилди. Ушбу спорт тури тараққиёти инглиз тили лексик қатламига ўзига хос янги термин ва ҳолат, характерни ифодаловчи фразеологик бирликларни олиб келди. Масалан, ***back*** - *ҳимоячи*, ***full back*** – *(ҳимоячилар ортига жойлашган) тўлиқ ҳимоячи*, ***drop goal*** – *(тўпни бир марта ерга ташлаб кейин урилган гол) гол*, ***touch judge*** –*икки ёнбош ҳакамнинг бири*, ***ruck*** –*майдонда тўп учун бой берилган олишув* каби инглизча фаол терминлар соҳа мутахассислари томонидан қўлланилади. Регби терминологиясида қўлланилган баъзи терминлар бошқа спорт турида ҳам учрайди. Масалан, ***penalty*** - *жарима*, ***pass*** – *тўп ошириш*, ***ball*** – *(овальсимон тўп) тўп*, ***referee*** - *ҳакам* кабилар. *Регби* ҳозирда инглиз забон мамлакатларда энг томошабоп спорт тури бўлиб, халқ орасида*"men's football"* – "*эркаклар футболи*" деган номга ҳам эга.

1990 йилда ҳукумат Бош Вазирлиги учун бўлиб ўтган сайловларда ғолиб бўлган Жон Мейр (1990-1997) жисмоний тарбия ва спорт соҳасида беназир ишларни амалга оширди. Ж.Мейр давлатнинг жисмоний тарбия ва спортга оид ишларини Вестминистер саройидаги Парламент ислоҳотлар дастурининг биринчи

муҳокамасига қўйишга қарор қилган ва аввалги хатоларни тузатиш мақсадида Британия мактабларида ҳар ҳафтада камида икки соат жисмоний тарбия ва жамоавий спорт билан барча (манбада катта ҳарф билан ёзилган) болалар шуғулланиши лозим деган ғояни илгари сурди.

Ж.Мейрдан сўнг Бош Вазирликни қабул қилган Тони Блеэр (1997-2007) унинг ишларини давом эттирган ҳолда Парламентга Британия спорти ривожи учун "**Game Plan**" – "Ўйин режаси" стратегияси таклифи билан чиқди. Ушбу стратегияга замирида "**Sport for All**" – "Спорт ҳамма учун" ғояси бор эди [9; Б.4-5].

Инглиз ва ўзбек тили спортга оид бирликларнинг тараққиёт босқичлари иккки тилда ҳам давр ва ундаги тузум билан чамбарчас боғлиқлигини кузатилди. Фарқли жиҳати шундаки, ўзбек тилида спортга оид бирликларнинг қўлланиши узоқ даврга бориб тақалсада, мустақилликдан кейингина халқаро термин сифатида қўлланила бошланди. Бирлашган Қиролликда, қирол ва аёнлар учун (шахмат, от пойгаси, лочин ови, гимнастика) алоҳида спорт турлари, оддий халқ учун (футбол, крикет) спорт турлари мавжуд бўлган. Шу боис соҳа терминлари инглиз тили ва Британия маданиятида неча асрлардирки, муҳим ўрин тутади. Ҳозирда давлатда юзлаб турдаги спорт ўйинлари тараққиёти йўлида истиқболли ислоҳотлар олиб борилмоқда.

Фойдаланган адабиётлар

1. Altham H. S. A History of Cricket. Volume 1. – London: George Allen & Unwin, 1962. – P. 21.
2. Bede V. Origin and Progress of Horses and Horse-racing in this island. The Sporting Magazine. – London, October 1792. – P.2.
3. Cartwright M. Ancient History Encyclopedia. Medieval Tournament. – United Kingdom, 2018. – P. 7.
4. Houlihan B., Green M. Modernization and Sport: the reform of sport England and UK sport. – Loughborough University, 2009. – P. 52.
5. Magoun, Peabody F. Football in Medieval England and Middle-English literature//The American Historical Review, 1929. – vol 35, No. 1.
6. Simkin J. History of Football. Spartacus Educational. On 18 April 2015. -P.310.
7. Simone. The 5 Oldest Sports in the World. – Catawiki Press, 2018.–P. 4.
8. Swanton E.W. Barclays World of Cricket. –London, 1986. –P. 496-497.
9. Tim T. Sports, history and culture. Sport and politics: From Thatcher to Cameron – Who will be next? – 2015. – P. 4-5.
10. Whyte J. Ch. History of the British turf from the earliest period to the present day, Volume I. – London,1840. – P. 36, 385, 400.
11. Wisden. Evolution of the Laws of Cricket. London, 1963. – P. 184–187.

МЕТАФОРИЧЕСКИЕ ТОПОНИМЫ-СОМОНИМЫ В КАРАКАЛПАКСКИХ ДАСТАНАХ

Толыбаев Хожаахмед Елбаевич
kh.tolibaev@karsu.uz
Базовый докторант Каракалпакского государственного университета
Республика Узбекистан, Каракалпакстан, Нукус.

Аннотация: *Статья посвящена исследованию соматических топонимов языка каракалпакских дастанов, занимающих особое положение в языковой системе. В работе дано разъяснение названиям географических объектов содержащих в своем наименовании части тела: баўыр (печень), бүйрек (почка), бел (поясница), мойын (шея), қолтық (подмышки), қол (рука), киндик (пуповина), табан (ступня), мурын (нос), қан (кровь), их использованию в каракалпакских дастанах. Анализу подверглись состав, особенности семантики и употребления сомонимов каракалпакских дастанов.*

Ключевые слова: *каракалпакские дастаны, ономастика, топоним, сомоним, географическое значение, носитель языка.*

ҚОРАҚАЛПОҚ ДОСТОНЛАРИДАГИ МЕТАФОРИК ТОПОНИМ-СОМОНИМЛАР

Толыбаев Хожаахмед Елбаевич
kh.tolibaev@karsu.uz
Қорақалпоқ давлат университети таянч докторанти
Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон, Нукус

Аннотация: *Мақолада ономастикада, асосан, топонимикада тана аъзолари номларининг учрашига боғлиқ масалалар қорақалпоқ достонларида учрайдиган топонимлар мисолида ўрганилган. Баўыр (жигар), бүйрек (буйрак), бел (бел), мойын (бўйин), қолтық (қўлтик), қол (қўл), киндик (киндик), табан (товон), мурын (бурун), қан (қон) каби тана аъзолари номларининг географик объектларни номлашда қўлланилиши ва англатувчи маънолари бўйича тушунчалар берилган. Тана аъзолари атамаларининг туркий тилларида билдирувчи географик маънолари тадқиқ этилган.*

Таянч сўзлар: *қорақалпоқ достонлари, ономастика, топоним, тана аъзолари номлари, географик маъно, тил эгаси.*

THE METAPHORICAL TOPONYM-SOMONYMS IN KARAKALPAK EPICS

Tolibaev Khojaakhmed Elbaevich
kh.tolibaev@karsu.uz
Basic doctoral student of Karakalpak state university
The Republic of Uzbekistan, Karakalpakstan, Nukus

Annotation: *In the article issues related to the occurrence of body parts names in onomastics, mainly toponymy, are studied on the example of toponyms found in Karakalpak epics. Concepts are given on the use and meaning of the names of body parts such as bawır (liver), búyrek (kidney), bel (waist), moyın (neck), qoltıq (armpit),qol (hand), kindik (umbilicus), taban (foot),*

murın (nose), qan (blood) in naming geographical objects. The geographical meanings of body terms in Turkic languages have been studied.

Keywords: *Karakalpak epics, onomastics, toponyms, names of body parts (somonym), geographical meaning, native speaker.*

Существовала определенная востребованность в присвоении названий географическим объектам. Одной из главных причин формирования топонимов явилась необходимость в различии их друг от друга. Топонимист Т. Эназаров высказал по этому поводу следующую мысль: когда речь идет о номинации существующих объектов, учитывается человеческий фактор. Без участия человека, невозможно дать наименование объекту. Ведь каждому объекту присваивается название с определенной целью [1, 48]. В различных языковых единицах, наименования предметов быта народа, частей тела человека, имеют высокий удельный вес. Сомонимы в лексике различных языков характеризуются высокой степенью архаичности. И.И. Сабитова отмечает: Эта группа относится к основному словарному фонду, который складывается в течение многих тысячелетий и отражает не только знание носителей языка об окружающем мире, но и их представления о самых себе и о своем организме [2, 85]. Эти наименования используются в различных лексических группах языка – в составе фразеологизмов, для обозначения переносного значения слова, в качестве изобразительных средств и др. Таким образом, названия частей тела человека, принимают участие в образовании ономастических наименований. Одним из исследователей, занимавшихся изучением данной проблемы в ономастике тюркских языков, стал Э. Мурзаев. Об использовании подобных наименований в топонимике тюркских языков, ученый пишет: «Это общеизвестный прием, применяемый многими народами мира, хорошо примечающими сходство географических объектов с какими-то предметами быта или отдельными частями тела человека или животных» [3, 54].

Части тела человека играют определенную роль в образовании топонимов. К примеру, на основе слова *киндик* образован топоним *Киндик өзек*. Исследователи топонимики каракалпакского языка М. Курбанов и Г.Мамбетова, в своей работе, отдельно останавливаются на данном топониме. Однако, основное внимание они акцентируют на толковании географического термина *өзек*, анализу слова «*киндик*» в их исследовании уделено второстепенное значение. Интерпретируется термин «*киндик*» как «известная местность или территория, приравненная к государственному образованию, центру» [4, 348]. Из чего следует, слово «*киндик*» означает центр, основу. Топоним *Киндик өзек* встречается в дастане «Алпамыс»: *Киндик өзек* деген жерде, Сары шүңгилдиң аржағында, Майлы өзектиң бержағында, еки өзектиң жән-жағында Ултан қулдың жылқысын бағып, жылқыман болып жүрмен (В местности *Киндик өзек*, на той стороне Сары шүңгил, на этой стороне Майлы өзек, в пространстве между двумя протоками, был табунщиком Ултана. (Дастан «Алпамыс». Вариант Есемурата жырау).

Ақ төбе деген жер еди,	*В местности Ақ төбе,*
Ақ шәшме деген суў еди.	*Есть родник Ақ шәшме.*

Жети жолдың дәрбенти,	*Перепутье семи дорог,*
Қалмақлардың халықлары,	*Калмыцкие племена,*
Оны Табан жол дер еди.	*Называли Табан жол.*

(Дастан «Алпамыс». Вариант Есемурат жырау).

В приведенном выше примере слово «*табан*» в составе топомина *Табан жол* имеющее в основе своей часть тела человека, обозначает «плоскую часть ноги ниже щиколотки, соприкасающуюся с землей» [5, 254]. Слово «*табан*» является одним из анатомических наименований, участвующих в образовании топонима. В словаре З.Дусимова и Х.Эгамова дано следующее разъяснение этому топониму: используемый в качестве географического термина, обозначает «самое низкое место, куда стекает вода» [6, 129]. Е. Койчубаев дает следующее пояснение: "Самое низкое место относительно окружающих возвышений, куда стекают ручьи" [7, 202]. В словаре Э. Мурзаева это слово стоит в одном ряду с терминами, образующими географические наименования [8, 381]. В старотюркском языке это существительное передавало значение *бас* (давить), *ез* (сминать). Образовано оно с помощью добавления к глаголу *та:па* частички *-н* [9, 344]. Можно предположить, что образование слова «*табан*» связано с глаголом *теп*. При использовании в качестве топонима оно передает особенности географического объекта, такие свойства, как «*тегис*» *гладкий*, «*тақыр*» *голый* или «*түўры*» *ровный*.

Әне, қатынлардың алдында Ақжап деген жап бар еди. Аягы Қолтық қол дегенге барып қуяр еди. Вот, перед женщинами предстал Ақжап. Устье его впадало в Қолтық қол. (Дастан «Алпамыс». Вариант Кыяс жырау).

В топонимике слово «*қолтық*» используется для обозначения залива, бухты, старицы, слепого конца залива, затона. Формирование слова «*қолтық*» исследователи связывают с корнем «қол»: «общетюркское *қолтуқ* – сложное слово, состоящее из двух корней: *қол* «рука» и *түк* «под, низ, дно, основание» [10, 444]. Слово «*қол*» встречается в языке Орхоно-Енисейских памятников в качестве географического наименования и означает «бассейн реки, низменность». У большинства тюркоязычных народов слово «*қол*» используется для обозначения географического наименования. К примеру, в азербайджанском языке слово «гол» означает рука, рукав реки; тюркском «kol» - рука, рукав реки, пролив; татарском «кул» - овраг с речкой; туркменском «эл» - плохо выраженное русло; шорском «кол» / «гол» - речка, ручей, «колчак» - ключ, скудный родник; тувинском «кол» - река, заболоченное озеро; алтайском «кол» - река, приток [3, 60]. В языке дастанов это слово используется в значении, приведенном выше – «устье».

Топонимы, образованные с использованием элемента *бүйрек* встречаются в дастане «Айдос бий»:

Арал теңиз жағасына,	*На берега Аральского моря,*
Халықтың әдил ортасына,	*Где живет справедливый народ,*
Сәҳәр ўақты келип жетти,	*Пришел рассвет,*
Бүйрек деген қаласына.	*В город по названием Бүйрек.*

(Дастан «Айдос бий». Вариант Кыяс жырау).

Участие слова «*бүйрек*» в образовании топонимов является одним из спорных вопросов. Отдельные исследователи склоняются к мнению о том, что «*бүйрек*»

происходит от производного «байри» и уменьшительного аффикса *-ақ*. Байри означает «остановка, привал, резиденция». Следовательно Бүйрек или Байрак «небольшая остановка», - заключают исследователи [6, 34]. В работе казахского ученого Е.Койчубаева приводится топоним *бүйректал*, связываемый им с названием древнего тюркского племени [7, 73]. В узбекской лингвистике подобной точки зрения придерживается Н.Охунов [11, 12]. А.Нурмагамбетов же отмечает, образование топонима *бүйрек*, его связь с этнонимом не имеет четких аргументаций, в связи с чем приходит к мнению, что данный топоним образовался исходя из природных особенностей местности [12, 34].

Баўыр анатомическая часть тела присущая человеку и животным. Существует ряд топонимов, образованных с участием данной части тела. К примеру, в дастане «Қырық қыз» есть такие строки: *Баўыр көл менен Шағыр көл, Деген жерди аралап.* Между *Баўыр көл и Шағыр көл.* (Дастан «Қырық қыз». Вариант Курбанбай жырау). Б.Бияров об участии слова *баўыр* в обазовании топонимов пишет: Одним из условий наименования топонимом *баўыр* является расположение объекта у подножья какой-либо возвышенности (гора, вершина, макушка и др.), в ложбине или углублении [13, 56].

В языке каракалпакских дастанов всречаются топонимы образованные от слова «*мурын*». Например,

Кесе етек пенен Қылмурын, *Кесе етек и Қылмурын,*
Бағынды көргенлер түрин. *Повидавшие подчинение.*

(Дастан «Аманбай батыр». Вариант Кыяс жырау).

Слово «*мурын*» в составе топонима передает значение «мыс, отрог, вершина горы, предгорья» [8, 240] и соответствует значениям «мыс, горный выступ, отрог горы, песчаная гряда, песчаный бугор, коса, утес, крупная волна с завихрением, морской прибой, шторм, бурное место в море» [8, 88]. В приведенных выше строках оно использовано соразмерно последнему слову строки.

Еще один элемент, встречающийся в топонимах слово «*бел*». Его мы можем наблюдать в составе топонима Шамлыбел:

Шамлыбелге келди көп әрман менен, *С надеждами большими прибыли в*
Ағайини болдық Бәзирген менен. *Шамлыбел,*
Сроднились мы с Базиргеном.

(Дастан «Базирген». Вариант Ешан баксы).

Топоним Шамлыбел встречается, главным образом, в дастане «Гөруғлы». О происхождении данного топонима С.Турсунов дал следующее заключение: Шам — форма рельефа земли, слово передающее природные свойства. В тюркских языках чўнг~шўнг- имеет значение «высокий, большой, крупный», фонетический вариант чанг~шанг. Чанг~чўнг и бел объединившись образуют чанг бел> чангбел>чамбел (шамбил), что означает: перевал, плоская возвышенность, высокое плато. Первоначально так называлась возвышенность, позже название возвышенности было перенесено на курган, расположенный на нем. В древности, курганы располагались на некотором возвышении относительно поверхности земли [14, 89].

Слово «*мойын*», как отмечает Э.Мурзаев, используется для обозначения географических особенностей, таких как «коса, перешеек, горный перевал, узкая полоса воды, изгиб горы, отмель, узкое место реки» [3, 58].

Жақын болса керек сол жерлердеги, *Близко видимо, расположенным там,*
“Қарабуға” менен “Қарамойынға” *“Карабуга” и “Карамойын”*

(Повествование Бекимбет бахсы, Рамберген Хожамбергенов). На наш взгляд топоним *Қарамойын*, образован от названия одного из родовых подразделений каракалпаков, входящих в арыс Коныpат. Иного мнения придерживается К. Мамбетов: «Предок қара мойын, Қара мойын Туғыр бий встречается в Огузнаме (IX в.). Семнадцать батыров рода Қара мойын погибли во время волнений в период Әўез инака. Это событие не имеет никакого отношения к названию рода. Их тамга, в форме буквы «Т» была известна еще в монгольскую эпоху». [15, 21]. Следовательно, мы можем предположить, что слово «*мойын*» сначала входило в состав антропонима, затем этнонима, и только после образовался этнотопоним.

Топонимы, образованные от слова «*қан*», встречаются крайне редко. Мнения исследователей в образовании топонимов Қанлыкөл, Қанлыөзек расходятся. Некоторые из них связывают происхождение топонима с родовым делением *қаңлы*, другие с древним племенем кангаров. Как видим, образование данного топонима, все еще остается одним из спорных проблем каракалпакского языкознания. В языке дастана «Ер Зийўар», встречается топоним Қанлыөзек:

Гәўирлердиң журтында, *В стране неверных,*
Қанлыөзек бар екен, *Есть место Қанлыөзек,*
Қаны менен ноғайдың, *Кровью ногайской,*
Толып аққан сай екен. *Переполненный овраг,*
Қан сасыған жер екен *Место, пропахшее кровью.*

(Дастан «Ер Зийўар». Вариант Курбанбай жырау).

В каракалпакских дастанах «Ер Қосай», «Ҳажы Герей», «Өтеш батыр», «Айдос бий» встречаются и другие топонимы, в составе которых присутствует «*қанлы*». Кроме того, что основной функцией этих топонимов было обозначение географического объекта, в приведенных ниже строках, приводим толкование их, данное народом.

В качестве географического термина слово «*тоғай*» используется для обозначения местности на берегу реки с разросшимися дикими деревьями [16, 11]. В. Радлов является одним из первых ученых давших толкование слову «*тоғай*». Им дано следующее пояснение «лес в извилинах рек». В монгольском языке существует слово «тохой», которое означает «локоть», «лука», «извилина реки» [8, 404]. В старотюркском и монгольском языках, якутском и эвенкийском языках это слово интерпретируется как излучина. Следовательно, можно предположить, слово «*тоғай*» связано с изгибом реки, образуемым излучиной и используется для обозначения объекта расположенного в данном месте. В современном каракалпакском языке значение слова «тоғай» несколько отдалилось от первоначального.

В качестве топонимо «*тоғай*» встречается в каракалпакских дастанах: Қәпес тоғай (*Қойды бағып жүр едим күни-түни зарлап, Аты шыққан Қәпес деген тоғайда.*

Горько плача пас овец, В прославленном Қәпес тоғай. Дастан «Қырық қыз». Вариант Курбанбай жырау), Аршалы тоғайы (*Аршалының тоғайы, Бир жағы екен Көкентаў; Аршалы деген тоғайда, Найман ғарры бай еди. С одной стороны Аршалы тоғай находится Көкентаў; В Аршалы тоғай был старик Найман*. Дастан «Ҳатам-Тай». Вариант Курбанбай жырау).

Продуктивно используется в формировании географических топонимов слово «*төбе*». Образование слова «*төбе*» связано с частью тела человека. В словаре М.Кашгари оно рассматривается в одном ряду с терминами, относящимися к наименованиям частей тела человека и интерпретируется как макушка у человека [17, 1203; 904]. Возникшие с участием этого географического термина оронимические наименования составляют значительную часть языка каракалпакских дастанов: *Ақ төбе, Бес төбе, Босағалы төбе, Динар төбе, Гүл төбе, Жәңтөбе, Көк төбе, Мәслаҳәттөбе, Май төбе, Найзаҳал төбе, Нышана төбе, Ора төбе, Қара төбе, Қайрақлы төбе, Қос төбе, Шубар төбе, Тойтөбе, Ура төбе, Хан төбе*. Т.е. употребеление слова «*төбе*» для обозначения вершины, макушки какого-либо объекта происходит от обозначения человеческой макушки его верхней части или центра.

Использование наименований частей тела человека или животного в метафорическом виде в составе топонимических наименований представляется весьма интересным и сложным процессом. Исследование подобных явлений, на примере изучения топонимов в языке каракалпакских дастанов служит раскрытию богатства языка. Изучение топонимов каракалпакских дастанов в лингвокультурологическим аспекте превратилось в одну из актуальных задач современной лингвистики. С.Суатай писал: В наименованиях земельно-водных объектов содержится информация о природных свойствах, особых приметах, которые в языке носителя характеризуют собой особенности жизненного пространства, окружающей среды. [18, 109]. Изучение в подобном ракурсе каракалпакского фольклора, текстов отдельных дастанов, дают ценные сведения об окружающем мире, представлениях народа. Особенно большое значение для лингвофольклористики имеет изучение топонимов языка каракалпакских дастанов.

Использованная литература:

1. Эназаров Т. Ўзбекистон топонимлари: луғавий асослар ва этимологик тадқиқи йўллари. Дисс. … д-ра филол. н. – Ташкент, 2006. 516 с.
2. Сабитова И. И. О некоторых микротопонимах-сомонимах татарского языка // Актуальные вопросы тюркологических исследований. – Санкт-Петербург: СПбГУ, 2016. – С.85-89.
3. Мурзаев Э.М. Тюркские географические названия. – М.: Восточная литература, 1996. 254 с.
4. Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. II т. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 1984. 388 б.
5. Қарақалпақ тилиниң түсиндирме сөзлиги. IV т. –Нөкис: «Қарақалпақстан». 1992. 636 б.
6 Дўсимов З., Эгамов Х. Жой номлариниг қисқача изоҳли луғати. –Тошкент: Ўқитувчи, 1977. 176 с.

7. Койчубаев Е. Краткий толковый словарь топонимов Казахстана. – Алма-ата: Наука, 1974. 276 с.
8. Мурзаев Э. М. - Словарь народных географических терминов. - М.: Мысль, 1984. 653
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг этимологик луғати (туркий сўзлар). – Тошкент:Университет, 2000. 600 б.
10. Зулпукаров К.З. Введение в китайско-киргизское сравнительное языкознание. – Бишкек, 2016. 768 с.
11. Охунов Н. Жой номлари таъбири. –Тошкент: Ўзбекистон, 1994. 88 с.
12. Нурмағамбетов Ә. Жер-су аттарының тек-төркіні туралы // Қазақ ономастикасының мәселелері. – Алматы: Ғылым, 1986. 136 с.
13. Бияров Б. Қазақ топонимдерінің типтік үлгілері. - Астана, 2013. 432 с.
14. Турсунов С. Сурхондарё вилояти топонимлари. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2008. 152 с.
15. Мәмбетов К. Қарақалпақлардың этнографиялық тарийхы. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1995. 228 с.
16. Қурбанов М.Д. Қорақалпоқ тилидаги географик терминларнинг лексик-грамматик хусусиятлари: филол. фан. ном. ... дисс.автореф. – Нукус, 2011. 22 б.
17. Махмуд ал-Кашгарй. Диван Лугат ат-Турк. – Алматы: Дайк-Пресс, 2005. 1288 с.
18. Суатай С.Қ. Күрделі жер-су атауларының этномәдени ерекшеліктері // ҚазҰУ хабаршысы. Филология сериясы, №6 (130). 2010. – С. 109-113.

ПОЭТИК САНЪАТЛАР ТАРЖИМАСИДА МУТАРЖИМ МАҲОРАТИ

Тошпўлатова Дилдора Икромжон қизи,
М.В.Ломоносов номидаги МДУ
Тошкент филиали, катта ўқитувчи
Тел: 91 368 23 44, e-mail: dildorat.84 @ mail. ru

Аннотация. *Мақолада "Қутадғу билиг" асарининг Роберт Денкоф томонидан инглиз тилига қилинган таржимасида бадиий маҳорат масалалари ўрганилган. Хусусан, таъдид санъатининг таржимадаги ифодасида мутаржим маҳорати таҳлилга тортилган.*

Калит сўзлар: *"Қутадғу билиг",бадиият, поэтик санъатлар, таъдид санъати, таржима ва аслият.*

МАСТЕРСТВО ПЕРЕВОДЧИКА В ПЕРЕВОДАХ ПОЭТИЧЕСКИХ ФИГУР

Тошпулатова Дилдора Икромджан кизи,
Ташкентский филиал МГУ им. М.В. Ломоносова, старший преподаватель
Тел: 91 368 23 44, e-mail: dildorat.84 @ mail. ru

Аннотация. *В статье исследуются вопросы художественного мастерства перевода Р.Денкофа произведения «Кутадгу билиг» на английский язык. В частности, анализируется умение переводчика на примере таъдид.*

Ключевые слова: *"Кутадгу билиг", художественность, поэтические фигуры, таъдид, перевод и оригинал.*

ARTISTIC MASTERU OF TRANSLATOR IN TRANSLATIONS OF LITERARY ARTS

TOSHPULATOVA DILDORA IKROMJON KIZI,
Branch of MSU named after M.V.Lomonosov in Tashkent,
senior teacher
Тел: 91 368 23 44, e-mail: dildorat.84 @ mail. ru

Annotation. *The article examines artistic mastery in translation of "Kutadgu bilig" by R.Dankoff into English. In particular, analyzed the skill of translator in a sample of tadid.*

Key words: *"Kutadgu Bilig", artistry, literary arts, tadid, translation and original.*

Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асари туркий халқлар адабиётининг ёрқин намунаси сифатида эътирофга лойиқ асар эканлиги кўпчиликка аён ҳақиқат. Асар муқаддимасида таъкидланганидек, ўз вақтида дидактик руҳи билан турли халқлар ва турли тоифалар томонидан севиб ўқилган ҳамда турлича номланган [1]. Асар кейинги даврларда инглиз ва рус тилларига таржима қилинди. Шулардан бири инглиз мутаржими Роберт Денкоф томонидан амалга оширилган таржимадир. "Қутадғу билиг" – бадиий достон. Бадиий асарни ўзга тилга таржима қилишда унинг бадиий хусусиятларини айнан сақлаб қолиш анча мураккаб ва таржимондан заҳматли меҳнатни талаб қилади. Роберт Денкоф асарни инглиз тилига ўгириш жараёнида унинг бадиий жиҳатларини сақлашга ҳаракат қилган. Айниқса, асардаги ўхшатиш, ирсоли масал, таъдид каби шеърий санъатлар таржимаси мутаржимнинг юксак маҳоратидан дарак беради.

Таъдид сўз усталари ижодида учрайдиган гўзал шеърий санъатлардан биридир. Тадқиқотчилар томонидан таъдидга турлича таъриф берилган. Уларнинг бир гуруҳи таъдиднинг асосини сонлар ташкил қилади, деган фикрни илгари сурса, иккинчи гуруҳидагилар унинг асосини сонлар эмас, балки санаш оҳанги ташкил этади, деб ҳисоблайдилар [3]. Моҳиятан, таъдид ҳақидаги таърифлар бир-бирини тўлдиради.

Таъдиднинг салмоқли намуналарини туркий фольклор адабиётида, шу жумладан, «Қутадғу билиг» асарида ҳам учратишимиз мумкин. Асардаги таъдиднинг энг муҳим хусусиятларидан бири шуки, у фикрий ривожни, кетма-кетликни, тадрижийликни таъминлашга хизмат қилади:

Кэрәк хайл башықа бу бир қач қылық
Этилсә иши өтрү түзсә йорық.

Сөзи чын кэрәк болса қавлы бүтүн
Агар болса йалған ынанмас будун.

Экинчи ақылық кэрәк бэрсә нэн
Саранқа йумытмас киши алгу йан.

Учинчи йүрәклиг кэрәк көкси күр
Йүрәксиз йағы көрсә иглəб йатур.

Бу төртинч кэрәк алчы ҳийла билир
Бу ҳийла билир эркә арслан өлир.

Тәтимлиг кэрәк ҳам түбүлсә чәрик
Йәтилиг кэрәк кәд қумытса эрик.

Бу эрдәм билә болса сү башчысы
Йағы санчға йудға йағынын күси [1].

Мазмуни: Тўдабоши(лашкарбоши)га бир қатор хислатлар керакдир, у шулар туфайли иш юритиш режаларини тузади. Сўзи чин, гапи рост бўлиши керак, агар сўзлари ёлғон бўлса, халқ унга ишончини йўқотади.

Иккинчидан, саховат кўрсатиб нарса улашиш керак. Хасислар теварагига одам йиғилиб келмайди, буни билиб қўйган яхши.

Учинчидан, юракли, жасур бўлиши керак, юраксизлар ёвни кўрганда саросимага тушиб ётаверадилар.

Тўртинчидан, жанг макр-ҳийлаларини биладиган бўлиши керак. Ҳийла билувчи киши ҳатто арслонни ҳам тутиб ўлдиради.

Қатъиятли бўлса ёв лашкарини пароканда қилади, журъатли бўлса, аскарларни илҳомлантиради.

Лашкарбоши мана шундай хислатларга эга бўлса, ёвни яксон қилиб, унинг шуҳратини сўндиради.

Бу ўринда шоир лашкарбоши қандай бўлиши керак, деган саволга жавоб беради. Ёки лашкарбошига хос бўлган хислату фазилатларни бирма-таърифу тавсиф этади. Шоир бу борадаги фикрларини поэтик таъсирчан қилиб ифодалашда таъдид санъатига мурожаат қилади. Мана шу поэтик мақсаднинг изчиллигини, унинг тадрижийлигини таъмин этишга таъдиднинг қисмлари (экинчи, учунчи, тўртинчи) хизмат қилмоқда.

Бу ўринда санъатнинг асосини тартиб сонлар ташкил этади. Таъдид санъатининг асосий хусусиятларидан бири унда тартиб сонлар саноқ сонларга қараганда камроқ ишлатилади. Шу билан бирга, саноқ ва тартибни кўрсатувчи олмош ва равишлар ҳам қўлланади.

Энди юқоридаги парчанинг инглизча таржимасига тўхталайлик:

“As for the cavalry commander, these are the characteristics he requires to achieve success: First he should be truthful and sincere, for if a high-ranking individual is a liar, the people will not trust him. Second he should be generous and open-handed, for the troops must have their share and will not flock to the standard of one who is niggardly. Third he should be valiant and courageous, for a coward malingers when he sees the enemy. Fourth he should be a schemer, practicing craft and trickery, for even a lion howls at the sight of a cunning man. Finally he should be obstinate in breaking through the enemy’s ranks and keen in inspiring his own troops. A commander who displays these virtues will smite the foe and shatter their fame” [2].

Юқоридаги парчадан кўринадики, таржимон асарда қўлланган таъдид санъати намуналарини таржимада ҳам сақлашга, шу орқали қўйилган масалалар хусусидаги шоир фикр-мулоҳазаларини чет эл китобхонига айнан етказишга интилади.

Таъдид дидактик асарларда муҳим қисмлардан бири сифатида қатнашади. Таъдид орқали маълум қаҳрамоннинг турли хусусият ва ҳатти-ҳаракатлари ёки предмет, воқеа-ҳодисаларнинг кетма-кетлиги, изчиллиги, тасвири тўлароқ тавсифланиши мумкин. Бу санъат «Қутадғу билиг»даги турли мавзуларда ва жанрларда кенг қўлланган. Айниқса, мазкур санъат айрим амалдорлар тавсифида кўп учрайди. «Бэгляркэ вазир болғу нэку-тэг эр кэрэкини айтур» («Бегларга вазир бўлувчи қандай бўлиши кераклигини айтади») бобида қуйидаги мисолга дуч келамиз:

Вазирлыққа артуқ бүтүн эр кэрэк
Оқыглы битигли кэд өглүг кэрэк.

Тили көнли бир ҳам қылынчы көни
Овутлуғ бағырсақ кишидэ чыны.

Көзи тоқ удуғсақ билигли ишиг
Адырған йарағлыг йарағсыз кишиг.

Тапуғсақ нэ өзгэй йэмэ ймэнүг
Аманат билэ болса көнли сүзүг.
Түгэл кимдэ болса бу эрдэм билиг
Вазирлық анар бэрсэ болға элиг [1].

Мазмуни: Вазирликка ниҳоятда етук одам керак, у ўқимишли, турли хат ва ёзувларни биладиган, ақли расо бўлиши керак.

Тили билан дили бир, йўл-йўриқлари тўғри, уят-андишали, раҳм-шавқатли, соф ва чин бўлиши керак.

Кўзи тўқ, ишбилармон, яроқли ва яроқсиз одамларни фарқлай оладиган бўлиши керак.

Хизматга шай, садоқатли, андишали, иймони комил, юраги тоза бўлиши керак.

Кимда мана шундай билим ва фазилатлар мужассам бўлса, элиг вазирликни ўша одамга берса айни муддаодир.

Кўриниб турибдики, бу ерда таъдид вазирлик амалига лойиқ кишининг фазилатларини санаб кўрсатишга хизмат қилган. Таъдид орқали вазирнинг ишга ва элига муносабати, ахлоқи ва маънавий қиёфаси қандай бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Энди ушбу парчанинг Денкофф амалга оширган таржимасини кўриб чиқсак:

“In sum, the vizierate requires a man of sound character, one who is lettered and has his wits about him; whose tongue and heart are one and whose conduct is upright;

who is modest, compassionate, honest, full-eyed, and alert; who knows his business and discriminates the proper man from the ne`er-do-well; who is dutiful, devoted, self-effacing, and trustworthy. The king may certainly entrust the vizier- ate in a man who combines these virtues in perfect measure" [2].

Таржимон худди муаллиф каби вазирнинг вазифаларини санаб ўтган. Денкофф бу ерда «who», «whose» олмошларидан моҳирона фойдаланиш орқали таъдид санъатини инглиз тилида сақлаб қолган. «Who», «whose» аслида сўроқ олмошлари бўлса-да, бу парчада улар саноқни билдириш учун хизмат қилган.

«Қапуғдақы эрәт бирлә суҳбат сөзи («Саройдаги сипоҳлар билан суҳбат сўзи») бобидаги қуйидаги парчага диққат қилайлик:

Йақынлық қылу турсу тәсә узун
Болуб қултғу қулма болу бәр сөзун.

Сәвинчин тириглик бўлайын тәсә
Кишиг тәбсәмәгил қатыглан оса.

Йатыг қул қылайын тәсә сән түгәл
Төкүб ыд сав алтун сунуб тут сақал.

Йақынны йыратмақ тиләсә өзүн
Нәкү қулса бәрмә ириг тут сөзүн.

Тириглик узунын тиләр эрсе-сән
Ақы бол туз этмәк йәтүр оса-сән

Қамуғқа сәвитмәк тиләсә өзүн
Конул тил бириктүр сучиг тут сөзүн.

Ағырлық булайын тәсә сән узун
Ағырла киши сән э қылқы түзүн.

Түгәл бай болайын тәсә бәлгүлүг
Барынга тапы бол көтүрдүн үлүг.

Киши тутчы эмгәк тиләсә өзүн
Қылынч эдгү тутғыл йаруқ тут йүзүн [1].

Доим яқинлик қилиб турсинлар десанг, сўратувчи бўлгину сўрама, сўз билан ҳожат қилавер.

Севинчли тириклик топайин десанг, кишига ҳасад қилмасликка тириш.

Сен ётни тугал қул қилайин десанг, тоза олтинни тўкиб сарфла, қўл суниб сақолидан тут.

Ўзинг яқин кишиларни узоқлаштиришни истасанг, нима сўраса ҳам берма, сўзингни дағал тут.

Сен узоқ тириклик қилайин десанг, сахий бўл, тузу нон едир, дастурхонингни очиқ тут.

Ўзингни ҳаммага севдирмоқчи бўлсанг, кўнгил ва тилни бириктириб, ширин сўзли бўл.

Сен ҳамишалик қадру қиммат топайин десанг, кишиларни қадрла, эй ҳулқи гўзал.

Ҳақиқатан тугал бой бўлайин десанг, барига рози бўл, баҳра топасан.

Кишилар доимо сени мақташларини истасанг, феъл-атворингни яхшила, чеҳрангни очиқ тут.

Бу мисолда элигнинг сарой сипоҳийлари билан суҳбати қандай бўлиши кераклиги ҳақида фикр юритар экан, шоир элигнинг ўзида бўлиши лозим бўлган хусусиятлар тўғрисида баҳс очади. Олдинги мисолларда таъдидлар алоҳида сўзлар орқали юзага чиққан эди. Бу парчада эса у мақсад эргаш гапли қўшма гаплар воситасида келиб чиққан.

Инглиз тилида мақсад эргаш гапли қўшма гап «if»-«агар» сўзи ёрдамида ясалади. Ўзбек тилида ҳам мақсадэргаш гапли қўшма гаплар агар боғловчиси воситасида ясалади. Лекин баъзи ҳолларда «агар» боғловчисиз ҳам мақсад маъносини бериш мумкин бўлса, боғловчи тушиб қолади ва эргаш гап таркибидаги -са қўшимчасининг ўзи билан ҳам мақсад эргаш гапли қўшма гап ясалади. Юқоридаги мисолимиз худди шу ҳолатга алоқадор. Таржимага қайтадиган бўлсак, мутаржим парчанинг аслиятга яқинлигини сақлашга ҳаракат қилган:

“If you wish to preserve friendship, do not ask for favors. If you wish to live contented, do not envy others. If you would make your enemy your servant, offer him abundant gold and honor his beard. If you would estrange an intimate, speak harshly to him and do not give him what he asks. If you wish long life, be liberal with bread and salt. If you want all men to love you, make your heart and tongue one and your words sweet. And give others their due respect if you want them to respect you. If you desire to be rich, be contented with your lot. If you desire men to praise you, keep your conduct virtuous and your demeanor cheerful” [2].

Юқоридаги мисоллардан кўринадики, таъдид «Қутадғу билиг»да ўзига хос ўринга эга. Бу, айниқса, мазмуннинг таъсирчанлигини оширишда, мисралар охангдорлигини таъмин этишда яққол намоён бўлади. Таъдид асарда шеърий ихчамликни таъминловчи шакл сифатида аҳамиятлидир. У туфайли шоир бир, икки мисрада ҳам турли предметларни, кўплаб воқеа-ҳодисаларни, белги ва хусусиятларни китобхонга «санаб бериш» имконига эга бўлади. Таржимон, гарчи таржима насрда амалга оширилган бўлса-да, таъдид санъатининг гўзал намуналарини инглиз тилида ҳам тўлиқ ва ёркин, худди аслиятдаги каби беришга эришган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. (С.й.б) Транскрипция ва ҳозирги ўзбек тилига тавсиф. Нашрга тай. Қ. Каримов. – Тошкент: Фан, 1971. – Б.69, 380-381, 368, 640.

2. Yusuf Khass Hajib, Wisdom of Royal Glory (Kutadgu Bilig): A Turko-Islamic Mirror for Princes, translated, with an introduction and notes by Robert Dankoff. – Chicago-London:University of Chicago Press, 1983. - P.116, 113, 178.
3. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Тошкент: Шарқ, 1999. –Б.85.

НОФИЗИК МУТАХАССИСЛИК ЙЎНАЛИШЛАРИ ТАЛАБАЛАРИГА ФИЗИКА ФАНИНИ ЗАМОНАВИЙ ТАЪЛИМ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИБ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ЖИҲАТЛАРИ

Ирматов Фозил Муминович
Жиззах давлат педагогика институти ўқитувчиси

Аннотация:*Нофизик мутахассислик йўналишларида физика фанини ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари ўрганилган. Нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физикани ўқитишда асосий эътибор талабалар ўртасида илмий фикрлаш тарзини шакллантиришни, физикани мустақил ўрганиш имкониятини яратиш учун зарур бўлган назарий материаллар мазмуни баён этилган.*

Калит сўзлар ва иборалар: *тадбиркор, фаол, касб, фаолият, хусусият, шакл, метод, назария, эксперимент, нофизик мутахассислик, замонавий таълим технологиялари.*

ОСОБЕННОСТИ ПРЕПОДАВАНИЕ ФИЗИКИ ДЛЯ СТУДЕНТОВ НАПРАВЛЕНИЯ ПО НЕФИЗИЧЕСКОЙ СПЕЦИАЛЬНОСТИ НА ОСНОВЕ СОВРЕМЕННЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

Ирматов Фозил Муминович
Преподаватель Джизакского государственного педагогического института

Аннотация:*В данной статье изучены особенности преподавания предмета физики в образовательных направлениях нефизической специальности. При обучении физике студентов нефизических специальностей особое внимание обращается на формирование научного мышления студентов, в связи с чем изложено содержание теоретических материалов, необходимых для создания возможности самостоятельного изучения физики.*

Ключевые слова и словосочетани: *предприниматель, активный, профессия, деятельность, особенности, форма, метод, теория, эксперимент, не физическая специальность, современные образовательные технологии.*

FEATURES TEACHING PHYSICS FOR STUDENTS DIRECTIONS IN NON-PHYSICAL SPECIALTY BASED ON MODERN EDUCATIONAL TECHNOLOGIES

Irmatov Fozil Muminovich
Teacher of Jizzax state pedagogical institute

Abstract: This article explores the features of teaching the subject of physics in the *educational areas of the non-physical specialty. When teaching physics to students of non-physical specialties, special attention is paid to the formation of scientific thinking of students, in connection*

with which the content of theoretical materials necessary to create the possibility of independent study of physics is described.

Keywords and phrases: *entrepreneur, active, profession, activity, features, form, method, theory, experiment, non-physical specialty, modern educational technologies.*

Олий таълим муассасаларида физикани фан сифатида ўрганилишидан мақсад таълим негизида физикадан фундаментал билим бериш, талабаларда илмий дунёқарашни шакллантириш, ўз фаолиятларида қўллаш, таълим олишни давом эттириш учун замин яратишни таъминлашдан иборат.

Талабаларда назарий билим, амалий кўникма ва малакаларни шакллантириш мақсадида режада кўрсатилган лаборатория ишларининг талабалар томонидан бажарилишига ҳамда барча мавзуларга тегишли намойиш тажрибалар кўрсатиш, масалалар ечишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Олий таълим муассасаларида физика ўқитишда талабаларнинг касбларини ҳисобга олиш ва ўқитишни шунга йўналтиришни эсдан чиқармаслик керак.

Олий таълим муассасаларида нофизик мутахассислиги йўналиши бўйича таълим олаётган олий таълим талабаларида физика фанини ўқитиш фан- техника тараққиётининг асосий ғоялари атрофида ўқув материалларини тизимлаштириш муҳим ҳисобланади. Бу техника объектини танлаши ва унга мос ўқитиш усулларини танлашга тизимли ёндашишни таклиф этади.

Олий таълим муассасаларида нофизик мутахассислиги йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларининг мустақил билим олиши, мантиқий тафаккурини ривожлантириш, уларни касбга йўналтириш масаласи ўқитувчининг диққат марказида бўлиши лозим. Ўқитувчи, энг аввало, педагогик фаолият кўрсатаётган таълим муассасасининг тайёрлайдиган ихтисослигини эътиборга олган дифференциал ўқитишни амалга ошириши лозим. Ўқитиш мазмунини дифференциаллаш деганда, талаба томонидан ўзлаштирилаётган билимларнинг келгуси фаолиятида тутган ўрни, назария ва амалиёт бирлиги, таълим-тарбия узвийлигини амалга ошириш орқали шахс баркамоллигини таъминлаш тушунилади.

Шу мақсадларни кўзлаб, физика ўқитувчиси педагогик жараёнда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб, ўқув муаммоларига асосланган вазиятларни вужудга келтириши ва маъруза, семинар, мунозара, конференция, муаммоли дарсларда муваффақиятли ҳал этилишини таъминлаши талаб этилади.

Олий таълим муассасаларида нофизик мутахассислиги йўналиши бўйича таълим олаётган талабаларни дифференциаллаб ўқитиш нафақат, таълим мазмунига, балки келгусида эгаллайдиган касб ҳақида маълумот бериш, мазкур касб талаб этадиган билим, кўникма ва малакалар, шунингдек, шахсий сифат ва фазилатларни шакллантириш назарда тутилади.

Талабаларда мустақил билим олиш кўникмаларини ривожлантириш мақсадида мавзулар мазмуни билан алоқадор турли манбалар устида мустақил ишлаш, Интернет маълумотларидан табиий объектлардан кенг фойдаланиш, улар устида кузатиш, тажрибалар олиб бориш, лаборатория, амалий машғулотлар, экскурсиялар ўтказишга алоҳида аҳамият бериш назарда тутилади. Масалан,

маълум бўлимга кириш суҳбати (маърузаси)нинг ўзиёқ ўқитувчи талабаларни шу бўлимнинг асосий физика ғоялари билан таништириб қўя қолмасдан, шу билан бирга у кейинчалик тизимли равишда мурожаат этадиган техниканинг амалий соҳаси билан ҳам таништириб (умумий ҳолда, албатта) бориши керак. Шу мақсадлар учун физика хонасида дидактик материаллар сифатида шундай суҳбатни кўргазма қилувчи техник воситалар, кодоскоплар ва графопроектор учун схемалар тўплаб борилиши керак.

Замонавий таълим тизимининг бош мақсадларидан бири- таълим жараёнининг фан ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ интеграциясини ташкил этишдан иборат. Таълим жараёнида қўлланилаётган ҳар қандай ижобий тусдаги инновацион методлар ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар мажмуидир. Физика фанида бўлгани каби ҳар қандай йўналишдаги таълим жараёнини ривожлантиришга ва такомиллаштиришга қаратилган замонавий технология ўқитувчининг касбий фаолиятини янгиловчи, таълимда якуний натижани кафолатлайдиган йиғиндидан иборат [1].

Жиззах давлат педагогика институтида физика фанини кимё, биология, география, математика, информатика ўқитиш методикалари ва технологик таълим нофизик мутахассислик йўналишларида ўқитилади. Юқорида таъкидланган йўналишларда физика дастури физикага ихтисослашган фан бўлган дарслар дастуридан кескин фарқ қилади.

Нофизик тафаккур қуйидагилар билан ажралиб туради:

1) замонавий фаннинг мавҳум-мантиқий фикрлашдан фарқли ўлароқ тафаккурнинг образли, ассоциатив табиати;

2) фаннинг объектив табиатидан фарқли ўлароқ, субъектив, ҳиссиётнинг етакчи роли;

3) табиий фанларга, яъни инсон томонидан мустақил равишда йўналтиришга қарама-қарши равишда дунёдаги шахс ролига қизиқишнинг ортиши;

4) илмий объектлар ва тушунчаларни мантиқий кетма-кет, изчил қуриш эмас, балки ижодий, эстетик принцип устуворлиги.

Нофизик мутахассислар учун физика курси замонавий бўлишига имкон бериши учун уни табиий фанлар ва техник йўналишидаги фанлар билан интеграциялаш лозим. Шу боис нофизик мутахассислик йўналишдаги талабаларга физика фанини ўқитишда қуйидаги вазифалар қўйилади:

- физик ҳодиса, жараён ва қонунлар ҳақида тушунчаларни шакллантириш, материянинг таркибий хилма-хиллигини очиш, табиатшуносликнинг ривожланишида назария ва тажриба ўртасидаги ўзаро боғлиқлик;

- замонавий шахс ҳар қадамда дуч келадиган техник қурилмалар ишлашининг физик принциплари ҳақида тушунчаларни бериш;

- ҳозирги замон тараққиётида физика фанининг аҳамиятини тушунтириш физикани ўрганишга бўлган қизиқишни тарбиялаш;

- физика фанининг ривожланиш тарихи ва уни яратувчилар ҳаёти тўғрисида билимларни шакллантириш;

- физикани ўрганиш жараёнида турли даражадаги мураккабликдаги лойиҳаларни амалга ошириш қобилиятини шакллантириш;

- оламнинг кўп қиррали қиёфасини шакллантириш, бунда табиатшунослик тасвири билан бир қаторда, табиатга замонавий илмий қараш элементлари мураккаб, ўзаро боғлиқ, механик бўлмаган, ривожланаётган яхлитлик, шунингдек, уни бадиий идрок этиш;

- асосий ўқув дастурини ишлаб чиқишда ахборот технологияларидан фойдаланиш кўникма ва малакаларни шакллантириш.

Таъкидлаш жоизки, нофизик мутахассислик йўналишларида физика фанини ўқитишнинг ўзига хос талаб ва шартлари мавжуд. Таълимнинг нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларида физикани ўқитишда асосий эътибор талабалар ўртасида илмий фикрлаш тарзини шакллантиришга қаратилиши лозим. Курс дастурида талабанинг мазкур фанга бўлган қизиқишини, физикани мустақил ўрганиш имкониятини яратиш учун зарур бўлган назарий материал ва вазифалар тизими бўлиши лозим. Шундай қилиб, нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физикани ўқитишда режалаштирилган натижаларга эришиш учун қуйидаги шарт-шароитларни яратишга эътибор қаратиш зарур:

- физика ўқитувчисининг нофизик мутахассислик йўналишидаги дарсларда физика бўйича асосий ўқув дастурини амалга оширишга тайёрлиги;

- физика фани мавзуларининг ўқиётган талабалар томонидан онгли ва мустақил равишда танланиши;

- физика машғулотини ўтказишнинг Давлат таълим стандарти талабларига жавоб берадиган ўқув-методик мажмуалар мавжудлиги.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, таълимнинг нофизик мутахассислик йўналишлари бўйича физика машғулотлари мазмунини танлаш тамойиллари ва улардан келиб чиқадиган мезонларни қуйида кўриб чиқамиз:

1. Физика курси мазмуни фаннинг мажбурий минимал билим, кўникма ва малакалар билан белгиланиши керак. Ўқитувчи экспериментал тажриба ва лаборатория машғулотларини намойиш қилиш орқали талабалар учун физикавий тушунчаларни шакллантира олиши керак.

2. Ўқитувчи материални ўтаётганда, мавжуд экспериментал фактларни, ушбу фактларни тушунтириш учун илгари сурилган гипотезани, назарияни, экспериментал натижаларни шакллантиришда қўлланиладиган моделларни тақдим этиш имкониятига эга бўлиши лозим.

3. Нофизик йўналишдаги талабалар томонидан лаборатория ишларини бажариш универсал таълим фаолиятини шакллантиришга ёрдам берадиган мустақил ва ижодий фаолиятни ташкил этишга қаратилган бўлиши муҳим. Лаборатория ишини индивидуализация қилишнинг мумкин бўлган варианти ижодий мазмундаги ностандарт вазифаларни танлаш бўлиб, уларни амалга ошириш эса лойиҳа фаолияти ёки замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш билан бевосита ва билвосита боғлиқ [2].

Нофизик мутахассислар учун физика дарсларини ўқитишда талаба фикрлаш тарзининг ўзига хос жиҳатларини ҳисобга олиш мақсадга мувофиқ. Кўпгина қонунлар формулаларсиз ўрганилиши (талабаларга якуний формулалар берилади), мураккаб ҳисоблаш муаммолари амалга оширилмасдан берилиши аҳамиятли. Макро ва микрожараёнларнинг мураккаб схемаларини, техник қурилмалар

тузилиши ва ишлаш принципини, видеофильмларнинг эпизодларини, ноёб фотосуратлар, графиклар, формулалар, ўрганилаётган жараёнлар ва ҳодисаларнинг анимацияларини намойиш этишни, ҳаракатланиш ва ривожланишдаги объектларни намойиш этиш имконини берадиган замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш лозим. Масалан, ядро ўзгаришларини, магнит майдонидаги электронлар ҳаракатини бевосита кузатиш имкони йўқ. Шунинг учун, бундай ҳодисалар ва тажрибаларни моделлаштириш орқали намойиш қилиш мақсадга мувофиқ. Талабалар замонавий таълим технологиялари ёрдамида фаол ва мазмунли ҳаракат қиладилар, бу уларнинг ақлий ривожланишига ва ўқув материалларини ижодий ўзлаштиришларига таъсири самарадорлигини оширади [3].

Кимё ўқитиш методикаси мутахассислиги йўналишидаги талабаларга физика фанини ўқитишда айрим мавзуларни талабалар осонроқ ўзлаштиришлари учун замонавий технологияларнинг дидактик усулларидан кенг фойдаланиш лозим. Бундай технологияларни режалаштириш ва ташкил этиш усуллари мавзу бўйича таълим технологияси модели ва технологик хариталари йўналишга мос равишда бўлиши шарт. Шунинг учун ҳам кимё ўқитиш методикаси йўналишига қабул қилинаётган талабалар физика фанидан кириш тестлари топшириқлари мақсадга мувофиқ бўлар эди. Олдинги пайтларда кимёда ўқишни хоҳловчилар кимё, физика ва математика фанларидан кириш имтиҳонлари топширганлари бежизга эмас эди.

Физика фанларини кимё таълими йўналишидаги талабаларга ўқитишда мактаб, академик лицей ва касб-ҳунар коллежларида ўқитилган мавзуларни яна такрорламасдан айнан умумий кимё ва мутахассислик фанларини ўқитиш жараёнида зарур бўлган физикавий тушунчалар билан бевосита боғлиқликда ўқитиладиган қуйидаги мавзуларга мос бўлган маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида замонавий компьютер технологиялари орқали тегишли дарслар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Хулоса қилиб таъкидлаш жоизки, талабаларнинг физика фанидан ўзлаштириш даражаларини ошириш ва уларнинг илмий физик дунёқарашларини ривожлантиришда муҳим ҳисобланадиган физикавий тушунчалар билан бевосита боғлиқликда ўқитиладиган мавзуларга мос бўлган маъруза, амалий ва лаборатория машғулотларида замонавий таълим технологиялари орқали тегишли дарслар ташкил қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Адабиётлар

1. Дякова К.А. Ўқув материалини танлаш ва тузатиш муаммоси: гуманитар соҳадаги дарслар учун физика курси. "Ёш олимларнинг университетлараро тадқиқотлар натижалари. –Тошкент, 1990.

2. Дьякова Е.А. Методика преподавания физики в направлениях гуманитарного профиля. Дисс... канд. пед. наук. – М., 2002. – 180 с.

3. Рахимов О.Д., Турғунов О.М., Мустафаев Қ.О., Рўзиев Ҳ.Ж. Замонавий таълим технологиялари. –Тошкент, 2012. –б. 18-20.

4. Хамидов В.С. Таълим тизимида кескин бурилишга сабаб бўлган 4 дастур ҳақида. http: //uz.infocom.uz/2009/12/21/.

5. Турсунметов К., Шералиев С., Хамидов В.С. Таълим тизимида инқилобий бурилишга сабаб бўлган Crocodile Physics дастур ҳақида. "Физика ва физик таълимнинг замонавий муаммолари" мавзусидаги Республика илмий-амалий анжумани. –Самарқанд, 2009.
7. Абдурахмонов К.Ф. ва б. Физика курси. –Тошкент, 2012.

ОЛАМ ХАРИТАСИ ВА АССОЦИАЦИЯЛАРНИНГ НЕЙРОЛИСОНИЙ ТАДҚИҚИ

Хошимова Наргис Абдуллаевна
Фарғона давлат университети
филология бўйича фалсафа доктори

Аннотация: *Мазкур мақола ассоциацияларнинг нейролисоний тадқиқига бағишланади. Ассоциациялар индивидуаллигини белгилайдиган омилларидан бири сўзнинг объектив ва субъектив маъноси талқини ифодаланади.*

Таянч сўзлар ва иборалар: *ассоциациялар, нейролисоний, объектив, субъектив, олам харитаси, сўз маъноси, сўз мазмуни.*

КАРТА МИРА И НЕЙРОЛИНГВИСТИЧЕСКОЕ ИССЛЕДОВАНИЕ АССОЦИАЦИЙ

Хошимова Наргис Абдуллаевна
Ферганский государственный университет
доктор философии по филологическим наукам

Аннотация: *Данная статья посвящена нейролингвистическому исследованию ассоциаций. Рассматриваются объективное и субъективное значения слов как один из определяющих факторов индивидуальности ассоциаций.*

Ключевые слова и выражения: *ассоциации, нейролингвистический, объективный, субъективный, карта мира, значение слова, смысл слова.*

WORLD MAP AND NEUROLINGUISTIC STUDY OF ASSOCIATIONS

Khoshimova Nargis Abdullaevna
Ferghana State University
doctor of philosophy in philological sciences

Annotation: *The present article is devoted to the neurolinguistic investigation of associations. The objective and subjective meaning of the word as one of the defining factors of the individuality of associations are considered.*

Key words and expressions: *associations, neurolinguistic, objective, subjective, world map, word sense, word meaning.*

Ассоциацияларнинг индивидуаллигини белгиловчи ички омилларидан бири субъектив тажриба омили бўлиб, бу омилнинг ассоциациялар шаклланишидаги аҳамиятини алоҳида ифодалаш мумкин.

Нейролингвистика соҳа мутахассислари шахс субъектив тажрибасининг ўрганилишини нейролингвистик дастурлаш билан боғлашади. Субъектив тажриба эса шахснинг турли ҳаётий тажрибаларини ўз ичига олади.

“Нейро” мия ва онгга тааллуқли бўлиб, одам танаси билан нерв тизими орқали боғланган бўлиб, маълумотни тўплаб, унинг устида ишлаб, сўнг мия ва онг орқали ушбу маълумотни хотирага кодлаштирилган ҳолда юбориш жараёнини ифодалайди. “Нейро” атамаси тилшуносликда маълумотни нерв механизми орқали мияга киритиш, қайта ишлаш ва тартибга солиш жараёнлари назарда тутилади [1, 31].

“Лингвистик” атамаси эса тилнинг турли восита ва белгилари орқали маъно ифодаланиши ҳамда бу белгиларнинг нерв фаолияти жараёнларида кодлаштирилиб, тартибга солинган тизимини англатади. НЛДда икки лисоний тизим намоён бўлади. Аввал, онг маълумотни кўриш, эшитиш, ҳис қилиш, маза-таъм ва ҳид билиш жараёнлари орқали қабул қилади, яъни репрезентатив тизим орқали сенсор маълумот олинади. Сўнг ушбу маълумот онг орқали иккиламчи тил тизими, яъни белгилар, сўзлар, метафоралар орқали қайта ишланади [1,31; 9].

А.Р.Лурия сўз нарса маъносини билдиришини, белги, муносабат ва ҳаракат ифодалашини ҳамда сўз предметларни маълум тизимга бирлаштириб, сўз билан боғлиқ шахс тажрибасининг кодлаштиришини таърифлайди [7, 31].

“Сўз маъноси” тушунчасини изоҳлашда кўп тадқиқотчилар лингвистик жиҳатдан ёндашади. Лекин “сўз маъноси”ни лингвистик томонинигина англаш ва изоҳлашнинг ўзи етарли эмас. Чунки ҳар қандай сўз замирида муайян шахснинг индивидуал тажрибаси ифодаланган бўлади.

Сўз “маъноси” билан бирга унинг “мазмуни”ни ҳам ўрганиш алоҳида эътиборга эга. Тилшуносликда “маъно” ва “мазмун” тушунчалари бир- биридан ажратилмаган ҳолда тушунилади, психолингвистика соҳасида эса уларни ажратиш, фарқлаш зарурдир. “Маъно” тушунчаси билан ҳар қайси сўз орқали йиллар давомида объектив тарзда шаклланган муносабатлар тизими белгиланади ва у объектив олам инъикоси сифатида ҳамма одамларга хос бўлган умумбашарий тажрибаларни ифодалайди. “Мазмун” тушунчаси эса шахснинг онгини, унинг ички оламини, фикрлашини ҳамда тил муаммоларини ифодалайди, сўзнинг индивидуал маъносини англатади [4, 52-54].

«Мазмун» тушунчасининг ушбу таърифи француз психологи Поланга бориб тақалади, рус тилшунослигида эса илк бор Л.С.Виготский томонидан изоҳланган.

Ф.Полан таърифи бўйича, сўзнинг мазмуний мундарижаси муайян сўз шакли орқали киши онгида пайдо бўлган психологик фактларнинг мажмуасидир [5,369-370;].

А.А.Леонтьев фикрича: “Маъно объектив ҳодисаларга тааллуқли борлиқнинг умумлашмасидир... Маъно кишининг индивидуал муносабатидан, ҳиссиётидан айрилган холда борлиқнинг акс эттирилишидир. Мазмун эса шахсий, ҳаётий муносабат ва ҳиссиётлардан иборат кишининг онгидир. Мазмун маъно орқали эмас, балки ҳаёт, ҳаракат орқали мавжуд бўлади”[4, 169-170].

И.Ферхаар ҳам ҳар қайси кишида бир сўзга тааллуқли битта маъно, лекин бир неча мазмун бўлиши мумкинлигини таъкидлаб ўтади[10, 377].

Сўз “мазмун”и ифодасига нейролингвистик нуқтаи назардан ёндашиш мақсадга мувофиқ бўлади. Б.Боденхамер ва М.Холл каби нейролингвистлар сўзларнинг мазмунга эга эмаслигини, мазмун, яъни тушунча уларга кишилар томонидан берилишини таъкидлаб ўтадилар. Сўзлар фақат маъно бериш, ўзаро фарқланадиган референциялар белгиларини номлаш воситаси бўла олади. Сўзлар ғоя, фикр, тушунча, англаш ва шу кабиларнинг белгиси сифатида уларни бошқа инсонлар онгига етказишга хизмат қилади[1, 97]. Бошқача қилиб айтганда, сўз объектив, луғатда келтирилган маънога эга бўлиб, ҳар қайси киши унга ўзининг субъектив қарашлари орқали ёндашади.

“Льюис ва Пьюселик ҳар бир кишида ҳар бир ўрганган сўзи билан ички тажриба пайдо бўлади ва бу ички тажриба ҳар қайси кишида фарқланиб туради” деб таъкидлаган[1, 163]. Киши онгида унинг бутун ҳаёти мобайнида ҳар бир сўз билан бирга шаклланган индивидуал тажриба ётади.

Бу ҳақида Арасту ўз асарларида «сўзлар бизнинг ақлий тажрибамизни ифодалайди» деб ёзади[3].

Индивидуал майдоннинг ассоциатив реакцияларини ўрганиш сўз маъноси шахсга тааллуқлигини кўрсатади, ҳар қайси сўз орқали ички контекст тадқиқи ифодаланади. Сўз маъносини А.Н.Леонтьев индивидуал онгнинг асосий кўрсаткичи сифатида изоҳлайди. Индивидуал онгда сўз маъноси маълум шахснинг реал дунёсини акс эттиради. Индивидуал онг тизимида сўзлар ўз маъносини эмас, балки маълум шахснинг индивидуал тасаввурларини мужассамлаштиради. Сўз маъноси ва шахсий маънонинг ўзаро боғлиқлигини биз шахс онгини ўрганиш орқали аниқлашимиз мумкин[8; 5].

Маъно ва мазмун тушунчалари ҳакида фикр юритганда, сўз маъноси ва шахсий маънони ушбу икки тушунча билан боғлаш мумкин. Ассоциациялар изланишида тадқиқотчилар атамаларга турлича ёндашишади. Бизнинг ушбу тадқиқот ишимизда сўзнинг объектив ва субъектив маъноси “мазмун” ва “маъно” тушунчаларига мос ҳолда изоҳланади.

А.Н.Леонтьев фикрича, сўз мазмунининг сўз маъноси билан ўзаро боғлиқлигини шахс онгининг умумий динамикасини ўрганиш орқали кўриш мумкин[8;5].

Ассоциатив майдон индивидуаллигининг асосий омилларидан бири олам манзараси ёки олам харитаси ҳисобланади. Ҳар бир инсон дунёни ўзича қабул қилади. Инсон турли ҳолат ва воқеаларга ўзича ёндашади. Шунинг учун бир ҳолат ёки вазиятдан келиб чиққан ассоциациялар ҳар бир шахсда индивидуал тарзда шаклланади [1, 94].

“Харита” инсон онгида мавжуд бўлган нарсани ифодалайди ва оламнинг ментал ёки мавҳумлигини англатади. Демак, иккита ҳолатга таянамиз: ташқи борлиқ ва ички – субъектив борлиқ.

Бир вазиятга ўз муносабатимизни билдирсак, онгимизда ушбу вазиятнинг кўриниши эмас, балки бу вазиятни қабул қилиш тарзимиз акс эттирилади. Ташқи вазиятни қабул қилишда биз унга “мазмун” беришга ҳаракат қиламиз ва онгимизда ички репрезентацияларни шакллантирамиз. Ушбу ички репрезентациялар ҳис-туйғу орқали маълумотни ўз ичига олади. Яъни, ички репрезентациялар таркибига

визуал, аудиал, кинестетик, ҳид сезиш, таъм билиш ва лисоний компонентларни киритиш мумкин. Ҳар қайси вазиятга ёндашганимизда бизнинг онгимизда ушбу вазият эмас, балки вазиятнинг бизнинг онгимиздаги англаниш ҳолати акс этади[1, 94].

Нейросемантик тадқиқ назарияларига кўра ички репрезентациялар ва ҳақиқий вазият мантиқий жиҳатдан битта сатҳда тура олмайди. Инсоннинг олам билан боғланиши учун турли онгни ташқи олам билан боғловчи каналлар (ҳис-туйғу, билиш органлари) мавжуд бўлса-да, у оламни ўзича қайта идрок этади, яъни у оламдан айрилган ҳолда яшайди. Инсон ҳеч қачон ташқи ҳолат репрезентациясининг кўринишини аниқ ва ўзгармаган ҳолда ифода эта олмайди. Икки киши битта вазиятни бир хил жойдан томоша қилади, лекин уларнинг тасвири фарқланади. Оламни қабул қилишнинг фарқланиши индивидуал нейролингвистик қайта ишлаш ва ички репрезентациялар сабабли юз беради. Инсон оламни фақат ўзининг индивидуал олами орқали қабул қилади. Ташқи вазиятга ёндашишдан ташқари ҳар қайси инсон ушбу вазиятни ўзининг ички субъектив борлиғи орқали шакллантиради. Инсон оламни борича қабул қила олмайди, у ўзининг "харита"сида акс эттирилганини кўрсата олади. Бу ҳар қайси шахснинг ўз ички "олам харитаси"си борлигини намоён этади [1, 93]. Демак, инсон оламни шундайлигича эмас, балки ўзининг индивидуал қабул қилиши билан ифодалайди. Нейролисоний "харита"лар шахснинг қадриятлари, тушунчалари, оламни қабул қилиши ва бошқа психологик фильтрларидан иборат бўлади.

Ҳар бир сўз орқали ҳар қайси шахсда ички тажриба шаклланади ва бу ички тажриба ҳар бир шахсда индивидуал бўлиб бошқа шахслар тажрибасидан ажралиб туради.

Мулоқот жараёнида киши нафақат ўз суҳбатдошининг гапираётганини эшитади, балки нутқ вазиятига ўз тушунчасини ҳам киритади. Нейролингвистлар бу ҳодисани ҳар бир шахснинг ўз ички фильтрларидан фойдаланиши, деб изоҳлайдилар. Киши онги ва нерв тизими маълумотни аудио ёки видеомагнитофон каби "соф" ҳолатда ёзмайди, "соф" ҳолатда кўрмайди ва эшитмайди. Инсон мавжуд вазиятнинг фотонусхасини кўра олмайди ва "соф" маъноларини эшитмайди. Инсон уларни ўзининг ички олами, яъни йиллар давомида шаклланган қадриятлари, тушунчалари, англаши, тушуниши ҳамда тажрибасидан келиб чиққан ҳолда эшитади ва кўради. Нейролисоний дастурлашда бу ҳодиса ички "референциялар", яъни кишининг борлиғини ифодалайдиган концептуал фильтр тарзида тушунилади. Хуллас, ҳар қайси шахснинг ўз "референциялар кутубхонаси" мавжуд бўлади. Предметни "мазмун" билан ифодалаш учун киши ўз онгидаги референцияларидан фойдаланилади. Ҳеч қайси шахс маълумотни "соф" шаклда олмайди, ҳар қайси вазиятга тааллуқли маълумотни ўзининг "олам харитаси", фильтрлари, когнитив умумлаштириши, ҳиссиётлари орқали қабул қилади, умумлаштиради, кўради ва эшитади. Инсон оламни борлигича қабул қила олмайди, унинг идроки ўзининг "харита"сида акс эттирилганини кўрсата олади. Бу ҳар қайси шахснинг ўз ички "олам харита"си борлигини намоён этади[1,125]. Демак, инсон оламни шундайлигича эмас, балки ўзининг индивидуал қабул қилиши билан ифодалайди.

Инсон кўриб, эшитиб, ҳис қилса-да, лекин унинг ички олами якка, ажралган ҳолда бўлади, оламни ўзининг индивидуал призмаси орқали англайди.

Д.Локкнинг фикрича, ҳар қайси одам сўз орқали ўзида мавжуд бўлган фикр ва ғояларни ифодалайди. Ёш бола олдида металлнинг тўқ сариқ ранги олтин деб, айтилса-да, сўзнинг маъносини англамаган ҳолда ушбу тушунчани у фақат шу рангни номлаш учун ишлатади, шунингдек, бу бола олтин деб бошқа сариқ рангли предметларни ҳам аташи мумкин. Бола *олтин* сўзини ўз онгида фақат шу ранг билан ассоциациялаштиради. Зийракроқ бола бўлса, сариқ рангга яна вазн қўшади, бу ҳолда оғир ва сариқ рангли предметларни *олтин* сўзи билан номлаши мумкин бўлади. Яна бошқаси эса бу сифатларга эритилувчанлик тушунчасини, кейингиси эса болғалаш хусусиятини ҳам қўшади [6, 463]. Демак, ҳар бир шахс буни ўз фикрини ифодалаш учун ишлатади ва ўзида мавжуд бўлмаган фикрни ифодалай олмайди.

Инсон онгини ўрганиш, инсон оламни ўз тассавури орқали англаши каби масалалар сўнгги даврларда алоҳида аҳамият касб этмоқда. Нейролисоний таҳлил ёки нейролисоний дастурлаш йўналишининг ривожланиши ҳар бир шахснинг махсус "ички" оламини ўрганишга туртки бўлади. Шунингдек, сўзнинг индивидуал маъносини ўрганиш, инсон онги ва унинг "олам харитаси"ни ўрганишда муҳим омиллардан бири саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1.Боденхамер Б., Холл М. The Complete Vannual for Neuro-Linguistic Programming Practitioner Certification. -Санкт-Петербург: Прайм-ЕВРОЗНАК, 2003. – 272с.
2. ВыготскийЛ.С. Мышление и речь.– М.:Наука, 1956. – 351с.
3.Дилтс Р. Фокусы языка.http://nlp-st.narod.ru/docs/materials/books/dilts_slight/dilts_slight_1.html
4. Леонтьев А.А. Слово в речевой деятельности. – М.: Наука,1965. – 214с.
5. Леонтьев А. Н. Избранные психологические произведения. – М.: Педагогика, 1983.
6. Локк Д. Сочинения в трёх томах. Том 1.—Москва: "Мысль", 1985.– 624с.
7. Лурия Р. Язык и сознание. – Издательство Московского университета, 1979.– 320с.
8. Навалихина А.И. Индивидуальное ассоциативное поле как самоорганизующаяся система. Вестник Башкирского университета. №3, том 14, 2009
9.Хошимова Н. Ассоциацияларга репрезентатив модалликлари орқали ёндашув// АДУ.Илмий хабарлар.–Андижон, 2017–№4.– Б.88-90
10.J.W.M.Verhaar. Speech, Language and Inner Form//Preprints for the 9th International Congress of Linguists. – Cambridge, 1962. – P.377.

.

ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРДА ШАКЛ ВА МАЪНО МУНОСАБАТИ МАСАЛАЛАРИ

Шодия ГАНИЕВА,
Фарғона давлат университети катта ўқитувчиси,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

Аннотация. *Мақолада лексик ва фразеологик полисемия ҳамда омонимия ўртасидаги изоморфлик, уларнинг ўзбек тилшунослигида ўрганилиши, фразеологик полисемия ва омонимияни моделлаштириш муаммолари ҳақида сўз юритилади.*

Калит сўзлар: *изоморфлик, фразеологизм вариантлари, мотивловчи сема, мотивацион муносабат, моделлар дифференциацияси.*

ВОПРОСЫ ОТНОШЕНИЙ МЕЖДУ ФОРМОЙ И СОДЕРЖАНИЕМ В ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦАХ

Шодия Ганиева,
Старший преподаватель Ферганского государственного университета, доктор философии по филологическим наукам

Аннотация. *В данной статье рассмотрены вопросы изоморфизма между лексической и фразеологической полисемий и омонимией, изучении их в узбекском языкознании, проблемы моделирования фразеолгической полисемии и омонимии,*

Ключивые слова: *изоморфизм, варианты фразелогизмов, мотивационная сема, мотивационные отношения, дифференциация моделов.*

ISSUES OF RELATIONS BETWEEN FORM AND CONTENT IN PHRASEOLOGICAL UNITS

Shodiya GANIEVA,
Senior Lecturer, Ferghana State University,
Doctor of Philosophy in Philology

Abstract*. This article discusses the isomorphism between lexical and phraseological polysemy and homonymy, the issues of studying them in the Uzbek linguistics, the problems of modeling phraseological polysemy and homonymy.*

Key words*: isomorphism, phraseological variants, motivational sema, motivational relationship, differentiation of models*

Тил ҳар бир халқнинг маданиятини ўзида намоён қилувчи муҳим воситадир. "Шу нарса аниқки, халқнинг тийнати ва табиатини, руҳияти ва менталитетини тилдан айро ҳолда тасаввур қилиб ҳам, тадқиқ этиб ҳам бўлмайди. Тилдаги бирликларда, айниқса, образли сўз, образли ибора-ифодаларда халқнинг ментал ўзига хослиги у ёки бу тарзда инъикосини топади"[5,3-бет]. Шу маънода халқ фразеологизмлари, уларнинг қўлланиш усуллари ҳам маълум миллатнинг ўзига хос томонларини кўрсатишга хизмат қилади.

Тилнинг ҳар бир сатҳ бирликлари маълум интеграл белги асосида умумийликни ҳосил қилади. Шу билан бирга, турли сатҳ бирликлари ўртасида ҳам ўхшаш нуқталар мавжуд бўлади. Мазкур ўхшаш жиҳатлар мураккаброқ сатҳ бирликларининг номаълум томонларини унча мураккаб бўлмаган ва тадқиқотчи учун маълум бўлган сатҳ бирликларига қиёслаб ўрганишга қулай имконият яратади. Шунинг учун ҳам ҳар қандай янги ўрганилаётган объект билан илгари ўрганилган ва кенг илмий жамоатчиликка маълум бўлган объектнинг ички тузилиши ўртасидаги изоморфликни аниқлаш ва ана шу изоморфлик асосида номаълум объектнинг табиатини ёритиш катта аҳамиятга эга. Лексема ва фраземалар (фразеологизмлар) ўртасида ҳам ана шундай яқин ўхшашликлар мавжуд. Бу лексема ва фразеологизмларнинг номинатив функцияларида ҳам, мазмуний тузилишида ҳам яққол намоён бўлади.

Тилшунослик назариясида лексик сатҳ ҳамда унинг бирлиги бўлган лексема ва унинг мазмуний тузилиши анча кенг ўрганилган. Фразеологизмларнинг шакл ва маъно муносабатидан ташкил топган бутунлик эканлиги кўпчилик томонидан эътироф этилган бўлишига қарамай, фразеологик маъно ва унинг тузилиши ҳақида ҳалигача етарлича илмий тадқиқотларга эга эмасмиз. Фразеологик маъно ва унинг тузилишини лексик маъно ва унинг тузилишига қиёслаган ҳолда ўрганиш фразеологизмлар семантикасини ёритишда катта аҳамиятга эга.

Фразеологик бирликлар ҳам худди лексик бирликлар каби ўзаро омонимик, синонимик, антонимик, градуонимик сингари муносабатларда бўлади. Бу муносабатлар икки ва ундан ортиқ фразеологик бирликларга даҳлдордир. Бундан ташқари, фразеологик полисемия ҳодисаси ҳам борки, бу бир неча бирликлар ўртасидаги муносабатни эмас, балки битта бирликнинг мазмуний мундарижасидаги семалар муносабатини ўз ичига олади. Биринчи турдаги муносабатлар фразеологик системадаги алоҳида-алоҳида фразеологизмлар ўртасидаги муносабат бўлса, иккинчи турдаги муносабат фразеологик системадаги битта аъзонинг шакл ва мазмуни ўртасидаги ва бир шакл остидаги семалар ўртасидаги муносабатдир. Биринчи типдаги муносабатлар ичида омонимик муносабат ўзига хос хусусиятга эга.

Омонимия ҳодисаси лексик сатҳ доирасида чуқур ўрганилди. Лекин фразеологик ва синтактик сатҳ доирасида бу ҳодиса етарлича ўрганилгани йўқ. Шу кунга қадар ўзбек тилшунослигида лексик ва фразеологик омонимияга бағишланган Ш.Раҳматуллаев, Б.Йўлдошев, Алиқулов Т., Абдимурод Маматов, А.Рафиев, Абдугафур Маматов, Ш.Алламатова ва бошқа тилшуносларнинг хизматлари катта[1;2;4;8;9].

Проф. Ш.Раҳматуллаев омонимия ҳодисасини тил ва нутқ зидланиши асосида ўрганишни ўзбек тилшунослигидагина эмас, балки туркийшуносликда илк бор тавсия этади. Унинг фикрича, бошқа лингвистик ҳодисаларда бўлганидек, омонимияни ҳам тил босқичида ва нутқ босқичида алоҳида-алоҳида баҳолаш керак. У тил босқичида омонимиянинг тил бирликлари орасида мавжуд бўлишини таъкидлаган ҳолда, тил бирликлари сифатида лексема, морфема, фразеологик бирликларни эътироф этади. Лекин уларнинг нутқий оппозиция аъзолари сифатида сўзформа ва бирикмаларни тилга олади.[8,6-бет]

Фразеологик полисемия масаласига туркологияда ўтган асрнинг 70-йилларидан бошлаб жиддий эътибор берила бошлади. Хусусан, З.Ураксин бошқирд тилидаги 3000га яқин фраземаларни таҳлил қилиб, шулардан 215таси кўпмаънолилик хусусиятига эга

эканлигини аниқлаган. Б.Йўлдошевнинг ҳисобига кўра, бу бошқирд тилидаги барча фраземаларнинг тўққиз фоизини ташкил этади. Мазкур ишда фразеологизмлардаги маънолар тараққиёти икки гуруҳга ажратиб ўрганилади: а) семаларнинг кетма-кет силжиши, тараққиёти ёки фраземаларда иккиламчи метафоризация жараёни асосида ҳосил бўлган полисемик фраземалар; б) фраземаларда маъноларнинг параллел силжиши ёки параллел метафоризация асосида юзага келган полисемик фраземалар. [11,52-бет]

Бундан ташқари, Б.Йўлдошев томонидан бошқа туркий тиллар, хусусан, озарбайжон, туркман, қирғиз тилларидаги фразеологик полисемия тадқиқига бағишланган бир қатор асарлар ҳам таҳлилга тортилади. Ўзбек тилшунослигида фразеологик полисемия масаласига ҳозирги кунда катта эътибор берилаётган бўлишига қарамай, аммо унинг илдизлари ўтган асрнинг 50-60-йилларига бориб тақалади. Я.Д.Пинхасов айрим кўп маъноли сўзларнинг кўп маъноли фразема ҳосил қилиши ҳақида "Ҳозирги ўзбек адабий тили" ўқув қўлланмасида фикр юритади, хусусан, кўз сўзининг кўз олдида, кўз қораси, кўзи очилди, кўзи кўр, қулоғи кар сингари кўп маъноли фразеологизмлар ҳосил қилиши мумкинлигини далиллайди. [10,9-бет]

Б.Йўлдошев тўғри таъкидлаганидек, фраземаларнинг семантик структурасида ҳам икки ҳодиса: денотатив маъно ва услубий бўёқ бир-биридан фарқланади. Бу ҳолат айниқса полисемик фразеологизмларнинг семантик таркибини аниқлашда муҳим аҳамият касб этади. Масалан, мулла минган эшакдай аллофраземаси учун полисемик хусусият характерли бўлиб, унинг семантик структурасида икки маъно фарқланади: 1) ўта даражада; 2) ўта даражада итоаткор. [3,110-111-бетлар] Шу билан бирга, унинг семантик структурасида салбий муносабат семаси услубий бўёқ сифатида намоён бўлади.

Тадқиқотчи Ё.Одилов бундай кўринишдаги ибораларга тўхталар экан: "Иборадаги энантиосемия ҳам узуал ва окказионал маъноларнинг иштирокига кўра лисоний ва нутқий энантиосемияларга ажралади. Лисоний фразеологик энантиосемия иборанинг нутққа қадар ибора семантик структурасида мавжуд бўлган зид маънолар асосида шаклланади. Маъновий зидликнинг нутққа қадар мавжудлиги унинг узуал эканлигини кўрсатади". [6,107-бет]

Фразеологик бирликларни тил системаси ва унинг функцияси ўртасидаги қарама-қаршиликни ҳисобга олган ҳолда ўрганиш ҳақидаги фикр умумий тилшунослик назарияси ривожи учун муносиб ҳисса бўлиб қўшилганини эътироф этиш лозим. Фразелогизм ва унинг нутқий қуршовда воқеланиши ўртасидаги муносабатни эътиборга олиш бевосита кузатишда реал воқеланган фразеологизм вариантларини перцептив ҳолатдан абстракт ҳолатга айлантириш, мавҳумлантиришни тақозо этади.

Мавҳумлаштириш шаклий жиҳатдан бир хил бўлган омофразаларда қандай амалга оширилиши муаммоси тилшунослик олдига янги вазифаларни қўяди. Худди лексик омонимия билан лексик полисемияни фарқлаш зарурияти бўлгани сингари фразеологик сатҳда ҳам фразеологик омонимияни фразеологик полисемиядан фарқлаш зарурияти тугилади.

Лексик сатҳда ўзаро боғлиқ икки ва ундан ортиқ семемалар, яъни денотатлар лексик полисемия ҳисобланиши кўпчиликка маълум. Масалан, ***қўлтиқ*** *лексемаси полисемик таркибга эга бўлиб, ушбу лексеманинг маънолари беш жилдли "Ўзбек тилининг изоҳли луғати"да берилишича, унинг биринчи семемаси "қўлнинг елка билан туташган*

ерида ҳосил бўлган бурчак, қўл ости"ни, иккинчи семемаси "океан, денгиз ва кўлларнинг қуруқлик ичкарисига кириб турган ва асосий ҳавза билан сув алмашиб турадиган қисми, кўрфаз"ни (ЎТИЛ. 5-жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Давлат илмий нашриёти, 406-бет) билдиради.

Бу лексеманинг полисемиклиги шундаки, бир-бири билан семантик мотивланган икки маъно бир лексеманинг мазмуний мундарижасига киради. Лексеманинг қайси семемада қўлланилаётганлиги синтагматик қуршов орқали англашилади.

Лексик омонимиянинг лексик полисемиядан фарқи шундаки, лексик омонимия ҳодисаси шакл ва мазмун муносабати бутунлигидан ташкил топган икки ва ундан ортиқ лексемаларнинг шаклан тенг келиб қолишидир. Лексик полисемия битта лексема доирасида бўлгани учун икки ва ундан ортиқ семемалар ҳам бир туркумга мансуб бўлса, лексик омонимия бир неча лексемалар муносабати бўлганлиги сабабли, кўпинча омонимик муносабатдаги лексемалар бир неча сўз туркумига мансуб бўлади. Масалан, ***туш*** *"уйқудаги хотирлаш",* ***туш*** *"юқоридан қуйига ҳаракат". Булардан биринчиси от, иккинчиси феъл туркумига мансуб бўлиб, муҳими, уларнинг семантик муносабатида мотивловчи сема мавжуд эмас. Демак, лексик омонимия ва лексик полисемия ўртасидаги дифференциал белги мотивловчи семанинг мавжуд ёки мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Полисемия бу белгига кўра оппозициянинг кучли, омонимия эса кучсиз аъзоси саналади.*

Худди мана шу белги тилнинг бошқа сатҳларига хос бўлган омонимия ва полисемия ҳодисаларини ҳам фарқлаш учун хизмат қилади. Проф. Б.Йўлдошевнинг фикрича, "ПФлар (полисемик фраземалар) таркибидаги маънолар ҳам худди лексик маъноларда бўлгани сингари ўзига хос контекстда, синтактик қуршовда намоён бўлади. Айрим ПФларнинг маънолари (семалари) ўзаро лугавий маъносидан ташқари, лексик контекстида, грамматик табиати ёки синтактик қуршовида фарқланиши мумкин". [3,126-бет]

Хусусан, фразеологик сатҳ бирлиги бўлган фразеологизмларни олиб кўрайлик. Жумладан, ***гап тегмоқ*** *фразеологизми "танбеҳ эшитмоқ" ва "сўз навбати келмоқ" семемаларини ифодалаб, бу семалар ўртасида мотивацион муносабат сақланган. Иккала семема "нутққа даҳлдорлик" семаси билан туташиб туради. Фразеологик бирликни битта интеграл сема бирлаштириб туради. Шунинг учун* ***гап тегмоқ*** *фразеологизми икки семемага эга бўлган битта тил бирлиги ҳисобланади.*

Кўзи очиқ *фразеологизмида бир неча семемалар уйғун бўлиб, Ш.Раҳматуллаевнинг "Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати"да фраземанинг дастлабки семемаси "тирик", "барҳаёт", иккинчиси семемаси эса "яхшини ёмондан, фойдани зарардан фарқлашга қобилиятли" тарзида изоҳланади.*

Шунингдек, ***бошига кўтармоқ*** *фразеологизми 1) "эъзозламоқ" (устозини бошига кўтаради); 2) "шовқин солмоқ" (хонани бошига кўтарди) маъноларини ифода этади. Фраземанинг дастлабки маъноси субъект валентлигига, иккинчи маъноси эса локал валентлигига эгалиги билан ўзаро фарқ қилади. Биринчи семема билан иккинчи семема ўртасида мотивация муносабати узилган. Шунинг учун "эъзозламоқ" ва "шовқин солмоқ" семемаларини ифодаловчи* ***бошига кўтармоқ*** *фразеологизми омонимик характерга эга бўлиб, шаклий бир хил бўлиб қолган иккита тил бирлиги саналади. Бу фразема тарихан полисемик табиатга эга бўлган битта фразеологизмнинг семемалари ўртасидаги мотивацион муносабатнинг узилиши натижасида майдонга келган.*

Фразеологик омонимия икки ва ундан ортиқ тил бирликларининг шаклан ўхшаб қолиши экан, мазкур хусусият унинг моделида ҳам акс этиши зарур.

"Сўз нутқий даража кўрсаткичи ва маъно нисбий тафовути полисемия ҳодисасини ҳосил қилади. Семантик структура шаклланиш қонуниятлари айнан ички моҳият кенгайишини тайин этади. Фраземада маъно тугаллигига мантиқий таъкид юкланади. Бундай маъно кенгайиши ПФ табиатини белгилайди". [3,129-бет]

Кўринадики, тилнинг барча сатҳларида полисемияда семемалар ўртасидаги ички боғлиқлик сақланади, бир семема асосида иккинчиси келиб чиқади, улар ўртасида мотивацион муносабат мавжуд бўлади. Омонимияда ҳам икки ва ундан ортиқ семема мавжуд бўлса ҳам, лекин бу семемалар ўртасида семантик боғлиқлик, мотивацион муносабат мавжуд бўлмайди. Худди ана шу фарқланиш уларнинг моделлари дифференциацияси учун асос бўлиб хизмат қилади.

Адабиётлар:

1. Аликулов Т. Полисемия существительных в узбекском языке. Автореф. дисс. … канд.филол.наук. Ташкент, 1966;
2. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари: Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 1993;
3. Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологияси ва фразеографияси масалалари. Тошкент: Муҳаррир, 2013. 27-бет.
4. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиши масалалари: Филол. фанл. докт.....дисс. автореф. Тошкент, 2000.
5. Маҳмудов Н. Ўхшатишлар ва миллий образ// Ўзбек тили ва адабиёти. – 2013.- 1-сон.- 3-бет.
6. Маҳмудов Н., Одилов Ё. Сўз маъно тараққиётида зиддият. Ўзбек тили энантиосемик сўзларининг изоҳли луғати. Тошкент: Академнашр, 2014.
7. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент: Фан, 1975;
8. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғати. Тошкент, 1984
9. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик луғати. Тошкент: Ўқитувчи, 1978
10. Пинхасов Я.Д. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент: Ўқитувчи, 1969.
11. Ураксин З.Г. Фразеология башкирского языка. М.: Наука, 1975. – С.52.

ХУРШИД ДЎСТМУҲАММАДНИНГ “ЁЛҒИЗ” ҚИССАСИДА ИЖОДКОР ОБРАЗИНИНГ БАДИИЙ ТАЛҚИНИ.

Раҳмонова Хуршида
Алишер Навоий номидаги Тошкент
давлат ўзбек тили ва адабиёти университети
мустақил тадқиқотчиси

Аннотация. *Қисса ўзбек адабиётининг тарихий ривожланиш жараёнида алоҳида ўрин тутади. Мақолада истеъдодли адиб Хуршид Дўстмуҳаммаднинг тарихий мавзуда ёзилган “Ёлғиз” қиссаси жанрга хос назариялар асосида тадқиқ қилинган. Асарда бош қаҳрамон ижодкор шахс Абдулла Қодирийнинг мураккаб руҳияти, қайғулари, мақсадлари у яшаган давр муҳитига, адолатсизликларига қарама-қарши ўлароқ тасвирланади. Мана шундай ифодалар яққол кўринган ўринларга урғу бериб таҳлилга тортилган. Мақолада муаллифнинг тарихий ҳақиқат ва уни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги имкон даражасида ўрганилди.*

Калит сўзлар: *ижодкор шахс образи, адабий характер, поэтик фикр, реалистик тасвир, индивидуал хусусият, тарихий ҳақиқат, давр руҳи, персонаж баёни, бадиий асар тили.*

ХУДОЖЕСТВЕННАЯ ИНТЕРПРЕТАЦИЯ ОБРАЗА АВТОРА В ПОВЕСТИ ХУРШИДА ДОСТМУХАММАДА «ОДИНОКИЙ».

Алишера Навои
Государственные университеты узбекского языка и литературы

Аннотация*. Рассказ имеет особое место в процессе исторического развития узбекской литературы. В статье рассматривается рассказ талантливого писателя Хуршида Дустмухамада «Один», написанный на историческую тему в жанровой основе. В произведении главный герой противопоставляется творческой личности Абдуллы Кадыри, его сложному характеру, печали , цели, периоду жизни и несправедливостям. Именно эти выражения с ударением анализируются на явно выраженных местах. В статье по мере возможности изучается историческая справедливость и художественная изобретательность автора.*

Ключевые слова: *образ творческой личности, литературный характер, поэтическое мнение, реалистическое изображение, индивидуальная особенность, историческая правдивость, состояние эпохи, рассказ персонажа, язык художественного произведения.*

THE ARTISTIC INTERPRETATION OF THE AUTHOR’S IMAGE IN THE NOVEL BY KHURSHID DOSTMUHAMMAD “LONELY”

Annotation. *The story genre has particular importance in the process of historical development of uzbek literature. The article investigated historical story written by talented writer Khurshid Dustmuhammad , wich was based on the theories peculiar to the genre. The composition illustrates the psychology, sorrows, purposes of the main character the Abdulla Kodiriy as*

composer, opposing to the environment, injustice of the period he lived. The particular expressions which were illustrated as mentioned above were accented and analysed. The article studied as possible how the author demonstrates the historical truth in his artistic value.

Key words: *the image of composer, literary character, poetic thought, realistic illustration, individual feature, historical truth, periodic spirit, the exposition of personage , literary language of the composition.*

Қисса ўзбек адабиётининг тарихий ривожланиш жараёнида ёзувчилар томонидан энг кўп қўл урилган жанрлардан биридир. Бу жанр XX аср ва мустақиллик даврларида яна-да кенгайди, мукаммал эстетик бир бутунлик – жанр сифатида ўзига хос хусусиятлари такомиллашди. "Қиссада айтилиши муҳим бўлган поэтик фикр ҳар доим жанрнинг маълум бир "вакили" томонидан ҳикоя қилинади "[16]. Бу ҳам қиссанинг ўзига хос белгиларидан биридир.

Айтиш керакки, қиссачиликда поэтик изланишлар маълум бир даражада янгилана бошлади. Инсонни ижтимоий ҳаётнинг бир намоёндаси сифатида эмас, балки ўзига хос бўлган маънавий олам эгаси сифатида кашф этишга эътибор кучайди. Бунда реалистик тасвир билан бирга янги-янги тасвир усулларига эътибор берила бошлади. Бу даврдаги энг яхши қиссаларда ҳаётий ҳодисалар қамрови кенгайиб, конфлектнинг чуқурлашуви, шахс муаммосига , унинг жамият билан ўзаро муносабатига қизиқиш, маънавий-руҳий таҳлилига мойиллик кучайди. Бу тендеция қисса жанрининг барча кўринишларида намоён бўла бошлади. Истеъдодли ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг "Ёлғиз" қиссаси ҳам ана шу жиҳатдан характерлидир. Ушбу қиссада тарихий давр ва шахс муносабатлари хусусида, қаҳрамон руҳиятининг мураккаб қирралари, фикри хаёллари ҳақида ёзилган. Тарихимизни, ундаги зиёли инсонлар ўтмишини илмий ҳамда бадиий тадқиқ этиш ёзувчидан анчагина саъй-ҳаракат ва бадиий маҳоратни талаб қилади. "Ёлғиз" қиссасининг бош қаҳрамони Абдулла Қодирийнинг миллат, юрт тақдири учун қайғуси , мақсадлари ўша давр нафасига, адолатсизликларига қарама-қарши ўлароқ тасвирланади. "Йиғинди гаплар" мақоласи учун қамалган Абдулла Қодирий қалбидан кечган ўйлар, руҳий изтироблар муҳит билан боғлиқликда ифодаланган. Воқеа тасвиридан руҳият тасвири устувор бўлган. Шунингдек, ҳаракат ва руҳият тасвири бир-бирини тўлдирган ҳам. Қаҳрамон атрофида зоҳиран қараганда одамлар кўп, аммо уни тушунадиган , дардларини ҳис қиладиган, ақл билан онгли тарзда англайдиган одам йўқ. Шунинг учун ҳам у ўзини руҳан, қалбан ёлғиз ҳис қилгандир, эҳтимол.

Қиссада ёлғиз деб сифатланган Абдулла Қодирий образи характер даражасига кўтарилган. "Асарда мукаммал тасвирланган образларгина характер даражасига кўтарила олади. Характер – бу аниқ ирода йўналиши ва ўзининг индивидуал хусусиятлари билан бошқалардан кескин ажралиб турадиган образ"[17], - дейди адабиётшунос олим Матёқуб Қўшжонов. Ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам ёлғиз

[16] Холдоров Дилмурод. Ижод моҳияти – услуб хосияти". – Т.:Турон замин зиё, 2017, 6-бет

[17] Қўшжонов Матёқуб. Ҳаёт ва маҳорат. Т., Ўзадабий нашр, 1962. 15-бет

деб атаган қаҳрамонини бошқаларга ўхшамайдиган ўзига хос индивидуал хусусиятларини теран мушоҳада қилган ҳолда бадиий ифодалаб берган. Адабиётшунос Л.И. Тимофеев эса бадиий характерни вужудга келтирувчи бир неча жиҳатларни санаб ўтади. “Жумладан, портрет, қаҳрамоннинг тавсифи ва таърифи, қаҳрамон нутқи, шароит, турли тарихий, ижтимоий-сиёсий ва руҳий вазиятлар, нарса ва ҳодисалар, қаҳрамон фаолияти, унинг бошқалар билан муносабати, фикр-ўйлари, изтироблари, қувончлари биргина характерда мавжуд бўлиши лозим. Ушбу жиҳатларсиз характер қурилиши мукаммал бўла олмайди ”[18]. Мазкур жиҳатлар ёлғиз образида бирлаштирилган ҳолда характер даражасига кўтарилган. Ёлғиз нафақат адабий характер, балки у ўзида миллий ва умумбашарий хислатларни жам қилган ижодкор шахс образи ҳамдир. Асар қаҳрамони фаолияти ўзи мансуб бўлган давр воқелиги билан уйғунликда тасвирланади. Шу боис, у бир томондан , ўз даврининг фарзанди, иккинчи томондан, илғор дунёқарашлари ва юксак идеаллари билан тарихан ўз замонасидан илгарилаб кетган инсон сифатида гавдалантирилган.

“Хўш, ёлғизнинг дарди нима эди? У нималарни ўз олдига мақсад қилиб қўйган эди” ,– деган савол туғилиши табиий. Бунинг жавоби асар матнига сингдириб юборилган. Яъни Абдулланинг ичқи нутқи орқали ифодалаб берилган. “Одамларни газет-журналга жалб этишда мақсад-маслак бўлмоғи даркор. Қуруқ газетхонлик-журналхонлик билан иш битмайди. Басират кўзларни очмоқ лозим уларнинг . Қандоқ ҳаёт кечирмоқдалар, инсон қавми аслида қандоқ яшамоққа лойиқ –биладиларми шуни улар?”[19]. Асарда Абдулла одамлар гавжум тўпланадиган бозорларга тушиб, халқнинг яшаш тарзини, тирикчилик манбайини кузатадиган, гап-сўзларини, фикрларини тинглайдиган ва шу асосда маълум бир хулосаларга келадиган инсон сифатида гавдалантирилган. “Нима қилмоқ зарур? Қай йўл-қай чора бирлан уйқудагиларни уйғотиш мумкин? Уйқудан, мудроқдан, танбалликдан?!”[20]. Қодирийнинг асл мақсади ана шу эди. Халқни илмли, маърифатли қилиш. У бутун умр мана шу дард билан яшаб ўтди. Бошига келган кулфатларнинг ҳам асл сабаби мана шу – “басират кўзларни” очишга уринган. “Йиғинди гаплар” мақоласини ёзишга ундаган ҳам шу: халқнинг аҳволини яхшилашга ҳаракат қилгани, уларнинг маърифатли бўлишларини истагани эди. Ёзувчининг маҳорати шундаки, у китобхонни аста-секин, сокинлик билан Абдулла Қодирийнинг дарди-дунёсига, маънавий-руҳий оламига олиб киради ва бу дардни ўқувчига ҳам юқтиради. Бу дардни ифодалашда ёзувчи қаҳрамоннинг ўй-хаёлларидан, ички нутқидан фойдаланган. “Ишчими, деҳқонми, маорифи маданияти, иқтисоди-ю шалтай-балтайи ўзим сингари ғафлат уйқусига банди эканлигидан куймоқдаман. Маҳалла ишсиз, гузар ишсиз, бозор ишсиз – том-тешарга уқув, йўл тўсарга юрак йўқ, уйқудан аламни олмай қаён борсин, бу овсарлар?!..... Ўлка қай аҳволда-ю, уста Йўлдошнинг куйгани қайси ергача?! Салкам

[18] Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Педагогика, 1979. Ст 130-132

[19] Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёлғиз. – Т.: Машҳур пресс, 2019, 30-бет

[20] Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёлғиз. – Т.: Машҳур пресс, 2019, 31-бет

беш минг кишига битта мактаб эмиш! Ол-а, ўқийман деганлари неча ҳовуч. Очган мактабинг неча сиқим, дейдирган жўмард йўқ майдонда”[21]. Муаллиф ижодкор образининг бу каби фикр-хаёллари билан ўша даврнинг, мустабид тузумнинг, мафкуравий тазйиқнинг халқ учун келтириб чиқарган муаммоларини ёритиб берган.

Кичкина чўғ ҳам, аслида, оловнинг уруғи. Унда буюк ҳарорат ва ёруғлик қудрати бор. Зеро, улкан машъалалар ҳам ўша урвоғдек чўғлардан туғилиб, алангаси дунёни тутиб кетади. Абдулла Қодирий юрагида аланга олаётган чўғни ўчириш, ҳовурини босиб қўйиш учун ҳам, эҳтимол, уни уч ой зах қамоқхоналарда сақлашгандир. Аммо, унинг халқ дарди деб ёнган юрагидаги олов кучайса-кучайдики, асло сўнмади. Унинг ортида оддий бўлса-да унга ишонадиган, унга суянадиган, унга дардларини айтиб дармон бўлишини кутиб турган, уни яхши кўрган халқ бор эди. Қаҳрамоннинг ўзи ҳам буни сезмагандир, эҳтимол. Асар матнидан қуйидаги жумлалар фикримизни исботлашга ёрдам беради. Кечки пайт бир неча одам тўпланиб, шовқин солиб таҳририятга келишади.

“ – Жулқунбой деганларини кўрсак бўладими?

– У кишида нима юмушинг бор? – овози келди Тошқиннинг.

Маҳалламиздаги муттаҳамлар устидан шикоят келтирдик, шуни берайлик. Бир абжағини чиқариб ҳажв қилиб берсин”[22]. Абдуллани яхши кўрган ана шундай халқ орасидан уни сотган сотқинлар ҳам чиққан.

Тарихни билиш, тушуниш, тарихий шахслар руҳиятини англаш даражаси ижодкор салоҳиятини кўрсатади. Ҳар қандай ҳаётий муҳитда, ҳар қандай ижтимоий шароитда намоён бўлган ватанпарварлик, миллатсеварлик, инсонийлик хусусиятларини кўра олиш ҳамда кўрсата билиш тарихий шахс образини ёритишнинг бош мезонидир. Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам тарихий ижодкор шахс Абдулла Қодирийнинг маънавий-руҳий оламини худди шундай жонли тарзда ифодалаб берди. Бунда ёзувчи ижодкор образи руҳиятининг мураккабликларини очиб беришда унинг асарларидаги қаҳрамонлардан ҳам унумли фойдаланган. “Астағфируллоҳ!” деди Абдулла Юсуфбек ҳожига таассуф қилиб. Отабек-ку туҳмат ортида ҳибс этилди, Абдулла-чи? Унинг бу ерда ўтиришининг боиси наҳотки “Йиғинди гапларга” боғлиқ бўлса?!... Омманинг кўзини очиш, уларнинг турмуш-турмушини янги ҳаёт ўзанига буриш учун қанча ёзилса, қанчалик басират кўзлари очилса шунча оз эмсами?!”[23]. Қодирийнинг миллат тақдири, халқнинг турмуш тарзини яхшилаш учун бир йўл қидираётганлиги унинг фикрларидан ҳам билиш мумкин. Яна инсон ўзини тушунмайдиган, дардларини тингламайдиган, англамайдиган одамлар, жамият орасида қолса хаёлларидаги идеали билан суҳбат қуради, унга суянади, ишонади. Абдулла ҳам ўзи яратган образ Юсуфбек ҳожининг ақлу заковатига ишонган, дардларини у билан бўлишган. “Инсон ўзи билан ўзи қолганда руҳиятининг энг кучли ва ожиз жиҳатларини бутун мураккаблиги билан

[21] Ўша китоб. 43-бет

[22] Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёлғиз. – Т.: Машҳур пресс, 2019, 28-бет

[23] Хуршид Дўстмуҳаммад. Ёлғиз. – Т.: 2019, 70-бет

англаб етади. Характерларнинг кечинмаларини учинчи шахс тилидан баён этиш, муаллиф баёни билан персонаж баёнининг бирлашиб кетиши асарга кучли руҳий замин, фалсафий йўналиш беради, ҳолатнинг бадиий шарҳи вазифасини ўтайди”[24]. Хуршид Дўстмуҳаммад қиссасида ҳам муаллиф баёни ҳамда қаҳрамон ўз-ўзини тафтиш қилиши қоришиқ ҳолда келади, натижада китобхон руҳиятига қаҳрамон руҳияти сингиб кетади, бадиий таъсир доираси ортади. Адабиётшунос Шуҳрат Ризаев асар қаҳрамони Абдулла образи ҳақида шундай деб ёзади: “Қодирий – адабиётда ёлғиз, “Муштум”да ёлғиз, ачитиб заҳарханда сўз айтишда ёлғиз, камерада ёлғиз, қалами ўткирлиги, қуюнчаклиги боис ёлғиз, “тушунган одам – тушунмаганлар олдида ёлғиз” ва ҳоказо. Ана шу ўнларча ёлғизларнинг таъриф-тавсилотларини бера бориб, Абдулла Қодирий деган бетакрор ёлғиз ҳодиса – ёлғизлик моҳиятини очади муаллиф. Унинг улуғлиги, буюклигини ана шу ёлғизлик ракурсларида инкишоф этиб боради. Биз энди ўша беназир зотни қалбан ҳис қилиб, Шахс мақомидаги якка-ёлғизлигини дилдан эътироф этамиз. Асрлар оша яшамоққа ҳақли эканлигини ҳис қиламиз” [25]. Муаллиф мана шу ёлғизликни, Қодирий қалбидаги, руҳиятидаги ёлғизликни асар моҳиятига сингдирган.

“Ёлғиз” қиссасининг яна бир муҳим қирраларидан бири бу- унинг бадиий тилидир. Ёзувчи тарихий ҳаётни образлар ва манзаралар воситасида акс эттирар экан, ўша дарв халқ тили мақолларидан, ҳажвияларидан, гап қурилиши усулларидан, диалектлардан фойдаланган, қаҳрамон, персонажларнинг характерига қараб сўз ва иборалар танлаган. Тарихни бадиий ўзлаштиришдаги энг қийин жиҳатлардан бири тил масаласи бўлса керак. Халқ руҳиятини беришда , давр муҳитини яратишда, аждодларимиз нутқини, фикрлаш тарзини акс эттиришда энг муҳим масалалардн биридир. “Мен тарихий асар ёзишда “қаҳрамон тили иложи борича ўша давр руҳини акс эттириши зарур” деган тамойилга амал қиламан. Аслида тарихий асарда икки хил тил бор. Бири қаҳрамонлар тили, иккинчиси – муаллиф тили. Ёзувчи учун энг қийини ана шу икки томонни мўътадил тутиб қола билишда”[26], - дейди Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Али . Худди шунингдек, Хуршид Дўстмуҳаммад ҳам Қодирий даври муҳитини яратиш учун қаҳрамонлар нутқида ўша давр тил унсурларидан, лексемаларидан фойдаланган. Лекин асарни бугунги давр кишиларига мўлжаллаб ёзилаётганлигини эътибордан қочирмаган ҳолда ўқувчини зериктирмаслик учун муаллиф ровий нутқида ҳозирги ўзбек тилини қўллаган.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, муаллифнинг тарихий ҳақиқат ва уни бадиий кашф этишдаги ўзига хослиги бош қаҳрамон образи талқинида давр мафкурасига қарамай, унинг она-Ватан йўлидаги фидоийлигини умуминсоний қадриятларда кўрсатиб бера олган.

[24] Шоира Исаева. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Автореферат. Т.: 2001, 13-бет

[25] Ризаев Шуҳрат. Дардман дил изтироблари. “Ёлғиз” қиссасига ёзилган сўзбоши. – Т.: 2019, 8-бет

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т .: Ўзбекистон, 2002.
2. Дўстмуҳаммад Хуршид. Ёлғиз. –Т.: Машҳур-пресс, 2019.
4. Исаева Шоира. Ўзбек тарихий романларида характер руҳиятини тасвирлаш усуллари. Автореферат. Т.: 2001, 13-бет
5. Раҳимжонов Нўъмон. Бадиият – бош мезон. – Т.: Академнашр, 2016.
6. Тимофеев Л.И. Теория литературы. – М.: Педагогика, 1979.
7. Холдоров Дилмурод. Ижод моҳияти – услуб хосияти". – Т.:Турон замин зиё,2017.
8.Қўшжонов Матёқуб. Ҳаёт ва маҳорат. Т., Ўзадабий нашр, 1962.

ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
13.00.00 ПЕЛАГОГОИЧЕСКИЕ НАУКИ
PEDAGOGICAL SCIENCES

LOYIHAGA ASOSLANGAN TA'LIM (PBL) ORQALI CHET TILI O'RGANUVCHI TALABALARNING 21-ASR KO'NIKMALARINI RIVOJLANTIRISH

Ahmedova Ugiljon Kuronboyevna
Urganch Davlat Universiteti
stajyor-tadqiqotchisi
Tel: 97 745-91-90 e-mail: ugiljonakhmedova16@gmail.com

Annotatsiya: *Maqolada bugungi kunda chet til o'rganuvchi talabalarning 21-asrda o'ta muhim hisoblangan ko'nikmalari Tanqidiy fikrlash , Hamkorlik, Aloqa va ayniqsa til o'rganishda talaba uchun eng muhim ko'nikmalardan biri hisoblangan Ijodkorlikni Loyihaga asoslangan ta'lim (PBL) orqali rivojlantirish usullarini ham nazariy ham amaliy jihatdan ko'rib chiqamiz.*

Kalit so'zlar: *tanqidiy fikrlash, ijodkorlik, hamkorlik, aloqa, yondashuv, mahorat sohalari, xabardorlik, texnik ko'nikma*

Annotation: *The article discusses the developing methods of the critical thinking, collaboration, communication and creativity ,which is one of the most important skills for students in language learning, as the skills that considered important for foreign language learners in the 21st century through PBL(project-based learning) both theoretically and practically.*

Keywords: *critical thinking, creativity, collaboration, communication, approach, skills, awareness, technical skills*

Аннотация: *В статье рассматриваются методы развития критического мышления, сотрудничества, общения, творчества, которое является одним из наиболее важных навыков для учащихся в изучении языка, как навыков, которые считаются важными для изучающих иностранный язык в 21-м веке посредством PBL (проект обучение) как теоретически, так и практически.*

Ключевые слова: *критическое мышление, креативность, сотрудничество, коммуникация, подход, навыки, осведомленность, технические навыки.*

Til o'rganish kishilik jamiyatida bag'oyat muhim sohalardan hisoblanadi. Muloqot vositasi bo'lmish tilni tabiiy muhitda (oilada, jamoatchilik orasida) yoki uyushgan holda (darsda) amaliy egallash mumkin. Til hodisalariga oid bilimlar esa nazariy jihatdan o'rganiladi. Xalqaro munosabatlar avj olgan zamonamizda tillarni bilish,ayniqsa, ko'p tillilik (poliglossiya) ulkan ahamiyat kasb etmoqda.[5 :3]

O'zbekiston Respublikasida tahsil olayotgan o'quvchi va talabalarning til o'rganishga bo'lgan ehtiyoji va qiziqishi tobora ortib bormoqda. Bugungi o'quv xonalarida,talabalar ta'lim maskanlarida va kelajakdagi kasb-korini muvaffaqiyatli ado etishda akademik bilimlarni puxta egallashi talab qilinmoqda. Natijada, o'qituvchilarning zimmasiga asosiy mavzularni chuqurlashtirish va 21- asr ko'nikmalarini rivojlantirish vazifasi yuklatilmoqda. Bunday vazifani mukkammal bajarishda biz til o'rgatishdagi ta'lim sifatini juda yuqori oshirishga qaratilgan ta'lim turi ya'ni Loyihaga asoslangan ta'lim (PBL)dan foydalanishni maqsadga muvofiq deb hisoblaymiz. Shu sababli

maqolamizda hozirda chet til o'rganuvchi talabalarning 21-asrda o'ta muhim hisoblangan ko'nikmalarini Loyihaga asoslangan ta'lim (PBL) orqali rivojlantirish usullarini ham nazariy ham amaliy jihatdan ko'rib chiqamiz.

Talabalarni o'z jamoalaridagi real muammolarni hal qilishga taklif qilish orqali biz ushbu zamonaviy ko'nikmalar va atrofimizdagi o'zgaruvchan dunyo o'rtasidagi bog'liqlikni bilib olamiz. Ko'pchilik til o'rgatuvchi o'qituvchilar PBL haqida umumiy tasavvurga va undan dars jarayonida foydalanish bo'yicha tajribaga egadirlar. Biroq, PBLni odatiy amaliyot sifatida qabul qilish bir kechada amalga oshiriladigan ish emas. An'anaviy yondashuvdan voz kechish uchun **"o'qituvchi-talaba"(TS)** va **"talaba-talaba"(SS)** o'rtasidagi hamkorlik tashabbusidan foydalanib, loyihaga asoslangan o'quv muhitini yaratamiz. Dastavval 21-asrning mahorat va maqsadlarini aniqlab olaylik. Talabalar oliygohni tugatganlaridan keyin katta hayotga muvaffaqiyatli qadam qo'yishi uchun qanday ko'nikmalarni o'zlashtirishlari kerak?

O'zingizning PBL yondoshuvingiz va harakatlaringizni tavsiflashda ushbu diqqat markazlarini 21-asrning to'rtta asosiy ko'nikmasi:

- ***Tanqidiy fikrlash (Critical thinking)***
- ***Ijodkorlik (Creativity)***
- ***Hamkorlik (Collaboration)***
- ***Aloqa (Communication)***

ga qaratamiz. Talabalardan darsda bir vaqtning o'zida barcha to'rtta mahorat sohalarini o'rganishni talab qilish ularning kelajakdagi haqiqiy ish sharoitiga qiynalmasdan moslashib keta olish uchun eng samarali hisoblanadi.[3:36]

Darsda PBL gullab yashnashi uchun eng zo'r amaliyotni bajaring.

Loyihaga asoslangan har bir darsning asosiy maqsadi talabalar va o'qituvchilarning hamkorlikda ishlagan holda "Muammolarni hal qilishda birgalikda ishlashimiz kerakmi?" savoliga javob topishidir. Javobni topish esa barcha "to'rtta C" ni o'z ichiga olishi kerak. Ya'ni:

a) **ijodkorlik** samarali yechimni tasavvur qilishimizga yordam beradi, chunki loyihaga asoslangan savolni hal qilish uchun odatda bitta to'g'ri yo'l yo'q.

b) **tanqidiy fikrlash**, nima uchun muhimligini ko'rsatib, loyiha va real dunyo o'rtasidagi bog'liqlikni tortadi.

c) Va nihoyat, har bir kishining eng yaxshi g'oyalarini jamoaviy yechimga kiritish uchun **hamkorlik** va

d) **aloqa** har ikkala guruh a'zosidan talab qilinadi.[3:40]

Keling, nima uchun ushbu ko'nikmalarning har biri talabalarning umrboqiy rivojlanishi uchun juda muhim ekanligini ko'rib chiqaylik:

- Muayyan loyiha kontekstida muammolarni yechish talabalarni metakognitiv strategiyalarni yoki fikrlash usullarini baholashga majbur qiladi va o'z navbatida ular qanday o'rganganliklari haqida ko'proq tushuncha hosil qiladi. Ushbu xabardorlik bilan, o'quvchilar har qanday qiyinchilikda, maktabda yoki undan tashqarida muvaffaqiyat yo'liga qanday borish kerakligini tasavvur qilishlari mumkin;
- Talabalar samarali mehnat odatlarini, ayniqsa, jamoada ishlash va tegishli javoblarni topish uchun zarur bo'lgan tashkiliy va ish jarayoni ko'nikmalarini yaratadilar va o'zlashtiradilar;

- Loyihaga asoslangan darsda bilim, xabardorlik va ko'nikmalarni egallab olgandan so'ng, talabalar deyarli har doim boshqa fan sohalari singari moslashuvchan o'rganishni turli xil sharoitlarda qo'llashlari mumkin.
- Jamoa sharoitida ishlash orqali talabalarning ishtiyoqi va o'ziga bo'lgan hurmati sezilarli darajada oshganini yaqqol ko'rinadi va sinfdagi o'zlashtirishi pastroq bo'lgan o'quvchilar ishonch bilan gapira boshlaydilar.[2:69]

O'quvchilar muvaffaqiyatga erishish uchun o'qituvchilar aniq maqsadlarni belgilashlari kerak, ayniqsa agar siz talabalringiz bilan birinchi marta loyihaga asoslangan tadbirlarni o'rganayotgan bo'lsangiz. Talabalar loyiha ishini bajarish davomida intilayotganlarini his qilishlari uchun nimani tanlash kerakligini bilishlari kerak.

PBL darsiga sho'ng'ishdan oldin, bir nechta o'quv qoidalarini yaratish zarur:

- Har bir talabaloyiha ishida ishtirok etish uchun bor imkoniyatlarini ishga solishi kerak;
- Jamoada har bir a'zo loyiha ishining biror qismi uchun javobgar bo'ladi;
- Aslida loyiha ishini bajarishdan maqsad bilim almashish bo'lsada, guruh a'zolarining bir-birlarini tinglashi muhimroqdir;
- Muammolaringizni hal qilish usullariga e'tibor bering va ular qanday qilib real dunyodagi muammolarga o'tishini ko'rib chiqing.[2:45]

Haqiqiy tajribalarning yetakchisi bo'ling

Talabalar to'rtta **"C"**ning amalda qanday ko'rinishini tushunishlari uchun siz sinf va haqiqiy dunyo o'rtasidagi bo'shliqni yengishingiz kerak. O'quvchilar sinfdagi loyihalardan kundalik hayotdagi qiyinchiliklarni qanday yenga olishni tushungach, darslar yanada mazmunli va davomli bo'ladi. Bunday tanqidiy aloqani biror bir namuna orqali yoritb berishingiz mumkin. Bu siz yaratgan jadval yoki o'quvchilaringiz bajarishi zarur bo'lgan majburiyatlaringizga qarab har xil ko'rinishda bo'lishi va bir nechta fikrlarni o'z ichiga olishi mumkin:

- *Texnik ko'nikmalarni rivojlantirishga yo'naltirilgan birorta professional guruhga a'zo bo'lish;*
- *Yozgi mashg'ulotni texnik ko'nikmalarga asoslangan muhitda qidirish;*
- *Texnik bilimlarni yaratadigan yoki ishlatadigan ko'ngillilar imkoniyatini topish.*

O'zingizning nuqtai nazaringizdan kelib chiqqan holda kelgusidagi ish joyingizda maktab yoki oliy ta'limda o'rganilgan ko'nikmalarni qanday ishlatishini aniq tasvirlab berishingiz mumkin. Eng muhimi shundaki, siz talabalaringizni kelgusi hayotga munosib tarzda tayyorlashingiz uchun darsda ularning qo'shimcha e'tibor talab qiladigan joylarni aniqlay olishingiz va buning ustida qo'shimcha ishlashingiz kerak bo'ladi.

Modellashtirish usullaridan tashqari, o'quvchilarni haqiqiy o'rganish tajribasini yaratish uchun o'z yashab turgan jamiyati bilan yaqinroq bog'lang. Buning uchun talabalaringizga o'zi ta'lim olayotgan maskanidagi, mahallasidagi yoki shahridagi mavjud qiyinchilklarni aniqlash topshirig'i beriladi. Talabalarga iloji boricha o'zlarining tajribalaridan foydalanishni taklif qiling va bu orqali ular muammoni hal qilish jarayonida ko'proq ovoz va tanlovga ega bo'lishlarini ko'ra olasiz.

Loyihaga asoslangan ta’lim (PBL) ni umumiy muammolarga murojaat qilish orqali yarating.

Har bir sinf xonasining birgalikda o'qish muhitiga to'sqinlik qiladigan o'ziga xos to'siqlari mavjud. Jamoa asosida o'qitiladigan har qanday stsenariyda talabalar bir-biri bilan o'zaro munosabatda bo'lishlari va eng muhimi, bir-birlarining fikrlarini tinglashlari kerak. Guruhda hammaning hissasini e'tirof etish uchun o’qituvchi muvozanatni teng ushlay olishi kerak. Quyida siz sinfda to’siq sifatida duch kelishingiz mumkin bo'lgan ba'zi misollarni keltirib o’tamiz:

Agar siz guruhlarni loyiha ishini bajarish davomida jamoada har doim bir taraflama yoki bir nechta talabalar hukmronlik qilaverishini kuzatsangiz, dars davomida kichikroq topshiriqni o'sha talabalarga bajartirib, kattaroq vazifani uyatchan va o’zlashtirishi pastroq talabalarga birktirib, ularni ko’proq gapirtirishga va butun guruh ham ularni huddi siz kabi eshitishga chorlay olasiz. Bunday usulni qo’llash orqali siz o’zlashtirishi pastroq bo’lgan talabalarning o’z ijodkorliklarini qanday namoyish qilishi va guruh a’zolari bilan qay darajada hamkorlikda ishlay olish qobiliyatini rivojlantishga hissa qo’shasiz. Bu orqali sinf sharoitida yillar davomida takrorlanib kelayotgan qat’iy bir to’siqni yenga olgan bo’lasiz. Sinfdagi barcha a’zolarda bir-birini o’zaro qo’llash instinkti ham asta-sekin rivojlanib, loyihaga asoslangan ta’lim(PBL)da o’zaro hurmat va hamkorlik orqali o’zlarinining tanqidiy fikrlash va ijodkorlik g’oyalarini haqiqiy loyiha ishiga singdira olishga muvaffaq bo’lishadi.

Vazifani diqqat markazida ushlab turish uchun guruhga rollarni tayinlash va loyihaning har bir qismi uchun javobgar bo'lishda "mehnat taqsimoti" chizmasi yordamida muvaffaqiyat qozonishingiz mumkin. Shunday qilib, hamma katta maqsadga erishish uchun kichikroq maqsad sari intiladi.

Xulosa o’rnida shuni aytib o’tish joizki, Loyihaviy o'qitishning haqiqiy hayotiy qo'llanmalari cheksizdir va bugungi talabalar misolida oliy ta’lim maskanlarida, undan keyingi kasblarida va umuman hayotda davomiy muvaffaqiyat uchun zarurdir. Shu o’rinda yana **“4 C”** ko'nikmalarni PBL da sinab ko’rish orqali talabalar til o’rganishdagi muammolarini yechishda yondashuvlarni qanday kashf eta olishlari va ularni o'zlarining mahalliy hamjamiyatlariga yoki dunyo miqyosida qanday tarjima qilishni o'rgana olishlarini yana bir ta’kidlab ketish joizdir. Chet tilini o’rgatish sinflarida Loyihaga asoslangan ta’lim (PBL) dan ko’proq foydalanish talabalarning bilim olishlarining keskin o'sishi va ta’lim jarayoni sifatini yanada yaxshilash uchun ijodiy yechimlarni topishda barcha chet tili o’qituvchilari va talabalarning g'ayratli bo'lishi uchun boshlang'ich ta’lim bo’lib xizmat qilsa ajab emas.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Alan Maley & Nick Peachey (2015) Creativity in the English classroom, London, UK. British Council: pp 29-36
2. ChanLin, Lih-Juan. 2008. Technology Integration Applied to Project-based Learning in Science. Innovation in Education and TeachingInternational. Vol. 45, No. 1, February 2008, pp 55 -65.
3. Craft, A (2005) Creativity in Schools: Tensions and Dilemmas. London: Routledge. pp 12-15

4. Thomas, J. W. 2000. A Review of Research on Project-based Learning. San Rafael, California: The Autodesk Foundation pp-89-90
5. Jamol Jalolov (2012) Chet tili o'qitish metodikasi . – T.: O'qituvchi. 3-b
6. Ko'chkarova M.S., Mamayeva N.K.,(2007) O'qitishning interaktiv uslublari va o'quv jarayonini boshqarish. Trenerlar tayyorlash bo'yicha o'quv metodik qo'llanma. – Toshkent. 64-b
7. Qurbonov Sh, Seytxalilov E. (2006)Ta'lim sifatini boshqarish. – T.: Turon-Iqbol. 592-b
8. Yo'ldoshev J.G'., Usmonov S.A.. (2008)Zamonaviy pedagogik texnologiyalarni amaliyotga joriy qilish. – T.: Fan va texnologiya. 130-b

AKADEMIK LITSEYLARDA MUQIMIY G'AZALLARINING VAZN XUSUSIYATLARINI O'RGATISH TAJRIBASIDAN

Abdurahmonova Barno Muhammadjonovna
Qo'qon davlat pedagogika instituti
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Annotatsiya: *Ushbu maqola Muqimiyning maktab, akademik litsey Adabiyot darslik-majmualarida berilgan she'rlarining vaznini o'quvchilarga o'rgatish muammolariga bag'ishlangan*

Kalit so'zlar: *Muqimiy, g'azal, hajviy she'r, aruz vazni, o'rgatish, usul, jadval*

ИЗ ОПЫТА ПРЕПОДАВАНИЯ РАЗМЕРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ГАЗЕЛ МУКИМИ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ

Абдурахмонова Барно Мухаммаджановна
Кокандский государственный педагогический институт
Кандидат педагогических наук, доцент

Аннотация:*Данная статья посвящена проблемам обучения учащихся поэтическому измерению стихов Мукими, которые даются в школьных учебниках, учебниках по академической литературе*

Ключевое слово: *Мукими, газел, юмористическое стихотворение, ритм аруза, метод, столбчатая диаграмма*

FROM THE EXPERIENCE OF TEACHING THE DIMENSION FEATURES OF MUKIMI GHAZALS IN ACADEMIC LYCEUMS

Abdurahmonova Barno.,
Kakand State Pedagogical Institute
Candidate of pedagogical Sciences associate professor

Annotation: *This aticle is devoted to the problems of teaching students the poetic dimension of Mukimi's poems given in school, academic lyceum literature texsbooks.*

Key words: *Mukimi, ghazals, humorous poem, rhythm of aruz, method, column chart*

O'quvchilar 5-11-sinflar davomida turkiy xalqlar adabiyotida ilk bor aruz vaznida ijod qilgan adib Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asaridan tortib, XX asr

o'zbek adabiyotining yirik vakili Erkin Vohidovning aruz vaznida yozilgan asarlari bilan tanishar ekanlar, albatta, ularning vazni borasida ham bilimga ega bo'lishlari shart va lozim.

Maktabda aruz vaznidagi asarlarni o'qitish adabiyot o'qituvchilari uchun murakkab mavzulardan biri sanaladi. Sababi, vaznlarni o'rgatish uchun hamma dasturlarda juda oz soat ajratib kelingan, ba'zilarida esa umuman bu mavzu kiritilmagan [7. B-86].

Adabiyot darsliklarida berilgan mumtoz asarlarning vazni haqidagi bilimlarni o'quvchi shaxsiga yetkazishda o'qituvchilar oliy o'quv yurtida aruz haqida olgan ma'lumotlariga tayanib yoki o'zlarining mavzu borasidagi malakalaridan kelib chiqib asar vazni haqida ma'lumot beradilar.

Maktab, akademik litseylarda o'rganiladigan mumtoz asarlarning vazni borasidagi nazariy ma'lumotlar adabiyotshunos olima Durdona Zohidova tomonidan ishlab chiqilgan [10. B-34-35] **bo'lib, unda darslikda berilgan asarlarning aruzning qaysi bahrida yozilganligi hamda ularning rukni va taqte'si to'g'risidagi umumiy ma'lumotlar berish bilan kifoyalanilgan. Shunday bo'lsa-da, bu, albatta, ona tili va adabiyot fani o'qituvchilarining birinchi yordamchisi desak, mubolag'a bo'lmaydi.**

Olimaning tavsiyalariga tayangan holda biz Muqimiyning she'r va g'azallari vaznini aniqlashni o'quvchilarga o'rgatish hamda o'quvchilarda ko'nikma hosil qilishga qaratilgan amaliy ishlarni berishga harakat qildik.

5-sinf "Adabiyot" darslik-majmualarida berilgan Muqimiyning "Sayohatnoma" asarining, 6-sinfda "Tanobchilar" hajviyasining, akademik litseylarning ikkinchi bosqichida berilgan **shoirning "Yakka bu Farg'onada", "Arzimni aytay", "Surating", "Ayrimasun", "Navbahor", "Axtaring" kabi g'azallari, "Aroba", "Loy", "Moskovchi boy ta'rifida" hajviy she'rlarining vazni va ularning taqte'larini aniqlash borasidagi amaliy ishlarimizni o'qituvchilarimizga metodik yordam tariqasida tavsiya qilamiz.**

Muqimiyning "**Yakka bu Farg'onada...**" g'azali aruzning ramali musammani mahzuf (maqsur) vaznida yozilgan bo'lib, she'rning taqte'si quyidagicha ko'rinishga ega. Ruknning nomi: Foilotun, foilotun, foilotun, foilun. Taqte'si: - V - -, - V - -, -V - -, -V – . Biz uni jadval usulida ko'rsatishni maqbul usul sifatida tavsiya qilmoqchimiz.

1-jadval

O	shi	qer	mas	man	yu	zing	ga	yak	ka	bu	Far	g'o	na	da
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Zo	hi	dis	tar	Ka'	ba	lar	da	bar	ha	man	but	xo	na	da
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

Keltirilgan misolning birinchi va ikkinchi misrasida vasla hodisasini ko'rishimiz mumkin. Vasl vazn talabiga ko'ra bir so'z oxiridagi undoshni unli bilan boshlangan keyingi so'zning birinchi bo'giniga ko'chirishdir.Bunda undosh bilan tugagan birinchi so'zning oxirgi bo'gini cho'ziq bo'lsa qisqaga, o'ta cho'ziq bo'lsa cho'ziq hijoga aylanadi. Oshiq so'zidagi "q", undoshi vazn talabidan kelib,o'zidan keying so'z ermasman jumlasining "er"hijosiga qo'shib, cho'ziq hijoga aylantirilgan. Zohid so'zidagi "d" undoshi ham o'zidan keyingi hijoga qo'shilib zo-hid emas, zo-hi-dis ko'rininshini olgan.

G’azalning to’rtinchi misrasida imola hodisasi kuzatiladi.Imola (lug’aviy ma’nosi:” bir narsani boshqasiga ulash,moslashtirish”)-vazn talabi bilan bo’g’inni cho’zib talaffuz qilish. Imola ikki turli bo’ladi:

1.Imolayi maqbul (“yoqimli”,qabul qilingan).

2.Imolayi maqduh (“yoqimsiz”,qabul qilinmagan).

Imolayi maqbulda o’ta cho’ziq hijolarning oxirgi undoshiga talaffuzdagina ifodalanadigan qisqa I tovushi qo’shib aytiladi. Imolayi maqduhda hijo zo’rma-zo’raki cho’zib talaffuz qilinadi[27]. Muqimiy g’azallarida imolaning har ikki turidan foydalanganligini ko’rishimiz mumkin.

Shoirning “Navbahor” g’azali ham ramali musammani mahzuf (maqsur) vaznida yozilgan bo’lib, uning taqte’si “Yakka bu Farg’onada” g’azalining vazniga o’xshab ketadi. G’azalning birinchi baytidayoq imola hodisasi bo’lib, buni she’rning ikkinchi baytidagi (chog’lar), uchinchi baytidagi (sog’lar), to’rtinchi baytdagi (zog'lar), bechinchi baytdagi (tirnog’lar), maqtqdagi (tog’lar) so’zlarida uchraydi.Bu jumlalar tarkibidagi G tovushidan keyin I unlisi vazn talabiga ko’ra qo’shib o’qiladi. Bu imolai maqbul (“yoqimli”,qabul qilingan) imola hodisasiga misol bo’ladi.

2-jadval

Nav	ba	hor	o	chil	di	gul	lar	sab	za	bo’l	di	bo	**g’(i)**	lar
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Suh	b[illegible]	ay	lay	lik	ke	ling	lar	jo’	ra	lar	o’r	to	**q(i)**	lar
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

Muqimiy uning “Surating” g’azali vazni qiyidagicha. Uni jadvalda shunday ko’rsatishimiz mumkin.

3-jadval

Mum	**ki**	**n+o’l**	sa	ko’r	mo	g’im	ey	sar	vi	ra’	no	su	ra	ting
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	I	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Ay	la	sa	chash	mim	a	ro	mar	dum	ka	bi	jo	su	ra	ting
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	I	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

“Arzimni aytay...”g’azali aruzning eng ohangdor vaznlaridan bo’lgan mutaqoribi bahrida yozilgan. O’qituvchi mazkur asarning matni ustida ishlashga o’quvchilarni jalb qilar ekan, albatta, darslikda berilgan she’rni uyda mustaqil o’qib kelishlari tavsiya qilinadi.

[27]Zohidova D.Aruz saboqlari.T.:Mumtoz so’z.-2016.34-35-bet.

Badiiy asar matni ustida ishlashning talablaridan biri asar vazni to'g'risida ma'lumot berish hisoblanadi. O'qituvchi asar vazni bilan bog'liq ishga kirishar ekan o'quvchilarga **mutaqoribi musammani maqsur**, **mutaqoribi musammani aslam** bilan barmoqdagi 2-3-2-3 ko'rinishidagi turoqlarning o'zaro yaqinligini aniq misollar yordamida ko'rsatadi. Quyidagi misralarni bo'g'inlarga ajratib chiqishlarini topshiriq sifatida beradi. Bunda o'quvchilarning 11-sinfda olgan bilimlariga tayanadi.

O'quvchilar vazifani quyidagicha bajarishlari mumkin.

Ne-cha za-mon-dur-ko'z-ga- ni-hon-dur, **10 bo'g'in**

Har- kim yo-mon-dur sol-dim xu-do-ga **10 bo'g'in**

Ushbu baytlar tahlilini o'quvchilar o'qituvchi bilan hamkorlikda bajarishlari hamda proektor orqali oldindan tayyorlangan quyidagi matnni o'qish bilan o'zlari bajargan topshiriqning to'g'ri yoki xato ekanligini bilib olishlari mumkin:

"Baytda sakkizta rukn borligi ko'rinib turibdi. Ularning miqdori har bir misrada to'rtadan. Ruknlar ochiq bo'g'in bilan boshlanyapti. Aruzda ochiq bo'g'inlar ko'pincha qisqa hisoblanadi. Qisqa bo'g'in (**V)** belgisi bilan ifodalanadi. Demak, **cha-, za-,ga-, ni-, yo- , xu-** bo'g'inlari qisqa ekan. Boshqa barcha bo'g'inlar undosh tovush bilan tugagan. SHunga ko'ra ular yopiq (cho'ziq) hisoblanadi. YOpiq bo'g'inlar uchun – belgisi olingan. Demak, ruknning umumiy ko'rinishi - -|**V** - -|- - |**V**- - shaklida bo'ladi. Misralarning birinchi va uchinchi ruknlari - - shakliga ega. Chunki ular boshqa ruknlardan bir bo'g'inga farq qiladi hamda ochiq bo'g'inlarning uzun o'qilish imkoniyati ham mavjud. Shunga ko'ra ular uzun hijo o'rnida ham kela oladi. O'qituvchi mutaqoribi musammani aslam vazni haqida tushuncha berib o'tadi.

O'quvchilarning tushunishi oson bo'lishi uchun ushbu vaznning jadval shaklida aks ettirilishi maqsadga muvofiq deb bildik.

4- jadval

Mutaqoribi musammani aslam									
Ar	zim-	ni	ay	tay-	bo	di-	sa	bo	g'a
-	- //	**V**	-	- //	-	- //	**V**	-	-
Fa'	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun //**	**fa'**	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun**
Sho	yad	ga	pur	gay	ul	gul	qa	bo	g'a
-	-	**V**	-	-	-	-	**V**	-	-
Fa'	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun //**	**fa'**	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun**

Jadvalning ikkinchi ko'rinishi quyidagicha bo'lishi mumkin.

5-- jadval

Bo'g'inlar tartibi	**1**	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**	**9**	**10**			**Bo' g'in -lar soni**
Misralar tartibi													
1	O	him	e	shit	may	do	dim	g'a	yet	may			10
2	Bir	ta'	si	ret	may	ket	ti	ha	vo	g'a			10
	-	-	**V**	-	-	-	-	**V**	-	-			
	Fa'	**al**	**Fa**	**uv**	**lun**	**Fa'**	**al**	**Fa**	**uv**	**lun**			**10**

O'quvchilarga mana shunday namunalarning ketma-ket berilishi, eng muhimi, ularda tahlillarning sodda va qulay yo'llari tanlanganligi o'quvchilar tomonidan

mutaqorib vaznining oson o'zlashtirilishiga imkon yaratadi. Albatta, o'quvchilar mustaqil ravishda bu bilim va ko'nikmalarga ega bo'lishi qiyin. Buning uchun o'qituvchining aralashuvi – ko'mak va izohlari kerak bo'ladi. Aruz vazni har bir qo'llanishda o'ziga xoslik kasb etishini nazarda tutib, alohida olingan misollar ustida ishlashga to'g'ri keladi. O'qituvchi ana shu namunalarga tayanib turib o'quvchilarni mustaqil ravishda boshqa misollarni tahlil qilishiga yo'naltirishi ularni aruz vaznida yozilgan asarlarni o'qishga bo'lgan rag'batlarini oshiradi.

O'qituvchi o'quvchilarning yodlariga "Moskovchi boy ta'rifida" hajviy she'ri mutaqorib bahrining tarmog'ida yozilganligini eslatganidan so'ng har bir o'quvchiga asardagi namunalar yozilgan kartochka (tarqatma material)lar alohida-alohida tarqatadi. Tarqatma materiallarda asarining tarmoq ko'rinishlariga misollar yozilgan bo'ladi. Masalan, bir o'quvchiga beriladigan topshiriq quyidagicha bo'lishi mumkin:

Hikoyat qilay, turfa davron ekan,
Xaloyiq hama mahv-u hayron ekan,
Chiqib yangi moskovchidin boylar,
Sinar o'tmayin ba'zisi oylar.
Xususanki eshoni Hodixo'jam,
Yo'q og'zida qarzini vahmida nam.

O'quvchilar topshiriqni yozma bajaradilar. Ulardan yuqoridagi she'riy parchada berilgan ochiq bo'g'inlarni daftarlariga yozishlari talab etiladi. Topshiriqni taxminan quyidagicha bajarishlari mumkin: **hi, ko, qi, fa, e, xa, ha, ma, chi, gi, chi,xu,su, ki, sho,ni, Ho,di,xo',zi,da, mi,da** tarzida ochiq bo'g'inlarni yozib chiqqanliklari o'qitvchi tomonidan tekshiriladi. So'ngra misradagi har bir so'zni bo'g'inga ajratib yozib chiqqanlaridan so'ng esa **fauvlun** ruknining shakliga mos holda ochiq va yopiq bo'g'inlarni aniqlaydilar. **Fa** (ochiq bo'g'in) bo'lib quyidagi "V", **uv-lun** (yopiq bo'g'in) hisoblanib "-" belgisi bilan ko'rsatiladi. O'qituvchi tomonidan o'quvchilarning topshiriqni to'g'ri bajarishlari nazoratga olib boriladi. Bu usul o'quvchilarga ham qo'l keladi. Ushbu vaznning ifodasini o'qituvchi ko'rsatganidek jadval shaklida berish maqsadga muvofiq ko'rinadi.

Misoldagi baytlarda barcha so'zlar ruknlarga bekamu ko'st uyg'unlashganligini tekshirish uchun jadvaldan foydalanish ularning orasida bo'g'inlarning cho'ziq-qisqaligini ifodalovchi belgilarning ham qo'yib ketilishi, o'quvchilarning mutaqorib vaznini o'zlashtirishga oid harakatlarini osonlashtiradi. Ayni paytda ular bo'g'inlarning ochiq va yopiqligi, ularning **(V)** qisqa yoki **(-)**. cho'ziqligini aniqlashni ham bilib oladilar, bu boradagi ko'nikma va malakalari ortadi. Nazarimizda, o'quvchilarga avval vaznning solim ko'rinishini topshiriq qilib berib, undan keyin uning zihofli ko'rinishlariga o'tish nazariy jihatdan to'g'ri va amaliy jihatdan oson bo'ladi . Topshiriq shartiga ko'ra o'quvchilar bo'g'in va hijolar miqdorini aniqlab, taqte'ni to'g'ri qo'yishlari hamda ularning rukn hosil qilishdagi ishtirokini aniqlashlari kerak bo'ladi. Buning uchun o'qituvchi 5-8 daqiqa vaqt beradi. O'quvchilardan biri o'z bajargan ishini quyidagicha izohlab beradi:

"Mazkur misolimizda "Yo'q" so'zidagi "q", "og'zi" so'zidagi "og` " bo'g'ini bilan bitta hijoni hosil qila olishi uchun keyiingi ruknga o'tgan. Boshqa o'rinlarda so'zning oxiri bilan ruknning tugashi to'la mos keladi. So'zning bo'linishi oltinchi misradagi "erdi" hamda ikkinchi misradagi "og'zi so'zlarida uchraydi. Aniqrog'i, "yo'q" so'zidagi "q" tovushi bilan "og'zi" dagi "og`" o'zidan oldingi hijoga birlashib bitta ruknni ya'ni fauvlun

ruknini tashkil etgan”. O’qituvchi o’quvchilarning yo’l qo’ygan xato va kamchiliklari bo’lsa tuzatadi, qo’shimcha izoh kerak bo’lsa beradi. “Moskovchi boy ta’rifida” asarining vaznini o’rgatishga ajratilgan darsni shu tarzda tashkillash o’ylaymizki, o’quvchilarda aruz vazni bo’yicha ko’nikma hosil bo’lishiga to’rtki bo’ladi.

6-- jadval

1.	Hi	ko	yat	qi	lay	tur	fa	dav	ron	e	kan		11
2.	Ha	lo	yiq	ha	ma	mah	vu	hay	ron	e	kan		11
	✔	-	-	✔	-	-	✔	-	-	✔	-		**11**
	fa	**uv**	**lun**	**fa**	**uv**	**lun**	**fa**	**uv**	**lun**	**fa**	**ul**		**11**

O’qituvchi o’quvchilarning vazifani bajarishlariga qarab qo’shimcha topshiriqlar ham berishi ham mumkin.

“Loy” she’ri aruzning ramal bahrida yozilgan. She’rning 1,2,4,5,6,8,9,10,12,13,14-misralari ramali musammani maqsur ruknida hamda 3,7,11-misralari ramali musammani mahzufda yozilgan[4. B-43]. Shoir “Loy” she’rida Qo’qon shahrining ko’chalarini o’sha davrdagi qiyofasini o’quvchi ko’z o’ngida gavdalantiradi. Ularda bugungi Qo’qon bilan Muqimiy she’rida tasvir etilgan shahar ko’chalarini qiyoslash imkoniyatini beradi hamda o’zlari yashab turgan shahardan faxrlanish tuyg’usini shakllantiradi. O’quvchilarga ramal bahrining mahzuf va maqsur ko’rinishlari misollar yordamida tushuntiriladi.

7-- jadval

Ko’	**cha**	**ga**	**chiq**	**moq**	**qa**	**le**	**kin**	**sax**	**t(i)**	**xay**	**ron**	**qil**	**di**	**loy**
Qor	**yo**	**g’ib**	**qay**	**tar**	**ba**	**hor**	**er**	**di**	**zi**	**mis**	**ton**	**qil**	**di**	**loy**
-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	~
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
Bar	fu	bo	ron	us	ti	ga	tin	may	yo	g’ib	bo’l	g’o	ni	**g’a**
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lun**

“Axtaring” radifli g’azalda shoir aruzning ramal bahriga yana murojaat qiladi. She’r ramali musammani maqsur hamda ramali musammani mahzuf vaznida yaratilgan. Bir she’rda mahzuf va maqsur ruknlari birdek qo’llanilaveradi. Keltirilgan misollarning beshinchi misrasi ramali musammani mahzuf ko’rinishiga ega.

8-- jadval

Kim	sa	bil	may	dur	ma	ni	no	m-u	na	sab	qil	sang	hay	ron
Lo	la	yang	lig’	do	g’i	g’am	ga	mub	ta	lo	deb	ax	ta	ring
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
Lay	li	top	g’il	de	sa	lar	Maj	nu	ni	sar	gar	do	ni	ning
Ko’z	la	ri	ning	yo	shi	dur	ran	gi	xi	no	deb	ax	ta	ring
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-

“Aroba” she’ri vazni quyidagicha:

Muzore’ musammani axrabi solim

9-jadval

Bo	zo	r(i)	chiq	may	en	di	zin	hor	a	ro	ba	qur	sin

To	kel	ga	ning	cha	ay	lar	bo	zor	a	ro	ba	qur	sin
-	-	V	-	V	-	-	-	-	V	-	V	-	-
maf	uv	lu//	fo	i	lo	tun//	maf	uv	lu//	fo	i	lo	tun

Bu vazn hazaj bahrining tarmoq ko'rinishi bo'lgan **"mafuvlu"** hamda ramal bahrining solim rukni **"foilotun"** ruknining takroridan hosil bo'lganligi o'qituvchi tomonidan o'quvchilarga yetkaziladi.Muqimiy asarlarining vaznini shu tarzda tashkillash o'ylaymizki, o'quvchilarda aruz vazni bo'yicha dastlab ko'nikma hosil bo'ladi, so'ngra ko'nikmalar malakaga aylanadi. O'quvchilar mustaqil ravishda o'rgangan mumtoz adabiyot namunalarining vaznini topishga odatlanadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik.T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2019. B.57-60.
2. Hojiahmedov A. Furqat aruzi. Furqat ijodiyoti. –T.: Fan, 1990.–B. 83.
3. Hojiahmedov A. Maktabda aruz vaznini o'rganish.-T.: O'qituvchi.-1995.
4. Hojiahmedov A.Maktabda o'rganiladigan mumtoz she'riyatning vazn ko'rsatkichlari.-T.: Sharq.-2001.
5. Karimov Q. Ilk badiiy doston. T.: Fan nashriyoti.-1976.B.20-21.
6. Qodirov V. Umumta'lim maktablarida o'zbek mumtoz adabiyoti namunalarini o'qitishning ilmiy-pedagogik asoslari. Ped.fan. (DSc) dok. diss.avtoreferati.- Namangan.: 2019. -B.17-18
7. Qodirov V.Mumtoz adabiyot: o'qitish muammolari va yechimlar. T.:Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi.-2009.B.86.
8. To'xliyev B. va boshqalar. Adabiyot. II kitob. Akademik litseylar uchun. – T.: BAYOZ, MChJ. 2018-yil.
9. To'xliyev B.Yusuf Xos Hojib va Navoiy. T.:-Matbaa tongi.MCHJ nashriyoti.-2001
10. Zohidova D.Aruz saboqlari.T.:Mumtoz so'z.-2016

TA'LIM TIZIMIDA INNOVATSION USLUBLARDAN FOYDALANISHNING ILMIY AHAMIYATI

Kazakbayeva Saodat Inomjanovna
Namangan muhandislik-texnologiya instituti
"O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi mudiri
Pedagogika fanlari nomzodi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada ta'lim tizimida innovatsion usullardan foydalanishning ilmiy ahamiyati ochib berilgan. Innovatsion metod va usullarning shakllanishi, rivojlanishi atroflicha asoslangan. Innovatsion usul va metodlarning o'zlashtirish ko'rsatgichining yuqorilashidagi ahamiyati muxokama qilingan.*

Kalit so'zlar: *innovatsiya, innovatsion usul, metod, metodologiya, ta'lim, tarbiya, intellektual imkoniyatlar*

НАУЧНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ИННОВАЦИОННЫХ МЕТОДОВ В ОБРАЗОВАТЕЛЬНОЙ СИСТЕМЕ

Казакбаева Саодат Иномжановна
Наманганский инженерно-технологический институт

Заведующий кафедрой “Узбекский язык и литература”
Кандидат педагогических наук

Аннотация: *В данной статье исследуется научная значимость использования инновационных методов в системе образования. Формирование и развитие инновационных методов и приемов вполне обосновано. Обсуждалась важность инновационных методов и приемов в повышении уровня мастерства.*

Ключевые слова: *инновация, инновационный метод, метод, методология, образование, воспитание, интеллектуальный потенциал*

SCIENTIFIC IMPORTANCE OF THE USE OF INNOVATIVE METHODS IN THE EDUCATIONAL SYSTEM

Kazakbayeva Saodat Inomjanovna
Namangan Institute of Engineering and Technology
Head of the department "Uzbek language and literature"
Candidate of Pedagogical Sciences

Annotation: *This article explores the scientific importance of using innovative methods in the education system. The formation and development of innovative methods and techniques are thoroughly justified. The importance of innovative methods and techniques in increasing mastery rates was discussed.*

Keywords: *innovation, innovative method, method, methodology, education, upbringing, intellectual potential*

Jamiyatimizda iqtisodiy-ijtimoiy, siyosiy, madaniy sohalarda bo‘layotgan o‘zgarishlar kelajakda mamlakatimizning intellektual imkoniyatlarini belgilab beruvchi va uni rivojlantirishning asosiy sharti hisoblangan ta’lim tizimiga ham bog‘liq ekanligini xisobga olish kerak. Shu bilan birga intellektual salohiyatning o‘sishi, sifat darajasida rivojlantirish nafaqat ta’lim samaradorligining oshishiga, shu sohadagi tizim takomillashuviga o‘z ta’sirini o‘tkazibgina qolmay, balki mazkur ijtimoiy tizimning barcha sohalarini o‘sishiga ham sezilarli darajada ta’sir etadi. Shuning uchun ham bugungi kunda ta’limdagi strategik yo‘nalishlardan biri ta’lim muassasalarining innovatsion faoliyati asosiy omil sifatida belgilab berilayapti.

Ta’lim tizimini isloh qilishning zarurligini tushunib yetish, amaliyotda ta’lim muassasalarini innovatsion jarayonlarga qo‘shilishini taqozo etmoqda, o‘zini yaratish imkoni mavjud innovatsion maydonda ko‘rish va eng muhimi aniq yangiliklarni o‘zlashtirishdan iborat. Bu holat bugungi kunda o‘ta dolzarbligi bilan muhimdir, chunki, ushbu jarayon (innovatsion jarayon) ta’lim muassasalarini yashash sharti (bevosita va ko‘chma ma’noda ham), kelajak avlodlar va pedagoglar jamoasining aloqalarini ijtimoiy himoyalash sharti bo‘lib ham xizmat qiladi.

Hayot ta’lim muassasalari oldiga yangi, mumkin bo‘lmagandek tuyulgan vazifalarni, ya’ni eskichasiga ishlab turib, aniq yangiliklarni ishlab chiqish va ularni amaliyotga joriy etishni oldimizga qo‘ymoqda. Barcha yangiliklarga o‘ta ehtiyotkorlik bilan yondashadigan, o‘tmish boyliklarga, tajribalarga e’tiqod ruhida tarbiyalangan,

stabillikni yoqtiradigan keksa avlodni, shuningdek hech qanday o‘zgarishlarni xohlamaydigan pedagoglarni ham tushunish mumkin. Bunday holatda “innovatsion jarayonlar orqasidan quvish” bugungi kun hayotimizning ajralmas qismi ekanligini ham tushunish zarur. Xohlaymizmi yoki yo‘q bizning ta’lim muassasalari devorining orqasida bozor va bozor munosabatlari jarayoni ketayapti. Bu jarayon to‘g‘ridan-to‘g‘ri bizga tegishlidir, chunki ta’lim muassasalari o‘rtasidagi raqobat tushunchasi ularni raqobat qobiliyati, ta’lim sifati, ijtimoiy buyurtmalar bularning hammasi turmushimizga kirib kelayapti. To‘g‘rirog‘i, bu jarayon biz yashayotgan muhit, hayot tarzi ekanligini har doim xis etib turishimiz kerak. Bu jarayonga qarshi turish befoyda va havflidir. Biz tanlash imkoniyatiga ega emasmiz va ushbu tezkor jarayon (quvish jarayoni) da ishtirok etishga majburmiz. Mazkur jarayonda eng muhimi aql bilan, foydali tarzda, o‘z tashkilotimiz uchun ishtirok etishdan iborat.

Ko‘pchilik mutaxassislar fikricha, o‘zgarishlarga qobiliyat, bugungi kunda rivojlanishning hal qiluvchi omili, u yoki bu ta’lim muassasalarining raqobat qobiliyatini ta’minlovchi asosiy omil deb hisoblaydilar. Bugungi kunda maktab va oliy ta’lim tizimidagi an’anaviy va ommaviy ko‘rinishdagi ta’lim va tarbiya jarayonlari o‘rniga ta’lim muassasalari rivojlanishida o‘ziga xos yangilik bo‘lib innovatsion jarayonlar kirib kelmoqda. Innovatsiya yangilik kiritish, yangilik degan ma’noni anglatadi. “Innovatsion ta’lim” deganda odatda o‘quv jarayoniga yangi (foydali) elementlar olib kirish tushuniladi. Shuning uchun ta’lim tizimida innovatsiya o‘zgartirish bilan bevosita bog‘liq. Bunday o‘zgartirishlar ta’lim tizimining: maqsadiga, mazmuniga, metod, texnologiyasiga, tashkil etish shakli va boshqaruv tizimiga; pedagogik faoliyatdagi o‘ziga xoslik va o‘quv-bilish jarayonini tashkil etishga; ta’lim darajalarini nazorat qilish va baholash tizimiga; o‘quv-metodik ta’minotiga; tarbiyaviy ishlar tizimiga; o‘quv reja va o‘quv dasturlariga; o‘quvchi va o‘qituvchi faoliyatiga bog‘liq.

Yangilik tarixiy aspektda nisbiylik ahamiyat kasb etadi. Yangilik aniq tarixiy xarakterga ega, ya’ni o‘z vaqtidan oldin paydo bo‘lishi mumkin, o‘z vaqtida me’yor bo‘lishi yoki eskirishi ham mumkin. Maktab yoki oliy tizimning rivojlanish jarayonida, ehtimol ta’lim tizimi butunicha: absolyut yangiligi (o‘xshashi, prototipning yo‘qligi); nisbatan yangiligi; o‘ziga xos, ixtirochiligi ko‘rinishidagilar hisobga olinadi. Yangilik xillari (tiplar) maktab va oliy tizimda turlicha asoslarga ko‘ra guruhlanadi: Birinchi klassifikatsiya (guruh) yangiliklarni kiritish, maktab va oliy tizimda sodir bo‘ladigan pedagogik jarayonga aloqadorligi bilan asoslanadi. Ushbu jarayonni tushunishga tayanib, quyidagi ko‘rinishdagi yangilik xillarini ajratish mumkin: ta’lim maqsadi va mazmuniga; pedagogik jarayon metodikasi, vazifalari, usullari, texnologiyalarga; ta’lim va tarbiyani tashkil etish shakllari va vositalari; rahbariyat, pedagog va o‘quvchilar faoliyatiga.

Ta’lim tizimiga ikkinchi klassifikatsiya (guruh) yangilikni kiritish masshtabi (hajmi) belgisiga asoslanadi. Bu yerda quyidagi o‘zgarishlarni ajratish mumkin: - bir-birlari bilan bog‘liq bo‘lmagan lokal va alohida (bir tomonlamalilik); - kompleks, o‘zaro bir-biri bilan bog‘liq; - butun maktab va oliy tizimni qamrab oluvchi, tizimli.

Uchinchi klassifikatsiya (guruh) innovatsion imkoniyatlarga qarab amalga oshiriladi. Bu holatda e’tiborga olinadi: ta’lim dasturlari, o‘quv rejalar, tuzilmalarni takomillashtirish, ixtirochilik, ko‘rinishlarni o‘zgartirish bilan bog‘liq ma’lum va qabul

qilinganlarni modifikatsiyalash; kombinatorlikka (o‘zgartirishlar) xos yangilik kiritish; radikal o‘zgartirishlar.

Yangilik kiritishning to‘rtinchi klassifikatsiyasi (guruh) oldingilariga nisbatan belgilariga asoslanib, guruhlanadi. Bunday yondashuvda yangilik o‘rin almashuvchi, bekor qilinuvchi yoki ochib beruvchilarga qarab belgilanadi. Bu holatda maktab va oliy tizimda yangilanish manbai sifatida: mamlakat, region, shahar, tumanning ehtiyoji sifatidagi ijtimoiy buyurtmasi; ijtimoiy buyurtmani region va viloyat ahamiyatiga molik qonun va hujjatlarda aks etishi; inson to‘g‘risidagi kompleks fanga erishish, ilg‘or pedagogik tajriba; xato va kamchiliklarni sinashda rahbar va pedagoglarning intuitsiyasi va ijodkorligi; tajrib-sinov ishlari; chet el tajribalari.

Mamlakatimizda rivojlanib borayotgan innovatsion siyosat ta’lim oldiga muhim va mas’uliyatli vazifalarni qo‘ymoqda. 2006 yil iyul oyida Sankt-Peterburg shahrida “Sakkizlik guruhi” tomonidan Sammitda qabul qilingan “XXI asrda innovatsion jamiyat uchun ta’lim” to‘g‘risidagi hujjat g‘oyalarini yiriklashtirishni hisobga olishni va muammoning yechimini talab etadi. Fanni va innovatsiyani kelajakda rivojlantirish strategiyasida “innovatsion insonni” yaratish, ya’ni ishlashidan qat’iy nazar u innovatsiya va yangi bilimlarga moyil bo‘lishi kerak. Bugungi kunda zamonaviy innovatsion yaroqlilik yuzaga kelmoqda. Hozirgi milliy loyihalar saytida “innovatsion ta’lim” iborasi paydo bo‘lmoqda va unda aytilishicha innovatsion ta’lim o‘qitishni yangi bilimlarni yaratish jarayonida amalga oshirishni taqozo etmoqda. Bu esa bugungi kunda mavjud “Innovatsion ta’lim texnologiyalari” tushunchasi bilan yangi “innovatsion ta’lim” tushunchalarini bir-biridan ajratishni talab etmoqda.

Ta’lim sohasi – mamlakatimizda birinchilardan bo‘lib faol innovatsion harakatni boshladi. Ma’lum bosqichda XX asr oxirlarida bunday harakatlar yo‘lga qo‘yilgan edi. Masalan, A.G.Rivin va V.K.Dyachenko tomonidan o‘qitishni jamoaviy o‘qitish, D.B.Elkonin, V.V.Davыdov, L.V.Zankovlar tomonidan ilgari surilgan rivojlantiruvchi innovatsion ta’lim to‘g‘risidagi qarashlar o‘z vaqtida ma’lum ahamiyat kasb etdi. Shu bilan birga boshqa innovatsion ta’lim texnologiyalari: dialektik o‘qitish usullari (A.I.Goncharuk, V.L.Zarina), o‘qitishning individual yo‘nalishli usuli (A.A.Yarulov), “Ekologiya va dialektika” (L.V.Tarasov), evristik o‘qitish (A.V.Xutorskoy) dialog madaniyati (V.S.Bibler, S.Yu.Kurganov), loyihali o‘z-o‘zini refleksiya (G.P.Shedrovitskaya) va b.q.larni keltirish mumkin.

Yuqoridagi keltirilgan texnologiyalar o‘qitishda o‘zlashtirishni yuqori ko‘tarish, o‘quv jarayonida qiziqtirishni, o‘quv materialini tushunishni yaxshilashni, funksional savodxonlikni shakllantirishni, loyihali savodxonlikni, nazariy tafakkurni, ekologik va iqtisodiy tafakkurni, kommunikativlikni, ijtimoiy faollikni, fuqarolik ongini, o‘z-o‘zini anglash va boshqa vazifalarni hal etishga yo‘naltirilgan edi. Hozirda boshqa faoliyat sohalari, jumladan, ishlab chiqarish rivojlanishining innovatsion yo‘liga o‘tgach, ta’lim sohasi ularga faqat yetakchilarni tayyorlash funksiyasini bajardi. Lekin aslida esa boshqacha ko‘rinish ko‘zga tashlanadi. Ilgari jamiyat uchun uncha ko‘p bo‘lmagan va mustaqil shakllangan innovatorlar yetarli edi. Yuqorida sanab o‘tilgan ta’lim texnologiyalari uchun innovatorlar faqat pedagoglar edi va ularning innovatsiyalari o‘quvchilarda zaruriy sifatlarni shakllanishiga yo‘naltirilgan bo‘lib, innovatsion tafakkur va qobiliyatni innovatsion faoliyatiga yo‘naltirishga e’tibor qaratilmagan.

Bildirilgan fikrlar “innovatsion ta’lim texnologiyalari” va “innovatsion ta’lim” tushunchalarini quyidagi tarzda ajratib, alohida qarab chiqishni talab etadi: innovatsion ta’lim texnologiyalari va dasturlari – bu barcha ta’lim texnologiyalari, yaratuvchi va ularni rivojlantiruvchi pedagog innovatsion faoliyatining natijasi hisoblanadi Innovatsion ta’lim – bu shunday innovatsion ta’lim texnologiyalari va dasturlariki, unda pedagog innovsion faoliyati natijasi bo‘lib, o‘qitilayotganlar innovatsion g‘oyalarini yaratuvchisi (generatsiya) xisoblanadi; ishlab chiqarishning monoinnovatsionligi (mutaxassislar innovatsiyasi) ta’limning monoinnovatsion - (pedagog innovatsiyasi) emasligiga to‘g‘ri keladi, uning innovatsiyaligi, pedagog innovatsiyaligi, ularning oqibati, o‘qitilayotganlarning innovatsiyasidir.

Bu o‘rinda masalaning dolzarbligi mavjud “mono”innovatsion ta’lim texnologiyalarini “bi”-innovatsion xolatigacha rivojlantirishdan iborat. Bular bir qator chet el o‘quvchilari misolida ular tomonidan yaratilgan tajribalar, ixtirolar misolida o‘z amaliy isboti bilan tasdiqlangan. Bu o‘rinda zamonaviy fan yutuqlari asosida kuchli, talantli tafakkur orqali amalga oshirilishini, ya’ni ixtiroli masalalarni hal etish nazariyasi IMEN yo‘li bilan hal etish mumkinligi isbotlangan. Bir qator rivojlangan mamlakatlar ilmiy labaratoriyalarida (IMEN) IMEN pedagogikaga “bilimlarni ixtiro qilish” deb nomlangan yangi metod yaratildi. IMEN ning integratsiya asoslari eng ko‘p tarqalgan barcha innovatsion pedagogik texnologiyalar bilan birgalikda ishlab chiqildi. Buning qo‘shimcha samarasi – turli pedagogik texnologiyalarni amaliy dialektika tilida yozib chiqish imkonini beradi. Dunyodagi global o‘zgarishlar jarayoni, mamlakatimizdagi iqtisodiy va ijtimoiy–madaniy sohalardagi o‘zgarishlar, ta’lim tizimida tayyorlanayotgan mutaxassislarga jiddiy e’tibor qaratishni taqozo etadi.

Pedagogik ta’lim sohasida 80-90 yillarda kadrlarni tayyorlash, qayta tayyorlash va malaka oshirish tizimi yagona va yaxlit tizim sifatida innovatsion xarakter kasb etib, quyidagi jarayonlarga e’tiborni qaratganini ko‘ramiz: ta’lim alohidaligi (detsentralizatsiya) ma’lum regionlarda ushbu sohani mustaqil rivojlantirish va ma’lum mutaxassislarga “buyurtma portfeli” ni shakllantirish imkonini berdi; oliy o‘quv yurtlarini demokratlashtirish, pedagogik jarayonni tashkil etishning shakl, vosita va shartlarini belgilashda mustaqillikni ta’minlovchi imkoniyatni berdi; umumta’lim muassasalarini tiplariga muvofiq tarzda pedagog uchun o‘zining pedagogik faoliyatini loyihalash va o‘quvchilarni rivojlantirish vositasi sifatida o‘zi o‘qitadigan o‘quv fanidan foydalanishda erkinlik berish va bu borada umumta’lim maktablarining ehtiyojini xisobga olish uchun imkoniyatlar berdi; olinayotgan pedagogik ta’lim mazmuni va darajasini tanlash imkonini o‘z ichiga oluvchi individual ta’lim dasturlarini ishlab chiqishga mo‘ljallangan o‘quvchining shaxsiy qiziqishlarini qoniqtirish zaruratini ko‘zda tutadi; uning turli darajadagi imkoniyatlar asosida qisqa muddat ichida professional ta’lim beruvchi mutaxassislarni tayyorlash imkonini beradi.

Yuqorida aytib o‘tilgan jarayonlar ma’lum davrlarda kuchli ta’sir etilgan bo‘lsada, bu o‘rinda an’anaviy tarzda kadrlar tayyorlashga nisbatan innovatsion jarayonlar o‘rtasida ma’lum dialektik o‘zaro bog‘liqlik mavjudligini e’tirof etgan holda, an’anaviy va innovatsion ta’limning har birini o‘ziga xos jihatlariga e’tiborni qaratmasdan bo‘lmaydi.

An’anaviy pedagogik ta’lim mazmuni va tashkil etishi jixatidan aniq o‘quv fani bo‘yicha mutaxassis o‘qituvchilarni tayyorlashga qaratilgan. Kasbiy-pedagogik

tayyorgarlikdagi an'anaviy tizimda, faoliyatli yondashuv asosida o'quv-tarbiyaviy jarayon yotadi va bu jarayonda ishtirokchilar o'rtasidagi munosabatlar sub'ekt-ob'ekt tarzida yo'lga qo'yilgan. Bu yerda sub'ekt-o'qituvchi ma'lum chegaralangan sharoitda bo'lib, uning faoliyatini o'quv reja va o'quv dasturi boshqaradi va hamda munosabatlar qat'iy belgilab qo'yilgan. Ob'ekt-talaba ma'lum darajadagi bilim hajmi bilan chegaralangan. An'anaviy ta'lim mazmun jihatidan o'zaro bog'liq avtonom faoliyat bilan belgilangan: o'qituvchini o'qitish faoliyati va talabani o'quv bilish faoliyati; o'qiyotgan talaba o'qituvchi rejasining ijrochisi va boshqaruv ob'ekti bo'lib faoliyat ko'rsatadi. An'anaviylikdagi o'quv jarayonida o'zaro faoliyat taqlid qilish, imitatsiya, namuna bo'yicha faoliyat ko'rsatish, ijtimoiy va shaxslararo o'zaro ta'sirning bir xildaligi, tashqi nazorat va natijani baholash, bularning barchasi bilish motivlarini qisqartirish, bilish motivlarini kengayishiga imkon bermaydi. So'ngi yillar davomida nazariya va amaliyotda pedagogik ta'limga yangicha yondashuvlar ishlab chiqildi. Amaliy jarayonlar "yuqoridan" va "quyidan" boshlandi. "Yuqoridan" harakat oliy ta'limga yangi o'quv rejalarini joriy qilinishi bilan boshlanadi. Yangi o'quv rejalariga ko'ra oliy ta'lim o'quv fanlarini kurslar bo'yicha mustaqil o'tish imkoniyatiga ega bo'ldi. Bunday "demokratik erkinlik" kafedralar va fakultetlar tomonidan o'zgacha ijodkorlik bilan qabul qilindi va bu "quyidan" bo'layotgan o'zgarishlar ko'plab "pedagog-novator"lar harakatini yuzaga keltirdi.

Innovatsion harakatlarni bir nechta jumladan, tashkiliy, mazmunli, metodik ko'rsatkichlari yuzaga keldi va amaliyotga joriy qilindi. Ushbu xolatlar ko'plab pedagogika va psixologiya kefedralar yig'ilishlarining asosiy masalasi sifatida muhokamaga qo'yildi hamda davlat o'quv rejasi, dasturlari asosida har bir oliy o'quv yurti o'zlarining ishchi o'quv reja va ishchi o'quv dasturlarini ishlab chiqishga kirishildi. Bu esa joylarda har bir fan o'qitilishining innovatsion texnologiyalarini joriy etish va qo'llash uchun imkoniyatlarni berdi. Mazkur o'zgarishlar respublikadagi barcha oliy o'quv yurtlari o'quv rejalariga pedagogik-psixologik fanlar hajmini 20-25% gacha ortishiga sababchi bo'ldi.

Адабиётлар рўйхати:

1. To'raqulov X.A. Ilmiy ijodiyot metodologiyasi. T-2006y.
2. Farberman B.L., Musina R.G., Jumaboeva F.A. Oliy o'quv yurtlarida o'qitishning zamonaviy usullari. T., 2002 yil.
3. Мировые образовательные технологии: основные тенденции, проблемы адаптации и эффективность. Материалы республиканской научно- методической конференции, 25-26 апреля, Алматы.
4. Шермухамедова, Н. А. (2019). ИННОВАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ, КУЛЬТУРЫ И НАУКИ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. In ДИАЛОГ КУЛЬТУР И ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ ЭПОХИ (pp. 459-464).
5. Shermuhamedova, N. A. (2018, July). Interrelation and Interdependence of Classic and Non-classic Epistemology. In Proceedings of the XXIII World Congress of Philosophy (Vol. 75, pp. 203-207).
6. Шермухамедова, Н. А. (2015). Педагогическая деятельность в фомировании поликультурного мировоззрения. In Диалог культур: социальные, политические и ценностные аспекты (pp. 594-596).

7. Шермухамедова Н. А. ИНСТИТУТ ПРЕЗИДЕНТСТВА: ОПЫТ УЗБЕКИСТАНА И СОТРУДНИЧЕСТВО С КАЗАХСТАНОМ //П26 Первый Президент Республики Казахстан–Елбасы: стратегия государственного управления и феномен лидерства: сборник. – 2018. – С. 38.
8.

MAKTAB FIZIKA DARSLARIDA NOSTANDART MASALALAR YECHISH METODIKASI

Raimov G`ayrat Fayzullayevich
Termiz Davlat Universiteti fizika kafedrasi katta o`qituvchisi

Annotasiya: *Maqolada o`quvchilarning fizika fani bo`yicha nostandart masalalarni yechish yuzasidan atroflicha tadqiq qilingan. Nostandart masalani yechish uchun,o`quvchining masala yechishdagi malakasini shakllantirish nazarda tutilgan bo`lsa, ikkinchi tomondan nostandart masalani yechishga tayyorlash metodikasi o`rganilgan.*

Kalit so`zlar: *Nostandart masala, fizikada nostandart masala shakllantirish, didaktika, bilim berish, zamonaviy pedagogika va innovasion texnologiya.*

Farzandlarimizni mustaqil fikrli, zamonaviy bilim va kasb-hunarlarni egallagan, sog'lom hayotiy pozitsiyaga ega chinakam vatanparvar insonlar sifatida tarbiyalash biz uchun hech qachon o'zining dolzarbligini yo'qotmaydigan masala hisoblanadi. Ushbu maqola o`quvchilarda, asosan, yechim algoritmi noaniq bo'lgan nostandart masalalarni yechishdagi qiyinchiliklarni birmuncha bartaraf etishga yordam beradi.

O 'quv jarayonlarini loyihalashtirishda ta'lim mazmunini, ta'lim maqsadi, kutilayotgan natijani to'g'ri belgilash, ta'lim metodlari, shakllari va vositalarini to'g'ri tanlash, o'quvchilarning bilim, ko'nikma va malakalarini baholashni aniq mezonlarini oldindan ishlab chiqish, mashg'ulotga ajratilgan vaqt ichida ularni to'g'ri amalga oshirish va bir-biri bilan uyg'unlashuviga e'tiborni qaratish maqsadga muvofiqdir. Bolalarda, asosan, yechim algoritmi noaniq bo'lgan nostandart masalalar birmuncha qiyinchilik tug'diradi. Umuman alohida olingan har qanday masala nostandart bo'lishi mumkin. Uning yoniga shunga o'xshash bir nechta masalalarni keltirsa, u standart bo'lib qoladi.

Nostandart masalalarning xususiyati - ularning yechimini topish har doimgidek ma'lum algoritmdan iborat bo'lmasligida. Bu izlanish o'quvchilardan bir xil masalalar ustida ishlashdan ko'ra ko'proq masalalar yechishning umumiy malakalarini shakllantirishga yo'naltirilgan faol harakatni amalga oshirishlarini talab qiladi. Nostandart masalalarni yechish o'quvchilarga taqqoslash, kuzatishga doir tajribalarni to'plashga, murakkab bo'lmagan matematik qonuniyatlarni aniqlashga, isbot talab etadigan farazlarni o'rtaga tashlashga imkon beradi. Shu munosabat bilan o'quvchilarda deduktiv mulohaza yuritishga ehtiyoj tug'ilishi uchun sharoit yaratadi. Bunday masalalar o'qituvchiga o'quvchilarda mehnatsevarlik, maqsadga erishishda tirishqoqliq kabi shaxsiy axloqiy xislatlarni
tarbiyalashga yordam beradi. Shu bilan birga masalaga qiziqish, masalani yechishga bo'lgan hohish, masalaning yechimini topishga ishonch kabi xislatlarni tarkib toptiradi. Nostandart masalalarni yechish uchun, bir tomondan, o'quvchilarda masalalarni

yechishning umumiy malakalarini shakllantirish, boshqa tomondan esa ularni maxsus usullar bilan tanishtirish zarur

Maktab o`quvchilar o‘quv jarayonida fizik hodisa, jarayonlarni va ulardagi qonun va qonuniyatlarni o‘rganish bilan birga, olingan nazariy bilimlarni amalda qo‘llay bilish, nazariyani amalda sinab ko‘rish maqsadida ma‘lum qonunlar va formulalarga bog‘liq bo‘lgan fizik masalalarni yechishga o‘rganib, ko‘nikma va malakalar hosil qilishlari va ularni rivojlantirib bormoqlari zarur.

Nostandart masalalar yechish malakasini shakllantirish darsning didaktik tuzilmasini o‘rganilgan material bo‘yicha bilimlarni takrorlash va baholashni, yangi malakalarni shakllantirishni va mavjudllarini rivojlantirishni, bilim va malakalarni yangi sharoitda zamonaviy pedagogik va innovatsion texnologiyalar asosida tashkil qilishnini o‘z ichiga oladi.

O`quvchini umumiy fizikadan nostandart masalalar ishlashga o‘rgatish, o‘qitishning eng murakkab muammolaridan biridir. Masala ishlashning samarali bo‘lishi, o‘qituvchining qo‘llagan metodikasi va o’quvchilarni masala ishlashning umumlashtirilgan metodlarini o‘zlashtirganligiga bog‘liq bo‘ladi [1].

Nostandart masalalar yechish darslarini tashkil qilishda har –bir dars uchun OO‘MTVning me‘yoriy talablari asosida dars ishlanmasi tayyorlanishi zarur bo‘ladi. Dars ishlanmasida amaliy mashg‘ulotining (o‘qitish texnologiyasi, texnologik xaritasi) mavzu bo‘yicha qisqacha nazariy qisim, mashg‘ulotining rejasi, maqsadi, tezkor savollar o’quvchilarning umumiy bilim saviyasini aniqlab olish maqsadida, mavzularning mazmuniga mos holda masalalar tuzishdan iboratdir.

O‘quvchilar o‘quv jarayonida fizik hodisa, jarayonlarni va ulardagi qonun va qonuniyatlarni o‘rganish bilan birga, olingan nazariy bilimlarni amalda qo‘llay bilish, nazariyani amalda sinab ko‘rish maqsadida ma‘lum qonunlar va formulalarga bog‘liq bo‘lgan fizik nostandart masalalarni yechishga o‘rganib, ko‘nikma va malakalar hosil qilishlari va ularni rivojlantirib bormoqlari zarur.

Darsning asosiy qismi yangi ko‘nikma va malakalarni shakllantirishga qaratiladi. Bu jarayon ko‘proq amaliy xarakterdagi yangi bilimlarni olish bilan uzviy bog‘liq bo‘ladi.

Nostandart masalalar yechish malakasini shakllantirish darsning didaktik tuzilmasini o‘rganilgan material bo‘yicha bilimlarni takrorlash va baholashni, yangi malakalarni shakllantirishni va mavjudligini rivojlantirishni, bilim va malakalarni yangi sharoitda qo‘llashni, uy vazifasini o‘z ichiga oladi. Fizikadan masalalar yechish darsi tuzilmasini quyidagicha havola etib kelingan[2]:

1. Ishning maqsadini aniqlash.
2. Ishni bajarish tartibini nazariy asoslash.
3. Ishni bajarish namunasi (o‘qituvchi tomonidan mazmuni mos masalani namuna sifatida yechib ko‘rsatish).
4. O‘quvchining mashqlari (mustaqil masala yechish)
5. Xulosa chiqarish va yakunlovchi suhbat.
6. Uyga vazifa berish.

Masala yechish darsi mazmunining o‘ziga xos hususuyati nazariy bilishning ikkita yakunlovchi bosqichi: nazariy natijalarni keltirib chiqarishga va nazariy xulosalarni amaliy qo‘llashga mos keladi.

Dars boshlanishidagi takrorlash nazariyaga kiruvchi muhim elementlarni: faktlarni, modellarni, fizik kattaliklarni, qonunlarni aniqlab olish bilan bog‘liq bo‘lgan takrorlash jarayonining ikkinchi bosqichida tegishli nazariy bilimlarni dolzarbligini oshiradi va keyingi bosqichlarga (nazariy natijalar va amaliy qo‘llashlar, tajriba) ularni yana rivojlantirish uchun sharoit yaratadi. Shuni takidlab o‘tish lozimki, o‘qituvch qo‘lida mazkur darsning reja - konspekti bo‘lishi shart, unda mazkur dars rejasi, blits so‘rov savollari, echiladigan masalalarning echimlari va natijaviy xulosalar bo‘lishi shart bo‘lib, masala yechish darsining asosiy uslubini belgilaydi.

Ilm va texnikaning yutuqlari, vatanimiz olimlarining ilmiy kashfiyotlari, ilg‘or g‘oyalari va ilmiy qarashlari bilan o‘quvchilarni tanishtirishda, masala ishlash muhim tarbiyaviy ahamiyatga ega. Masala ishlashning tarbiyaviy jihati shundaki, u o‘quvchilarni mehnat qilishni sevishga, irodali bo‘lishga, maqsadga intilishga tirishqoqlik bilan kelajakda yosh avlodni o‘qitish uchun o‘zlarining metodik tayyorgarligini yetarli darajada bo‘lishini ta‘minlashdan iborat.

Umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida fizikani o‘qitishda har bir mavzu nazariy tushuntirilgan so‘ng, o‘quvchilarga mavzuni mustahkamlash sifatida turli xildagi va shakldagi topshiriqlarni bajartirish orqali amaliy tatbiqini ko‘rish, o‘quvchilarning o‘tilgan mavzu mazmun-mohiyatini chuqurroq tushunishlariga olib keladi. Bunda o‘qituvchining topshiriqlarlarni tuzishga kreativ yondoshuvi, topshiriqlarni nostandart va turli shaklda bo‘lishi, o‘quvchilarning darsga qiziqishlarini va faolliklarini ortishiga zamin yaratadi. Yuqoridagi fikrlarni umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida fizikani o‘qitishda qanday amalga oshirish mumkinligini misollarda ko‘rib chiqaylik.

Ma‘lumki, fizikaning —mexanik bo‘limi umumiy o‘rta ta‘lim maktablarida 7-sinfda va unga tegishli ba‘zi mavzular esa 10-sinfda o‘qitiladi. Quyidagi 1-topshiriq sifatida berilgan masaladan 10-sinfda —mexanikaga tegishli bo‘lgan mavzular o‘tilganidan so‘ng takrorlash sifatida foydalanish mumkin.

O‘quvchilar bilimini oshirishda amaliy mashg‘ulotlarning o‘rni juda katta hisoblanadi ya‘ni amaliy mashg‘ulot davomida yangi mavzuga oid bilimlarini mustahkamlaydi va amalda qanday jarayon kechayotganiga ishonch hosil qiladi.
Pedagogik texnologiyalarning asosiy vazifasi o‘quvchilarni bilim darajasini oshirishga qaratilgan.

Fizik masalalarning aniq yechimini topishda tasavvur va qonunlar uzviyligini to`g`ri aniqlash va tadbiq qilish muhim amaliy ahamiyatga ega. Bizga ma‘lumki, fizikaga doir ko`pchilik masalalar bevosita usuli bilan, ya‘ni izlanayotgan kattaliklar bir nechta formulalar yordamida aniqlanadi va keyinchalik hisoblanadi. Shu bilan birgalikda, agar aniqlanadigan kattaliklar o`zaro bog`langan bo`lsa, ularni topish uchun tenglamalar sistemasi tuziladi va ular birgalikda yechilib, noaniq kattaliklar qiymatlari topiladi. Ammo, fizikada shunday nostandart masalalar mavjudki, ular faqat bilvosita usuli bilan, ya‘ni aniqlanadigan kattaliklar o`zaro bog`lanmagan bo`lib, ularni topish uchun tenglamalar sistemasi bog`lanmagan holda tuziladi va ular keyinchalik birgalikda yechilib, qidirilayotgan kattalik qiymati topiladi.

Masalaning shartini diqqat bilan o‘qib chiqish, asosiy savolni aniqlash, masalada berilgan jarayonlar va hodisalarni tasavvur qilish.

1. Masalaning shartini takroran o‘qib chiqish tufayli, undagi asosiy savol, ishlashning maqsadi, ishlashga kerakli ma‘lumotlarning berilganligi yana bir bor aniqlanadi.
2. Qabul qilingan belgilashlardan foydalanib, masala shartini SI sistemasida yozish.
3. Masalaga taalluqli zarur chizmalarni chizish.
4. Masalani yechish usulini aniqlash va uni ishlash rejasini tuzish.
5. Masalaning shartidagi jarayonlarga tegishli asosiy va qo‘shimcha formulalarni yozish.
6. Izlanayotgan kattalikni ma‘lum kattaliklar orqali ifodalab, tenglamani umumiy holda topish.
7. Topilgan tenglamaga kattaliklarning o‘lchov birliklarini qo‘yish orqali tekshirib ko‘rish.
8. Formulaga, berilgan kattaliklarning son qiymatini qo‘yib, hisoblashni bajarish.
9. Olingan natijani haqiqatga to‘g‘ri kelishini tekshirib ko‘rish.
10. Masalani ishlash tufayli topilgan javobni yozish.

Adabiyotlar.

1. M. Djoraev. Fizika o‘qitish metodikasi. Toshkent.TDPU. 2013. B. 255.
2. L. V. Golish, D. M. Fayzullaeva Pedagogik texnologiyalarni loyihalashtirish va rejalashtirish. *Innovatsion ta`lim texnologiyalar markazi.* Toshkent. TDIU. 2010 y. 122 bet.
3. B.Xodiev, L.V.Golish. Mustaqil o‘quv faoliyatini tashkil etish usullari. *Innovatsion ta`lim texnologiyalar markazi.*Toshkent. TDIU.2010. 80 bet.

MODULLI O’QITISH TEXNOLOGIYASINING AN’ANAVIY O’QITISHDAN FARQLI XUSUSIYATLARI.

Djumanqulov Azamat Abdurahimovich
Mirzo Ulug’bek nomidagi O’zbekiston Milliy universiteti,
Pedagogika va umumiy psihologiya kafedrasi doktoranti,
tel: +998 97 753-33-42
mail: azamat.jumanqulov@mail.ru

Rezume. *Ushbu maqolada oliy ta’lim muassasalarida o‘qitish sifatini xorijiy tajribalar asosida monitoring qilish va ta’limga doir davlat siyosati xususida fikr yuritiladi.*

Tayanch so‘zlar: *oliy ta’lim tizimi, milliy dastur, milliy ta`lim-tarbiya, kredit-modul tizimi, an’anaviy o’qitish, harakatlar strategiyasi, ta’lim sifati.*

THE DIFFERENCE MODULAR TEACHING TECHNOLOGY AND TRADIONAL TEACHING

Djumanqulov Azamat Abdurahimovich
Doctoral student of the Department of Pedagogy and
General Psychology, National University of Uzbekistan
mail: azamat.jumanqulov@mail.ru

Abstract. *This article says about displaying and educating country policy in high educational instititions.*

Key words: *high education system, national program, national education, credit-modul system, traditional teaching, strategy of movements, quality of education.*

ОСОБЕННОСТИ МОДУЛЬНОГО ОБУЧЕНИЯ ТЕХНОЛОГИИ И ТРАДИЦИОННОГО ОБУЧЕНИЯ

Djumanqulov Azamat Abdurahimovich
Докторант кафедры педагогики и общей психологии
Натционального университета Узбекистана
mail: azamat.jumanqulov@mail.ru

Резюме. *В данной статье рассматривается мониторинг качества обучения в высших учебных заведениях на основе зарубежного опыта и государственной политики в сфере образования.*

Ключевые слова: *система высшего образования, национальная программа, национальное образование, кредитно-модульная система, традиционное образование, стратегия действий, качество образования.*

XXI asrga kelib ta'lim-tarbiya jahon miqyosida barqaror taraqqiyotni ta'minlaydigan asosiy omil ekanligi barchaga ayon bo'lmoqda. Shu sabab, aksariyat mamlakatlar 2030-yilgacha belgilangan yangi ta'lim konsepsiyasida sifatli ta'lim olishga dolzarb vazifa sifatida qarashmoqda. Jumladan, istiqlolga erishgach mamlakatimiz ham bosqichma-bosqich ta'limga doir islohatlarga qo'l urmoqda. Milliy dasturga monand, barcha fan sohalari jahon tajribalari asosida takomillashtirilmoqda, kadrlar tayyorlash sohasidagi hamkorlikning xalqaro huquqiy bazasi yaratilmoqda, xalqaro hamkorlikning ustuvor yo'nalishlari rivojlantirilib, xorijiy ta'lim tizimlari o'rganilmoqda.

Respublikamizda amalga oshirilayotgan uzluksiz ta`lim tizimiga oid islohotlar milliy ta`lim-tarbiya tizimini takomillashtirishga, zamon talablari bilan uyg'unlashtirishga, jahon andozalariga mos "milliy model"ni hayotga tadbiq qilishga, ma`naviyatimizni yanada yuksaltirishga qaratilgan.

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 2017-yil 7-fevraldagi "O'zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo'yicha Harakatlar strategiyasi to'g'risidagi" PF-4947-sonli farmoni bilan tasdiqlangan "2017-2021-yillarda O'zbekiston Respublikasini rivojlantirishning beshta ustuvor yo'nalishi bo'yicha Xarakatlar strategiyasi" doirasida O'zbekistonda ta'lim sifatini baholashda yangicha monitoring tizimini xalqaro baholash dasturlari yordamida aniqlash va qiyoslashga asoslangan tizim shakllantirilmoqda.

O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasida ham oliy ta'lim muassasalarida o'quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o'tkazish ko'zda tutilgan.

Modulli o'qitish-zamonaviy ta'limda o'qitishning samarali tizimlaridan hisoblanib, u ijodiy qobiliyatlarni rivojlantirishga yahshi ta'sir qiladi.

1982-yil YuNESKOning anjumandagi ma'ruzasida modulga "mashqlarni xususiy tezlikda diqqat bilan tanishish va ketma-ket o'rganish orqali individual yoki guruh mashg'ulotlarida bir yoki bir necha malakaga ega bo'lish uchun mo'ljallangan alohida o'rgatuvchi paket(to'plam)" deb ta'rif berilgan edi.[28]

Modulli o'qitish texnologiyasiga asoslangan o'qitishning xususiyatlari:

[28] Sharopova Z.F. Ta' lim texnologiyalari. Toshkent, 2019

- Fikrlash va amaliy faoliyat orqali tahsil olishda faol ishtirok etishni rag‘batlantirish;
- Ikki tomonlama muloqot;
- Tahlil qilish orqali ma’lumotni eslab qolish;
- Bilim va ko‘nikmalarni namoyish etish;
- Mazmunni tushunish va hayotga bog‘lash.

An’anaviy o‘qitish texnologiyasiga asoslangan o’qitishning xususiyatlari:
-Bir tomonlama muloqot (darslik-o‘qituvchi-o‘quvchi);
- Axborot olish;
- Xotirada saqlash;
- Ma’nosini tushunmagan holda mexanik tarzda yodlash.

Modulli o’qitishda quyidagi yutuqlarga erishish mumkin:
-O’qitishning uzluksizligini ta’minlash;
-O’qitishning individualllashtirish;
-O’quv materialini mustaqil o’zlashtirish uchun etarli sharoit yaratish;
-O’qitishni jadallashtirish;
-Fanni samarali o’zlashtirishga erishish.

Inson bosh miyasi to’qimasi, qariyib 15 mlrd. neyronlardan (nerv xujayralari) yoki apparatli modullardan iborat. To’qima xujayralari bir-biri bilan ko’p sonli to’qnashuvlarda bo’lishadi. Bir xujayra va uning o’simtasini boshqa xujayra va uning o’simtasi bilan to’qnashuvlari soni 6 mingtagacha yetib boradi. Demak, bosh miya to’qimasidagi to’qnashuvlar (kontaktlar) soni astronomik sonni (1’000000000x6000) tashkil etadi. SHu nuqtai nazardan, modul o’quv jarayonining bir hujayrasi sifatida qaraladi. Bu xujayra bir vaqtning o’zida axboriy umumiylikka o’ziga xos yaxlitlik va tizimlilikka ega bo’lgan elementlardan tashkil topgan bo’ladi.[29]

Oxirgi yillarda davlatimiz rahbari Sh.M.Mirziyoyev tomonidan ta’lim sifatini oshirishga qaratilgan qator islohatlar jadallik bilan amalga oshirilmoqda.

“O‘zbekiston Respublikasi oliy ta’lim tizimini 2030-yilgacha rivojlantirish konsepsiyasini tasdiqlash to‘g‘risida” O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 8-oktabrdagi farmonida ta’lim sifati zamonaviy yangi bosqichga ko‘tarish, ijtimoiy soha va iqtisodiyot tarmoqlarining barqaror rivojlanishiga munosib hissa qo‘shadigan, mehnat bozorida o‘z o‘rnini topa oladigan yuqori malakali kadrlar tayyorlash tizimini yo‘lga qo‘yish, ta’lim sifatini yaxshilash borasidagi ilg‘or xorijiy tajribalarni o‘rganish va amaliyotga tatbiq etish jarayonlarini jadallashtirish, oliy ta’lim muassasalarida o‘quv jarayonini bosqichma-bosqich kredit-modul tizimiga o‘tkazish kabilar ko’zda tutilgan edi.

Olib borilayotgan islohatlar natijasida “2019-yilda mutlaqo yangicha mazmun va shakldagi 4 ta Prezident maktabi, 3 ta Ijod maktabi ish boshladi. Oliy ta’limni rivojlantirish uchun o‘tgan yili 19 ta yangi oliy o‘quv yurti, jumladan, 9 ta nufuzli xorijiy universitetning filiali ochildi. Yetakchi xorijiy universitetlar bilan hamkorlikda 141 ta qo‘shma ta’lim dasturi bo‘yicha kadrlar tayyorlash yo‘lga qo‘yildi. Oliy ta’lim

[29] Avliyoqulov N.H. O’qitishning modulli va pedagogik texnologiyasining amaliy asoslari. Buxoro, 2000

muassasalariga jami 146 ming 500 nafar yoki 2016-yilga nisbatan 2 barobar ko‘p talaba o‘qishga qabul qilindi”.[30]

Prezidentimizning 2017 yil 7 fevraldagi "O‘zbekiston Respublikasini yanada rivojlantirish bo‘yicha Harakatlar strategiyasi to‘g‘risida"gi farmonida ham ta’lim va ilm-fan sohalarini rivojlantirish borasida ham alohida urg‘u beriladi. Hujjatda ta’lim muassasalarining moddiy-texnik bazasini mustahkamlash, yangi ta’lim muassasalarini qurish, ta’mirlash va kapital ta’mirlash barobarida ularni zamonaviy o‘quv va laboratoriya jihozlari, kompyuter texnikasi va o‘quv-metodik qo‘llanmalar bilan ta’minlash nazarda tutilgan.

Prezidentimiz Shavkat Mirziyoyev 2020-yil 24-yanvardagi Oliy Majlisga Murojaatnomasidagi nutqida qator masalalar haqida gapirib, jumladan shunday degan edi: “Nafaqat yoshlar, balki butun jamiyatimiz a’zolarining bilimi, saviyasini oshirish uchun avvalo ilm-ma’rifat, yuksak ma’naviyat kerak. Ilm yo‘q joyda qoloqlik, jaholat va albatta, to‘g‘ri yo‘ldan adashish bo‘ladi.

Sharq donishmandlari aytganidek, **“Eng katta boylik – bu aql-zakovat va ilm, eng katta meros – bu yaxshi tarbiya, eng katta qashshoqlik – bu bilimsizlikdir”!**

Shu sababli hammamiz uchun zamonaviy bilimlarni o‘zlashtirish, chinakam ma’rifat va yuksak madaniyat egasi bo‘lish uzluksiz hayotiy ehtiyojga aylanishi kerak.

Taraqqiyotga erishish uchun raqamli bilimlar va zamonaviy axborot texnologiyalarini egallashimiz zarur va shart. Bu bizga yuksalishning eng qisqa yo‘lidan borish imkoniyatini beradi. Zero, bugun dunyoda barcha sohalarga axborot texnologiyalari chuqur kirib bormoqda”.[31]

Davlatimiz rahbari tomonidan Oliy Majlisga Murojaatnomasidagi nutqida 2020 yilga «Ilm, ma’rifat va raqamli iqtisodiyotni rivojlantirish yili» deb nom berilishi ham sohaga bo’lgan e’tibor jiddiy ekanligidan darak beradi.

Xulosa qilib aytganda, keyingi yillarda O‘zbekistonda ta’lim va ilm-fanga e’tibor yanada ortmoqda. Oxirgi yili sohaga doir Respublikasi Prezidenti va Vazirlar Mahkamasining yetmishga yakin qaror, farmon va farmoyishlari qabul qilindi. Bu kabi o‘zgarishlar va yangilanishlar jarayoni yangi O‘zbekistonni barpo etishdek ulug‘vor maqsadimizni amalga oshirishda muhim ahamiyat kasb etadi.

[30] https://president.uz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.24.01.2020.

[31] https://president.uz. O‘zbekiston Respublikasi Prezidenti Shavkat Mirziyoyevning Oliy Majlisga Murojaatnomasi.24.01.2020

BO‘LAJAK KIMYO O‘QITUVCHILARINI KASBIY TAYYORGARLIGINI OSHIRISHDA MUAMMO VA YECHIMLAR

Ahadov Ma’murjon Sharipovich
e-mail:mamurjon.ahadov@inbox.ru

Annotatsiya: *Maqolada bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarini kasbiy tayyorgarligini oshirishdaga muammo va yechimlar shuningdek, zamonaviy kimyo darsini tashkil qilish va kimyo ta’limida 3D texnologiyalardan foydalanish metodikasini takomillashtirish, uning tarkibiy tuzilishi va mazmuni, ta’lim amaliyotiga joriy etish, ko‘nikmalarini shakllantirish bosqichlari o‘rganilgan. Ularning taqdimotlar tayyorlash, elektron darsliklardan foydalanish, interaktiv texnologiyalarga asoslangan dars ishlanmalarini loyihalash ko‘nikma va malakalarini egallaganlik darajalari va shu kabilar ma’lumotlar haqida ma’lumotlar keltirilgan.*

Kalit so‘zlar: *axborot texnologiyalari, elektron darslik, interaktiv dasturiy vosita, elektron majmua, dars katalogi, rebus, loyihalash, 3D texnologiya, tashkiliy-boshqaruv, tushuntirish-motivatsion, kognitiv, texnologik, kreativ.*

ПРОБЛЕМАТИКА И ДИЛЕМА В ПОВЫШЕНИИ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ ПОДГОТОВКИ БУДУЩЕГО СПЕЦИАЛИСТА ПО ХИМИИ

М.Ш. Ахадов
e-mail:mamurjon.ahadov@inbox.ru

Аннотация:*В статье представлены проблемы и пути решения проблем повышения профессиональной подготовки будущих учителей химии, а также организации современных уроков химии и совершенствования методики использования 3D-технологий в химическом образовании, ее структура и содержание, внедрение в учебную практику, формирование навыков. учился. Предоставляется информация об их уровне подготовки презентаций, использовании электронных учебников, разработке планов уроков на основе интерактивных технологий и т. д.*

Ключевые слова: *информационные технологии, электронный учебник, интерактивное программное обеспечение, электронный комплекс, каталог уроков, ребус, дизайн, 3D-технологии, организационно-управленческий, объяснительно-мотивационный, познавательный, технологический, творческий.*

PROBLEMS AND SOLUTIONS FOR DEVELOPMENT OF CAREER PREPARATION OF FUTURE CHEMICAL TEACHERS

Ahadov Ma’murjon Sharipovich
e-mail:mamurjon.ahadov@inbox.ru

Annotation: *The article describes the problems and solutions to improve the professional training of future chemistry teachers, as well as the organization of modern chemistry lessons and the improvement of methods of using 3D technology in chemistry education, its structure and content, implementation in educational practice, skills. formation stages are studied. Information is provided on their level of proficiency in the preparation of presentations, use of e-textbooks, design of lesson plans based on interactive technologies, and so on.*

Key words: *information technology, e-textbook, interactive software, electronic complex, lesson catalog, rebus, design, 3D technology, organizational-managerial, explanatory-motivational, cognitive, technological, creative.*

Dunyoda bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentlikni tarkib toptirishning zamonaviy texnologiyalarini joriy qilish, ularning dasturiy ta’minotini ta’minlash, kasbiy kompetensiyasini o‘zlashtirishda qadriyatlar tizimidan foydalanish, kasbiy kompetentlikni rivojlantirishning psixologik-pedagogik mexanizmlari, jumladan, innovatsion texnologiyalarining didaktik tizimini takomillashtirish dolzarblik kasb etgan. Ta’limning yangi paradigmalariga o‘tish bo‘lajak o‘qituvchilarning nafaqat o‘zini o‘zi natijaviy ijodiy rivojlantirishga innovatsion yondashuvlarni, balki ushbu jarayonni ta’minlashga imkon beruvchi metodik ta’minotni ham takomillashtirishni taqozo qiladi.

Mamlakatimizda oliy ta’lim tizimini rivojlantirish mazmuni va o‘qitish texnologiyasi, uning sifat va samaradorligini oshirish borasida olib borilayotgan islohotlar ta’limni insonparvarlashtirish, bo‘lajak o‘qituvchilarda kasbiy kompetentlikni tarkib toptirishga yo‘naltirilgan pedagogik yondashuvlardan foydalanish imkoniyatini oshiradi.

Joriy yilning 12-avgust kuni «Kimyo va biologiya yo‘nalishlarida uzluksiz ta’lim sifatini va ilm-fan natijadorligini oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida»gi prezident qarori imzolandi. Mazkur qarorda mamlakatimizda kimyo va biologiya fanlarini rivojlantirish, ushbu yo‘nalishlarda ta’lim sifati va ilm-fan natijadorligini oshirish ustuvor vazifa qilib belgilangan.

Shuningdek, kimyo va biologiya fanlari bo‘yicha ta’lim sifatini tubdan oshirish, umumta’lim maktablarida ushbu fanlarni o‘qitishning mutlaqo yangi tizimini joriy etish, ta’lim muassasalarini zamonaviy laboratoriyalar, darsliklar va boshqa o‘quv jihozlari bilan ta’minlash, ushbu yo‘nalishlarga malakali o‘qituvchi-murabbiylarni jalb etish, kadrlar tayyorlash va ilm-fan natijalaridan foydalanishda ta’lim, ilm-fan va ishlab chiqarish sohalari o‘rtasida o‘zaro yaqin muloqot va hamkorlikni yo‘lga qo‘yish masalalariga alohida e’tibor qaratilgan.


Mazkur qaror ijrosini ta’minlashda eng avvalo umumta’lim maktablarida kimyo fanini zamon talablari darajasiga yetkazib o‘tadigan raqobatbardosh kadrlarni tayyorlash masalasi oldimizda turgan eng dolzarb vazifa hisoblanadi.

Bo‘lajak kimyo o‘qituvchisi nimalarni bilishi kerak?

Darsni qanday o‘tsa o‘quvchilarga qiziqish uyg‘onadi?

Bugungi kunda kimyo o‘qituvchi raqobatbardosh kadr bo‘lishi uchun o‘z mutaxasissligini, zamonaviy axborot texnologiyalarini va xorijiy tilni mukammal bilishi talab qilinadi.Kimyo fani tabiat va inson hayoti bilan bog‘liq bo‘lgan hayotiy fan hisoblanadi.Shuning uchun o‘quvchilarni kimyo faniga qiziqtirish kimyo o‘qituvchilari uchun muammo emas.Bu uchun barcha tabiat bo‘ladigan hodisalarni, hayotiy jarayonlarning kechishini, kundalik turmushdaga jarayonlarni kimyoviy tilda aytib bera olsa bo‘ldi. Bunda o‘quvchida dunyoqarash ham, kimyo faniga bo‘lgan qiziqish ham, sezilarli darajadi ortadi.Tajribamizda o‘tkazilgan ayrim tavfsiyalardan namunalar keltirib o‘tamiz.

Darsni boshlashdan oldin o‘quvchilarning ruhiyatini aniqlab olish muhim. Buning uchun hayotiy muammoli vaziyat yoki o‘quvchi aqliga borib yetadigan ibratli hikoyalar bilan boshlagan ma’qul. Siz har doim ham buni bajara olmaysiz. Buni oldindan tayyorlash uchun siz darsingizni katalogini tuzib chiqishingizni taklif qilamiz. Masalan: Tuzlar mavzusiga oid bir soatlik dars katalogi namunasi:



Kimyo faniga oid qiziqarli hayotiy muammoli vaziyatlar:

1) Napoleon Bonapart o‘limidan so‘ng uning yaqinlari Bonapart oshpazlarini sudga berdilar. Ularning da’vosi-Napoleon o‘z ajali bilan o‘lmagan, o‘ldirilgan. O‘ldirilganda ham zaharlab o‘ldirilgan. Unga ta’msiz zahar oz-ozdan berilgan. Napoleon o‘limidan taxminan 150 yil o‘tgach, bu da’vo o‘z isbotini topdi. Imperator soch tolasidan uning o‘limiga sabab bo‘lgan hidsiz, mazasiz zahar topildi. Uning miqdori inson soch tolasida bo‘lishi mumkin miqdoridan ko‘p edi. Napoleon o‘limiga sabab bo‘lgan zaharning nomi nima?

2) Mashhur kimyogar olim G.Devi ammoniy nitrat NH_4NO_3 ni termik parchalayotgan edi. Parchalanish natijasida ajralgan gazdan Devining yordamchisi o‘zidan-o‘zi kular, bu esa Deviga yoqmasdi. Devi bu tartibsiz yordamchisini darxol almashtirdi. Ammo u bu sohada birinchisidan ham ozib ketdi. U hatto qo‘shiq ham kuylay boshladi va birozdan so‘ng uxlab qoldi…Olim tajribasi natijasida qanday gaz ajralib chiqqanligi uchun bu voqea yuz bergan?

3) Ko‘zga ko‘rinmaydigan xat yozish uchun yarimta limon, paxta, gugrt, 5-10ml suv, bir varoq oq qog‘oz kerak bo‘ladi. Toza suvga limonni siqib, siyoh yattorlanadi, gugurt cho‘pi uchiga paxtani o‘rab, yozuv quroliga aylantiriladi, uni siyohga botirib, qog‘ozga xat yoziladi yoki rasm chiziladi. Qog‘oz havoda quriganda yozuv ko‘rinmaydi. Yozuvni o‘qish uchun yonib turgan lampochkaning issig‘iga biroz tutilsa, rangsiz yozuv qora rangga aylanadi. Ayting-chi, qora yozuv paydo bo‘lishiga sabab nima?

4) Yaxshi bilamizki, shaxtyorlar ko‘mir qazish uchun yer qa’riga tushishadi. Yer tagida havo tarkibida inson salomatligiga ta’sir etuvchi har xil gazlar mavjud. Shularning eng xavflisini aniqlash uchun avvallari shaxtyorlar shaxtaga o‘zlari bilan kanareykali

qafasni olib tushishgan. Kanareykalar sayrashni to‘xtatgan zaxoti shaxtyorlar yer ostidan yuqoriga ko‘tarilishgan. Ayting-chi, kanareykalar qaysi gazni tez sezgan?

Qiziqarli savol-javoblar

Odamni chumoli chaqqanda tana chumoli kislotasi bilan zaharlanadi. Og‘rigan joyga nashatir spirt surtilsa, og‘riq yo‘qoladi. Buning sababi nimada?

Javob: chumoli kislotasi nashatir spirt bilan reaksiyaga kirishib neytrallangach, og‘riq to‘xtaydi.

Bu metallning tuzlari o‘zining rang-barang tovlanishi bilan ajralib turadi. Nomi grek mifologiyasida kamalak ma’budasi sharafiga atalgan. Hozrigi kunda bu metalldan xotira-fleshka tayyorlanadi. Sun’iy fotosintez hosil qilishda u metalga murojaat etiladi. Metallni toping? **Javob: irridiy**

Nima uchun qalam qog‘ozda qora iz qoldiradi?

Javob: grafit panjarasidagi uglerod atomlari qo‘shni atom bilan sp^2 –gibrid orbitallar vositasida mustahkam bog‘langan qatlam hosil qiladi. Qatlam orasida nisbatan zaif bo‘lgan sp^2 gibridlanishda qatnashmagan *p*-orbitallar hisobiga 4 bog‘ hosil bo‘ladi, qatlam bir-biriga nisbatan kattaroq masofada (0,335 nm) joylashadi.

“Yer” bilan “Oy” o‘rtasida qancha masofa bor? (Kimyoviy vaziyatda)

Javob: Tellur lotincha “Yer”, “selen” grekchada “Oy” degan ma’nolarni bildiradi. Kimyoviy elementlar davriy sistemasining 16 gruppasida bu masofa yo‘q. 34 dan 52 gacha.

Ma’lumki, xlor metallarga kuchli ta’sir qiladi. Lekin temir ballonlarda saqlanadi va bir joydan ikkinchi joyga tashiladi, buni qanday tushuntirish mumkin?

Javob: Batamom quritilgan xlor gazi temirga ta’sir etmaydi. Shuning uchun xlor oldin yaxshilab quritiladi va temir ballonlarda saqlanadi va tashiladi.

Har darsda **“Kimyo va ingliz tili”** sahifasini joylashtirish: bunda yangi mavzuga oid atamalarni ingliz tilida o‘rgatib borish, o‘quvchilarda fanlararo integratsiyani rivojlantiradi.

Masalan: Oddiy savol-javoblar.

1. How many elements are there in Time table? Answer : 118
2. When was time table discovered? Answer:1869 year
3. How many periods groups lines are there time table? Answer: 18
4. How many ***s, p, d,*** and ***f*** are there time table? Answer: 14, 36, 38, 24
5. Which is the most solid metal? Answer::osmium
6. Which is the most liquid metal? Answer: mercury
7. Which is the most soft metal? Answer:litium
8. Which is the most easy metal? Answer:
9. When and where was Mendeleyev born? Answer:1834
10. Hov many elements did Mendeleyev describe? Answer: 63

My fauourite element is oxygen

The ordinal number of oxygen is 8, the atom mass of oxygen is 16, the molecular weight of oxygen is 32 the aggregate condition of oxygen is gas. Oxygen has a reaction with hydrogen, nitrogen, silicon. Oxygen is in the 16^{th} group oxygen is pale gas. Oxygenium clear gas.

Ushbu namuna asosida mis, kumush, oltin haqida ingliz tilida yodlash.


My fauourite element is copper, silver, gold.

O‘quvchilarni donoligini topqirligini aniqlash uchun rebuslardan foydalanish ham yaxshi natija beradi:



Yuqoridagilar bilan bir qatorda bo‘lajak kimyo fani o‘qituvchilari eng oxirgi zamonaviy axborot texnologiyalari yangiliklaridan ham xabardor bo‘lishi kerak. Bugungi kunda barchamizga yangilik bo‘lib kirib kelayotgan 3 o‘lchamli (3D) tasvir, uch o‘lchamli grafika, uch o‘lchamli modellashtirish kabi tushunchalar haqida eshitganmiz.

3D texnologiyani kimyo ta’limida virtual laboratoriya mashg‘ulotlarini tashkil etishda qo‘llanilasa fanni o‘qitishda yuqori samaradorlikka erishiladi. Bunda virtual kimyo laboratoriya xonalari veb-muhitda yaratiladi va tajribalar xohlagancha bajarib ko‘rish mumkinligi o‘quvchilarga tushuntiriladi. Portlash xavfi bor tajribalar, zaharli xususiyatga ega bo‘lgan tajribalar ham virtual kimyo laboratoriyasida bajarib ko‘rish mumkin.



2-rasm. Nazzar.uz. dasturi orqali elementlar harakatini ko‘rish imkoniyati.

Bunda smartfoningizni ekrandagi Nazzar.uz. belgisiga ko‘rsatganingizda haqiqiy obyekt tasviri smartfonda paydo bo‘ladi va turli xil effektlar bilan to‘ldiriladi. Mediyadagi statik rasm "hayotga keladi" va video bo‘lakka aylanadi.

Ekrandagi fotosuratlar va rasmlar uch o‘lchovli bo‘ladi, ularni har tomonlama va har nuqtai nazardan ko‘rishga imkon beradi. Audio foydalanuvchi smartfoni karnayi yordamida eshitiladi. Rasmdan "ko‘proq ma'lumot olish", tomosha qilish paytida smartfon ekranida paydo bo‘ladi. Ushbu xizmat yordamida biz kimyoviy moddalarning molekulalari holatini haratkatlanishini kuzatishimiz mumkin.

O‘quvchilarini kimyo faniga qiziqshini uyg‘otishda ushbu texnologiyadan foydalanish maqsadga muvofiq. Elementlarni o‘rganishda, oksidlar, kislotalar, asoslar va tuzlar shuningdek, ularning tabiatda uchraydigan moddalari fotosuratlari jonli ko‘rish imkonini beradi. (2-rasm).

Bu dastur 3D hayot uch o‘lchamli modellashtirish Maya, ZBrush, Blender, 3D Max kabi ko‘pgina programma mahsulotlari hisoblanadi.

Shuningdek, Ispring, AvtoPlay, MediaFlash, Delphi kabi dasturlar orqali elektron darslikni yaratish, ularni amaliyotga joriy etish mexanizmlarini takomillashtirish orqali **FUNDAMENTAL TADQIQOTLAR BAZASINI YARATISH VA** ta’lim samaradorligini dunyo miqyosidagi OTM lari darajasida yetkazishga erishish bizning oldimizda turgan eng katta maqsadimiz.

Kimyo maktab o‘quv fanlari orasida murakkab fanlardan biri sifatida o‘quvchilarda muayyan qiyinchiliklarni tug‘diradi. Masalan, atom tuzilishi, kvant sonlar, kimyoviy bog‘lanishlar, elektron konfiguratsiya kabi mavzularda bu qiyinchiliklar o‘quvchilarda fazoviy tasavvurlarning yo‘qligi bilan bog‘liq. Obrazli tasavvurlarning yo‘qligi katta hajmdagi doimiy ma’lumotlarni yodlab olish zarurligini keltirib chiqaradi.

Kimyoda shu va shunga o‘xshash xususiyatlari ularni o‘rganishda multimediyali elektron vositalardan maqsadga muvofiq foydalanish ehtiyojini keltirib chiqaradi.

Biz bo‘lajak kimyo fani o‘qituvchilari uchun “Anorganik kimyo” fani misolida yaratilgan elektron darslik qanday qismlardan iborat bo‘lsihini aytib o‘tamiz. Bu bilan siz yaratayotgan elektron darslikda qanday mezonlar bo‘lishi kerakligini bilib olasiz. 1-jadval.

Elektron darslikni yaratish bo‘yicha asosiy mezonlar tahlili

№	ED ni yaratish bo‘yicha asosiy mezonlar	Mavjudligi	Sifat darajasi (% hisobida)
1	Individual ishlash imkoniyati	+	100 %
2	Lokal tarmoqda ishlash imkoniyati	+	100 %
3	Nazariy bilimlar moduli	+	96 %
4	Amaliy bilimlar moduli	+	95 %
5	Nostandart test topshiriqlari	+	92 %
6	Video ma’ruza va videoroliklar	+	65 %
7	Elektron kutubxona	+	70 %
8	Didaktik qo‘shimcha materiallar	+	96 %
9	Muallif haqida ma’lumot	+	100 %
10	IED bilan ishlash haqida qo‘llanma	+	90 %
11	Kimyoviy masalalarni yechish ko‘nikmasi	+	90 %
12	Audiofayllarni eshitish imkoniyati	+	90 %
	O‘rtacha sifat darajasi:		90,3 %
	ED ning mazmuni, dizayni va shakli uyg‘unligi bo‘yicha mezonlar		
1	Ma’ruza matnlari	+	99 %
2	Dars ishlanmalari	+	86 %
3	Zamonaviy taqdimotlar	+	76 %
4	Fotoillyustratsiyalar	+	86 %
5	Animatsiya va gif.lar	+	75 %
6	Auadiofayllar	+	88 %
7	“Kimyoviy masalalar yechishni o‘rganamiz” Video havolalarda	+	98 %
8	Inglzicha-o‘zbekcha lug‘atlar	+	85 %
9	Glossariy	+	70 %
10	Qiziqarli ma’lumotlar	+	100 %
11	Kimyogar olimlar haiqda	+	80 %
12	Assesmentlar	+	90 %
	O‘rtacha sifat darajasi:		86 %

Har bir kishining o‘rganish uslubi turlicha bo‘ladi, ba’zilar ma’lumotni eshitish orqali yaxshi qabul qilsa, boshqalar ko‘rish natijasida, uchinchi toifadagilar esa ham eshitish, ham ko‘rish orqali yaxshi o ‘zlashtiradilar.

Demak, Elektron axborot ta‘lim (EAT) resurslarini yaratishda keng ishlatilib kelinayotgan dasturiy ta‘minotlardan Ispring va AvtoPlay dasturlari asosida kimyo darslari uchun yaratilgan elektron qo‘llanmadan unumli foydalanilgan holda talabalarning ko‘nikma va malakalari shakllantiriladi hamda yuqori dars samaradorligiga erishish imkoniyatilari yaratiladi.

Yuqorida tavsiya qilayotgan dasturlardan foydalangan holda o‘quv jarayoni tashkillashtirilsa, o‘quvchilar kimyo fanlarini chuqur egallashlari ta’lim sifati va samaradorli oshishiga sabab bo‘ladi.

Shuningdek, umumiy o‘rta ta’lim muassasalarida elektron-ta’lim muhitini virtual 3D makonini shakllantirish, virtual kimyo laboratoriyalarini tashkil qilish, bu muhitda o‘quv jarayonini tashkillashtirish va ta’lim sifatini oshirish hozirgi kunning kimyogarlari uchun ayni muddaodir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Abduqodirov A.A., Hayitov A.G‘., Shodiyev R.R. Axborot texnologiyalari / akademik litsey va KHK lari uchun darslik.-T.: O‘qituvchi, 2002. -144 b
2. O.C. Габриелян. Теория и методика обучения химии. - Москва: (Академия), 2009
3. Raxmatullayev N.G‘., Omonov H.T., Mirkomilov Sh.M. Kimyo o‘qitish metodikasi . – Toshkent: “Iqtisod – Moliya”, 2013
4. Olimova Q.T. Maxsus fanlardan o‘quv adabiyotlari yangi avlodini yaratishning nazariy-uslubiy asoslari:.Dissertatsiya-T.:TDPU; 2005-212b.
5. Hayitov A.G‘. Umumiy o‘rta ta’limda informatika va hisoblash texnikasi asoslarini o‘qitishni kompyuterlashtirish nazariyasi hamda amaliyoti Dissertatsiya-T.:TDPU; 2006 161 b.
6. Ixtiyarova G., D.Bekchanov, M.Ahadov. “Kimyoni o‘qitishda zamonaviy texnologiyalar” o‘quv qo‘llanma. Toshkent 2019.

EHTIMOLLAR NAZARIYASI FANINI O‘QITISHDA NAZARIYA BILAN AMALIYOTNING BOG‘LIQLIK TAMOYILIDAN FOYDALANISH IMKONIYATLARI

Nishonov Tulanmirza Soyibjonovich
Andijon davlat universiteti, katta o‘qituvchi
Tel: 91 169 95 17, E-mail: tulanmirza1@gmail.com

Annotatsiya. *Ushbu maqolada ehtimollar nazariyasi fanidan mashg‘ulotlarda mavzuning ahamiyati, maqsad va vazifalarini talabalarning yoshiga mos, ularning turmushiga taalluqli, tevarak atrofidagi voqea va hodisalarga doir qiziqarli ma’lumotlar orqali hamda o‘sha payt va zamonga moslab nazariya bilan amaliyotning bog‘liqlik tamoyilidan foydalanilgan holda misollar yordamida tushuntirib o‘tilgan.*

Kalit so‘zlar: *ehtimollar nazariyasi, ehtimol, ehtimolni hisoblash, tasodifiy miqdor, diskret tasodifiy miqdor, uzluksiz tasodifiy miqdor.*

ВОЗМОЖНОСТИ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ПРИНЦИПА СВЯЗИ МЕЖДУ ТЕОРИЕЙ И ПРАКТИКА В ОБУЧЕНИИ ТЕОРИИ ВЕРОЯТНОСТЕЙ

Нишонов Туланмирза Сойибжонович
Андижанский государственный университет, старший преподаватель
Тел: 91 169 95 17, E-mail: tulanmirza1@gmail.com

Аннотация. *В данной статье объясняются важность, цели и задачи темы в занятиях по теории вероятностей с помощью интересных информаций и событиях вокруг жизни студентов а также прилагаются современные примеры с использованием принципа связи между теорией и практикой.*

Ключевые слова: *теория вероятностей, вероятность, расчет вероятности, случайная величина, дискретная случайная величина, непрерывная случайная величина.*

POSSIBILITIES OF USING THE PRINCIPLE OF COMMUNICATION BETWEEN THEORY AND PRACTICE IN TEACHING THE PROBABILITY THEORY

Tulanmirza S. Nishonov
Andijan state university, senior lecturer
Tel: 91 169 95 17, E-mail: tulanmirza1@gmail.com

Annotation. *This article explains the importance, goals and objectives of the topic in classes on probability theory with the help of interesting information and events around the lives of students, as well as modern examples using the principle of the connection between theory and practice.*

Keywords: *probability theory, probability, probability calculation, random variable, discrete random variable, continuous random variable.*

So‘nggi yillarda respublikamizda barcha sohalarda bo‘lgani kabi, ta’lim sohasida ham muhim islohotlar amalga oshirildi. Bularga misol sifatida respublikamizda o‘n bir yillik ta’lim tizimini joriy qilinishi, kasb – hunar beruvchi ikki yillik kollejlar va texnikumlarning tashkil qilinishi, hamda oliy o‘quv yurtlarida o‘qish muddati uch yil bo‘lgan yo‘nalishlarning tashkil qilinganligini keltirish mumkin. Bulardan tashqari o‘z faoliyatini to‘xtatgan ilmiy – tadqiqot institutlari faoliyatini qayta tiklanganligi ham olamshumul ahamiyatga ega bo‘ldi. Amalga oshirilgan bu ishlarning asosiy maqsadi respublikamizda jahon andozalariga mos raqobatbardosh mutaxassislarni tayyorlashga qaratilganidir. Bunday mutaxassislarni tayyorlashda oliy o‘quv yurtlarida o‘qitiladigan fanlar ichida matematika fani alohida o‘ringa ega. Chunki, bugungi kunda barcha sohalarda matematika va matematik usullarga tez – tez murojaat qilinadi. Shuning uchun ham bugungi kunda umumiy o‘rta ta’lim maktablari, akademik litsey va oliy o‘quv yurtlarida matematikani o‘qitishga alohida ahamiyat berilmoqda. Bunga yaqqol misol sifatida O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019 yil 9 iyuldagi “Matematika ta’limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo‘llab quvvatlash, shuningdek, V.I.Romanovskiy nomidagi Matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirishto‘g‘risida”gi PQ – 4387 sonli qarori [1], hamda 2020 yil 24 yanvardagi “Oliy Majlisga murojaatnoma”sini [2] keltirish mumkin. Qo‘yilgan bu vazifalar oliy o‘quv yurtlarining Matematika yo‘nalishlarida o‘qitiladigan fanlarga, jumladan Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika faniga ham bevosita taalluqlidir.

Ma’lumki, ehtimollar nazariyasining usullari tabiatshunoslik va texnikaning turli sohalari: ishonchlilik nazariyasi, ommaviy xizmat ko‘rsatish nazariyasi, nazariy fizika, geodeziya, astronomiya, otish nazariyasi, avtomatik boshqarish nazariyasi, shuningdek iqtisodiyot, tibbiyot va hokazo sohalarda keng qo‘llaniladi.

Ehtimollar nazariyasi shuningdek, matematik va amaliy statistikani asoslash uchun xizmat qiladi, u esa o‘z navbatida ishlab chiqarishni rejalashtirishda va tashkil qilishda, texnologik jarayonlarni tahlil qilishda, mahsulot sifatini aniqlash va qabul qilish nazoratida va boshqa ko‘plab maqsadlarda tatbiq qilinadi. Bularning barchasi nafaqat matematika yo‘nalishi, balki boshqa ko‘plab yo‘nalishlarda ham ehtimollar nazariyasini o‘qitish jarayonini mukammal tashkil qilinishini taqozo etadi.

Shundan kelib chiqqan holda biz, ushbu maqolada ehtimollar nazariyasi fanini hayot bilan, turmush bilan bog‘lab o‘qitish tajribalarini yoritamiz. Bunda biz eng avvalo dars jarayonini tashkil qilishda va o‘tkazishda professor – o‘qituvchi tomonidan yo‘l qo‘yilishi mumkin bo‘lgan kamchiliklarni bartaraf qilish yo‘llariga to‘xtalamiz. Ular:

- fanning tushunchalarini yaxshi anglolmasligi;
- fanning tushunchalarini to‘liq anglagani holda, talabalarga bu bilimlarni yetkaza olmasligi;
- darsni yo zerikarli yo qattiqqo‘llik bilan o‘tishi, talabalarning e’tiborini o‘ziga jalb qila olmasligi;
- darsda talabalar tomonidan berilgan savollarga tayinli javob bermasligi;
- deyarli har darsda guruhning faqat bir qismi bilangina muloqot qilishi;
- darsda vaqtni tekis taqsimlay olmasligi;
- vaqtni behuda sarflash, mavzuga aloqador bo‘lmagan hikoyalar aytish, davomat, xujjatbozlik va hokazo;
- darsdan tashqari vaqtlarda talabalarga vaqt ajratmasligi;
- fanning tushunchalariga doir yangi masalalar tuza olmasligi, darsliklardagi standart masalalar bilan cheklanishi, ya’ni ijodkor emasligi;
- talabalarni baholashda noxolislik;
- talabalar uchun shaxsiy namuna bo‘la olmaslik va hokazo.

Ushbu kamchiliklarni bartaraf etishning turli yo‘llari bor.

Masalan, birinchi va ikkinchi banddagi kamchiliklarni professor – o‘qituvchi tanlov asosida ishga olinayotganda sinov darslarini o‘tib berishi asnosida kafedraning yetakchi professor – o‘qituvchilari bergan xulosalariga ko‘ra to‘g‘rilanishi mumkin. Yoki sinov muddati tashkil qilinib, malakali professor – o‘qituvchilrning darslarini kuzatish orqali ham hal qilish mumkin. Lekin, eng asosiy usuli bu uning o‘z ustida tinimsiz ishlashi, yangi ma’lumotlarga tashnaligida aks etadi. Boshqa xato va kamchiliklarni ham shu yo‘sinda hal qilish mumkin.

Yuqoridagiga o‘xshash muammo, xato va kamchiliklarni ko‘p yillik pedagogik faoliyatimiz va ularda orttirilgan bilim va ko‘nikmalarimiz, malakalarimizdan kelib chiqqan holda, ehtimollar nazariyasi fanidan o‘tiladigan darslar misolida hal etish yo‘llarini ko‘rsatib o‘tmoqchimiz.

Ehtimollar nazariyasi fanidan ma’ruza mashg‘ulotlarida auditoriyaning diqqatini o‘ziga tortishning asosiy usullari albatta, fanning va o‘tilishi rejalashtirilgan mavzuning ahamiyati, maqsad va vazifalarini talabalarning yoshiga mos, ularning turmushiga taalluqli, tevarak atrofidagi voqea va hodisalarga doir qiziqarli ma’lumotlar orqali, yoki o‘sha payt va zamonga mos voqea – hodisalarga bog‘lab tushuntirib bera olish kerakligidir.

Ma’ruza darslarida mavzuning dolzarbligi, maqsad va vazifalarini anglatish uchun, hamda faqat ilmiy tushunchalarni berib talabalarni zeriktirib qo‘ymaslik uchun, talabalarni ehtimollar nazariyasi faniga qiziqtira oladigan yoki ushbu fan bilan shug‘ullanishga motivatsiya beradigan ma’lumotlarni internet tarmoqlaridan to‘plab yoki o‘zingizning ijodiy salohiyatingizni ishga slogan holda tayyorlab olib, ularni darsning orasida qisqa vaqtlarda aytib o‘tish maqsadga muvofiqdir. Bunday ma’lumotnomalarga quyida namuna keltirib o‘tamiz.

Insonlar doimo kelajakka qiziqish bildirishgan. Har doim, insoniyat uni turli yo'llar bilan bashorat qilish yoki rejalashtirish usulini qidirib kelgan. Masalan, bir yildan keyin yangi mashina olish, yoki yangi uy qurish, yoki dam olishga biror dengiz boʻyiga borish, yoki farzandlarini uyli – joyli qilsh, nevaralarning baxtini koʻrish va hokazo. Lekin, hayotda biz ko'pincha tasodifiy hodisalarga duch kelamiz. Aynan rejadagi bir yoki bir nechta ishingiz rejalashtirilgan davrda amalga oshmay qolishi mumkin. Ularning tasodifiyligi sababi nima - biz sodir bo'layotgan voqea - hodisalarning asl sabablarini bilmasligimizmi yoki tasodifiylik ko'p hodisalarning asosi bo'lganmi? Bunga oʻxshash savollar juda koʻp va deyarli barcha sohalarda uchraydi. Masalan, mutatsiyalar tasodifiy ravishda yuz beradimi, tarixiy rivojlanish shaxsga bog'liqmi, Koronavirus pandemiyasi sabab qulagan iqtisodiyotning yangi oʻsish bosqichi qachon boshlanadi, oʻzi bu virusni qachon toʻliq yengib oʻtiladi, iqlim oʻzgarishi haqidagi nazariyalar nimalarga asoslangan, xaos haqida nimalarni bilamiz? Ushbu jarayonlar bo'yicha mulohazalar, fikrlar va bahs – munozaralarning asosiy qismi ehtimollar nazariyasi fani doirasidagi mavzular boʻlib, ushbu fanda asosan ularning miqdoriy xarakteristikalari oʻrganiladi.

Yangi asrda ehtimollar nazariyasi barcha matematik fanlar ichida eng keng qamrovli sur’atlarda oʻsmoqda deyishimiz mumkin. Hayotda ehtimollar nazariyasidan haqiqiy foydalanish to'g'risida ko'plab misollar mavjud. Deyarli butun zamonaviy iqtisodiyot bunga asoslanadi. Bozorga ma'lum bir mahsulotni kiritish uchun malakali tadbirkor, ehtimoliy xatarlarni, shuningdek, ma'lum bir bozorda, mamlakatda va hokazolarda ularning sotilish ehtimolini hisobga oladi. Deyarli butun dunyo iqtisodchi va analitiklari ehtimollar nazariyasi tushunchalarisiz o'z faoliyatlarini tasavvur qila olmaydilar. Birjalardagi aksiyalar narxining tasodifiy oshishi yoki qulashi ortidan katta ehtimol bilan katta foyda oladigan shaxslar, bukmekerlar, sugʻurta kompaniyalari egalari va hokazolar oʻz faoliyatlarida ehtimollar nazariyasi tushunchalaridan doimiy ravishda foydalanadilar.

Ehtimollar nazariyasi elementlari deyarli har qanday faoliyatning boshida, shuningdek uni tartibga solishda ham ishtirok etadi. Muayyan nosozlik (masalan, kosmik kema) ehtimolini baholash tufayli biz qanday harakatlar qilishimiz kerakligini, nimani tekshirishimiz kerakligini va umuman olganda Yerdan minglab kilometr uzoqlikda nimalar boʻlishini bilib olamiz. Metroda terrorchilik xuruji, iqtisodiy inqiroz yoki yadroviy urush - bularning barchasi foiz sifatida ifodalanishi mumkin. Eng muhimi, olingan ma'lumotlarga asoslanib, tegishli qarshi harakatlarni ishlab chiqish va amalga oshirish.

Insonlar qarorlarini ko'pincha hissiy jihatdan (intuitiv) qabul qiladi. Masalan, koʻpchilik insonlar samolyotda uchishdan qoʻrqishadi. Vaholanki, samolyot bilan parvoz qilishdan koʻra xavfliroq narsa bu oʻsha aeroportga avtomobil bilan borishdir. Lekin, kimgadir avtomobil samolyotdan ham xavfliroq ekanligini tushuntirishga harakat qilib koʻringchi? Uddalash qiyin. Hisob kitoblarga koʻra samolyotga o'tirgan yo'lovchining samolyot halokatida nobud bo'lishi ehtimoli taxminan 1/8000000 ga teng ekan. Bu degani agar yo'lovchi har kuni tasodifiy reysni amalga oshirsa, u taxminan 21000 yil dan keyin samolyot halokatida vafot etadi degani [5].

Bundan ham qiziqarli ma’lumotlarga misollar keltiramiz:

Tanga tashlash tajribasida biz imkonsiz deb hisoblaganimiz «tanganing tik turib qolishi» hodisasining ehtimoli ham juda unchalik kichik emas, 1000000 marta tashlashda

taxminan 150 marta kuzatiladi. Bu degani kuniga 8 soatdan tanga tashlash bilan shug‘ullanilsa, o‘rtacha hisobda 2 kunda 1 marta «tanganing tik turib qolishi» hodisasi kuzatiladi.

Agar «tanganing tik turib qolishi» hodisasini ikki marta ketma-ket kuzatilishini ko‘rmoqchi bo‘lsangiz yuqoridagi tempda taxminan 35 yil tanga tashlashingizga to‘g‘ri keladi.

Omad lotto televizion o‘yinida 36 tadan 6 ta sharni topish ehtimoli $\frac{1}{1947792}$ ga teng. Sunamida halok bo‘lish ehtimoli esa $\frac{1}{500000}$.

Ikkita insonning bir xil barmoq iziga ega bo‘lishi ehtimoli taxminan $\frac{1}{10^{60}}$ ga teng [6].

Yuqoridagi kabi ma’lumotlar talabalar uchun juda foydali bo‘lib, shubhasiz ularning ehtimollar nazariyasi faniga qiziqishini orttiradi. Talabalarda ushbu fanning tabiatda nechog‘lik ahamiyatga ega ekanligi haqida tasavvur paydo bo‘ladi va fanning mohiyatini anglab, ushbu fan bo‘yicha shug‘ullanishlariga turtki beradi.

Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarda ham talabalarni ushbu fanga qiziqtira oladigan yoki u bilan shug‘ullanishiga motivatsiya beradigan ma’lumotlardan foydalanish, odatiy adabiyotlarda berilgan standart masalalar o‘rniga shaxsiy yondoshuvi aks etib turgan yangi masalalarni berish kerak bo‘ladi.

Ehtimollar nazariyasi fanidan amaliy mashg‘ulotlarda foydalanish uchun juda ko‘p adabiyotlarda ehtimollarni hisoblashga doir taxminan quyidagicha standart masalalar uchraydi:

- Yashikda 10 ta detal bo‘lib, ular orasida 4 tasi bo‘yalgan. Tavakkaliga 4 ta detal olindi. Olingan detallarning hammasi bo‘yalgan bo‘lishi ehtimolini toping;
- Idishdagi sharlarning 5% i qizil va 15% i ko‘k. Idishdan olingan bitta shar ko‘k bo’lmaslik ehtimolini toping;
- Qutidagi 25 tranzistordan 8 tasi yaroqsiz bo‘lsin. Ixtiyoriy ravishda tranzistor olinadi va tekshiriladi. Olingan ikkinchi tranzistor yaroqsiz bo‘lish ehtimolini toping;
- Ikkita tanga tashlanganda kamida bittasida Gerbli tomoni tushishi ehtimolini toping;
- Ikkita o‘yin soqqasi tashlanganda tushgan ochkolar yig‘indisi 9 ga teng bo‘lishi ehtimolini toping.

Bunday masalalarda masala sharti biroz zerikarli bo‘libgina qolmasdan, amaliy ahamiyati ham unchalik katta emas. Aslida bunday masalalar keyinchalik katta amaliy masalalar uchun poydevor bo‘lsa ham, talabalarda boshida ehtimollar nazariyasi fani xuddiki tanga tashlash, shoshqol tashlash kabi keraksiz mashg‘ulotlar bilan shug‘ullanadigan fandek taassurot uyg‘otishi mumkin. Talabalarga ularning turmushiga taalluqli, tevarak atrofidagi voqea va hodisalarga doir qiziqarli yoki hayotdan olingan amaliy masalalar berilgani ma’qul, barcha uchun bir xil masalalarni berish ham unchalik o‘zini oqlamaydi.

Masalan, quyidagicha masalalar berish mumkin:

TULANMIRZA so‘zidagi harflar tasodifiy ravishda almashtirib yozilganda yana TULANMIRZA so‘zi paydo bo‘lishi hodisasining ehtimolini toping (TULANMIRZA ismining o‘rniga hamma o‘zining ismini yozsin).

Birinchi qutidagi 10 ta sharlarga TULANMIRZA harflari, ikkinchi qutidagi 7 ta sharlarga NISHONOV harflari yozilgan. Birinchi qutidan tavakkaliga 3 ta va ikkinchi qutidan tavakkaliga 2 ta shar olinganda, olingan sharlar ustidagi harflardan TUMOV so‘zini hosil qilish mumkin bo‘lishi ehtimolini toping (Har kim birinchi qutidagi sharlarga ismining harflarini, ikkinchi qutiga familiyasining harflarini yozsin va birinchi va ikkinchi qutilardan sharlar olsin. Olingan sharlar ustidagi harflardan ma’no beradigan biror so‘z hosil qilish mumkin bo‘lishi ehtimolini topsin, ya’ni talaba o‘zi masala tuzib o‘zi uni ishlasin).

Qutidagi 11 ta sharlarga KORONAVIRUS harflari yozilgan. Qutidan ketma – ket 5 ta shar olinganda sharlar ustida OVORA so‘zi hosil bo‘lishi ehtimolini toping.

Barselona va Real Madrid futbol klublari teng kuchli jamoalar hisoblanadi. Ularning o‘zaro 4 marta o‘yinida Barselona jamoasi 4 marta g‘alaba qozonishi hodisasining ehtimolini toping.

Agar tasodifiy miqdorlar mavzusiga doir amaliy mashg‘ulot o‘tilayotgan bo‘lsa, u holda yana o‘sha nishonga qarata o‘q otilganda nishonga tekkanlari soni, tangani bir necha marta tashlanganda gerb tomoni bilan tushishlar soni va shunga o‘xshash zerikarli va siyqasi chiqqan masalalarning o‘rniga zamonaviyroq masalalar bergan ma’qul.

Masalan, quyidagilarning qaysi biri a) tasodifiy miqdor; b) diskret tasodifiy miqdor; c) uzluksiz tasodifiy miqdor bo’ladi?

X - 15.03.2020 y. kuni dunyo bo’yicha Koronavirusdan vafot etganlar soni;

Y - 15.03.2022 y. kuni dunyo bo’yicha Koronavirusdan vafot etganlar soni;

Z - Ixtiyoriy tanlangan odamning Koronavirusga chalingan bo’lishi;

U - Ixtiyoriy tanlangan odamning Koronavirus bilan kasallanish davri;

V - Ixtiyoriy tanlangan odamdan Koronavirus yuqtirganlar soni;

W - Ixtiyoriy tanlangan odamning karantin davrida orttirgan vazni;

R - Ixtiyoriy tanlangan talabaning shaxsiy telegram kanali mavjud bo‘lishi;

S - Ixtiyoriy tanlangan talabaning a’zo bo‘lgan telegram kanallari soni;

T - Ixtiyoriy tanlangan talabaning smartfonida video ko‘rilganda quvvati tugaguncha ketadigan vaqt.

Yoki, hammamiz un mahsulotining qopda qadoqlangan holatini ko‘rganmiz. Qopning ustidagi “$50 \pm 0{,}5$ kg” yozuviga ko‘zingiz tushgan bo‘lsa kerak. Shu yozuvning o‘rnida “$50 \pm 0{,}1$ kg” yoki “50 ± 5 kg” yozuvi yozilgan bo‘lsa siz qay birini tanlagan bo‘lardingiz? Kabi savol berish va shu orqali tasodifiy miqdorlarning oddiy turmushimizga naqadar singib ketganligini talabalarga tushuntirib berish mumkin.

Bunday ko‘rinishdagi masalalarni dars jarayonida berilishi talabalarda ehtimollar nazariyasi fanini o‘rganishga bo‘lgan qiziqishni orttiradi va ularda bu fanni amaliyotda qanday qo‘llanilishi bo‘yicha tasavvurlarini yanada kengaytiradi. Bu esa ta’lim jarayonini samarali bo‘lishini ta’minlaydi.

Foydalanilgan adabiyotlar ro’yxati:

1. O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2019-yil 9-iyuldagi “Matematika ta’limi va fanlarini yanada rivojlantirishni davlat tomonidan qo’llab quvvatlash, shuningdek, O’zbekiston Respublikasi fanlar akademiyasining V.I. Romanovskiy nomidagi matematika instituti faoliyatini tubdan takomillashtirish to’g’risida”gi PQ-4387-sonli qarori.

O'zbekiston Respublikasi Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 2019-yil, 07/19/4387/3397-son.
2. O'zbekiston Respublikasi Prezidenti Sh.M. Mirziyoyevning Oliy majlisga murojaatnomasi.Yangi O'zbekiston gazetasi. 2020-yil 25-yanvar №1.
3. A.A.Abdushukurov. Ehtimollar nazariyasi va matematik statistika. Toshkent. 2010.
4. Д.В.Маневич. Активное обучение теория вероятностей. Ташкент. "Ўқитувчи" 1997.
5. http://www.informio.ru/publications/id4160/Teorija-verojatnosti-v-zhizni-lyudei
6. http://factroom.ru

"ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯ СОҲАСИДА БЎЛАЖАК МУТАХАСИСЛАРИНИНГ КАСБИЙ ПЕДАГОГИК МАХОРАТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСЛУБЛАРИ"

Урганч Давлат Университети "Жисмоний
маданият назарияси ва методикаси"
кафедраси катта ўқитувчиси
Хасонова Шоҳида Рахимбергановна
Наманган мухандислик-технология институти
"Ўзбек тили ва адабиёти" кафедраси
катта ўқитувчиси Аҳмедов Ғолибжон Ғуломович

Аннотация:*Мазкур мақолада педагогик кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш кераклигини таъкидланган.*

Калит сўзлар: *жисмоний тарбия, педагог, касбий маҳорат, мутахассис.*

"МЕТОДИКА РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИХ УМЕНИЙ БУДУЩИХ СПЕЦИАЛИСТОВ В ОБЛАСТИ ФИЗИЧЕСКОГО ВОСПИТАНИЯ"

Ургенчский Государственний Университет
кафедра "Теория и методика физической
культуры и спорта" старший преподаватель
Хасонова Шахида Рахимбергановна
Наманганский инженерно – технологический институт
Кафедра узбекского языка и литературы
старший преподаватель Ахмедов Галибжон Гуломович

Аннотация;*В данной статья мы можем увидеть о педогагической подготовки и обучений персонала на основе Государственных стандартах профессионально-педогагической основе на уровне вырастающих методов, которые идут в процессе научного уровня высшего образования. Учебный предмет или курс по педогагическим или иныормационной техналогий и учебный интерактивный методики профессиональных*

знаний и навыков в том числе и пед технологических работ которые регулярно работают и обновляется.

***Ключевые слово**: физическое воспитание, педагогика, профессиональное мастерство, специалист.*

"METHODS OF DEVELOPMENT OF PROFESSIONAL AND PEDAGOGICAL SKILLS OF FUTURE SPECIALISTS IN THE FIELD OF PHYSICAL EDUCATION"

Urgench State University Teacher Department of
" Theory and methodology of
physical culture and sports " senior teacher
Khasanova Shahida
Namangan Institute of Engineering and
Technology Senior teacher of the Department
"Uzbek language and literature"
Akhmedov Golibjon

***Annotation:**In this story we can see about pedagogical training and staff training on the basis of State standards on a professional pedagogical basis at the level of growing medhods that go in the process of the scientific level of higher education. A curriculum or course in pedagogical or process And educational interactive methods of professional knowledge and skills including pedagogical work that regularly work and is updated.*

***Keywords**: physical education, pedagogy, professional skills, specialist.*

Бугунги кунда жисмоний тарбия ва спорт юртимиз тараққиётининг барча сохалари каби давлат сиёсатининг устивор йўналишлари доирасида ривож топмоқда. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" ги Қонун, "Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" ги Қарор "Оммавий спорт тадбирларини янада кучайтириш тўғрисида" ги Қарорлар ва шу сохага оид бошқа концептуал хужжатларнинг қабул қилиниши, уларнинг босқичма-босқич ҳаётга тадбиқ этилаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Конститутцияси "Таълим тўғрисида" ги ва "Кадрлар тайёрлаш миллий дастури" тўғрисидаги Қонунларда жисмоний тарбия ва спортга алоҳида урғу берилиши юқорида қайд этилган фикр ифодасидир. Сўнгги йилларда ўзбек спорти ўзининг юксак натижалари билан мамлакатимиз шухратини жаҳон ҳамжамияти олдида тараннум этиб келаётганлиги, минглаб ҳалқаро стандартларга мос спорт мажмуалари қад кўтараётганлиги, юртимизнинг турли худудларида энг нуфузли ҳалқаро мусобақаларнинг ўтказиб келинаётганлиги ушбу хужжатларнинг амалий махсулидир. Лекин юксак натижаларни қўлдан бермаслик, малакали, рақобатбардош спортчиларни тайёрлаш тўғридан-тўғри ёш истеъдодли заҳираларни етиштириш билан боғликдир.

Юқори малакали, илғор замонавий тажрибани ўзлаштириб, турли соҳаларда инновацияларни яратишга қобилияти ривожланган, ижодкор, юқори интеллектуал потенциалга эга кадрлар тайёрлаш муаммосига Ўзбекистон Президенти Ш. М. Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган "Олий таълим тизимини янада

ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2909-сон қарори бағишланган. Ушбу қарорга биноан олий таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасидаги устувор вазифаларга мос ҳолда, кадрлар тайёрлашнинг маъно-мазмунини тубдан қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартлар даражасида олий малакали мутахассислар тайёрлаш учун зарур шароитлар яратиш мақсад қилиб белгиланган. Қарорда олий таълим тизимида ўқув жараёнига илғор халқаро тажрибани кенг жорий этиш, етакчи хорижий турдош илмий-таълим муассасалари билан яқин ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш орқали педагог ва илмий кадрлар малакасини ошириш борасидаги ишларга алоҳида аҳамият берилиб, улар талаб даражасида олиб борилмаятганлиги ҳам таъкидланган.

Ҳозирги пайтда “Баркамол авлод – буюк келажак пойдевори” эканлигини назарда тутган ҳолда юқори малакали жисмоний тарбия мутахассислари олдига катта талаблар қўйилмоқда. Шунинг учун жисмоний тарбия мутахассислари ўз соҳасида юқори малакали бўлишлари, кўп қиррали ўқув-тарбия жараёнига эга бўлишлари, илмий-назарий жиҳатдан пухта, юқори даражадаги спорт мусобақаларига тайёр бўлишлари талаб қилинмоқда.

Мамлакатимизда содир бўлаётган ижтимоий ва иқтисодий ўзгаришлар, узлуксиз таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, ”Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури”, Таълим тўғрисидаги қонуни ижросини бажариш ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2015.08.25даги № 242 сонли “ Олий таълим муассасалари рахбар ва педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги қарорида “Педагогик кадрлар малакасини ошириш – таълим турлари бўйича Давлат таълим стандартлари асосида касбий ва педагогик маҳоратнинг доимий равишда ўсиб боришини, ўқув-тарбия жараёнини юқори илмий методик даражада олиб боришини таъминлайдиган ва ўқитиладиган ўқув фани ёки курс, педагогик ёки ахборот технологиялари ва ўқитишнинг интерактив методлари бўйича касбий билимлар, малака ва кўникмаларни мунтазам равишда янгилаб бориш” кераклигини таъкидланган. Бу эса мутахассисларни тарбияли, маълумотли бўлишга ва касбий маҳоратининг шахсий даражасини мунтазам ошириб бориш муаммосини чуқур англашга ундайди. Юқорида таъкидлаб ўтилган фикрлар кўпчиликда, жумладан, жисмоний тарбия ва спорт соҳаси кадрларида шахсий ривожланишнинг оптимал йўлларини танлаш эҳтиёжини юзага келтиради.

Барча жабҳаларидаги мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш жараёнини ташкил этиш ва амалга оширишга мутлақо янгича ёндашувни тақозо этади. Шунингдек, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурида ҳам бу масалага кенг эътибор қаратилган. Жумладан; қуйидагилар келтириб ўтилган: кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш тизимининг шу соҳада рақобатга асосланган муҳитини шакллантириш ва самарали фаолият олиб боришни таъминловчи норматив базасини яратиш.

Ҳозирги вақтда жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида мутахассисларнинг касб маҳоратини ривожлантириш муаммоси малака оширишга доир умумий муаммоларнинг асосийларидан бири ҳисобланади.

Ушбу мақолани ёритишимиздан мақсад ва вазифалар асосан профессионал педагогик тайёргарлик дастурини ва ўқув-тарбиявий жараённи, илмий-назарий ишларни, спорт-машғулотларининг ташкил қилиниши, асосан, умумий таълим мактаби жисмоний тарбия ўқитувчисининг касбий тайёргарлиги даражасини аниқлаш касбий тестларининг мазмуни ва улардан касбий маҳоратининг назарий билим ва малакаларини даражасини ўрганишига оид тажрибаларни,баҳолаш мезони нормалари, талабларининг мазмунини умумий таълим мактабининг жисмоний маданият ўқитувчиси касбий тайёргарлиги мисолида ўрганиши асос бўлди. “Касб маҳорати”, ”ўз касбининг устаси” деб аталмиш мутахассиснинг эталон (муваффақиятли) деб қабул қилинган “модели”га, касбий фаолиятнинг мазмуни ва мутахассиснинг шахсий сифатлари, унинг даражасини аниқлаш учун илмий асосланган меъёрлар ҳамда талаблар киради. Улар касбий мажбуриятларни муваффақиятли бажариш имконини беради. Бу мажбуриятлар маъносига кўра бир-бирига яқин бўлган иккита мазмундор жиҳатларга эга.

Биринчидан, кишининг касбий фаолияти давомида эгаллаб оладиган сифатлари йиғиндиси яъни, меъёрий даражадаги касб маҳорати жиҳати.

Иккинчиси – бу касб соҳиби шахснинг ички дунёси деб аталмиш жиҳатлари. Инсондаги бундай касбий сифатлар тўплами унинг шахси мазмунини ўзак қисмига айланган. Қайд қилинган жиҳатлар касб соҳибининг касбий тайёргарлиги даражасини анқлашни – баҳолашда ўзгача ёндошувни тақазо этади.

Ишнинг амалий аҳамияти шундаки, касб маҳоратининг ортишини, ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат малакалари ва кўникмалари даражаси–спортнинг қайсидир турини техникасини эгаллаганлиги даражаси, фақат ўзига мутахасислик сифатида танлаганини эмас, бошқа, мактаб жисмоний тарбия дастурига киритилган спорт турлари бўйича баҳо берилиши унинг касбий маҳоратининг асосий жиҳати сифатида қаралиши мақсадга мувофиқдир.

Ўқитувчи ўз обрўсига эга бўлиши керак. Ўқувчи билан диктатор бўлиб эмас, балки ҳамсуҳбат, дўстона мунособатда бўлиши керак. Кўпинча болалар ўз мажбуриятларини ёддан чиқарадилар. Бу ҳол айниқса “балоғат” даврида юзага келади, болалар худбин, кайфияти билан иш қиладиган бўлади. Бу даврда ўқитувчи болани кўнглига йўл топа олиши, хатти-ҳаракатини тўғри баҳолаб, унга ижобий баҳо бера олиши керак.

Ўқитувчининг кўнгли бўшлиги, меҳрибонлиги ва инсонпарварлиги ўқувчи томонидан айрим ҳолларда ўқитувчини бўш деб ўйлашига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи доимо талабчан бўлиши керак.

Касб маҳорати ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсир қилади. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соф рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Биз, фаолиятли ёндашув назариясига таянган ҳолда, бошқарув соҳасидаги жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини ривожлантиришга тааллуқли тарзда тизимли ёндашувнинг асосий қоидаларига аниқликлар киритдик.

Касбий билимдонликнинг маъноси реал касб маҳоратига яқин. Билимдонлик, маъносига қараб ижтимоий, шахсий, индивидуал, касбий билимдонлик бўлиши мумкин. А.К.Маркова мулоҳазаларида алоҳида касбий билимдонликда касбий фаолият ва касбий мулоқот энг катта аҳамиятга эга элементлардан ҳисобланади.

Жисмоний тарбия бошқаруви соҳасидаги ходимнинг касбий фаолияти кенг миқёсдаги жисмоний тарбия таълим ҳудудидаги тор доирадаги ихтисосликдан келиб чиқадиган касб маҳорати ва касбий онгдан ташкил топади. Улар оптимал даражадаги психоэмоционал ва физиологик сарфлар ҳисобига ижобий натижага эришиш имконини беради.

Жисмоний тарбия мутахассисининг касбий мулоқоти – бу би-лимдонликнинг коммуникатив таркиби бўлиб, касбий фаолиятнинг танланган тури учун хос бўлган ишбилармонлик мулоқоти меъёрларини ўзлаштиришни ўз ичига олади, масалан, шарқ яккакурашлари мураббийси учун – рус, ўзбек тилида баъзан эквиваленти бўлмаган махсус атамаларни билиш, иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қила олиш, меҳнат бозорида рақобатчиликни таъминлаган ҳолда ўз ишига қизиқиш уйғота олиш. Мураббий фаоллик билан ўқувчиларни банд қилиши керак. Бунда мураббийга ўқувчилар меҳр билан қарашади. Педагогнинг муомаласи, унинг совуққонлиги, қўполлиги ўқувчига салбий таъсир қилади. Ўқувчининг болалиги тугайдиган давргача мураббий ва ўқувчи бир-бирларини яхши тушунишади. Ўқувчилар ўқитувчига инсон сифатида ҳам яхши баҳо бера оладилар.

Шахсий касбий билимдонлик – бу эркин ифодаланган касбий мотивация, ижобий маънодаги касбий “мен ўзим” (касбга хос масалаларни ҳал этишдаги мустақиллик), касб билан маънавий боғлиқлик (касбий бурч, касбий маънавий қадриятлари касб этиш). Шахсий билимдонлик индивидуал билимдонлик билан тўлдирилади, яъни индивиднинг характери унинг иштиёқ майллари, одатлари морфофункционал мақоми орқали ўзгаради, қайта тус олади.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг вазифалари ва иш фаолиятида асосан у кўп қиррали мутахассис бўлиб, ўсиб келаётган ёш авлодни жисмонан соғлом, етук қилиб тарбиялаш, ўрта мактаб, лицей ва олий ўқув юртларида, қуролли кучларда жисмонан соғлом, жисмоний тарбия ва спорт билан биргаликда уларга билим, кўникма беради, ҳаётга тайёрлаб, ҳарбий тайёргарликка ўргатади. Машғулотлар давомида болаларда жисмоний сифатлар шаклланиб боради, функционал ривожланиш билан бирга ватанпарварлик, хушмуомалалик, байналминаллик, меҳнатсеварлик, интизомлилик ҳислатлари тарбияланади.

Жисмоний тарбия ўқитувчисининг иш фаолияти, жисмоний тарбия ва спортда 2 та мустақил қисмдан – педагогик ва уни бошқариш фаолиятидан иборатдир. Иш фаолияти қўйидагиларни ўз ичига олади: машғулотларни режалаштириш, ташкил қилиш, ўтказиш, ҳисобот ва жисмоний тайёргарликни текшириш, педагогик, ўқув-тарбиявий, спорт ва соғломлаштириш ишларини, ўқувчиларни жалб қилиш ва саралаш, спорт мусобақаларида ҳакамлик қилиш,

ташкилий ишлар, маърузалар, молиявий ишларда ўз малакасини ошириш ва бошқалар.

Жисмоний тарбия мутахассиси юқори даражадаги касбий билимдонлигини исботлаш майдоннинг мураккаб функционал асоси сифатидаги мазмунини белгилаб беради. У мулоқот жараёнида нафақат кенгайиб боради, балки касбий йўналиши бўйича янада мазмундор бўлади. Ўқувчиларнинг касб маҳоратини оширишда етарлича расмий ҳаракатлардан фойдаланиш мумкин (масалан, йўриқнома материалларини ўрганиш ўқувчига нисбатан шахсий ёндашишни тақозо этмайди). Бироқ касб маҳоратини оширишга қаратилган педагогик жараён ўта норасмий ҳаракатни назарда тутади (яъни, субъект-обеъкт тизимидаги ўзаро ҳаракатларнинг шундай усулики, бунда унинг бошқариладиган элементи расмийлашишга мойил бўлмайди).

Инсоннинг ҳар қандай фаолияти унинг ўзига хос аспект билан белгиланади ва бажарилади. Машғулотларни ўтказишнинг ранг-баранглиги, уларни ўтказиш шароитининг ўзгариши, уларни шуғуллантираётган ўқитувчига ҳеч қандай таъсир қилолмайди. Жисмоний тарбияда машғулотлар ўтказиш ҳиссасига кўра унчалик бир хил эмас: залда, стадионда, очиқ ҳавода ўқувчиларнинг ҳаракатланиш фаолиятининг диапазони қанчалик кўп бўлса, уларни назорат қилиш ўта мураккаб ва шуғулланувчилар, талабаларга мураббийнинг таъсири тўғри йўналтирилган бўлади.

Шуни айтиш керакки, ўқитувчига қўйилган талаб – бошқаришда ва мулоқот қилишда унинг асосий овози ҳисобланади (бўйруқ бериши, тартибга чақириш, тушунтириш кабилар).

Бошқа махсус жиҳат, маълум даражада таъсир этади: ўқитувчининг фаолиятига, ўқитувчилар ўқув фаолиятига, талабаларнинг катта ҳаракатланиш активлиги билан характерланади. Ўқув юртларидаги талабалар учун ўқув дастурига асосан жисмоний тарбия машғулотлари мажбурийдир. “Жисмоний тарбия” ўқув предметининг таркибига турли хил жисмоний ва спорт машқлари, спорт турлари киради.

Шунинг учун ўқитувчи материални ўзлаштиришда нафақат “техникасига” дастур бўйича тайёрланиши керак, балки ҳар доим ўзининг техникавий ва жисмоний даражасини юқори тутиши шарт.

Жисмоний тарбия ўқитувчиси кўп сифатларга эга бўлиши керак: юқори ишчанлик; ҳис-ҳаяжонни кўзғатувчиларга эътибор бермаслик ва ўз диққатини жамлашни билиши; ҳар доим актив бўлиши; иш куни давомида юқори умумий ва эмоция тонусини, кучини тез янгилашни билиши; фикрни аниқ изоҳлаш билан ажралиб туриши; ҳиссиёт динамикасида тенглик, ишни бажаришда юқори темпни ушлаш; мушаклар чигилини ёзиш машқисиз қўйилган масалани ечишга тез ҳаракат қилиш; бир турдаги фаолиятдан бошқа турдаги фаолиятга ўтишни тез ҳал қила билиш; аввалдан машғулотни тайёргарликсиз ўтказиш қобилиятига эга бўлиши, янги шароитга тез кўникиш.

Жисмоний тарбия мутахассисининг иш фаолияти, жисмонан тарбиялаш ва кўпинча уни ўраб турган муҳитга қараб белгиланади. Энг асосийси ижтимоий муҳит, жисмоний тарбия ва спорт омиллари.

1. Ижтимоий муҳит: Олий ўқув юртидан кейин касб маҳоратини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари ва йўллари тез ўзгариб бораётган ижтимоий муҳит томонидан белгилаб борилади. Бозор иқтисодиётига ўтиш нафақат иқтисодий талабни, балки ишчи кучини истеъмол қилувчи (ишга ёлловчи) ва ишчи кучи эгаси ўртасидаги муносабатларни ўзгартириб юборди. Таълим фаолияти ва жисмоний тарбияни бошқариш тизимида касбий билимдонликка қўйиладиган талаблар ортиб бормоқда. Мутахассиснинг паст даражадаги касбий билимдонлиги иш йўқотиш хавфини туғдиради. Бироқ юқори даражада касб маҳоратига эга бўлиш ҳам тор доирадаги касбий фаолиятда ишга жойлашиш учун ишончли кафолат бўла олмайди. Айниқса унга ижтимоий муҳит томонидан эҳтиёж бўлмаса.

Шунинг учун олий ўқув юртидан кейинги касбий таълим мазмунини ўзгартиришнинг энг муҳим томони тор доирада касбга йўналтиришдан кенг доирадаги ўзаро боғлиқ мутахассисликларга ўтиш ҳисобланади. Бу ерда жисмоний тарбия касби эгаси бўлган мутахассис ўз билим ва кўникмаларини қўллай олиши мумкин бўлиши лозим. Касб маҳоратини олий ўқув юртидан кейин ривожлантиришнинг бундай йўли тўғри эканлиги нафақат объектив ижтимоий-иқтисодий шарт-шароитлар, балки шахсга хос омиллар билан ҳам боғлиқ.

Ижтимоий муҳитнинг асосий омили жисмоний тарбия мутахассисининг иш фаолиятини, жисмоний сифатларни тарбиялаш ва спортда юқори натижага эришиш билан ифодаланилади. Яъни:

- давлат ва омманинг ижтимоий муҳити, ижтимоий жараёни, бу жамиятда бўлаётган, йўналтирилган, қонунга таянган ҳолда жамият ривожланиши, жамият концепциясининг ривожланишига хизмат қилади;
- эҳтиёж, қизиқиш, аҳолининг ёш хусусияти, анъаналари, яшаш жойи, шароити, иш жараёни шароитлари;
- жамият ривожланишининг тизими;
- ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий шароити, бунда мутахассиснинг фаолияти билан танишилса;
- иш фаолиятининг асоси ва йўналиши, тузилмаси, ижтимоий муҳити, кадрлар даражаси ва мутахассис фаолияти билан таъминланади (БЎСМ), жисмоний тарбия жамоаси, ўрта мактаб, коллежлар;
- ўқувчилар сони ва таркиби, уларнинг қизиқишлари, машғулотларга мунособатлари, гуруҳлардаги ижтимоий муҳит.

2. Жисмоний тарбия тизими жисмоний тарбия ўқитувчисининг фаолияти сифатида: Жисмоний тарбия ўқитувчисининг ижтимоий муҳитининг асосий омиллари:

- тизимни аниқлаштириш, инсонни гормонал жисмоний тарбиялашда кўп қиррали жисмоний тайёргарлик;
- жисмоний тарбия жараёнида мезон дастури;
- жисмоний тарбия жараёнида асосий таълим жараёнига киритиш;
- жисмоний тарбия жараёнида аниқ бир жараённи ташкил қилиш;
- албатта (ҳамма ўқувчилар учун) жисмоний тарбия жараёнида қатнашиш ва мезон талабларини бажариш;

- жисмоний тарбия жараёнида мезон талабларини бажариш жараёнида баҳолаш критерияларидан фойдаланиш.

3. Табий муҳит: Бунга аҳолининг яшаш шароити ва об-ҳаво шароити киради. Машғулотлар жисмоний машқлар бажариш, спорт турлари билан шуғулланиш, тренировкалар шулар жумласидан. Жисмоний тарбия жараёнидаги барча ютуқлар жисмоний тарбия-спорт машғулотлари самарадорлиги кўпроқ жисмоний тарбия мутахассисига, унинг профессионал тайёргарлигига ва ўз ишига қизиқишига боғлиқ.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассисларининг касбий малакасини ошириш курслари ҳамда факультетлари ишларини мақсадли қайта йўналтириш тизимли ёндашув асосида амалга оширилади. Тизимли ёндашувни тақозо этувчи касб маҳоратига бўлган асосий талаблар – мослашиш хусусиятига эга фойдали натижа олиш билим ва кўникмаларни ишчи кучининг ўзгарувчан бозор шароитларига мослаштириш. Субъект ва таъсир қиладиган объектларнинг касбий фаолияти (касбий фаолият соҳасида) малака ошириш курслари ва факультетларидаги анъанавий (бозор иқти-содиётидан олдинги) таълим жараёнига қараганда сезиларли даражада ўзгаради.

Амалдаги малака ошириш тизимининг якуний (мослаштирувчи) натижаси тор доирадаги касбий билимлар ва кўникмаларни шакллантиришга қаратилиши керак эмас, балки битирувчига етарлича юқори самара билан янги турдаги касбий фаолиятда ўз билимларини қўллай олишга имкон берадиган касб маҳоратининг назарий-методик асосларини ўз ичига олиши зарур. Курс тайёргарлиги тизимида олий ўқув юртидан кейинги касбий таълимнинг асосий таркиблари жисмоний тарбия ва спорт соҳасида касб маҳоратига эга бўлган шахсни шакллантиришга қаратилган мақсадли кўрсатма уддабурон стратегия шароитларида, яъни меҳнат бозорида шароитлари ўзгарганда мутахассисга қайта ихтисослашишга ёрдам берадиган шароитларда янги касбий билимларни тизимли ўзлаштириш билан тўлдирилади.

Педагогнинг шахси, унинг қиёфаси ўқувчилар олдида катта аҳамиятга эга, билим бериш ва тарбия жараёнида ўқитувчисининг обрўси ўқувчиларнинг жисмоний тарбия машқларини аниқ бажаришларида қийинчилик туғдирмайди. Жисмоний тарбия ўқитувчисининг, спорт мураббийининг обрўси унинг касбига бўлган ҳурматига боғлиқ, уни айрим хислатлари, шунингдек, уни жалб қила олиш қобилияти шу билан бирга асосий ўринни эгаллайди.

Мутахассис шахсининг хусусиятлари ичида жисмоний тарбия ва спортда юқори натижаларга эришиш учун: тиришқоқлик, қатъиятлилик, бир сўзлик, шахсни яхши тушуниш, гуруҳни тўғри ва ижобий баҳолаш, ўз режаси асосида ишлаш, ўқувчилар билан дўстона мунособатда бўлиш муҳимдир.

Жисмоний тарбия соҳасида мутахассислар касбий тайёргарлигининг янгиланаётган тизими яратилишида ҳали ҳам жиддий камчиликлар ва хатолар мавжуд. Улар бу ишларни ташкил қилиш соҳасига тааллуқли бўлиш билан бир қаторда давлат таълим муассасаларида (мактаблар ва олий ўқув юртларида) ҳамда жисмоний тарбия жамоат ташкилотлари (кўнгилли жамиятлар ва ёшлар ҳамда катта ёшдаги аҳолини жисмоний тайёрлаш ва такомиллаштириш

бирлашмалари)да ишлаш учун касб эгаларини тайёрлаш тизимида кадрларнинг касб маҳоратини ўстириш вазифаларини амалга оширишнинг педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга ҳам тааллуқлидир. Биз томонимиздан амалга оширилган жисмоний тарбия ва спорт кадрлари касб маҳоратини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитларини ишлаб чиқишга қаратилган илмий изланишлар шунга боғлиқ. Мутахассис ўқитувчининг жисмоний тарбия бўйича касбий маҳоратини ошириш учун қуйидаги хислатларга эга бўлиши лозим:

- педагогик маҳоратнинг усуллари;
- ўз ишини севиши ва ишдан керакли даражада қониқиши;
- чиройли жисмоний қомат, жисмоний машқларни бажариш жараёнини кўрсатиши;
- ички дунёси ва ташқи кўриниши, ўқувчиларда иштиёқ уйғотиш;
- типологик қирралари, ҳаракатчанлиги кучлилиги ва стресс ҳолатлардаги босиқлиги.

Ўсмир ва болалар спорти мураббийининг педагогик фаолияти, жисмоний тарбия ўқитувчисининг иш фаолиятидек мураккаб тузилишга эга, шу билан бирга бошқа педагогик касблардан фарқ қилади.

Мураббийни биологик ва психологик жараёнлар соҳасида юқори билим даражаси, ўсмирнинг фаол ўсиши ва ривожланиши даврида мураббийдан катта жисмоний ва техник тайёргарликни талаб қилади, айниқса кўпгина тадқиқот ва амалиётлар натижасига кўра педагогик маҳоратга эга бўлиш бу:

- ўқув дастурини ўқувчига тушунарли қилиб етказа олиш, иш жараёнига илмий ёндашиш;
- педагогик хислатларга эга бўлиш, барча ўқувчиларни жалб қила олиш қобилияти, жамоа билан ишлай олиш;
- болалар ва ўсмирлар жамоасини ташкил этиш, ўқувчилар ҳаёти билан танишиш ва унга қизиқиш;
- суҳбатларни қизиқтириб, тушунарли тарзда олиб бориш, нутқининг равон бўлиши;
- кузатувчанлиги, кузатишларни таҳлил қилиб тўғри хулоса чиқариш, ўқувчиларга ва ўзига нисбатан талабчан бўлиш;
- ўқув дастурини ҳозирги замон билан, ҳаёт билан боғлаб қизиқтириб ўтиш.

Жисмоний тарбия мутахасиси касб махоратининг ривожланиши жараёнида у етакчилик қилиш, кадрлари билан бўладиган муносабатларнинг оптимал вариантларини танлаб олиш қобилияти, зиддиятларни ҳал этиш, бирон-бир вазиятларда ён босишга хотиржам муносабатда бўлишдаги ўз-ўзидан ўсиб борувчи шахсий катталикдир.

Профессионалнинг ҳар бир вазифасида индивидуал-шахсий фаолият услуби кузатилади ва агар мутахассиснинг ишбилармонлик сифатларини касбга хос муҳим сифатларининг биринчи гуруҳига шартли равишда киритиш мумкин бўлса, унда иккинчи гуруҳига (аниқроғи иккинчи ярмига) индивидуал-шахсий сифатлар киради.

Жисмоний тарбия ва спорт мутахассислари касб маҳорати ривожланишида қўйилган талаблар:

Биринчи даражада – репродуктивлик (минимал) машқлар мисолида уларини тизимда ёки комбинацияларда бажарилиш қобилияти, назарий ва амалий тайёргарликка боғлиқ бўлмаган ҳолда ўзининг билимини етказа билиш қобилиятини кўрсата билиш.

Иккинчи даражада – мослашиш (паст). Мураббий ўз билганларини нафақат тарбияланувчиларининг индивидуал жиҳатлари малакасига ва уни тушунчасига мос олиб боради.

Учинчи даражада – локал моделли (ўрта), ўз билимини нафақат етказа билиши, ёш спортчиларнинг жиҳатларига мослаштириш қобилияти, балки конструкторлаш (моделлаш) билимлар тизимига ва алоҳида турларда жисмоний тайёргарлиги, билим ва кўникмалар жисмоний техникавий, тактикавий йўналишда олиб боради.

Тўртинчи даражада – тизимда моделлашган билимлар (баланд). Мураббий ёш спортчиларнинг фаолиятини тизимда моделлашни билиши, негаки улар танлаган спорт туридан олган билим ва кўникмаларини билимлар тизимига мослаштиради.

Бешинчи даражада – тизимли моделлашган фаолият ва хулқи (ўта баланд). Мураббий шундай спорт тайёргарлик тизимини моделлаштиришни биладики, спортчини шахс сифатида шакллантиради, нафақат жисмоний, балки руҳий ва ақлий жиҳатини эътиборга олади. Бу руҳий тетикликни ва инсонийликни юқори даражада, юқори спорт натижаларга эришишга олиб келади.

Жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳасидаги мутахассиснинг касб маҳоратини ривожлантиришнинг концептуал модели дастурий – мақсадли, рағбатлантирувчи-мотивацион диагностикалаш ва олдиндан белгилаш таркибларини ўз ичига олади. Улар асосида мазмуний ва муолажавий-фаолиятли таркиблар шакллантирилади, улар концептуал моделнинг мазмуний тузилмавий элементи ҳисобланади.

Мураббийнинг билими ва шахсий сифатлари амалий фаолиятида такомиллашади, агар у кузатиш, таҳлил қилиш ва тўғри хулосалар қила билса. Бу жараён самарали амалга ошиши учун маълум тизимдаги ўқитиш услубларини эгаллаши лозим.

Жисмоний тарбия мутахассислари касб маҳоратини ривожланишининг индивидуаллаштириш методикаси асосан ўқувчилар томонидан етакчи сифатида ажратиб кўрсатилган таркиблар, шунингдек, индивидуал-шахсий психофизиологик сифатлар (реактивлик, психоэмоционал барқарорлик, ижодий фаоллик) киритилди.

Касб маҳорати даражасини ва унинг равнақ топиб ривожланишини белгилаб берувчи юксак эҳтиёжлар қаторида иш юзасидан бўладиган мулоқотга эҳтиёж ҳам ўрин олган. Мулоқот коммуникацион ҳаракатлар доирасига киради ва уларда жисмоний тарбия ва спорт бошқаруви соҳаси ходимининг индивидуал-шахсий сифатларни амалга оширишнинг самарали воситаси сифатида қатнашади.

Келтирилган манбалардан кўринадики, жисмоний тарбия ўқитувчисининг ҳаракат кенглиги ва профессионал мажбуриятини қанчалик катта доирада, у олий жисмоний тарбия билимига тизимли тайёрланган бўлишини ижодий бажаради. Шундай қилиб, қўшимча қилиб айтганда, мактаб ва олий ўқув юртларида жисмоний тарбия ўқитувчисининг профессионал мажбурияти доираси ҳеч ҳам кам эмас, у ерда ўқитувчи худди шундай доирада педагогик мажбуриятларини бажаради.

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб шуни хулоса қилиб айтиш мумкинки, ўқитувчининг кўнгли бўшлиги, меҳрибонлиги ва инсонпарварлиги ўқувчи томонидан айрим ҳолларда ўқитувчини бўш деб ўйлашига олиб келади. Шунинг учун ўқитувчи доимо талабчан бўлиши керак.

Касб маҳорати ривожланишининг дастлабки босқичларида жисмоний тарбия мутахассисига, одатда, спорт машғулотлари соҳасидаги ҳаракат фаоллигига ички, рефлексив баҳолаб бўлмайдиган рағбатлар, истаклар таъсир қилади. Тор доирадаги касбий фаолиятнинг танланиши – соф рефлексив ҳодисадир, яъни ўзини намоён қилишнинг энг жозибали шакли бўлган спортда нафақат шахсий такомиллашиш эҳтиёжини англаш, балки бунга ўз ўқувчиларини ўргатиш маҳоратини эгаллаб олиш билан боғлиқ. Бошқача айтганда, жисмоний тарбия соҳасидаги касбий фаолият ўзининг шахсий асосида рефлексив, онгли кўрсатмага эга.

Жисмоний тарбия мутахассисининг касбий мулоқоти – бу би-лимдонликнинг коммуникатив таркиби бўлиб, касбий фаолиятнинг танланган тури учун хос бўлган ишбилармонлик мулоқоти меъёрларини ўзлаштиришни ўз ичига олади, масалан, шарқ яккакурашлари мураббийси учун – рус, ўзбек тилида баъзан эквиваленти бўлмаган махсус атамаларни билиш, иш юзасидан алоқалар ўрнатиш ва ҳамкорлик қила олиш, меҳнат бозорида рақобатчиликни таъминлаган ҳолда ўз ишига қизиқиш уйғота олиш. Мураббий фаоллик билан ўқувчиларни банд қилиши керак. Бунда мураббийга ўқувчилар меҳр билан қарашади. Педагогнинг муомаласи, унинг совуққонлиги, қўполлиги ўқувчига салбий таъсир қилади. Ўқувчининг болалиги тугайдиган давргача мураббий ва ўқувчи бир-бирларини яхши тушунишади. Ўқувчилар ўқитувчига инсон сифатида ҳам яхши баҳо бера оладилар.

Касб маҳоратини ривожлантириш моделининг рағбатлантирувчи мотивацион таркиби томонидан ўқувчиларнинг билиш фаоллигини ривожлантириш, касбий малакаларини эгаллашда муваффақиятли уринишларни ривожлантириш назарда тутилган эди. Муолажавий фаолиятли блокда таълим соҳасидаги касбий билимдонлик даражасини мунтазам ошириб бориш, жисмоний тарбия ва спорт соҳасида инновацион фаолият усуллари ҳамда шаклларини ўзлаштириш кўзда тутилган эди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган " Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сон қарори.
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2012 йил 28 декабрдаги "Олий ўқув юртидан кейинги таълим хамда олий малакали илмий ва илмий педагогик кадрларни аттестациядан ўтказиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги № 365 сонли Қарори
3. Безугла Л.И. Формирование духовных и моральных качеств будущих учителей // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. - Харьков: ХДАДМ. - 2005. - №10. - С 3-6.
4. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. 2-жилд. Т., "Ўзбекистон" – 1996 й.
5. "Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида" Ўзбекистон Республиксининг Қонуни. Тошкент. 2002, 25 с.
6. "Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида" Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 16.02.2006 даги 25-сонли Қарори.
7. Ўзбекистон Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2017 йил 20 апрель куни тасдиқланган " Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида"ги 2909-сон қарори.
8. Аминов Н.А., Аверина И.С., Аршавин Л.И. Экспресс-диагностика профессиональной пригодности к педагогической деятельности. - Челябинск: ЧГПИ, 1990.-108 с.
9. Ачилов А.М., Акрамов.Ж.А. Қишлок жойларида болалар спортини ривожлантириш тизимини шакллантириш. // Фан спорга.-Т.,2007.-№3-б 3-7 бет.
10. Безугла Л.И. Формирование духовных и моральных качеств будущих учителей // Педагогика, психология и медико-биологические проблемы физического воспитания и спорта. - Харьков: ХДАДМ. - 2005. - №10. - С 3-6.
11. www.sport.uz
12. www.ziyonet.uz
13. www.edu.uz
14. www.evrospорт.ru

БЎЛАЖАК БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚИТУВЧИЛАРИДА ДИАГНОСТИК МАДАНИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ИННОВАЦИОН ИНТЕГРАЦИЯСИ

Қодирова Халимахон Нурмухаммад қизи
Андижон давлат университети ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада "Маданият" ва "Диагностик маданият" тушунчаларининг илмий изоҳи, педагогик профессиограмма (касбий тавсифнома) да бўлажак педагогларга хос сифатлар ва педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида диагностик маданиятни шакллантиришнинг инновацион ёндашув таркиби ҳамда интеграцион тизими ҳақида фикрлар ёритилган.*

Калит сўзлар: *Маданият, диагностик маданият, инновация, нтеграия, педагогик профессиограмма, инновацион таркиб, таълимнинг техник воситалари, интеграцион тизим.*

ИННОВАЦИОННАЯ ИНТЕГРАЦИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ДИАГНОСТИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ У БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ НАЧАЛЬНЫХ КЛАССОВ

Кадырова Халимахон Нурмухаммад кизи
Андижанской государственной университет преподаватель

Аннотация: *В данной статье даётся научное толкованиепонятий "Культура" и "Диагностическая культура", педагогическая професиограмма (профессиональная характеристика), качества, присущие для будущих педагогов и рассматриваются пути формирования диагностической культуры учителей нчальных классов, а также инновационный подход в интеграционной системе организации педагогического процесса.*

Ключевые слова: *культура, диагностическая культура, инновация, интеграция, педагогическая профессиограма, состав инновационного подхода, технические средства обучения, интеграционная система.*

INNOVATIVE INTEGRATION IN FORMING DIAGNOSTIC CULTURE FOR FUTURE INITIAL CLASS TEACHERS

Kadyrova Halimahon Nurmuhammad kizi
Andijan State University Lecturer

Annotation; *This article provides a scientific interpretation of the concepts "Culture" and "Diagnostic culture", a pedagogical professioniogram (professional profile), qualities inherent for future teachers and discusses the ways of forming a diagnostic culture for teachers in primary school, as well as an innovative approach to the integration system of the educational process.*

Keywords: *culture, diagnostic culture, innovation, integration, pedagogical profession, composition of the innovative approach, technical training, integration system.*

Бугунги кунда Ўзбекистон Республикасида ўқитувчи кадрларнинг маънавий қиёфаси, ақлий салоҳияти ҳамда касбий маҳоратига нисбатан жиддий талаблар қўйилмоқда. Чунончи, бу борада Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримов қуйидагиларни қайд этади: "Тарбиячи – устоз бўлиш учун, бошқаларнинг ақл-идрокини ўстириши, маърифат зиёсидан баҳраманд қилиш, ҳақиқий ватанпарвар, ҳақиқий фуқаро этиб етиштириш учун, энг аввало, тарбиячининг ўзи ана шундай юксак талабларга жавоб бериши, ана шундай буюк фазилатларга эга бўлиши керак"[1;27-28-б].

Дарҳақиқат, ўқитувчининг ҳар бир қадами, сўзи, қарашларида тарбия мужассам бўлиши зарур. Яна бир масала борки, бу ҳам бўлса, ўқитувчининг диагностик маданиятини шакллантириш муаммосидир. Чунки ўқитувчининг ўқувчи ва унинг ота-онаси ўртасида мўтадилликни айнан диагностик маданият олтин кўприк мисоли боғлаб туради. Биз даставвал, маданият тушунчасига тўхталишни лозим топдик.

“Маданият” атамаси ҳозирги замон илмий адабиётларида ранг-баранг маъноларда ифодаланган. “Маданият” ва “Культур” атамалари мутахассислар фикрига кўра айни маънони англатиб, лотинча “ишлов бериш”, “парвариш қилиш” маъносини англатган. Кейинчалик “маърифатли бўлиш”, “тарбияли”, “билимли бўлиш” мазмунида ишлатилган. Ўзбек тилида кенг ишлатиладиган “маданият” атамаси арабча “маданий – шаҳарлик” деган маънони билдиради. Агар америкалик маданиятшунос олимлар А.Кребер ва К.Класконларнинг 1952 йилдаги маълумотларига кўра, маданият ҳодисасига берилган таъриф 164та бўлса, сўнгги адабиётларда бу рақам 400дан ортиқни ташкил этади[2;8].

Ғ.Ғофуров, Н.Ҳакимов ва Б.Алиевлар ўзларининг “Маданият ва жамият” китобида маданият тушунчасининг қуйидаги ўзига хосликларини таъкидлаб ўтишади: “Маданият тушунчасида моддий ва маънавий бойликлар ҳамда инсон руҳий олами ифодаланади. Шу боис маданият таркибида уч асосий қатлам мавжуд: 1) инсониятнинг мунтазам ақлий ва жисмоний фаол ижодий фаолияти; 2) моддий ва маънавий неъматларни ишлаб чиқиш, истеъмол қилиш (фойдаланиш) ва асраш; 3) қадриятлар, ахлоқий тушунчалар, ҳуқуқий аъмолларнинг ҳаётга татбиқ этувчи ижтимоий тузилмалар. Маданият – фаол ижодий фаолиятдир. Инсон фаол ижодкорлик орқали ривожланади ва тараққиётга эришади. Ижодкорлик – инсон маънавий-руҳий фаолиятининг чегараларини кенгайтиради. Инсон ижодий кўникмалар, ақлий ва жисмоний меҳнат орқалигина ижодкорлик мақомига эга бўлади”[6;28].

Педагоглик фаолияти билан шуғулланувчи ҳар бир кадрнинг инсоний маданияти шу билан бирга касбий маданияти, қолаверса, диагностик маданияти ҳам меъёр даражасида шаклланган бўлиши керак.

Педагог олима З.Т.Салиеванинг карашларига кўра, “Ўқитувчилик фаолияти “Инсон-инсон” касб гуруҳига киради. Педагог профессиограммасига эътибор қаратилганда, биз мутахассис юксак ахлоқли, кучли ирода, аниқ мақсадга эгалик, одамларни тушуна олиши, эътиборли бўлиши, тасодифий вазиятларга тез йўналган бўлиши, ҳиссий жавобгарликка эга бўлишини таъкидлаб ўтиш лозим” [7;80].

Ўрганишларимиз натижасида З.Салиева қарашларида диагностик маданият тушунчаси ва унинг доирасидаги фаолият эътибордан четда қолиб кетган.

Касбий фаолият яхлит тизим сифатида бир қанча таркибий қисмларни ўзида уйғунлаштиради. И.П.Подласыйнинг касбий салоҳиятнинг тузилишига доир таснифидан келиб чиқиб, Н.М.Эгамбердиева педагогик таълимдаги касбий етуклик (профессионаллашув), ижтимоийлашув, инсонпарварлашув ва маданий ижодкорликнинг замонавий йўналишларига мувофиқ келувчи қуйидаги муҳим тузилишли таркибий қисмларни ажратиб кўрсатади:

- педагогик маданият;
- педагог ижодкорлиги;
- педагогик ақл-идрок;
- касбий чуқур билимга эгалик;
- индивидуал фаолият услуби;
- ижодий ташаббуснинг ривожланиши;
- индивидуал фаолият;

- инсонпарварликка йўналтирилганлик;
- ижтимоий фаоллик[4;16].

Педагог олима Н.М.Эгамбердиеванинг изланишларида эса диагностик маданият тушунчасига қисман яқинлашгани яъни педагогик маданиятни келтириб ўтган. Лекин бунда умумий холат сифатида қаралгани яққол кўриниб турибди.

В.А.Сластёниннинг фикрига кўра, "Педагогик фаолиятга доир қадриятларнинг интериоризацияси бўлажак ўқитувчиларнинг касбий маданиятига тамал тошини қўяди"[8;93].

Юқоридаги фикрлар ва таҳлиллардан келиб чиқиб диагностик маданият қандай тушунча у нима учун керак, унинг зарурияти нимадан иборат каби саволлар туғилиши табиийжир. Биз ўрганишларимиз натижасида анашу саволларга жавоб топишга ҳаракат қилдик.

Диагностик маданиятни таҳлил қилиш учун зарур ва этарлича таркибий қисмларни аниқлаш ҳали тизимли ёндашувнинг асоси бўлган ажралмас ҳодиса сифатида аниқ тушунчани бермайди.

Диагностик маданият - бу мос келадиган таркибий қисмларнинг оддий йиғиндиси эмас, балки барча таркибий қисмлар ўзаро боғлиқлик ва муносабатларда бўлган яхлит тизимдир. Бундан ташқари, асосий таркибий элементларга эмас, балки диагностик маданият намоён бўлишига асосланган ва тизим бузилиб кетадиган муносабатлар ва муносабатларга эътибор қаратилади. Бутунликнинг характеристикаси маданий таркибий қисмларнинг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирини акс эттиради, шунинг учун ушбу таркибий қисмларни аниқлаш тизимли ёндашувни амалга оширишнинг фақат биринчи босқичидир. Структуравий элементларнинг моҳияти фақат таркибий ва функционал таркибий қисмларнинг бирлиги билан тавсифланадиган ўзаро муносабатларда намоён бўлади.

Ўқитувчининг диагностика маданиятининг яхлит кўриниши ташқи (бу маданиятнинг ўзи баъзи каттароқ тузилманинг таркибий қисми) ва ички (ушбу маданиятга хос) тузилиш нуқтаи назаридан берилиши мумкин. Эътибор беринг, бизнинг ўрганишимизда диагностик маданият тузилишини кўриб чиқиш қуйидаги услубий кўрсатмалар билан асосланади:

– диагностика маданияти умумий маданиятнинг бир қисмидир, шунинг учун уни тадқиқ қилиш маданиятшунослик маълумотларига асосланиб, унинг умумий тузилишини, фаолият механизмини очиб бериши керак;

– диагностика маданияти - бу ўзига хос тузилишга эга ва яхлит хусусиятга эга, алоҳида қисмларнинг хусусиятларига камайтирилмайдиган тизимли шаклланиш;

– диагностика фаолияти диагностика маданиятини таҳлил қилиш бирлигидир.

Диагностика маданиятига нисбатан ташқи, энг умумий, универсал тузилма ўқитувчининг касбий ва педагогик маданиятининг тузилишидир.

Демак диагностик фаолиятда маданиятли ёндашув айни ўқитувчига керакли бўлган касбий малакалардан бири десак, асло адашмаган бўламиз. Ўз ўрнида айтишиз жоизки, дианостик маданиятни шакллантиришда инновацион ёндашувнинг аҳамияти муҳим ҳисобланади.

Педагогикада инновация, инновацион фаолият, инновацион педагогика, таълимда инновацион жараёнларни бошқариш каби тушунчалар XX асрнинг 60-йилларида дастлаб АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида, "таълим технологияси" тушунчаси эътироф этилган вақтда пайдо бўлди[9;97]

"Инновация" ва "инновацион фаолият" тушунчаларининг моҳияти таълим тизимига инновацион ғояларни татбиқ этиш, инновацион шароитда таълимнинг сифат ва самарадорлигини ошириш технологияларининг назарий ва методик масалалари Н.С. Мамадов, Ш.Ш.Абдуллаева, Р. Ишмухамедов, Ў.Қ.Толипов, Х.И.Ибрагимов, Ш.К.Мардонов, У.Н.Нишоналиев, Н.Шодиев, Ш.А.Амонашвили, В.А.Сластенин ва бошқалар томонидан тадқиқ этилган.

Инновация – бу таълим. У маълум босқичлар бўйича ривожланадиган жараён[9;97]

Таълимни инновацион ва интеграцисиясини ташкил этишнинг бир мақсадга қаратилганлиги яъни таълимни оптималлашириш йўлидаги жараён сифатида қараш бизнингча тўғри бўлади.

"Интеграция" сўзи лотинча integration – тиклаш, тўлдириш, "integer" – бутун сўзидан келиб чиққан[9;210].


Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларнинг ишлаши ва ўраниш объектининг яхлитлиги тартибга солинади.

Интеграция – ўқитувчиларнинг турли фанлар бўйича кузатишлари ва хулосаларини тасдиқлаб ёки чуқурлаштириб берувчи янги далилларни опиб бериш манбайидир. Улар фаолиятнинг турли шакллари алмашиб туриши орқали ўқувчилар чарчаши ва асабийлашишининг лдини олади.

Мавзу доирасида Чет эллик ва Республикамиз олимларининг илмий меросларини ўрганиш натижасида, педагогик таълим жараёнида бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида диагностик маданиятни шакллантиришнинг интеграцион тизимини ишлаб чиқдик:

2-расм



Схемадан кўриниб турибд

олияти кенг қамровли жараён ҳисобланади. Ўқитувчид ўз ўрнида диагностик тактикани маданият билан қўллай олиш, уни касбий малака сифатида шакллантириш зарурияти акс эттириш масаласини тақозо этади.

Ўрганишлар натижасида шундай хулосага келдикки, бўлажак бошланғич синф ўқитувчисида диагностик маданиятни шакллантириш инновацион интеграцияси ҳам муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиш лозим. Шу билан бирга, диагностик маданият фақатгина бошланғич синф ўқитувчисидагина эмас, узлуксиз таълим тизимининг барча босқичидаги педагог кадрларда шалллантириши керак бўлган малака сифатида қаралишини ҳам эслатиб ўтмоқчимиз.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Буюк келажагимизнинг ҳуқуқий кафолати. – Тошкент, Шарқ нашриёт-матбаа концерни Бош таҳририяти, 1993, 27-28-бет.
2. Гулметов Э., Қобилжонова Т., Эрназаров Ш., Маврузов А. Маданиятшунослик. – Т.: “ЎАЖБНТ” маркази, 2000. - Б.8.
3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. – Т.: Ўзбекистон, 1999.
4. Эгамбердиева Н.М. Маданий-инсонпарварлик ёндашув асосида талабаларни шахсий ҳамда касбий ижтимоийлаштириш назарияси ва амалиёти: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 2010.16-б.
5. Маркова, Е. Е., Коровкина, Т. В. Особенности обучения аудированию иноязычной речи на основе динамичных мультимедийных средств в вузе/ Е. Е. Маркова, Т.В Коровкина//Совершенствование преподавания иностранных языков в школе и в вузе: сб. илмий-услубий тўплам, Нашр рақ. 16/ [таҳририят ҳайъати: С. С. Куклина, Е.Е. Макарова]. – Киров: ВятГТУ нашриёти, 2012. – 103 бет. –54-57, 55-б.

6. Маҳкамов У.И. Юқори синф талабаларида ахлоқий маданиятни шакллантиришининг педагогик асослари: Педагогика фанлари доктори. ... дисс. – Т., 1998. – Б.28.
7. Салиева З.Т. Педагогика олий таълим муассасалари талабаларининг маънавий маданиятини ривожлантириш механизмларини такомиллаштириш:Педагогика фанлари доктори ..... дисс. – Т., 2017. 80-б.
8. Сластёнин В.А., Чижакова Г.И. Введение в педагогическую аксиологию. – М.: Академия, 2003. – С.93.
9. Р.Мавлонова, Н.Рахмонқулова. Бошланғич таълимда педагогика, инновация, интеграция. Ўқув қўлланма. Ғ.Ғулом нашрёти. Т.: 2013. 97-210-б.
10. Анимация. [Электрон ресурс] // Луғат ва энциклопедиялар. Кириш тартиби: htpp://дис.академис.ру/дис.нсф/енг_рус/11365/анимация.
11. Берестова, В. И., Ларина, Е. В. Какими бывают мультимедиа-приложения и средства их разработки [Электрон ресурс]/ В. И. Берестова, Е.В. Ларина// Иш юритиш. - 2008. - № 1.- Кириш тартиби: ҳттп://www.топ-персонал.ру/оффисеворкиссуе.ҳтмл?21.
12. Рақамли рассомлик [Электрон ресурс]// Википедия. Кириш тартиби: ҳттпс://ру.википедиа.орг/вики/Цифровая_живопись

AKADEMIK LITSEYLARDA MUQIMIY G'AZALLARINING VAZN XUSUSIYATLARINI O'RGATISH TAJRIBASIDAN

Abdurahmonova Barno Muhammadjonovna
Qo'qon davlat pedagogika instituti
Pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Annotatsiya: *Ushbu maqola Muqimiyning maktab, akademik litsey Adabiyot darslik-majmualarida berilgan she'rlarining vaznini o'quvchilarga o'rgatish muammolariga bag'ishlangan*

Kalit so'zlar: *Muqimiy, g'azal, hajviy she'r, aruz vazni, o'rgatish, usul, jadval*

ИЗ ОПЫТА ПРЕПОДАВАНИЯ РАЗМЕРНЫХ ОСОБЕННОСТЕЙ ГАЗЕЛ МУКИМИ В АКАДЕМИЧЕСКИХ ЛИЦЕЯХ

Абдурахмонова Барно Мухаммаджановна
Кокандский государственный педагогический институт
Кандидат педагогических наук, доцент

Аннотация:*Данная статья посвящена проблемам обучения учащихся поэтическому измерению стихов Мукими, которые даются в школьных учебниках, учебниках по академической литературе*

Ключевое слово: *Мукими, газел, юмористическое стихотворение, ритм аруза, метод, столбчатая диаграмма*

FROM THE EXPERIENCE OF TEACHING THE DIMENSION FEATURES OF MUKIMI GHAZALS IN ACADEMIC LYCEUMS

Abdurahmonova Barno.,
Kakand State Pedagogical Institute
Candidate of pedagogical Sciences associate professor

Annotation: *This aticle is devoted to the problems of teaching students the poetic dimension of Mukimi's poems given in school, academic lyceum literature texsbooks.*

Key words: *Mukimi, ghazals, humorous poem, rhythm of aruz, method, column chart*

O'quvchilar 5-11-sinflar davomida turkiy xalqlar adabiyotida ilk bor aruz vaznida ijod qilgan adib Yusuf Xos Hojibning "Qutadg'u bilig" asaridan tortib, XX asr o'zbek adabiyotining yirik vakili Erkin Vohidovning aruz vaznida yozilgan asarlari bilan tanishar ekanlar, albatta, ularning vazni borasida ham bilimga ega bo'lishlari shart va lozim.

Maktabda aruz vaznidagi asarlarni o'qitish adabiyot o'qituvchilari uchun murakkab mavzulardan biri sanaladi. Sababi, vaznlarni o'rgatish uchun hamma dasturlarda juda oz soat ajratib kelingan, ba'zilarida esa umuman bu mavzu kiritilmagan [7. B-86].

Adabiyot darsliklarida berilgan mumtoz asarlarning vazni haqidagi bilimlarni o'quvchi shaxsiga yetkazishda o'qituvchilar oliy o'quv yurtida aruz haqida olgan ma'lumotlariga tayanib yoki o'zlarining mavzu borasidagi malakalaridan kelib chiqib asar vazni haqida ma'lumot beradilar.

Maktab, akademik litseylarda o'rganiladigan mumtoz asarlarning vazni borasidagi nazariy ma'lumotlar adabiyotshunos olima Durdona Zohidova tomonidan ishlab chiqilgan [10. B-34-35] **bo'lib, unda darslikda berilgan asarlarning aruzning qaysi bahrida yozilganligi hamda ularning rukni va taqte'si to'g'risidagi umumiy ma'lumotlar berish bilan kifoyalanilgan. Shunday bo'lsa-da, bu, albatta, ona tili va adabiyot fani o'qituvchilarining birinchi yordamchisi desak, mubolag'a bo'lmaydi.**

Olimaning tavsiyalariga tayangan holda biz Muqimiyning she'r va g'azallari vaznini aniqlashni o'quvchilarga o'rgatish hamda o'quvchilarda ko'nikma hosil qilishga qaratilgan amaliy ishlarni berishga harakat qildik.

5-sinf "Adabiyot" darslik-majmualarida berilgan Muqimiyning "Sayohatnoma" asarining, 6-sinfda "Tanobchilar" hajviyasining, akademik litseylarning ikkinchi bosqichida berilgan **shoirning "Yakka bu Farg'onada", "Arzimni aytay", "Surating", "Ayrimasun", "Navbahor", "Axtaring" kabi g'azallari, "Aroba", "Loy", "Moskovchi boy ta'rifida" hajviy she'rlarining vazni va ularning taqte'larini aniqlash borasidagi amaliy ishlarimizni o'qituvchilarimizga metodik yordam tariqasida tavsiya qilamiz.**

Muqimiyning "**Yakka bu Farg'onada...**" g'azali aruzning ramali musammani mahzuf (maqsur) vaznida yozilgan bo'lib, she'rning taqte'si quyidagicha ko'rinishga ega. Ruknning nomi: Foilotun, foilotun, foilotun, foilun. Taqte'si: - V - -, - V - -, -V - -, -V – . Biz uni jadval usulida ko'rsatishni maqbul usul sifatida tavsiya qilmoqchimiz.

1-jadval

O	shi	qer	mas	man	yu	zing	ga	yak	ka	bu	Far	g'o	na	da
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Zo	hi	dis	tar	Ka'	ba	lar	da	bar	ha	man	but	xo	na	da
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

Keltirilgan misolning birinchi va ikkinchi misrasida vasla hodisasini ko'rishimiz mumkin. Vasl vazn talabiga ko'ra bir so'z oxiridagi undoshni unli bilan boshlangan keyingi so'zning birinchi bo'giniga ko'chirishdir.Bunda undosh bilan tugagan birinchi so'zning oxirgi bo'gini cho'ziq bo'lsa qisqaga, o'ta cho'ziq bo'lsa cho'ziq hijoga aylanadi. Oshiq so'zidagi "q", undoshi vazn talabidan kelib,o'zidan keying so'z ermasman jumlasining "er"hijosiga qo'shib, cho'ziq hijoga aylantirilgan. Zohid so'zidagi "d" undoshi ham o'zidan keyingi hijoga qo'shilib zo-hid emas, zo-hi-dis ko'rininshini olgan.

G'azalning to'rtinchi misrasida imola hodisasi kuzatiladi.Imola (lug'aviy ma'nosi:" bir narsani boshqasiga ulash,moslashtirish")-vazn talabi bilan bo'g'inni cho'zib talaffuz qilish. Imola ikki turli bo'ladi:

1.Imolayi maqbul ("yoqimli",qabul qilingan).

2.Imolayi maqduh ("yoqimsiz",qabul qilinmagan).

Imolayi maqbulda o'ta cho'ziq hijolarning oxirgi undoshiga talaffuzdagina ifodalanadigan qisqa I tovushi qo'shib aytiladi. Imolayi maqduhda hijo zo'rma-zo'raki cho'zib talaffuz qilinadi[32]. Muqimiy g'azallarida imolaning har ikki turidan foydalanganligini ko'rishimiz mumkin.

Shoirning "Navbahor" g'azali ham ramali musammani mahzuf (maqsur) vaznida yozilgan bo'lib, uning taqte'si "Yakka bu Farg'onada" g'azalining vazniga o'xshab ketadi. G'azalning birinchi baytidayoq imola hodisasi bo'lib, buni she'rning ikkinchi baytidagi (chog'lar), uchinchi baytidagi (sog'lar), to'rtinchi baytdagi (zog'lar), bechinchi baytdagi (tirnog'lar), maqtqdagi (tog'lar) so'zlarida uchraydi.Bu jumlalar tarkibidagi G tovushidan keyin I unlisi vazn talabiga ko'ra qo'shib o'qiladi. Bu imolai maqbul ("yoqimli",qabul qilingan) imola hodisasiga misol bo'ladi.

2-jadval

Nav	ba	hor	o	chil	di	gul	lar	sab	za	bo'l	di	bo	**g'(i)**	lar
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Suh	bur	ay	lay	lik	ke	ling	lar	jo'	ra	lar	o'r	to	**q(i)**	lar
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

Muqimiy uning "Surating" g'azali vazni qiyidagicha. Uni jadvalda shunday ko'rsatishimiz mumkin.

3-jadval

[32]Zohidova D.Aruz saboqlari.T.:Mumtoz so'z.-2016.34-35-bet.

Mum	**ki**	**n+o'l**	sa	ko'r	mo	g'im	ey	sar	vi	ra'	no	su	ra	ting
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	I	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun
Ay	la	sa	chash	mim	a	ro	mar	dum	ka	bi	jo	su	ra	ting
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	I	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lo	tun	Fo	i	lun

"Arzimni aytay..."g'azali aruzning eng ohangdor vaznlaridan bo'lgan mutaqoribi bahrida yozilgan. O'qituvchi mazkur asarning matni ustida ishlashga o'quvchilarni jalb qilar ekan, albatta, darslikda berilgan she'rni uyda mustaqil o'qib kelishlari tavsiya qilinadi.

Badiiy asar matni ustida ishlashning talablaridan biri asar vazni to'g'risida ma'lumot berish hisoblanadi. O'qituvchi asar vazni bilan bog'liq ishga kirishar ekan o'quvchilarga **mutaqoribi musammani maqsur**, **mutaqoribi musammani aslam** bilan barmoqdagi 2-3-2-3 ko'rinishidagi turoqlarning o'zaro yaqinligini aniq misollar yordamida ko'rsatadi. Quyidagi misralarni bo'g'inlarga ajratib chiqishlarini topshiriq sifatida beradi. Bunda o'quvchilarning 11-sinfda olgan bilimlariga tayanadi.

O'quvchilar vazifani quyidagicha bajarishlari mumkin.

Ne-cha za-mon-dur-ko'z-ga- ni-hon-dur, **10 bo'g'in**

Har- kim yo-mon-dur sol-dim xu-do-ga **10 bo'g'in**

Ushbu baytlar tahlilini o'quvchilar o'qituvchi bilan hamkorlikda bajarishlari hamda proektor orqali oldindan tayyorlangan quyidagi matnni o'qish bilan o'zlari bajargan topshiriqning to'g'ri yoki xato ekanligini bilib olishlari mumkin:

"Baytda sakkizta rukn borligi ko'rinib turibdi. Ularning miqdori har bir misrada to'rtadan. Ruknlar ochiq bo'g'in bilan boshlanyapti. Aruzda ochiq bo'g'inlar ko'pincha qisqa hisoblanadi. Qisqa bo'g'in (**V)** belgisi bilan ifodalanadi. Demak, **cha-, za-,ga-, ni-, yo- , xu-** bo'g'inlari qisqa ekan. Boshqa barcha bo'g'inlar undosh tovush bilan tugagan. SHunga ko'ra ular yopiq (cho'ziq) hisoblanadi. YOpiq bo'g'inlar uchun – belgisi olingan. Demak, ruknning umumiy ko'rinishi - -**V** - -- - **V**- - shaklida bo'ladi. Misralarning birinchi va uchinchi ruknlari - - shakliga ega. Chunki ular boshqa ruknlardan bir bo'g'inga farq qiladi hamda ochiq bo'g'inlarning uzun o'qilish imkoniyati ham mavjud. Shunga ko'ra ular uzun hijo o'rnida ham kela oladi. O'qituvchi mutaqoribi musammani aslam vazni haqida tushuncha berib o'tadi.

O'quvchilarning tushunishi oson bo'lishi uchun ushbu vaznning jadval shaklida aks ettirilishi maqsadga muvofiq deb bildik.

4- jadval

Mutaqoribi musammani aslam									
Ar	zim-	ni	ay	tay-	bo	di-	sa	bo	g’a
-	- //	**V**	-	- //	-	- //	**V**	-	-
Fa’	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun //**	**fa’**	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun**
Sho	yad	ga	pur	gay	ul	gul	qa	bo	g’a
-	-	**V**	-	-	-	-	**V**	-	-
Fa’	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun //**	**fa’**	**lun //**	**fa**	**uv**	**lun**

Jadvalning ikkinchi ko’rinishi quyidagicha bo’lishi mumkin.

5-- jadval

Bo’g’inlar tartibi	**1**	**2**	**3**	**4**	**5**	**6**	**7**	**8**	**9**	**10**			**Bo’g’in-lar soni**
Misralar tartibi													
1	O	him	e	shit	may	do	dim	g’a	yet	may			10
2	Bir	ta’	si	ret	may	ket	ti	ha	vo	g’a			10
	-	-	**V**	-	-	-	-	**V**	-	-			
	Fa’	**al**	**Fa**	**uv**	**lun**	**Fa’**	**al**	**Fa**	**uv**	**lun**			**10**

O’quvchilarga mana shunday namunalarning ketma-ket berilishi, eng muhimi, ularda tahlillarning sodda va qulay yo’llari tanlanganligi o’quvchilar tomonidan mutaqorib vaznining oson o’zlashtirilishiga imkon yaratadi. Albatta, o’quvchilar mustaqil ravishda bu bilim va ko’nikmalarga ega bo’lishi qiyin. Buning uchun o’qituvchining aralashuvi – ko’mak va izohlari kerak bo’ladi. Aruz vazni har bir qo’llanishda o’ziga xoslik kasb etishini nazarda tutib, alohida olingan misollar ustida ishlashga to’g’ri keladi. O’qituvchi ana shu namunalarga tayanib turib o’quvchilarni mustaqil ravishda boshqa misollarni tahlil qilishiga yo’naltirishi ularni aruz vaznida yozilgan asarlarni o’qishga bo’lgan rag’batlarini oshiradi.

O’qituvchi o’quvchilarning yodlariga “Moskovchi boy ta’rifida” hajviy she’ri mutaqorib bahrining tarmog’ida yozilganligini eslatganidan so’ng har bir o’quvchiga asardagi namunalar yozilgan kartochka (tarqatma material)lar alohida-alohida tarqatadi. Tarqatma materiallarda asarining tarmoq ko’rinishlariga misollar yozilgan bo’ladi. Masalan, bir o’quvchiga beriladigan topshiriq quyidagicha bo’lishi mumkin:

Hikoyat qilay, turfa davron ekan,
Xaloyiq hama mahv-u hayron ekan,
Chiqib yangi moskovchidin boylar,
Sinar o'tmayin ba'zisi oylar.
Xususanki eshoni Hodixo'jam,
Yo'q og'zida qarzini vahmida nam.

O’quvchilar topshiriqni yozma bajaradilar. Ulardan yuqoridagi she’riy parchada berilgan ochiq bo’g’inlarni daftarlariga yozishlari talab etiladi. Topshiriqni taxminan quyidagicha bajarishlari mumkin: **hi, ko, qi, fa, e, xa, ha, ma, chi, gi, chi,xu,su, ki, sho,ni, Ho,di,xo’,zi,da, mi,da** tarzida ochiq bo’g’inlarni yozib chiqqanliklari o’qitvchi tomonidan tekshiriladi. So’ngra misradagi har bir so’zni bo’g’inga ajratib yozib chiqqanlaridan so’ng esa **fauvlun** ruknining shakliga mos holda ochiq va yopiq bo’g’inlarni aniqlaydilar. **Fa**

(ochiq bo'g'in) bo'lib quyidagi "V", **uv-lun** (yopiq bo'g'in) hisoblanib "-" belgisi bilan ko'rsatiladi. O'qituvchi tomonidan o'quvchilarning topshiriqni to'g'ri bajarishlari nazoratga olib boriladi. Bu usul o'quvchilarga ham qo'l keladi. Ushbu vaznning ifodasini o'qituvchi ko'rsatganidek jadval shaklida berish maqsadga muvofiq ko'rinadi.

Misoldagi baytlarda barcha so'zlar ruknlarga bekamu ko'st uyg'unlashganligini tekshirish uchun jadvaldan foydalanish ularning orasida bo'g'inlarning cho'ziq-qisqaligini ifodalovchi belgilarning ham qo'yib ketilishi, o'quvchilarning mutaqorib vaznini o'zlashtirishga oid harakatlarini osonlashtiradi. Ayni paytda ular bo'g'inlarning ochiq va yopiqligi, ularning **(V)** qisqa yoki **(-)**. cho'ziqligini aniqlashni ham bilib oladilar, bu boradagi ko'nikma va malakalari ortadi. Nazarimizda, o'quvchilarga avval vaznning solim ko'rinishini topshiriq qilib berib, undan keyin uning zihofli ko'rinishlariga o'tish nazariy jihatdan to'g'ri va amaliy jihatdan oson bo'ladi . Topshiriq shartiga ko'ra o'quvchilar bo'g'in va hijolar miqdorini aniqlab, taqte'ni to'g'ri qo'yishlari hamda ularning rukn hosil qilishdagi ishtirokini aniqlashlari kerak bo'ladi. Buning uchun o'qituvchi 5-8 daqiqa vaqt beradi. O'quvchilardan biri o'z bajargan ishini quyidagicha izohlab beradi:

"Mazkur misolimizda "Yo'q" so'zidagi "q", "og'zi" so'zidagi "og` " bo'g'ini bilan bitta hijoni hosil qila olishi uchun keyiingi ruknga o'tgan. Boshqa o'rinlarda so'zning oxiri bilan ruknning tugashi to'la mos keladi. So'zning bo'linishi oltinchi misradagi "erdi" hamda ikkinchi misradagi "og'zi so'zlarida uchraydi. Aniqrog'i, "yo'q" so'zidagi "q" tovushi bilan "og'zi" dagi "og`" o'zidan oldingi hijoga birlashib bitta ruknni ya'ni fauvlun ruknini tashkil etgan". O'qituvchi o'quvchilarning yo'l qo'ygan xato va kamchiliklari bo'lsa tuzatadi, qo'shimcha izoh kerak bo'lsa beradi. "Moskovchi boy ta'rifida" asarining vaznini o'rgatishga ajratilgan darsni shu tarzda tashkillash o'ylaymizki, o'quvchilarda aruz vazni bo'yicha ko'nikma hosil bo'lishiga to'rtki bo'ladi.

6-- jadval

1.	Hi	ko	yat	qi	lay	tur	fa	dav	ron	e	kan		11
2.	Ha	lo	yiq	ha	ma	mah	vu	hay	ron	e	kan		11
	✔	-	-	✔	-	-	✔	-	-	✔	-		**11**
	fa	**uv**	**lun**	**fa**	**uv**	**lun**	**fa**	**uv**	**lun**	**fa**	**ul**		**11**

O'qituvchi o'quvchilarning vazifani bajarishlariga qarab qo'shimcha topshiriqlar ham berishi ham mumkin.

"Loy" she'ri aruzning ramal bahrida yozilgan. She'rning 1,2,4,5,6,8,9,10,12,13,14-misralari ramali musammani maqsur ruknida hamda 3,7,11-misralari ramali musammani mahzufda yozilgan[4. B-43]. Shoir "Loy" she'rida Qo'qon shahrining ko'chalarini o'sha davrdagi qiyofasini o'quvchi ko'z o'ngida gavdalantiradi. Ularda bugungi Qo'qon bilan Muqimiy she'rida tasvir etilgan shahar ko'chalarini qiyoslash imkoniyatini beradi hamda o'zlari yashab turgan shahardan faxrlanish tuyg'usini shakllantiradi. O'quvchilarga ramal bahrining mahzuf va maqsur ko'rinishlari misollar yordamida tushuntiriladi.

7-- jadval

Ko'	**cha**	**ga**	**chiq**	**moq**	**qa**	**le**	**kin**	**sax**	**t(i)**	**xay**	**ron**	**qil**	**di**	**loy**
Qor	**yo**	**g'ib**	**qay**	**tar**	**ba**	**hor**	**er**	**di**	**zi**	**mis**	**ton**	**qil**	**di**	**loy**
-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	-	-	-	V	~
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
Bar	fu	bo	ron	us	ti	ga	tin	may	yo	g'ib	bo'l	g'o	ni	**g'a**
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lun**

"Axtaring" radifli g'azalda shoir aruzning ramal bahriga yana murojaat qiladi. She'r ramali musammani maqsur hamda ramali musammani mahzuf vaznida yaratilgan. Bir she'rda mahzuf va maqsur ruknlari birdek qo'llanilaveradi. Keltirilgan misollarning beshinchi misrasi ramali musammani mahzuf ko'rinishiga ega.

8-- jadval

Kim	sa	bil	may	dur	ma	ni	no	m-u	na	sab	qil	sang	hay	ron
Lo	la	yang	lig'	do	g'i	g'am	ga	mub	ta	lo	deb	ax	ta	ring
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
Lay	li	top	g'il	de	sa	lar	Maj	nu	ni	sar	gar	do	ni	ning
Ko'z	la	ri	ning	yo	shi	dur	ran	gi	xi	no	deb	ax	ta	ring
Fo	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lo**	**tun**	**Fo**	**i**	**lon**
-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-	-	-	**V**	-

"Aroba" she'ri vazni quyidagicha:

Muzore' musammani axrabi solim

9-jadval

Bo	zo	r(i)	chiq	may	en	di	zin	hor	a	ro	ba	qur	sin
To	kel	ga	ning	cha	ay	lar	bo	zor	a	ro	ba	qur	sin
-	-	**V**	-	**V**	-	-	-	-	**V**	-	**V**	-	-
maf	**uv**	**lu//**	**fo**	**i**	**lo**	**tun//**	**maf**	**uv**	**lu//**	**fo**	**i**	**lo**	**tun**

Bu vazn hazaj bahrining tarmoq ko'rinishi bo'lgan **"mafuvlu"** hamda ramal bahrining solim rukni **"foilotun"** ruknining takroridan hosil bo'lganligi o'qituvchi tomonidan o'quvchilarga yetkaziladi.Muqimiy asarlarining vaznini shu tarzda tashkillash o'ylaymizki, o'quvchilarda aruz vazni bo'yicha dastlab ko'nikma hosil bo'ladi, so'ngra ko'nikmalar malakaga aylanadi. O'quvchilar mustaqil ravishda o'rgangan mumtoz adabiyot namunalarining vaznini topishga odatlanadilar.

Foydalanilgan adabiyotlar:

11. Adabiyot. Umumiy o'rta ta'lim maktablarining 8-sinfi uchun darslik.T.: G'afur G'ulom nomidagi nashriyot-matbaa ijodiy uyi. 2019. B.57-60.
12. Hojiahmedov A. Furqat aruzi. Furqat ijodiyoti. –T.: Fan, 1990.–B. 83.
13. Hojiahmedov A. Maktabda aruz vaznini o'rganish.-T.: O'qituvchi.-1995.
14. Hojiahmedov A.Maktabda o'rganiladigan mumtoz she'riyatning vazn ko'rsatkichlari.-T.: Sharq.-2001.
15. Karimov Q. Ilk badiiy doston. T.: Fan nashriyoti.-1976.B.20-21.
16. Qodirov V. Umumta'lim maktablarida o'zbek mumtoz adabiyoti namunalarini o'qitishning ilmiy-pedagogik asoslari. Ped.fan. (DSc) dok. diss.avtoreferati.- Namangan.: 2019. -B.17-18

17. Qodirov V.Mumtoz adabiyot: o'qitish muammolari va yechimlar. T.:Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston Milliy kutubxonasi.-2009.B.86.
18. To'xliyev B. va boshqalar. Adabiyot. II kitob. Akademik litseylar uchun. – T.: BAYOZ, MChJ. 2018-yil.
19. To'xliyev B.Yusuf Xos Hojib va Navoiy. T.:-Matbaa tongi.MCHJ nashriyoti.-2001
20. Zohidova D.Aruz saboqlari.T.:Mumtoz so'z.-2016

ИННОВАЦИОННЫЕ МЕТОДЫ ПРЕПОДАВАНИЯ РУССКОГО ЯЗЫКА И ЛИТЕРАТУРЫ

Абдурахманова Дильбар Абдулхамидовна
Наманганский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры "Узбекский язык и литература"

Аннотация: *В данной статье рассматривается использование инновационных методов и приемов в преподавании русского языка и литературы. Инновационные методы и технологии применения методов поясняются с помощью примеров.*
Ключевые слова: *русский язык и литература, система образования, метод, методология, технология, методы.*

RUS TILI VA ADABIYOTI FANINI O'QITISHNING INNOVATSION USULLARI

Abduraxmanova Dilbar Abdulxamidovna
Namangan muhandislik-texnologiya instituti
"O'zbek tili va adabiyoti" kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya*: Ushbu maqolada rus tili va adabiyoti fanini o'qitishda innovatsion usul va metodlardan foydalanish masalasi ko'rib chiqilgan. Innovatsion usullar va metodlarni qo'llash texnologiyalari misollar yordmida tushuntrib berilgan.*
Kalit so'zlar: *rus tili va adabiyoti, ta'lim sisitemasi, metod, metodologiya, texnologiya, usullar.*

INNOVATIVE METHODS OF TEACHING RUSSIAN LANGUAGE AND LITERATURE

Abdurahmanova Dilbar Abdulxamidovna
Namangan Institute of Engineering and Technology
Teacher of the department "Uzbek language and literature"

Annotation: *This article discusses the use of innovative methods and techniques in teaching Russian language and literature. Innovative methods and techniques of application of methods are explained with the help of examples.*
Keywords: *Russian language and literature, education system, method, methodology, technology, methods.*

The concept of modern education determined the goal of the teacher's professional activity - to form students' ability to successfully socialize in society, actively adapt to the labor market. The consequence of this is the development of innovative technologies in

training. Innovative methods are characterized by a new style of organizing educational and cognitive activities of students. Modern teachers recognize that in the development of creative abilities, intellectual activity, the maximum opportunities are represented by the technology of problem education. A significant contribution to the disclosure of the problems of intellectual development, problem and developmental education was made by N.A. Menchinskaya, P.Ya. Galperin, N.F. Talyzina, T.V. Kudryavtsev, Yu.K. Babansky, I.Ya. Lerner, M . I.Makhmutov, A.M. Matyushkin, I.S. Yakimanska, A.K. Mynbaeva, Z.M. Sadvakasova.In general, we can talk about two groups of strategies: directly affecting learning and contributing to learning.

The first may include:

- cognitive strategies that students use to make sense of the material,
- memorization strategies - to store it in memory,
- compensatory strategies - help to cope with difficulties arising in the process of communication.

Among the second are strategies related to creating the conditions for learning and helping to overcome psychological difficulties in mastering the language.In recent decades, in connection with the development of modern educational technologies, audio and video recordings, computer programs, and distance learning have been widely introduced into the educational process. Information technology enriches the educational process in many fields of knowledge, in the most diverse learning conditions and at all its levels. This fully applies to the teaching of foreign languages, especially abroad, where direct contact with the language being studied is limited.In the framework of this technology, the student really becomes an active subject of the educational process, independently owning knowledge and solving cognitive tasks.

The purpose of such techniques is to activate, optimize, and intensify the process of cognition. Innovative learning involves the mandatory inclusion of students in activities, collective forms of work, exchange of views. Features of innovative learning are:

- work in advance, anticipation of development;
- openness to the future;
- focus on personality, its development;
- mandatory presence of elements of creativity;
- partnership type of relationship: cooperation, co-creation, mutual assistance, etc.

Innovations in education are called innovations, innovations in the content of education, in the forms and methods of training, in the relations “teacher - student”, the use of information technologies of training, the introduction of new equipment, in the organization of the educational process, its management, etc.Innovative technologies make it possible to realize one of the main goals of teaching the Russian language and literature - to give the opportunity to move from studying the subject as a systemic-structural education to studying it as a means of communication and thinking, and transfer educational and cognitive activity to a productive and creative level.

In the lesson, promising methodological methods should be applied for the development of students' creative abilities: clusters, insert (for independent study of theoretical material), filling out tables, two-part diary, reading with stops, joint search, cross-discussion, round table; apply TRIZ elements (technologies for solving inventive

problems): “Surprise!” (when getting acquainted with the biography of the writer), “Catch a mistake!”; classical lecture training, training with the help of audiovisual technical means, tests, project method (classes on “Literary study of local lore”). Use of design technology: will increase and deepen the interest of children; will develop students' creative abilities by forming competence in the field of independent cognitive activity, familiarizing with reading, developing curiosity, broadening one's horizons), critical thinking; It will help schoolchildren acquire skills for working with a large amount of information, research skills (to see a problem and to outline ways to solve it), and communication skills (work in groups). Interaction with the group in and out of classes, ensuring cooperation of students in the lesson, the humanities teacher is obliged to create an atmosphere of trust, mutual respect between the teacher and students, to involve students in active independent activities. It is possible to carry out group work at lessons-offsets, which contributes to the education of collectivism, conditions are created for the disclosure and manifestation of individual characteristics of students. In addition, in such a lesson, an atmosphere of student-student cooperation will be created, and the participation of consultants and assistants at the verification stage will provide teacher-student cooperation.

In order to develop interest in the Russian language and literature, historical, etymological references that may interest children should be included in the lesson: play “Make a Word”, “Third Extra”, “Translator”, “Scrabble”, “Collect a Proverb”, “Web of words”, etc., use creative experiments, the method of projects, non-standard lessons, competitions, olympiads.

In a modern (informational‖) society, one of the rapidly developing methods and causing great interest on the part of students is the use of Internet resources as an innovative approach to learning. The idea of using the Internet in education is not new. Since the beginning of the 1990s, national and international computer networks have been widely used for educational purposes in the framework of various educational approaches. Both students and teachers were able to exchange information in a mode independent of time and place. New digital technologies have freed the human mind for more creative tasks, which contributes to the development of personality. This allows students to interact creatively with both classmates and the teacher.

The Internet can be considered as a “means of production”, including in the educational process. It is used both as an inexhaustible source of information and as a new communicative environment in which it is possible to organize educational work in a new way. The Internet allows you to organize a real, mobile information environment in which you can not only draw information, but also solve many other communicative tasks. Its use helps to increase students' motivation, because if the Internet is used during class and individual lessons, modern students get the opportunity to immerse themselves in the familiar information environment. On the Internet for educational purposes, resources of various sizes are used - from web pages with interesting educational materials (often test ones) to voluminous projects for full-fledged, from the point of view of compilers, distance learning.

- The teacher, using the Internet, can update the material of his own textbooks;
- find additional information;

- self-control;
- materials;
- post training information;
- develop interactive training to apply various forms of control and organize feedback;
- make contacts between different members of the group; work with hypertexts, audio and video files and blogs.

It is especially good to use Internet communication with students of universities in foreign countries when studying the classics of Russian literature, which causes great interest among foreign youth. This allows students to consider the meaning of the work from different angles. The Internet allows you to implement various methods, provide methodological developments, diversify the educational process, make it more attractive, take into account the needs and interests of the subject of training, its level of training, quickly and purposefully monitor the work of students, and effectively manage it. Speaking about the shortcomings of working with the use of the Internet, researchers mention as the main isolation of educational materials on themselves (inability to access a live network). This drawback can be overcome by directing students to specific segments of the Internet related to the topics being studied.

Even Alexander Adamsky argued that: “Only a naive or misguided person can believe that innovative pedagogy is a universal substitute for traditional teaching methods.” This problem can be solved in the following way. It is necessary that traditional and innovative teaching methods be in constant interconnection and complement each other. These two concepts must exist on the same level. An innovative approach to learning allows you to organize the learning process in such a way that a child’s lesson is a joy and benefits, not just turning into a fun or game. And, perhaps, precisely at such a lesson, as Cicero said, “the eyes of the one who hears the eyes of the speaker will light up.” What is “innovative learning” and what are its features?

The definition of “innovation” as a pedagogical criterion is common and comes down, as a rule, to the concept of “innovation”, “novelty”. Meanwhile, innovation in the exact translation from the Latin language does not mean “new”, but “into new”. It is this semantic meaning that J. Botkin put into the term “innovative” at the end of the last century. He outlined the main features of the "didactic portrait" of this method, aimed at developing the student’s ability to self-improvement, independent search for solutions, to joint activities in a new situation.

Using the technology of critical thinking development in my work, I consider the most acceptable for myself such techniques as discussion (from lat. - research, analysis, discussion of any issue).Discussion is one of the most difficult forms of speech, for which mastery is required preliminary preparation with speech stamps that help the guys to express their thoughts. This technique is especially effective in literature lessons when discussing and analyzing a work of art. Group discussion can be used both at the challenge stage and at the reflection stage. Moreover, in the first case, its task is to exchange primary information, identify contradictions, and in the second, it is an opportunity to rethink the information received, to compare one’s own vision of the problem with other views and positions. The form of group discussion contributes to the

development of dialogic communication, the establishment of independent thinking. I also find effective in some lessons reading with stops and Bloom's questions (the conditional name of the methodical method of organizing reading using different types of questions). Non-traditional lessons also contribute to the development of critical thinking, which can increase the student's interest in both the subject and learning in general. I see creativity in such lessons not in entertainment, but in the selection of such tasks, such didactic material, which, due to its novelty, unusual presentation (travel, meeting, competition, game, etc.), causes surprise, activates the student's attention and thinking. In an unusual situation, the child engages in activities, cooperation with the teacher, while creating a positive emotional background, the intellectual and volitional spheres begin to function actively, knowledge is more easily acquired, and skills and abilities are formed more quickly. This is facilitated by the creation of conditions for non-standard lessons to mobilize creative reserves of both the teacher and the student. Preparation for non-traditional lessons is carried out very carefully, and this, as a rule, requires a lot of time and effort on the part of the teacher and the student.

In my practice, I most successfully use several non-traditional forms of the lesson: a workshop, a quiz, research, travel, dialogue based on a problem situation, a business game, a test. The choice depends on several conditions: firstly, I take into account the age characteristics of students, and secondly, the objectives, goals, content of training in connection with the topic being studied.

For example, a lesson-seminar has a repeat-generalizing character. It contributes to the formation of a scientific style of speech, self-esteem of their own statements, is an effective form of control and self-control, the guys learn to work independently, to use scientific literature. The basis of the content of the lesson-workshop is theory. The leading goal is the formation of theoretical thinking, which will allow students to independently select, study information and put their knowledge into practice. In accordance with the tasks of repeating sections, seminars can be organized on the following topics: "Word composition and word formation", "Morphology. Independent and service parts of speech ","" Punctuation of a simple sentence ", etc.

The lessons of such a plan require careful preparation of both the student and the teacher. The educational and educational value of the seminars is undeniable. It consists, first of all, in that students learn to work independently with scientific literature, build their performances in accordance with the proposed plan, and this prepares students for study at the university. One of the modern requirements for a lesson in Russian is working with text. In this regard, I use a form of lesson such as research in my work. In the title "lesson – research" the main task is viewed - the study of language material based on texts. When preparing for such a lesson, special attention should be paid to the choice of text. The text should be highly artistic, and it is necessary to take into account both the age characteristics of the students and the volume of the material studied. It is advisable to use texts of different authors united by a common theme, texts of different styles and types of speech for analysis, in order to subsequently conduct a comparative and comparative analysis.

In such a lesson, the teacher faces the task: to study the language of a literary text "under a linguistic microscope" and at the same time not to deprive a work of art of its

poetic charm and integrity. As a rule, before such a lesson, I familiarize myself with a work in a literature lesson so that they have an idea of the work as a whole. With all the diversity and effectiveness of non-traditional lessons, they can often not be used for a number of reasons. But you really want every lesson to be special, with its own "twist".

Therefore, I often resort to non-standard, creative elements of a separate traditional lesson. This is a lexical dictation or dictation - a crossword puzzle, as the guys call it, and making riddles in the lesson, and a commentary letter or warning dictations with a "car driver", and a task of the type "find the excess, which instills the ability to synthesize and interpret information. The main thing is that the children had no time to be bored in the lesson, that they would like to work, study, and this is important for the situation of success, which, as a rule, is created by non-standard lessons or elements of lessons, and the independence that children learn from such lessons, and creative attitude to the Russian language, which is brought up only in creative lessons.

References:

9. Логвина И., Мальцева-Замковая Н., Рождественская Л. Есть «Надежда»! Итоги сетевого образовательного проекта. Русский язык за рубежом.
10. Мировые образовательные технологии: основные тенденции, проблемы адаптации и эффективность. Материалы республиканской научно- методической конференции, 25-26 апреля, Алматы.
11. Шермухамедова, Н. А. (2019). ИННОВАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ, КУЛЬТУРЫ И НАУКИ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. In ДИАЛОГ КУЛЬТУР И ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ ЭПОХИ (pp. 459-464).
12. Shermuhamedova, N. A. (2018, July). Interrelation and Interdependence of Classic and Non-classic Epistemology. In Proceedings of the XXIII World Congress of Philosophy (Vol. 75, pp. 203-207).
13. Шермухамедова, Н. А. (2015). Педагогическая деятельность в фомировании поликультурного мировоззрения. In Диалог культур: социальные, политические и ценностные аспекты (pp. 594-596).

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЎҚУВ ЖАРАЁНИДА ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ (Ўзбекистон мисолида)

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна, Ўзбекистон Миллий университети докторанти (DSc), фалсафа фанлари номзоди.

Аннотация: *Мақолада олий таълим ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши таҳлил қилинган. Педагогик технологияларнинг самарали қўлланилиши олий малакали кадрларнинг рақобатбардошлигини оширувчи омил эканлиги асосланган. Мавзу юзасидан ўтказилган социологик сўров натижалари таҳлил қилинган ва аниқланган камчиликларни бартараф этишга оид хулосалар берилган.*

Калит сўзлар: *олий таълим, педагогик технологиялар, таълим сифати.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ПЕДАГОГИЧЕСКИХ ТЕХНОЛОГИЙ В УЧЕБНОМ ПРОЦЕССЕ ВЫСШЕГО ОБРАЗОВАНИЯ (в примере Узбекистана)

Аллаярова Солиҳа Нарзуллоевна, докторант (DSc) Национального университета Узбекистана, кандидат философских наук.

Аннотация: *В статье анализируется использование педагогических технологий в учебном процессе вузах Узбекистана. Обосновано эффективного использование педагогических технологий как фактор предоставляющий конкурентоспособности выпускников вузов. Анализировано результаты проведенного социального опроса и разработано предложении устранении определенных недостатков и проблем в учебном процессе.*

Ключевые слова: *высшее образования, педагогические технологии, качество образования.*

USE OF PEDAGOGICAL TECHNOLOGIES IN THE TEACHING PROCESS OF HIGHER EDUCATION (in the example of Uzbekistan)

Allayarova Solikha Narzulloevna, doctoral candidate (DSc) National university of Uzbekistan, candidate of philosophical sciences.

Abstract: *The article analyzes the use of pedagogical technologies in the educational process of universities in Uzbekistan. The effective use of pedagogical technologies as a factor providing the competitiveness of university graduates has been substantiated. The results of the conducted social survey were analyzed and a proposal was developed to eliminate certain shortcomings and problems in the educational process.*

Key words: *higher education, pedagogical technologies, quality of education.*

Олий таълимдаги халқаро тенденциялар педагогик технологияларнинг талаб юқори бўлган малакали мутахассислар тайёрлашдаги аҳамияти қанчалик муҳим эканлигини кўрсатмоқда[33]. Бу жаҳондаги глобаллашув, фан ва технологияларнинг ривожи, қолаверса, ахборот кўламининг ортиши оқибатида вужудга келаётган нобарқарор ҳаёт тарзида битирувчиларнинг касбий кўникма (hard skills) ва мослашиш кўникмалари (soft skills)нинг қай даражада ўзлаштирилиши билан боғлиқ. Жаҳон тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, сўнгги йилларда олий таълим муассасаси (ОТМ)нинг рейтинги илмий натижаларнинг амалиётга қўлланилиши, фан ютуқларини иқтисодий ривожлантиришга самарали қўллай оладиган касбий ва мослашиш кўникмалари юқори бўлган битирувчилар билан боғлиқ[34]. Талабада касбий малака ва мослашиш кўникмалари ўқув жараёнида шаклланади, ривожланади. Саккиз семестр давомида танланган йўналиш давлат таълим страндартида белгилаб қўйилган билим, малака, кўникма ва компетенцияларни ўзлаштириш ОТМда ўқув жараёнини ташкил этишнинг бир қатор омилларига боғлиқ. Мақолада ана шу омиллардан бири – педагогик технологиялар, уларнинг ўқув жараёнига татбиқ этилиш даражаси, ютуқ ва

[33] UNESKO Education Strategy 2014-2021. Paris, 2014. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000231288

[34] The World University Rankings 2020: results announced. Times Higher Education (THE) https://www.timeshighereducation.com/news/world-university-rankings-2020-results-announced

камчиликларни таҳлил қилинади. Унда бирламчи эмпирик тадқиқотлар асосида олинган далиллар асосида таҳлил ва муҳокамалар тақдим этилган. Таҳлиллар индуктив хулосаларга олиб келган бўлиши мумкинлиги олдиндан айтиб ўтамиз.

Сўнгги йилларда ривожланган давлатлар қатори Ўзбекистонда ҳам ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг устувор йўналишларига ҳамда халқаро стандартлар талабларига мос келадиган олий таълим тизимини яратиш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Жумладан, 2020 йил 19 май куни "Таълим тўғрисида"ги қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Ундаги энг муҳим ўзгаришлар сифатида қуйидагиларни келтириш мумкин:

- таълим ва тарбияга миллий ҳамда умуминсоний қадриятларнинг сингдирилганлиги принципи киритилган;

- нодавлат таълим ташкилотлари томонидан умумий ўрта ва ўрта махсус таълимнинг амалга оширилиши мумкинлиги мустаҳкамланган;

-таълим олишнинг кундузги, сиртқи, кечки, инклюзив, экстернат, оилада таълим олиш, мустақил таълим олиш, шаклларига қўшимча масофавий, дуал, катта ёшдагиларни ўқитиш ва уларга таълим бериш кабилар кирилган.


Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида "Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, юқори малакали кадрларни тайёрлаш самарадорлигини ошириш"[35] вазифаси белгиланган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармонида олий таълимни ривожлантиришнинг узоқ муддатли стратегик вазифалари қаторида замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқиш[36] белгилаб қўйилган.

Олий таълим ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилишига оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган, диссертациялар ҳимоя қилинган, давлат ва нодавлат, халқаро грант лойиҳалари бажарилган. Зеро, фан-техника тараққий этиб борар экан, таълим технологиялари ундан ортда қолмаслиги лозим. Аслида тўғри ташкил этилган таълим жамият ривожланишининг асосий омил эканлиги барчага маълум.

Инновацион ривожланиш вазирлигининг Ўзбекистон Миллий университетида бажарилаётган ПЗ-20170929789-сонли лойиҳа доирасида республикамизнинг барча ҳудудларида жойлашган ОТМларида таълим соҳалари бўйича танлаб олинган жами 620 нафар талабадан социологик сўров ўтказилди (шундан 582 та сўров варақалари натижалари ҳаққоний деб баҳоланди).


[35] Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил., 6-сон, 70-модда.

[36] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5847-сонли Фармони. https://lex.uz/ru/docs/4545884




1-расм. Респондентлар ОТМ кесимида.

Таълим соҳалари бўйича респондентлар қуйидаги нисбатни ташкил этди:



2- расм. Таълим олиш соҳалари бўйича респондентлар нисбати.

Ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологиялардан фойдаланиш танланган йўналиш ва мутахассисликка оид билимларни ўзлаштиришга қандай таъсир қилади, деган саволга қуйидагича натижалар олинди:



3-расм. Талабаларнинг ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологияларидан фойдаланишга муносабати.

Ушбу саволга берилган жавоб соҳада муайян камчилик ва муаммолар борлигини кўрсатмоқда: респондентларнинг 4 фоизи ўқув машғулотлари давомида интерфаол метод ва педагогик технологиялар мутахассисликка оид билимларни эгаллашга салбий таъсир қилади, чунки бу воситалар талабани асосий билимни олишидан кўра кераксиз нарсаларга вақт сарфлашига олиб келади деган жавобни белгилаган. 582 та талабага нисбатан 4 фоиз 23 та талабани ташкил этади. Талабаларнинг бу хулосага келишига бир нечта таҳминий сабаблар мавжуд. Жумладан,

- *биринчидан,* ўқув машғулотларида профессор-ўқитувчилар томонидан қўлланилган интерфаол метод ва педагогик технологияларнинг касбий малака ва кўникмаларни ривожлантиришга хизмат қилувчи хусусиятлари талабага етарлича мақсадга мувофиқ етказилмаган. Бу эса, педагог-ўқитувчининг касбий маҳорати талаб даражасида эмаслигини билдиради.

- *иккинчидан,* ушбу жавобларни белгилаган талабаларнинг ўқув машғулотларига киришувчанлиги, ўзлаштириш фаоллигининг пастлиги ва профессор-ўқитувчи томонидан мақсадли қўлланилган илғор педагогик технологиялар моҳиятини тушуниб етмаганлиги билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин.


- *учинчидан,* респондентлар томонидан жавоблар автоматик тарзда белгиланган бўлиши мумкин.

19,8 фоиз билан белгиланган “интерфаол метод ва технологиялар таълим сифатини ошишига ижобий таъсир қилади, бироқ ўқитувчиларнинг ўзлари бу

воситалардан самарали фойдаланишда етарли тажриба ва маҳоратга эга эмас", деган жавоб ҳам олий таълим тизимида жиддий муаммолар борлигини билдиради. Деярли 20 фоиз талабалар дарс бераётган профессор-ўқитувчиларнинг педагогик маҳорати талабга жавоб бермайди деган фикрни билдирмоқда.

72,2 фоиз респондентлар ўқув жараёнида интерфаол метод ва педагогик технологияларидан фойдаланиш мутахассисликка оид билим ва малакаларни ривожланишига "ижобий таъсир қилади, интерфаол метод ва технологиялар талабаларни ижодий, образли фикрлашга йўналтира олади", - деган жавобни белгилаган. Бу кўрсатгич соҳада камчиликлар билан бирга ютуқлар борлигидан далолат беради.

Сиз таҳсил олаётган йўналишдаги мутахассислик фанларида педагогик технологияларни қўллаш даражасини қандай баҳолайсиз, деган саволларга респондентлар қуйидагича жавоб берган:




4-расм. Мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан фойдаланиш кўрсатгичи.

Мутахассислик фанларини ўқитишни ҳар тарафлама – ташкилий, ўқув – методик, илмий жиҳатдан юқори даражада олиб бориш ОТМнинг асосий вазифаларидан биридир. Бироқ шунга қарамай сўров натижаларида айрим ОТМ талабалари ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилишини кузатмаганлигини қайд этган (1,2 фоиз). Шу билан бирга, педагогик технологияларнинг қўлланилиши паст даражада (10,5 фоиз) ва жавоб беришим қийин (9 фоиз) деган жавоблар ҳам айрим ОТМларда ўқув жараёнининг талаб даражасида ташкил этилмаётганлигини кўрсатади. Дарс машғулотларида педагогик технологияларнинг ўз ўрнида қўлланилиши кўп жиҳатдан профессор-ўқитувчининг

касбий маҳорати, ўз соҳасининг илмий асосларини чуқур билиши билан боғлиқ. Ахборот коммуникация технологиялари, яъни аудиториянинг моддий-техник таъминоти педагогик технологияларни қўллашнинг иккиламчи воситалари эканлигини ёдда тутиш лозим.

Респондентларнинг ярмидан кўпи мутахассислик фанларини ўқитишда педагогик технологиялардан ўртача (26 фоиз) ва яхши (43 фоиз) фойдаланиладиган деган жавобни белгилаган. Умуман олганда, олий таълимда мутахассислик фанларини ўқитишни тўлиқ ҳажмда таълим соҳаси учун самарали бўлган таълим технологиялари асосида ташкил этиш лозим. Чунки юқорида келтирганимиздек, битирувчиларнинг яхши кадр бўлиши мутахассислик фанларига оид билим, кўникма ва малакаларни ўзлаштириши, касбий компетенцияларни мустақил ривожлантира олиши билан боғлиқ. Бу сифатлар бевосита маъруза, амалиёт, семинар, лаборатория машғулотларида тўғри қўлланилган педагогик технологиялар асосида шаклланади.

ОТМ да таълим бериш даражасини яхшилаш учун қуйидагилардан қайси бирларини таклиф этасиз деган саволга қуйидагича жавоб берилган:



5-расм. ОТМ да таълим бериш даражасини яхшилаш омиллари.

Юқоридаги натижалар сўров ўтказилган ОТМларда талабалар илмий манбалар, ўқув адабиётларига бўлган эҳтиёжнинг қондириши ҳамда ўқув жараёнига интернет имкониятларидан самарали фойдаланиш механизмларини татбиқ этилишини таълим сифатини ошириш омиллари сифатида баҳоламоқдалар. Шунингдек, ўқув машғулотларида тўғри қўлланилган педагогик технологиялар ҳам ўқитиш самарадорлигини ошириш воситасиларидан бири деб эътироф этилган.

Хулоса қилиб айтганда, мавзу доирасида олиб борилган тадқиқот натижалари олий таълим ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши бўйича халқаро замонавий тенденцияларнинг илғор хусусиятларини миллий таълим тизимига татбиқ этилиши мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатмоқда. Хусусан,

-келажакда таълим субъектлари ўз-ўзини ривожлантиришга онгли ёндашишлари лозим (талаба илм ва касб ўрганиш – ўзи учун зарур эканлигини англаб етмагунча тизимда ижобий ўзгаришлар содир бўлмайди);

-узлуксиз таълимнинг барча босқичларида фаолият юритаётган профессор-ўқитувчиларнинг касбий малакалари билан бирга АКТ компетенцияларини замон талабларига жавоб бера оладиган даражага кўтариш лозим;

-ўқув жараёнини ташкил этишда талабаларнинг мустақил таълим машғулотларини бажаришнинг ахборот-методик таъминотини кечиктирмасдан талаб даражасида ташкил этиш зарур (жорий ўқув йилидан кредит-модуль тизимига ўтаётган бир вақтда, ўқув юкламасининг нисбатан кўп қисмини ташкил этадиган мустақил таълимни ташкил этиш бўйича олий таълимда фаолият юритаётган барча профессор-ўқитувчиларда етарли тасаввур, тажриба, малака мавжуд деб айта олмаймиз).

Умуман олганда, Ўзбекистонда олий таълим тизимида ўқув жараёнини ташкил қилишда педагогик технологияларни амалиётга кенг ва самарали татбиқ қилишни кучайтириш давр талабидир.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4358-сонли Қарори. https://lex.uz/ru/docs/4380624
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони. https://lex.uz/ru/docs/4545884
3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси. 24.01.2020 йил. http://uza.uz/oz/politics/zbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyeevning-oliy-25-01-2020
4. UNESKO Education Strategy 2014-2021. Paris, 2014. https://unesdoc.unesco.org/ark:/48223/pf0000231288
5. The World University Rankings 2020: results announced. Times Higher Education (THE) https://www.timeshighereducation.com/news/world-university-rankings-2020-results-announced
6. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил., 6-сон, 70-модда.
7. Джураев Р.Х. Таълимда интерфаол технологиялар. –Т.: Сано-страндарт, 2010.
8. Allayarova Solikha Narzulloevna, Khusainova Firuza Tokhirovna, Akhrorova Zebo Bakhramovna, Sadikova Shoira Odeldjanovna, Sodikov Ulugbek Jurayevich (2020)

MODERN PEDAGOGICAL METHODS IN EFFECTIVE ORGANIZATION OF LESSONS. Journal of Critical Reviews, 7 (9), 129-133. doi:10.31838/jcr.07.09.24
9. Amanda Gilbert, Sandi Tait-McCutcheon & Bernadette Knewstubb (2020) Innovative teaching in higher education: Teachers' perceptions of support and constraint, Innovations in Education and Teaching International, DOI: 10.1080/14703297.2020.1715816

MAKTABGACHA TA'LIM MUASSASALARIDA GIMNASTIKA MASHGULOTLARIGA O`RGATISHNING AXAMIYATI .

Maxkamov AkmaljonYuldashevich
QDPI

Annotatsiya; *Maqolada maktabgacha ta'lim tashkiloti tarbiyalanuvchilarini hamda uzluksiz ta'limning keyingi bosqichida jismoniy tarbiyaning ahamiyati asosiy mazmuni va jismoniy tarbiyaning turlari, ularda bolalar uchun chaqqonlik harakatlari, muvozanat maxorati hamda o'zgarib turadigan sharoitlarga tez va oson moslashib ketishga mo'ljallangan mashqlar haqida ma'lumotlar keltirilgan.*

Kalit so'zlar*: Gimnastika, harakat, sport mashqlari, oddiy turizm, oddiy va murakkab mashqlar, sun'iy harakat, umumiy rivojlantiruvchi mashqlar, jismoniy yuklama, harakatlarni muvofiqlashtirish, ertalabki gimnastika.*

THE IMPORTANCE OF TEACHING GYMNASTICS IN PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS.

Maxkamov AkmaljonYuldashevich
KSPI

Annotation *In the article is informed aboute physical training in early stages pre-school education and also importance physical education, types of physical culture, skills, masteing of balanceand exerusers directed into adaptation movement fo changing circumstances.*

Keywords: *Gymnastics, action, sports exercises, Simple tourism, simple and complex exercises, artificialmovement, exercise that develops total, physical dowlands, coordination of actions, item gymnastics*

РОЛЬ ОБУЧЕНИЯ ГИМНАСТИЧЕСКИХ УПРАЖНЕНИЙ В ДОШКОЛЬНОМ ОБРАЗОВАНИИ

Махкамов Акмалжон Юлдашевич
КДПИ

Аннотация: *В статье представлена информация о важности физичского воспитания на ранних этапах дошкольного образования, а также о важности физического воспитания и видов физической культуры навыков ловкости, мастерства равновесия и упрожнений направленных на быстрю адаптацию к меняющимся обстоятельствам.*

Ключевые слова: *Гимнастика, действие, спортивнюе упражнения, просто туризм, комплексные упражнения, искусственные движения, упражнения, которое развивает общую, физических загрузок, координация действий, элемент гимнастики.*

Muxtaram birinchi prezidentimiz ta'kidlaganlaridek, nimani o'z oldimizga maqsad qilib qo'ymaylik, qanday buyuk ishlarni amalga oshirishga intilmaylik, barcha oliyjanob harakatlarimizning zamirida farzandlarimizning ham jismonan, ham ma'naviy jihatdan sog'lom qilib o'stirish, ularning baxtu-saodati, farovon

kelajagini ko'rish, dunyoda xech kimdan kam bo'lmaydigan avlodni tarbiyalash orzusi mujassamdir.

Xaqiqiatdan ham, mamalakatimizda barkamol avlod tarbiyasiga faqat ta'lim, sport yoki tibbiyot sohasining masalasi deb emas, balki barcha soha va tarmoqlar faoliyatini majmuali tarzda safarbar etishni taqozo etadigan ko'p qirrali, keng tarmoqli vazifa sifatida qaralmoqda.

Jumladan, bugungi kunda birinchi prezidentimiz g'oyasi asosida tashkil qilingan, dunyoda noyob tuzilma sifatida e'tirof etilgan "Bolalar sportini ruivojlantirish jamg'armasi"[1] faoliyati ham shu maqsadga qaratilgan.

Shu jumladan "Ta'lim to'g'risidagi qonun"[2], "Kadrlar tayyorlash milliy dasturi"[3] ning maqdsad va vazifalari shular qatorida. Bular qatorida Maktabgacha ta'lim tizimi bosh bo'g'in sifatida har tomonlama sog'lom va barkamol bola shaxsini tarbiyalash va maktabga tayyorlashda muhim ahamiyat kasb etadi.

Davlatimiz raxbari Sh.Mirziyoyevning ushbu so'zlari ham bugungi kunda ta'limga, qolaversa uning bosh bo'g'ini bo'lgan maktabgacha ta'lim sohasiga qaratilayotgan e'tiborning yuksakligidan dalolardir "Maqsadimiz kelgusi 3-4 yil ichida mamlakatimizdagi bog'cha yoshiadgi bolalarni maktabgacha ta'lim muassasalariga to'liq qamrab olishdan iborat va biz bunga albatta erishamiz"[4].

Jismonan barkamol, axloqan pok, estetik didli, e'tiqodli, sadoqatli, texnika ilmining zamonaviy asoslarini puxta egallagan, har taraflama ma'naviy yetuk, jismonan gormonik rivojlangan kishini tarbiyalash hozirgi kungacha davrimizning asosiy vazifalaridan biri xisoblanib kelinmoqda. Hozir ham bu dastur o'z axamiyatini yo'qotgani yo'q. U mamalakatimizda amalgam oshirilayotgan "Sog'lom avlod uchun" dasturining o'zagini tashkil etadi.

Shunday ekan maktabgacha ta'lim qolaversa uzluksiz ta'limning keyingi bosqichlarida ham jismoniy tarbiyaning axamiyati katta.

Bolalar bog'chasida jismomoniy tarbiyaning asosiy mazmunini ijsmoniy mashqlar tashkil etadi. Ular quyidagi jismoniy tarbiya turlaridan iborat bo'ladi: -gimnastika;

-harakatli o'yinlar;

-sport mashqlari;

-oddiy turizm;

[1]O'zbekiston Respublikasi Prezidentining farmoni. O'zbekiston bolalar sportini rivojlantirish jamg'armasini tuzush xaqida PF-3154. 2002.10.24

[2]O'zbekiston Respublikasi Qonuni. 1997.08.29

[3]O'zbekiston Respublikasi Qonuni. Kadrlar tayyorlash millit dasturi yo'g'risida. 1997.08.29

[4]Sh.M.Mirziyoyev O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining 26 yilligiga bag'shlamgan tantanali marosimdagi nutqi. 2017.08.31

Jismoniy tarbiyada oddiy va murakkab mashqlarning g'oyat xilma-xilligi, tabiiy va sun'iy harakatlartning qo'shilib ketishi buyumlarsiz, buyumlar bilan bajariladigan, jixozlarda bajariladigan mashqlarning mushtarakligi: shug'ullanuvchilar organizmiga umumiy, har tomonlama ta'sir o'tkazish bilan u yoki bu muskul guruhlarining ayrim joylariga ko'proq ta'sir ko'rsata olish imkoniyati: fiziologik yuklamani shug'ullanuvchilar organizmiga nisbatan aniq muvofiqlashtirish imkoniyatining mavjudligi gimnastikaning boshqa jismoniy mashqlardan farq qiladigan xususiyatlaridir. Shu tufayli gimnastika muvozanat saqlash va davolash axamiyatiga ega bo'lishi mumnkin. Bolalar bog'chalarida asosiy gimnastika bilan uning turlaridan biri bo'lgan gigiyenik gimnastikadan foydalaniladi. Asosan gimnastika sog'liqni mustaxkamlashga, organizmni rivojlantirish va chiniqtirishga, ish qobiliyatini oshirishga qaratilgan. Qaddi-qomatning noto'g'ri o'sishi va yassi oyoqlikni oldini olish gimnastikaning eng muhim vazifasi hisoblanadi.

Asosiy gimnastika vositalari xayotiy zarur harakatlarni bajarish malakasini shakllantirish va takomillashtirishga, asosiy harakat sifatini rivojlantirishga, shuningdek, hosil qilingan malakani amaliy faoliyatda: xayotda, o'yinda, mashg'ulotlarda qo'llay bilish maxoratiga erishiladi.

Bolalar bog'chasida o'tkaziladigan gimnastikaning o'ziga hos hususuyati bolalarni to'g'ri harakatlarga o'rgatishdan iborat. Bunda bolalar to'g'ri yurish maxoratini takomillashtirib boradilar, harakatlarni tarbiyachi talab qilgan sur'at maromda aniq, puxta bajarishga o'rganadilar, har bir bolaning harakati butun jamoaning harakati bilan muvofiqlashtirib boriladi. Gimnastika bolalarni uyushqoq va intizomli qilib o'stirishda katta axamiyatga ega.

Gimnastikaning mazmuni asosiy harakatlar, umumiy rivojlantiruvchi mashqlar, saflanish va qayta saflanish, raqs mashqlari tashkil etadi.

Mashqlar harakatlarning harakteriga ko'ra o'zgaruvchan va turg'un mashqlarga bo'linadi. Joyida harakat qilib bajarish bilan bog'liq bo'lgan mashqlar o'zgaruvchan mashqlarga kiradi. O'zgaruvchan mashqlarda harakatlar va muskullarning ishlashi tez-tez o'zgarib, mashqlar goh ko'p, goh kam kuch sarflangan holda bajariladi. Bu esa bolalarning harakat qilish apparatlarini rivojlantirish uchun ayniqsa yaxshi ta'sir ko'rsatadi. Turg'un mashgqlar esa muskul guruhlarining bir holatda uzoq vaqt zo'r berib turishiga asoslangan. Bu esa qon aylanishini, nafas olish a'zolari faoliyatini qiyinlashtirib qo'yadi.

Maktabgacha yoshdagi bolaning mushaklarida ish qobiliyati hali kuchsiz bo'lib, bolalar hadeb bir xil harakat qilaverishi natijasida tezda toliqib qoladilar. Mashqlarni tanlab ularning me'yorini belgilash vaqtida mana shularning hammasini hisobga olish kerak.

Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun chaqqonlikni rivojlantiradigan, harakatlarni muvofiqlashtirish mahoratini oshiradigan, o'zgarib turadigan sharoitlarga tez va oson moslashib ketishga mo'ljallangan mashqlar ko'piroq muvofiq keladi. Gimnastika, asosan, yirik muskul guruhlarining faol ishlashiga asoslangan harakatlar orqali amalga oshiriladi (uloqtirish, sakrash, tirmashish, cho'qqayib o'tirish, engashish va hakozolar). Biroq bolalarga ko'proq gavdaning ayrim bir qismiga, ayrim mushak, qon tomir guruhlariga ko'proq ta'sir qiluvchi ba'zi mashqlarni, masalan, tovon-to'piq muskullarini mustahkamlovchi mashqlar (oyoq uchlarida yurish, mayda buyumlarni oyoq uchi bilan bir joydan ikkinchi joyga olish, arqonni oyoq barmoqlari bilan tortish, yoki yig'ib olish kabi) bo'yin muskullarini mustaxkamlovchi mashqlar(boshni burish va engashtirish), qo'l barmoqlaridagi muskullarni mustaxkamlovchi (barmoqlarni bukish va yozish, halqa yoki tayoqni barmoqlar bilan aylantirish) mashqlari ham tavsiya etiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalar jismoniy yuklamadan tez charchab qoladilar, lekin ulardagi ish qobiliyati nisbatan tez tiklanadi. Shuning uchun mashg'ulotda jismoniy yuklama qisqa muddatli tanaffuslar bilan yoki muskullarni bo'shashtiruvchi mashqlar bilan tez-tez almashtirib turilishi maqsadga muvofiqdir.

Uch yoshdan yetti yoshgacha bo'lgan bolalar asosan, o'zlari kundalik hayotlarida foydalanadigan harakatlarni(yurish, uloqtirish, sakrash va shunga o'xshahs harakatlar) o'rganib oladilar. Biroq, xatto mana shu oddiy harakatlar ham ularda hali takomillashmagan bo'ladi: bu harakatlar xali yetarli darajada muvofiqlashmagan bo'lib, ularni aniq bajarmaydilar, ularning tezligi ham juda past bo'ladi. Maktabgacha yoshdagi bolalar uchun harakatlarning son va sifat jihatdan asta-sekin rivojlanib borishi harakterlidir.

Asosiy harakatlar. Yurish, yugurish, emaklash va tirmashib chiqish, uloqtirish va ilib olish, muvozanat saqlash mashqlari asosiy harakatlarga kiradi.

Asosiy harakatlarning o'z vaqtida rivojlanishi bolaning harakat qilish tajribasini boyitadi, unga o'z atrofidagi muhitda erkin harakat qilish imkonini beradi, o'z kuchiga ishonch hissini, faollik, dovyuraklikni tarbiyalaydi.

Asosiy harakatlar bolalarning jismoniy jihatdan har tomonlama rivojlanishiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi: muskullarni, paylarni, qon tomirlarni mustaxkamlaydi va rivojlantiradi, yurak-qon tomir hamda nafas olish sistemalari, ichki organlar va terining ishlashini yaxshilaydi. Agar asosiy harakatlar ochiq havoda o'tkazilsa, ularning sog'lomlashtiruvchi ta'siri ayniqsa ortadi.

Asosiy harakatlar garchi juda oddiy bo'lib tuyulsa xam biroq ularning ayrimlari bolalar uchun murakkab xisoblanadi. Muntazam ravishda mashq qilib, o'rganib boorish orqaligina ularni to'g'ri bajaradigan bo'lishi mumkun.

Yurish bolaning tabiiy harakat qilishidir**.** Yurish uchun harakatlarning sikllligi o'ziga hos xususiyat kasb etadi. Harakatlarning sikllligi bir hildagi sikllarning ko'p marotaba takrorlanib turishidan iborat bo'ladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarning ko'pchiligi yurgan vaqtda tovon-to'piqlartini bir biriga parallel xolda yoki ozgina ichkariga burgan holda bosadilar.

Gavda muvozanatini saqlashda yelka va qo'l harakatlari katta yordam beradi. Ular bir maromda harakat qiladilar va bu harakatlar oyoqlarning harakati bilan

muvofiqlashtirilgan bo'ladi. Maktabgacha yoshdagi bolalarda harakatlarni muvofiqlashtirishlari ularning yoshiga qarab muvofiqlashib boradi.

Bolalar guruhlari bilan o'tkazilgan yurisyh mashqlari jamoada harakatlarni muvofiqlashtirishga, uyushqoqlikni tarbiyalashga yordam beradi. Mashg'ulotlarda yurish usullarini, sur'atini, yo'nalishini o'zgartirib turish, turli saflanishlarda yurish mashqlarini o'tkazish maqsadga muvofiqdir. Bu boladagi qiziqishni oshiradi, ularda yurishning bir usulidan ikkinchi usuliga o'tish qobiliyatini rivojlantirishga yordam beradi.

Yurish vaqtida musiqa chalib turish, sanash, qarsak chalish, turli musiqa sadolari yuirish mashqlarini rivojlanishiga yordam beradi.

Yugurish. Tuzilishi bo'yicha yugurishning yuriush bilan ko'pgina mushtarak tomonlari bor, lekin yugurishning o'ziga xos belgilari ham mavjud. Yugurayotgan kishi yerdan to'la uzilgan vaqtda (parvoz paytining mavjudligi) ana shunday belgilarga ega bo'ladi.

Gavda yerdan uzilganda yugurish uchun katta tezlik olinadi: qadamlarning uzunligi ortadi, gavda parvoz vaqtida inersiya bilan oldinga harakat qiladi, sur'at ortadi.

Gavdaning yugurish vaqtidagi holati: ko'krak yugirilayotgan tomonga qarab biroz oldinga chiqqan, bosh tik tutilgan holda bo'ladi.

Ko'tarilgan oyoq son qismining ancha yuqori ko'tarilib, boldirning old tomoinga chiqishi, yerga tiralgan oyoqning shaxt bilan qattiq itarilishi yugurish uchun o'ziga xos hususiyatdir. Odatda, yugurish vaqtida qo'llar tirsakdan biroz bukilgan holatda bo'lib, panjalar erkin, barmoqlar bukilgan(biroq musht qilib qislmagan) xolda, yelkalar qisilmagan holda erkin tutiladi. Harakatlarni muvofiqlashtirish yurish harakatlariga o'xshahs bo'ladi.

Yugurayotganda har bir bolaning qo'l harakatlari o'zining individual hususiyatlariga ega bo'ladi. Bolalardagi qo'l harakatini bir xil qilishga urinish kerak emas. Maktabgacha yoshdagi bolalarda qo'l va oyoq harakatlarini muvofiqlashtirish yugurish vaqtida yurishdagiga qaraganda ancha oldinroq boshlanadi.

Ertalabki gimnastika hamda mashg'ulotlar mazmunini fiziologik vazifa bilan to'ldirish uchun ularga yugurish mashqi ham kiritiladi. Xususan jismoniy tarbiya mashqlari yetarli vazifani ta'minlay olmaydigan material asosiga qurilgan bo'lsa, u holda bolalarga bir anjomdan ikkinchisiga o'tayotganda yugurib borishni taklif qilish yoki topshiriq bo'yicha mashqni bajarib bo'lgandan keyin bir necha marta aylanib yugurishni buyurish mumkin va xakazo. O'yin vaqtida yugurish o'ynovchining emotsional holatini yaxshilaydi.

Tez yugurib turib, jadal harakatlar bilanm bajariladigan mashqlar bilan yoki boshqa dam beradigan mashqlar bilan almashtirib turilishi kerak.

Sakrashning har hil turlari mavjud. Bolalar bog'chasida turgan joyda sakrash, yurib sakrash, turgan joyda oldinga sakrash hamda balandlikka sakrash, tepadan pastga yoki boshqacha qilib aytganda chuqurlikka sakrash singari turlardan foydalaniladi. Sakrash turlaridan biri hisoblangan arqoncha bilan o'ynab sakrash keng tarqalgan.

Oyoqning yerdan uzilishi va parvoz paytining mavjudligi sakrashning barcha turlari uchun hosdir. Sakrashning har bir turida harakatning 4 ta fazasi bo'ladi. Bular: Tayyorgarlik, depsinish, parvoz, yerga tushish.

Uloqtirish va ilib olish maktabgacha yoshdagi bolalarning harakat faoliyatida va o'yinlarda keng qo'llaniladi. Bunday mashqlar buyumlar bilan harakat qilishga asoslangan: o'yinda katta va kichik koptoklardan , qum solingan haltachalardan , ichi to'ldirilgan kichik to'plardan va boshqalardan foydalaniladi.

Uloqtirish va ilib olish mashqlari chaqqonlik, to'g'ri mo'ljalga olish singari sifatlarni tarbiyalaydi, oyoq, gavda va ayniqsa qo'l hamda yelka muskullarini mustaxkamlashga yordam beradi. Shuningdek, bu mashqlar harakatlarni uyg'unlashtirish iqtidorini takomilolashtirishga ham xizmat qiladi.

Maktabgacha yoshdagi bolalarga gimnastika katta axamiyatli bo`lib bolalarga barcha xayotiy harakatlarni shakilanishini qamrab oladi.

Muxtaram yurtboshimizning O'zbekiston Respublikasi Maktabgacha ta'lim vazirligi faoliyatini tashkil etish to'g'risidagi PQ-3305 sonli qarori bo'yicha Vazirlikka bir qator vazifalar yuklatilgan bo'lib bularning asosiylaridan biri Maktabgacha yoshdagi bolalarni shakillantirishda jismoniy tarbiyaga alohida ko'rsatmalar berilib, milltimiz kelajaklari bo'lgan yoshlarni har tomonlama shakillanishlari uchun asosiy e'tibor qaratilgan. Bolalik davridan boshlab xayotiy zaruriy harakat ko'nikma va malakalarini shakillantirishga, bolalarni sog'lom turmush tarzi vositalari bilan uyg'un xolda ulg'ayishida ahamiyatli.

Foydalanilgan adabiyotlar ro`yhati

1. Mirziyoyev Sh.M. O'zbekiston Respublikasi Davlat mustaqilligining 26 yilligiga bag'shlangan tantanali marosimdagi nutqi. 31-avgust 2017-yil
2. Achilov A. Badiiy gimnastika. Toshkent 2010-yil 8-bet
3. Achilov A. Badiiy gimnastika. Toshkent 2010-yil 16-bet
4. Niyozev I. Yengil atletika. Farg'ona 2015-yil 13-bet
5. Niyozev I. Yengil atletika. Farg'ona 2015-yil 43-bet
6. G'aniboyev I.D., Soliyev I.R., Adbiyev Sh,A., Yengil atletikachilarni yengil atletika turlari texnikasiga o'rgatish uslubiyati. Toshkent-2014-yil 67-bet
7. PQ-3305. 09.09.2017y.

THE ROLE OF PHYSICAL EDUCATION IN THE FORMATION OF A HEALTHY LIFESTYLE

Akhmedov Golib Gulomovich
Namangan Institute of Engineering and Technology
Teacher of the department "Uzbek language and literature"

Annotation: *This article discusses the role of physical education in promoting a healthy lifestyle. The article discusses in detail the role of a healthy lifestyle in human health, lifestyle and psyche.*

Keywords: *physical education, sports, healthy lifestyle, wellness, health, lifestyle, daily habits*

SOG'LOM TURMUSH TARZINI SHAKLLANTIRISHDA JISMONIY TARBIYANING O'RNI

Axmedov G'olib G'ulomovich

Namangan muhandislik-texnologiya instituti
“O'zbek tili va adabiyoti” kafedrasi o'qituvchisi

Annotatsiya: *Ushbu maqolada sog’lom turmush tarzini tashkil etishda jismoniy tarbiyaning o’rni masalasi ko’rib chiqilgan. Maqolada sog’lom turmush tarzining inson sog’lig’ida, turmush tarzida, ruhiyatida tutgan o’rni atroflicha yoritilgan.*

Kalit so’zlar: *jismoniy tarbiya, sport, sog’lom turmush tarzi, sog’lomlashtirish, salomatlik, turmuhs tarzi, kundalik odatlar*

РОЛЬ ФИЗИЧЕСКОГО ОБРАЗОВАНИЯ В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

Ахмедов Голиб Гуломович
Наманганский инженерно-технологический институт
Преподаватель кафедры “Узбекский язык и литература”

Аннотация: *В данной статье обсуждается роль физического воспитания в пропаганде здорового образа жизни. В статье подробно обсуждается роль здорового образа жизни в здоровье человека, образе жизни и психике.*

Ключевые слова: *физическое воспитание, спорт, здоровый образ жизни, здоровье, здоровье, образ жизни, повседневные привычки.*

There is a very widespread belief that the concept of healthy life is generated by the events of recent decades. Indeed, there has been a lot of talk about a healthy lifestyle in the media, and quite persistently in the last 10-15 years. But this does not mean at all that a healthy lifestyle is a purely modern phenomenon. History convincingly shows that the origins of a healthy lifestyle lie in the times of a gray and extremely distant past. It is well known that biological life on Earth has existed for more than 3 billion years, which is based on the existence of biological (plant and animal) organisms and their adaptive way of life to the surrounding reality.

Over the past 3 million years, the process of the formation of the human community on Earth has begun. Human civilization is a qualitatively new era in the development of life on Earth. And the essence of all these qualitative changes is that from the first steps of its life, mankind has led a creatively transforming lifestyle (OJ).Mankind has also adapted and continues to adapt to various factors and whims of reality. But these adaptive actions have never been the main, main meaning of human life. From the first steps of his life, mankind has improved and continues to improve in labor activity, in the creation and creation of material and cultural values. This was and remains the main meaning of human civilization, of human being.

The origin of a healthy lifestyle is directly related to those distant times of antiquity, when primitive man began to create tools, when he began to realize that his life successes were largely predetermined by his physical abilities, his ability to quickly overtake prey, overcome various kinds of natural barriers, his abilities throw stones, spears, darts, etc .; when he began to use physical exercises in preparation for hunting large and dangerous animals. Life convincingly testifies that a person becomes a person only in conditions of

public life, only in the process of education and training, only in the process of creative labor activity.

Practically at all times, in all state formations, these problems were solved to one degree or another. In the Spartan, Athenian and Roman (slave-owning) systems of training and education, all these issues (especially military and physical education) were given increased attention. It is noteworthy that the great ancient Greek physician and progressive thinker Hippocrates repeatedly emphasized in his writings the enormous importance of a healthy lifestyle in strengthening the health of the Hellenes.

Healthy lifestyle - a set of historically tested and selected by time and practice norms and rules of life, aimed at ensuring that a person- He was able to work highly efficiently and economically, rationally spend his strength, knowledge and energy in the process of his professional, socially useful activity;- possessed knowledge, skills and abilities of restoration and recovery of the body after hard work;- constantly deepened his moral beliefs, spiritually enriched, developed and improved his physical qualities and abilities;- independently supported and strengthened his health. Voluntary abandonment of bad habits associated with smoking, drinking, drug addiction, substance abuse is an important and absolutely indispensable condition for a student's natural and normal healthy lifestyle.

A healthy lifestyle is a hallmark of human civilization. healthy lifestyle helped, helps and will continue to help a person learn and work, build and create, improve and transform the world; relax and recover, strengthen and heal your body; to develop and improve their physical qualities and abilities. Healthy lifestyle - social category. And then, when we talk about healthy lifestyle, we certainly mean that we are talking about the life of a society (class, social group, individual, etc.). And at the same time, we should never forget that humanity (man) is an integral part of the vast earthly and biological universe, that the laws of the biosphere apply to its entire inorganic and organic world. All human biological systems are inherited by him in the process of genesis. All of them operate on the basis of biological laws and laws. But since a person is a social being, and the social activity of a person is decisive in his life, all human biological systems were mainly aimed at making people succeed in social life (create, create, build, transform, improve, etc. .) so that he would study and work highly efficiently and highly economically, build and build, create and ennoble, protect and protect.

Biological energy, passing through a human being, through the central nervous system, through consciousness and man-made activity, is transformed into social creations. Biological is transformed by man into social. Biological energy is the main source of creation of all human material and spiritual culture. Health - as defined by the World Health Organization - is a state of complete physical, spiritual and social well-being; and not just the absence of diseases and physical defects. Human health is a vital value in life. It can neither be bought nor purchased for any money, it must be preserved and protected, developed and improved, improved and strengthened.Health depends on many factors. Nowadays, the prevailing opinion is that people's health is determined at 50% by the coolant, and environmental by 20%; 20% - biological (hereditary) factors and 10% - medicine. Therefore, if a person leads a healthy lifestyle, then all this determines a 50% high level of his health. And, on the contrary, a person leading an unhealthy lifestyle

undermines his health, condemns himself to suffering and torment, premature old age and a joyless life. Lectures and seminars, practical and laboratory classes, educational and field practices, test and examination sessions - the main time I become the personality of the future specialist of higher qualification.

All types of academic work are calculated from a 54-hour training weekly load, which includes classroom and extracurricular activities, independent work, control activities, etc. All this requires students not only solid erudition and preparedness, but also great concentration, high working capacity, good, strong and stable health, extreme focus and direct use of all their reserves and best practices, skills and abilities in the field of healthy lifestyle to solve all the basic tasks and problems associated with the formation of a highly qualified specialist. We highly recommend students- to be fully rested in training sessions. Daily morning exercise will help you to study in good physical shape;- be active in training sessions. Passive stay (presence in the name of a "tick") is the enemy of your successes;- skillfully and actively use breaks between classes. Remember: movement is the best source of recovery and relaxation. Smoking and drugs, vodka and beer, idleness and foul language are secret and obvious enemies of your professional growth.

The main focus of healthy lifestyle in a busy (non-free) time is aimed at restoring and improving the student after studies. Sleep, food, personal hygiene, maintaining (or participating in) home and personal subsidiary plots, raising children (younger siblings), caring for elderly people, the time and energy spent on traveling to and from the university, various kinds of temporary work in order to replenish the budget, etc. - these are the main components of extracurricular (busy) time.In extracurricular time, the student's vital activity is extremely diverse. At this time, the manifestation of both restorative, health-improving, and creatively transforming and developing-supporting structural groups healthy lifestyle is quite clearly visible.

The busy time of students should not be infinitely long. On the contrary, the task is to ensure that all vitally important and urgent tasks and problems are carried out in a reasonably short time, so that the student cuts out several hours of free time for himself. Free time is a time of active creative activity, self-education, cultural consumption, active physical education and sports recharging your body, companionship and communication, outdoor activities, etc. Free time - time of self-creation, self-creation, self-improvement. It is by the way a person uses his free time that we can judge his healthy lifestyle. Recently, the nature of labor has changed dramatically. The share of physical labor is decreasing, and that of mental labor is increasing. Workers of mental labor (this also applies to students) during their labor activity, as a rule, do not receive the necessary motor, physical load. But without proper physical exertion, a person without fail will encounter problems of hypokinesia, physical inactivity, adynamia, etc.

All this means that objective (mainly production) circumstances will continue to force a modern person (including students) to more often, more thoroughly turn to physical education and sports, to master the norms and rules of Healthy Lifestyle.

Physical education and sport have always been considered and appreciated in our society quite high. We need all that huge potential of physical culture and sports "to use to

the full for the benefit of Russia's prosperity. This is the least costly and most effective means of accelerated moral and physical recovery of the nation".

Literature:

1. Lisitsyn Yu.P. A word about health. - M., 1993.
2. Krasnov I.S. The formation of a healthy lifestyle is an important area of training highly qualified specialists / Questions of students' physical education. XXVII, 2003, Publishing House of St. Petersburg State University.
3. Шермухамедова, Н. А. (2019). ИННОВАЦИИ ОБРАЗОВАНИЯ, КУЛЬТУРЫ И НАУКИ КАК НЕОБХОДИМОЕ УСЛОВИЕ МОДЕРНИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА. In *ДИАЛОГ КУЛЬТУР И ВЫЗОВЫ СОВРЕМЕННОЙ ЭПОХИ* (pp. 459-464).
4. Shermuhamedova, N. A. (2018, July). Interrelation and Interdependence of Classic and Non-classic Epistemology. In *Proceedings of the XXIII World Congress of Philosophy* (Vol. 75, pp. 203-207).

МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИГА ТАЪЛИМ БЕРИШ ЖАРАЁНИДА ЖИМОНИЙ МАДАНИЯТНИНГ ПЕДАГОГИК АСОСЛАРИ

Ахунов Умидбек Рузибаевич
З.М.Бобур номидаги Андижон давлат университети
"Мактабгача таълим" факультети,
"Мактабгача таълим методикаси" кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада МТМ тарбияланувчиларининг таълим олиш жараёнида жисмоний маданиятнинг илмий-педагогик тамойиллар моҳияти ўрганилган. Жисмоний тарбия тарбияланувчиларнинг жисмоний сифатларини оширишда асосий таъсир этувчи моҳият хисобланади, уни тўғри ташкил этиш учун соглиқни сақлайдиган жисмоний машқлардан иборат.*

Калит сўзлар: *мтм, таълим, индивидуал ёндашув, жисмоний маданият, жисмоний тарбия, педагогика, педагог, соглик, билим, кўникма ва малака.*

ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ФИЗИЧЕСКОЙ КУЛЬТУРЫ В ПРОЦЕССЕ ОБРАЗОВАНИЯ ВОСПИТАННИКОВ ДОШКОЛЬНЫХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Ахунов Умидбек Рузибаевич
преподаватель кафедры «Методика дошкольного образования»,
факультет «Дошкольное образование»,
Андижанский государственный университет им. З.М. Бабура

Аннотация:: *ДОУ, образование, индивидуальный подход, физическая культура, физическое воспитание, педагогика, педагог, здоровье, знания, умения и навыки.*

Ключевые слова: *ДОУ, образование, индивидуальный подход, физическая культура, физическое воспитание, педагогика, педагог, здоровье, знания, умения и навыки.*

PEDAGOGICAL BASES OF PHYSICAL CULTURE IN THE PROCESS OF EDUCATION OF PUPILS OF PRESCHOOL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Akhunov Umidbek Ruzibaevich
Teacher of the Department "Methods of Preschool Education"
Faculty of "Preschool Education"
Andijan State University named after Z.M. Babur

Annotation: *The article discusses the principles of the scientific and pedagogical foundations of physical education in the training of pupils of PEA. Physical education is a key factor in improving the physical quality of children, as well as the proper organization of their education.*

Key words: *PEA, education, individual approach, physical culture, physical education, pedagogy, teacher, health, knowledge, skills.*

Миллий мустақилликка эришилгач, Ўзбекистон Республикасида педагогика фани тараккиётида янги боскич бошланди. Хусусан, педагогик тадкикотларниш кўлами кенгайтирилди, миллий педагогик маданият чуқур ўрганилиб, шахсга таълим бериш ва уни тарбиялаш борасидаги жахон тажрибалари, ютукларидан миллий хусусиятларга таянган холла фойдаланиш борасидаги изланишлар юзага келди. Шу боис таълим тизимнни босқичма - босқич замон талаблари даражасида ва эришилган тажрибалар асосида ривожлантириш орқали ўсиб келаётган ёш авлодни жамият хаётида иштирок этадиган ҳар томонлама соғлом, етук ва юксак маънавиятли комил инсонлар зтиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг устувор йуналишларидан ҳисобланади [1].

Президентимиз "Ёшларимизнинг мустақил фикирлайдиган, юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиш, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор кучи ва имкониятларини сафарбар этиш"ни ўз нутқида таъкидлаганлар [2].

Жумладан, Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларининг мустақил фаолиятини ривожлантиришнинг ташкилий-педагогик шарт-шароитлари ҳамда болаларда таянч компетенцияларни (коммуникатив, ўйин, ижтимоий, билиш) шакллантиришга оид таклифлар Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирининг 2018 йил 18 июндаги 1-мҳ буйруғи билан тасдиқланган "Ўзбекистон Республикасининг илк ва мактабгача ёшдаги болалар ривожланишига қўйиладиган давлат талаблари" мазмунига алоҳида эътибор қаратилган.

Хозирги даврда узлуксиз таълим жараёнини янада янги метод ва усуллар билан бойитиш бугунги куниинт долзарб масалаларидан бири бўлиб қолмоқда. Шу маънода МТМ таълим жараёнида тарбиячилар тарбияланувчилар билан алоҳида индивидуал тарзда ишлаш, уларнинт кўникма ва малакаларини шакллантиришда алоҳида аҳамияпа эга бўлиб келмоқда. Яъни, тарбияланувчилар билан ишлашда таълимни индивидуаллаштириш назарда тутилмоқда.

Жисмоний тарбия нима учун муҳим? Жисмоний тарбия, билимларни эгаллаш жараёни асосида болада ёшига хос хусусиятлар, қобилият, қизиқиш ва эҳтиёжларнинг пайдо бўлишига олиб келали [3].

Болада одатда ҳаракат сифатларини ривожланиши энергетик тизимлар динамикаси хусусиятлари билан боғлиқ. Шу маънода жисмоний тарбия тамойилини, МТМ таълим жараёнида жисмоний тарбия ва спорт машғулотларини хам муҳим асосларидан бири сифатида кўриш мумкин, чунончи уни тўғри шакллантириш натижасида жисмоний маданият, бадан тарбия ва соғломлаштириш жараёни самарали тарзда амалга оширилади. Мазкур тамойилда шу нарса назарда тутиладики, хар бир тарбияланувчига индивидуал хусусиятидан келиб чиқиб, уни имкониятлари, ёши инобатга олиниб, таълим жараёнида, ўқув материаллари тарбияланувчида жисмоний зўриқишни олдини олган холда ёндашишни талаб этади.

Жисмоний тарбия соҳасида бу тамойилга амал қилиш жуда муҳим ҳисобланади, сабаби хар бир машқ инсоннинг тана аъзоларига маълум даражада жисмоний юк келишини тақозо этади. Таълим ва тарбия жараёнидаги билимни шакллантирувчи қисмлар (ўйинчоқлар, кўргазмали қуроллар, тушунтириш жараёни, ўқув материаллари, жисмоний машқлар, билим. кўникма, малака, яъни ўқув дастурига қўшилганлар) тарбияланувчининг имкониятидан ортмаслиги лозим. Таълим жараёнидаги меъёр даражасидан ортиқча ҳар бир юклатилган вазифа ўқишга нисбатан салбий жиҳатларни келтиради ва тарбияланувчилар соғлигини ёмонлашувига олиб борувчи сифатларни шакллантиради.

Тарбияланувчига жисмоний тарбия ва бадан тарбия машғулотларида ҳаддан зиёд берилган ақлий ёки жисмоний юклама, танани толиқишини ва организмни зўриқишини келтириб чиқаради. Шу сабабдан таълим бериш жараёнида ўқув материалларидаги жисмоний машқлар тарбияланувчилар ёшидан келиб чиқиб шакллантиришни, индивидуал хусусиятларни ва тайёргарлик даражасини инобатга олишни тақозо этади. Ҳар бир инсон индивидуал хусусиятларга эга ва жисмоний ва руҳий ривожланишида хам индивидуал фарқланиш мавжуд. Мазкур сифатларни инобатга олиш тарбияланувчининг таълим жараёнига тўғри жалб этиш имкониятини беради.

Индивидуал хусусиятларга, яъни таълим жараёнида кўникмани шакллантирувчи сифатларга қуйидагилар киради: 1) идрок этиш хусусияти; 2) диққат; 3) хотира; 4) тафаккур; 5) мижознннг ўзига хослиги; 6) феъл - атвор; 7) мойиллик; 8) қизикиш ва 10) жисмоний ва маънавий сифатларнинг шаклланиш даражаси.

Таълим жараёнида жисмоний маданият хусусиятларни ўрганиш учун энг қулай вақт, бу ўқув машғулот жараёни, яъни хар-ҳил ҳаракатли ўйинлар тарбияланувчининг фаолиятидаги муҳим бўлган вазиятлар ҳисобланади. Моҳир педагог учун ҳар бир тарбияланувчининг умумий ривожланиш даражасининг савиясини, унинг харакатланиш ва таълим жараёнига бўлган муносабатини билиш лозимдир.

Тарбияланувчини индивидуал хусусиятларини билиш педагог учун таълим давомида катта имкониятлар яратади. Демак, жисмоний сифатларини билиш,

педагог учун таълим жараёнинида тарбияланувчининг қобилият даражасидан келиб чиқиб индивидуаллаштириш имконини беради.

Юқорида келтирганимиздек жисмоний ва бадан тарбия жараёнларида берилган машқдар хаддан зиёд оғир бўлмаслиги лозим. Шуни таъкидлаш жоизки анъанавий педагогикада таьлим бериш давомида ўқув материалларини ўзлаштиришда осондан мураккабга томон, маълумдан номаълумга қараб изланиш, мавхумдан аниқга караб бориш тавсия қилинади. Бирок, рус дидактик олими В.В. Давыдовнинг шунга ўхшаш ёндашувини ҳам кетирсак у айтадики: таълим беришни оддийдан эмас, умумийдан бошласак, яқиндагини эмас, асосийсини кўрсак, қисмларни эмас, тизимни, бўлакларни эмас бутунни ўргансак дейди.

Мазкур келтирган ёндашувни таҳлил қилсак, умумийликни англаш учун бизнинг наздимизда оддийни англамасдан туриб умумийни тахлил қилиш мураккаб, зеро билим асосида билим шаклланади, ески билимии инкор қилиб бўлмайди, яъни бунга диалектик тафаккурни мисол қилиш мумкин. Яна қисмларни англамасдан тизнмни ўрганиш мураккаб ҳисобланади, бутунни ангаш учун, уни бўлакларга бўлиб мукаммал ўрганиш афзалроқдир.

Шундан келиб чиқиб МТМ тарбияланувчиларни таълим жараёнидаги мураккабликларга дучор бўлиши, уларни олдини олиш учун уларга кўлланиладиган методик ёндашувлар ва усулларни тўғри танлай билиш лозим эканлигини англаш мумкин. Шу сабабдан ҳам жисмоний тарбияда индивидуал ёндашув бизнинг назаримизда бу жараёнда тўғри танлов бўлади деб уйлаймиз. Сабаби индивидуаллаштириш - бу воситалар тизими, унда шаклланиб бораётган инсонда ўзига хос хусусиятини англаш имконини беради, яъни кучли ёки кучсиз жиҳатларини, сифатларини ўз вақтида билиб, ушбу камчиликларни бартараф қилишга интилади ва жумладан маънавий шаклланишга ҳам ҳаракат қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Каримов И.А. “Баркамол авлод-Ўзбекистон тараққиётимиз пойдевори”. - Т.: Шарк. 1997.-64 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис Палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. Тошкент.ш. 14.декабрь 2016.
3. Муслимов Н., Абдуллаева Қ. Мирсолиева М. Педагогик технологиялар фанидан ўқув методик мажмуа. - Т.: Фан технологиялари, 2011. - 199 б.

ЭЛЕКТРОДИНАМИКАНИ МУАММОЛИ ЎҚИТИШДА МАТЕРИАЛЛАРНИ ТАНЛАШ ТАМОЙИЛЛАРИ

Боймиров Шерзод Тухтаевич
sboymirov@list.ru
+998993769349
ўқитувчи. Гулистон давлат университети

Аннотация. *Мақолада электродинамика бўлимида физика ўқитишнинг муаммоли методидан фойдаланиш йўллари, ўқитишнинг муаммоли методини қўллаб материаллар танлаш келтирилган. Талабалар физика бўйича чуқур малакага эга*

бўлишлари учун кўпроқ саволларни ҳал қилиш ва лаборатория ишлари учун алоҳида материалларни танлаш яхшидир. Мақолада электродинамикани ўқитишда муаммоли ўқитиш методларининг кенг қўлланилиши келтирилган ва олинган натижаларда ўз тасдиғини топган.

Калит сўзлар: *ижодкорлик, фаолият, мотивация, мақсад, восита, ҳодиса, жараён, характеристика, тизим, усул, йўналиш, механизм, натижа, муаммо.*

ПРИНЦИПЫ ОТБОРА МАТЕРИАЛА В ПРОБЛЕМНОМ ПРЕПОДАВАНИИ ЭЛЕКТРОДИНАМИКИ

Боймиров Шерзод Тухтаевич
sboymirov@list.ru
+998993769349
учитель. Гулистанский государственный университет

Аннотация. *В статье представлены пути использования проблемного метода преподавания физики на кафедре электродинамики, выбор материалов, поддерживающих проблемный метод преподавания. Для того чтобы студенты имели углубленные знания по физике, лучше решать больше вопросов и выбирать отдельные материалы для лабораторных работ. В статье представлено широкое применение проблемных методик обучения в преподавании электродинамики и нашло свое подтверждение в полученных результатах.*

Ключевые слова: *творчество, деятельность, мотивация, цель, инструмент, событие, процесс, характеристика, система, метод, направление, механизм, результат, проблема.*

PRINCIPLES OF MATERIAL SELECTION IN PROBLEM TEACHING OF ELECTRODYNAMICS

Boymirov Sherzod Tuxtayevich
sboymirov@list.ru
+998993769349
teacher. Gulistan State University

Annotation*. The article presents ways to use the problem method of teaching physics at the Department of electrodynamics, the choice of materials that support the problem method of teaching. In order for students to have an in-depth knowledge of physics, it is better to solve more questions and choose individual materials for laboratory work. The article presents a wide application of problem teaching methods in teaching electrodynamics and found its confirmation in the results obtained.*

Keywords: *creativity, activity, motivation, goal, tool, event, process, characteristic, system, method, direction, mechanism, result, problem.*

Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари шуни кўрсатдики, ҳозирги кунда электродинамика кундалик ҳаётнинг барча соҳаларида кенг қўлланилмоқда. Шунинг учун ўқувчилар мактабдан электродинамика бўйича асосий билимларни

олишлари керак. Ўқитувчи ўз мазмуни ва моҳиятига кўра муаммоли материалларни мақсадга мувофиқ танлаб олишни билиши, мақсадга йўналтирилган, методик асосланган илмий йўналиш ва ўқув материалларининг аҳамиятини асослаб бериши ва аниқ тасаввурга эга бўлиши муҳимдир. Шунинг учун ўқитувчи дастур ҳақида зарур маълумотларни тўплабгина қолмай, балки уни тизимлаштириш, уларни дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда ўқувчиларга таништириш учун зарур усулларни излаши лозим.

Кузатиш ва ўқитиш тажрибамиздан маълумки, муаммоли ўқитишда материалларни танлаш, электродинамика қуйидаги атамаларга хизмат қилиши керак:

1. Муаммоли таълим жараёнида электродинамика материали фақат предметнинг табиати ҳақида гапириб қолмасдан, балки предметнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам ифодалаши керак.

2. электродинамикани муаммоли ўқитишда танланган материалл нафақат кўргазмали восита, балки назарий билимларни чуқурлаштиришда ўқитувчига методик ёрдам кўрсатиш воситаси сифатида ҳам хизмат қилиши керак.

3. электродинамикани муаммоли ўқитишда танланган материалл талабаларга илмий муаммоларни тушунишга имкон бериши ва уларни ўрганишда ёрдам бериши, қизиқишни шакллантириши лозим.

4. электродинамикада муаммоли ўқитиш билан боғлиқ материалларни ўрганиш ҳар бир мавзуга хос бўлиши керак.

5. электродинамика муаммоларини ўргатишда материалларда замонавий фан ва техниканинг ривожланиш истиқболлари акс этиши зарур.

6. Электродинамикага оид материалларни муаммоли ўрганишдан олдин "муаммоли вазият"тушунчасига эътибор қаратишни ўринли деб топдик.

Муаммоли вазият-ўқувчи томонидан фаол фикрлашни талаб қиладиган объектив зиддиятдир. Муаммоли вазият янги материални ўрганишни талаб қилиши билан бирга ўқувчини илгари ўрганилган материалларни қайтаришга мажбур қилади. Муаммоли ўқитиш учун материалларни танлаш қуйидаги талабларга жавоб бериши керак:

1. танланган материални ўрганиш жараёнида ўқувчи муаммоли вазиятга дуч келганда, маълум қийинчилик ҳисси билан бирга унинг ечимига ишонсин.

2. Танланган материалда ўқувчига янгилик бўлган маълумотлар бўлиши керак. Бу эса, ўз навбатида, ўқувчининг изланишга бўлган қизиқишини оширади.

3. электродинамикадан муаммоли мазмундаги материални тузишда машғулот мақсадини ҳисобга олиш керак.

Электродинамика бўйича билим олиш жараёнида ўқувчилар материални мустақил ўзлаштирсалар, мустақил билим олишлари мумкин.

Мустақил билим олиш, биринчидан, ўрганилаётган материални таҳлил қила олиш демакдир; иккинчидан,ўрганилаётган материалдаги муаммоларни ҳал қилиш йўлларини излай олади.

Бизнингча, муаммоли таълимни ташкил этишнинг муаммоли жиҳатларидан бири – ўқитувчи дарс давомида материалларни тўғри танлай олишидир. Танланган

материалга оид саволлар шундай тузилиши керакки, ўқувчи саволларга жавоб бераётганда материални тўлиқ ўргана олсин.

Ўқувчининг педагогик маҳорати муаммоли вазиятни танланган материалдан кўра билиш ва уни ўқувчилар олдига тўғри қўя билишдир. Бунинг учун ўқитувчи, аввало, бу материални пухта ўрганиши зарур.

Ўқитувчининг хусусиятларидан келиб чиқиб, муаммоли ўқитишда материалл танлашни қуйидаги даражаларга бўлиш мумкин:

1. Муаммоли ўқитишда танланган материалдаги муаммони ўқитувчининг ўзи ҳал қилади. Танланган материални тушунтириш давомида муаммо ўқитувчи томонидан ҳал қилинади. Бундай ҳолда ўқитувчи фаол бўлади.

2. Муаммоли ўқитишда танланган материалдаги муаммо ўқитувчи томонидан аниқланади, унинг ечими асосан талаба томонидан олинади. Бу кўпроқ янги материаллар таърифи учун қулай ҳисобланади. Бу эса ўқитувчи фаолиятини сақлаган ҳолда ўқувчининг фаоллигини оширади.

3. Муаммоли ўқитишда танланган материалда муаммо ўқитувчи томонидан аниқланади ва талаба томонидан мустақил ҳал қилинади. Бу эса ўқувчининг фаоллигини оширади ва ўқитувчи фақат муаммони таҳлил қилишга ёрдам беради.

4. Муаммоли ўқитишда танланган материалл бўйича муаммони ўқувчининг ўзи аниқлайди, ўз устида ечим излайди. Демак, ўқувчига тўлиқ эркинлик берилади.

Ўтказилган педагогик тажриба-синов ишлари асосида ўқитишда электродинамикадан муаммоли фойдаланишнинг моҳиятини аниқладик, яъни муаммоли мазмундаги материаллар асосида олинган маълумотлар ва ўрганилган материалларни қуйидаги йўналишда умумлаштирдик, шунинг учун электродинамика мавзуларини муаммоли ўқитиш учун материалларни танлаш осон:

1. Электродинамиканинг ривожланиш тарихига оид материалларни муаммоли ўрганиш.

2. Электродинамиканинг амалий тадбиқини муаммоли ўрганиш.

3. Электродинамикада таълимий вазифаларни муаммоли ўрганиш.

Муаммоли мазмундаги барча тўпланган материаллар юқорида берилган электродинамикани ўқитишда дидактиканинг таълим вазифалари ва шакллари, тамойиллари ҳисобга олинган ҳолда танлаб олинди, тўлиқ тизимга келтирилади.

Агар электродинамикани муаммоли ўқитишда материалл кўп бўлса, улардан бири ўрта мактаб дастури талабларига тўлиқ жавоб бера оладиган танланади. Бу талабни ҳисобга олган ҳолда танланган муаммо мазмунидаги материалл ўқувчини асосий материалдан чалғитибгина қолмай, ўрганилаётган мавзуни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, билим олишга бўлган қизиқишни ошириш ҳамда электродинамика ва амалиёт ўртасидаги боғлиқликни очиб бериши керак.

Танланган муаммонинг мазмуни ўқувчининг ўрганилаётган материалга бўлган қизиқишини уйғотиши ва дастур материалларини чуқур ўрганишга ёрдам бериши керак.

Вазифа талабаларни янги замонавий техника ва технология асослари билан бевосита илмий нуқтаи назардан етарли даражада таништира олса, муаммони ечишга бўлган қизиқишларини ривожлантира олса, электродинамикани

муваффақиятли қўллаш муаммоли ўқитишда мумкин. Бу умумий ўрта таълим мактаби курсининг мазмунига қўйиладиган ҳозирги замон талабларидан келиб чиқадиган муҳим танлов мезонларидан биридир. Электродинамикани ўқитишда ушбу мазмундаги материаллардан фойдаланиш қуйидагиларда ифодаланади:

1. Электродинамиканинг замонавий ишлаб чиқаришдаги ўрнини аниқлаш имконини беради.

2. Талабаларни келажакда енергетика соҳасида мутахассисликка эга бўлишлари ва тадқиқот олиб боришлари учун зарур билимлар билан жиҳозлайди.

Электродинамикани муаммоли ўқитишда материални танлаш мезонларидан бири ўқувчининг умумий ривожланиш даражаси, уни ўзлаштириш имкониятидир. Бундан ташқари, ўқувчини ортиқча юкламанг.

Политехник таълимни амалга оширишда электродинамикага оид танланган материаллар муҳим аҳамиятга эга. Электродинамикада муаммоли ўқитиш учун шундай материалларни танлаш керакки, улар ўз навбатида халқ хўжалигини электрлаштиришнинг физик асосларини ўрганишда, компютер техникаси ва технологияларидан фойдаланишда сезиларли ёрдам беради.

Электродинамикани муаммоли ўрганишда катта дидактиканинг қуйидаги тамойилларидан фойдаландик.

1. Электродинамикани муаммоли ўқитишда танланган материалл биринчи навбатда дастурдаги масалаларни ўрганишга мувофиқлаштирилиши, умумтаълим мактабларининг физика курслари олдида турган ўқув вазифаларини бажаришга имкон бериши керак.

2. Электродинамикани муаммоли ўқитишда қўйилган муаммо амалийроқ, аниқроғи, ҳаёт билан боғланиш принципидадир.

3. Танланган муаммо иқтисодий ва политехник таълимни амалга оширишга ёрдам беради.

4. Муаммоли ўқитиш электродинамике учун танланган материалл илмий жиҳатдан соғлом, ўқув мақсадлари бўлиши керак. Электродинамикани муаммоли ўқитишда қўйилган муаммолардан ўқувчи амалий зарурат ҳақида аниқ тасаввурга эга бўлсагина фойдаланиш мумкин. Шу мақсадда қўйилган муаммо диққат билан кўриб чиқилиши ва ишонарли бўлиши керак.

5. Электродинамика муаммоларини ўргатишда танланган материални ўқувчининг ёш хусусиятлари ва назарий тайёргарлигини ҳисобга олиш керак. Муаммони ўрганувчи материалнинг мазмуни, ҳажми ва ўрни ўқувчининг умумий ривожланишидан келиб чиқиб белгиланади.

6. Электродинамикани муаммоли ўқитиш учун танланган материалл талабанинг мустақил ва илмий-тадқиқот фаолияти учун асос ҳисобланади.

Педагогик экспериментал текширишлар шуни кўрсатдики, электродинамикадан муаммоли лаборатория ишлари йўналтирилган бўлиб бажарилган лаборатория ишлари билан биргаликда олиб борилса янада самарали бўлади. Чунки ҳар бир ишни муаммо лабаратория сифатида ташкил этиб бўлмайди, бу мумкин бўлса ҳам амалий эмас.

Электродинамика бўйича лаборатория ишларини ташкил қилиш амалий эмас қуйидаги ҳолларда муаммоли:

1. Ўқувчи ўз устида илмий-тадқиқот ишлари ғоясини топиши қийин бўлса. Масалан, "миснинг электрокимёвий эквивалентлигини аниқлаш" мазмунидаги лаборатория иши.

2. Талабалар лаборатория ишининг муҳим жиҳатларини мустақил тушуна олмаган бир пайтда.

3. Электродинамика фанидан муаммоли лаборатория ишларининг мақсади талабанинг дастлабки амалий кўникма ва малакаларини шакллантириш ёки ҳодисани кузатиш билан мос келганда.

4. Электродинамика бўйича муаммоли лаборатория ишларини бажариш учун зарур бўлган назарий билимларни етарли ўзлаштирмаган ҳолда.

Бошқа пайтларда шуни ёдда тутиш керакки, электродинамикага оид муаммоли лаборатория ишлари синфдаги кўпчилик ўқувчиларга мос келади. Агар ишонарли бўлса, яъни синфдаги ўқувчиларнинг кўпчилиги ишнинг ҳеч бўлмаганда бир қисмини ўзлари бажара олмаса, унда электродинамика бўйича муаммоли лаборатория ишларини ўтказиш мақсадга мувофиқ эмас.

Хулосалар

1. Электродинамикани муаммоли ўрганиш жараёни ўқувчиларда назарий билимлар, амалий кўникма ва малакаларни яхшироқ ўзлаштириш учун шакллантирилди.
2. Умумтаълим мактабларида электродинамикани ўқитишнинг муаммоли тизимининг йўқлиги ўқувчиларнинг мустақил билим олишларига, мавзуларга оид материалларни ижодий ўрганишларига тўсқинлик қилди.
3. Ҳозирги кунда умумтаълим мактабларида электродинамика фанини ўқитишнинг паст даражадаги муаммоси, муаммо назарий ва амалий ишлаб чиқилган, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, ўқувчилар учун дарсликлар деярли мавжуд.
4. Синфдан ташқари ва факултатив машғулотларда электродинамикани муаммоли ўқитишдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ва муҳимдир. Чунки, ўқувчиларнинг илмий дунёқарашини кенгайтириш, электродинамикага оид материаллар назарий билимларни синфда амалиётда қўллашга имкон берди.
5. Тадқиқотчи томонидан электродинамикани муаммоли ўқитиш бўйича ишлаб чиқилган дарс ишланмалари дарс ва дарсдан ташқари машғулотларда фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва ўқувчиларнинг ижобий қобилиятларини ривожлантириш имконини берди.

Адабиётлар рўйхати

1. Шведко Л. М. Проблемное обучение физики в вечерней школе. (На материале законов движения Ньютона и их применение) Автореф. дисс. на соиск. учен. степ. к.п.н. –Ташкент, 1973. -24 с.
2. Маҳмудов Ю. Ғ. Физикадан масалалар тўплами. –Тошкент: Ўқитувчи, 1994. -224 б.
3. Махмутов М. И. Прпоблемное обучение –М.: Педагогика, 1975. -367 с.
4. Махмутов М. И. Мактабда муаммоли таълимни ташкил этиш. –Тошкент: Ўқитувчи, 1981. -195 б.
5. Малафеев Р. И. Проблемное обучение физике в средней школе. –М.: Просвещение, 1980. -128 с.

6. Мачалова Н. М. Методы проблемного обучения и границы их применения. –Казан: КазГУ, 1979. -158 с.
7. Медведская П. И. Проблемное обучение физики. –Кишинев: Штинца. 1983. -143 с.
8. Мирзахмедов Б. М. Проблема содержания прикладных вопросов физики в разных типах средних учебных заведений. Автореф. дисс. д.п.н. –М., 1981. -31 с.
9. Ш.Т. Боймиров. Умумтаълим мактабида физиканинг "Электродинамика" бўлимини муаммоли ўқитиш технологияларини такомиллаштириш. (Монография).- Т.: - 2020. 87 б.

ДАҲО - ТАЪЛИМНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАЛАРИ

Умаров Қудиратилла Бекбоевич,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Энергетика” кафедраси доценти
Тел.: + 998 94 506 17 50. Эл. манзил: frank_85@inbox.ru
Набиев Шавкат Инамджонович,
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Энергетика” кафедраси доценти
Тел.: + 998 98 271 19 47. Эл. манзил: frank_85@inbox.ru
Махмудов Нуриддин Махамадали ўғли.
Наманган муҳандислик-қурилиш институти
“Энергетика” кафедраси ўқитувчиси
Тел.: + 998 97 216 17 97. Эл. манзил: frank_85@inbox.ru

***Аннотация**: Мақолада даҳони тарбиялаш масаласи кўрилган ва хар қандай шахсни даҳо этиб тарбиялаш мумкинлиги кўрсатилган. Тарбиялашда бир фоиз истеъдод ва тўқсон фоиз мехнат талаб этилиши зарурлиги таъкидлаб ўтилган. Замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассисни даҳо сифатида тарбиялаш усуллари ва услублари келтирилган.*

***Калит сўзлар**: Даҳо, мақсад ва вазифалар, тарбия, таълим, пойдеворлар, қизиқувчанлик, билим, истеъдод, иш.*

ГЕНИИ - ЦЕЛИ И ЗАДАЧИ ОБРАЗОВАНИЯ

Умаров Кудиратилла Бекбоевич,
Наманганский инженерно-строительный институт
доцент
Тел.: + 998 94 506 17 50. *E-mail: frank_85@inbox.ru
Набиев Шавкат Инамджонович,
Наманганский инженерно-строительный институт
доцент
Тел.: + 998 98 271 19 47. *E-mail: frank_85@inbox.ru
Махмудов Нуриддин Махамадали угли.
Наманганский инженерно-строительный институт
преподаватель
Тел.: + 998 97 216 17 97. *E-mail: frank_85@inbox.ru

Аннотация: В статье рассмотрен вопрос воспитания гения и показано что гения можно воспитать из любого человека. Для этого необходимо один процент таланта и девяносто процентов труда. Показаны пути и методы воспитания и подготовки гения-высококвалифицированного специалиста отвечающего современным требованиям.

***Ключевые слова**: гении, цели, задач, воспитание, образование, любопытство, познание, талант, труд.*

GENIUS - GOALS AND OBJECTIVES OF EDUCATION

Umarov Qudiratilla Bekboevich,
Namangan engineering-construction institute
assistant professor
Nabiev SHavkat Inamdjonovich,
Namangan engineering-construction institute
assistant professor
Maxmudov Nuriddin Maxamadali o'g'li,
Namangan engineering-construction institute
teacher

***Abstarct:** The article considers the issue of educating a genius and shows that genius can be brought up from any person. This requires one percent of talent and ninety percent of work. The ways and methods of educating a genius, a highly qualified specialist who meets modern requirements are shown.*

***Keywords:** geniuses, goals and objectives, upbringing, education, curiosity, cognition, talent, labor.*

Все великие открытия в области науки и техники делают гении, например, Чарльз Дарвин, Исаак Ньютон, Дмитрий Менделеев, Альберт Эйнштейн и другие.

Чем отличается гениальный человек от обычного человека? Этот вопрос мучает многих учёных всего мира, в этой области ответ не найден. Одни учёные считают, что гений отличается от обычного человека весом мозгов, т.е. чем больше по весу мозг, тем гениальнее человек. Однако, исследования мозга А. Эйнштейна, тело которого было экскремировано по разрешению его сына, со стороны немецкого учёного показало, что мозг А. Эйнштейна весит чуть более 1200 граммов. Этот вес составляет вес чуть ниже среднего веса исследованных человеческих мозгов. Самый большой по массе мозг был у идиота жившего в России в конце 19-века. Мозги гениальных людей обычно стараются изъять для изучения. Мозг Д. Менделеева также не отличается большим весом.

Также исследования проводились над большим количеством людей со стороны немецких учёных во время второй мировой войны в концентрационных лагерях и медицинских клиниках, который показал ошибочность вышеуказанного предположения. Другие учёные выдвинули предположение, что все гениальные люди являются немного неуравновешенными, с признаками сумасшествия. Подобными признаками обладали и Ч. Дарвин, и А. Эйнштейн, и Д. Менделеев и

некоторые другие. Все они в учёбе не проявляли больших способностей, плохо учились, были эксцентричными. Достаточно вспомнить портрет А.Эйнштейна с высунутым языком. Альберт Эйнштейн в Университете учился плохо, постоянно был в положении, когда его могли исключить за неуспеваемости. После окончания Университета А.Эйнштейн не мог найти себе работу, ему везде отказывали, особенно в преподавательской деятельности. Эта версия, вторая также не нашла подтверждения.

Следующая версия гениальности- это версия о левшах, т.е. гениальный человек бывает обычно левшой в отличии от других. Всё что нас окружает обычно приспособлено для правшей, левшам трудно приспособиться к жизни. Это заставляет больше работать левое полушарие мозга человека, которое отвечает за абстрактное логическое мышление. Но это предположение также не нашло подтверждения, потому что левши составляют примерно 12% от всего человечества, кроме этого, среди гениальных людей больше правшей.

Было мнение, что гениальность передаётся генетически от отца или матери к детям, но и это предположение не нашло подтверждения, поскольку дети Ч.Дарвина не отличались какими-либо способностями. Более того, если не сказать грубо, слабоумными, один из детей даже страдал болезнью Дауна. Так что передача гениальности по наследству генетически, не находит своего подтверждения и на примере других гениальных учёных, писателей, например, Д. Менделеева, Я. Толстого, А. Пушкина, у которых также не было гениальных детей и внуков.

Так что же такое гениальность? На этот вопрос мы бы ответили так. Человек, это биологическая кибернетическая машина и мозг его выполняет роль вычислительной машины решающий сложные задачи, которые ставятся перед ним.

Информация в мозг загружается из окружающей среды посредством органов чувств, когда мы взаимодействуем с ней в процессе жизнедеятельности. Получаем информацию, анализируем, выясняем взаимосвязь, открываем закономерности, формулируем законы, определяем своё отношение к тем или другим явлениям и процессам. Выясняем, что для нас полезно и так далее. В таком процессе человек получает огромный объём информации, часть которых превращается в осознанные знания, а часть остаётся непонятным - переменной задачей.

Развитие логического мышления, в процессе познания, развивает любопытство, т.е. любовь к решению той или иной задачи, проблемы, которые становятся жизненной необходимостью.

Человек, привыкший к познанию нового, он никогда не останавливается, всегда стремится познать неизведанное и постоянно, порой бессознательно думает над решением, поставленных самим перед собой задач и проблем. Такие люди являются учёными, гениальными инженерами, писателями и другими. Они в какой-то момент получают извне как бы подсказку, гениальную мысль и кричат «Эврика» подобно Архимеду, открывшему закон, названный его именем: «Тело погружённое в жидкость теряет в своём весе ровно столько, сколько весит вес вытесненной им жидкости». Это открытие он сделал внезапно, как говорится в сказании. Ему нужно было не разрушая чудесную корону царя, определить из чистого ли золота оно изготовлено или ювелир украл часть золота?». Если бы он

этого не смог сделать, то ему грозила смертная казнь. Страх перед смертью поставил перед ним мотивацию во что бы это ни стоило определить чистоту золота короны не разрушая её и он сделал гениальное открытие–закона гидростатики, которое дало способ гидростатического взвешивания.

Архимед ничем особенным не отличался от других людей, но сделал открытие, как учёный, в результате которого его можно считать гением.

Логическое мышление и обобщение всего вышесказанного позволяет сделать следующие выводы:

1. Гении ничем не отличается от остальных людей ни по-своему мозгу, ни по характеру, ни по привычкам, ни по своим генам. Они такие же как и все обычные люди.
2. Гениальные открытия делают люди, которые имеют большой запас фундаментальных знаний, которые были известны до него и работают над проблемами неразрешёнными до него, но решение которых является очень важным и нужным. Эта деятельность может быть мотивирована как любознательностью, так и необходимостью, как в случае Архимеда.
3. Гением является тот, который не жалея умственного и физического труда работает над проблемой, какой бы она ни была научная, техническая, нравственная, общественная, семейная и т.п. и решает её. Как сказал великий Российский учёный с мировым именем Абрам Фёдорович Иоффе: «Для достижения великих вершин науки нужно 1% таланта и 99% труда».

Каждое государство имеет систему образования для подготовки специалистов в той или иной области науки производства, культуры и других областей деятельности человека.

Во время Советского Союза, когда всё принадлежало государству, частная собственность отсутствовала, процветали идеи коммунизма: «Всё на благо человека, с каждого по способности и каждому по труду, (которое в дальнейшем превращалось – каждому по потребности)». Человек должен по своим моральным качествам соответствовать «Моральному кодексу строителя коммунизма», который был досконально расписан. Тогда весь процесс воспитания и образования был обеспечен государством и был бесплатным; бесплатное дошкольное, средне-специальное, среднее и высшее образование, а также внешкольное (кружки и др.) и после вузовское образование.

Целью образования следовательно являлась, подготовка всесторонне развитого человека, с глубокими знаниями и профессиональными навыками специалиста, со способностью конкурировать с мировыми специалистами. Система образования и обучения, как дошкольная, так и школьная, и высшая была одним из лучших в мире.

Целью средней школы было дать обучающему всесторонне глубокие знания необходимые для успешного обучения в ВУЗе, если он туда поступал, а если он не хотел поступать в ВУЗ, то для успешного обучения в техникуме и получения рабочей профессии.

Однако, задачей школы было не только дать знания, но и привить навыки логического мышления, самообразования, любовь к познанию, формирование

нравственности, мировоззрения и т.д. Этого невозможно достичь без серьёзного изучения всех предметов включённых в школьную программу, как говорится: «Все предметы нам важны, все предметы нам нужны», поскольку все науки тесно взаимосвязаны.

Заканчивая школу все сдавали выпускные устные или письменные экзамены по основным предметам и получали на руки документ об окончании средней школы, который был оправданно назван «Аттестат зрелости».

В высшие учебные заведения для продолжения учёбы сдавали документы, только те окончившие школу выпускники, которые были уверены в своих знаниях и могли сдать обычно пять экзаменов: русский язык и литература, в виде письменного сочинения, и четыре экзамена по профилирующим предметам - устно и письменно.

Абитуриенты, которые не обладали необходимыми знаниями и навыками не могли успешно сдать эти экзамены, случайность была исключена. Те школьники, которые не поступали в ВУЗ уходили учиться в техникумы для получения рабочих профессий и получали аттестат техника.

Поскольку, Высшее образование было престижным и определял статус человека в обществе, многие стремились поступать в ВУЗы и получение необходимых знаний в школе было мотивировано тем, что без необходимых знаний в ВУЗ поступить невозможно, и коррупция практически отсутствовали. Если даже и удавалось каким-либо образом поступить в Институт, то без необходимых навыков студент не мог успешно учиться и отчислялся как академзадолжник не сдавший межсессионные зачёты и экзамены, которые также проводились устно и письменно. Преподаватель не мог поставить «двойку» знающему студенту, поскольку студент мог оспорить эту оценку на комиссии. Поскольку поступали только знающие и способные студенты не успевающих в процентном отношении было очень мало, в основном только из-за пропусков занятий по уважительной или не уважительной причине. Отсев студентов за период учёбы составлял 1-2%, иногда чуть больше, иногда меньше.

Студенты отчисленные за неуспеваемость с первого курса не имели право на восстановление. Восстановление в число студентов можно было только, если он отчислен со старших курсов-со II выше. Обучение было бесплатным и студенты получали дифференцированную стипендию в зависимости от оценок. На первом курсе после зачисления в студенты все получали одинаковую по величине денежную стипендию. Вузы выпускали хороших специалистов отвечающих требованиям предъявляемым к ним и цели и задачи системы образования выполнялись.

После того как Узбекистан достиг независимости ввели тестовую систему приёма вступительных экзаменов для чего образовали тестовый центр при Министерстве Высшего – среднего и специального образования. В основном тестовые экзамены проводились по 3-м предметам; по языку и литературе и по профилирующим двум предметам, например, в технический ВУЗ по физике и математике. Такая система приемных экзаменов тестирование проводится во многих развитых странах Европы и Америки.

Казалось бы что же тут плохого, исключается коррупция и влияние личности на результаты и она дает возможность поступать только знающим абитуриентам.

Было по 36 вопросов по каждому предмету и по 5 ответов на каждый вопрос один из которых был правильным. Действительно в первые несколько лет большее количество баллов получали абитуриенты, которые поступали, учились в школе ещё в Советское время и они по навыкам объёма и глубины знаний ещё соответствовали требованиям высшей школы. Но когда прошло достаточно лет, и поступали и заканчивали школу уже после введения тестовых приёмов экзаменов стало всем понятно, что для сдачи тестовых экзаменов не обязательно иметь глубокие понимания и знания изучаемой науки, достаточно уметь найти правильный ответ.

Кроме того, достаточно готовиться к сдаче тестов только по 3-м предметам, а по остальным тратить силы и учить не обязательно. В результате школьник стал стремится получать односторонние формальные знания по отдельным предметам, что стало сказываться на качестве школьного образования. Раньше школьник приходил вовремя на уроки не пропуская занятия, внимательно слушал, выполнял классные и домашние задания, а теперь, особенно выпускных классах, всего этого не стал делать, а стал заниматься у репетиторов после или до уроков, чтобы научиться формально найти правильный ответ по тестовым вопросам. Понижение уровня школьных знаний и формальное изучение научных законов привело к понижению проходных баллов набираемых на тестовых экзаменах.

Если в первые годы проходные баллы были близки к 200 баллам из 275 возможных, то постепенно снизились до 100-120 баллов. Чтобы повысить количество набранных баллов (правильных ответов) уменьшили количество ответов на вопрос от 5 до 4-х. Это было сделано, чтобы повысить вероятность нахождения правильного ответа. Если абитуриент совсем не имеет знаний по этому предмету и будет выбирать правильный ответ совершено произвольно, то ¼ часть ответов по теории вероятности будет правильной. В настоящее время проходные баллы составляют около 90 баллов. Количество правильных ответов на вопросы из общего количества составляет порядка 30%, которое чуть больше того, что мог бы получить абитуриент ничего не зная, отмичая ответы как в игре в лото.

Мотивация к получению глубоких знаний по всем предметам исчезла, а следовательно, качество школьного образования сильно понизилось, что сказалось на качестве образования в Высшей школе.

В таких условиях подготовить и воспитать высококачественного специалиста – педагога, инженера, учёного или других невозможно, хотя из обычного человека можно сделать гения. Цель и задача системы образования не выполнима, если главенствующим будет тестовая проверка знаний.

Литература:

1. Учитель крупным планом. Социально-педагогические проблемы учительской деятельности, Под. Ред. С.Г.Вершловского. – А., 1991.
2. Хомерики О.Г. Инновации в практике обучения. Педагогика.–1993.-№2.
3. Фаберман Б.Л. и др. Инструменты развития критического мышления. –Т, 2002.
4. Набиев Ш. И., Абдурасулов И.И., Обидова Г,Ш. Цель системы образования и условия достижения этой цели. Международный научный журнал: Научное знание современности. Вып. №2, 2019,

ТАЛАБАЛАРДА МИЛЛАТЛАРАРО МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРИШНИНГ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ЗАРУРИЯТИ

Жарқинов Зарифжон Умаралиевич
ФарДУ мустақил изланувчиси

Аннотация: *Мақолада олий таълим талабаларини миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг ижтимоий-педагогик зарурияти глобаллашув жараёни ва Ўзбекистоннинг янги тараққиёт босқичининг ўзига хос хусусиятлари нуқтаи назаридан асослаб берилган. Шунингдек, талабаларнинг бағрикенглигини ўстирувчи, толерантликни ривожлантирувчи, уларни ўзаро ҳурмат, диний бағрикенглик, миллатлараро тотувлик рухида тарбиялашга имкон берувчи омиллар ёритиб берилган.*

Калит сўзлар*: миллат, миллатлараро муносабат, миллатлараро мулоқот маданияти, кўп миллатлилик, миллий ўзлик, қардошлик, умуммаданий компетенция.*

СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКАЯ НЕОБХОДИМОСТЬ ПОВЫШЕНИЯ КУЛЬТУРЫ НАЦИОНАЛЬНОГО ОБЩЕНИЯ У СТУДЕНТОВ

Жаркинов Зарифжон Умаралиевич
Независимый исследователь ФерГУ

Аннотация: *В статье обосновывается социально-педагогическая необходимость подготовки студентов высших учебных заведений к общегосударственному общению с точки зрения процесса глобализации и особенностей нового этапа развития Узбекистана. Также выделены факторы, повышающие толерантность учащихся, развивающие толерантность, позволяющие воспитывать их в духе взаимного уважения, религиозной толерантности, согласия нации.*

Ключевые слова: *нация, меобщегосударственное отношение, общегосударственная культура общения, многонациональность, национальная идентичность, братство, универсальная компетентность.*

SOCIO-PEDAGOGICAL NECESSITY OF RAISING THE CULTURE OF NATIONAL COMMUNICATION IN STUDENTS

Zharkinov Zarifjon Umaralievich
FerSU independent researcher

Annotation: *In the article, the socio-pedagogical necessity of preparing students of higher education for nation-wide communication is based on the point of view of the process of globalisation and the peculiarities of the new stage of development of Uzbekistan. Also, factors that increase the tolerance of students, develop tolerance, allow them to be brought up in the spirit of mutual respect, religious tolerance, harmony of the nation are highlighted.*

Keywords: *nation, nation-wide attitude, nation-wide culture of communication, multinational, national identity, fraternity, universal competence.*

Миллатлараро мулоқот тушунчасининг моҳияти барча миллат ва элатлар томонидан тўпланган, авлоддан-авлодга ўтиб келаётган анъана, қадриятларни ривожлантириш ҳамда сақлаб қолишда ўз аксини топади. Мазкур тушунча умуммаданий компетенция асосида турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ишончга асосланган мулоқотни йўлга қўйишни талаб этади ва шахснинг ижодий ҳамда маънавий ривожланиши учун шарт-шароит яратади.

Педагогика фанида миллатлар ёки маданиятлараро мулоқот тушунчасининг кенг талқин этилиши унинг қадриятли ва технологик даражаларини тадқиқ этишга ундайди. Маданият ижтимоий-педагогик ҳамда психологик ҳодиса сифатида ўзида қадриятлар ва фаолият усулларини мужассамлаштиради. Шунинг учун ҳам миллатлараро мулоқот тушунчасини ижтимоий-педагогик ҳодиса сифатида таҳлил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Ана шу нуқтаи назардан талабаларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: талабаларни миллатлараро мулоқотга тайёрлаш миллий ва умуммаданий таянч компетенция билан алоқадорликда маданиятлараро мулоқотни ривожлантириш доирасида шахснинг маданий идеалларни ўзлаштиришига қаратилган ташкилий, режали, мақсадга йўналтирилган ҳамда босқичма-босқич амалга оширишни талаб этадиган жараёндир.

Миллатлараро мулоқот доирасида талабаларда миллатлараро бағрикенгликни шакллантириш муҳим педагогик вазифа ҳисобланади. Миллий бағрикенглик бошқа миллат вакилларига нисбатан ҳурмат, меҳр-муҳаббат, шафқат ва ғамхўрлик демакдир. Талабаларнинг бошқа миллат вакилларига нисбатан қабул қилиб бўладиган ва тоқат қилиб бўлмайдиган муносабатлари бир қатор ҳиссий жиҳатларига эга. Шунинг учун ҳам, талабаларда миллатлараро мулоқот кўникмаларини шакллантиришда дастлаб миллий бағрикенгликни таркиб топтириш керак.

Турли миллат вакилларининг маданий ўзига хосликлари ва ментал хусусиятларига ҳурмат билан муносабатда бўлиш миллатлараро мулоқотга тайёрликнинг муҳим шартларидан биридир. Бундай ҳурмат натижасида талабаларни бошқа миллат вакиллари маданиятига юксак баҳо бериш кўникмасини эгаллайдилар. Миллий-маданий турли-туманликни тан олиш талабаларнини миллатлараро мулоқотга тайёрлашнинг яна бир муҳим шартидир. Агар талабаларни ўзгаларнинг миллий мансублиги ҳамда маданиятини тан олсалар, миллий бағрикенглик ўзаро бир-бирини тушуниш, маданий фарқларни тан олиш ва қабул қилиш миллатлараро мулоқотга тайёр бўлиш учун етарли эмаслигини улар ҳам, ўқитувчи ҳам тушуниб етади. Шунга кўра, талабаларни миллатлараро мулоқотга тайёрлашда фаол фуқаролик компетенциясини таркиб топтириш алоҳида аҳамиятга эга.

Марказий Осиё республикаларида фуқаролик жамияти институтлари қарор топаётган айни пайтда минтақанинг кўп миллатли эканлиги боис, миллатлараро муносабатларни такомиллаштириш муҳим масалаларидан бири сифатида кун тартибидан ўрин олмоқда. Бугунги кунда амалга оширилаётган Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси[1]нинг устувор йўналишлардан бири «Хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний

бағрикенгликни таъминлаш ҳамда чуқур ўйланган, ўзаро манфаатли ва амалий ташқи сиёсат» қилиб белгиланган. Республикадаги барқарорлик минтақавий ижтимоий-маданий тараққиёт билан чамбарчас боғлиқ. «Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради. Евроосиёнинг «юраги»да жойлашган минтақамиз Европа ва Шарқ, Жанубий ва Шарқий Осиёни боғловчи кўприк бўлиб, Россия ва Хитой сингари йирик давлатлар билан чегарадошдир»[2]. Шу нуқтаи назардан, Марказий Осиё полиэтник социумида миллатлараро муносабатлар такомиллашувини ижтимоий-фалсафий ва педагогик жиҳатдан тадқиқ этиш ҳамда илмий-назарий аҳамиятга эга бўлган хулосаларни ишлаб чиқиш долзарб вазифа ҳисобланади.

Бугнги кунда дунёдаги етакчи илмий марказларда фалсафий-педагогик контекстда миллатлараро муносабатлар такомиллашуви бўйича қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: минтақавий барқарорликни таъминлашда халқаро ташкилотларнинг ўрни, миллатлараро зиддиятларнинг келиб чиқиш сабаблари, глобаллашув шароитида миллий-маънавий хавфсизликни таъминлаш, Марказий Осиё давлатлари ташқи сиёсатининг устувор йўналишлари, маданиятлараро мулоқот жараёнларининг миллий ва минтақавий интеграциялашув ва умуминсоний ўзликни англашга таъсири, глобаллашув ва миллий тиллар, умуммаданий яхлитликни таъминлаш ва бошқалар.

«Ҳаракатлар стратегияси» асосида янгиланаётган Ўзбекистон шароитида миллатлараро муносабатлар масалаларига эътибор қаратилади. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан «Ҳаракатлар стратегияси»нинг қабул қилиниши миллий тараққиётни таъминлашда янгича босқич бўлганлиги эътироф этилади. Миллий тотувликни таъминлаш жамият тараққиётида муҳим ўрин тутиб, жамият аъзоларининг маънавий камолотида, фуқаролик жамияти институтларини шакллантиришда зарурий аҳамиятга эга. «Ҳаракатлар стратегияси» асосида кўп миллатли ва кўп диний конфессияли Ўзбекистон шароитида миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик тамойилларига эътибор янада кучайтирилиб, ўзаро дўстона муҳит тобора такомиллаштирилиб борилаверади. Бу эса ўз навбатида миллий тараққиётнинг ривожини таъминлаб, миллатнинг жаҳон миқёсида бўй-бастини намоён этишида етакчи ўрин тутади.

«Ҳаракатлар стратегияси»даги миллатлараро тотувлик концепцияси феноменологик ҳолат сифатида миллат моҳиятига, унинг тадрижий такомилига, миллатларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнига реал ёндашиб, турфа миллатлар тафаккурида ягона фуқаролик менталитетини янада юксалтириш масалаларига эътибор қаратиш ҳамда этнослар фаолиятини миллатлараро муносабатларнинг ижобий ривожини таъминлашга йўналтиришни тақозо этади.

Ўзбек халқининг азалдан миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғун-лаштирувчи бой маънавий-маданий мероси жаҳон халқларини ҳайратга сол-моқда. Бу ҳақда президентимиз Ш.Мирзиёев «Ижтимоий барқарорликни таъ-минлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш – давр талаби» мавзуси-даги анжуманда “...бизнинг давлатимиз кўп миллатли ва кўп конфессияли давлат. Бугунги кунда мамлакатимизда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакил-лари бир оила

фарзандларидек аҳил ва иноқ яшамоқда. Бу борада, ҳеч шубҳа-сиз, халқимизга азалдан хос бўлган бағрикенглик анъаналари муҳим роль ўй-намоқда”[3] - деб, таъкидлади.

Марказий Осиёда миллатлараро муносабатларнинг у ёки бу ривожи бевосита минтақадаги марказий ижтимоий-сиёсий бирлик - Ўзбекистон омили билан боғлиқ. Минтақавий муносабатлар мувозанатини сақлашда ана шу омилга эътибор қаратиб, унинг ижобий йўналишини таъминлаб бориш нафақат минтақа, балки Евроосиё тараққиёти учун ҳам муҳим бўлиб, ушбу омил шунингдек Евроосиё ва Марказий Осиёдаги ўзаро муносабатлар меъёрини ҳам таъминлаб туради. Модомики шундай экан, ижтимоий тафаккурда ушбу жиҳатлар барқарорлигини таъминлаш воқеъликка реал баҳо беришда зарур. Миллий тотувлик, демократик тараққиёт ва инсон манфаатларини етакчи ўринга қўйиш, экстремизм, терроризм, шовинизм ва миллатпарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши курашиш «Ҳаракатлар стратегияси» доирасида мамлакатда олиб борилаётган миллий сиёсат негизини ташкил этади. Худди шу мақсадда Республикада амал қилаётган Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари Қўмитаси ҳамда ушбу Қўмита негизида фаолият кўрсатаётган Миллий маданий марказлар ўзлари мансуб бўлган миллат тарихи, маданияти, ижтимоий турмуш тарзи ҳамда этнографиясини қўшни миллат ва элатлар этноижтимоий ва маданий атрибутлари билан алоқадорликда ўрганиб, ўзига хос урф-одатларини тадқиқ этиб, ушбу миллий менталитетдаги ижобий қирраларни тарғиб қилиш ва ривожлантиришдан иборатдир.

Бугунги кунда талабалар онгида янгича дунёқараш, янгича фикрлаш ғояси шаклланиб, миллий тараққиётнинг янги босқичига кўтарилган шароитида ўзлигини англаб, келажак авлодлар ҳаётига мустаҳкам пойдевор яратиш орзусида яшаётганликлари қувонарли ҳолдир. Байналминал мавқеда туриб ўзлигини англаш, миллий-маданий анъаналарни халқ орасида тарғиб қилиб, янгича яшаш ва янгича меҳнатга жалб этиш – бу табиий равишда «Ҳаракатлар стратегияси»да илгари сурилган концептуал ғоялар асосида жамиятнинг ижтимоий-маданий тараққиётига, жумладан миллатлараро муносабатлар такомиллашувига ижобий таъсир кўрсатади.

Республикамизда ҳар бир миллат ва элат манфаатларини ҳимоя қилишнинг объектив шарт-шароитлари, субъектив омиллари тизимини ривожлантиришнинг қонуний-ҳуқуқий асослари яратилган. Мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида таълим муҳитини ўзгартириш миллий манфаатларни умуминсоний манфаатлар билан уйғунлаштириш, фуқароларо, миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни мустахкамлаш – минтақавий тинчлик ва глобал барқарор тараққиёт шарти[4] сифатида кўрсатилмоқда. Таълим жараёнида миллий ва умуминсоний манфаатларни уйғунлаштиришнинг янги имкониятларини топиш ва ҳаётга татбиқ қилишда толерантлик тамойилларига таяниш муҳим назарий, методологик ва амалий имкониятларни яратади.

Глобаллашув кўлами кенгайиб бораётган бир даврда талабалар тафаккурига толерантлик ғояларини сингдириш энг долзарб муаммолардан бири ҳисобланади. Таъкидлаб ўтиш керакки, фалсафий контексда толерантлик маданиятлар ва

цивилизациялар ўртасидаги мулоқотга бўлган заруриат билан изохланса, педагогик-нуқтаи назарга кўра эса у коммуникатив кўринишдаги ижтимоий воқелик, замонавий педагогиканинг ўзига хос шакли сифатида намоён бўлади.

Талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш, бир томондан, мавжуд ижтимоий-сиёсий, фалсафий фанлар таркибида бериладиган билимлар мажмуидан иборат бўлса, иккинчи тарафдан, олий таълим тизимидаги дарсдан ташқари оммавий-тарбиявий фаолиятни ҳам ўз ичига қамраб олади. Тадқиқот натижасида айнан “Фалсафа”, “Диншунослик”, “Миллий ғоя”, “Маданиятшунослик” фани ўқув жараёнида талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантириш учун педагогик имконият энг юқоридир. Биринчидан, мазкур фанлар фан-мавзу мазмунида миллатлараро мулоқот маданиятининг хусусиятлари мавжуд бўлса, иккинчидан ушбу фанлар барча олий таълим муассасалари ўқув жараёнига киритилган.

Ўқув жараёни орқали талабаларга миллатлараро мулоқот маданияти ҳақидаги билимларни бериш билангина толерантлик муҳитини қуриб бўлмайди. Чунки талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини ҳақидаги билимларини ошириш билан бир қаторда уни ҳаётий вазиятларда қўллай олиш қобилиятини ҳам шакллантириш муҳим аҳамият касб этади. Бу мақсадга эришиш учун таълим жараёнида фан-мавзу, ўқитувчи-талаба мулоқот тизимини интерфаол педагогик технологиялардан фойдаланган ҳолда амалга ошириш талаб этилади.

Миллатлараро мулоқот маданияти ғояларини талабалар тафаккурига сингдиришнинг меъёри уларда жамият аъзоларига нисбатан ўзига хос ўзини тутиш кўникмалари шаклланиб, ҳаётий мезонга ва қадриятларга айланганлик даражаси билан белгиланади. Мазкур жараён айтиб ўтилган хусусиятлардан ташқари тарихий-маданий, умумбашарий ва миллий қадриятлар тизими билан боғлиқликда такомиллаштирилиши лозим бўлади. Чунки миллатлараро мулоқот маданиятига ўргатиш инсонларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини англаш баробарида ўзгаларнинг ҳам ҳақ-ҳуқуқларини қабул қилиш ва тушунишга ўргатишдан иборат қилиб белгиланган.

Ўзбекистон этноижтимоий бирлигида миллатлараро муносабатлар такомиллашувида мамлакатдаги кўп миллатли аҳолининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, миллий тотувлик ва ўзаро ҳамжиҳатликни таъминлашга йўналтирилган фаолиятни янада рағбатлантириш улуғ мақсадлар реализацияси йўлидаги муҳим қадам бўлиб, фуқаровий бирдамлик ва якдил ҳаракат бевосита ушбу омил билан боғлиқ. Айниқса, «Ўзбекистон – умумий уйимиз» шиори доирасида турли миллат ва элатлар иштирокида ўтказилаётган тадбирлар Ўзбекистон фуқаролари тафаккурида ягона оилага мансублик хислатини ривожлантириши фуқаролик жамияти асослари мустаҳкамланаётган бугунги шароитда муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистонда амал қилаётган миллий маданий марказлар фаолиятига давлатимиз томонидан жиддий эътибор қаратилаётганлиги миллатлараро алоқаларнинг мустаҳкамланиши ҳамда миллий-тарихий қадриятларимизнинг ривожи учун асосий омилдир. Ўзбекистонда 130 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилиб, уларнинг аксарияти ўз миллий маданий марказлари атрофига бирлашган эканлар, бу Ўзбекистон халқларининг бағрикенглигидан ва ўзаро ҳурмат асосида яшаб келаётганликларидан гувоҳдир.

Хулоса қилиб айтганда, талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини шакллантиришда қуйидагиларга алоҳида эътибор қаратиш лозим:

1). Дунёдаги миллатларнинг ирқи, дини, ҳаёт-тарзи ҳар хил эканлиги, буларнинг табиий ва ижтимоий-маданий сабабларини тушунтириш.

2). Ижтимоий-гуманитар фанларни ўқитиш жараёнида ўзгачаликка бағрикенглик ва сабр билан мунособатда бўлиш фазилларларини сингдиришга алоҳида эътибор қаратиш.

3). Турли маънавий-маърифий тадбирлар орқали талабаларда вазминликни кучайтириш, бағрикенглик, сабрлилик, чидамлилик каби хусусиятларни тарбиялаш.

4) Айрим давлатлардаги бузғунчи мафкуравий марказлар томонидан давлатларо низоларни келтириб чиқаришда миллий ва этник зиддиятлардан фойдаланишга уринишлар кучайиб бораётганлигини тушунтириш ҳамда уларга учмасликни ўргатиш;

5) Дунёдаги барча миллатларнинг ўзаро тенг ва келиб чиқиш илдизлари бир ўзанга бориб тақалишини диний ва илмий жиҳатдан тушунтириб бериш ва бошқалар.

Адабиётлар рўйхати:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

2.Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йилнинг ноябрь ойида Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган «Марказий Осиё: ягона тарих ва умумий келажак, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи //Халқ сўзи. 2017 йил, 11 ноябрь.

3.Мирзиёев Ш.М. «Ижтимоий барқарорликни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби» мавзусидаги анжуманда сўзлаган нутқи// Халқ сўзи, 15.06.2017.

4.Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг ПФ-4947-сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги Фармони. - Тошкент: Адолат,2017.

АНИҚ ФАНЛАРНИ ЎҚИТИШДАГИ АЙРИМ МЕТОДИК МУАММОЛАР ҲАҚИДА

Артиқов Абдуқаҳҳор

Андижон давлат университети физика-математика фанлари номзоди, доцент

Аннотация. *Мақолада аниқ фанларни ўқитишдаги айрим методик муаммолар ва уларни бартараф этиш борасидаги муаллифнинг хусусий фикр-мулоҳазалари баён қилинган. Кўп йиллик педагогик фаолият натижаларига асосланган ушбу мулоҳазалар муаллифнинг хусусий хулосалари бўлсада, улар классик педагогларнинг фикрларига асосланган.*

Калит сўзлар: *алфивит, методик, педагогик, математика, геометрия, физика, информатика, тенгламалар.*

О НЕКОТОРЫХ МЕТОДИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМАХ В ОБУЧЕНИИ СПЕЦИАЛЬНЫМ НАУКАМ

Абдукахор Артиков Андижанский государственный университет
кандидат физико-математических наук, доцент

Аннотация. *В статье изложены некоторые собственные представления и выводы по поводу решения некоторых проблем в преподавании точных наук в средней общеобразовательной школе. Несмотря на то что, хотя идея и частные выводы принадлежит автору, они основаны на многолетний опыт автора и теориям классиков педагогической науки.*

Ключевые слова: *алфавит, методика, педагогика, математика, геометрия, физика, информатика, уравнения.*

ABOUT SOME METHODOLOGICAL PROBLEMS IN TEACHING SPECIAL SCIENCES

Abdukahor Artikov Andijan State University
Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor

Annotation: *The article outlines some of its own ideas and conclusions regarding the solution of some problems in the teaching of the exact sciences in a secondary school. Despite the fact that although the idea and particular conclusions belong to the author, they are based on the author's many years of experience and the theories of the classics of pedagogical science.*

Keywords: *alphabet, methodology, pedagogy, mathematics, geometry, physics, computer science, equations.*

Маълумки савод чиқармасдан туриб, мустақил бирор ёзма маълумотни ўқиб ёки ўрганиб бўлмайди. Бошқача қилиб айтганда, алфавитни билмаган одам учун ёзма маълумотни ўқиш катта муаммо ҳисобланади. Худди шу каби фанларнинг алфавитини, асосини (ёки предметини) билмасдан туриб, уларни ўрганиш ҳам ўқувчиларга катта қийинчиликлар туғдиради.

Шу жиҳатдан ўз навбатида фанларнинг алифбоси (алфавити) нима- деган савол туғулади. Афсуски бу саволга доим ҳам тўғри ва тўла қаноатланарли жавоблар бериб бўлмайди. Масалан, ўзбек тилининг алифбоси лотин ёзувига асосоланган янги ўзбек альфавити эканини биламиз, лекин, математика, геометрия ёки физиканинг альфавити нима-деган саволга жавоб бериб кўрингчи. Бу фанларда бир вақтнинг ўзида лотин, қадимги грек, Кирилл ва бошқа алфавитлардан деярли бир хил имкониятда фойдаланилади. Аммо бу алфавитларнинг ҳарфлари тенгламалар ва формулаларда ёрдамчи белгилар ёки катталиклар сифатида қўланилади ва муайян қонуниятларни ифодалаш имкониятларини беради.

Математиканинг энг содда ва асосий тушунчаларини эслаб кўринг. Бу ўринда аввало биз ўзимизга савол бериб кўрайлик.

Математиканинг алифбоси нима? Бу саволни кимдир нотўғри қўйилган-деса, кимдир жуда ўринли-деб тасдиқлайди. Фанларнинг ҳам алифбоси борми?-деб савол қўювчилар ҳам бирталай. Биз математикани ўргатишни бошлаганимизда нимадан

бошлаймиз? Умуман фан асосларини ўргатишда ўқувчининг эҳтиёжидан келиб чиқамизми ёки ўша "эҳтиёжни" ҳисобга оламизми? Ёки ўрта-умумий таълимнинг мажбурийлигидан келиб чиқамизми? Бутун фикримиз ўқув дастури ёки ўқув қўлланмасидаги бир соатлик муайян бир мавзуни тезроқ "ўтиб чиқиш"да бўлиб қолмаябдимикин? Бугунги мактаб ўқувчиси эмас, балки олий таълим талабаси ҳам математика нима беради? Нимага керак? Нима учун уни ўрганамиз?-деган саволларга ўринли жавоб беролмаябдику.


Келинг шу ўринда математиканинг энг асосий, муҳим жиҳатларига тўхталиб кўрайлик. Масалан, математик тушунчалар: 1 дан 9 гача бўлган сонлар ва нолнинг комбинацияларидан ҳосил бўлувчи кўп хонали сонлар, ёки y=f(x), y=Sinx, y=Cosx, y= lg x, $\frac{d^2x}{dt^2} + \omega_0^2 x = 0$, каби тенгламаларни кўришлари билан, ёки ўқитувчи доскага ёзишни бошлаши билан ўқувчиларнинг кўпчилиги бу тушунчалар ва тенгламаларга жуда "мураккаб" нарсалар сифатида муносабатда бўладилар. Агар ўрганиш нуқтаи назаридан қарасак "бу нарсаларни ўрганиш жуда оғир ёки қийин"- деб ўйлайдилар. Шу хулоса билан ёндашган ўқувчилар учун алабатта математика "оғир" фан сифатида нотўғри тасаввур (таъсурот) қолдиради. Натижада уларнинг деярли кўпчилигида "бу нарсаларни мен ўргана олмайман"- деган хулоса ҳукмрон бўлиб қолади[1-3].

Геометриянинг алифбоси нима? - ва ҳ.к. Биз доимо "фарзандларимиз ёки шогирдларимиз фанларни ўрганишда жуда кўп қийналишади"-деган иборани ишлатамиз, аммо "нима учун шундай"?- деган саволга эса, доим тўла жавоб топа олмаймиз. Аслида ўқувчиларнинг геометрик тасаввурлари бошқа кўплаб тасаввурларидан кўра яхшироқ ривожланган бўлишига қарамасдан, геометрияни ўрганишлари деярли жуда қийин кечади. Геометрияни ўрганишнинг бош алифбоси нимада? Гарчи кўпчилик геометриянинг луғавий маъносини англатувчи "ер ўлчаш" -маъносини англаб олишда деб ўйласаларда, аслида моҳият тамоман бошқа ерда яширинган эмасмикин? Геометриянинг луғавий маъносини англатувчи ер ўлчаш маъносини деярли 95 фоиз ўқувчи ёд биладилар, аммо энг содда геометрик тушунчаларни, координаталар системаларини биладиган ёки тушунадиган ўқувчиларнининг улушини фоизларда баҳолашга биз ҳозирча жуда ожизлик қиламиз. Бу ўринда учбурчакларнинг ўхшашликларига доир маълумотларни ўқитишнинг айрим жиҳатларинигина эслашнинг ўзи етарли деб ўйлайман.

Масалан, учбурчакларнинг ўхшашлиги ҳақида мавзу бошланишида ўқитувчи дарсликка асосланиб, иккита ёки учта ўхшаш учбурчакни доскага чизади ва уларни АБС ва А′Б′С′ ва ҳ.к. ҳарфлар билан белгилаб, уларнинг ўхшалик аломатларини гапира бошлайди. Аммо шуни такидлаш жоизки, ҳеч қайси дарсликда ўхшаш учбурчакларни адаштириб юбормаслик учун уларнинг бурчакларини юқоридаги ҳарфлар билан белгилаб олишнинг асл мақсади батафсилроқ баён қилинмайди. Ўқувчиларни эса ўша учта, олтита ёки 3n та ҳарфлар (штрихлар) чўчитиб қўяди. Шунча ҳарфлар билан белгиланган бундай "мураккаб" нарсани уларнинг кўпчилиги ўрганишни мақсад қилиб ололмайдилар. Аксинча "шунча ҳарфлари кўп мураккаб нарсани" мен ўргана олмайман - деган фикр билан қолиб кетадилар. Натижада ўқитувчи қанча уста методист бўлмасин, қандай методдан фойдаланмасин, бундай ўқувчиларни фанга қизиқтириб бўлмайди. Худди шу каби геометриянинг инсон

ҳаётидаги аҳамияти ва пайдо бўлиши ер ўлчаш эҳтиёжи билан боғланади. Тарихан, луғавий нуқтаи-назардан бу балки тўғридир. Аммо фаннинг моҳиятини тушунишда ҳам бу мулоҳаза жуда самарали ҳисобланади.

Масалан, қуйидаги



n(4) та учбурчак берилган бўлса. Улар ўхшаш, аммо каталиги-ўлчамлари билан бир-бирларидан фарқ қиладилар.

Дарсликларда, юқорида таъкидланганидек, тўғридан-тўғри АБС, А′Б′С′, А″Б″С″ ва ҳ. к. учбурчаклар ўхшаш учбурчаклар бўлиб-деган ибора билан уларнинг барча хоссалари ва миқдорий катталиклари изоҳлаб кетилаверади. Нимага учта ҳарфларни олдик ва нима учун уларга штирихлар қўйганлигимиз ҳақида ҳеч қандай изоҳ берилмайди.

Бу жуда содда ҳолат, аммо ўқувчининг хаёлида ҳарфларнинг комбинациялари ва штирихлар мураккабликни келтириб чиқаради. Шу ҳолатда аввало ўқувчиларга қуйидаги муаммоларни қўйиб кўрайлик-чи. Уларни бир-бирлари билан алмаштириб юбормаслик учун нима қилиш керак? Ҳар бирини қандайдир йўл билан белгилаш керак. 1 дан n гача номерлаб чиқайликми? Бу йўл тўғридир, аммо уларнинг ўлчамлари бўйича фарқлашда бу йўл тўла ёки батафсил маълумот бера олмайдику. Кўп изоҳ керак бўлади. АБС, А′Б′С′, А″Б″С″ ва ҳ.к.– штрихлардан фойдалансакчи? Бу муаммо дарҳол ечилади. Ана гап нимада, демак шундай учта ҳарф ва штрихдан фойдаланиш энг самарали бўлиши, чалкашликдан сақланиш имконини яратиб бериши ўқувчига тушунтирилади, аниқроғи муаммони ечиш давомида ўқувчиларнинг ўзлари шу хулосага келадилар. Натижада энг ёмон ўзлаштирадиган ўқувчига ҳам кўплаб символлар ва ҳарфлардан фойдаланишнинг асосий мақсади тушунарли бўлиб боради.

Донецклик машҳур новатор педагог, метематика фани ўқитувчиси В. Ф. Шаталов дастлаб бурчакларни уч хил рангларга бўяшни таклиф қилади. Ўқувчилар моҳиятни тушуниб етганларидан кейин эса, ҳарфлар билан белгилашга ўтади. Бу моҳир педагогнинг тажрибаларида бу ҳолат узоқ давом этмайди [4-6]. Деярли барча ўқувчилар гап нимада эканлигини биринчи тушунтиришдаёқ англаб етадилар. Бошланғич синф ўқитувчиси, академик Ш.А.Омонашвили ва қатор новатор педагогларнинг машғулотлари ҳам ўқувчини тўла фаоллашуви билан ўтади [7-10]. Уларнинг ўқувчиларида доимий “машғулотлар режасидан илгарилаб кетиш” ҳолати кузатилади. Ўқувчилар машғулотларга олдиндан тайёр бўлишади. Ўқитувчи етакчи ёки ўргатувчи эмас, кузатувчи ёки маслаҳат берувчи ролини ўйнайди.

Худди шундай ҳолни информатика, физика ва бошқа аниқ фанларни ўқитишда ҳам кузатамиз. Натижада “ўқувчилар мени фанимга қизиқишмайди”-деган шикоятларни анча тажрибали ўқитувчилардан ҳам эшитамиз. Агар математика (арифметика) дарсликларида сонлар нима учун кераклиги, тенгламалар инсонларга нима учун керак, улар нима бера олади, деган саволларга методик жавоблар берилганда эди. Бу мулоҳазалар, бироз бўлсада изоҳлаб, тушунтирилиб, ундан кейин мавзулар ёритилганда эди, ўқувчилар мураккаб сонларни,

тенгламаларни, турли фигураларнинг юзаси, ҳажми каби параметрларини ўрганишлари ва тушуниб олишлари осон кечар эди. Улар ҳарфларни кўплигидан ва тенгламалар, формулаларнинг мураккаблигидан чўчимаган бўлар эдилар.

Жумладан ҳар бир ўқувчи ёки инсон 1 дан 9 гача бўлган сонлар ва 0 нинг комбинацияларидан бирор нарсанинг кўламини баҳолашда фойдаланишларини тушуниб олишлари муҳимроқдир. Шундан сўнг бу сонлар устида тўрт амал ҳам, кўп сонлар ҳам, уларнинг турли ифодаланишлари ва номланишлари ҳам уларни чўчитмайди ва ҳайрон қолдирмайди. Бу нарсаларга ҳаётий эҳтиёж сифатида қарашга ва ўрганишга кўникадилар. Ҳеч бўлмаганда 1 дан 9 гача бўлган сонлар ва 0 нарсаларнинг кўламини баҳолашда фойдаланиладиган (қўлланиладиган) араб рақамлари эканлиги алоҳида изоҳланиши керак. Уларнинг комбинацияларидан ихтиёрий миқдорни, кўламини баҳоловчи сонларни олишни тушуниб олишлари муҳимдир. Масалан бир – 1 , ўн – 10 ёки миллион – 1000000 (10^6) ва ҳ.к.

Тенгламалар эса, аслида мураккаб бўлган, у ёки бу жараён ёки ҳодисаларда ўлчанадиган, ўлчаб бўлмайдиган, ёки ўлчаниши жуда қийин бўлган катталикаларни муайян қонуниятли боғланишларини ифодалашини қатъий тушинтиришдан бошлаш керак деб ўйлаймиз.

Бу боғланишлар, қонунлар ёки қонуниятларни ифодалаши тўла изоҳланиши керак. Масалан: y=f(x)-тенглама ҳар қандай жараёнлар учун ҳаракатнинг умумий функционал боғланишининг тенгламасини, y=Sin x ва y=Cos x ифодалар тебранма ҳаракатнинг тенгламалари эканлигини, y= lg x тебранишларнинг сўниши жараёнини ифодалашини ва масштабларни қисқартириш имконларини беришини, $\frac{d^2x}{dt^2} + \omega_0^2 x = 0$, ҳаракатнинг умумий дифференциал тенгламаси эканлигини, $x = x_0 \cos(\omega_0 t + \varphi_0)$ ва ҳоказоларни аниқ тадбиқларини тушунтириб борилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Ёки A_{ij} тензор ёки M_{ij} матрицалар ҳақида гапирганда, уларнинг элементлари нима? Бундай катталиклар нимани ифодалайди ва нимага улардан фойдаланамиз? Каби саволларни қўйиб, уларни изоҳлаб, тушунтириб қўйиш зарур. Бунинг учун кўп вақт кетмайди. Аммо бундай мулоҳаза ва изоҳлар дарслик ва қўлланмаларда учрамайди. Уларни етказиш эса ўқитувчиларнинг зиммасига юклатилади. Тажриба ва малакалари ҳали тўла шаклланиб улгурмаган ёш педагоглар эса анчагина қийинчиликларга дуч келадилар. Вектор тенглама ҳақида гапира бошласангиз талабалар ҳайрон бўлиб қоладилар. Бу нимаси, скаляр катталиклардан тузулган тенгаламани эшитганмиз, аммо вектор тенглама нима? – деб савол беришади. Ахир ўқувчи ва талабалар ечаётган ёки фойдаланаётган тенгламаларнинг кўпчилиги вектор катталиклар қатнашаётган, вектор тенгламалар-ку. Ўқув гуруҳини А, Б, Ф1, 2Ф2, ёки ФЕ деб белгилаганда гўёки матрицалар назарда тутулади-ку. Талаба мен 2Ф ёки 2А гуруҳда ўқийман дегандаёқ n- та талабадан ташкил топган “матрица”ни тилга оладику. Ўқувчи ва талабаларга бундай мураккаб функцияларни, операторларни тушунтириш учун энг осон ва уларга яқин, одатий бўлган мисоллар эмасми. Бугунги кунда биз ўқитувчилар, қандай қилиб машғулотларимиз самарадорлигини оширамиз?-деган тўғри саволни ўртага ташлаябмиз, аммо таълимдаги муаммоларни тўла ўрганиб бўлганимиз йўқ. Таълимдаги ҳар бир муаммо чуқур ўрганилиб, унинг сабаблари бартараф қилинмас экан, ўқиш ва ўқитиш жараёнининг самарадорлигини оширишимиз жуда қийин

кечади. Ўқитувчи ва ўқувчилар учун аввало дарслик ва ўқув қўлланмалар ва уларнинг методик кўрсатмалари-йўлдошлари мукаммал ёзилган бўлиши керак. Акс ҳолда бутун методик, илмий, луғавий ва ҳоказо муаммоларни ҳал этиш ўқитувчи зиммасида қолиб кетаверади.

Бу мулоҳазаларга муҳтарам устозларимиз-ўқитувчиларга осонроқ ўргатиш нуқтаи назаридан ва ўқувчиларимизга эса, осонроқ ўрганиш нуқтаи назаридан ёндошган ҳолда ўйлаб кўришларини таклиф қиламиз [11(17-18 боблари)].

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Артиқов А.и др. Информационный бум и необходимость в новых педагогических методах обучения точных наук. // АДУ илмий хабарномаси. 2013. №2.с. 99-103
2.Артиқов А.и др. Из опыта эффективного изучения основных понятий квантовой физики // АДУ илмий хабарномаси. 2014, №4, с. 95-98
3.Артиқов А. Ва б. Академик лицейлар ва касб-хунар коллежларида инновацион таълим технологиялари ва физик таълим. АДУ илмий хабарномаси. 2011. №1. с.94-100.
4. Шаталов В. Ф. Куда и как исчезли тройки. М., 1979. 116 с.
5.Шаталов В.Ф. Педагогическая проза. М. 1981.
6.Шаталов В. Ф. «Опорные конспекты по кинематике и динамике», «Опорные сигналы в физике. 6 класс, 7 класс», «Психологические контакты», «Точка опоры», «Эксперимент продолжается» М.1976-1987
7. Омонашвили Ш.А. Здраствуйте дети. М. 1986. 32 с.
8.Омонашвили Ш.А. Как живёте дети?. М. 1986. 175 с.
9.Волков И.П. Приобшение школьников к творчеству. М. 1982. 150 с.
10.Педагогик изланиш. //ПФА академиги М.Н.Скаткин тахрири асосида. Т.1990.608 бет
11.Коменский Я.А. Избранные педагогические сочинения. М.: Педагогика, 2005.

LINZALARNING YIG‘UVCHANLIK VA SOCHUVCHANLIK XOSSALARINI O‘QITISHDAGI AYRIM METODIK MUAMMOLAR HAQIDA MULOHAZALAR

Artiqov Abduqahhor Andijon davlat universiteti
fizika-matematika fanlari nomzodi, dotsent
Zoxidov Ibroximjon Namangan davlat universiteti
pedagogika fanlari nomzodi, dotsent

Annotasiya. *Maqolada ikki tamonlama qabariq va ikki tamonlama botiq linzalarning yig‘uvchanlik va sochuvchanlik shartlarini o‘qitishdagi ayrim metodik muammolar batafsil bayon qilinadi.*

Kalit so’zlar: *geometrik optika, geometrik yasash metodlari, optik asbobsozlik, Gyuygens-Frenel tamoyili, botiq linza, sindirish ko‘rsatikichi.*

РАССМОТРЕНИЕ НЕКОТОРЫХ МЕТОДИЧЕСКИХ ПРОБЛЕМ ПРИ ОБУЧЕНИИ КОЛЛЕКЦИОННЫМ И ПРОСТРАНСТВЕННЫМ СВОЙСТВАМ ЛИНЗ

Артыков Абдукаххор Андижанский государственный университет
кандидат физико-математических наук, доцент
Зохидов Иброхимжон Наманганский государственный университет
кандидат педагогических наук, доцент

Аннотация. *В статье подробно излагается некоторые методические проблемы обучения собирающих и рассеивающих условий двояковыпуклых и двояковогнутых линз.*

Ключевые слова: *геометрическая оптика, методы геометрического построения, оптическое приборостроение, Принцип Гюйгенса-Френеля, выпуклая линза, показатель преломления.*

CONSIDERATIONS ON SOME METHODOLOGICAL PROBLEMS IN LEARNING THE COLLECTION AND SPACEFUL PROPERTIES OF LENSES

Artiqov Abduqahhor Andijan State University
Candidate of Physical and Mathematical Sciences, Associate Professor
Zokhidov Ibrokhimjon Namangan State University
Candidate of Pedagogical Sciences, Associate Professor

Annotation. *The article describes in detail some methodological problems of training collecting and scattering conditions of biconvex and biconcave lenses.*

Keywords: *geometric optics, geometric construction methods, optical instrumentation, Huygens-Fresnel Principle, convex lens, refractive index.*


Ilgari biz geometrik optikani o‘qitilishidagi ayrim muammolarni hal qilinishida Ferma tamoilining qo‘llanilishi bilan bog‘liq bo‘lgan metodik masalalarga to‘xtab o‘tgan edik [1]. Jumladan, Ferma tamoili asosida geometrik optikaning muhim masalalaridan bo‘lgan yorug‘likning sinish va qaytish qonunlarini keltirib chiqarish yo‘llaridan biri ko‘rsatib berilgan edi[1-2]. Ushbu maqolada esa, linzalarning yig‘uvchanlik va sochuvchanlik shartlarini o‘qitishdagi muhim metodik muammolardan yana biri batafsil bayon qilib beriladi. Bu muammo fizikadan o‘quv qo‘llanmalari va darsliklarida bayon qilinmaganligi uchun uni batafsilroq izohlashni maqul deb topdik.

Ma’lumki geometrik optika, fizikaning eng qadimgi fanlaridan bo‘lib, yorug‘lik hodisalarini o‘rganishda geometrik yasash metodlariga tayanadi. Bu fanning taraqqiyoti davomida Ferma, Gyuygens, Frenel va boshqa olimlar tamonidan taklif qilingan qator tamoyillarni qo‘llash orqali yorug‘likning turli muhitlarda va ularning tutashuvchi sirtlarida sodir qiluvchi hodisalar o‘rganib kelingan. Ikkinchi tomondan geometrik optika optik asbobsozlikning nazariy va metodologik asosi sifatida ham har tamonlama o‘rganilgan. Geometrik optikaning tushunchalari, qonunlari va tamoyillarisiz birorta optik asbobni yasab bo‘lmasligi ham ma’lum bo‘ldi va bu yo‘nalishda ham tadqiqotlar olib borish orqali katta muvaffaqiyatlarga erishildi. Yorug‘likning tabiati va tarqalishi bilan bog‘liq bo‘lgan dastlabki fikrlar juda qadimdan insoniyatni o‘ylantirib kelgan. Eramizdan

oldingi VI-III asrlarda yashagan faylasuflar Pifogor, Platon, Evklid va Aristotel asarlarida yorug‘lik haqidagi “dastlabki” mulohazalar uchraydi. Lekin optika va astranomiyaning tarixi aslida insonning yaratilish tarixi bilan bog‘liq bo‘lib, juda qadimga borib taqaladi. Epigen fikriga ko‘ra osmon yoritqichlarini o‘rganish e.o.720 ming yilliklarga borib taqaladi. Gipparx esa o‘z asarlarida bu jarayonlarni 270 ming yil ilgari sodir bo‘lganligini ta’kidlaydi. Diodor hisoblariga ko‘ra esa bu hodisalarni o‘rganilishi mesopotamiya ikki daryo oralig‘ida 173 ming yil ilgaridan ma’lum deb hisoblaydi [3]. Afsuski bu ma’lumotlar optika tarixi bilan bog‘liq bo‘lgan adabiyotlarda deyarli keltirilmaydi. Xuddi shu kabi, optikaga tegishli deyarli barcha darslik va o‘quv qo‘llanmalarda optikaning asosiy tamoyillari hisoblanadigan Ferma, Gyuygens- Frenel tamoyillarining mohiyati va tadbiqlari ham batafsil bayon qilinmaydi. Buning natijasida o‘quvchi va talabalar eng sodda yorug‘lik hodisalarini, hatto botiq va qabariq linzalarning qachon sochuvchi va qanday shartlar bajarilganida yig‘uvchi linzalar bo‘lishligini izohlay olmaydilar.

Qabariq va botiq linzalarda yorug‘likning yig‘ilishi va tarqalishi masalasini biroz ko‘rib chiqaylik. Buning birinchi sababi shundaki, adabiyotlarda qabariq linza qachon va qanday shartlar bajarilganda yig‘uvchi yoki sochuvchi linza bo‘lib qolishligini izohlab berilmaydi. Amalda doimo faqat linzalar havoda turgandagi holatgina qarab kelinadi xolos. Shuning uchun ham o‘quvchi va talabalarda, hatto ayrim mutaxassislarda ham qabariq linza doimo yig‘uvchi va botiq linza esa sochuvchi bo‘ladi degan tushuncha hukumronlik qiladi. Aslida esa bunday emas. Ma’lum shartlar bajarilganda qabariq linza sochuvchi va ikki tomonlama botiq linza esa yig‘uvchi linza bo‘lib qolishi mumkin.

Shu holni bir ko‘rib chiqaylik. Faraz qilaylik ikki tomonlama qabariq linza sindirish ko‘rsatikichi, ushbu linzaning sindirish ko‘rsatkichidan kichik bo‘lgan muhitda turgan bo‘lsin (1-rasm). Masalan ananaviy qarab kelinadigan havodagi yoki ”bo‘shliqdagi” holatni qarashimiz mumkin.




1-rasm.

Ya’ni sindirish ko‘rsatkichlari uchun $n_l > n_m$ sharti bajarilsin. Bu holda n_l –linzaning absolyut sindirish ko‘rsatkichi, n_m - esa linza turgan (joylashgan) muhitning sindirish ko‘rsatkichi bo‘lsin. Linzaning absolyut sindirish ko‘rsatkichi n_l, muhitning sindirish ko‘rsatkichi- n_m dan kichik bo‘lsin. Linzaning chap sirtini o‘rtasida ko‘rsatilgan O nuqtasiga 1-rasmda ko‘rsatilganidek T_1 sferik yorug‘lik to‘lqin frontining mqrkaziy nuqtasi kelib tushayotgan bo‘lsin. Rasmda T_1 linzaga kirib keluvchi to’lqin va T_2 linzadan chiquvchi to’lqinlar fronti. Vaqtning qandaydir t_0 paytida to‘lqin fronti, yani linza markazi O nuqtaga yetib kelgan to‘lqin fronti, shu daqiqadan boshlab linza ichida, $n_l > n_m$

sharti bajariladigan holatda tarqala boshlaydi. Bu holda yorug'lik tezligi uchun $v_l<v_m$ sharti bajariladi.

Demak to'lqin frontining B va C nuqtalaridan Gyuygens - Frenel prinsiplariga asosan tarqala boshlagan to'lqinlar uchun muhitdagi tezligi o'zgarmagani holda v_m=const va $v_l < v_m$ shartlari bajariladi. Linza ichida yorug'lik tezligi, tachqi muhitdagidan kichikroq bo'ladi. O nuqtaga kelgan to'lqinlar Δt vaqt ichida linzaning O^1 nuqtasiga kelgunicha, B va C nuqtalaridagi to'lqinlar tezligi linza ichida tarqalayotgan to'lqinlar tezligidan kattaroq bo'lgani uchun B^1 va C^1 nuqtaga kelib ulguradi. Shu kabi D va D^1 nuqtalar oralig'i OO^1 nuqtalar oralig'idan kichikroq bo'lgani uchun, linzaning qalinligi linza markazidagi qalinlikdan kichikroq bo'lgani uchun, bu oraliqni ham yorug'lik OO^1 ga qaraganda sal tezroq bosib o'tadi. Natijada linzadan Δt vaqt ichida yorug'lik OO^1 bo'ylab chiqqunicha, uning o'ng tomonida B^1C^1, yoki T_2 botiq to'lqin fronti hosil bo'ladi. Bu sirtning har bir nuqtasini ikkilamchi to'lqinlar manbai deb qaralsa, barcha nurlar linzaning X optik o'qida yotuvchi fokusida yig'iladi. Demak $n_l > n_m$ va $v_l < v_m$ shartlar bajarilganida qabariq linza chindan ham faqatgina yig'uvchi linza bo'lib xizmat qilar ekan.


Ammo $n_l < n_m$ va $n_l>n_m$ shart bajarilsa, yani linzaning absolyut sindirish ko'rsatkichi muhitning absolyut sindirish ko'rsatkichidan kichik bo'lib qolsa nima bo'ladi? – degan savolni qo'yib ko'raylik. Bu holda biz yuqorida taxlil qilgan hodisaning aksi yuz beradi.



2-rasm.


Ikkinchi rasmda huddi shu shart bajariladigan holat tasvirlangan Δt vaqt davomida yorug'lik linza ichida OO^1 chiziq bo'ylab OO^1 qalinlikda muhitda tarqalayotgan BB^1 qalinlikni o'tayotgan yorug'lik to'lqiniga nisbatan tezroq harakat qiladi ($v_l>v_m$) chunki $n_l < n_m$ bo'lganida, $v_l>v_m$ shart bajariladi. OO^1 BB^1,CC^1 qalinliklarni Δt vaqt ichida bosib o'tgan yorug'lik, endi B^1C^1 qabariq to'lqin fronti bo'lgan - (T_2) to'qin sirtini hosil qiladi va bu sirtning har bir nuqtasidan chiqayotgan to'lqinlar endi yoyiluvchi yoki sochiluvchi to'qinlarni hosil qiladi va qabariq linza endi, $n_l < n_m$ va $v_l>v_m$ shartlari bajarilganida "sochuvchi" linza bo'lib qoladi.

Huddi shu kabi mulohaza yuritsak, ikki tomonlama botiq linza ham $n_l > n_m$ shart bajarilsa, $v_l<v_m$ sharti o'rinli bo'lib, sochuvchi linza vazifasini bajaradi (3-rasm).



3-rasm.

Aks holda $n_l < n_m$ va $v_l > v_m$ shartlari uchun esa, botiq linza- “yig‘uvchi” linzaga “aylanadi”.



4-rasm.

Demak ikki tamonlama qabariq linza yig‘uvchi linza yoki ikki tamonlama botiq linza sochuvchi linzalar degan tushunchalar nisbiy bo‘lib, bu holat linzalarning qanday muhitda joylashganligiga bog‘liq bo‘lar ekan.

FOYDALANILGAN DABIYOTLAR:

1.Ortiqov A. Ferma prinsipi va yorug‘likning qaytish va sinish qonunlarini o‘rganish tajribasidan.// ADU ilmiy xabarnomasi. №2. 2009. 14-16

2.Ortiqov A., Ubaydullayev S., Hakimov A. Ferma tamoyili va geometrik optikaning ayrim mavzularini o‘qitish muammolari xaqida. //Mehnat va kasb ta’limi yo‘nalishlarida muxandislik fanlarini o‘qitishning dolzarb muammolari. Res. ilmiy-amaliy seminari to‘plami. Namangan.3-4.06. 2015.187-188s

3. Музыченко Я.Б., Слободянюк С.В., Стафеев С.К., Томилин М.Г. История оптики. Часть I. Визирные системы древности.Учебное пособие. Санкт-Петербург. (СПб ГУ ИТМО) 2009.

4.Ландсберг Г.С. Оптика. Т., 1981.

5.Otajonov Sh. Molekulyar optika. T., 1994.

6.Parpiyev Q., Otajonov Sh., Mamatisaqov D., Artiqov A. Umumiy fizikadan praktikum. Andijon, 2002.

БОЛАЛАРДА ФИКРЛАШ ҚОБИЛИЯТИНИНГ ФАОЛЛАШУВИГА ХИЗМАТ ҚИЛУВЧИ ҲАРАКАТЛИ ЎЙИНЛАР

Игамова Дилдора. Назировна. – АДТИ, Хорижий тиллар кафедраси, катта ўқитувчи

Аннотация. *Ушбу мақолада болаларда фикрлаш қобилиятини ривожлантиришда ҳаракатли ўйинлардан фойдаланиш муаммоси муҳокама қилинади. Турли хил ҳаракатли ўйинлар орқали болалар фикрлаш қобилиятини ривожлантирилади. Стресс ҳолатини бартараф этишда ҳам ҳаракатли ўйинларнинг аҳамияти жуда катта. Ҳаракатли ўйинлар орқали болалар фикрлаш қобилиятини шакллантириш босқичлари, мақсадлари, вазифалари ажратиб кўрсатган.*

Калит сўзлар: *фикрлаш, ҳаракатли ўйинлар, болалар ёши, фикрлаш қобилияти, чет тил дарслари, фикрлаш қобилиятини шакллантириш жараёни.*

MOVING GAMESTHAT ARE MEANT TO ACTIVATE THINKING ABILITIES OF CHILDREN

D.N.Igamova- academic chair of foreign languages, head teacher.

Annotation: *The problems faced while developing thinking abilities by moving games will be discussed in this article. Children's thinking abilities are developed by different moving games. Moving games are also important on reducing stress level. Children can learn the stages of developing thinking abilities, their purposes, and duties with the help of moving games.*

Key words: *thinking, moving games, children's age, thinking ability, the lessons of foreign languages, the process of forming thinking ability.*

ФИЗИЧЕСКИЕ ИГРЫ, НАПРАВЛЕННЫЕ НА АКТИВИЗАЦИЮ МЫСЛИТЕЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ ДЕТЕЙ.

Д.Н. Игамова - кафедра иностранных языков, зав. Кафедрой.

Аннотация: *В статье будут рассмотрены проблемы, возникающие при развитии мыслительных способностей с помощью подвижных игр. Детские мыслительные способности развиваются с помощью различных подвижных игр. Подвижные игры также важны для снижения уровня стресса. С помощью подвижных игр дети могут узнать этапы развития мыслительных способностей, свои цели и обязанности.*

Ключевые слова: *мышление, подвижные игры, детский возраст, мыслительные способности, уроки иностранных языков, процесс формирования мыслительной способности.*

Ўрганиш ва ҳаракат ўртасидаги муносабат ҳақида қанча кўп тажрибага эга бўлинса, болалар билан ишлаш жараёнида янгидан-янги методлардан фойдалана олиш учун шунча кенг миқёсда имкониятлар очилади. Ушбу мақолада болаларнинг моторик қобилиятларини тезроқ ривожланиши ҳамда ўрганиш жараёнини яҳшилашга хизмат қилувчи "ҳаракат" ҳақида сўз боради ҳамда фикрлаш қобилиятининг янада фаоллашувига ёрдам берувчи 10 нафар ҳаракатли ўйинлар тақдим этилади.

Аввалги қисмда болалардаги ҳам жисмоний ҳам ақлий ривожланиш босқичида ҳаракатли ўйинларни ўрганиш жараёнига таъсири борасида сўз кетса, кейинги қисмда эса мия фаолиятининг бир функцияси ҳисобланмиш фикр- лаш қобилиятини янада юксалишига ҳизмат қилувчи тажрибадан ўтган 10 нафар ҳаракатли ўйинлар тақдим этилади.

Хулоса қисмида боғча ёшидаги ҳамда илк бошланғич мактаб ёшидаги болалар билан олиб борилган, ҳамда қуйида тақдим этилаётган харакатли ўйинларни амалга оширишдаги тажрибалар ва уларнинг натижаси қайд қилиниб, бу каби харакатли ўйинларнинг афзалликлари санаб ўтилади.

Ҳаракат-мия фаолиятининг фаоллашувига ёрдам беради.

Инсонлар нейронал тармоқлари ривожланиши ёки хотирада сақлаб қолиш қобилияти юксалиши учун ҳаракатланиши фойдалидир. Она бачадонида боланинг мияси тўла шаклланиб, ривожланиш жараёни бошланиши биланоқ, нейронлар сигнал юборишни бошлайдилар. Атрофи фаол ҳамда завқли муҳит билан йўғрилган чақалоқ, рангсиз ва меҳрсиз муҳит даврасида ўсаётган чақалоққа нисбатан кўпроқ ҳамда қалинроқ, мустаҳкамроқ нейронал бирикувлар ишлаб чиқаради. Бир ёшдан 10 ёшгача бўлган даврда боладаги ишлатилмаган нейронал бирикмалар йўқолиб кетади. Кундалик ҳаётда фаол фойдаланилган нейронал бирикмалар эса кучаяди ва мустаҳкамланади. Бу жараён бутун умр бўйи ҳам шу тарзда давом этади, яъни инсон миясида мавжуд бўлган нейронал бирикмаларни тебратмаса, фойдаланмаса, улар ўз ўзидан ўладилар. Бундан ташқари агар бош 20 дақиқа давомида активликни йўқотса, яни ҳаракатсиз бўлса, бу пайтда ҳам доимий ўзаро алоқада бўлувчи нейронлар қобилияти сусайиб кетади. Бундан келиб чиқадики, миянинг таркибий қисмларидан бири ҳисобланмиш мияча юқорида ҳам таъкидлаб ўтилганидек, инсон мувозанатини сақлаб туришида, хотирлашда, сезги, идрок, қарор қабул қилиш, гапириш ва ҳатто имо-ишора ва мимикаларни ифодалай олишида ҳам асосий вазифани бажаради. Когнитив маълумотлар ҳаракатлар билан бириккан ҳолда хотирада сақланган бўлса, осон эсланади, уларни жонлантириш енгил кечади. Қабул қилинган маълумот ёки билим ҳаракат билан миячага киритилганда, ўрганиш жараёни ҳаракат орқали янада самаралироқ миячага етиб боради. Яна ҳаракат орқали мияча фаолияти машқ қилинганда, нейронал йўллар ва бирикмалар кучайиб, мустаҳкамланиши эвазига мияда билим ёки маълумотнинг мухрланиши юзага келади.

Ҳаракат шундай самарадор воситаки, у миядаги оддий яшаш тарзи, тирикликнинг кўриниши функциясини фикрлаш ҳамда ўйлаш сари йўналтира олади. Сир эмаски, миянинг бирламчи вазифаси ҳаёт учун, яшаб қолиш учун қаратилган бўлади, қолаверса у ўзига етиб келаётган ҳар бир стимулга-қизиқтирувчи омилга қувонч ёки оғриқ каби ҳиссий таркиблар орқали муносабат билдиради. Агар маълумот ҳатарли ёки таҳликали деб шарҳланмаса, у ҳолда миянинг пешона бўлими унга нисбатан муносабат ёки жавоб билдиришга ҳозирланади. Ва аксинча, агар мияга келган бу маълумот ҳавфли ёки номуҳим деб изоҳланса, у ҳолда Flight-and-Fight - реакцияси юзага келади. Бунда бош мия қобиғида ҳаракатланаётган қон ҳамда глюкоза орқали орқа мияга узатилиши натижасида фикрлаш жараёнидаги юқори тартиб сезиларли суратда қисқаради ва

бузилади. Бу жараён мияда янги янги ғоялар пайдо бўлиши ҳамда унинг ривожланишига тўсқинлик қилади.(5)

Стресс ҳолатини бартараф этишда ҳам ҳаракатнинг аҳамияти жуда катта. Агар бола стресс ҳолатли вазиятга тушиб қолганда, бош мия қобиғидаги қон айланиш тизими етарлича ҳаракат қила ололмаслиги боис, мувозанат бузилади. Мияда узоқ вақт сақланиб турган стесс ҳолати мия фаолияти самарадорлигини сусайтиради, натижада боладаги қарор қабул қилиш, хотирлаш, эсга олиш, тиниқ фикрлаш каби қобилиятлар пасайиб кетади. Бироқ, агар ўрганиш жараёни эмоционал ижобий вазиятда бўлиб ўтса, болалардаги буни сақлаб қолиш ҳамда эслай олиш ҳисси янада юқори бўлади. Чунки ўша ўрганиш жараёнидаги жўшқин ҳаракатли ҳамда завқли ҳолат мия фаолиятини жонланиши ва фаоллашувига туртки беради. Мия комплекс равишда бир бутунликда ўрганиши боис, бола ўтилган билимини эслаётганида ўша билимни олаётган пайтидаги эмоционал ҳамда ижобий жиҳатлар ҳам бирга кўз олдига келади. Бу жараён уни бу маълумотни хотирасида узоқ сақлаб қолишига хизмат қилади. Ва аксинча агар ўрганиш жараёни салбий ҳиссиётлар: уялиш ҳамда қўрқув билан боғланган бўлса, уни хотирлаш давомида ёқимсиз туйғулар гавдалангани боис, стресс ҳолати юзага келади- бу эса билимни хотирада сақланиб қолиниши ўрнига, унинг миядан чиқиб кетишига сабаб бўлади.(5)

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатли машқ ҳамда ўйинлар боладаги ўрганиш жараёнига фақатгина ижобий таъсир этибгина қолмай, балки уни янада самарали ривожланишида катта аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмоқчимиз. Умумий олганда улар қуйидаги афзалликларни тақдим этади:

- Мотивацияни уйғотади ҳамда кучайтиради
- Концентрацияни жамлайди
- Фикрлаш жараёнини тезлаши ҳамда ўткирлашишига сабаб бўлади
- Мия ичидаги коммуникацияни яхшиланишига олиб келади
- Мияда жонланган кучли қизиқиш-электромагнит энергия оқимини бутун тана бўйлаб айланишига сабаб бўлади
- Миянинг фақатгина бир томон ярим шари доминант тарзда ҳаракатланишини олдини олиб, икки ярим шарнинг ўзаро бир-бири билан актив алоқада болишлигини таъминлайди
- Қон айланиш тизимини ҳам бир маромда ҳаракатланиши учун хизмат қилади
- Концентрация қобилиятини кучайтириш даражасида мияни фаоллаштиради (5)

Консентрация ўрганиш жараёнининг самарали натижа бериши учун муҳим омил ҳисобланади. Тизен қарашларига кўра консентрация-бу руҳий уйғоқликнинг юқори даражадаги ҳолати. Болада бундай ҳолатни дастлаб пайдо қилолсаккина, у ниманидир ўргана олади. Боғча ва бошланғич мактаб ёшидаги болаларда консентрация қуйидаги тартибда жамланиб туради:

4-5 ёш -таҳминан 10 дақиқа
6-7 ёш- таҳминан 15 дақиқа
8-9 ёш- таҳминан 20 дақиқа
10 ёш -таҳминан 25 дақиқа

Беш ёки ўн дақиқали қисқа танаффусдан сўнг, яна машғулотни давом эттирса самарали бўлади.(1990:12)

Қуйида ҳавола этилаётган ҳаракатли ўйинлар боғча ёшидаги болаларга ҳам бошланғич мактабнинг қуйи синфидаги болаларга ҳам мўлжалланган бўлиб, нафақат дам олиш фазасида, балки, ўрганиш мақсадида, машғулот жараенида фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ким топқир ва ким чаққон? (қиёс www.gesund-macht-schule.de)

Ўйин мақсади: диққатни жамлаш, фикрлашга чорлаш ва саноқни ҳамда чет тилида ўрганган сўз ва рангларни мустаҳкамлаш

Болалар сони: 8-10

Ёши: 6-7

Жой: майдонча

Материал: пластик таёқ ёки ўйинчоқ

Ўйин жараёни: Жами болалар ўйинли тарзда икки гуруҳга бўлинади, мозайка (puzzle) ёки рангли карточкалар ёрдамида. Миқдори тенг бўлган икки гуруҳ ораси 6-8 метр масофа билан бир бирларига қараб турадилар. Ҳар қайси гуруҳ иштирокчиларига маълум сонлар тарқатилади, яъни биринчи гуруҳдаги 5 болага ҳамда иккинчи гуруҳдаги 5 болага 5 хил рақам тарқатилади. Орадаги масофанинг марказий нуқтасига пластик таёқча ёки бирон енгил ўйинчоқ қўйилади. Ўйин бошқарувчиси тарқатилган 5 хил рақамнинг бирини баланд овоз билан айтади. Қайси гуруҳдаги бола айтилган рақам билан ўзи ушлаб турган рақам бир хиллигини англаши билан марказ томон чопади. Ким ўртадаги пластик таёқни биринчи бўлиб қўлга киритса очко олади. Ўйин шу тарзда ҳамма иштирокчилар чақирилгунга қадар давом этади.

1-вариант: Бу ўйинни турли ёшли болалар билан ҳам ўйнаш мумкин, масалан ҳайвонларни машғулот қилиб ўтилганда, юқоридаги сонлар ўрнида ҳайвонлар расмларини берса ҳам бўлади, бунда ўйин бошқарувчи ҳайвон номини айтиб чақирганда, қўлида ўша ҳайвон расмини тутиб турганини билган бола ўртада турган ўйинчоқни олиш учун чопади.

2- вариант: Чет тилини ўрганишни бошлаган гуруҳда ҳам айнан шу тартибда, фақат ўрганилаётган хорижий сўзлар ёрдамида давом эттирса, жуда қўл келади, уй ҳайвонлари, сонлар, ёки ранглар машғулотда ўргатилгандан сўнг, уни мустаҳкамлаш учун шундай 2 гуруҳга ажратиб, расм ёки сонлар ёки рангларни тарқатиб, сўнг, уларни чет (инглиз, немис, рус) тилларида айтиб чақирганда қўлидаги ранг айнан айтилаётган рангни ўзилигини билган, англаган бола, марказдаги таёқни олиш учун чопади.

”Машғулот мавзусини топиш” (5)

Ўйин мақсади: кенг фикрлаш, мушоҳада қилиш ҳамда танқидий фикрлаш

Ёш: 6-7

Болалар сони: 10-12

Материал: Режалаштирилган машғулот мавзуси юзасидан тушунтириш учун керак бўладиган (болани кенгроқ фикрлашга чорлаш учун керак бўлмайдиган нарсалар ҳам қўйилиши мумкин) предметлар: масалан, бир мавзуга оид предметлар

кўпроқ қўйилиб, мавзудан ташқари предметлар ҳам аралиштирилади; расм, япроқ, копток, кичик дарахтча, айиқча, китоб, қуш, қайчи, гул ва бошқалар.

Ўйин жараёни: юқоридаги каби нарса ва предметлар стол устига қўйилади, болалар ҳаммаси 3- 5 дақиқа мобайнида сокин мусиқа остида ўйин бошқарувчиси (тарбиячи ёки ўқитувчи) кўрсатмаларига асосан ҳаракатли машқлар билан стол атрофида айланадилар. Мусиқа тамом бўлгандан сўнг, тарбиячининг“ Қандай таҳминларингиз бор, ҳозирги машғулотимиз мавзуси нима ҳақида бўлиши мумкин?“- дея ҳаммани нигоҳини стол устида ётган нарсаларга қаратади. Ҳар бир бола ўзининг таҳминларини ёки таҳминй саволларини ифода этади, масалан“ Бугун копток ўйнаймизми?“, ёки „ Китоб расмини чизамизми?“- каби. Бир бола бир неча таҳминлар айтса бўлади. Ўқитувчи имкон доирасида ҳар бир боланинг таҳминини қисқача қайд этиб қўйиши керак бўлади. Машғулот сўнггида мураббий дарс мазмунини таҳминлар билан қиёслаб, ким тўғри таҳмин қилганини, яна кимдир янада кенгроқ фикрлашга ҳаракат қилганини эълон қилади.

Ақлий ҳаракат ўйини

Ўйин мақсади: фикрлаш, диққатни жамлаш ва шунга монанд ҳаракат қилиш

Ёш: 5-7

Болалар сони-10-12

Ўйин жараёни: Барча болалар пленум, яъни доира шаклда стулда ўтирадилар. Ўйин бошқарувчиси аввалда ўйин тартибини тушунтиради: У бирин-кетинликда сўзлар айтади, агар бу сўз ейиладиган нарса бўлса, мисол учун “олма” дейилса, улар буни англаб чаппак чалишлари лозим бўлади, агар ҳаво, осмон жисмлари бўлса, масалан “қуёш”, ёки, “самолёт” бола ўрнидан туриб қўлларини юқорига кўтариши лозим, ва агар ўйинчоқ номи бўлса, масалан “копток”, ёки “ қўғирчоқ, улар ўринларидан туриб сакрашлари керак бўлади.

Вариантлар: Бу ўйинни чет тилларни ўрганишни бошлаган болалар гуруҳида ҳам ҳудди шу тартибда чет тилида ўрганилган сўзлар иштирокида ўйналса, болаларнинг сўз заҳирасидаги лексик бойликларини мустаҳкамлаш ҳамда бойитишга ҳисса қўшади.

Ҳиссий пантомима (5)

Ўйин мақсади: Ижодий фикрлаш ҳамда ролга киришиш

Ёш: 5-7

Болалар сони: 10-12

Ўйин жараёни: Болалар барчаси ўз жойларида, стулларида айлана шаклида ўтирадилар. Ўйин бошқарувчиси савол ташлайди, масалан: “ Агар жаҳлингиз чиқса, юзингиз қай ҳолатга тушади?”- болалар ўтирган ҳолларида ҳолатни тушунгач, ролга киришадилар, яъни жаҳли чиққан одам қай кўринишда бўлишини ифодалайдилар. Ижодий қобилиятга кўра болалар ўринларидан туриб, бошқа ҳаракатлар орқали тасвирлашлари ҳам мумкин бўлади. Бола яҳшироқ тушуниши учун, бошида тарбиячи ёки ўқитувчи ўзи бир бор намуна сифатида кўрсатиб бериши мақсадга мувофиқдир. Давоми сифатида шу каби саволлар берилади, масалан: “Агар ҳурсанд бўлсангиз қандай ифодалайсиз?”- ёки ҳафагарчилик, қўрқув, баҳт, чарчаганлик, уйқусираш ҳолати каби ҳиссий ҳолатларни мимика ва гестика орқали ролга кириб

ижро этишлари талаб этилади. Ўйин орасида болаларни баҳолаб ёки рағбатлантириб турса ҳам ўринлидир.

Вариантлар: Чет тилини ўрганишни бошлаган гуруҳда ҳам шу ҳолатларни ифодаловчи “феъллар“ айтилиши билан болаларни пантомима шаклида ижро этишларига ундаса бўлади: Масалан **“**You are happy**” ёки “**You are tired**”** каби.

Копток узатиш (10)

Ўйин мақсади: ҳаракатли машқ орқали танишиш ҳамда савол ва жавоб беришни ўрганиш

Ёш- 3-7

Болалар сони- 8-10

Материал: копток

Ўйин жараёни: Ҳамма болалар айлана шаклида ораси 20 сантиметр масофа билан стул устида ўтирадилар. Ўйин бошқарувчиси ҳам уларнинг доирасида ўтирган ҳолда оёғида коптокни тутганча бошлайди: “ Менинг исмим Сабина, сенинг исминг нима?” дея оёғидаги коптокни ёнида ўтирган боланинг оёғига узатади, болакай оёғида коптокни тутиб олгандан сўнг, саволга жавоб беради ва шу тарзда яна савол билан ёнидаги шеригига коптокни узатади. Ҳамма исмини айтиб, танишиб бўлганларидан сўнг, Иккинчи айланишда ўйин бошловчиси бошқа мавзудаги савол билан яна коптокни узатади, масалан “ олма қандай шаклда бўлади”, ёки “ Сен қаерда яшайсан? “, ёки “ Ҳафтада неча кун бор?” каби болаларда машғулотда ўтилган мавзулар юзасидан саволлар бериши мумкин, ва бевосита бола ҳам аввал саволга жавоб қайтариб, ўзи ҳам савол беришга уринади, диққат яна ҳам жамланиши учун, коптокни бир-бирларига оёқларида узатадилар.

1-Вариант: Бу ўйин табиат қўйнида, боғ ёки ҳиёбонда, стулсиз, майса устида ўтириб ўйналса ҳам фойдали бўлади. Кичик ёшли болаларда ўйин фақат она тилида олиб борилади.

2-Вариант: Бу ўйинни чет тилини ўрганаётган катта гуруҳларда ҳам ҳудди шу тартибда фақат ўрганилган ҳорижий сўзлар билан ўйнаш мумкин, айниқса мактаб ёшидаги 6-7 ёшли болалар, хорижий дарсларда қўлласа мақсадга мувофиқ бўлади.

Қувноқ кубикчалар (5)

Ўйин мақсади: визуал қобилиятни жисмоний ҳаракатлар билан боғлаб, фикрни кенгайтириш

Ёш: 5-7

Болалар сони- 8-10

Материал: 2 дона сонлар ёзилган кубикчалар ҳамда ҳар бир сон учун ёпиштирилган ёки чизилган 6 та ҳаракатни ифодаловчи расм.

Ўйин жараёни: Ўйин бошқарувчиси болаларни 2 гуруҳга бўлади, иккала гуруҳ алоҳида ўзлари учун ажратилган стол атрофида айлана бўлиб турадилар. Биринчи гуруҳ кубикни айлантиради, неча рақам тушса алоҳида қоғозчада шу рақам остига чизилган ёки ёпиштирилган ҳаракатни, масалан: “ сакрамоқ“ ни ҳаммалари гуруҳ билан бажариб кўрсатадилар. Ўйин бошқарувчиси савол беради: “ Кимлар ёки нималар сакрай олади?” , Болалар мантиқан фикрлаб, жавоб берадилар, тўгри жавоблар қайд этиб борилади. Кейин иккинчи гуруҳ ҳам кубикни айлантирадилар ва тушган рақам остидаги расмни биргаликда бажариб кўрсатадилар, масалан “

сузмоқ", яна ўйин бошқарувчиси бу гуруҳга ҳам савол беради: " Кимлар ёки нималар суза олади?" иккинчи гуруҳ иштирокчилари ҳам суза оладиган нарсаларни санайдилар, шу тартибда биринма-кетин кубикдаги олти сон ва бунга монанд расмдаги ҳаракат бажарилгунча ўйин давом этади, сўнгтида қайси гуруҳ кўпроқ тўғри фикрлаб жавоб берганликларини айтиб ўтиш ёки тақдирлаш ҳам мумкин.
Вариант: 6-7 ёшли, чет тилини ўрганишни бошлаган гуруҳларда ўйинни хорижий тилда ҳам ўйнатиш мумкинлиги тавсия этилади.

Ранглар ассоциограммаси (10)

Ўйин мақсади: Фикрлашни кенгайтириш ҳамда кузатувчанликни ошириш

Ёш: 5-7

Боллар сони: 10-12

Ўйин жараёни: Болалар 10-15 дақиқа табиат қўйнида сайрга чиқадилар, гулзор, боғ ёки ҳиёбонга. Боғча ёки мактаб ҳовлиси ҳам бўлиши мумкин. Сайрдан олдин ўйин бошқарувчиси болаларга сайр давомида кўраётган нарсаларига эътиборли бўлишларини айтади. Сайр ниҳоясига етгач, болалар стулларига жойлашадилар ҳамда ўйин бошқарувчиси бир бошдан ҳаммадан алоҳида нима кўрганини ва унинг ранги қандай эканлигини сўрайди. Жавобларни қайд этиб боради ва ким кўпроқ нарса кўриб, рангларини ҳам тўгри эслаб қолган бўлса, олқишлаб, ёки рағбатлантиради.

Вариант: Чет тилини ўрганаётган гуруҳларда чет тилида ҳам нарса номлари ҳамда унинг рангларини хорижий тилда айттириш мумкин.

Қўлимда нима бор? (10)

Ўйин мақсади: кенг фикрлашга чорлаш, нутқни ўстириш

Ёш: 6-7

Болалар сони- 10-12

Материал: майда нарсалар солинган қути ёки қопча, ёки жомадон

Ўйин жараёни: Болалар айлана шаклида ўтирадилар. Ўйин бошқарувчиси ҳона ўртасига стол устига ичига бир неча ҳил майда ашёлар тўлдирилган қути ёки қопча қўяди. Аввал ўзи қутича ичидан бирон нарсани танлаб, қўлига яширади ҳамда болаларга мурожаат қилади: " Қўлимдаги бу думалоқ нарсанинг номини эсимдан чиқардим, топишга ёрдам бера оласизларми?", болалар таҳмин қилиб, думалоқ нарса номларини айтадилар, агар жавоблар ичида тўғриси бўлмаса, у яна таърифлашни давом эттиради, " у нарса жуда керакли, у ҳар хил рангларда бўлиши мумкин", болалар яна таҳмин қиладилар, "Айниқса қишда у бўлмаса совқотиб қоламиз", Болалар хаёлларига келган жавобни айтаверадилар, " агар у узилиб кетса, онамиз тикиб беради" Бир бола " тугмача " дейди, шу тарзда тўғри жавоб топилгунга қадар таъриф давом этаверади. Жавобни тўғри топган бола қути ёнига келади ҳамда унинг ичидан бирон нарсани қўлига яширади ва уни таърифлайди, ўйин шу тарзда ҳар бир бола қутидан нарса олиб, таърифлаб, топгунларича давом этади.

1-Вариант: Бу ўйинни очиқ табиат қўйнида, болалар сайр қилиб бўлганларидан сўнг ҳам амалга ошириш фойдалидир.

2-Вариант: Болалар ёши ва савиясига қараб чет тилида ҳам олиб бориш мумкун.

Шакллар орқали фикрлаш (11)

Ўйин мақсади: Фикрлашни расм чизиш ҳа ҳаракат орқали кенгайтириш

Ёш: 5-7

Материал: Ҳар бир бола учун алоҳида нуқтачалар билан тўлдирилган вароқ ҳамда чизиш учун қалам, магнит ҳамда доска

Ойин жараёни: Болаларга шакллар ҳусусида маълумот берилгандан сўнг, нуқтачалар билан қопланган вароқни ҳамда қаламни бериб: "Нуқтачаларни бирлаштириш билан қандай шакллар чиза олиш мумкин" дея вазифа берилади. Болалар фикрлаб, уддалай олганларича нуқталарни бирлаштириб, учбурчак, тўртбурчак ёки бошқа шаклларни чизишади ва ҳар бир бола Пин-Борд усулида магнит доскага ёпиштиради. Ҳамма болалар чизган шаклларини доскага илишгандан сўнг, расм эгалари, бирма- бир доскага чиқиб, расмини кўрсатиб, нима чизганини айтади ва бу шаклда қандай предмет ёки нарсалар бўлиши мумкинлигини ҳам айтиши мумкин.

Моҳир чеварлар (12)

Ўйин мақсади: ижодкорликни ҳамда кенг фикрлашни ошириш, саноқни машқ қилиш

Ёш: 4-7

Материал: ҳар бир бола учун қоғоз қирқийдиган қайчи, клей, ҳамда газета

Ўйин жараёни: ҳар бир болага қайчи ҳамда эски бир вароқ газета тарқатиилади ва „Газетани бир томонидан оҳиригача етказмасдан ким кўпроқ қирқа олади?" дея вазифа берилади. Болалар гоҳ тўғри, гоҳ қийшиқ қилиб бўлсада газетани оҳиригача олиб бормай, соч толаси каби узун- узун қилиб қирқиб чиқадилар. Сўнг ким нечта бўлак қирққанини ўзи санаб беради ва энди клейни ҳам ишлатиб, „бу қирқилган газетадан нималар ясаш мумкин" деб ҳитоб қилинганда, болалар ижодий фикрлаб, нима ясасалар ҳам уни таърифлаб берадилар.

Вариант: Чет тили ўрганаётган гуруҳда хорижий тилда олиб борса ҳам бўлади. Болалар чет тилида санаб, ясаган нарсаларини номини ҳам чет тилда сўзлаши мумкин.

Хулоса: Бу ҳавола этилган ўйинлар боғча ҳамда мактаб ёшидаги болалар иштирокида ўйналган ҳамда тажрибадан ўтган ўйинлардир. Педагогик фаолиятимнинг дастлабки дамларида боғчанинг катта, (6-7 ёшли) мактабга тайёрлов гуруҳида чет тили дарсини қуйидаги ўйинлар орқали болаларга машғулот сифатида етказганман. Ҳаракатли ўйинлар она тилида ўйналганда ҳам боланинг фикрлаш доирасини кенгайишига ёрдам бериши сир эмас, агар чет тилини ҳам шу каби ҳаракатли ўйинлар билан бошланса, аввало боладаги мотивация уйғонишида, концентрация жамланишида, булар эса миядага нейронал ҳолатга ижобий таъсир этиб, синапслар бирикувига ёрдам беришида, бу бирикувлар ўрганилган билимни узоқ муддатли ҳотирага жойланиши ҳамда сақлашига замин бўла олишини юқорида келтирилган илмий асослар ҳам тасдиқлайди. Менинг боғчадаги кичик доирада олиб борган ҳаваскорлик тадқиқотим ҳам шуни исботлади. Ҳаракатли ўйинлар билан чет тилини ўрганишни бошлаган мактаб ёшидаги болалар, мактабга қабул қилиниш учун психолог томонидан ўтказилган суҳбатда, бошқа гурухдаги

ўйинларсиз, ҳусусан, чет тили машғулотида иштирок этмаган болаларга нисбатан сезиларли даражада яҳши натижалар кўрсатишган. Уларнинг фикрлаш доираси ҳамда диққатни жамлай олишдаги, фикрларини эркин ифода қила олишдаги фарқи анча юқори эканлигини психологлар ҳам тасдиқлаган. Шу нуқтаи назардан шундай фикрга келдимки, бу каби ҳаракатли ўйинларни нафақат 6-7 ёшдан, балки ундан ҳам эртароқ ёшда бошланиши боланинг тафаккури ривожига, дунёқарашига, мушоҳада қила олишига, анализ ва синтез қилишни ўрганишига катта ҳисса қўшади. Айниқса, тез суратда ривожланиб бораётган Ўзбекистон таълим тизимидаги чет тилларни ёшликдан ўқитишга эътибор давлат миқёси даражасига кўтарилган паллада бу каби ҳаракатли ўйинлар, қолаверса, саноқ ўйинлари, алфавитли ўйинлар, ролли ўйинлар, нутқий ўйинлар, ҳотира ўйинлари ва бошқа кўп турдаги таълимий ўйинлардан фойдаланган ҳолда чет тилини ўргатиш ҳам замон талаби ҳам ўрганиш мақсадининг ўзгинасидир.

Адабиётлар

1. Dr.med.Kovacs, Heike and dr. med.Kilian-Kornell, Gunhild (1999): Die Entwicklung ihres Kindes. München: Südwest
2. Grein, Marion. Vorlesungen: Mehrsprachigkeit und Neurodidaktik
3. Dr.Ward, Sally (2000): Baby Talk. London: Dr Sally Ward
4. Volker, Zähme and Zierk, Felicitas (2002): Was Kinder wissen müssen. Dumonts Handbuch. Köln: Du Mont monte
5. Clancy, Mary Ellen (2006): Active bodies, aktive Brains. Human Kinetics
6. Bonhoeffer, Tobias and Gruss, Peter (2011): Zukunft Gehirn.München: C.H.Beck
7. Grein, Marion (2006): Lernen und Wissenschaft: Samarkand
8. Thiesen, Peter (1990): Konzentrationsspiele für Kindergarten und Hort. Freiburg:Lambertus
9. Mielenhausen, Brigitte- Wilmes (2009): Das Krippenkinder Spielbuch. Münster: Ökotopia
10. Hielscher, Andrea (2001): Wahrnemungsspiele im Wald. Mainz: Grünewald
11. Wierz, Jakobine (2003): Kreative Mal-und Zeichenspiele. München: Don Bosco
12. Mielenhausen, Brigitte-Wilmes (2007): Kleinkinder in ihrer Kreativität fördern. Freiburg: Herder
13. Frederic, Martini and Edwin, Bartholomew (2006): Essentials of anatomy & physiologie (4th ed). Broche: Epuise

КИТОБХОНЛИК - ИНТЕЛЛЕКТУАЛ САЛОҲИЯТНИ ОШИРУВЧИ ВОСИТА СИФАТИДА

яхши китоб ўз сир-асрорини бир ўқишда фош қилмайди. уни такрор ўқиганинг сайин тушуниб борасан.(стефан кинг)

Наманган давлат университети, Педагогика ва психология кафедраси катта ўқитувчиси Асқарова Манзура Авазбековна
Қўқон Давлат Педагогика Институти ўқитувчилари
Отажонова Сарвигул Равибжоновна,
Алимова Мавжудахон Баходировна,
Ирматова Маъмурахон Джураевна,
Йўлдошев Дилшоджон Маъмуржонович
Аминов Бахтиёр

Аннотация: *Ушбу мақолада ўқувчилар маънавиятини оширишда китобхонлик ва мутолаа маданияти, ёш авлодни мутолаага ундаш, уларнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтириш хақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *эзгулик, юксалиш, китобхонлик, маданият, маънавият, китоблар фонди, ривожланиш.*

ЧТЕНИЕ-ИНТЕЛЛЕКТ КАК ИНСТРУМЕНТ НАРАЩИВАНИЯ ПОТЕНЦИАЛА

Аннотация*: В этой статье говорится об идее повышения знаний, кругозора и нравственного воспитания людей и молодого поколения к чтению книг.*

Ключевые слова: *доброта, вознесение, чтение, культура, духовность, книжный фонд, развитие.*

READING-INTELLIGENCE AS A CAPACITY-BUILDING TOOL

Annotation: *In this article it is said about the idea of rising intelligence, outlook and behaviovr of people and young generation to convince their reading habits.*

Keywords: *kindness, ascension, reading, culture, spirituality, books fund, development.*

Бугунги кунда мамлакатимизда 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида барча соҳа ва тармоқларда улкан ўзгаришлар амалга оширилмоқда. Бу борада жамият ҳаётида эзгу қадрият ва анъаналарни чуқур қарор топтиришга, хусусан, халқимиз, айниқса, ёш авлоднинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, онгу тафаккури ва дунёқарашини юксалтиришда, она Ватани ва халқига муҳаббат ва садоқат туйғуси билан яшайдиган баркамол шахсни тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эга бўлган китобхонлик маданиятини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ушбу йўналишда тегишли ҳуқуқий-меъёрий базани мустаҳкамлаш, ташкилий-амалий ишларни замон талаблари асосида олиб бориш, бу масалага кенг

жамоатчиликни жалб этиш бўйича кейинги пайтда бирмунча ишлар амалга оширилаётганини таъкидлаш лозим.

Айни вақтда ўтказилган кузатиш ва таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган бир қатор долзарб муаммолар борлиги ва уларни кенг кўламда ҳал этиш зарурлигини кўрсатмоқда. Хусусан, халқимиз, аввало, ўқувчиларнинг маънавий-маърифий, бадиий-эстетик талабларига жавоб берадиган китобларни юксак сифат билан чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ва мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг энг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизда болаликдан бошлаб китоб, жумладан, электрон китоб ўқиш кўникмасини шакллантириш, жамиятимизда мутолаа маданиятини юксалтириш билан боғлиқ муҳим масалаларни ҳал этиш долзарб вазифа бўлиб қолмоқда.

Юртимизда китобхонлик маданиятини янада юксалтириш, ёш авлодни мутолаага ундаш каби вазифалар олиб борилаётган ислоҳотларнинг устувор йўналишларидан бирига айланди. Бинобарин, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 12 январдаги "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги фармойишида ҳам бу вазифалар кенг қамровда ўзининг аниқ ифодасини топган [1]. Дарҳақиқат, бу ўта зарур масала. Бугунги китоблар, айниқса бадиий асарлар ҳусусида айрим фикрларни баён этсак: маълумки, китоб ўқувчиларнинг дунёқараши, ижтимоий-сиёсий салоҳиятини маънавий баркамоллигини таъминлаши лозим. Бундай асарлар яратилмоқда. Халқимиз, айниқса, ёшларимиз уларни ўқишдан чарчамаяпти.

Китоб - барчамизни эзгуликка ундайдиган, олдимизда турган барча муаммоларни ҳал этишга ёрдам берадиган кучдир. Шунинг учун ҳам юртимизда китоб билан ошно бўлган, китобни суйган, китоб ёзган, китобни муқаддас билиб, кўз қорачиғидек асраганларни зиёли деб атаганлар. Зиёли-нур тарқатувчи, у ўзининг хатти-ҳаракатлари, фаолияти билан жамиятни нурлантирувчи, маънавий-ижтимоий барқарорликни таъминловчилар ҳисобланган. Баркамол авлодни вояга етказишда китобнинг тарбиявий аҳамияти беқиёс. Бинобарин, айнан мутолаа инсонга билим ва ахборот беради, унинг маънавий оламини бойитади. Яхши китоб энг мураккаб саволларга жавоб топишда беминнат дастёрдир.

"NOP World" халқаро рейтинг агентлиги маълумотларига кўра, дунёда одамлар ҳафтасига 16,6 соат вақтини телевизор кўришга сарфласа, 8,9 соатни компьютер қаршисида ўтказади, 6,5 соатни эса мутолаага ажратади. 2016 йилда ҳафтасига энг кўп китоб ўқийдиган мамлакатлар рўйхатида Ҳиндистон — 10,7, - Таиланд — 9,4, Хитой — 8, Филиппин — 7,6, Чехия — 7,4, Россия — 7,1, Швеция — 6,9, Франция — 6,9 ва Венгрия — 6,8 соат билан юқори ўринларни эгаллади [7].

Ноширлик фаолияти ривожланиб, китоб мутолааси янада оммалашиб бораётгани мулоқотнинг аудио, видео воситалари, радио, телевидение, ахборот-коммуникация тармоқлари ҳаётимиздан чуқур ўрин эгаллаши билан барчада китоб ўқишга қизиқиш йўқолади, деган фикр хато эканлигини кўрсатмоқда. Шубҳасиз, оммавий ахборот воситаларининг янги турлари пайдо бўлиши натижасида китобхонлик бирмунча пасайган бўлса-да, матбуот одамларда китоб мутолаасига қизиқишни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Қатор агентликларнинг жаҳонда китобга бўлган талабни ўрганиши шуни кўрсатдики, сўнгги 30 йилда бир номдаги китоб маҳсулотларини чиқариш уч баравар, адади бўйича 4 баравар кўпайди. Бугунги кунда дунёда ҳар йили қарийб бир миллион номда китоблар чоп этилади. Масалан, АҚШда киши бошига 10 та, Россияда 9,5 та, Францияда 5 та, Хитойда 3,5 та китоб босилмоқда [2].

Мамлакатимизда нашриёт ишининг замонавий ҳуқуқий асослари яратилган. Ўтган давр мобайнида 10 дан ортиқ қонунлар, 30 дан зиёд қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. 1 минг 677 та матбаа корхонаси, 118 та нашриёт давлат рўйхатига олинди [3]. Илғор технологиялар билан жиҳозланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 14 та вилоят ахборот-кутубхона маркази, туман марказлари ва шаҳарлардаги таълим муассасаларида 200 га яқин ахборот-ресурс маркази аҳолига ахборот-кутубхона хизматлари ҳамда “Китоб олами”, “Шарқ зиёкори” ва “Ўздавкитобсавдотаъминоти” мажмуалари томонидан эса китоб савдоси хизмати кўрсатиш йўлга қўйилган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳузурида ташкил этилган “Ижод” жамоат фонди ёзувчи ва шоирлар, айниқса, ёш ижодкорларнинг биринчи китобларини кўп минг нусхада нашр этмоқда [].

Бугунги кунда жамиятда китобнинг маънавий ҳамда ахлоқий озуқа, маданият ва тил равнақи учун асосий манба, авлодлардан-авлодларга ўтиб келаётган - интеллектуал мерос сифатида мавқеи ҳамда аҳамиятини сақлаш ва ҳатто тиклашга эҳтиёж сезилаяпти. Аввало, бадиий, маърифий, илмий-оммабоп, тарбиявий, ёшларнинг интеллектуал салоҳиятини оширишга қаратилган адабиётларни чоп этиш, улар билан таълим муассасаларини таъминлаш, миллий ҳамда жаҳон адабиёти намояндаларининг асарларини саралаш, таржима қилиш ишларини пухта ўйланган тизим асосида ташкил этиш лозим. Бундан ташқари, ёш авлоднинг китобга бўлган қизиқишини рағбатлантириш керак.

Мутолаага қизиқиш сусайиши, ўз навбатида, аҳоли саводхонлиги даражаси пасайиши жамият ва давлатнинг барқарор ривожланиши учун катта таҳдидлардан саналади. Шунинг учун ҳам кўплаб ривожланган мамлакатларда бу салбий ҳолатнинг олдини олишга қарши қатъий чора-тадбирлар кўрилмоқда. Умуммиллий комплекс дастурлар ишлаб чиқилаётир. Уларда давлат ҳокимияти ҳамда бошқаруви органлари, кутубхоналар, таълим муассасалари, таълим, илм-фан ва тадбиркорлик субъектлари, соҳадаги фуқаролик жамияти институтлари ҳамда оммавий ахборот воситалари саъй-ҳаракатларини бирлаштириш бўйича тизимли чора-тадбирларни кўриш кўзда тутилади. Бунда китобхонликнинг қадри ва аҳамияти ҳақида ижтимоий онгни шакллантириш, аҳоли турли қатлами ўртасида мутолаа маданиятини манзилли қўллаб-қувватлаш ҳамда ривожлантириш, ноширлик фаолиятини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал, маънавий ва маданий эҳтиёжларига тўлиқ жавоб берадиган китоб бозорини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Дунё тажрибасига кўра, бундай мақсадли дастурлар ҳамда концепциялар қабул қилиниши ижобий натижа беради. Китоб ўқиш ақлий салоҳиятимизни кучайтириб, тасаввуримизни бойитишини ҳаммамиз биламиз. Бу мароқли машғулот саломатликка ҳам ижобий таъсир этади.

АҚШнинг Ел университети олимлари мутолаа ва инсон умри давомийлиги боғлиқлиги бўйича тадқиқот ўтказди. 12 йил давом этган ушбу илмий-текшириш ишида уч минг олти юзга яқин кекса ёшдаги эркак ва аёллар қатнашди. Улар орасида ашаддий китобсеварлар ҳам, китобни қўлига фақат уй йиғиштирганда оладиганлар ҳам бор эди. Аниқланишича, мутолаани севадиган ва бу иш билан мунтазам шуғулланадиганлар бошқаларга нисбатан 2 йил кўпроқ умр кўрар экан. Ҳафтасига 3,5 соатини ва ундан кўпроқ вақтини ўқишга сарфлайдиган кексаларда ўлим хавфи яқин 12 йилда бошқа қарияларга нисбатан 20 фоизга кам бўлади [6].

«Кунига атиги ярим соат мутолаа қилиш умрингиз узоқ бўлишига катта таъсир кўрсатади», дейди тадқиқот муаллифларидан бири Бекка Леви [7].

Қизиқ томони, «китоб терапияси» даромади, касб-кори, оилавий аҳволи, ирқи ва ҳаёти фаровонлигидан қатъи назар барчага бирдек фойдалидир. Бироқ тадқиқотчилар айнан китоб мутолаасига урғу беришяпти. Газета ва журнал ўқиш у қадар самарали эмас.

Мутолаа асабийлашишни камайтирувчи энг ўнғай усуллардан бири. У кундалик ташвишлардан узилиш имконини ҳам беради. Ўқиш мия узоқ вақт ёш бўлиб қолишига сабаб бўлади, миядаги асаб тизими алоқаларини кучайтириб, ақлий салоҳиятни орттиради. Қарилик ва Альцгеймер хасталиги (хотирани йўқотиш)ни ортга суради. Бундан ташқари, мутолаа сиқилишни енгишда қўл келади, муомала-муносабат қобилияти ривожланишига, ижодий имкониятлар кенгайишига ижобий таъсир кўрсатади.

Китоб ўқишнинг юқорида саналган фойдалари олимларга кўпдан аён эди. Ел университети мутахассислари унинг бошқа бир муҳим қирраси – узоқ умр кўришга сабаб бўлишини аниқлади [6]. Тўғри, узоқ яшаш жуда кўп омилларга боғлиқ. Лекин инсон ўзига берилган умрни мазмунли, арзирли тарзда ўтказиши ҳам керак. Бу борада мутолаа энг яхши кўмакчидир.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, илм излаш, китоб мутолааси киши дунёқарашини кенгайтириш баробарида муваффақият ва саодат эшикларини очувчи калитдир Китобхонлик ўзгалар олдида соҳибининг илмий, маданий ва ахлоқий савиясини юқорига кўтариб қўяди. Зеро, кўп ўқиган, билимдон инсоннинг умуман ўқимаган ёки кам ўқийдиганлардан ҳар соҳада имконият доираси кенгроқ бўлади. Мисол учун, иккита тилни билган одам битта тилни билган одамдан икки баравар кўпроқ имкониятга эга. Учта тилни биладиган одамнинг эса иккита тилни билувчи одамдан имконият доираси каттароқ бўлади ва ҳоказо. Бугунги ёки кечаги олимлар, ёзувчию шоирлар ва зиёли кишилар, илм арбоблари ўз вақтида кўп ва хўп мутолааа қилганликлари сабаб шу даражага эришганлар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг “Китоб махсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар давлат дастури” тўғрисида 2017 йил 13 сентябрь,
ПҚ-3271-сон
2. Китоб афзалми ёки интернет? //http://ufq.uz/2017/11/18.
3. Китоб – зиё булоғи //http://www.murabbiy-press.uz.

4. Китобхонлик: анъана ва замон уйғунлиги//https://soglom.uz/
5. Китоб – эзгулик, меҳр-оқибат элчиси //http://marifat.uz/
6. Китоб ўқимаган халқ жоҳилликка маҳкум // http://ufq.uz/2017/11/ 13/548.
7.Китоб ўқишнинг 21 фойдаси //https://zamin.uz/

БОЛАЛАРНИ МАКТАБ ТАЪЛИМИГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ

НамДУ, Педагогика ва психология
кафедраси катта ўқитувчиси М.Асқарова,
Қўқон Давлат Педагогика Институти мусиқа кафедраси ўқитувчилари
Намозова Дилором, Мадаминов Насимжон, Алихонова Дилбар,Зияев Адхам

Аннотация: *Ушбу мақолада ёш авлодни тарбиялашнинг устивор йўналишлари, педагогик ва психологик жиҳатлари, болаларни мактаб таълимига психологик тайёрлаш механизмлари ҳақида фикр юритилган.*

Калит сўзлар: *таълим, ҳамкорлик, малака, фаолият, иштиёқ, согломлаштириш муассасалари, жамоа, ўқитиш, тарбиялаш.*

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ПОДГОТОВКИ ДЕТЕЙ К ШКОЛЬНОМУ ОБУЧЕНИЮ

Аннотация: *В данной статье рассматриваются основные направления воспитания подрастающего поколения, педагогические и психологические аспекты, психологическая подготовка детей к школьному обучению.*

Ключевые слова: *образование, сотрудничество, квалификация, деятельность, увлечение, учреждения здравоохранения, сообщество, обучение, воспитание.*

PSYCHOLOGICAL FEATURES OF PREPARING CHILDREN FOR SCHOOL

Abstract: *this article discusses the main directions of education of the younger generation, pedagogical and psychological aspects, psychological preparation of children for school.*

Keywords: *education, cooperation, qualification, activity, passion, health care institutions, community, training, education.*

Ўзгараётган замон ва янгиланаётган макон дунё халқлари феъл-атвори тизимида мия фаоллиги, саъйи-ҳаракатларда тезкорлик, топқирлик ва айни чоғда ҳар бир ишда режавийлик, пухта тайёргарлик, фаҳм-фаросат, муаммоларни ҳамкорлик асосида ҳал этиш хусусиятларини ривож топишини тақозо этмоқда. Шунингдек, шахс ва жамият, шахс ва давлат муносабатлари тизимида алоҳида субъектлар-инсонлар ролининг бениҳоя ошиб бориши кузатилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси “Таълим тўғрисида”ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури мазмунида ўз аксини топган ғоялар инсонни интелектуал маънавий ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш, бўлажак тарбиячилардан болаларни мактаб таълимига тайёргарлигини ривожлантирувчи энг мақбул йўл эканлигини ифода

этади. Ўсиб келаётган ёш авлодни мактаб таълимига тайёрлашнинг такомиллаштирилган йўллари ва усулларини ишлаб чиқиш, болаларни мактаб таълимига тайёргарликлари стандартларини ишлаб чиқиш ва турли даражаларини аниқлаш педагогика назарияси ва амалиётида кенг кўламда татбиқ этилиши лозим бўлган муҳим муаммолардандир.

Жамиятимизда ёшларга таълим-тарбия бериш ўсиб келаётган ёшларни маънан етук қилиб тарбиялаш, барча даврларда бўлгани каби бугунги кунда ҳам давлатимиз олдида турган муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Бу хусусида Ўзбекистон Республикаси биринчи Президенти И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият енгилмас куч” асарида “ …инсон ўз умри давомида оладиган информациянинг 70% 5ёшгача бўлган даврда олар экан..” дея таъкидлаб ўтган эди [1]. Ана шу масала бўйича Президентимиз Ш.Мирзиёев ҳам ёшларга таълим бериш тизимини унинг самарали шакл ва методларини ишлаб чиқиш энг долзарб муаммо эканлигини таъкидламоқда. Шундай экан, узлуксиз таълим тизимининг бошланғич пойдевори ҳисобланган мактабгача таълим – болани ривожлантиришнинг асосий даври хисобланади.

Мактабгача таълим - боланинг соғлом, ҳар томонлама камол топиб шаклланишини таъминлайди, унда ўқишга интилиш ҳиссини уйғотади, уни мунтазам таълим олишга тайёрлайди. Мактабгача таълим - бола олти-етти ёшга етгунича давлат ва нодавлат мактабгача таълим муассасаларида ҳамда оилаларда амалга оширилади. Мактабгача таълимнинг мақсади ва вазифаларини рўёбга чиқаришда маҳаллалар, жамоат ва ҳайрия ташкилотлари, халқаро фондлар фаол иштирок этади. Ҳозирги кунда болаларни мактабга тайёргарлик даражаларига қўйилаётган жиддий талаблар бу борада зарурий назарий, амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишни тақозо этмоқда.

Бугунги кунда мактабгача таълим тизимини ривожлантириш учун қуйидагиларни амалга ошириш лозим бўлади:

- малакали тарбиячи ва психолог кадрларни устувор равишда тайёрлаш;
- мактабгача таълимнинг самарали психологик-педагогик услубларини излаш ва жорий этиш;
- болаларни оилада тарбиялашни ташкилий, психологик, педагогик ва услубий жиҳатдан таъминлаш;
- замонавий ўқув-услубий қўлланмалар, техник воситалар, ўйинчоқлар ва ўйинлар яратиш ҳамда уларни ишлаб чиқариш;
- мактабгача ёшдаги болаларни халқнинг бой маданий-тарихий мероси ва умумбашарий қадриятлар асосида маънавий-ахлоқий жиҳатдан тарбиялаш учун шарт-шароитлар яратиш;
- мактабгача таълим муассасаларининг турли вариантлардаги дастурларни танлаб олиш, мактабгача таълимнинг барча масалалари бўйича малакали психологик консультация хизмат кўрсатиш имкониятини яратиш;
- мактабгача таълим ва соғломлаштириш муассасалари тармоғини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш механизмини ишлаб чиқиш.

Мактабга умумий тайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига келиб ақлий, маънавий, эстетик ва жисмоний риволанишда эришган шундай

даражасидирки, у боланинг мактаб таълимининг янги шароитларига ва ўқув материалини онгли эгаллашга фаол кириб боришлари учун зарур асосни яратади. Умумий тайёргарлик бола мактаб таълимига ўтиш даврига келиб эришадиган психик ривожланишнинг муайян даражаси билан ифодаланади. Психологик тайёргарлик мактаб таълими нуқтаи-назаридан 1-синфга бораётган боланинг психик ривожланишидаги муҳим сифат кўрсаткичларини муваффақиятли жамлайди. Мактаб таълимига психологик тайёргарлик боланинг ўқишга интилиши, ўқувчи бўлиш иштиёқи, билиш фаолияти ва тафаккур операцияларининг етарли ва юқори бўлиши боланинг ақлий, жисмоний, ижтимоий ривожланишининг муайян даражасида намоён бўлади. Болани мактабга психологик тайёргарлигининг барча компонентлари болани синф жамоасига олиб кириш мактабда ўқув материалини, онгни фаол эгаллашни, кенг доирадаги мактабга оид мажбуриятларни бажаришни қамраб олади. Болани мактабга махсус равишда тайёрлиги мактабда ўқишга умумий психологик тайёрлигига қўшимчадир. У болада математика ва она тили каби ўқув фанларини ўрганиш учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлигига кўра аниқланади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларда энг оддий математик тасаввурларни таркиб топтириш, нутқини ўстириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрланиш юзасидан ўтказиладиган жадал иш болаларни мактабда ўқишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди. Мактабга қатнайдиган бола янги турмуш тарзига кишилар билан ўзаро муносабатнинг янги системасига, фаол ақлий фаолиятга тайёрланган бўлиши даркор. Бу хусусида шарқнинг мутаффакир олими Абу Райҳон Беруний инсон камолотида илмий билимларни эгаллаш усуллари ҳақида айтиб ўтган эди. Ўқувчига билим беришда:

- ўқувчини зериктирмаслик;
- билим беришда бир хилликдан қочиш;
- узвийлик, изчиллик;
- янги мавзуларни қизиқарли асосан, кўргазмали баён қилишга эътибор бериш кераклигини уқтиради [5].

Берунийнинг комил инсонни шакллантиришга оид бу фикрлари ўз замонаси учун эмас, ҳозирги давр таълим-тарбиясини ривожлантиришда ҳам муҳим аҳамиятга эгадир.

Бу ҳақда Ибн Сино эса, билим олишда болаларни жамоа бўлиб мактабда ўқитиш зарурлигини кўрсатади ва таълимда қуйидагиларга риоя қилиш зарурлигини таъкидлайди.

- Болага билим беришда бирданига китобга банд қилмаслик;
- таълимда енгилдан оғирга бориш орқали билим бериш;
- машқлар болалар ёшига мос бўлиши;
- билим беришда болаларнинг майл, қизиқиши ва қобилятини ҳисобга олиш;
- ўқитишни жисмоний машқлар билан қўшиб олиб боришни таъкидлайди [4].

Боланинг психологик тайёрлиги унинг жамиятдаги ижтимоий мавқеини ўзгариши ва кичик мактаб ёшдавридаги болалар ўқув фаолиятининг ўзига хослиги билан ҳам узвий боғлиқдир. Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабда психологик аниқ бир мазмун доимий хисобланмайди, балки у доимо ўзгариб бойиб боради. Психологик тайёрликнинг таркибий жиҳатлари интеллектуал (ақлий), маънавий ва

иродавий тайёргарликдан иборатдир. Аксарият ҳолларда боланинг ақлий ривожланганлик даражаси ҳақида гапирлиганда унинг сўз бойлиги захираси билан аниқланадиган ақлий билимлари миқдорига кўпрок эътибор берилади. Ота-она, ҳатто айрим ўқитувчилар ҳам бола қанчалик кўп билса, у шунчалик ривожланган бўлади, деб ўйлайдилар. Аслида эса ундай эмас, фан-техника, оммавий ахборот воситаларининг кенг тарқалганлиги туфайли бугунги кун болалари гўё маълумотлар уммонида сузиб юргандек бўлмоқдалар. Бу эса улардаги сўз бойликларнинг кескин ўсишига асос бўлмоқда, лекин бу уларнинг тафаккури хам шундай жадалликда ривожланаяпти, деган гап эмас. Мактабда амал қилинаётган ўқув дастурларини ўзлаштириш боладан нарсаларни таққослай билиш, таҳлил қилиш, умумлаштириш, мустақил хулосалар чиқариш каби билиш жараёнларининг етарлича ривожланган бўлишини тақозо этади. Шунинг учун ҳам хозирги кунда мактаб амалиётчи психологлари томонидан болаларни биринчи синфга қабул қилиш жараёнида кенг фойдаланилаётган психодиагностик воситалар, тестлар, сўровномалар, асосан болада юқорида келтириб ўтилган хусусиятнинг ривожланганлик даражасини аниқлашга мўлжалланган методикалардан иборатдир. Боларни мактаб таълимига ўқитишнинг самарадорлиги кўп жиҳатдан уларнинг тайёргарлик даражаларига ҳам боғлиқ бўлади.

Мактаб таълимига тайёргарлик мактабгача таълим муассасалари ва оилада мактабгача таълим ёшидаги болага берилган таълим ва тарбиянинг муҳим якунидир. Боланинг мактаб таълимига тайёргарлик даражаси - мактаб томонидан болага қўядиган талаблар мажмуи орқали аниқланади. Бу талабларнинг ўзига хос томони боланинг янги социал-психологик ўрни, у бажаришга тайёрланган бўлиши лозим бўлган янги вазифа ва бурчлардан келиб чиқади. Мактабга кириш бола ҳаётидаги одатий турмуш тарзи атрофдагилар билан муносабат системасининг ўзгаришига алоқадор муҳим даврдир. Бола ҳаётида биринчи бор марказий ўринни ижтимоий аҳамиятга эга бўлган ўқув фаолияти эгаллайди. Унга одатий бўлган эркин ўйин фаолиятидан фарқли ўлароқ энди таълим мажбурий бўлади. Бунда таълим фаолиятининг етакчи тури сифатида боланинг кундалик ҳаёт жараёнини қайта қуради.

Ҳар қандай педагог ҳеч қандай воситалардан фойдаланмай, болани мактабга тайёргарлигини аниқлай олади. Баъзи ота-оналар ҳам бола қанчалик соғлом, чаққон, мустақил, ақлли, ўқишга тайёр эканлигини тахминан билишади. Тарбиячилар ҳар бир боланинг мактабга тайёргарлигини тўғри аниқлашда етарли педагогик, технологик билим ва тажрибаларга эга бўлишлари керак, бунда улар мактабгача таълим муассасаларида таълим ва тарбия дастури талабларига таянишлари керак. Агар мактабгача даврда бола нормал ривожланган бўлса, унинг жисмоний ва ақлий ривожланишига ҳеч қандай кучли таъсирлар бўлмаган бўлса, унда бола етти ёшда таълим олиш даражасига етади. Аммо баъзи оилалар ва боғчада мактабга тайёр бўлмаган болалар ҳам учрайди. Бундай болалар мутахассис назоратида махсус текширувдан ўтишади ва ўқишга тайёргарлиги даражаси ҳақида мутахассис хулоса чиқаради. Боланинг ўйинқароқлиги, мустақил бўла олмаслиги, ҳис-туйғу ва ижтимоий ривожланишининг жуда паст даражалилиги унинг мактабга тайёр бўлишига тўсиқ бўлади. Бундай болалар ўртоқлари ва тенгдошлари орасида ўз

ўрнини топа олмайдилар. Улар кундалик фаолиятларида ёрдамга муҳтож: берилган вазифаларни тушуна олмайдилар ва мустақил бажара олмайдилар. Луғат бойлиги, ўз фикрларини ифодалаши чегараланган, хотираси суст, умумлаш-тиришни бажара олмайди ва ҳоказо. Буларга нафақат боланинг ёмон ижтимоий аҳволи сабаб бўлади, балки наслий омиллар, жиддий ва мураккаб касалликлари, енгил туғма жароҳатлари, неврозлар келтириб чиқарадиган шароитлар ҳам сабаб бўлади. Бола ўқишни бутун мамлакат олдида жавобгар бўлган ўз бурчи, кишиларнинг меҳнат ҳаётидаги иштироки тарзида англай бошлайди. Бола ўқувчи бўлгандан сўнг, мактабгача таълим ёшидагига нисбатан сифат жиҳатдан янги ўрин эгаллайди.

Таълим тизимининг ўзига хос хусусияти мактаб таълим тизимини доимо такомиллаштириб боришидир. Мактаб таълимига 1-синфга келувчи ўқувчидан қандайдир махсус билим ва кўникмаларни эмас, балки илгариги йилларга нисбатан ақлий фаолиятнинг мураккаброқ шаклларини, ахлоқий иродавий сифатларинng юксакроқ ривожланган даражасини ўз ҳатти-харакатини бошқариш қобилятини катта ишончлилик қобилиятини талаб қилади. Мактабгача таълим муассасасининг вазифаси таълим – тарбия ишларини бутун системаси билан болалардан мактаб таълими талабларига тўлиқроқ мувофиқ келувчи мактабда ўқишга тайёргарликни таркиб топтиришдир.

Шунга кўра, психологик-педагогик адабиётларда тайёргарлик тушунчаси бола шахсини ривожланиш сифатида аниқлади ва иккита ўзаро боғланган жиҳатлардан мактабга, ўқишга, умумий психологик тайёргарлик ва “махсус тайёргарлик” тарзида кўриб чиқилади [7]. Мактабга умумий тайёргарлик болалар боғчасининг мактабгача ёшдаги болаларни ҳар томонлама тарбиялашга оид давомли мақсадга муофиқ таълим-тарбиявий ишнинг муҳим якуни сифатида намоён бўлади. Мактабга тайёргарлик боланинг мактабга бориш вақтига келиб ақлий, маънавий, иродавий, эстетик ва жисмоний ривожланишда эришган шундай даражасидаки, у боланинг мактаб таълимининг янги шароитига ва ўқув материалини яратади. Умумий тайёргарлик тушунчаси мактаб таълими нуқтаи назаридан 1-синфга бораётган бола психик ривожланишидаги муҳим сифат кўрсаткичларни муовфақиятли жамлайди. Мактаб таълимига психологик тайёргарлик боланинг ўқишга интилиши, ўқувчи бўлиш иштиёқидан билиш фаолияти ва тафаккур операцияларининг етарлича юқори даражаси боланинг ўқув фаолияти элементларини эгаллаши, ирода ва ижтимоий ривожланишнинг муайян даражасида намоён бўлувчи асосланган тайёргарликни ўз ичига олади. Боланинг мактабга психологик тайёргарлигининг барча мажмуа болани синф жамоасига олиб кириш, мактабда ўқув материалини онгли фаол эгаллаш, кенг доирадаги мактабга оид мажбуриятларни бажаришни қамраб олади. Боланинг мактабга махсус равишда тайёрлиги мактабда ўқишга умумий психологик тайёргарлигига қўшимчадир. У болада математика ва она атили каби ўқув фанларини ўрганиш учун зарур бўлган махсус билим, кўникма ва малакаларнинг мавжудлигига кўра аниқланади. Мактабгача таълим муассасаларида болаларда энг оддий математик тасаввурларни таркиб топтириш, нутқни ўстириш ҳамда саводни эгаллашга тайёрлаш юзасидан ўтадиган жадал иш болаларни мактабда ўқишга махсус тайёрлашнинг зарур даражасини таъминлайди.

Хулоса қилиб айтганда, ота-оналар ҳар бир бола руҳий ривожланишидаги ўзига хос хусусиятларни ва бу хусусиятлар уларнинг у ёки бу фаолият турини эгаллашида намоён бўлишини ёдда тутишлари лозим. Шундагина, баъзи болалар эндигина биринчи сўзларни ўзлаштирганларида уларнинг тенгқурлари аллақачон маълум бир иборалар билан гаплаша оладиган бўладилар.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Т.: 2008, Б-45
2. Ҳудойбердиев И. Ислом, шахс ва миллий психология. Т.: 1994 й.
3. Хўжамуродов И. “Маънавий қадриятлар ва миллий ўзликни англаш” (услубий қўлланма)- Т.: 1991 й.
4. Ибрагимов. Х, Ш. Абдуллаева. Педагогика. (дарслик). Т.: 2007, Б-32.
5.Тўхтахўжаев. М ва бошқалар. Педагогика.(дарслик)- “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”, Т.: 2010
6.Ғайбуллаев Н.Р., Ёдгоров Р. Педагогика (ўқув қўлланма). – Тошкент, 2005.
7.Ҳасанбоев Ж., Сабиров Ҳ., Ниёзов.Г. Педагогика. – Т.: 2006.Б-60.

ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВОСИТАЛАРИ АСОСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ИЖТИМОИЙ ФАОЛЛИК КЎНИКМАЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАРАЁНИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мақсудов Улуғбек Қурбонович
Фарғона давлат университети ўқитувчиси
+998 90 303 19 34
umaqsudov1280@gmail.com

Аннотация. Мазкур мақолада бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш зарурати ва асослари ёритилган. Мақоллар ва қўшиқлар орқали кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларда ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш кўрсаткичлари тадқиқ этилган.

Таянч сўз ва иборалар: маънавий қадриятлар, баркамол шахс, ижтимоий фаоллик, ахлоқий-маънавий муаммо, мақол, қўшиқ, компетенция, миллий характер, ватанпарварлик.

ХАРАКТЕРИСТИКА ПРОЦЕССА РАЗВИТИЯ НАВЫКОВ СОЦИАЛЬНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ У УЧЕНИКОВ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ ПОСРЕДСТВАМ НАРОДНОГО ФОЛЬКЛОРА

Максудов Улугбек Курбанович
преподаватель кафедры педагогики Ферганского государственного университета

Аннотация. *В данной статье рассматриваются необходимость и основы развития навыков социальной активности у учащихся начальных классов. Посредством пословиц и песен были изучены показатели развития навыков социальной активности у детей младшего школьного возраста.*

Опорные слова и выражения: *духовные ценности, гармоничная личность, социальный активность, нравственно-духовная проблема, пословица, песня, компетентность, национальный характер, патриотизм.*

CHARACTERISTIC OF THE PROCESS OF DEVELOPMENT OF SOCIAL ACTIVITY SKILLS IN PRIMARY SCHOOL STUDENTS THROUGH FOLKLORE

Maksudov Ulugbek Kurbanovich
teacher of the Department of Pedagogy, Fergana State University

Annotation. *This article examines the need and foundations for the development of skills of social activity among primary school students. The indicators of the development of social activity skills in children of primary school age were studied using proverbs and songs.*

Key words and expressions: *spiritual values, harmonious personality, social activity, moral and spiritual problem, proverb, song, competence, national character, patriotism.*

Халқ оғзаки ижоди намуналари маънавий қадриятлар тизимининг асосларидан бўлиб, халқимизнинг узоқ асрлик ўтмиш тарихи, яшаш тарзи, урф-одатлари, ахлоқий қарашлари, тафаккури, оламни бадиий-эстетик идрок этишнинг ўзига хос шакли сифатида беқиёс қадр-қимматга эга. Фолклор асарларидаги ҳикмат ҳар бир даврда янгидан англанади, замон талабларига мос талқин топади, халқнинг маънан бойишига хизмат қилади.

Ҳозирги даврда узлуксиз таълимнинг асосий муаммоларидан бири ўқувчиларимизни бошланғич синфданоқ халқимиз ўтмиши, маданияти, миллий қадриятларимиз ва анъаналаримизга содиқ, ватанпарвар, ижтимоий фаол фуқаролик позициясига эга бўлган баркамол шахс сифатида шакллантириш.

Республикамизда “Бошланғич таълим концепцияси” ҳамда бошланғич таълим учун ўқув дастурлари ва ўқув-методик мажмуаларда ўқувчиларнинг ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган. Бу борада, Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси[37]да умумий ўрта таълим сифатини тубдан ошириш, ёш авлоднинг ижодий-интеллектуал салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва рўёбга чиқариш каби йўналишлар белгиланган бўлиб, ўз навбатида, бошланғич синф ўқувчиларида халқ оғзаки ижоди намуналари воситасида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш ва такомиллаштириш каби тадқиқотларни жаҳон андозалари даражасида олиб бориш мажбуриятини юклайди.

Дунё халқлари педагогикаси асосидаги гуманистик шахсни тарбиялаш ғоялари И.А. Блинкор, Г.С. Виноградов, Г.Н. Волков, Б.С. Кукушин, А.С. Макаренко, М.Н. Мелников, В.А. Сухомлинский, К. Д. Ушинский каби бир қатор олимлар

[37] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.

тадқиқотларида илгари сурилган. Улар ахлоқий-маънавий муаммоларни ҳал қилишда ва ёш авлоднинг ижодий қобилиятларини ривожлантириш ҳамда эстетик дидини ўстиришда бадиий ижодга, жумладан, халқ оғзаки ижодига алоҳида ўрин берилишини таъкидлайдилар. Зеро, халқ оғзаки ижоди маънавиятнинг ажралмас таркибий қисми бўлиб, ҳар бир халқнинг миллий маданияти ва тарихи билан танишишнинг ўзига хос омилидир.

Ўзбек фольклорини тадқиқ этишдаги асосий йўналишлар, метод ва методологик мезонлар, кенг қамровли илмий-назарий қарашлар ўзбек фольклоршунослиги мактабига асос солган Ҳоди Зариф ва унинг сафдошлари Буюк Карим, Мансур Афзалов, Музайяна Алавия, Б.Саримсоқов, Т.Мирзаев, К.Имомов, М.Жўраев, Ш.Турдимов сигари заҳматкаш олимлар тадқиқотларида акс этган. Бу тадқиқотлар "мустақил дунёқарашга эга, аждодларимизнинг бебаҳо мероси ва замонавий тафаккурга таяниб яшайдиган баркамол шахс – комил инсонни тарбиялаш" (И.Каримов) учун хизмат қилмоқда.

Шундай экан, бошланғич таълимда халқ ижодиёти қадим замонлардан ҳозиргача болалар учун эзгуликни қадрлаш ва ёвузликдан нафратланиш сабоғи бўлиб, халқ миллий руҳини теранроқ акс эттирган ҳолда асрлар давомида авлодлар маънавий-ахлоқий ворислигини таъминлаб келди. Фольклор бу халқ санъати, халқ донолигидир. Ушбу концепция сўз, рақс, қўшиқ, шунингдек, инсоннинг маънавий-ижодий ҳаётининг бошқа кўринишларини ўз ичига олади. Мақоллар халқ донишмандлигининг нодир намуналари сифатида оғзаки бадиий ижоднинг кенг тарқалган мустақил жанридир. Шартли равишда уларни халқона ахлоқ-одоб қоидалари деб аташ мумкин. Зеро, мақоллар халқнинг асрлар давомида ҳаётий тажрибаларида синалган ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий, ахлоқий-фалсафий қарашларининг ғоят ихчам, лўнда, сиқиқ ва образли ифодасидан туғилган ҳодисадир. Маълуми, мақоллар махсус ижод қилинмайди, балки маълум бир шароит тақозоси туфайли синалган ҳаётий тажрибадан туғиладиган хулосанинг ахлоқий баҳоси сифатидаги ҳукм бўлиб юзага келади. Ҳар бир халқ мақолида ўша халқнинг қалби, миллий характерига хос қарашлари ифодаланса-да, улардаги ғоя умумхалққа тегишлидир. Шу хусусиятларига кўра, мақоллар ҳам миллий, ҳам умуминсоний моҳият касб этганлар.

Халқ оғзаки ижоди намуналари орасида мақоллар ўзининг ихчам шакли ҳамда тафаккур маҳсули эканлиги билан ажралиб туради. Мақолларнинг ҳаётда тутган ўрни ва аҳамиятига рус ёзувчиси Л.Толстой ҳам жуда катта баҳо бериб: "Ҳар бир мақолда шу мақолни яратган халқнинг сиймоси кўринади", - деган эди. Дарҳақиқат, мақолларда ота-боболаримиз босиб ўтган йўлни, кечирган турмушларини, шодликлари ва чеккан азоб-у уқубатларини, теран мазмунли панд-насиҳатларини, қадимги даврларда яшаган аждодларимизнинг урф-одатларини, анъаналарини кўрамиз ва ҳис этамиз. Боиси халқ мақолларида халқнинг қомусий билим ва кузатишлари ўз ифодасини топган. Горькийнинг таъбири билан айтганда: "Энг улуғ донолик сўзнинг соддалигидир...Мақоллар ва қўшиқлар ҳар вақт қисқа бўлади. Уларда бутун-бутун китоблар мазмунига тенг келадиган фикр ва сезгилар мавжуд бўлади".

Бошланғич таълимда халқ оғзаки ижоди намуналарини ўргатишнинг ўзига хос ўрни бор. Айниқса, мақоллар халқнинг, бир неча авлодларнинг ақлу-фаросати ҳамда турмуш тажрибасининг якуни, улар донишмандлигининг маҳсулидир. “Она юртинг омон бўлса, рангу-руйинг сомон бўлмас”, “Она юртинг – олтин бешик”, “Юрт қўрисанг, ўзарсан, қўримасанг тўзарсан”, “Булбул чаманни севар, одам – Ватанни” каби мақоллар орқали ўқувчиларда ватанпарварлик туйғуларини шакллантириш билан бирга, уларда Она-ватанни севишга, унинг ҳар бир қарич ери учун курашишга ўргатамиз. Ёки ўқувчиларни касб-ҳунар эгаси бўлишга ўргатиш, уларни мустақил ҳаётга тайёрлаб бориш “Йигит кишига етмиш ҳунар ҳам оз”, “Меҳнатсиз роҳат йўқ”, “Эринчоқлик бошга бало келтирар”, “Олтин ўтда, одам меҳнатда билинар” каби мақолларни ўргатиш ва уларнинг мазмунини сингдириш орқали амалга оширилади. Шу нуқтаи назардан, бошланғич таълимда мақолларни ўргатиш ва улар орқали компетенциявий ёндашувга асосланган ДТСда бошланғич синф ўқувчиларида шакллантирилиши зарур бўлган таянч компетенция элементларининг сингдирилишига эътибор қаратиш зарур. Компетенция — мавжуд билим, кўникма ва малакаларни кундалик фаолиятда қўллай олиш қобилияти[38]. Демак, бошланғич синф ўқувчиларида мақоллар орқали ижтимоий фаоллик кўникмалари ривожланади ва буни қуйидаги кўрсаткичлар асосида ифодалаш мумкин:

- миллий характернинг шаклланиши;
- ватанпарварлик туйғуси ва халқига содиқлик;
- аждодлар меросини ўрганиш ва асраш;
- маънавий-ахлоқий дунёсининг бойиши;
- жамиятдаги воқеа-ҳодисаларга ўзида даҳлдорлик ҳиссини туйиш;
- умрнинг мазмунини англаш;
- инсон қадрини, унинг руҳий дунёсини, ўзига хос табиатини англаш орқали атрофидагиларга бефарқ бўлмаслик;
- меҳнатга лаёқат кўникмасининг ҳосил бўлиши.

Маълумки, маънавият қадим замонлардан инсон дунёқарашини, хатти-ҳаракатини, жамиятда тутган ўрнини, халққа, ватанга, атрофидаги одамларга бўлган муносабатини бошқарувчи омил ҳисобланади. Маънавий қашшоқ кимса ҳаётда рўй бераётган воқеаларга лоқайд бўлади. Лоқайдлик эса тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади. Маънавий қашшоқ одам учун Ватан, халқ, оила каби муқаддас тушунчалар ёт. Шунинг учун кекса авлод, аввало, фарзандниng маънавий дунёсини шакллантириш чорасини режалаштирган. Фольклор асарлари қадим-қадимда инсоннинг маънавий тарбияси учун хизмат қилиб келган ва бугунги кунда ҳам ўқувчи шахсини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини ривожлантиришдаги ўрни янада кенгаймоқда. Шу ўринда Юсуф Хос Ҳожибнинг “Қутадғу билиг”

[38] Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. - Тошкент, 2017 йил 6 апрел, 187-сон.

(“Саодатга йўлловчи билим”) асарида “Заковат қаерда бўлса илм ўша ерда бўлади, билим кимда бўлса ўша инсон буюк бўлади, билим ва заковат бирга бўлса киши улуғланади” деган ғояларини келтириб ўтиш жоиздир.

Қўшиқ – халқ оғзаки ижодида шаклланган лирик жанр сифатида машҳур. Унинг муҳим белгиси – ижро учун мўлжалланганлик. Халқ қўшиқлари бирор мусиқа жўрлигида (лапар, ёр-ёр), муайян иш-ҳаракат ритми (қўш қўшиқлари, чархчи қўшиқлари) ёки маълум бир руҳий ҳолат моҳиятига (йўқловлар) мос тарзда ижро қилинган[39]. Бу жиҳатлар болалар қўшиқларида ҳам намоён бўлади. У турли фасл, ҳолат ва вазиятларда, ёхуд ҳар хил ўйинлар жараёнида куйланиб, болаларнинг ақлий ва жисмоний камолотга етишувида муҳим омил саналади. “Бойчечак” – болалар куйлайдиган мавсумий ва маросим қўшиғи. Бойчечак қадимда Наврўз элчиси сифатида болалар қувончига сабаб бўлган. Унинг хуш кайфиятда куйланиши, “Қаттиқ ердан қаталаб чиққан бойчечак, Юмшоқ ердан юмалаб чиққан бойчечак” нақаротининг мазмун моҳияти катта-ю кичикка бирдек тушунарли. Бироқ қўшиқни ёд олган, завққа тўлиб куйлаган кичкинтойлар унинг мазмунини теран англаганларидагина халқ маданий тарихи, миллий қадриятларимиздан воқиф бўладилар. Қўшиқнинг биринчи банди шундай бошланади:

Бойчечагим бойланди,
Қозон тўла айрондир.
Айронингдан бермасанг,
Қозон-товоғинг вайрондир.

Болаларнинг қўшиққа бўлган кучли мойиллиги улар фаолиятининг асосини ташкил этувчи ўйинларда ҳам намоён бўлади. Улар бир-бирларини ўйинга қўшиқ айтиб чақириш асосида чорламалар, ўйинда иштирок этадиган болалар таркибини аниқлашда чеклашмачоқлар, навбат аниқлашда санамалар, шунингдек, ўйин ниҳоясида тарқалмачоқлар куйлашган[40]. Буларнинг ҳар бири болалар фольклорининг мустақил поэтик жанрлари ҳисобланади. Мазкур жанрлар кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг жамиятдаги ижтимоий фаоллигини ривожлантиришга ҳамда ўз бурчини ҳис қилиш, англашга ўргатишда хизмат қилади.

Хулоса қилиб айтганда, бугунги кунда бошланғич таълимда таълим сифатини ошириш ва ўқувчилар маънавиятини юксалтириш, улар эгаллаши зарур бўлган компетенцияларни ДТС талаблари асосида шакллантиришни даврнинг ўзи тақозо этмоқда. Бошланғич синф ўқувчисининг ШАХС сифатидаги камолотида халқ оғзаки ижоди намуналари ва улар воситасида ўқувчилар ижтимоий фаоллигини ривожлантириш миллий педагогикамиз олдидаги вазифаларни бажаришимизга асос бўлиб хизмат қилади.

[39] Қуронов Д.ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. Тошкент, “Академнашр”, 2010.–Б.384

[40] Сафаров О., Баракаев Р., Жамилова Б. Болалар адабиёти. Тошкент. - 2019

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги ПФ–4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017. 6-сон, 70-модда.
2. Умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълимининг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарори. - Тошкент, 2017 йил 6 апрел, 187-сон.
3. Қуронов Д.ва бошқ. Адабиётшунослик луғати. Тошкент, "Академнашр", 2010.– Б.384
4. Сафаров О., Баракаев Р., Жамилова Б. Болалар адабиёти. Тошкент. - 2019
5. Жумабоев М. Болалар адабиёти. Дарслик. – Тошкент,Ўқтувчи, 1994.
6. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Тошкент, Ўқитувчи, 1990.
7. Мадаев О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. – Тошкент, Мумтоз сўз, 2010.
8. Турдимов Ш.Г., "Ўзбек фолклоршунослигининг муаммолари" модули бўйича ўқув–услубий мажмуа. – Тошкент, 2019.

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ЖАРАЁНЛАРИ МАЗМУНИ

Казимов Жамшид Шамшидинович-
А.Авлоний номидаги халқ таълими тизими раҳбар ва мутахассис ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишинститутининг таянч докторанти
E-mail:j.kazimov1986@mail.ru Телефон:+99891-144-75-57

Аннотация: *Мақола умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш йўналишидаги муаммоларга бағишланган бўлиб, унда педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда замонавий ёндашувларни татбиқ этишнинг мазмун-моҳияти ҳамда мазкур ёндашувларнинг қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнларидаги аҳамияти илмий асосланган.*

Калит сўзлар: *умумий ўрта таълим тизими, таълим муассасаси, таълим сифати, самарадорлик, тизимли ёндашув, вазиятли ёндашув, мувофиқлаштирилган ёндашув, рефлексив ёндашув, этник ёндашув, миллий-ҳудудий ёндашув, инновацион технологиялар, касбий компетентлилик.*

СОДЕРЖАНИЕ ПРОЦЕССА ПОДГОТОВКИ И ПОДГОТОВКИ ПЕДАГОГОВ ОБЩЕОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ УЧРЕЖДЕНИЙ

Казимов Джамшид Шамшидинович-
Система народного образования имени А. Авлони менеджер и специалист по персоналу переподготовка и повышение квалификации базовый докторант института E-mail: j.kazimov1986@mail.ru Телефон: + 99891-144-75-57

Аннотация: *В статье рассматриваются проблемы качества и эффективности переподготовки и повышения квалификации учителей общеобразовательных школ, содержание и сущность внедрения современных подходов к обеспечению качества и эффективности переподготовки и повышения квалификации учителей, а также переподготовки и переподготовки этих подходов. Важность процессов улучшения научно обоснована.*

Ключевые слова: *система общего среднего образования, образовательное учреждение, качество образования, эффективность, системный подход, ситуационный подход, согласованный подход, рефлексивный подход, этнический подход, национально-территориальный подход, инновационные технологии, профессиональная компетентность.*

CONTENTS OF THE PROCESS OF PREPARATION AND TRAINING OF TEACHERS OF GENERAL EDUCATIONAL INSTITUTIONS

Kazimov Jamshid Shamshidinovich-
A. Avloniy Public Education System HR manager and specialist
retraining and advanced training basic doctoral student
E-mail: j.kazimov1986@mail.ru Phone: + 99891-144-75-57

Abstract: *The article considers the problems of quality and effectiveness of retraining and advanced training of teachers of secondary schools, the content and essence of introducing modern approaches to ensuring the quality and effectiveness of retraining and advanced training of teachers, as well as retraining and retraining of these approaches. The importance of improvement processes is scientifically based.*

Keywords: *general secondary education system, educational institution, quality of education, efficiency, systematic approach, situational approach, coordinated approach, reflective approach, ethnic approach, national-territorial approach, innovative technologies, professional competence.*

Бугунги кунда умумий ўрта таълим тизимида амалга оширилаётган янгиланишлар, ижобий ўзгаришлар ижтимоий-иқтисодий ислоҳотлар жараёнлари билан ҳамоҳанг тарзда тараққий этиб бормоқда. Қонун устуворлигини таъминлаш, таълим мазмунини модернизациялаштириш, янги компетенциявий ёндашув асосида ишлаб чиқилган давлат таълим стандартларини амалиётга татбиқ этиш каби амалга оширилаётган ишларнинг барчаси педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашга қаратилган.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда таълим мазмунини компетенциявий ёндашувлар асосида янгилаш ҳамда малакасини ошириш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг инновацион технологияларини амалиётга татбиқ этиш самарадорлигига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта

тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда нафақат малакасини ошириш жараёни натижаларини, балки мазкур натижаларни шакллантирувчи омиллар тизимини ҳам инобатга олиш муҳим ҳисобланади. Бундай омиллар тизимининг компонентлари сифатида таълим мақсади, ўқитувчилар таркиби ва уларнинг касбий компетентлилиги, таълимий дастурлар ва таълим технологиялари, ресурслар ва улардан фойдаланиш шарт-шароитлари, таълимнинг ташкилий-ҳуқуқий таъминоти, ўқув жараёнининг моддий-техник таъминоти, ахборот ва услубий таъминот, таълим-тарбия жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришнинг ўзига хос хусусиятларини ҳам келтириш мумкин.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш, энг аввало, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларини ташкил этувчиларнинг касбий компетентлилигига боғлиқ бўлса, иккинчи томондан мазкур жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш технологияларидан мақсади ва вазифасига кўра тўғри ва самарали фойдаланишга боғлиқ бўлади. Шундай экан, умумий ўрта таълим мактабларини малакали педагоглар билан таъминлаш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш билан бир қаторда, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратиш ва унда мазкур жараёнларнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш зарур.

Демак, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини ташкил этиш ва бошқаришга тизимли ёндашув технологиясини татбиқ этиш муҳим бўлиб, тизимли ёндашувнинг жорий этилиши мазкур жараёнларда тасодифий ва кутилмаган ҳолатларнинг олдини олишга хизмат қилади.

Тизимли ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этувчи жараёнлар (таълим мақсадини янгилаш ва модернизациялаш, ўқитувчиларнинг малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, янги таълимий дастурлар ва таълим технологияларини амалиётга татбиқ этиш, ўқув жараёнининг моддий-техник таъминотини ривожлантириш, замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-методик материаллар билан таъминлаш, ўқитувчиларнинг ижодий ва тадқиқотчилик фаолиятини йўлга қўйиш, ўқувчиларнинг билим, кўникма ва малакаларини назорат қилиш, таълимий ва тарбиявий жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш жараёнлари мажмуи яхлит тизим сифатида, яъни ташқи муҳитда хизмат қилаётган мураккаб педагогик тизим сифатида кўриб чиқилиши зарур.

Тизимли ёндашув асосида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларнинг ўзаро боғлиқлиги ва алоқадорлигининг мазмун ва моҳияти, яъни тизимли хусусиятга эга эканлигига кўра қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини бир бутун, яъни яхлит ҳолда

тасаввур қилиш талаб этилади. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда (таълим) малака ошириш жараёнлари алоҳида хусусиятларга эга бўлган бир неча қисмларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқалар ҳамда ўзаро боғлиқлик хусусиятлари аниқланади, чунки ҳар бир қисм қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда ўзига хос аҳамият касб этади.

Тизимли ёндашув умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда ўзига хос яхлитлик, умумийлик, универсаллик, дифференциаллик каби тушунчалар асосида мужассамлаштирилган технологиялар, яъни тадқиқотнинг интеграцион технологияларини ўз ичига олади. Тизимли ёндашув асосида умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини мувофиқлаштиришда инновацион фаолиятга қўйилаётган талаблар ҳамда замонавий технологияларни амалиётга татбиқ этиш йўналишларида қўйилаётган талаблар мажмуи малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда энг зарур омиллар ҳисобланади.

Демак, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини ўзаро боғлиқ ҳолда яхлит тизим сифатида ташкил этиш ва бошқариш тизимли хусусиятга эга эканлигини ҳамда тизимли ёндашувнинг мазмун ва моҳиятини қуйидаги тамойиллар асосида кўрсатиш мумкин:

- ✓ умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларида субъект-субъект муносабатларини шакллантиришнинг зарурияти;
- ✓ қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнлари субъектлари фаолиятининг мақсадга йўналтирилганлиги, изчиллиги ва ўзаро боғлиқлиги;
- ✓ умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнлари ўзаро боғлиқ ва алоқадор бўлган компонентлар мажмуи эканлиги;
- ✓ ўқитувчиларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнлари алоҳида бир тизим сифатида ва юқори тартибли яхлит тизимнинг ташкил этувчи компоненти сифатида мавжудлиги;
- ✓ умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнлари ташқи муҳит ва бошқа тизимлар билан ўзаро таъсир этиш хусусиятларига эга эканлиги.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларида ўқитувчиларнинг фаолиятини мувофиқлаштиришда таълим жараёни субъектлари (ўқитувчи ва ўқувчилар)нинг ўз фаолиятини таҳлил қилиши ва объектив баҳолаши, мавжуд таълимий вазиятларни таҳлил қилиши, ўз

тушунчалари ҳамда хатти-ҳаракатларини фаол ўйлаб кўриши учун шарт-шароитлар яратилиши муҳим.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда шахс-фаолият ёндашуви ҳам зарур ҳисобланиб, бу ёндашув асосида ташкил этиладиган жараёнларда таълим олувчилар субъект сифатида фаолият кўрсатади ва ўз навбатида, таълим олувчи шахсининг субъект сифатида ривожланиши унинг фаоллиги, мустақил, эркин, танқидий, таҳлилий ва самарали фикрлашининг ривожланиши орқали аниқланади.

Умумий ўрта таълим мактабларида аниқ шароитдаги ички ва ташқи вазиятига қараб субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш мазкур жараён самарадорлигини таъминлашга хизмат қилади. Шундай экан, қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда вазиятли ёндашув ҳам ўзига хос аҳамиятга эга бўлиб, мазкур ёндашув технологияларидан фойдаланиш жараёнида қуйидагиларни инобатга олишни тавсия этамиз:

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларининг ҳолатини вазиятларга боғлиқ ҳолда таҳлил қилиш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларида эришилган натижаларнинг самарадорлигини вазиятларга кўра аниқлаш;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларини лойиҳалаштиришда мавжуд вазиятлар асосида таълим жараёнининг ривожланишини олдиндан белгилаш.

Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда мувофиқлаштирилган ёндашувни татбиқ этилиши натижасида субъектларнинг фаоллигини ҳамда таълим жараёни самарадорлигини таъминлаш учун сарф этиладиган меҳнат ва вақт тежалади. Умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш жараёнларининг аҳамияти унинг натижавийлигида ўз ифодасини топади.

Шундай экан, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлашда натижалар бўйича бошқарув технологиясини ҳам татбиқ этиш зарур бўлиб, мазкур жараёнда субъектлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва уларнинг фаоллигини таъминлаш асосида белгиланган натижаларга эришиш мумкин. Натижалар бўйича бошқарув технологиясини татбиқ этилиши натижасида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнлари сифат ва самарадорлигини таъминлаш йўналишларида белгиланган вазифаларнинг мазмун ва моҳиятини ҳар бир иштирокчига тушунтириш орқали субъектларнинг ўзини-ўзи ривожлантиришига шарт-шароитлар яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

1. Ахлидинов Р.Ш. Социально-педагогические основы управления качеством общего среднего образования (на матер. националь. Программы по подготов. кадров): Автореф. дисс. …докт. пед. наук.-Т.: 2002.-44 с.
2. Гутник Г.В. Информационное обеспечение системы качеством образования в регионе. // Информатика и образование. 1999.- № 1.-С.7-12.
3. Джураев Р.Х., Турғунов С.Т. Таълим менежменти. – Тошкент: “Ворис”, 2006.
4. Системы качества в образовании. // Под общ. ред. Ю.П.Адлера.- М.: МИСИС, 2000.- 142 с.
5. Турғунов С.Т., Мақсудова Л.А. Педагогик жараёнларни ташкил этиш ва бошқариш. – Тошкент: “Фан”, 2008.
6. Ахмедов М.У.«Умумтаълим мактаб директорларининг малакасини оширишда таълим сифати мониторингини такомиллаштириш» дисс. п.ф.н. илмий дар. олиш учун ёзилган т: 2019. - 4-б.

PISA ХАЛҚАРО БАҲОЛАШ ТАДҚИҚОТИДАГИ ТОПШИРИҚЛАРГА ЎХШАШ ТОПШИРИҚЛАР ИШЛАБ ЧИҚИШ (ТАБИИЙ ЙЎНАЛИШДАГИ ФАНЛАР МИСОЛИДА)

Маткаримов Акрамжон Мухторович
Андижон давлат университети мустақил тадқиқотчиси
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Аннотация: *Мақолада PISA халқаро баҳолаш тадқиқотида қўлланилган топшириқларга ўхшаш топшириқлар ишлаб чиқишнинг муҳим жиҳатлари табиий фанлар мисолида таҳлил қилинган. Топшириқлар ишлаб чиқишда табиий фанларга оид контекстлардан фойдаланиш ўқувчиларнинг таянч компетенцияларини шакллантиришда катта аҳамиятга эга эканлиги адабиётлар таҳлили асосида баён этилган.*

Таянч сўзлар: *табиий фанлар, топшириқлар, таянч билимлар, асосий таянч ва фанга оид компетенциялар, ўқув машғулоти.*

РАЗРАБОТКА ЗАДАНИЙ, АНАЛОГИЧНЫХ МЕЖДУНАРОДНАЯ ПРОГРАММА ПО ОЦЕНКЕ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ ДОСТИЖЕНИЙ УЧАЩИХСЯ PISA (НА ПРИМЕРЕ ЕСТЕСТВЕННЫХ НАУК)

Маткаримов Акрамжон Мухторович
Независимый исследователь в Андижанском государственном университете
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Аннотация: *В статье анализируются важные аспекты разработки задач, аналогичные тем, которые используются в международном оценочном исследовании PISA на примере естественных наук. На основании анализа литературы установлено, что использование естественнонаучных контекстов при разработке заданий имеет большое значение для формирования базовых компетенций студентов.*

Ключевые слова: *естественные науки, задания, базовые знания, базовые базовые и научные компетенции, обучение.*

DEVELOPMENT OF TASKS SIMILAR TO THOSE CONTAINED IN THE INTERNATIONAL PISA ASSESSMENT STUDY (THE EXAMPLE OF NATURAL SCIENCES)

Matkarimov Akramjon
Independent Researcher at Andizhan State University
e-mail: akramjon14@list.ru Tel.:+99899 8161871

Annotation: *The article analyzes important aspects of task development, similar to those used in the international PISA assessment study using the example of natural sciences. Based on the analysis of the literature, it was established that the use of natural science contexts in the development of tasks is of great importance for the formation of basic competencies of students.*

Key words: *natural sciences, tasks, basic knowledge, basic and scientific competencies, training*

Топшириқлар ишлаб чиқишда ва ўқув жараёнида фойдаланишда аввал баҳолаш тадқиқотидаги асосий таянч компетенцияларнинг тавсифига эътибор қаратиш лозим. Мисол тариқасида PISA баҳолаш тадқиқоти тавсифига кўра, табиий фанлар бўйича саводхонлик, «табиий фанларга оид билимларни амалда қўллай олиш, табиий фанларнинг муаммоларни тушуниш, илмий манбалардан фойдаланган ҳолда хулосалар ишлаб чиқиш, табиатга оид ва инсон омили билан содир бўладиган табиатдаги ўзгаришлар бўйича қарорларни тушуниш» дея тавсифланган. Агар ушбу тавсифни таҳлил қилсак, табиий фанларга оид саводхонлик билвосита кундалик ҳаёт, жамиятдаги турли ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий масалаларга боғлиқ тарзда текширилмоқда. Ўқувчидан мустақил фикри, мустақил қарор қабул қилиши ва ўз натижаларига баҳо бериши талаб этилмоқда. Ўқувчиларни атроф оламни ўрганишга ишонч туйғуларини ҳосил қилиш, табиатдаги жараён ва ҳодисаларни кузатиш, таҳлил қилиш, табиат ҳодисаларни ўрганишда асбоблар, восита, услублардан тўғри фойдалана олиш, атамалар, тушунчалар, қонуниятлар, катталикларни математик формулалар билан ифодалай олиш, фан соҳасидаги эришилаётган ютуқлар, уларнинг амалиётдаги татбиқи орқали ўқувчиларнинг илмий дунёқарашларини ривожлантириш, келажакда инсониятни фан ва технологиялар ютуқларидан тўғри фойдаланишда фан ва техника ижодкорларига ҳурмат билан қараш, маънавий ва маданий меросни асраб-авайлаш умумбашарий маданият элементларини тарбиялашдан иборат.

Табиий йўналишдаги фанларда топшириқлар аксарият ҳолларда ўқув машғулотларининг такрорлаш ва имтиҳон босқичларида ишлатилади [4, Б.10]. Топшириқлар кўп ҳолларда асосан ўқувчиларни баҳолаш учун қўлланилади. Баҳолаш эса ўқитувчи учун ўқувчиларни фаолликка ундовчи, рағбатлантирувчи восита сифатида кўрилади. Шу билан бирга, Р.Дуит (R. Duit) [10, Б.85] тадқиқотларида физика китобларидаги топшириқларни таҳлил қилиб чиққан ва қуйидаги хулосага келган: «Физика дарслигидаги топшириқлар такрорланувчи

формал топшириқлардан иборат ва бу 90%ни ташкил этади. Кундалик ҳаётга оид топшириқлар эса камдан кам ҳолатларда учрайди. Бундай топшириқлар одатда ўқувчиларнинг кундалик ҳаётни кузатиши, ўқув машғулотларида ўрганаётган билимлари билан боғлаши ва уларнинг муаммоларни ҳал қилиш компетенциясини ривожланишига ёрдам беради. Ўқувчиларнинг топшириқларни ўзлари кўрган, билган, амалда учрайдиган маълумотларга боғланса, уларда фаннинг муҳимлиги, ўрганишга бўлган мотивациясини ошириб боради. Н.Шекер (H. Schecker) ва Ж. Гердес (J. Gerdes) фикрича, «схемага солинган доимий такрорланувчи топшириқлар, ўрганилган билимнинг чегараланган миқдорда қўллаш имкониятини беради [8, Б.31]». Шунингдек, улар тадқиқотлари натижасида қуйидаги хулосани баён этади: «Ўқувчилар топшириқларни ечишни ўрганишади, аммо муаммоларни ҳал этишни эса камдан-кам ҳолда ўрганади». Юқорида қайд этилган фикрлардан келиб чиққан ҳолда ўқув машғулотларида топшириқларнинг вазифаси ўқувчиларнинг муаммоли вазиятларни ҳал қилишга бўлган муносабатларини ўзгаришни тақозо этади.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, маълум топшириқни бажара олмаётган ўқувчи намунавий топшириқлар ёрдамида ечишга ҳаракат қилади. Бу ҳолдаги топшириқлар ўқув жараёнида, айниқса, математика дарсида формулалар устида ишлаш ёки тенгламаларни ечишда ишланиши мумкин. Табиий йўналишдаги фанларда эса топшириқлар кўпроқ маълумотларни қамраб олиши, мазкур кўп миқдордаги маълумотлар ичидан зарурий маълумотларни ажратиб олиши ва шундан тегишли формула ёрдамида топшириқни бажариш назарда тутилиши керак бўлади. Бу эса ўқувчиларнинг мустақил изланиш кўникмасини ривожлантиради. «Топшириқлар анъанасини» ривожланишига яна бир муҳим омил ўқувчиларнинг мустақил тушунтириб бериш кўникмаларини ривожлантиришдан иборат [4, Б.10]. Топшириқларда ўқувчиларга тақдим қилинадиган маълумотлар тайёр ҳолатда эмас, балки мустақил равишда қидириш, такрорлаш ва бошқа топшириқлар билан таққослаш орқали маълумотлар топиши назарда тутилиши керак. Топшириқлар ўқув жараёнининг давом этишига қараб мураккаблашиб бориши лозим.


Х.Гуджонс (H. Gudjons) [30,Б.13] нинг фикрича, «мураккаб бўлиб борувчи топшириқларни бажариш орқали билимлар янгидан тизимлашиб боради. Амалиётда қўлланилишига оид топшириқларни бажариш орқали эса бошқа билимлар билан мужассамлашиб таянч билимларга боғланиб боради». Шунингдек, ўқитувчи янги мавзу тушунтириш, янги мавзуга оид топшириқларни бажаришда ўқувчиларга мустақил топшириқ намуналаридан ечиш ва ўз ечимини тақдимот қилиш имкониятини бериши лозим. Мазкур ҳолатда ўқитувчи ўқувчининг «ҳозирги ҳолати» ва «потенциал ҳолатига» баҳо беради. Шу билан бир қаторда, мазкур мавзуни тушунтиришда услубий жиҳатларига эътибор қаратади, ўқувчиларнинг «ҳозирги ҳолатини» ҳисобга олган ҳолда мавзунинг энг муҳим қисмларини атрофлича тушунтиришга ҳаракат қилади [9, Б.11]. Топшириқлар ишлаб чиқишда кам эътибор қаратиладиган муҳим жиҳатлардан бири йўл қўйилган хатолар билан самарали ишлаш ҳисобланади. Хато ечимлар эса топшириқларни узлуксиз ва давомий хатоларни ҳисобга олган ҳолда ечилишига асосий туртки бўлади. Ўқувчиларнинг топшириқни ечишда хато қилишидан қўрқишга эмас, балки

хатолар орқали якуний тўғри ечимга келишга рағбатлантириш керак. П. Хеуслур ва Г. Линд ўзининг илмий тадқиқотида «Кимки қандай хато келиб чиқишини билса, тўғри ечим қандай бўлишини билади [4, Б.8]» дея мазкур ҳолатни баён этган. Педагогик нуқтаи назардан хатолар йўқ қилиниши зарур бўлган ёки йўл қўйиб бўлмас ечим сифатида қабул қилинмайди, балки хатолардан ва хато билан ўрганиш мумкин, деб қараш керак [7, Б.21]. Фан дидактикаси нуқтаи назаридан эса хатолар шу хатога мос келувчи топшириқлар асосида тушунтирилиши тавсия этилади. Мисол учун, маълум гуруҳда ишланган ёки алоҳида ўқувчи ишлаган топшириқ мақсадли равишда хато ишланиб, ўқув машғулотида мазкур хато ечим танқидий нуқтаи назардан муҳокама қилинади. Ўқувчиларнинг хатоларни аниқлаш ва нима учун хато эканлиги бўйича фикрларини шакллантириш ва тизимли ривожлантириб бориш ўқитувчининг вазифаларидан биридир. Бу орқали ўқувчиларнинг танқидий фикрлаш ва конструктив ечим топиш компетенциялари шаклланиб боради.

Топшириқлар ишлаб чиқиш ва ривожлантиришда кейинги йилларда кўп ечимли топшириқлар ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Табиий фанларда топшириқларни ечиш бир ёки бир қанча қонуниятлар асосида топшириққа ёндашишни кўзда тутади. Ўқувчиларнинг маълум бир топшириқ бўйича чегараланган миқдордаги воситалар, ресурслар ёки маълумотлар мавжуд бўлганда муқобил ечимлар топиш йўлларини топиш кўникмасини шакллантирмайди. Ўқувчиларнинг тор фикрлашга ва биргина ечим орқали топшириқларни ечиш ва бошқа ечиш йўлларини қидирмасликка ундайди [4, Б.9]. Компетенциявий ёндашувли топшириқлар ўқувчиларнинг асосий таянч ва фанга оид компетенцияларининг шаклланиши билан касбларга оид идентитетини шаклланиши орасида ўзаро боғлиқлик мавжуд бўлиб, бу бир қатор тадқиқотларда [6, Б.22] исботланган. Ўқувчилар топшириқлар бажариш орқали келгусида эгалламоқчи бўлган касбига тегишли бўлган компетенцияларни ривожлантириб боради. Топшириқлар орқали маълумотларни тизимли қидириш, мантиқий кетма-кетликда топшириқни ечишни режалаштириш, режа асосида амалга ошириш, ўз натижаларини баҳолаш ва такомиллаштириш учун янги маълумотлар устида ишлаш каби тўлиқ фаолиятни амалга оширади. Бу эса ўқувчининг ўз фикрининг ижобий ва салбий томонларини таҳлил қилиш, топшириқни чуқур ва кенг қамровли ёндашиш орқали ечиш, ўз фикрини кучли томонларини далиллар орқали исботлаш, ўз позициясини билдириш ва шунингдек, топшириқ ечимига бўлган танқидий фикрларни қабул қилиш каби компетенцияларни ривожланишига катта туртки бўлади. Бу компетенциялар касбий идентитет билан узвий алоқага эга ҳолда ривожланади.

Математика фанига оид аксарият топшириқларда маълум формула ёрдамида топшириқни ечиш тушунилади. Табиий йўналишдаги фанларда бу каби топшириқлардан камроқ фойдаланиш тавсия этилади. Бундай топшириқлар ўқувчиларда топшириқ мазмунини тушунишдан кўра, кўпроқ мазмунга боғламаган ҳолда ечим топишга ундайди [5, Б.23]. Табиий йўналишдаги фанларга оид топшириқларда топшириқ бирор қонуният ёки тамойилга асосланиши ва бунинг амалда қўлланилиши топшириқ ечимида акс этиши керак [4, Б.8]. Мисол тариқасида энергияни сақланиши қонуни маятник ёки кийшиқ юзадан бочкани

юмалаши мисолига боғланса, топшириқ чуқур ёндашилган топшириққа мисол бўлади ва ўқувчидан ўз шахсий тажрибаларига ва тасаввур қилган ҳолда топшириқни тизимли ечишга ундайди. Бу каби топшириқлар, шунингдек, ўқувчиларнинг мотивацияси ва қизиқишини оширади, топшириқнинг мазмун-моҳиятини тушунишига туртки беради, табиий йўналишдаги фанларга бўлган шахсий қизиқишини ошириб боради. П. Хеуслур ва Г.Линдлар ўқувчиларнинг табиий йўналишдаги фанларга бўлган қизиқишларида топшириқ контекстлари муҳимлиги таъкидланган ва қуйидаги контекстлар педагогик нуқтаи назардан тавсия этилган.



1-расм. П. Хеуслур ва Г.Линд томонидан табиий фанлар бўйича топшириқлар ишлаб чиқишда танланадиган контекстлар

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш лозимки, юқорида санаб ўтилган контекстлар чуқур ёндашилган ҳолда топшириқларга татбиқ этилса, табиий йуналишдаги фанларнинг асосини ўрганишга имкон беради. Топшириқлар ишлаб чиқишда яна бир тамойилларидан бири топшириқлар ўтилган мавзуларга боғлиқ бўлиши керак. Педагогика ва психология фанларида «Scaffolding» тушунчаси мавжуд бўлиб, топшириқлар ўқувчининг «ҳозирги ҳолати»ни ҳисобга олинган ҳолда «потенциал ҳолати»га етказиши тушунилади. Таниқли рус педагоги Выготский эса мазкур тушунчани «ривожланишнинг кейинги зонаси» [10, Б.20] деб таърифлаган. Топшириқлар аввал ўтилган дарслар билан вертикал боғлиқликка эга бўлиши, уларни аввало такрорлаши ва мустаҳкамлаши керак. Шунингдек, ушбу топшириқлар горизонтал равишда турдош фанлар, кундалик ва касбий ҳаёт билан ҳам боғлиқликни ҳам акс эттириши керак.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати

1. Duit R. Alltagsvorstellungen und Physik lernen// In E. Kircher & W. Schneider, Hrsg., Physikdidaktik in der Praxis (S. 1-26). Berlin: Springer, 2002.-p.125
2. Gibbons, P., 2006. Unterrichtsgespräche und das Erlernen neuer Register in der Zweitsprache. In: Mecheril, P., Quehl, Th. (Hrsg.): Die Macht der Sprachen. Englische Perspektiven auf die mehrsprachige Schule. Münster u. a.: Waxmann, p. 295.

3. Gudjons H. Intelligentes Üben. Methoden und Strategien. Gefälligkeitsübersetzung: Intelligent practice. Methods and strategies// https://www.fachportal-paedagogik.de/literatur/vollanzeige.html, 26 (2006), p. 139
4. Häußler P., Lind G. "Aufgabenkultur"- Was ist das?// In: Praxis der Naturwissenschaften - Physik 49 (2000) Nr. 4, p.2-10
5. Meyer H. Kompetenzorientierung allein macht noch keinen guten Unterricht! Handout zum Vortrag auf der didacta 2012// Carl von Ossietzky Universität Oldenburg. Online verfügbar unter http://www.profilq.ch/downloads/kompetenzorientierung-allein-macht-noch-keinen-guten-unterricht/, zuletzt geprüft am 1.9.2019.
6. Reinhold M. Kompetenzerwerb und Identitätsbildung in der elektrotechnischen Facharbeit : Begründung und Erprobung eines Indikatorenmodells //Bielefeld : wbv Media GmbH & Co. KG, 2015, p.439
7. Riedl A. Didaktik der beruflichen Bildung// Stuttgart: Steiner (Pädagogik) 2004, p.144
8. Schecker H. Gerdes J. Interviews über Experimente zu Bewegungsvorgängen// In: Zeitschriftfür Didaktik der Naturwissenschaften 4, 1998,p 61-74.
9. Schelten A., Riedl A. Fächerübergreifender und handlungsorientierter Unterricht: Vermittlung von Voraussetzungen für das Handeln-Können in der beruflichen Praxis// In: VLB-akzente 6 (2), 1997 p. 11–13.
10. Выготский Л.С. Психология развития человека// Москва «смысл» Экасто 2005. - С.1136.

ТАБИИЙ ФАНЛАРДА ФАНЛАРАРО БОҒЛИҚНИ ЎРГАНИШДА МАТЕМАТИК МОДЕЛЛАШТИРИШНИ ҚЎЛЛАШ.

Нормуродов Чори Бегалиевич. Термиз давлат университети физика-математика фанлари доктори.
Менглиев Ислом Абдумуратович. Термиз давлат университети таняч докторанти.

Аннотация: *Мақолада олий таълимда табиий фанларни ўрганишда фанлараро боғлиқни математик моделлаштириш асосида ташкил этишнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган. Математик моделлаштириш кўпгина табиий фанларнинг методологик асоси эканлиги таҳлил қилинган. Табиий фанларда мавжуд масалаларни тўлақонли таҳлил қилишда математик моделларни қўллаш зарурияти илмий жиҳатдан асосланган.*

Калит сўзлар: *объект, модел, алгоритм, дастур, математик моделлаштириш, ҳисоблаш эксперименти, фанлараро боғлиқлик, башорат, бир ва кўп қадамли методлар.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МАТЕМАТИЧЕСКОГО МОДЕЛИРОВАНИЯ В ИЗУЧЕНИЕ СВЯЗЕЙ МЕЖПРЕДМЕТНЫХ УСТЕСТВЕННЫХ НАУК.

Доктор физико-математических наук Термезского Государственного университета Нормуродов Чори Бегалиевич.
Базовый докторант Термезского государственного университета Менглиев Ислом Абдумуратович.

Аннотация: *В статье раскрыть научное и прикладное значение естественных наук в высшем образовании учетом межпредметных связей. Проанализирована, что математическое моделирование является методологической основой многих естественных наук. Научно обосновано необходимость применения математического моделирования при разностороннем анализе имеющихся проблем в естественных науках.*

Ключевые слова: *объект, модел, алгоритм, программа, математическое моделирование, вычислительный эксперимент, межпредметные связи, прогноз, одношаговые и многошаговые методы.*

USING MATHEMFTICAL MODELS IN THE STUDY OF INTERDISCIPLINARY SCIENCE

Doctor of physico-mathematical science of the Termez state university Normurodov Chori Begalievich.

Basic doctoral student of the Termez state university Mengliev Islom Abdumuratovich.

Annotation: *In the article to reveal the scientific and applied value of natural sciences in higher education taking into account intersubjective communications. It is analyzed that mathematical modeling is the methodological basis of many natural sciences. Scientifically substantiated the need for the use of mathematical modeling in a comprehensive analysis of existing problems in the natural sciences.*

Keywords: *an object, model, algorithm, program, mathematical modeling, computational experiment, intersubjective communication, prognosis, one-step and multi-step methods.*

Математик моделлаштиришни қўллаш бугунги кунда турли соҳа мутахассислари учун асосий тадқиқот воситаси бўлиб хизмат қилмоқда [1-2]. Аммо, нотематик бўлган табиий фанлар мутахассислари учун математик моделлаштиришни қўллашда математика ва информатикага оид билимларнинг талаб даражасида эмаслиги сабабли ўзига хос қийинчиликлар мавжуд бўлса, математика ва ахборот технологиялари соҳасидаги тадқиқотчилар учун тегишли табиий фанларга оид билим ва кўникмаларнинг шаклланмаганлиги, улардаги муаммоларни тўлақонли ҳис эта олмаётганлиги эвазига, уларнинг ҳамкорлигида жиддий тўсиқлар пайдо бўлмоқда. Шу сабабли, табиий фанлар соҳасида таълим олаётган талабаларнинг математик моделлаштириш, ҳисоблаш эксперименти ва ахборот технологияларига оид билимларини фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда шакллантириб бориш, уларнинг келгусида ўз соҳаларига оид муаммоларни ҳал этишларида муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Ҳозирда табиий фанларда математик тавсифлаш ёки математик моделлаштиришга мансуб бўлган мавжуд муаммоларни назарий тадқиқ этиш учун ҳисоблаш экспериментидан кенг миқёсда фойдаланилмоқда. Бирор-бир табиий жараённи ҳисоблаш эксперименти воситасида тадқиқ этиш лозим бўлсин. Ҳисоблаш эксперименти бир нечта босқичдан иборат бўлади [3].

Биринчи босқичда жараён математик талқин этилади ёки математик модел танланади. Бунгача табиий жараён билан боғлиқ дастлабки яқинлашиш танланади, яъни табиий жараёнда қайси факторлар асосий бўлиб ҳисобланади, қайсилари эса

иккинчи даражали ва қайсиларини инобатга олмаслик мумкинлигини аниқлаштиришга тўғри келади. Ушбу факторларни аниқлаш-табиий жараёнга мансуб бўлган мутахассисларга тааллуқли вазифа ҳисобланади.

Математик моделда табиий жараёнга оид аниқланиши лозим бўлган миқдорлар ва бир гуруҳ берилган миқдорлар ҳамда мазкур миқдорларни боғловчи тенгламалар кўрсатилади, ушбу тенгламаларни барча зарурий маълумотлар, тенглама коэффициентлари, бошланғич ҳамда чегаравий шартлари билан ёзиш, математик моделни танлашдан иборат. Табиий жараёнларнинг математик моделлари кўпинча алгебраик, дифференциал ва интеграл тенгламалардан иборат бўлади.

Математик моделлаштиришнинг иккинчи босқичида математик моделни тақрибий (сонли) ечиш методи тузилади, ҳисоблаш эксперименти ёзилади.

Учинчи босқичда, ҳисоблаш алгоритми учун компьютер дастури тузилади.

Тўртинчи босқичда, компьютерларда ҳисоблашлар ўтказилади.


Бешинчи босқичда, олинган сонли натижалар таҳлил қилинади ва математик модел аниқлаштирилади.

Айрим соддалаштиришга, иделлаштиришга асосланган математик модел, танланган объект билан айнан бир хил бўлмайди, унинг фақатгина тақрибий тавсифидан иборат бўлади. Аммо, реал объектни унга мос модел билан алмаштирганда, масалани ўрганишни математик масалани ўрганиш сифатида талқин қилиш имконияти пайдо бўлади ҳамда уни таҳлил қилишда универсал математик аппаратдан фойдаланиш мумкин, бу аппарат эса объектнинг табиатига аниқ боғлиқ бўлмайди. Математик моделлаштириш орқали объектга оид кенг кўламли факт ва кузатишларни ягона кўринишда тавсифлаб, уларни синчиклаб миқдорий таҳлил қилиб, объект ўзини турли шароитларда қандай намоён этишини илгаридан айтиб бериш, яъни башорат қилиш имконияти пайдо бўлади [4-8].

Математик моделни тузиш ва тадқиқ этишнинг мураккаблиги ўрганилаётган объектнинг қай даражада мураккаблигига боғлиқ бўлади. Компьютерлар базасида самарали ҳисоблаш методларининг қўлланилиши объектларни тўлақонли таҳлил қилишга имкон берадиган математик масалалар синфининг кескин кенгайишига олиб келди. Энди тадқиқотчиларга бирор-бир объектнинг математик моделини тузишда кучли соддалаштиришларга интилишлари талаб қилинмайди. Уларнинг асосий эътибори, аввалambор, ўрганилаётган объетнинг энг муҳим хусусиятларини инобатга олиш ва уларнинг математик моделда тўғри акслантиришга йўналтирилган бўлиши лозим. Математик модел тузилгандан кейин, унга мос ечим алгоритмини танлаб чиқиш ва алгоритмни компьютерда амалга ошириш масаласи пайдо бўлади.

Шундай қилиб, компьютерлар математиканинг тадқиқот фани сифатида қўлланилишига бўлган ёндашувни батамом ўзгартириб юборди. Улар математиканинг кўпгина шаклланган соҳаларининг ўзгаришига ва бир қатор янги соҳаларнинг пайдо бўлишига олиб келади.

Бирор-бир объектни математик моделлаштириш ҳақидаги масаланинг қўйилиши аниқ ҳаракатлар режасини тузишни тақоза этади. Ушбу жараённи шартли равишда учта босқичга бўлиш мумкин: модел-алгоритм-программа [1]:



Биринчи босқичда юқорида таъкидлангандек, объектнинг “эквиваленти-муқобили” танланади (ёки тузилади), у объект бўйсунадиган қонунлар унинг асосий хусусиятларини ҳамда объектнинг таркибий қисмларида оид алоқаларни математик формада акс эттиради.

Иккинчи босқичда – моделни компьютерда амалга ошириш учун алгоритм танланади (ёки ишлаб чиқилади). Математик модел сонли методларни қўллаш учун қулай формада ифодаланади, изланаётган ечимни берилган аниқликда топиш учун амалга оширилиши лозим бўлган арифметик ва мантиқий амаллар кетма-кетлиги аниқланади.

Учинчи босқичда, модел ва алгоритмни компьютер учун тушунарли тилга “таржима” қилувчи программа яратилади.

Математик моделлаштириш жараёнида “модел-алгоритм-программа” учлигини яратиш орқали, тадқиқотчилар ўз қўлида универсал, мослашувчан ва қиммат бўлмаган воситага эга бўлишадики, дастлаб у “синов” ҳисоблаш экспериментлари орқали тахланади ва тест синовидан ўтказилади. Ушбу учликнинг дастлабки объектга адекватлиги (етарлича мослиги) ўрнатилгандан кейин, модел устида турли ва батафсил “тажриба”лар ўтказилиб, объектнинг талаб этилган барча миқдорий ва сифатий хоссалари ва тавсифлари олинади.

Математик моделлаштириш фан, техника, иқтисодиёт, механика, физика, астрономия, кимё, биология, тиббиёт, иммунология ва шу каби бошқа соҳаларга жадал кириб бормоқда, улардаги мавжуд муаммоларни тадқиқ этишда тобора кенг қўлланилмоқда. Математик моделлаштириш методологик фан сифатида математика, физика, биология, кимё, тиббиёт ва бошқа илмий фанларнинг ўрнини эгалламайди, улар билан рақобатлашмайди. Аксинча, унинг синтезловчи аҳамиятини баҳолаш жуда ҳам қийин [9-12].

Табиий фанларда мавжуд математик моделларнинг айримларини келтириб ўтамиз [1-7].

“Йиртқич-ўлжа” тизими ўзаро муносабатлари модели, иқтисодий ўсиш макромодели, Бейл эпидемия модели, микроорганизмларнинг диффузияланиш модели, биокимёвий жараён (биосинтез) модели ва бошқа жараёнлар оддий дифференциал тенглама ёки бундай тенгламалар системаси учун Коши масаласини ечишга келтирилади. Масалан, “Йиртқич-ўлжа” (Вольтер) моделини қарайлик.

Бунда турларнинг кўпайиши динамикаси, яъни ўлжалар сонининг ўзгариши, йиртқичлар сонининг ўзгаришига олиб келади, чунки, турларнинг кўпайиши ўзаро боғлиқда содир бўлади. “Йиртқич-ўлжа” тизимининг математик моделини тузишда қуйидаги фаразларга асосланилади:

1) Ўлжаларнинг кўпайиши сони N ва йиртқичларнинг кўпайиши сони M фақат вақтга боғлиқ функциялар бўлсин.
2) Турлар ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлмаганда турларнинг ўзгариши Мальтус модели асосида амалга ошади, бунда йиртқичлар сони камаяди, ўлжалар сони эса кўпаяди, яъни $\frac{dN}{dt} = \alpha N, \frac{dM}{dt} = -\beta M, \alpha > 0, \beta > 0$
3) Табиий ўзгаришлар сезиларли даражада эмас деб ҳисобланади
4) Ўлжалар сонининг ўсиш тезлиги, йиртқичлар сони ўсишига пропорционал бўлади, яъни, cM миқдори c>0, йиртқичларнинг ўсиш жадаллиги, ўлжалар сони, яъни dN миқдор, $d > 0$ га пропорционал равишда ўсади, бу ҳолда Вольтер тенгламалари системасига келамиз

$$\begin{cases} \frac{dN}{dt} = (\alpha - cM)N, \\ \frac{dM}{dt} = (-\beta + \alpha N)M, \end{cases} \quad (1)$$

Бунда бошланғич шартлар $N(0) = N_0, M(0) = M_0$ бўлиб, вақтнинг исталган моментида турларнинг кўпайишини система (1)ни ечиш орқали топиш мумкин.

Система (1) ни сонли ечишда бир қадамли методлардан Эйлер ва Рунге-Кутта методларидан ёки кўп қадамли методлардан Адамснинг интерполациялаш ва экстерполациялаш методларидан фойдаланиш мумкин. Сўнгра қўлланилаётган методнинг алгоритми ишлаб чикилади ва алгоритмга мос компьютер дастури тузилиб [13-14], биологик объект (1) ни характерловчи параметрларнинг кенг кўламли ўзгариш соҳасида ҳисоблаш эксперименти ўтказилади ҳамда олинган сонли натижалар асосида биологик объектнинг хусусиятлари ҳақида хулосаларга келинади.

Шундай қилиб, “йиртқич-ўлжа” биологик объектини юқорида таъкидланган “модел-алгоритм-программа” учлиги асосида тадқиқ этишда қуйидаги фанларнинг биология, математик моделлаштириш, дифференциал тенгламалар, ҳисоблаш ҳамда компьютер технологиялари фанларининг ўзаро узвий алоқасини кузатишимиз мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Самарский А.А., Михайлов А.П. Математическое моделирование.-М.: Физматлит, 2005.-316 с.
2. Тихонов А.Н., Костомаров Д.П. Вводный лекции по прикладной математика.-М.: Наука, Физматлит, 1984.-192 с.
3. Самарский А.А. Теория разностных схем.-М.: Наука, 1977.-656 с.
4. Эндрюс Дж., Мак-Лоун Р. Математическое моделирование.-М.: Мир, 1979.-280 с.
5. Абуталиев Ф.Б., Нармурадов Ч.Б. Математическое моделирование проблемы гидродинамической устойчивости.-Тошкент, Фан ва технология, 2011.- Т.: Фан ва технология.-2011.- 188 с.
6. Музафаров Х.А., Баклушин М.Б., Абдураимов М.Г. Математическое моделирование.- Ташкент, Университет, 2002.-226 с.
7. Марчук Г.И. Математические модели в иммунологии.-М.: Наука, 1980.-264с.
8. Нормуродов Ч. Б., Менглиев Ш.А., Менглиев И. А. Исследование зависимости коэффициента сопротивления от число Рейнольдса в несжимаемых вязких жидкостях.- Ташкент.: Проблемы в вычислительной и прикладной математики-2018.-60 с.
9. Джонсон К. Численные методы в химии.-М.: Мир, 1983.-504 с.
10. Джордж А., Лю Дж. Численное решение больших разреженных систем уравнений.-М.: Мир, 1984.-333с.
11. Тьюарсон Р. Разреженные матрицы.-М.: Мир, 1977.-192 с.
12. Марчук Г.И. Методы вычислительной математики.-М.: Наука, 1977.-456с
13. M.Aripov, M.Muhammadiyev. Informatika, informasion texnologiyalar. Darslik. T.: TDYuI, 2004 y.
14. Неъматов А., Юлдошова У., Охунбоев М. PASCAL ва DELPHI дастурлаш тилларидан мисоллар тўплами.-Т.: ТТЕСИ, 2010.-88 б

ЕВРОПЕЙСКИЕ СТАНДАРТЫ КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ.

Уринов Бахром Джамолиддинович
Наманганский государственный университет

Аннотация. *В этой статье представлена информация о европейских стандартах повышения качества образования в высшей школе. Выделены их особенности, факторы и принципы повышения качества образования на основе этих стандартов.*

Ключевые слова: *Болонская декларация, основная цель Болонского процесса, европейская кредитная система, принцип, студенческий обмен, академическое признание.*

ТАЪЛИМ СИФАТИ БЎЙИЧА ЕВРОПА СТАНДАРТЛАРИ.

Уринов Бахром Жамолиддинович
Наманган давлат университети

Аннотация. *Ушбу мақолада олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш бўйича Европа стандартлари тўғрисида маълумотлар тақдим этилган. Уларнинг ўзига хос хусусиятлари ҳамда ушбу стандартлар асосида таълим сифатини ошириш омиллари ва тамойиллари ёритиб берилган.*

Калит сўзлари: *Болон деклорацияси, Болон жараёнининг асосий мақсади, Европа кредит тизми, тамойил, талабалар алмашинуви, академик тан олиш.*

EUROPEAN STANDARDS FOR THE QUALITY OF EDUCATION.

Urinov Bakhrom Jamoliddinovich
Namangan State University

Annotation. *This article provides information on European standards for improving the quality of education in higher education. Highlighted their features, factors and principles of improving the quality of education based on these standards.*

Key words: *Bologna Declaration, the main goal of the Bologna Process, European credit system, principle, student exchange, academic recognition.*

Болонская декларация[1]. Болонский процесс - это процесс конвергенции и адаптации систем образования европейских стран с целью создания единой европейской системы высшего образования. Официальная дата начала Болонского процесса - 19 июня 1999 г., когда 29 европейских стран приняли Болонскую декларацию.

Дата начала Болонского процесса ознаменована принятием в 1970-х годах первой резолюции Совета министров Европейского Союза в области образования. В 1998 году во время празднования 800-летия Парижского университета министры образования из 4 европейских стран (Франции, Германии, Великобритании и Италии) согласились с тем, что различные системы высшего образования препятствуют развитию науки и образования в Европе, и подписали Сорбоннскую декларацию. Целью Декларации было разработать общие правила стандартизации системы высшего образования в Европе [2].

Цель Сорбоннской декларации была подтверждена подписанием Болонской декларации в 1999 году, и 29 европейских стран добровольно подписали декларацию.

В настоящее время участниками этого процесса являются следующие государства-члены ЕС и Европейская комиссия: Австрия (1999 г.), Азербайджан (2005 г.), Албания (2003 г.), Андорра (2003 г.), Армения (2005 г.), Бельгия (1999 г.), Болгария (1999 г.), Босния и Герцеговина (2003), Ватикан (2003), Великобритания (1999), Венгрия (1999), Венгрия (1999), Греция (1999), Грузия (2005), Дания (1999), Ирландия (1999), Исландия (1999)), Испания (1999), Италия (1999), Казахстан (2010), Кипр (2001), Латвия (1999), Литва (1999), Лихтенштейн (1999), Люксембург (1999), Македония (2003), Мальта (1999).), Молдовы (2005 г.), Нидерландов (1999 г.), Норвегии (1999 г.), Польши (1999 г.), Португалии (1999 г.), России (2003 г.), Румынии (1999 г.), Сербии (2003 г.), Словакии (1999 г.), Словении (1999 г.).), Турция (2001), Украина (2005), Финляндия (1999), Франция (1999), Хорватия (2001), Черногория (2007), Чешская Республика (1999), Швейцария (1999), Швеция (1999), Эстония (1999).) [3]. Россия присоединилась к Болонскому процессу в сентябре 2003 года.

Основные цели Болонского процесса:

❖ Создание единой системы высшего образования в Европе, активизация европейской системы высшего образования в мире;

❖ Широкий доступ ко всем европейским высшим учебным заведениям;

❖ Дальнейшее повышение качества и статуса европейской системы высшего образования;

❖ развитие мобильности преподавателей и студентов;

❖ Успешное трудоустройство выпускников в системе высшего образования стран-участниц Болонской декларации через единое формирование всех ученых степеней и других специальностей на основе требований рынка труда.

Декларация содержит следующие 7 основных принципов:

1. Улучшение возможностей трудоустройства для европейских граждан посредством выдачи одинаковых академических степеней и дипломов, обеспечивая международную конкурентоспособность европейской системы высшего образования.

2. Установить двухступенчатое (высшее) образование в системе высшего образования: бакалавриат и магистратура. Первый цикл рассчитан на срок не менее 3 лет и предусматривает получение степени бакалавра. Второй цикл заканчивается получением степени магистра.

3. Внедрение единой европейской системы зачетных единиц для обеспечения масштабной мобильности студентов.

4. Развитие студенческой мобильности. Установите стандарт транснационального образования.

5. Содействовать Европейскому Сообществу в обеспечении качества для разработки сопоставимых критериев и методологий.

6. Внедрение системы внутреннего контроля за качеством обучения и вовлеченности студентов и работодателей во внешнюю оценку вуза.

7. Содействовать появлению европейских традиций в высшем образовании посредством разработки учебных программ, межведомственного сотрудничества, мобильности и совместных учебных программ, практического обучения и исследований.

Болонская декларация организует проводимую раз в два года конференцию с участием министров образования стран-участниц (2001 г. - Прага, 2003 г. - Берлин, 2005 г. - Берген, 2007 г. - Лондон, 2009 г. - Лёвен (Бельгия), 2010 г. - Будапешт и Вена). Организационные форумы (1-й организованный Болонский форум - 2009 г. в Лёвене, 2-й Организованный Болонский форум - 2010 г. в Вене) также проводились в рамках этого процесса.

Среди принципов, определяющих будущее европейской системы высшего образования, ключевую роль играют следующие три фактора:

1. Введение двухступенчатого (циклического) высшего образования (бакалавриат, магистратура).
2. Введение Европейской кредитной системы (ECTS) [4], которая позволяет передавать и пополнять зачетные единицы.
3. Адаптация процесса аккредитации вузов и программ высшего образования к европейским традициям.

Принципы Болонского процесса предусматривают разработку и внедрение системы ECTS (European Credit Transfer System) для оценки результатов обучения, направленной на решение проблемы сравнения образовательных программ, для содействия академической мобильности.

ESTS стремится решить следующие проблемы:

- ✓ помощь студентам в учебе за рубежом;
- ✓ Обеспечение сравнения и пополнения результатов обучения при переводе из одного вуза в другой;
- ✓ Обеспечение оперативного доступа к академическим программам и академического признания зарубежных университетов.

Для внедрения системы ESTS вуз должен:

- o предоставляет четкие и понятные учебные планы (подробно описывает процесс обучения);
- o Помогает в признании академической специализации (степени).
- o Учебная программа четко описывает содержание курсов, учебную нагрузку учащегося и результаты обучения.
- o сохраняет независимость и несет полную ответственность за решения, принимаемые студентом по результатам обучения.

ECTS была учреждена Европейской Комиссией как первый проект программы ERASMUS, целью которого является поддержка академического признания всех результатов обучения в системе высшего образования государств-членов Европейского сообщества. С 1992/93 учебного года признание результатов обучения в странах-членах Европейского сообщества и Ассоциации свободной европейской торговли (EFTA) позволило студентам продолжить обучение в университетах других стран и развить студенческую мобильность.

ECTS тестировался шесть лет (с 1989/90 по 1994/95), и для этого были выбраны следующие пять дисциплин: «Деловое администрирование», «Химия», «История», «Медицина» и «Инженерная механика». В системе обмена студентами участвовали 145 факультетов европейских университетов.

ECTS - это система против централизации академического признания результатов образования, основанная на взаимном доверии между высшими учебными заведениями. Для реализации этого принципа ECTS устанавливает ряд правил: предоставлять доступ к информации о курсах высшего учебного заведения; договор между вузами, принимающими и отправляющими студентов; внедрение единой системы оценки результатов освоения учебной программы (баллы ECTS - кредит). Согласно системе ECTS, студент может получить 30 кредитов за семестр или 60 кредитов в год.

ECTS состоит из четырех основных частей по своей структуре:

Информационная поддержка;

соглашение;

кредитная система;

определить сумму кредитов, накопленных студентом за учебный год.

Информационная поддержка состоит из информационного пакета, содержащего следующую информацию:

- учебный план;
- учебные планы, включенные в учебный план;
- кредитная система для каждого курса (количество кредитов, выделенных для каждого курса);
- система оценки знаний;
- шкала оценки;
- Дополнительная информация.

Сделка. Это условный процесс, при котором студент заполняет стандартное заявление, чтобы продолжить учебу в иностранном университете по ECTS, и это заявление отправляется в вуз, где студент учится, и координатору ECTS. Количество и объем курсов, ранее пройденных студентом (количество кредитов), передаются в вуз, выбранный студентом. Если студент будет принят в этот вуз, он будет уведомлен через координаторов обоих вузов.

Кредитная система. Эта система представляет собой процесс количественной оценки объема проделанной работы, направленной на успешное завершение учебного года. Согласно ECTS количество кредитов за учебный год должно составлять 60. Кредит представляет собой объем работы, проделанной студентом в течение учебного года, включая прослушивание лекций, участие в практических занятиях и семинарах, лабораторные работы и другие задания.

В будущем опыт ECTS будет широко использоваться в высших учебных заведениях на Конференции Совета Европы (Forum Conference of the Higher Education and Research. Committee, Мальта, 1994). Система была одобрена крупными международными неправительственными организациями, такими как Конвенция Совета Европы (Комитет ЮНЕСКО по признанию квалификаций высшего

образования в Европейском регионе) и Европейская ассоциация международного образования, в которую входят более 50 членов.

Фойдаланилган адабиётлар.

1. www.wikipedia.org
2. https://narfu.ru/agtu/www.agtu.ru/way/4e7efe700881f629ccca9f2a5c1fea0a332388.html
3. https://ru.qwe.wiki/wiki/Bologna_declaration
4. https://en.wikipedia.org/wiki/European_Credit_Transfer_and_Accumulation_System
5. https://ec.europa.eu/education/resources-and-tools/european-credit-transfer-and-accumulation-system-ects_en
6. https://postda.uz/uploads/attachments/kredit-in.pdf

МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИНИ ЎЗАРО АЛОҚАДОРЛИКДА ЎҚИТИШДА ДИДАКТИК ИЛГАРИЛАШ ҒОЯСИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Бакиров Тўлқинжон Юнусалиевич, Фарғона давлат университети математика кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация. *Мазкур мақолада бўлгуси математика ўқитувчиларга фундаментал фанларни ўзаро алоқадорликда ўқитишнинг дидактик илгарилаш гоясига асосланган методи баён қилинади.*

Калит сўзлар*: ўзаро алоқадорлик, фанлараро алоқадорлик, дидактик илгарилаш, структуравий-мантиқий схема, математик анализ, алгебра ва сонлар назарияси, геометрия.*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ ИДЕИ ДИДАКТИЧЕСКОГО ОПЕРЕЖЕНИЯ МЕТОД ПРЕПОДАВАНИЯ ВО ВЗАИМОСВЯЗИ МАТЕМАТИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН

Бакиров Тулкинжон Юнусалиевич, старший преподаватель кафедры математики Ферганского государственного университета

Аннотация. *В данной статье излогается метод преподавания во взаимосвязи математических дисциплин будущим учителям математики основанный на идею дидактического опережения.*

Ключевые слова: *взаимосвязь, межпредметная связь, дидактическое опережение, структурно-логическая схема, математический анализ, алгебра и теория чисел, геометрия.*

USE OF THE IDEA OF DIDACTIC ADVANCEMENT THE METHOD OF TEACHING BETWEEN MATHEMATICAL DISCIPLINES

Bakirov Tolqinjon Yunusaliyevich, Senior Lecturer Department of Mathematics Ferghana State University

Annotation. *In this article it is described a method of teaching mathematics to future mathematics teachers based on the idea of didactic advancement.*

Keywords: *interdependence, interdisciplinary connection, didactic progress, structural-logical scheme, mathematical analysis, algebra and number theory, geometry.*

Мактаб ва олий таълим тизимида математика таълимининг узлуксизлиги ва узвийлигини таъминлаш педагог-математиклар олдида турган долзарб масалалардан биридир. Олий таълим тизимида фаолият олиб бораётган педагоглар томонидан математикани олий ўқув юртида ўқитиш методикасини такомиллаштиришнинг турли вариантларини таклиф қилмоқдалар. Масалан, уларнинг баъзилари (В.А.Байдак [1], Е.М.Вечтомов [2], О.А.Сотникова [8], В.А.Тестов [9]) талабаларни математик мазмун элементлари, математик билиш методлари ва масалаларни ечиш усулларини пропедевтик таништириш мақсадида биринчи семестрда турли номлар билан аталган курслар (масалан, математиканинг мослашув курси; математикага кириш курси; математикадан ёрдамчи курс) имкониятларидан фойдаланишни таклиф қилишади. Бу курсларнинг мақсад ва вазифалари илгари мактабда ўрганилган билимларни долзарблаштириш, уларни тузатиш ва бойитиш ғояси билан ажралиб туради.

Мазкур курсларга, шунингдек, ўқитиш назариясида дидактик илгарилаш ғояси сифатида маълум бўлган яна бир ғояга хосдир. Ушбу ғоянинг моҳияти шундан иборатки, талабаларнинг ўқув-билув фаолиятига келажакда ўзлаштириш (ўрганиш) манбайига айланадиган ахборот (ўқув материаллари) мақсадли киритилади. Бу талабаларнинг ўрганилаётган математика мазмунини идрок этишлари ва тушунишларини осонлаштириш мақсадида амалга оширилади.

Олимлар математикани ўқитишда дидактик илгарилаш ғоясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқлигини бир неча бор таъкидлашган. Масалан, математик ва педагог *Л.Д.*Кудрявцев ўқув жараёнида таълим истиқболларини белгилашнинг муҳимлигини таъкидлайди [3]. Методист – математик В.А.Тестов олий мактабда кириш курси учун пропедевтик ишларнинг турли вариантларидан фаол фойдаланишга эътибор қаратади [9]. Е.М.Вечтомов ОТМларнинг ўқув амалиётида талабаларга бир ёки бир нечта келгуси маърузалар матнини олдиндан танишиш учун бериш орқали ўқишга қизиқишини рағбатлантириш усулидан фойдаланиш зарур деб ҳисоблайди [2].

Дидактик илгарилаш ғояси кўплаб математик ўқитувчилар (С.Н.*Лисенкова* [5], А.А.Окунев [6], В.Ф.Шаталов [11] ва бошқалар) тажрибасида ҳам мавжуд. Аммо илгарилаш ишларнинг турли хил вариантларини психологик ва педагогик таҳлили фақат О.И.Чиркованинг[10] илмий тадқиқотида амалга оширилган. Муаллиф томонидан ушбу ғоянинг моҳияти ва функционал аҳамиятини аниқлашга ҳаракат қилинган, шунингдек, дидактик илгарилаш ғояси асосида ўқувчиларга геометрик теоремалар исботини ўргатиш методологиясини такомиллаштиришга имкон берувчи услубий таъминот таклиф қилинган.

ОТМда математикани ўқитиш методикаси хусусиятларининг таҳлили асосида Н.В.*Лушникова* [4] дидактик илгарилаш ғоясининг моҳиятини предмет (ўқув фанининг) ички алоқалари назариясининг категориал аппарати асосида аниқлаштириш мумкинлигини таъкидлайди. Шуни айтиш керакки, Н.В.*Лушникова* дидактик илгарилаш ғоясини техника университетларида олий математика

фанининг “Чизиқли алгебра” бўлимини ўқитиш мисолида очиб берган ва татбиқ қилган.

Биз ушбу ғояни педагогика олий таълим муассасаларида бўлғуси математика ўқитувчиларининг математик тайёргарлиги асосини ташкил этувчи математик анализ, алгебра ва сонлар назарияси ҳамда геометрия фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитиш жараёнида қўллашни таклиф қиламиз.

Мактаб ва ОТМларда дидактик илгарилашни ташкиллаштириш усулларини таҳлили, шунингдек, мазкур ҳолатларда предметлар ичидаги алоқаларнинг намоён бўлиши асосида дидактик илгарилашнинг қуйидаги кўринишлари аниқланган: таълимий истиқболларни белгилаш, олдиндан таништириш, дастлабки ўрганиш, пропедевтик олдиндан ўқитиш [4,10].

Дидактик илгарилашнинг ҳар бир кўринишига таъриф берамиз ва уларнинг функционал аҳамиятини аниқлаймиз.

Таълимий истиқболларни белгилаш ўқув жараёнига келгусида ўрганиладиган материал ҳақидаги ахборотни олиб киришни тақозо этади. У мазкур материал мазмунининг қийматини очиб беради, яъни унинг методик, умуммиллий, касбий аҳамияти ва амалий қимматини акс этади. Бундай дидактик усул талабаларнинг ўқув-билув фаолиятини мотивациялаш мақсадида қўлланилади. Натижада талабаларда келажакда ўрганилиши керак бўлган материалнинг шахсан муҳимлиги хусусида маълум бир кўрсатма шаклланади. Шу билан бирга мазкур математик материалнинг мазмуний қисми турлича бўлиши мумкин. У нафақат математик белгилар ва атамалар, балки формулалар, тушунчалар, методлар, ғоялар, назариялар ва ҳоказоларга тегишли бўлиши мумкин.

Олдиндан таништириш деганда биз ўқув жараёнига истиқболли ўқув материалларни шундай киритишни тушунамизки, бунда мазкур элементларни ўзлаштириш махсус атамалардан фойдаланмасдан амалга оширилади, бу элементларни мажбурий ёдлаш талаб қилинмайди, махсус назорат қилинмайди, режадаги назорат ишларида ҳисобга олинмайди. Масалан, талабалар математик анализ фанида чегараланган, яқинлашувчи, чексиз кичик кетма-кетликлар тўпламларидаги алгебраик структура ташкил қилишини текширишади.

Дастлабки ўрганиш келажакда ўрганилиши лозим бўлган ўқув материалининг структураси ва мазмунини тушунишни енгиллаштириш мақсадида айрим қисмларини ўқув жараёнига киритишни назарда тутади. Шу билан бирга истиқболли материалнинг қисмларини ўрганиш тегишли атамаларга ва бошқалар билан тегишли талабчанлик даражасида амалга оширилади. Бундай ўрганиш турлича бажарилиши мумкин. Масалан, рационал сонларнинг фундаментал кетма-кетликлари ва уларнинг хоссаларига боғлиқ материаллар алгебра ва сонлар назариясида ҳақиқий сонлар системаси мавзуси учун истиқболли ҳисобланади, уни ўрганишни турли усулларда, масалан мустақил таълимда, лойиҳалар асосида ўрганишни ташкил қилиш мумкин.

Пропедевтик олдиндан ўқитиш – бу талабаларни математик материалнинг структура элементларига тугалланмаган аниқ-интуитив даражада олдиндан ўқитишдир. Яъни, олдиндан ўқитиш математик материални асосий курсда назарда тутилганга қараганда соддароқ мазмун, шакл ва методлар асосида ўрганиш

ҳисобланади. Шу билан бирга мазкур материал, албатта, пухта ўзлаштирилиши, талабаларга амалий тайёрлов ишлари билан бир хил мақсадлар қўйилади, ўқитувчи олдиндан берилаётган маълумотларни талабалар томонидан ўзлаштирилиши назорат қилинади. Олдиндан ўқитишнинг асосий вазифаси талабаларга ўрганилаётган фаннинг математик мазмунини англаш ва тушуниш жараёнини енгиллаштиришдир. Масалан, комплекс сонларнинг геометрик тасвири алгебра ва сонлар назарияси фанида математик анализнинг аналитик функциялар назарияси бўлими учун пропедевтик олдиндан ўқитишга мисол бўлади.

Бундан кейин биз таълимий истиқболлар қўйиш маъносида ўқитувчининг ўқув жараёнига келгусида ўрганиладиган материал ҳақидаги ахборотни олиб киришини тушунамиз. Мазкур ахборот истиқболли материалнинг зарурлик аҳамиятини очиб беради, яъни унинг методик, умумилмий, касбий аҳамияти ва амалий қимматини акс эттиради. Натижада ўқувчиларда келажакда ўрганилиши зарур бўлган материалнинг муҳимлиги хусусида маълум бир қарашлар шаклланади. Шу билан бирга, мазкур математик материалнинг мазмуний қисми турлича бўлиши мумкин. У фақат математик белги ва атамаларга эмас, балки формулалар, тушунчалар, методлар, ғоялар, назарияларга тегишли сифатида ҳам инобатга олинади.

Таълимий истиқболларнинг уч кўринишини ажратиш мумкин: қисқа муддатли, ўрта муддатли ва узоқ муддатли. Математика фанларини ўқитишда, хусусан, алгебра ва сонлар назарияси бўйича машғулотларда таълимий истиқболларни қўйишда модулларининг мантиқий-маъноли модели (МММ), мазкур фан асосий структуравий элементларининг предмет ички ва фанлараро алоқалари, шунингдек, ўқув мавзуларининг (саволлар, таянч тушунчалар ва ҳоказо) структуравий-мантиқий схемалари қўшимча методик воситалар бўлиши мумкин.

Таълимий истиқболларни қўйишда турли методик воситалар, масалан, фан модулларининг мантиқий-маъноли моделлари [12], шунингдек, ўрганилаётган курс таянч тушунчаларининг структуравий-мантиқий чизмалари ёрдамида амалга оширилиши мумкин. Қуйида структуравий-мантиқий схемаларга тўхталамиз.

М.И.Зайкин фикрича, таянч математик тушунчанинг структуравий таҳлили унга яқин тушунчалар тизимини аниқлаш орқали амалга оширилади. Бундай таҳлилни қуйидаги мантиқий схема орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир:

- мазкур таянч тушунча билан боғлиқ тушунча – объектлар ёки унинг элементлари;
- мазкур таянч тушунча вакиллари устидаги тушунча – операциялар;
- таянч тушунчанинг (хоссалари) тушунча-хоссалари;
- мазкур таянч тушунча вакиллари ўртасидаги тушунча –муносабатлар;
- таянч тушунчанинг тушунча-турлари;
- таянч тушунчанинг тушунча-умумлашмалари [7].

М.И.Зайкин фикрича, структуралаштирилган математик тушунчалар талабалар хотирасида нафақат мустаҳкам сақланади, амалиётда тез қайта тикланади ва қўлланилади, балки мустақил ўзлаштириш жараёнида билимларни яна-да тўлдириш учун асос вазифасини бажаради. Ўз томонимиздан шуни айтишимиз мумкинки, бундай блок-чизмаларга келажакда ўрганилиши лозим бўлган

тушунчаларни киритиш мумкин. Бу таянч тушунчани тўлароқ тасвирлаш ва талабаларга уни яна-да умумлаштириш истиқболларини очиб беради.

Ҳақиқий сонлар системаси таянч тушунчасининг структуравий-мантиқий схемасини кўриб чиқамиз (1-расм).

Мазкур структуравий-мантиқий схема (СМС) талабаларга ҳақиқий сонлар системасига бағишланган биринчи маърузада талабаларга таништирилиши мумкин. СМС туфайли талабалар ўзларига маълум саволларни ва яна нимани ўрганишлари кераклигини кўришлари мумкин. Шу билан бирга у талабалар олдига қисқа ва узоқ муддатли истиқболлар қўйиш имконини беради.



1-расм. Ҳақиқий сонлар системаси таянч тушунчасининг структуравий-мантиқий схемаси

Ўқитувчи ҳақиқий сонлар системаси тушунчаси билан дастлабки танишишга бағишланган биринчи маърузада математик анализ фанида ўрганилган ҳақиқий сонлар тўпламининг хоссалари, ҳақиқий сонни қандай аниқланганлигини эслатиши, лекин ҳақиқий сонлар устида амаллар аниқланмаганлиги, унинг мураккаблигини тушунтириши мумкин. Ҳақиқий сонлар системаси аксиоматикасининг қатъийлигини исботлашда Кантор назариясидан фойдаланишини, шунинг учун яқинлашувчи, фундаментал кетма-кетликлар ҳақидаги билимларини такрорлаб келишларини илтимос қилишлари мумкин.

Навбатдаги маъруза сўнгида ҳақиқий сонлар устида бошқа амалларни бажариш масаласини келгусида математик анализда ўрганиши, ҳақиқий сонлар тўпламидаги топологик структураларни мустақил ўрганишлари кераклигини айтишлари мумкин.

Юқорида қайд этилганлар дидактик илгарилашнинг бир тури сифатида таълимий истиқболлар қаторига қўйилиши барча математика фанларини ўқитишда амалга оширилади.

Ўрганилаётган таянч тушунчаларнинг структуравий-мантиқий схемалари каби методик воситалар ёрдамида таълимий истиқболларнинг турли вариантларини кўриш ва шакллантириш таълим жараёнида дидактик илгарилаш ғоясини амалга ошириш, натижада таълим сифатининг ошишига, математик фанларни ўқитишда ички ва ўзаро алоқаларни таъминлашга имкон яратади.

Адабиётлар

1. Байдак В.Ю. Содержание и методика адаптационной подготовки студентов-первокурсников математических специальностей вузов: Дис. ...канд. пед. наук: 13.00.02. - Орёл, 2000. - 204 с.
2. Вечтомов Е.М. Математические очерки: Учеб.-метод. пособие . - Киров: Изд-во ВятГГУ, 2004. - 215 с.
3. Кудрявцев Л.Д.Современная математика и ее преподавание: Учебное пособие для вузов. М.: Гл.ред.физ-мат.лит., 1985.-176с.
4. Лушникова Н.В. Реализация идеи дидактического опережения при обучении высшей математике (на примере линейной алгебры). Дис. ... канд. пед. наук. - Арзамас.: 2006. - 162 с. 34 б.
5. Лысенкова, С.Н. Идея опережения / Учительская газета. - 1987. - №27. - С 4.
6. Окунев А.А. Спасибо за урок, дети!: О развитии творческих способностей учащихся: Книга для учителя: Из опыта работы. - М.: Просвещение, 1988. - 128 с.
7. Совершенствование содержания математического образования в школе и вузе: Межвуз. сб. науч. тр. / Под ред. В.И. Гришанова. - Саранск: Изд-во Мордов. ун-т, 1988. - 168 с.
8. СотниковаО.А. Целостность вузовского курса алгебры как методическая основа его понимания / О.А. Сотникова. - Архангельск: ПГУ, 2002. - 143 с.
9. Тестов В.А. Стратегия обучения математике / В.А. Тестов. - М.: Технологическая школа бизнеса, 1999. - 304 с.

10. Чиркова О.И. Реализация идеи опережающего ознакомления при обучении доказательствам теорем в курсе геометрии основной школы: Дис...канд. пед. наук: 13.00.02. - Архангельск, 2002. - 174 с.
11. Шаталов В.Ф. Педагогическая проза / В.Ф. Шаталов. - М.: Педагогика, 1980.-96 с.
12. Штейнберг В.Э. Дидактическая многомерная технология: понятийно-инструментальный базис. // Профессиональная педагогика: категории, понятия, дефиниции: Сб. науч. тр. / Отв. ред. Г.Д. Бухарова. - Екатеринбург: Изд-во Рос. гос. проф.-пед. ун-та, 2003. - С. 207 - 220.

ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ И ЛИНГВИСТИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОБУЧЕНИЯ ЧТЕНИЮ МЛАДШИХ ШКОЛЬНИКОВ

Парпиева Махсудахон Махмуджановна
Ферганский политехнический институт, старший преподаватель кафедры “Узбекский язык и литература”

Аннотация: *В данной статье рассматривается процесс формирования у младших школьников первоначальных навыков чтения, психологические и лингвистические основы современной методике обучения грамоте, а также даются методические рекомендации по использованию методов и приемов обучения грамоте.*

Ключевые слова: *современная методика, психологические и лингвистические основы, грамота, техническая сторона чтения.*

БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА ЎҚИШНИ ЎҚИТИШНИНГ ПСИХОЛОГИК ВА ЛИНГВИСТИК АСОСЛАРИ

Парпиева Махсудахон Махмуджановна
Фарғона политехника институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация: *ушбу мақолада бошлангич мактаб ўқувчиларида бошлангич ўқиш кўникмаларини шакллантириш жараёни,саводхонликни ўргатишнинг замонавий методологиясининг психологик ва лингвистик асослари муҳокама қилинади, ва шу билан бирга саводхонликни ўқитиш методикаси ва техникасидан фойдаланиш бўйича услубий тавсиялар берилди.*

Калит сўзлар*: замонавий методология, психологик ва лингвистик асослар, саводхонлик, ўқишнинг техник томони.*

PSYCHOLOGICAL AND LINGUISTIC BASES OF TEACHING READING YOUNGER SCHOOLCHILDREN

Parpieva Mahsudahon Mahmudjanovna
Ferghana Polytechnic Institute, Senior teacher of Department “Uzbek language and literature”

Annotation: *This article discusses the process of formation of primary reading skills in primary school puipls. The psychological and linguistic foundations of the modern methodology of literacy education for younger schoolchildren are examined, and methodological recommendations are given on the use of literacy teaching methods and techniques.*

Keywords*: modern methodology, psychological and linguistic foundations, literacy, technical side of reading.*

«Обучение грамоте» - это раздел методики преподавания русского языка, в котором рассматривается процесс формирования у младших школьников первоначальных навыков чтения. И при рассматривании данного процесса необходимо учитывать научные основы обучения грамоте. А именно, психологические и лингвистические.

С точки зрения психологической, в основе методики обучения грамоте лежат закономерности и механизмы процесса чтения.

Как осуществляется процесс чтения? Согласно исследованиям Егорова чтение – это вид речевой деятельности, для которой характерны две ступени: «Одна находит свое выражение в движении глаз по строке и речезвукодвигательных процессах», вторая – «в движении мыслей и чувств, вызванных содержанием читаемого» [2]

Первые два действия – это техническаясторона чтения (характеризуется такими качествами, как правильностьибеглость), третье «действие» - это эмоционально-логическая сторона чтения(характеризуется такими качествами, как сознательность и выразительность).По вполне понятным причинам в период обучения грамоте особые затруднения у учащихся вызывает техническая сторона чтения. Рассмотрим ее подробнее.

Вся информация, которой пользуется человек, закодирована, зашифрована с помощью специальных значков (букв). Прочитать – значит перекодировать буквенные знаки в звуковые и смысловые единицы. Процесс перекодирования проходит три ступени: экскурсия (зрительное восприятие буквенных знаков, перевод их в звуковой код и подготовка органов речи к произнесению звукового комплекса); выдержка (самопроизнесение); рекурсия (возврат органов речи в исходное состояние).Специальные исследования показывают, что процесс перекодировкипротекает по-разному в зависимости от того, какую именно единицу (слогоопределенной структуры, слово) мы читаем.

Исходя из этого, следует что, во-первых, в период обучения грамоте учитель должен предусмотреть использование таких методов и приемов обучения чтению, которые помогли бы учащимся преодолеть трудности перекодировки причтении слогов разных структур.

Во-вторых процесс чтения начинающего читателя по многим параметрамсущественно отличается от процесса чтения опытного чтеца, поэтому в процессе формированияу младшихшкольников навыков первоначального чтения необходимо:

а)развивать «поле чтения», равное слогу, слову; б)развивать фонематический слух, умение выполнять звукобуквенный анализ и синтез;

в)учить детей осмысливать читаемое, используя специальные приёмы; г)тренировать в чтении «про себя».

Существует мнение, что «…механизм чтения состоит в перекодировании печатных знаков и их комплексов в смысловые единицы, в слова». [3]

С точки зрения лингвистической, в основе методики обучения грамоте лежат особенности русской графической системы. Графика – это раздел языкознания, который изучает вопросы соотношения букв и звуков в языке, а также способы буквенного обозначения звуков.

Какие же особенности русской графики необходимо учитывать в методике обучения грамоте?

1. Главной особенностью русской графики является то, что она имеет звуковой характер. Русское письмо – звуковое, фонемное. Это означает, что каждому графическому знаку (букве) соответствует звук, или фонема. Есть ли исключение из этого закона? Все ли языки так устроены? Каковы, по-вашему, особенности китайской, японской, английской графических систем?

Значит, если русская графика имеет звуковой характер,то и метод обучения чтению в русской школе должен быть звуковым. То есть вериод обучения грамоте основным объектом анализа и синтеза должна статьзвучащая речь, звуки, фонемы.

2. Фонемы в русском языке делятся на группы (классифицируются) по целому ряду признаков: артикуляции, акустике, участию в образовании слога и др. И поэтому в период обучения грамоте необходимо предусмотреть знакомство учащихся со всем разнообразием фонем, их классификацией, учить детей различать фонемы по основным признакам, развивать фонематический слух.

3. Фонемы могут находиться в сильной и слабой позициях. Основное значение фонемы проявляется в сильной позиции , в слабой мы слышим ее вариант. Сильная позиция для гласных – позиция под ударением, для согласных – перед гласным не переднего ряда, а также в абсолютном конце слова. Из этого следует, при обучении чтению и письму необходимо учить детейпрактически учитывать позицию фонемы в процессе перекодировки (учить так называемому позиционному чтению);Для выделения нового звука предпочтение отдавать словам, вкоторых он (новый звук) находится в сильной позиции.

4. Основным принципом русской графической системы является слоговой принцип. Сущность его заключается в том, что звуковое значение буквы проявляется только в слоге. Поясним это на примерах. Буква «д» может иметь разное звуковое значение, которое мы определяем только в том случае, если буква находится в окружении других букв, то есть вслоге:

	дон	день	Код
«Д»	[д]	[д’]	[т]

Так как основной единицей чтения и письма является слог. Научить детей читать по буквам невозможно. Дети, читающие «по буквам», допускают много ошибок. Их необходимо «переучить» -

показать им приемы графического анализа слова и научить сливать звуки в слоги, то есть читать по слогам. Таким образом.

Данные психологической науки об особенностях познавательных процессов, протекающих в сознании школьников начальных классов в период усвоения ими первоначальных знаний о русском языке, овладения практическими навыками чтения, помогают учителю выявить трудности в этой сложной для ребенка умственной деятельности. Кроме того психологическая основа методики обучения грамоте заключается в подборе таких методов и приёмов, которые бы в полной мере учитывали особенности детского внимания, восприятия, памяти, мышления, способствовали бы всестороннему развитию учащихся – формированию у них на соответствующем языковом материале приёмов умственной деятельности: анализа и синтеза, классификации, обобщения, умозаключения. И конечно же должно учитываться лингвистическое, особенно фонетическое своеобразие русского языка

Литература

1. Абдуллина А. А. Детское иллюстрирование как один из приемов работы над произведением М. // Начальная школа, 1980, № 4
2. Егоров Т.Г. Очерки психологии обучения детей чтению. – М., 1953 стр. 4
3.М.Р. Львов и др. «Методика обучения русскому языку в начальных классах» - М., 1987, с.24.

ФИЗИКА ФАНИНИ МУАММОЛИ ЎҚИТИШНИНГ МЕТАДОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Расулова Муҳаррам Эргашджановна
Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси
Ҳарбий-техник институти, ўқитувчи

Аннотация: *Мақолада муаммоли ўқитиш назариясининг асосий тушунчалари, муаммоли ўқитишни ташкил этишнинг дидактик ва психологик асослари кўрсатиб ўтилган.*

Калит сўзлар: *Диалектика, муаммоли ҳолат тизими, интенсификацияси принциплари, инновацион технологиялар.*

МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЙ АСПЕКТ ПРОБЛЕМНОГО ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТА ФИЗИКИ

Расулова Мухаррам Эргашджановна
Военно-технический институт Национальной гвардии
Республики Узбекистан, преподователь

Аннотация: *В статье представлено содержание основных понятий теории проблемного обучения, дидактические и психологические основы организации проблемного обучения. Показаны возможности проблемного обучения при изучении физических явлений и законов.*

Ключевые слова: *Диалектика, система проблемной явлении, принципы интенсификации, инновационные технологии.*

THE METHODOLOGICAL ASPECT OF THE PROBLEM-ORIENTED TEACHING OF THE SUBJECT OF PHYSICS

Rasulova Muharram
Military technical institute of the National Guard of the Republic of the Uzbekistan, teacher

Abstract: *in the article presented the content of the basic concepts of the theory of problem-based education, didactic and psychological foundations of the organization of problem-based education. The possibilities of problem-based learning in the study of physical phenomena and laws are shown.*

Keywords: *Dialectics, system of the problem situations, principles of intensification, innovative technologies.*

Амалиётда муаммоли ўқитишни ташкиллаштиришда биринчи ечилиши керак бўлган масала-муаммоли ҳолатларни қандай қилиб яратиш масаласидир. Уни ечишда педагог муаммоли ҳолатларда вазифани бажариш зарурияти ва мавжуд билимлар ёрдамида буни амалга ошириш орасидаги диалектик қарама-қаршилик қанчалик ёрқин намоён бўлса у шунчалик кескин муаммоли бўлишини эсда тутиши керак. Айтилганлардан муаммоли ҳолатларни яратиш учун субъектнинг реал қарама-қаршилигини кўришга ёрдам берувчи англаш объекти билан ўзаро таъсирини мақсадга мувофиқ тарзда ташкиллаштириш керак. Буни ўқув жараёнини англашда турли усуллар билан амалга ошириш мумкин.

Масалан, илмий билишда ўринли бўлган келишмовчилик ҳолатларини қўллаш. Бундай ҳолатлар фаннинг ривожланиш тарихида ҳар гал янги даллиллар ўргатилган тасаввурлар билан қарама-қарши бўлганида юзага келган: Галилей экспериментларнинг натижаларини Аристотелнинг ҳаракат ҳарактери ҳақидаги тасдиқлари билан; иссиқликнинг кинетик табиати ҳақидаги билимларни иссиқлик сиғими гипотезаси тарафдорларининг фикрлари билан; яқиндан таъсир ва масофадан таъсир назарияси тарафдорлари муҳокамаси, табиатда узлуксизлик ва дискретлилиги концепцияси кураши; ёруғлик табиати ҳақидаги тўлқин ва корпускуляр тасаввурлар. Кўрилаётган масалани муҳокама қилишнинг маълум ўрганилаётган нуқтаи назарини юзага келтириб, педагог муаммоли ҳолатни ҳосил қилиши ва уларни излаш фаолиятини ташкиллаштириш мумкин. Бундай муаммоли ҳолатларни ечишда мустақиллик даражаси ўрганилаётган материал ҳарактерига ва дастлабки билимларнинг мавжудлигига боғлиқ.

Худди шундай, ёруғлик табиатига қарашларнинг ривожланиш тарихини кўриб чиқишда муаммоли ҳолатлар тизимини қўйиш ва ечишда асосий таъсир этувчи шахс педагог бўлиши мумкин. Билим олаётганларни илмий исботловчи излаб фикрлаш атмосферасига киритиб, у ёруғлик табиати ҳақидаги тасаввурлар эволюциясини очади, турли хил тарихий далилларни ягона мантиқий тузилмага бирлаштиради.Ушбу усулнинг мақсади, бир томондан, англаш қизиқишини

уйғотиш, иккинчи томондан эса фан тарихида ўринга эга бўлган илмий муаммоларни ечиш намуналарини намойиш этишдир.

Ҳаёт тажрибасининг илмий билимлар билан тўқнашиш интенсиви ақлий фаолиятни юзага келтиради. Худди шундай, ҳаёт тажрибаси асосида талабалар суюқликнинг натижавий ҳажми дастлабки ҳажмлар йиғиндисига тенг бўлишини яхши билиб олдилар. Ушбу билимларни, модда тузилиши ҳақидаги дастлабки маълумотларга бағишланган дарс бошида, фаоллаштириб, ўқитувчи сув ва спиртнинг аралашишида ҳажмнинг камайишини маълум тажриба билан намойиш этади. Дастлабки ҳажмлар йиғиндисининг аралашма ҳажми билан мос келмаслиги талабаларни ҳайратга солади, уларнинг ҳаёт тасаввурлари ва тажриба натижаси орасидаги қарама-қаршилик юзага келади, муаммоли ҳолат ҳосил бўлади.

Муаммоли ҳолатнинг юзага келиши сабаби олдин олинган билимлар ва янги далиллар орасидаги номуносиблик бўлиши мумкин. Ўтказгич қаршилигининг ўзаро боғлиқлигини ўрганиш бошида талабаларга чўғланма лампа волт-ампер характеристикасини олиш таклиф этилади. Аввал олинган билимларга асосан (Занжирнинг бир қисми учун Ом қонуни) улар ток кучининг қўйилган кучланишга тўғри пропорционал боғлиқ бўлишини кутадилар. Тажриба буни тасдиқламайди. Олинган билимлар ва янги фактлар орасидаги қаршилик мавжудлиги кўриниб турибди, буни тушунтириш учун эса янги билимлар зарур.

Муаммоли ҳолатлар яна ҳаракатнинг маълум ва талаб этилган усуллари мос келмаганида ҳам юзага келади. Педагоглар бундай ҳолатларни билим олувчилар ўзларининг билимлари етарли эмаслиги билан тўқнашишлари учун ташкил этадилар. Бундай далилларни англаш янги билимларни билишга қизиқишларини юзага келтириб, янги билимлар излашга ундайди. Масалан, талабалар динамометр ёрдамида понача сирпаниш ишқаланиш коэффициентини аниқлашни ўрганганларидан кейин уларга горизонтал столда поначанинг сирпаниш ишқаланиш коэффициентини фақат чизғичга таяниб аниқлашни таклиф этиш фойдалидир. Гипотезаларни илгари суришда талабаларнинг ташаббусларини боғлаб, ўқитувчи уларнинг ҳар бирини қуйидаги режада тўхтагунига қадар фаол муҳокама қилади:

Поначанинг вертикал қиррасида моменти айланиш ўқига нисбатан поначанинг оғирлик кучи моментига тенг бўлган сирпаниш ишқаланиш кучига тенг куч қўйиладиган нуқтани топиш керак.

Муаммоли ҳолатларни яратиш учун талабаларнинг хос хатоликларини қўллаш мумкин. Кўпгина талабалар жисм сувга туширилганида унинг оғирлиги камаяди деб ҳисоблайдилар. Шуни ҳисобга олган ҳолда Архимед кучини ўрганишда биринчи қарашда шу фикрни тасдиқлаётгандек бўлган тажрибага юзланади. Динамометр илмоғи учига илинган жисм суюқликка туширилганида динамометрнинг кўрсаткичи юк стол сиртига текканида ҳам намойиши кўрсатилади. Ҳолат талабаларни ҳайратга солади. [1]

Мустақил масала тузиш талабалар билиш фаолиятларини ошириш воситаси кабидир.

Талабалар ўқув фаолиятлари атроф дунё ҳақидаги янги билимларга эга бўлиш билангина характерланиб қолмай, физикани ўқитиш жараёнида билим

берувчи масалаларни ечиш усули бўла оладиган янги мантиқий ва фикрлаш операцияларини билиш билан ҳам ҳарактерланади.

Бироқ ўқув- тарбия жараёнини ҳар томонлама анализ қилиш талабаларни физика бўйича мавжуд билимларга мувзаффақиятли эга бўлишлари билан бир вақтда фикрлашни ривожлантиришнинг янги ёндашувлари ва усулларини эгаллашда анча орқада қолмоқдалар.Шу муносабат билан психолог-педагогик фанларда ва амалиётда талабаларнинг билиш имкониятларини ривожлантириш, уларнинг мустақил изланиш-ижодий фаолиятлари психологик механизмини намоён этиш ва ўрганишга, ўқитишнинг интенсификацияси принципларида тузилган янги технологияларини яратиш йўналишда ўрта физик таълимни қайта қуришга бўлган талабларга мос ҳолда, усуллари, воситалари ва шаклларини келтириш, масалаларига катта эътибор қаратилмоқда.

Физикада ривожланаётган билим бериш ғояларини амалга оширишда муаммоли маъруза дарслар, семинар диспутлар ва конференциялар катта даражада жавоб беради.

Физика бўйича муаммоли тузилган маъруза – бу шунчаки, гипотезани излаш борасида ўқитувчи томонидан, бир ёки бир неча ўрганилаётган физик муаммоларни, билимдонлик билан қўллаш, илмий ҳақиқатга ҳаражат усуллари, воситалари ностационар ёндашувлар, турли нуқтаи назарларни кўриб чиқиш ва муҳокама қилиш асосида, кўриб чиқишдир. Маъруза дарсида муаммоли изланишни ўқитувчи олиб боради, бунда у муаммоли ўқитиш усулларидан бирини-муҳокама қилувчи ёки исботлаб баён этувчи усулни қўллайди, дарсни очиқ олиб боради, бунда у синф олдига ўралган жавобларни овоз чиқариб беришни талаб этмайдиган, бироқ талабаларда муҳокама қилинаётган муаммо устида фикр юритишга талаб этувчи эвристик масалаларни қўйган тарзда синфга юзланади.

Ўқитувчи томонидан яратилган муаммоли ҳолатлар шароитида баён этиш мантиқини кузата бориб фандаги қарама-қаршиликларни аниқлаш йўли ёки билиш жараёни билан талабалар физикада илмий билишнинг асосий босқичларини ўрганадилар , ўқитувчи баён этганларини тушунишга ҳаракат қиладилар. Бунда уларда хусусий саволлари юзага келади. Уларнинг талабалар томонидан таърифланиши ўқитувчига билим олаётганларнинг тушуниш ва ўқув материалини билиб олишлари даражалари ҳақида хулоса қилиш имконини беради. [3]

Бироқ биз олиб борган изланишларимиз физика ўқитувчиларининг катта қисми фан ва билиш жараёнининг қарама-қаршилигини аниқловчи, талабаларда мустақил муаммоли аниқловчи, талабаларда мустақил муаммоли масалаларни тузишга қизиқиш ва заруриятларини юзага келтиришга имкон берадиган қилиб маъруза материаллари тузилмасини қайта тузишда қийналётганликлари ҳақида далолат беради.

Муаммоли ҳолатларни психологлар ўқув изланувчан-ижодий масалаларни ечиш борасида юзага келувчи маълум психик ҳолат каби қарайдилар, талабаларни уни ечишга қаратиш механизми эса билиш заруриятининг юзага келишидан иборат бўлиб, унинг асосида ижодий фаоллик уни қониқтириш воситаси каби шаклланиб, билишга қизиқиш эса фаоллик мотиви каби шаклланади.

Шундай қилиб, ўқитишнинг муаммоли усуллари ва ёндашувларини қўллаган ҳолда маърузали баён этиш жараёнида талабаларни самарали ва натижавий фаолиятларини таъминловчи муҳим педагогик шарт, бу уларнинг билиш қизиқишлари ва талабларини ривожлантириши бўлиб, бу талабаларни муаммоли масалаларини қўйишда иштирокларига олиб келади.

Талабанинг саволи – унинг фаолиятга билиш фаоллиги, унинг аниқ муаммога чорлаши.

Масаланинг шаклланиш сифати тўлиқ жавобни конструкциялаш учун бажариши зарур бўлган фикрлаш операциялари характери билан аниқланади. Шу нуқтаи назардан бу қуйидагича тур масалаларни ажратамиз:

1. тушунча мазмунини ҳодисанинг характерли белгиларини кўрсатувчи;
2. ҳодиса сабаблари туфайли боғланишлар ўрнатилиши кўрсаткичларига эга;
3. физика курсининг турли мавзуларида (бўлимларида) ўрганиладиган ҳодисалар орасидаги сабабни – натижавий боғланишларга эътиборни қаратувчи;
4. фикрий экспериментлар ўтказишни талаб этувчи;
5. маълум масалалар, хулосалар, формулаларни ечиш учун янги йўлларни излашни фаоллаштирувчи фанлараро боғлиқликни ифода этувчи;
6. нотўғри ва хато саволлар.

Таълимда иннавацион технологияларни гуруҳнинг ўртача билимларини, қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда қўллаш лозим. Бундай жараёнда талабаларнинг қобилияти ривожланади, фанга бўлган қизиқиши ортади, баҳслашиш маданияти шаклланади, хотираларининг ривожланишига имконият яратилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бабанский, Ю.К. Проблемы повышения эффективности педагогических исследований. Дидактический аспект/ Ю.К. Бабанский. – М.: Педагогика,1982. – 192 с.

2. Минин М.Г., Беломестнова Э.Н., Бенсон Г.Ф., Паканова В.С. Педагогическая подготовка преподавателя инженерного вуза // Высшее образование в России. – 2014. – № 4. – С. 20-27.

3. Полат Е.С., Бухаркина М.Ю. Современные педагогические и информационные технологии в системе образования: учеб. пособие для студентов высш. учеб. заведений М.: Издательский центр «Академия», 2007. 386 с.

BOSHLANG'ICH SINF O'QUVCHILARINI BARKAMOL INSON QILIB TARBIYALASHDA XALQ MILLIY O'YINLARI ORQALI MUSTAQIL FIKRLASHGA O'RGATISHNING PEDAGOGIK-PSIXOLOGIK ASOSLARI

NamMTI Jismoniy tarbiya va sport kafedrasi katta o'qituvchisi Qo'chqorov Ulug'bek Lochinbekovich

Annotatsiya:*Ushbu maqolada boshlangich sinf o'quvchilarini xalq milliy o'yinlari orqali mustaqil fikrlashga o'rgatishning pedogogik va psixologik asoslari ko'rsatib o'tilgan.*

Kalit so'zlar: *Xalq o'yinlari, syujetli o'yinlar, rolli o'yinlar,psixik faoliyat,o'yin faoliyati, pedagogic vosita L. Qo'chqorov*

PSYCHOLOGICAL AND PEDAGOGICAL BASES OF TEACHING FOR ELEMENTARY SCHOOL PUPILS TO THINK INDEPENDENTLY THROUGH FOLK GAMES

Lecturer of the Namangan Engineering and Technology Institute
Kuchkarov Ulugbek Lochinbekovich

Annotation*: This article outlines the pedagogical and psychological foundations of teaching elementary school pupils to think independently through folk games.*

Key words: *Folk games, plot games, role-playing games, mental activity, game activity, pedagogical tool*

В ДАННОЙ СТАТЬЕ РАСМОТРЕНЫ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ И ПСИХОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ РАЗВИТИЯ САМОСТОЯТЕЛЬНОГО МЫШЛЕНИЯ У УЧЕНИКОВ ПРИ ПОМОЩИ НАЦИОНАЛЬНЫХ НАРОДНЫХ ИГР.

Старший предподавател кафедры физическое воспитания и спорта Нам ТИ
Кучкаров Улугбек Лочинбеович

Аннотация: *Педагогические и психологические основы развития самостоятельного мышления у учеников начальных классов при помощи национальных народных игр.*

Ключевые слова*: народные игры,сюжетные игры, психическое состояние,игровая диятельност,педогогические инструменты.*

O'quvchilarini har tomonlama rivojlanishida o'yin asosiy faoliyat bo'lib hisoblanadi. O'yin — doimo hayotni aks ettiradi. Bola yoshligida qanchalik ko'p o'ynasa, u maktabda yaxshi o'qishga va keyinchalik mehnat faoliyatiga ijobiy ta'sir ko'rsatadi. O'yin — bu bola faoliyatining yorqin turi, o'yin jarayonida bolaning psixik bilish jarayoni, irodasi, hissiyoti, ehtiyoji va qiziqishlari, ta'sirchanligi – uning butun shaxsiyati shakllanadi. Bola o'yinda amaliyot ehtiyojlarga qaram bo'lmaydi. Bunda bolaning bevosita ehtiyoji va qiziqishlaridan kelib chiqadi. O'yin-hayotning ajoyib in'ikosi bo'lib, befoydadek ko'rinsa-da, zaruriy faoliyatdir.

O'yin faqat tashqi muhitdagi narsa va hodisalarni bilish vositasi bo'libgina qolmay balki, qudratli tarbiya vositasi hamdir. Mustaqil va syujetli o'yinlarda Boshlang'ich

yoshdagi o'quvchilarini barcha psixologik xususiyatlari shakllanadi. Mana shu nuqtai nazardan o'yin bog'chadagi ta'lim-tarbiya ishlarini yo'lga qo'yishda markaziy o'rinda turadi.

O'yin jarayonida boshlang'ich yoshdagi bolaning barcha psixik jarayonlari tarkib topishida imkon bo'ladi. Chunki o'yin faoliyati o'quvchilarini diqqat va xotirasi, nutqi, xayoli, hissiyoti, mehnatga oid malakalari va qobiliyatlari namoyon bo'ladi.

O'quvchilar o'yin faoliyatlarining mohiyati rus psixologlaridan L.S. Vigotskiy, S.K.Rubinshteyn, A.N.Leontev, E.A.Arkin, D.B. Elkonin va boshqalarning asarlarida ilmiy asosda yoritib berilgan. K.Gross, F.Shiller, G.Spenser, K.Byuler, Z.Freyd, J.Piaje va boshqa chet ellik tadqiqotchi va faylasuflar bir nazariyani ikkinchisi bilan to'ldirganlar. Rus psixologlari o'z asarlarida burjua psixologlarining o'yin nazariyalarini qattik tanqid ostiga olishlari bilan birga o'quvchilari o'yin faoliyatlarining mohiyatini materialistik asosda ilmiy nuqtai nazardan tushuntirib berganlar.

K.Grossning nazariyasi alohida e'tiborga loyiq. U o'yin mazmunini kelajak jiddiy faoliyatga tayyorgarlikka xizmat qiladi deb qaraydi; inson o'yinda mashq qilib, qobiliyatini rivojlantiradi. Bu nazariyaning alohida ommalashuviga sabab bo'lgan asosiy ustunligi shundaki, o'yin rivojlanish bilan uyg'unlikda va rivojlanishda bajargan vazifasiga ko'ra mazmun kasb etadi. Asosiy kamchilik- bu nazariya faqat o'yin "mazmun" iga qaratilganligida bo'lib, u o'yinning manbai, uni keltirib chiqargan sababi, o'yinga undovchi motivlarni ochib bermaydi. O'yinni uning yakuniy maqsadga yo'naltiruvchi natijasi nuqtai nazaridan tushuntirish Gross tomonidan teologik tasnifga ega,teologiya sababni inkor etadi. Gross o'yin manbaini ko'rsatishda insonlar va hayvonlardagi o'yinni biologik faktorlar va instinkt bilan bog'laydi. O'yinning rivojlanishdagi ahamiyatini yoritishda Grossning nazariyasi mazmunan tarixiylikka ziddir. Spensr F. SHillerni fikrini rivojlantirib, o'yinning manbai kuchning oshib ketishida, ya'ni hayotda, mehnatda sarflanmagan kuchlar o'yin jarayonida sarflanadi degan nazariyani ilgari suradi. Lekin sarflanmagan kuch miqdori o'ynalishni, ya'ni nega u boshqa faoliyatga emas, balki faqat o'yin faoliyatiga sarflanganini tushuntirib bera olmaydi; shu bilan birga charchagan inson ham dam olish sifatida o'yin bilan shug'ullanishi mumkin. Rubinshteynning fikricha, o'yinga yig'ilib qolgan kuchlarning sarflanishi yoki ishlatilinishi sifatida yondoshuv yuzakidir, chunki o'yinning mazmunidan ayri holda uning dinamik aspekti nazarda tutilmoqda.

O'yin motivlarini ochib berishga intilib K. Byuler funksional qoniqish (ya'ni, harakatning natijasidan qat'iy nazar, uning o'zidan qoniqish) nazariyasini o'yinning asosiy motivi sifatida ilgari suradi. Qoniqishga asoslangan o'yin nazariyasi faoliyat sifatida, faoliyatning gedonistik nazariyasi sifatida namoyon bo'ladi, inson faoliyatini lazzatlanish va qoniqish tuyg'usi boshqaradi. Shiller-spenserning dinamik nazariyasi ham, harakatning o'z ichiga motivlashni olgan, ma'lum emotsional bo'yoqlarga ega bo'lgan real mazmunini e'tibordan chetda qoldiradi. O'yin uchun muhim faktorni aniqlab, bu nazariya o'yindagi faqatgina organizmni tiklash imkoniyatini ochib beradi. Nihoyat, o'yinning Freyd talqinidagi nazariyasi o'yinning hayot davomida qo'llanila olmagan istaklarni amalga oshirilishini, chunki o'yinda hayotda qo'llash imkoniyatiga ega bo'lmagan holatlar o'ynaladi va boshdan o'tkaziladi. Alderovskiy o'yinda sub'ektning to'liq boshqara olmagan hayotidan qochish jarayonidagi kamchiliklari namoyon bo'ladi

deb tushuntiradi. O'yinning ahamiyatini uning mashg'ullik va rekreativ imkoniyatlariga qarab baholash va xulosalash mumkin emas.Uning fenomeni shundan iboratki, mashg'ullik, dam olishdan u ta'limga, ijodkorlikka, davolashga, insoniy munosabatlar va ko'rinishlar tipi darajasiga ko'tarilishi mumkin. O'yin qadimda katta avlod vakillari tajribasini yoshlarga o'rgatuvchi ta'limiy metod sifatida qo'llangan.

Eng sodda psixik jarayondan eng murakkab psixik jarayongacha hammasining eng muhim jihatlarini shakllantirishda o'yinlar katta rol o'ynaydi. Bog'cha yosh davrida harakatning o'sishida o'yinning ta'siri haqida gap borganda, avvalo shuni aytish kerakki, birinchidan, o'yinni tashkil qilishning o'zidayoq mazkur yoshdagi bolaning harakatini o'stirish va takomillashtirish uchun eng qulay shart-sharoit yaratiladi. Ikkinchidan, o'yinning bola harakatiga ta'sir etishini sababi va xususiyati shuki, harakatning murakkab ko'nikmalarini sub'yekt aynan o'yin paytida emas, balki bevosita mashg'ulot orqali o'zlashtiradi. Uchinchidan, o'yinning keyinchalik takomillashuvi barcha jarayonlar uchun eng qulay shart-sharoitlarni vujudga keltiradi. Shu boisdan o'yin faoliyati xatti-harakatni amalga oshirish vositasidan bolaning faolligini ta'minlovchi mustaqil maqsadga aylanadi.

O'quvchilar laboratoriya sharoitiga nisbatan o'yinlarda ko'proq so'zlarni eslab qolish va esga tushirish imkoniyatiga ega bo'ladilar, bu esa ixtiyoriy xotira xususiyatini chuqurroq ochishga yordam beradi, tajribada yig'ilgan ma'lumotlarni tahlil qilish quyidagicha xulosa chiqarish imkonini beradi:

a) o'yinda bola tomonidan ma'lum rol tanlash va uni ijro etish jarayoni bir talay axborotlarni eslab qolishni talab qiladi;

b) shu boisdan personajning nutq boyligini egallash, xatti-harakatini takrorlashdan iborat ongli maqsad bolada oldinroq paydo bo'ladi va oson amalga oshadi.

Psixolog J.Piaje o'yinda jismlarga yangi nom berish omiliga jiddiy e'tibor bilan qarab, bu ish ramziy ma'noli tafakkur shakllanishining tayanchi, degan xulosaga keladi. Lekin bu xulosa vaziyatni aks ettirishning birdan-bir to'gri yo'li ekanligini bildirmaydi. Shuning uchun narsaning nomini o'zgartirish bilan bolada tafakkur va aql-zakovat o'sishini kutish ham mantiqqa mutlaqo ziddir, aslida narsalarni qayta nomlash emas, balki o'yin harakatlarining xususiyatini o'zgartirish bolaning aqliy o'sishiga sezilarli ta'sir o'tkaza oladi.

Darhaqiqat, o'yin faoliyatida o'quvchilarida harakatning yangi ko'rinishi, ya'ni uning fikriy, aqliy jihati namoyon bo'ladi va shuning uchun o'yin harakatlarini shakllantirish jarayonida bolada fikrlash faoliyatining dastlabki ko'rinishi vujudga keladi. Bolaning aqliy kamol topishida yoki uning umumiy kamolotida o'yinning muhim ahamiyat kasb etishi xuddi mana shu dalil orqali o'z ifodasini topadi.

Tadqiqotchi A.V.Yarmolenko yarim yoshlik go'daklarda jozibali narsalarning o'zaro qiyosiy tasnifini tadqiq qilgan. Muallif olgan ma'lumotlarga qaraganda go'dak behisob jismlar orasida insonni (katta yoshli odamlarni) tobora aniqroq, ravshanroq ajrata boshlagan. Shu bilan birga harakatsiz ko'ruv qo'zg'atuvchisiga diqqatni to'plash 26 sekundddan 37 sekundgacha harakat qilmayotgan odamga bolaning tikilishi, 34 sekunddan 38 sekundgacha, harakatdagi ko'ruv qo'zg'atuvchisiga qarashi 41 sekunddan 78 sekundgacha, harakatdagi insonga e'tibor berishi 49 sekunddan 88 sekundgacha ortgan.

Tajribada go‘dakning harakatlanayotgan odamga diqqatini to‘plab turishi 4 marotaba ortgani aniqlangan.

Go‘dak jonsiz narsalarga qaraganda odamga diqqatini barqaror qaratishi uning kattalarga munosabati o‘zgarganidan emas, balki ular bilan aloqaga kirishganda sust retseptor o‘rnini faolrog‘i egallaganidandir. Go‘dakda fazoviy tassavvurning boyishida jumlalarning idrok qilishidagi farqlashning takomillashuvi muhim vosita hisoblanadi. Hayot tajribasi ortib borishi mashqlar natijasida jismlarning alomatlari va belgilarni o‘quvi paydo bo‘ladi.

Olimaning fikricha 3- oydan 6 oylikkacha bolada katta yoshdagi odamlar bilan tanlab munosabatda bo‘lishi vujudga keladi. Uch oylik go‘dak begonalar orasidagi tuqqan onasini ajrata olsa, yarim yoshdan boshlab esa begonalar ichidagi qarindoshlarini ham farqlay boshlaydi. M.Yu. Kistayakovskaya ma’lumotiga ko‘ra, 5-6 oylikda u muomala qilayotgan notanish shaxsga bir oz tikiladi, keyin yo kulimsiraydi yoki undan yo‘zini o‘giradi, xatto, qo‘rqib yig‘lab yuboradi. Bolada o‘zini parvarish qilayotgan yaqin kishilariga bog‘lanib qolishi sodir bo‘ladi. Ana shu sababli onasini yoki enagasini ko‘rsa qiyqirib qarshilaydi, unga talpinadi, qo‘l-oyog‘ini ixtiyorsiz tipirchilatadi. U yarim yoshga to‘lganda atrofdagi yaqin kishilari, qarindosh-urug‘lariga, hatto qo‘ni -qo‘shnilarga ham bog‘lanib (o‘rganib) ko‘nikib qoladi. Taxminan 8-9 oyligidan kattalar bilan dastlabki o‘yin faoliyatini boshlaydi.

Bolaning umumpsixolog taraqqiyoti faqat o‘yin jarayonidagi (A.Leontev) amalga oshishini inobatga olib ularning o‘yinlarining mazmunan boyitishiga katta e’tibor qaratish lozim.

Bog‘cha yoshidagi o’quvchilarining **syujetli va rollarga** bo‘linib, o‘ynaladigan o‘yinlari deyarli hamma vaqt jamoa holda amalga oshiriladi. Syujetli va rollarga bo‘linib o‘ynaladigan o‘yinlar o’quvchilarining ko‘pgina psixik jarayonlari va shaxsiy psixologik sifatlarini rivojlantirishga yordam beradi. O‘yin sharoitining o‘ziyoq o’quvchilari diqqatini atrofdagi narsa va hodisalarga faol yo’naltirishini talab qiladi. Bu esa, o‘yin faoliyati davomida o’quvchilarini nihoyatda faollashtiradi, ya’ni ular kuzatuvchan, tez esda olib qoladigan, har bir narsani atroflicha va chuqur tahlil qiladigan bo‘ladilar.

Boshlang’ch sinf o’quvchilarining atrofidagi narsalarni bilish faoliyatining fakat bevosita harakat qilish shaklida bo’ladi. Boshlang’ch sinf o’quvchilarini xaddan tashqari faol ekanliklarining sababi ham ana shundandir.

Boshlang’ch sinf o’quvchilar atrofidagi narsalar bilan bevosita amaliy munosabatda bo’lishga intiladi. Bu o’rinda shu narsa xarakterliki, bola bilishga tashnaligidan atrofdagi o’zining xaddi sigadigan narsalar bilangina emas, balki kattalar uchun mansub bo’lgan o’zining kuchi ham yetmaydigan narsalar bilan ham amaliy munosabatda bo’lishga intiladi. Buni natijasida o’quvchilarida xaddan tashqari tez ortib borayotgan turli ehtiyojlari bilan ularning tor imkoniyatlari o’rtasida keskin qarama-qarshilik yuzaga keladi

Eng sodda psixik jarayondan eng murakkab psixik jarayongacha hammasining eng muhim jihatlarini shakllantirishda o’yinlar katta rol o’ynaydi. Bog’cha yosh davrida harakatining o’sishida o’yinning ta’siri haqida gap borganda, avvalo shuni aytish kerakki, birinchidan, o’yinni tashkil qilishning o’zidayoq mazkur yoshdagi bolaning harakatini o’stirish va takomillashtirish uchun eng qulay shart-sharoit yaratadi. Ikkinchidan,

o'yinning bola harakatiga ta'sir etishini sababi va xususiyati shuki, harakatning murakkab ko'nikmalarini sub'yekt aynan o'yin paytida emas, balki bevosita mashg'ulot orqali o'zlashtiradi. Uchinchidan, o'yinning keyinchalik takomillashuvi barcha jarayonlar uchun eng qulay shart-sharoitlarni vujudga keltiradi. Shu boisdan o'yin faoliyati xatti-harakatni amalga oshirish vositasidan bolaning faolligini ta'minlovchi mustaqil maqsadga aylanadi.

O'yin faoliyatini takomillashtiradigan sharoitlarni tadqiq qilgan N.M.Aksarinaning ta'kidlashicha, o'yin o'zidan-o'zi vujudga kelmaydi, buning uchun kamida uchta sharoit mavjud bo'lishi kerak; a) bolaning ongida uni qurshab to'rgan voqelik to'g'risidagi xilma-xil taasurotlar tarkib topishi; b) har xil ko'rinishdagi o'yinchoqlar va tarbiyaviy ta'sir vositalarining muxayyoligi; v) bolaning kattalar bilan tez-tez muomala va muloqotga kirishuvi. Bunda kattalarning bolaga bevosita ta'sir ko'rsatish uslubi hal qiluvchi rolь o'ynaydi.

Shunday qilib, psixolog adabiyotlar tahliliga tayanib Boshlang'ich yoshdagi o'quvchilarining o'ziga xos xususiyatlari qatoriga quyidagilarni kiritish mumkin:

1) bola odamlarning faoliyati, ularning predmetlarga munosabati va o'zaro muomalasiga qiziqadi;

2) o'quvchilari rolli o'yinda atrofdagi voqelikning eng tashqi ifodali, jo'shqin xis-tuyg'uli jihatlarini aks ettiradilar;

3) rolli o'yinda bola kattalar bilan bir xil sharoitda, yagona zaminda yashayotganini his etgan holda o'z istagini amaliyotga tadbiq qiladi;

4) kattalar hayoti va faoliyatiga kirish bolaning tasavvuri timsollari tariqasida namoyon bo'lsa ham, umuman uning chinakam shaxsiy hayotida o'chmas iz qoldiradi.

Yuqoridagi mulohazalar asosida aytish mumkinki, katta kishilar hayoti va faoliyatining o'rnini bosuvchi ashyolar ularning harakatini umumlashgan holda ifodalashning moddiy tayanchi hisoblanadi. Shunday ekan, o'yin faoliyatida bola harakatining rivojlanishi o'yin mazmuniga ko'proq bog'liqdir. Chunki bolaning xatti-harkati qanchalik ihcham va umumlashgan bo'lsa, u kattalarning faoliyati mazmunini aks ettirishdan shunchalik yiroqlashadi. Binobarin, u odamlarning narsalarga va bir-biriga munosabatini amalda bajarishga o'tadi va shuning uchun narsalar bilan harakat qilishda kattalarning ijtimoiy munosabatlarini to'g'ri ifodalashga intiladi.

Har qanday o'yinning va o'yin faoliyatining markazida bola katta kishilarning faoliyati va o'zaro munosabatini, muomalasini o'ziga xos tarzda aks ettirishi, takrorlashi imkoniyati turadi. Shunga ko'ra o'yin ijtimoiy ahamiyat kasb etib, bola insoniyat tomonidan asrlar davomida yarailgan qimmatli bilimlar, amaliy ko'nikmalar, malakalar va odatlarni o'rganishga imkon yaratadi, oqibatda uni shaxslararo muloqotning mohiyatiga olib kiradi.

Katta yoshdagi o'quvchilarida o'yin faoliyati mutlaqo boshqacha o'tadi, chunonchi bir harakat ikkinchi harakat bilan uzluksiz bog'lanib ketadi, ba'zi bir harakatlar esa so'z yordamida qisqartiriladi ("keling, xush ko'rdik" harakat bilan emas, balki so'z orqali ifodalanadi) va umumlashtiriladi. Rolli o'yin o'quvchilarining hamkorlikdagi faoliyati mahsuli tariqasida vujudga keladi. Bu yoshda rolь tanlashda ishtrokchilar o'rtasidagi nizolar, tortishuvlarkamayadi, rolga o'zini loyiq deb bilish o'zidagi mavjud buyumlardan kelib chiqmaydi (masalan, qalam-o'qituvchi, qaychi-tikuvchi rolini olish uchun asos bo'la

olmaydi), balki o‘yinning mazmunidan, hamkorlikdagi faoliyat nuqtai nazaridan kelib chiqadi. Natijada ular kichik Boshlang’ich yoshdagilarga o‘xshab rolni almashtirish, bir buyumdan boshqaiga bir obrozdan ikkinchisiga o‘tishdek beqaror harakatlar qilmaydilar.

Yuqoridagi mulohazalar asosida aytish mumkinki, katta kishilar hayoti va faoliyatining o‘rnini bosuvchi ashyolar ularning harakatini umumlashgan holda ifodalashning moddiy tayanchi hisoblanadi. Shunday ekan, o‘yin faoliyatida bola harakatining rivojlanishi o‘yin mazmuniga ko‘proq bog‘liqdir.

Boshlang’ch sinf o’quvchilarining o‘yinlari ichida harakatli yoki qoidali o‘yinlar ham muhimdir. Chunki harakatli o‘yinlar o’quvchilarini jismoniy jihatdan chiniqtiradi, dadil, qo’rqmas, epchil bo’lishga undaydi.

Harakatli o‘yinlar asosan sayr va jismoniy tarbiya mashg’ulotlarida o’tkaziladi. O‘yin faoliyati o’quvchilarini individual ravishda o’rganish imkonini beradi.

Mustaqil va syujetli o‘yinlarda o’quvchilarining barcha psixik jarayonlari bilan birgalikda individual (shaxsiy) xislatlari ham shakllanadi. Mana shu nuqtai nazardan o‘yin boshlang’ch ta’lim – tarbiya ishlari orasida eng asosiy, markaziy o‘rinda turadi. Demak,boshlang’ch ta’lim – tarbiya ishlarini muvaffaqiyati ko‘p jihatdan o’quvchilarining o‘yin faoliyatlarini maqsadga muvofiq tashkil qila bilishga bog‘liqdir.

Foydalanilgan adabiyotlar

1. Arslonova M.A. Ta`lim jarayonida harakatli o`yinlardan foydalanish. Ped.fan.nom. diss....Avtoref. –Toshkent: 2009. -22 b
2. Ismoilov T., Mahkamjanov K. Boshlang’ich sinf o`quvchilarining harakat faolligini oshirishda noan`anaviy mashg’ulotlarning o`rni. //Pedagogik ta`lim. –Toshkent: 2004. -№ 6. -B. 93-94.
3. Ismoilov T., Ismoilova M., Ismoilova N. Boshlang’ich sinf o`quvchilarini jismoniy tarbiya holati va uni yaxshilash yo`llari. //O`zbekiston yoshlari o`rtasida jismoniy tarbiya va sportni yanada rivojlantirish muammolari. Oliy ta`lim muassasalari ilmiy-nazariy anjumani materiallari. –Toshkent: 2008. - B.93-94.

TRENIROVKANI TASHKIL QILISH TIZIMINI MODELLASHTIRISH

Sotvoldiev Qodirjon Raximjonvich NamMTI Jismoniy tarbiya katta o’qituvchisi

***Annotatsiya**: Ushbu maqolada sportchining yillik tayyorgarlik siklida trenirovkani tashkil qilishda qo’llaniladigan usullar tahlil qilingan. Yillik tayyorgarlik sikli va unda trenirovkani tashkil etish bo’yicha yangi modellar tadqiq etilgan.*

***Kalit so’zlar**: musobaqa kalendari, davrlash, trenirovka modellari, sportchi holati dinamikasi, trenirovka yuklamasi.*

МОДЕЛИРОВАНИЕ СИСТЕМЫ ОРГАНИЗАЦИИ ТРЕНИРОВОК

Сотволдиев Кодиржон Рахимжонвич НамИИТ старший преподователь физкультуры

***Аннотация**: В данной статье анализируются методы, используемые для подготовки спортсменов в годовом тренировочном цикле спортсмена. Годовой цикл обучения и новые модели для обучения изучаются.*

Ключевые слова: *календарь соревнований, велоспорт, тренировочные модели, динамика состояния спортсмена, тренировочная нагрузка.*

MODELING A SYSTEM OF TRAINING ORGANIZATION

Sotvoldiev Kodirjon Rakhimjonvich NamIET Teacher of Physical Education

Abstract: *This article analyzes the methods used to prepare athletes in the athlete's annual training cycle. The annual learning cycle and new learning models are being studied.*

Keywords: *competition calendar, cycling, training models, dynamics of the athlete's condition, training load.*

Ma'lumki, zamonaviy sport tayyorgarligi mavjud nazariy va amaliy bilimlarni umumiylashtirish hamda tartibga tushurishni taqozo etadi. Bir qator olimlar (Yu.V.Verxoshanskiy, A.P.Bondarchuk, L.P.Matveev, V.V.Petrovskiy, I.N.Mironenko va boshq.) tomonidan yillik va ko'p yillik sikllarda trenirovkani tashkil etish modellari ishlab chiqilgan. Ular trenirovka yuklamalari mazmunini, hajmining muhim parametrlari va ular musobaqa kalendari, mazkur bosqichda hal etiladigan vazifalar, an'anaviy bo'lib qolgan tayyorgarlikni davrlash va boshqa bir qator omillardan kelib chiqqan holda trenirovka yuklamalari mzmuni, hajmi hamda vaqt ichida taqsimlashning eng muhim parametrlarini son jihatdan aks ettiradi.

Yillik sikldagi trenirovka modellarini ishlab chiqishga bo'lgan zarur shart-sharoitlar sifatida quyidagilar avval bajarilishi lozim:

- yetakchi sportchilar trenirovkasini tashkil etish va terma jamoalarni tayyorlashdagi amaliy tajribani o'rganish hamda umumlashtirish;
- sportchi holati dinamikasining trenirovka yuklamasi mazmuni, hajmi va taqsimlanishiga bog'liqligini tekshirish;
- tayyorgarlikning an'anaviy davrlanishi va musobaqalar kalendariga ko'ra sportchilarning yillik sikldagi maxsus ish qobiliyati darajasi dinamikasidagi oqilona yo'nalishni aniqlash.

Yillik siklni tuzishning printsipial (mantiqiy), so'ngra uning asosida esa individual (son) modelini ishlab chiqish zarur.

Maxsus adabiyotlar va trenirovkaning amaliy tajribasi tahlili mutaxassislarga shunday xulosaga kelishga imkon berdiki, ko'p yillar avval vujudga kelgan trenirovkani tashkil etishning an'anaviy shakllari va tamoyillari bugungi kunda yuqori malakali sportchilarni tayyorlash vazifalarini qoniqtirmaydi. Yuqori malakali sportchilar maxsus jismoniy sifatlarining rivojlanishi shunday darajaga yetdiki, ularni keyinchalik takomillashtirish uchun yangi, yanada samarali trenirovka vositalari hamda uslublarini izlab to'ishni talab qiladi. Bundan tashqari, maxsus jismoniy tayyorgarlikning yillik sikldagi o'rnini qayta ko'rib chiqish hamda uning boshqa tayyorgarlik turlari bilan o'zaro bog'liqlik shakllarini aniqlash lozim.

Hozirgi paytda shu narsa ma'lumki, trenirovkani tuzish modelini ishlab chiqishning zarur shartlaridan biri amaliy tajribani tahlil qilish hisoblanadi. Bunday tahlil jarayonida yuqori malakali sportchilarning yillik sikldagi trenirovkasini tashkil qilishning amaliyotda mavjud bo'lgan uslublarini o'rganish, shuningdek sportchilar qo'llaydigan

trenirovka (zarur hollarda musobaqa) yuklamalari hajmining aniq o'lchamlarini aniqlash nazarda tutiladi.

Professor Yu.V.Verxoshanskiy (1983) hammualliflar bilan trenirovka modelini tuzish tamoyillari va shakllarini aniqlab beradigan asosiy omillar sifatida sportchilar holati hamda trenirovka yuklamasining o'zaro bog'liqligining umumiy qonuniyatlari, shuningdek, muntazam trenirovka ta'siri ostida kurashchi organizmining bir holatdan boshqasiga o'tish qonuniyatini ajratadi. Har bir muayyan holda ushbu tamoyillarni amalga oshirish usullariga ta'sir ko'rsatuvchi xususiy sharoitlar qatoriga quyidagilar kiradi: yillik tayyorgarlik siklini an'anaviy davrlash hamda joriy yil uchun muayyan musobaqalar kalendari, sportchining mahorat darajasi va maxsus tayyorgarligining alohida xususiyatlari, oldingi tayyorgarlik bosqichlaridagi trenirovka xususiyati va yo'nalishi, sportchi oldiga qo'yiladigan vazifalar, musobaqa faoliyatining keskinligi va boshq. Biroq olimlar tomonidan tavsiya etilgan bunday bo'linish shartli ravishda ekanligini hisobga olish lozim.

1976 yilda D.A.Arosgpev tomonidan trenirovka yilini rejalashtirishning maxsus tayyorgarlikni shakllantirish tizimi deb ataluvchi noan'anaviy shakli taklif qilingan edi. Ushbu tizimda hamma tayyorgarlik vositalarini muvofiqlashgan holda rejalashtirish usullariga e'tibor qaratilgan, ya'ni trenerning sportchilar maxsus tayyorgarligini shakllantirish bo'yicha hamma harakatlari sikli ko'zda tutilgan. Mazkur sikl tayyorgarlik maqsadlarini aniqlash, mavjud vositalarni tartibga solish, ularni vaqt oralig'ida taqsimlash va h.k. ni o'z ichiga oladi.

Trenirovka yilini rejalashtirishning noan'anaviy variant tuzilmasi ham boshqacha. U almashinadigan to'plash va amalga oshirish bosqichlariga bo'lingan va ular o'zaro almashini turiladi.

Yilda asosiy musobaqalar qancha bo'lsa, bunday bosqichlar shuncha bo'ladi. Bu bosqichlar ichida shuningdek, ikkita turdagi mikrosikllar: asosiy va tartiblashtiruvchi mikrosikllar almashib turadi. Ularning bosqichdagi soni 3 dan 6 gacha atrofida o'zgarib turadi.


Noan'anaviy rejalashtirishning bunday shaklini takomillashtirish bo'yicha jadal olib borilgan ishlar sababli uning asosiy vazifalarini aniq ajratib ko'rsatish imkoni yuzaga keldi: sportchilarni yilning asosiy musobaqalariga tayyorlash maqsadlarini aniqlash, maqsadli mashg'ulot, mikrosikl, bosqich uchun maqsadli vazifalarni ishlab chiqish; trenirovka vazifalarini tartibga keltirish, ya'ni ularni sportchilar tayyorgarligining turli tomonlariga (jismoniy, texnik-taktik, ruhiy, safarbarlik tayyorgarligi) yo'naltirilgan ta'sirini hisobga olgan holda tasniflash; hamma vazifalar guruhini ularning musobaqa faoliyati xususiyatiga yaqinligi darajasini hisobga olgan holda bir qatorga tizish (ya'ni ularning miqyosini aniqlash); trenirovka vazifalarini vaqt oralig'ida taqsimlash (ya'ni trenirovkani rejalashtirish, matnli hamda chizmali rejalarni tuzish, bosqichlar, mikrotsikllarni belgilab chiqish va h.k.).

Trenirovka yilini rejalashtirish shu bilan tugallanadi. Keyin rejaga tuzatishlar kiritish va uni takomillashtirish, ko'zda tutilgan rejani amalga oshirish boshlanadi.

Hozirgi paytda sportchilar musobaqa oldi tayyorgarligini olib borishning ikkita usuli ajaratiladi: an'anaviy va noan'anaviy. Musobaqa oldi tayyorgarligining an'anaviy usuli (L.P.Matveev, 1964) haftama-hafta ixtisoslashtirilgan trenirovka yuklamalarining

asta-sekin o'sib borishi bilan rejalashtiriladi. Bevosita musobaqalar oldidan 1-2 kun dam olish beriladi. Bunda musobaqa boshlanishidan bir kun oldin bo'lajak bellashuvlar joyi, sport anjomlari va boshqa sharoitlar albatta sinab ko'riladi. Musobaqa oldi tayyorgarligining noan'anaviy usuli (D.A.Arosqev, 1969; G.S.Tumanyan, 1973 va boshq.) "tebrangich" tamoyiliga asoslanadi. Uning zaminida ikkita nazariy qoida yotadi: a) I.M.Sechenovning faol dam olish fenomenini amalga oshirish; b) sportchilarning umumiy va maxsus ish qobiliyatini maromga keltirish imkoniyati.

Ushbu tamoyilning amalga oshirilishi ikkita turdagi: asosiy (MTSa) va tartiblashtiruvchi (MTSt) mikrotsikllarni almashtirib turish hisobiga erishiladi. Bu ikkala mikrotsikllar trenirovka davomiyligi, maqsadi, vazifalari, vositalari, uslublari, yuklamalar dinamikasi mashg'ulotlarni tashkil qilish shakllari, kun tartibi, ovqatlanish va h.k. bo'yicha farq qiladi.



1-rasm."Tebrangich" tamoyili asosida tuzilgan musobaqa oldi tayyorgarligining taxminiy grafik rejasi.

"Tebrangich" tamoyiliga asoslanib tuzilgan musobaqa oldi tayyorgarligining chizmali rejasi, masalan, kurashchilar uchun (G.S.Tumanyan, 1983). Rejalashtirish uchun quyidagi dastlabki ma'lumotlar qo'llanilgan: o'quv-trenirovka yig'ini davomiyligi - 14 kun, oldindan turgan turnir davomiyligi - 3 kun.

Vertikaliga - musobaqa dasturi, rejasi va shartlariga nisbatan mashg'ulotlarning ixtisoslashganlik darajasi; gorizontaliga - musobaqa oldi tayyorgarlik va musobaqa kunlari.

Xulosa qilib aytish mumkinki, trenirovkani va uni davrlashning uslubiy tamoyillari (L.P.Matveev, 1964), sportchilar tayyorgarligining zamonaviy tizimi (N.G.Ozolin, 1970; L.S.Xomenkov, 1975; V.V.Kuznetsov, A.A.Novikov, 1977), trenirovka jarayonini boshqarishni (Yu.V.Verxoshanskiy, 1970) ishlab chiqish hamda keyinchalik takomillashtirish, inson sport ish qobiliyatining fiziologik mexanizmlari to'g'risidagi

tasavvurlarni chuqurlashtirish quyidagi muhim muammo - trenirovkani dasturlashni hal etish uchun obyektiv shart-sharoitlar yaratadi.

Yu.V. Verxoshanskiy (1985) ta'rificha, dasturlash - bu trenirovka jarayonini rejalashtirishning yangi va yanada takomillashtirilgan shakli bo'lib, u sportchi vaqti hamda energiyasini optimal sarflagan holda oldinga qo'yilgan vazifalarning hal etilishini ta'minlaydigan qandaydir o'ziga xos tamoyillarga muvofiq hamda u yoki bu bosqich doirasida vositalarni tanlash hamda ularning mazmunini tartiblashtirishni ko'zda tutadi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Yunusova Y.M. "Sport faoliyatining nazorat asoslari" Toshkent 1994
2. R.S.Salomov "Sport mashg`ulotining nazariy asoslari"Toshkent 2005
3. Nurshin J.M., Salomov R.S., Kerimov F.A. "Uzbekcha milliy sport kurashi" Toshkent 1993

MILLIY KURASH MASHG'ULOTLARINI TASHKILLASHTIRISH VA REJALASHTIRISHDA PEDAGOGIK NAZORATNING ROLI

Tadjiaxmedov Shermamat Mirzamatovich, NamMTI Jismoniy tarbiya kata o'qituvchisi,

***Annotatsiya**: Ushbu maqolada sport turlari bo'yicha sportchilarni jismoniy tayyorgarliklarini oshirishda qo'llaniladigan usullar tahlil qilingan. Kurash muqobaqalariga sportchilarni tayyorlash bo'yicha yangi uslublar tadqiq etilgan.*

***Kalit so'zlar**: kurash, pedagogik nazorat, umumiy jismoniy tayyorgarlik, trenirovka modellari.*

РОЛЬ ПЕДАГОГИЧЕСКОГО КОНТРОЛЯ В ОРГАНИЗАЦИИ И ПЛАНИРОВАНИИ УЧЕНИЙ НАЦИОНАЛЬНОГО КУРАША

Таджиахмедов Шермамат Мирзаматович, старший преподователь физкультуры НамИИТ

***Аннотация:** В данной статье анализируются методы, используемые для улучшения физической подготовки спортсменов в спорте. Изучаются новые методы подготовки спортсменов к соревнованиям.*

***Ключевые слова:** борьба, педагогический контроль, общая физическая культура, модели обучения.*

ROLE OF PEDAGOGICAL CONTROL IN THE ORGANIZATION AND PLANNING OF NATIONAL KURASH EXERCISES

Tajiakhmedov Shermamat Mirzamatovich, physical education teacher NamIET

***Abstract**: This article analyzes the methods used to improve the physical fitness of athletes in sports. New methods of preparing athletes for competitions are being studied.*

***Key words**: wrestling, pedagogical control, general physical culture, training models.*

O`zbek xalqining an'anaviy sport turlaridan biri bo`lmish kurash uch yarim ming yillik tarixga ega. Kurash o`zbekcha so`z bo`lib, u qator qadimiy sharq adabiy manbalarida yakkama-yakka olishuv va ijtimoiy ko`ngilochar sport turi sifatida tilga olingan. Bundan ming yil muqaddam paydo bo`lgan afsonaviy Alpomish eposida kurash olis o`tmishda O`zbekiston zaminida ommaviy tus olgan eng sevimli va nufuzli sport turi bo`lganligi qayd etiladi. Qadimda va o`rta asrlarda yashab ijod etgan qator faylasuf va tarixchilar o`z asarlarida kurashni alohida ehtirom ila tilga olganlar.

Sharqning buyuk mutafakkirlaridan biri bo`lmish Abu Ali Ibn Sino kurash bilan shug`ullanmoq jon va tan sog`ligini ta'minlashning eng yaxshi vositasidir, deya e'tirof etgan. Shunga qaramasdan hali-hanuz kurash aynan qachon va qayerda paydo bo`lganligi xususida aniq ma'lumotlar mavjud emas. O`z navbatida bunday mavhumlik qator olimlar tomonidan kurashni qadimiy sport turlaridan biri sifatida e'tirof etilishi uchun to`siq bo`la olmadi.

Kurash zamonaviy O`zbekiston hududida istiqomat qiluvchi aholining eng sevimli va ardoqli an'analaridan biriga aylandi. Shu ma'noda kurash o`zbeklarning qon-qoniga singib ketgan, deb aytish mubolag`a bo`lmaydi. Ushbu sport turiga bo`lgan muhabbat otalardan bolalarga meros sifatida o`tib keladi. Bugungi kunga kelib birgina O`zbekistonda kurash bilan muntazam shug`ullanuvchilarning soni ikki millionga yetgan. Ushbu sport ishqibozlari va havaskorlarning soni esa behisobdir.

Yangi qoidalar o`zbek kurashining eng ardoqli an'analari va maxsus kiyim bosh, musobaqalarni o`tkazish joyi va bellashuvning davom etish muddati kabi xalqaro sport me'yorlarini o`zida mujassam etdi. Sport mutaxassislari Komil Yusupov tomonidan ishlab chiqilgan kurash qoidalari to`laligicha xalqaro sport talablariga javob berishini e'tirof etdilar. Kurash qoidalarining asosiy afzalliklaridan biri shundaki, ular yotgan holda bellashuvni davom ettirilishiga yo`l qo`ymaydi. Sportchilardan birining tizzasi gilamga tegishi bilanoq hakam bellashuvni to`xtatadi va kurashchilar turgan holda musobaqani davom ettirishadi. Bu hol kurashni tez sur'atlarda olib borilishi va muxlislar uchun qiziqarli hamda maroqli bo`lishini ta'minlaydi. Bundan tashqari kurash qoidalari belbog`dan pastki qismni ushlovchi yoki og`riq qo`zg`atuvchi va bo`g`uvchi uslublarni ishlatishni ta'qiqlaydi. Shu tariqa kurash sportchilarga tan jarohat yetkazilishining oldi olingan eng xavfsiz sport turlaridan biriga aylandi.

Mamlakatimizda ta’lim tizimini takomillashtirish, Vatan ravnaqini ta’minlaydigan yosh avlodni tarbiyalab voyaga etkazish masalalariga jiddiy e’tibor berilmoqda. Bu borada «Ta’lim to’g’risida»gi qonun hamda «Kadrlar tayyorlash milliy dasuri»ni qabul qilinishi katta ahamiyatga ega.

Jismoniy tarbiya va sportga xalq orasida kundan-kunga qiziqish uyg’onib borilmoqda. Chunki odamlarning salomatligini rivojlantirish, jismoniy tarbiya va sportning rivojlanishining ajralmas qismidir. Insonni har tomonlama aqliy, axloqiy va jismoniy jihatdan rivojlanishida jismoniy tarbiya asosiy o’rinlardan birini egallaydi. Shuning uchun O’zbekiston Respublikasining «Jismoniy tarbiya va sport to’g’risida»gi qonunida inson salomatligini asrash va mustahkamlash, ularda jismoniy barkamollik ehtiyojini shakllantirish asosiy vazifalardan hisoblangan.

Milliy kurash bo’yicha sportchilar tayyorgarligining samaradorligini oshirish zaruriyati mashg’ulotlarini ilmiy asosda rejlashtirish hamda pedagogik nazorat qilishni

taqozo etadi. Aynan shu jihatdan mashg'ulot jarayoni tuzilmalarida va undagi to'g'ri pedagogik nazorat qilish – tayyorgarlikning turli bosqichlaridagi rejani takomillashtirish masalasini hal etish muhim ahamiyatga ega. Maxsus adabiyotlarning tahlilining (Tumanyan G.S., Godik M.A., Kerimov N.A., Kerimov F.A., Platonov V.N., Verxoshanskiy. Y.V., Novikov A.N.) tuzilmasi hamda tavsiflari, ularni mashg'ulot jarayoni tuzilmalarida taqsimlashning umumiy asoslarini belgilab berishga imkon yaratadi. Biroq bu uslublar har doim xam Milliy kurashchilarni tayyorlash talablariga to'liq javob beradi degan xulosa kelish noto'g'ri. Sport kurashida mashg'ulotlarda qo'llaniladigan har xil uslublarni pedagogik nazorat qilishning aniq uslubiyatlari yuqori darajaga yetkazilmagan. Bunday holatning asosiy sababi shundan iboratki, hozirgi paytgacha sport mahoratining rejalashtirilgan holda o'sishiga erishish uchun qo'llaniladigan vazifa va uslublarni me'yorlash hamda pedagogik nazorat qilish bo'yicha aniq son ko'rsatkichlari tavsiya etilmagan. Milliy kurashchilarni tayyorlash uchun mashg'ulotlarni takomillashtirishda va rejalashtirishda pedagogik nazorat qilish aniq yo'nalishdagi jamlangan uslublargina samarali hisoblanadi. (Yu.V.Verxoshinskiy., Nevretdinov SH.T., Ozolin N.G., Patonov V.N.). Yuqoridagi fikrlar bitiruv malakaviy ishining tanlangan mavzusi dolzarb ekanligini asoslab beradi.[1]

Milliy kurashda yo'nalishi ixtisoslashtirilgan, murakkabligi turlicha bo'lgan mashg'ulotlar mazmuni va dinamikasini hisobga olgan holda yuklamalarni taqsimlashdagi har bir vazifani aniq minutlargacha belgilab o'timal darajada takomillashgan reja uslubiyatini ishlab chiqish hamda o'z vaqtida pedagogik baholar bilan rag'batlantirish uslubiyatini qo'llash kurashichilarning umumiy tayyorgarligiga samarali ta'sir etadi. Bu milliy kurashchilarning ma'suliyatli musobaqalarga tayyorgarlik samaradorligini oshiradi.

Mamlakatimizda milliy kurashchilarning jismoniy chiniqishlari va trenirovka jarayonlarini to'g'ri tashkillashtirish bo'yicha sharoitlarini yaxshilashga ko'p ahamiyat berilmoqda. Ma'lumki, zamonaviy sport tayyorgarligi mavjud nazariy va amaliy bilimlarni umumiylashtirish hamda tartibga solishni taqozo etadi. Bir qator olimlar (Yu.V.Verxoshanskiy, A.P.Bondarchuk, L.P.Matveev, V.V.Petrovskiy, I.N.Mironenko va boshq.) tomonidan yillik va ko'pyillik sikllarda trenirovkani tashkil etish modellari ishlab chiqilgan. Ular trenirovka yuklamalari mazmunini, hajmining muhim parametrlari va ular musobaqa kalendari, mazkur bosqichda hal etiladigan vazifalar, an'anaviy bo'lib qolgan tayyorgarlikni davrlash va boshqa bir qator omillardan kelib chiqqan holda trenirovka yuklamalari mzmuni, hajmi hamda vaqt ichida taqsimlashning eng muhim 'arametrlarini son jihatdan aks ettiradi.

Yillik sikldagi trenirovka modellarini ishlab chiqishga bo'lgan zarur shart-sharoitlar sifatida quyidagilar avval bajarilishi lozim:

- yetakchi sportchilar trenirovkasini tashkil etish va terma jamoalarni tayyorlashdagi amaliy tajribani o'rganish hamda umumlashtirish;

- sportchi holati dinamikasining trenirovka yuklamasi mazmuni, hajmi va taqsimlanishiga bog'liqligini tekshirish;


- tayyorgarlikning an'anaviy davrlanishi va musobaqalar kalendariga ko'ra sportchilarning yillik sikldagi maxsus ish qobiliyati darajasi dinamikasidagi oqilona yo'nalishni aniqlash.

Yillik siklni tuzishning printsipial (mantiqiy), so'ngra uning asosida esa individual (son) modelini ishlab chiqish zarur.

Maxsus adabiyotlar va trenirovkaning amaliy tajribasi tahlili mutaxassislarga shunday xulosaga kelishga imkon berdiki, ko'p yillar avval vujudga kelgan trenirovkani tashkil etishning an'anaviy shakllari va tamoyillari bugungi kunda yuqori malakali sportchilarni tayyorlash vazifalarini qoniqtirmaydi. Yuqori malakali sportchilar maxsus jismoniy sifatlarining rivojlanishi shunday darajaga yetdiki, ularni keyinchalik takomillashtirish uchun yangi, yanada samarali trenirovka vositalari hamda uslublarini izlab to'ishni talab qiladi. Bundan tashqari, maxsus jismoniy tayyorgarlikning yillik sikldagi o'rnini qayta ko'rib chiqish hamda uning boshqa tayyorgarlik turlari bilan o'zaro bog'liqlik shakllarini aniqlash lozim.

Hozirgi paytda shu narsa ma'lumki, trenirovkani tuzish modelini ishlab chiqishning zarur shartlaridan biri amaliy tajribani tahlil qilish hisoblanadi. Bunday tahlil jarayonida yuqori malakali sportchilarning yillik sikldagi trenirovkasini tashkil qilishning amaliyotda mavjud bo'lgan uslublarini o'rganish, shuningdek sportchilar qo'llaydigan trenirovka (zarur hollarda musobaqa) yuklamalari hajmining aniq o'lchamlarini aniqlash nazarda tutiladi.


Ma'lumki, trenirovka jarayonini tashkil qilishning an'anaviy shaklida maxsus jismoniy va texnik tayyorgarlik deyarli bir vaqtda olib boriladi. Aytish joizki, trenirovkani bunday shaklda tashkil etishda yuklamaning umumiy hajmi o'sib borishi bilan uning shiddati ham ortadi. Keyin hajmi 'asayadi, shiddati esa oshib borishda davom etadi.



1-rasm. Trenirovkani tuzishning an'anaviy shakli
(Yu.V.Verxoshanskiy bo'yicha)

Bir qator tadqiqotchilar (Yu.V.Verxoshanskiy, 1979; A.R.Levchenko, 1982; T.A.Antonova. 1983; I.N.Mironenko, 1983 va boshq.) tomonidan taklif qilinadigan katta bosqichda trenirovkani tuzish varianti ishni tashkil qilishning butunlay yangi shakli hisoblanadi va ikkita mikro bosqichlarning bo'linishidan hosil bo'ladi: birinchisida katta hajmdagi maxsus kuch yuklamasi jamlanadi, ikkinchisida qoldirilgan trenirovka samarasi (QTS) amalga oshiriladi, natijada texnik mahoratning chuqurlashgan takomillashuvi sodir bo'ladi. Bunda an'anaviy shakldan farqli ravishda, birinchi bosqich yuklamasi nisbatan past shiddatga (i) ega bo'ladi, so'ngra u asosan texnik tayyorgarlik vositalari hisobiga tez

oshadi. Maxsus ish qobiliyati darajasi (J) birinchi mikrobosqichda pasayadi, keyin tez oshadi.



2-rasm. Katta bosqichda trenirovkani tuzish shakli (Yu.V.Verxoshanskiy bo'yicha).

Biroq bu sportchilarninng maxsus jismoniy sifatlarini oshirish darajasi ustida alohida ish olib boriladi, degani emas. Texnik tayyorgarlik butun bosqich davomida trenirovkalarda olib boriladi. Lekin jamlangan kuch yuklamasi "bloki" doirasida uning hajmi katta emas. Bu vaqtda texnikaning asosiy elementlari, sport mashqining alohida fazalari hamda butun harakat sxemasining ritmik tasviri takomillashtirishadi.

Jamlangan kuch ishining qoldirilgan trenirovka samarasini (QTS) amalga oshirishda (ikkinchi mikro bosqichida) texnik ish hajmi va shiddati asta-sekin oshib boradi. Musobaqa sharoitlariga yaqin yoki teng bo'lgan rejimda asosiy mashqning bajarilish ulushi ortadi.

Trenirovkani tuzishning ko'rib chiqilayotgan shakli umumiy jismoniy tayyorgarlik (UJT) vositalarini keng qo'llashni va ularni maxsus ish bilan ma'lum darajada uyg'unlashtirishni nazarda tutadi. UJT ning asosiy vazifasi maxsus ishdan keskin farq qiladigan va sportchining ish qobiliyati hamda uning motor a''aratini tiklashga yordam beradigan 'ast shiddatli faoliyatga o'tish samarasini qo'llashdan iborat.

Yillik siklga ikkita katta bosqichlarni kiritish maqsadga muvofiqligi asoslab berilgan. Bunda bu sikl bitta yoki ikkita musobaqa mavsumini o'z ichiga olishi mumkin. Jamlangan kuch yuklamasining ikkinchi "bloki" birinchisiga nisbatan hajmiga ko'ra kichik bo'lishi lozim.

Prinspial model asosida trenirovkaning muayyan son modeli tuziladi. U quyidagilarni hisobga oladi:

- mazkur sport turida trenirovkani tuzish tajribasi va avvalgi bosqichda sportchilarning tayyorgarlik xususiyatlari;
- aniq musobaqalar kalendari;
- sportchilar maxsus tayyorgarligi va alohida to'shiriqlarning kundalik darajasi;
- oldinga qo'yilgan vazifalarni amalga oshirish uchun trenirovka va musobaqa yuklamalari hajmlarining xolisona zarur qiymatlari;
- sportchilar tayyorgarligining muayyan sharoitlari va moddiy ta'minoti.

Xulosa qilib shuni ta'kidlash mumkinki, milliy kurashchilarning tayyorlashda samarali pedagogik nazorat uslubiyatini o'rganishga qaratilgan yo'llarini aniqlash maqsadida malakali kurashchilarning o'quv-trenirovka jarayoni o'rganildi. O'rganish jarayonida tadqiqot va nazorat guruh milliy kurashchilari tanlab olindi. Milliy kurashchilarni tayyorlashda samarali pedagogik nazorat uslubiyatidan foydalanish birinchi bor nazariy hamda tajriba yo'li bilan asoslab berildi. Buning uchun quyidagilar aniqlandi:

- Malakali milliy kurashchilarning o'quv-mashg'ulot jarayonini tashkillashtirish va rejalashtirishda samarali pedagogik nazorat uslubiyatini rivojlantirishda samaradorligini ilmiy jixatdan keng va chuqur o'rganish qaratilgan.
- Milliy kurashchilarining o'quv-mashg'ulot jarayonini tashkillashtirish va rejalashtirishda samarali pedagogik nazorat uslubiyati orqali malakali milliy kurashchilarning texnikasini rivojlantirish usullari tajriba yo'li bilan ishlab chiqildi va sinab ko'rildi.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. I A Karimov. "Barkamol avlod orzusi", "Sharq" nashriyoti. Toshkent. 1999- yil.
2. Kerimov F.A. "Sport kurashi nazariyasi va usuliyati" Toshkent 2007
3. Kerimov F.A., A.K. Nurullayev "Volnaya borba"Toshkent 2007
4. Yunusova Y.M. "Sport faoliyatining nazorat asoslari" Toshkent 1994
5. R.S. Salomov "Sport mashg`ulotining nazariy asoslari" Toshkent 2005

БЎЛАЖАК ИНГЛИЗ ТИЛИ ЎҚИТУВЧИЛАРИНИНГ СОЦИОЛИНГУИСТИК КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА МАСОФАВИЙ ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШНИНГ АҲАМИЯТИ

Дилафруз Саримсакова – *стажёр-тадқиқодчиси*
Наманган давлат университети

Аннотация: *с Мазкур мақолада мустақил таълимнинг инновацион шаклларидан бири бўлган-масофавий таълим, унинг ўзига ҳос афзалликлари, мустақил таълим жараёнида талабаларнинг мустақил равишда билим, кўникма ва малакалари, мустақил фаолият кўрсатиш қобилияти ривожланиши ва уларда ижодий ишлашга қизиқиш пайдо бўлиши, шунингдек, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингуистик компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим шаклларидан фойдаланишнинг самарали усуллари ёритилади.*

Калит сўзлар ва иборалар*: мустақил таълим, электрон таълим, ахборот коммуникация технологиялари, масофавий таълим,*

THE IMPORTANCE OF THE USE OF DISTANCE EDUCATION IN THE DEVELOPMENT OF SOCIOLINGUISTIC COMPETENCE OF FUTURE ENGLISH TEACHERS

This article discusses one of the innovative forms of independent learning - distance learning, its specific advantages, the development of students' knowledge, skills and abilities in the process of independent learning, the ability to work independently and

interest in creative work, as well as effective ways to use forms of distance learning in the development of sociolinguistic competence of future English teachers.

Keywords and phrases: independent learning, e-learning, information and communication technologies, distance learning.

ЗНАЧЕНИЕ ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ДИСТАНЦИОННОГО ОБРАЗОВАНИЯ В РАЗВИТИИ СОЦИОЛИНГВИСТИЧЕСКОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ БУДУЩИХ УЧИТЕЛЕЙ АНГЛИЙСКОГО ЯЗЫКА

В данной статье рассматривается одна из инновационных форм самостоятельного обучения - дистанционное обучение, его конкретные преимущества, развитие знаний, умений и навыков учащихся в процессе самостоятельного обучения, умение работать самостоятельно и интерес к творческой работе, а также эффективные способы использования форм дистанционного обучения в развитии социолингвистической компетентности будущих учителей английского языка.

***Ключевые слова и фразы**: самостоятельное обучение, электронное обучение, информационно-коммуникационные технологии, дистанционное обучение.*

Бугунги янгиланиб бораётган Ўзбекистонда замонавий фикрловчи, билимли, чет тилларида эркин сўзлаша оладиган, жаҳон свилизацияси ютуқлари ҳамда глобал ахборот ресурсларидан оқилона фойдалана оладиган, рақобатдош, танлаган соҳаси доирасида халқаро ҳамкорликни амалга оширишда юксак коммуникатив компетентликка ега баркамол кадрларни тайёрлаш устивор вазифалардан бири бўлиб, бўлажак чет тили (инглиз тили) ўқитувчиларини тайёрлашда уларнинг педогогик компетентлиги ва креативлигини шаклантиришга инновацион ёндашиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланишни талаб етмоқда. Талабаларнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаётда содир бўлаётган ўзгаришлар, фан-техника ютуқлари, янгиликлардан ҳабардор бўлиши, хорижий тиллар ҳамда ахборот технологияларидан саводхонлик даражасида оширишда мустақил таълим асосий ўрин тутади. Олий таълим тизимида мустақил таълимни ташкил этиш талабаларнинг мустақил ишлаш малака ва кўникмаларини шакллантиришга доир бир қатор ҳуқуқий меъёрлар ишлаб чиқилган. 2005 йил 21-февралда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг "Талаба мустақил ишини ташкил қилиш" тўғрисида №34-сонли буйруғи асосида "Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш тартиби тўғрисида намунавий Низом" тасдиқланди. "Талаба мустақил ишини ташкил этиш, назорат қилиш ва баҳолаш бўйича йўриқнома" ишлаб чиқилди. 2009 йил 14 августда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги "Талабалар мустақил ишини ташкил этиш" тўғрисида №286-сонли буйруғи қабул қилинди. [1]

Маълумки, ҳар қандай чет тилини чуқур ўрганишда бўлажак тил ўқитувчисидан социолингуистик кўникмаларни мустақил равишда ўрганишни талаб қилади. Уларнинг билим ва кўникмалари мустақил таълим жараёнида шаклланиб, мустақил фаолият кўрсатиш қобилиятини ривожлантиради."Бўлажак

инглиз тили ўқитувчиларининг касбий компетентилигини ривожлантиришда мустақил таълимнинг қуйидагиларидан фойдаланиш ўз самарасини беради:

1. Аудиториядан ташқарида мустақил таълим

2. Бевосита ўқитувчи билан талаба ҳамкорлигида аудиторияда бажариладиган мустақил таълим

3. Илмий-ижодий, илмий-тадқиқод, бадиий-оммабоп асарлар яратиш ва б.қ.

4. Ижтимоий-ҳаётий коммуникатив алоқа ўрнатиш (бозорда, театрда, саёҳат жараёнида, боғда, музейда ва б.қ)"[2, 179-бет]

Олима К.Ж. Рискулова томонидан бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг мустақил иш шакллари қуйидагича ишлаб чиқилган:

- фаннинг алоҳида мавзуларини мустақил ишлаб чиқиш, илмий-услубий, бадиий, ўқув адабиётлари, ўқув ресурслари билан ишлаш;
- амалий, семинар ва лаборотория машғулотларига мустақил тайёргарлик кўриш;
- маълум мавзу бўйича ижодий ишларни танлаш (иншо, илмий мақола, ҳикоя, шеър, иншо ва бошқалар.);
- курс ишлари, ижтимоий лойиҳалар устида ишлаш;
- битирув малакавий иши ва магистрлик диссертацияси учун материаллар топлаш;
- Инглиз тилидан ўзбек тилига ўзбек тилидан инглиз тилига таржима ишларини бажариш;
- илмий тадқиқот ишлари ва кичик ҳажмдаги бадиий асарлар устида ишлаш;
- тестлар, муаммоли вазиятлар учун саволлар ва топшириқлар тайёрлаш;
- мамлакатимиз ва жаҳонда бўлаётган ижтимоий-сиёсий воқеа ва ҳодисалар ҳақида маълумот олиш учун ОАВ, АКТ лар билан ишлаш;
- янги сўзлар, ибораларни табиий жараёнда тажрибада амалиётга тадбиқ қилиш (бозор, театр, бог, metro, кутубхона, транспорт ва б.к);
- Маълум мавзуда таниқли мутаҳасис олимлар, жамоат арбоблари, адиблар ва б.к.лар билан мустақил жонли мулоқот; [3, 179-бет]

Шунингдек, биз бу мустақил таълим воситасида талабалар бажариши мумкин бўлган фаолият турларига мустақил таълимнинг электрон шакллари: очиқ масофавий курсларда ўқиш, ижтимоий веб саҳифаларда шахсий блоглар яратиш, турли ўқув каналларини бошқариш, инсонлараро коммуникация воситаларидан (электрон почта, телефон алоқаси, чатлар, форумлар, видеоконференсия) фойдаланиш каби мустақил таълим турларини қўшишимиз мумкин.

Маълумки, бугунги кунда бутун дунё мамлакатларини ларзага солаётган Совид-19 деб номланган инфексия тарқарилиши сабабли карантин даврида масофавий таълимни ташкил етишда АКТлар, электрон таълим: таълимнинг замонавий инновацион усулларидан фойдаланиш йўлга қойилди. Moodle, Kahoot, Edmodo, Google classroom, LMS (learning management systems), CMS (content management systems) каби virtual таълим жараёнини бошқарувчи тизимлардан фойдаланиб онлайн масофавий дарслар ташкил этилмоқда.

Масофавий таълим (Distance Learning) - замонавий ахборот ва таълим технологиялари: онлайн очиқ курслар, таълим платформалари, телевидения каби телекоммуникацион тизимлардан фойдаланган ҳолда таълим даргоҳига бормасдан таълим хизматларидан фойдаланиш тушунилади. Бугунги глобал карантин жараёнида мамлакатимизда ҳам ҳусусан, олий таълимда, умумий ўрта мактабларда, шунингдек мутахассисларни малакасини ошириш ва қайта тайёрлашда кенг қўлланилмоқда. Маълумки, масофавий таълим ўзининг бир қатор авзалликлари билан инновацион таълим хизматлари бозорида кучли ўрин тутади. Телекоммуникация тармоқларидан фойдаланган ҳолда электрон ёки босма шаклда ўқув материалларини юклаб олган ҳолда, талаба-ёшлар ўз уйида билим олишлари мумкин. Компютер тизимлари бажарилган машғулотларни хато ва камчиликларни текшириб, керакли кўрсатмаларни бериши, амалий машғулотларни бажарилиши, електрон кутубхоналарга очиқ кириш, бир неча сонияларда керакли манбаларни топиши ва ундаги асосий фикрларни ажратиши мумкин. Ўқув машғулотларини ҳар қандай масофада ва исталган вақтда асосий маҳаллий ва халқаро маълумотлар базалари ва билимлардан фойдаланиш имконини яратади.

Мамлакатимизда ҳар бир олий таълим муассасалари ўзининг асосий ахборот ресурсларини турли фанларни ўрганишга оид электрон ўқув-методик мажмуаларга эга эканлиги қувонарли ҳолат. "Ушбу электрон ўқув-методик мажмуалар барча ахборотли материалларни ягона ахборот мажмуасига жамлайди ҳамда интерактивлик, кўргазмалилик, мобиллик, ихчамлик ва уларни кўпайтиришда кам харажат сарфлаш, кўп вариантлилик, кўп босқичлилик ҳамда текшириш учун топшириқлар ва тестлар ҳажмининг кўп бўлишини таъминлайди. Замонавий электрон ўқув-методик мажмуаларининг афзаллиги, аввало, ўқув жараёнида ўқувчиларнинг мустақиллик ва фаоллик ролини самарали ташкил етишдан иборат. Таълим жараёнига ЭЎММни жорий этиш талабаларга фан бўйича ахборотнинг тўлиқ манзарасини намойиш этиш, ўқув материалини мустақил ўзлаштиришини таъминлаш, ўқитишни индивидуаллаштириш, назорат ва ўз-ўзини назоратни такомиллаштириш, ўқув жараёнини натижавийлигини оширишга ёрдам беради"[4]. Электрон ўқув-методик мажмуалар электрон таълим технологиялар ҳамда масофавий таълим технологиялари билан ташкил етишда ўз долзарблигини йўқотмайди, балки таълим истиқболларини таъминлашда янада катта эътиборни талаб этади.

"Бугунги кунда электрон ўқув-методик мажмуаларнинг технологик асослари ва мазмун-моҳияти тубдан ўзгариб бормоқда. Текстографик ахборотли мазмунга эга таълим мажмуалари ўрнига овоз, анимация, видео имкониятига эга, виртуал лаборатория амалиётлари, қидириш ва эксперт тизимлари модули ҳамда ички дастурий-дидактик алгоритмлар, талаба - педагог - ўқув материали ўзаро муносабати орқали амалга оширилувчи мултимедияли ва интерактив комплекслар кириб келди".[5]

Шу ўринда айтиш жоизки, бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг мустақил таълими учун онлайн очиқ курслардан фойдаланиш ўзининг ижобий самарасини беради. Интернет орқали жаҳоннинг нуфузли университетлари томонидан ташкил қилинган очиқ онлайн курслар ўқув материалларини бепул ва эркин

тарқатишмоқда. Coursera, Udacity, Udemy, MOOC, Future Learn, Canvas каби платформалар томонидан бепул онлайн курсларда иштирок этиш талабалар социолингуистик компетентилигини ривожлантиришда бой манбалар бўлиб ҳизмат қилади. Социолингуистик компетентликни ривожлантиришнинг муҳим педагогик омилларидан бири лингвистик қобилият: эшитиш, ўқиш, ёзиш гапириш компетенсиялари орқали номоён бўлади. Лингуистик қобилият амалиётда намоён бўлишини таъминлашда коммуникатив қобилият муҳим рўл ўйнайди. Чет тилида айтилган фикрларни эшитиб тушуниш, суҳбатдош тилида аниқ ва равон мулоқот олиб бориш, коммуникация жараёнида мулоқот маданиятига ижтимоий мавқеъйи, суҳбатдош ёши кабиларни ҳисобга олган ҳолда роия этиш каби индикаторларни ҳар бир бўлажак инглиз тили ўқитувчиси шакллантиришга эришиши лозим. Тили ўрганилаётган мамлакат ижтимоий, иқтисодий, маданий ҳаёти, тили, дини, тарихи ҳақида ҳаққоний маълумотга эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг социолингуистик компетентлиги жамиятда ва табиатда бўлаётган воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб этишда, мулоқот маданиятида, ўз мамлакати ва тили ўрганилаётган мамлакатнинг ижтимоий - иқтисодий ва маданий ҳаётини қиёсий таҳлили асосида ривожланиб боради. Бугунги замонавий бўлажак тил ўқитувчиси ўрганган билим, малака ва кўникмаларини амалий фаолиятда эркин қўллай олиши бизнинг саи-ҳаракатларимизнинг ижобий натижаси ҳисобланади. Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларидан тадқиқод иши доирасида олиб борилган онлайн аниқловчи тажриба-синов сўровнома натижаларини кўра, 220 та респондент иштирок этди. Талабарнинг электрон таълим турларидан фойдаланганлик кўрсаткичи 95.5% ташкил қилди. 36.4 % талабалар электрон таълим турлари деганда вебинарлар, очиқ масофавий онлайн курслар, блогларни тушунса, 36.4 % бир хил кўрсаткичда талабалар кенроқ тушунчага ега. Электрон таълим турлари: вебинарлар, очиқ масофавий онлайн курслар, блоглар, онлайн конференсия, чатлар, онлайн алмашинув лойиҳалари, онлайн ўқув платформалари, онлайн ўқув дастурларни қамраб олади. Мустақил таълимнинг анъанавий шаклларига нисбатан замонавий усулларида мултимедиа, интернет тизими ахборотларидан фойдаланувчилар 54.5% ни ташкил этган. 36.4%ни ташкил қилган талабаларга нисбатан 63.6% талабалар турли очиқ масофавий курсларда иштирок этганлигини тасдиқлашган. Юқорида келтирилган очиқ масофавий курсларни тақдим этувчи Coursera, Udacity, Udemy, MOOC, Edx, Future Learn, Canvas каби масофавий таълимнинг иннновацион шаклларидан мустақил таълим воситасида бўлажак инглиз тили ўқитувчисининг социолингуистик компетентлигини ривожантиришдаги натижаларини экспнриментал ва таҳлилий синов босқич якунларини келгуси мақолаларда ёритамиз.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги "Талабалар мустақил ишини ташкил етиш" тўғрисида №286-сонли буйруғи, 2009 йил 14 август

2. Рискулова. Д. "Бўлажак Инглиз тили ўқитувчиларининг социолингуистик компетентилигини шакллантириш тизими" DSc диссертацияси, Тошкент 2017 йил, 166-бет.
3. Рискулова. Д. "Бўлажак Инглиз тили ўқитувчиларининг социолингуистик компетентилигини шакллантириш тизими" DSc диссертацияси, Тошкент 2017 йил, 179-бет.
4. И. Морхова, Ш. Давлатова http://uz.infocom.uz/2017/09/03/электрон-ўқув-методик-мажмуалар-мустақил-талимнинг-муҳим-омили/
5. Sarimsakova, D. (2020), The key concepts of forming sociolinguistic competence of future English language specialists; Asian journal of multidimensional research doi: 10.5958/2278-4853.2020.00157.3
6. D. Sarimsakova, The development of sociolinguistic competence of future english language teachers through computer technologies, *European Journal Of Research and Reflection In Educational Sciences* vol. 8 no. 3, 2020 part ii *ISSN 2056-5852*
7. https://www.cousera.org/
8. https://www.canvas.network
9. https://www.udemy.com
10. https://www.ted.com
11. https://www.futurelearn.com

ТАЛАБАЛАРГА МАТЕМАТИК АНАЛИЗНИ ЎҚИТИШДА ТЕЗАУРУС МЕТОДИДАН ФОЙДАЛАНИШ

Тургунбаев Рискелди Мусвматович, Тошкент давлат педагогика университети, Умумий математика кафедраси профессори, физика-математика фанлари номзоди, доцент

Аннотация. *Мазкур мақолада таълимда тезаурусли ёндашув доирасида бажарилган ишлар таҳлил қилиниб, математик анализ фанини тезауруслар методидан фойдаланиб ўқитиш ва мавзу тезаурусни яратишнинг таълимдаги аҳамияти баён қилинади.*

Калит сўзлар: *тезаурус, тезаурусли ёндашув, ўқув тезауруси, шахсий тезаурус, дескриптор, бошқариладиган луғат*

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ МЕТОДА ТЕЗАУРУСОВ В ПРЕПОДАВАНИИ МАТЕМАТИЧЕСКОГО АНАЛИЗА СТУДЕНТАМ

Тургунбаев Рискелди Мусаматович, Ташкентский государственный педагогический университет, профессор кафедры Общей математики, кандидат физико-математических наук, доцент

Аннотация. *В данной статье анализируются работы выполненные в рамках тезаурусного подхода к обучению, излогается преподавания математического анализа методом тезаурусов и значение создания тезауруса темы в обучении.*

Ключевые слова: *тезаурус, тезаурусный подход, учебный тезаурус, личностный тезаурус, дескриптор, управляемый словарь.*

USING THE THESAURUS METHOD IN TEACHING MATHEMATICAL ANALYSIS TO STUDENTS

Turgunbaev Riskeldi Musamatovich, Tashkent State Pedagogical University, professor of the Department of General Mathematics, candidate of physical and mathematical sciences, docent

Annotation. *This article analyzes the works performed within the scope of the thesaurus approach to learning, discusses the teaching of mathematical analysis by the thesaurus method and the importance of creating a thesaurus of the topic in the learning process.*

Keywords: *thesaurus, thesaurus approach, academical thesaurus, personal thesaurus, descriptor, controlled vocabulary*

Ахборотли жамиятнинг ривожланиши таълимнинг, хусусан математика таълимининг сифатини оширишни тақозо этади. Ҳозирги замонда таълим сифатини оширишга қаратилган бир нечта ёндашувлар мавжуд, аммо улар замонавий шароитларда математик тайёргарлик муаммоларини (масалан, узвийлик ва узлуксизлик; алгоритмик ва абстракт тафаккурни ривожлантириш; сонли, белгили ва абстракт информацияни идрок этиш, эслаб қолиш ва қайта ишлаш жараёнларининг шахсий хусусиятларини эътиборга олиш ва бошқа) тўлиқ ҳал етмайди.

Ахборотли жамият шароитида бўлғуси математика ўқитувчиларининг математик тайёргарлигини такомиллаштириш йўлларидан бири педагогика олий таълим муассасаларида математикани ўқитишга ахборотли ёндашувдан фойдаланишдир. Бу ёндашув нуқтаи назаридан ўқитиш тезаурусни шакллантиришга қаратилган ахборотли жараён деб қаралади [8,10].

Тезаурус (thesauros) юнончада хазина, бойлик, заҳирани маъносини англатади [14]. У фанга лингвистика ва информатикадан кириб келиб, ўз маъносини кенгайтирди ҳамда умумилмий атамага айланди. Бу атаманинг маъносини қуйидагича тушуниш мумкин: атрофимиздаги дунёни тавсифлаш учун хизмат қиладиган табиий тилдаги барча тушунчалар дунёнинг умумий тезаурусини ташкил қилади ва бизнинг барча билимларимизни акс эттиради. Умумий тезаурус асосида фан ва техниканинг турли соҳалари бўйича ҳамда алоҳида муаммо ва масалалар бўйича ҳам чексиз кўп тезауруслар тўпламини ҳосил қилиш мумкин.

Педагогикада тезаурус тушунчаси Л.Т.Турбович томонидан тавсия этилган ўқитишнинг ахборотли-семантик моделида пайдо бўлган. Муаллиф ушбу моделда тезаурусни шахс хотирасида мужассамланган ва сақлаб қолинган тушунчалар, баҳолаш ва меъёрлар, шу жумладан, ҳаракатлар схемаси захираси деб таърифлайди. Ушбу моделга мувофиқ, шахснинг онгини шакллантириш унинг тушунчавий психологик тезаурусини шакллантириш билан айнийлаштирилади [6]. Тезаурусга янги маълумот киритилганда унинг кенгайиши муаллиф томонидан ўқитиш каби шарҳланади.

В.И. Гинецинский Л.Т. Турбовични ғояларини давом эттириб, ўқув жараёнини «тезаурусни кенгайтириш ва қайта тузиш жараёни» сифатида кўриб чиқади [3].

А.А. Мирошниченко [7] педагогик тезаурусни тузиш технологияси доирасида иш олиб бориб, педагогикада тезаурусни икки гуруҳга: шахсий тезаурус ва ўқув тезаурусга ажратиб ўрганишнинг мақсадга мувофиқлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, ҳар бир шахс маълум бир тезаурусга эга, у бутун ҳаёти давомида ички ва ташқи омиллар таъсири остида шаклланади.

Шахсий тезаурусга янги ахборотни киритиш жараёни ўқитиш сифатида шарҳланади. Ўқитишда узатиладиган ахборот ўқув материалидан иборат бўлганлиги учун, ўқув материалини танлашни ва тузишни ўқув тезаурусини тузиш жараёни сифатида кўриб чиқиш мумкин. Ўқув тезаурусининг вазифаси шахснинг тушунчавий психологик тезаурусини тўлдириш ҳисобланади. Ўқитишни оптималлаштириш учун ўқув тезауруси ва шахс тезауруси ўртасида алоқа каналининг энг юқори ўтказувчанлик қобилиятини таъминлаш лозим.

А.А. Мирошниченко билан келишган ҳолда, биз ҳар бир индивидуум шахсий тезаурусга эга эканлигини тан оламиз. (Шахс тезауруси ҳақида гапириб, биз мукаммаллик даражасини ҳисобга олмаймиз). «Шахс тезауруси» (ёки «шахсий тезаурус») атамаси остида биз у ёки бу шахсга тегишли бўлган билимлар тизимини тушунамиз. Билимини тўлдириш учун, янги маълумотлар оқимида мўлжал олиши учун инсонга «ўқув тезауруси» керак бўлади.


Шундай қилиб, бизнинг тасаввуримизда ўқув тезауруси, - бу янги билимларни очишга йўналтирилган, барча кўникмаларни, барча операцияларни ўз ичига олган фаолият воситаси, бу талабага ўз фаолиятини ташкил қилишга, тузатишга, тартибга солишга ёрдам берувчи восита, бу талабани энг кам куч ва вақт сарфлаш билан белгиланган натижаларга элтувчи восита. Ўқув тезауруси, аввало дескрипторларни – таянч тушунчалар ва берилган тушунчалар билан бажариладиган мантиқий операцияларни ўз ичига олади. Янги билимларни эгаллаш тезлиги, уларда мўлжал олиш қобилияти, уларни амалиётда қўллаш талабаларнинг шахсий тезауруси қанчалик такомиллашганлигига пропорционал бўлади.

Таълимда тезаурусли ёндашувга бағишланган ишларда [5,6,12] тезауруснинг таълимий, ривожлантирувчи, мотивацион ҳамда фаоллаштирувчи функциялари очиб берилган. Шунингдек, тезаурусни дидактик восита сифатида қараб, уни фақат моддий ёки фақат идеал восита сифатида кўриб чиқиш мумкин эмаслиги таъкидланади. Тезаурус моддий восита сифатида, асосан, ўқувчиларнинг қизиқиши ва эътиборини уйғотиш билан боғлиқ, идеал восита сифатида эса материални тушуниш, фикрлаш, мантиқ, интеллектининг ривожланиши билан боғлиқ.

Олий таълимда тезаурусли ёндашувга бағишланган ишларда [1,4,12] касбий фанларнинг методик таъминоти ўқув фанларининг тезаурусини ишлаб чиқиш орқали лойиҳалаш, касбий тезаурусни шакллантириш методикалари тадқиқ қилинган.

Математика таълимида тезаурусли ёндашувга бағишланган ишлар кам сонда бўлиб, асосан Т.П.Пушкарева ва унинг маслакдошлари [9-11] томонидан бажарилган. Унинг ишларида математика фанини мактабда, педагогика олий таълим муассасининг табиий фанлар таълим йўналишларида ўқитиш, кимё билан алоқадорликда ўқитиш масалаларида фойдаланиш, математик кимё фани тезаурусини яратиш билан боғлиқ масалалар қаралган.

И.С.Тулохонова [13] таълим олувчиларнинг тезаурусини бошқариладиган луғатлар ва таксономиядан фойдаланган ҳолда шакллантиришни таклиф қилади. Бу жараённи қуйидаги схема билан тавсифлайди (1-расм):



1-расм. Тезаурусни шакллантиришнинг схематик тасвири

Датлаб, предмет соҳасининг бошқариладиган луғати тузилади, бунга предмет соҳаси билан боғлиқ ва ўрганиш мақсадга мувофиқ бўлган тушунчаларни тавсифлаш учун атамалар (сўзлар, иборалар ёки эслатмалар) киритилади. Бошқариладиган луғатнинг хусусиятлари қуйидагилардан иборат [2,13]:

1. У ёки бу предмет соҳасида барқарорлик аломатига эга бўлган тушунчалар тўплами киритилади;
2. Атамалар бирқийматли ва ортиқча талқинга йўл қўймайдиган таърифларга эга;
3. Предмет индексациясида, предмет рубрикаларда, таксономиялар ва тезаурусларда, ҳамда бошқа билимни ташкиллаштириш тизимларида фойдаланилади;
4. Айнан битта тушунчага турлича номлар берилиши ва аксинча битта ном билан турли тушунчаларни аташ каби табиий тилга хос бўлган ноаниқлик ва кўпқийматлиликни истисно қилади.

Бошқариладиган луғатдаги тушунчаларни тизимлаштиришда таксономик иерархия шаклланади. Таксономиянинг хусусиятлари:

1. Математик нуқтаи назардан таксономия маълум бир объектлар тўпламини классификациясининг ёғочсимон шаклдаги тузилмасидан иборат.
2. Таксономияни киритиш предмет соҳасининг семантикасини кенгайтиради.
3. Ҳар қандай тушунчанинг маъноси унинг бошқа тушунчалар билан берилган таксономик тузилмага нисбатан “юқорида” ва “пастда” ўзароалоқаси орқали очиб берилади.
4. Бирор синф иккита суперсинфларнинг қисм синфлари бўлганда ёғочсимон таксономия (иерархия) баъзида такрорланади.

Муаллифлар тезаурусннинг хусусиятларини ҳам тавсифлайди. Улардан таълимга тааллуқлиларини келтирамиз:

1. Тезаурусда таксономиядан фарқлироқ жинс-тур муносабатлардан бошқа ҳам муносабатлар мавжуд;

2. Эквивалентлик тушунчаси фойдаланилади, у турли атамалар орасида тенглик ўрнатишга ёки иккита атаманинг семантик айний эканини ўрнатишга хизмат қилади.
3. Ассоциация муносабати бор, у атамалар орасида ўзароалоқа бор эканлигини таъкидлайди, аммо улар орасида семантик алоқа аниқланмайди.

Юқорида номланган ишларда тезаурус тушунчасини кўриб чиқиб, биз шунга ишонч ҳосил қилдикки, охирги вақтда педагогик фанларда «тезаурус тузиш» муаммосига эътибор қаратилмоқда, таълим жараёни тезаурусни кенгайтириш жараёни билан мос қўйилмоқда, аммо, тадқиқотларда назарий ёритилган бу муаммо методик ечимини топмаган. Хусусан математика ўқитувчиларини тайёрлашда, уларга математик анализни ўқитишда тезаурусли ёндашувдан фойдаланиш методикаси қаралмаган.

Тезаурусдан фойдаланиш, равшанки, талабанинг бошланғич тезауруси мазмунини аниқлашдан бошланади, бу мазмун талаба ўзлаштириши зарур бўлган дескрипторлар рўйхатини тузишни; ўрганиладиган объектларнинг хоссаларини санаб чиқишни; тушуналарни гуруҳлашни (квантификация, классификация, умумлаштириш орқали тартиблаш); натижавий ва бошланғич тезаурус моделини тузишга имкон беради.

Тезаурусни шакллантириш талабанинг бошланғич тезауруси билан ўқув тезауруси орасида узвий алоқалар ўрнатиш масаласини ҳал қилишга ёрдам беради. Масалан, “5110100-математика ўқитиш методикаси” бакалавриат таълим йўналиши Математик анализ ўқув фанининг “Ҳақиқий сонлар” модулида рационал сонлар тўпламининг хоссаларини ўрганиш алоҳида рационал сонлар устида амаллар бажариш, ёки уларни таққослашга нисбатан юқори даражадаги абстракция эканлигини кўриш мумкин. Рационал сонлар тўпламида кесим тушунчасини киритиш, уни кейинчалик ҳақиқий сон деб номлаш, ҳақиқий сонларни таққослаш, улар устида амаллар бажаришни кесимлар орқали амалга оширилиши, ҳақиқий сонлар тўпламининг хоссаларини исботлашда кесимлардан фойдаланиш юқори даражадаги абстракцияни талаб қилади. Бунда ўқитувчига бу тушунчалар ва хоссаларни ўрганиш мотивациясини шакллантириши, талабаларни уларнинг негизида ётган ғоялар билан таништириш муҳим.

Бунинг учун тезаурусдан фойдаланишнинг қуйидаги методини таклиф қиламиз. Математик анализнинг ҳар бир маърузаси материаллари бўйича ўқитувчи математик фактлар, тушунчалар, белгилашлар, методлар, атамаларни қуйидаги кўринишдаги мукаммалашган Биламан-Билишни хоҳлайман-Билиб олдим (ББББ) жадвалига ёзиб чиқади (1-жадвал) ва мос объектлар тўғрисига белги қўйилади (идеал талаба учун). Айнан шу жадвални талабаларга тавсия қилинади ва улардан жадвалнинг 2-4 устунларини тўлдиришни таклиф қилинади.

1-жадвал

Мукаммаллашган ББББ жадвали

№	Мавзу тезауруси	биламан	Билишни хоҳлайман	Билиб олдим
1		+		

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, жадвалнинг биринчи устунида шакллантирилган тезаурус талабанинг ўрганиладиган мавзуга оид шахсий тезаурусини ҳам, мавзунинг ўқув тезаурусини ҳам ўзида сақлайди, юқорида айтилган бошқариладиган луғатдан тубдан фарқ қилади.

Бу жадвал ўқитувчига нима беради? 1) Ўқитувчига идеал талабанинг шахсий тезауруси ҳақида маълумот беради; 2) Қайси янги тушунча, атамаларни, умуман ахборотни шу тезаурус асосида шакллантириш кераклиги ҳақида маълумот олади; 3) талабаларга ўқув тезаурусини оптимал тизимлаштириш мақсадида ўқув адабиётларда берилган мазмунни танқидий ўрганади; 4) маърузани лойиҳалаштиришга ёрдам беради; 5).маърузада фойдаланиладиган график органайзерларни пухта ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Бу жадвал талабага нима беради? 1) талаба ҳар бир атама, тушунча, фактларни ёдга олади, билиш-билмаслигини аниқлайди; 2) ўз билимидаги бўшлиқларини тузатиш учун дастур тузади; 3) мавзуни ўрганиш учун керак бўлган шахсий тезаурусини баҳолайди; 4) нимани ўрганиши кераклигини билиб олади.

Талабаларга келгуси машғулотда ўтиладиган мавзуни олдиндан бериш, шу мавзу учун тезаурус тузишни таклиф қилиш, унда аввал ўрганилган, лекин эсдан чиққан тушунчаларни, хоссаларни такрорлаш, эсга тушириш учун туртки бўлади. Ҳар бир маъруза учун бундай жадваллардан фойдаланиш талабаларга билимларини узлуксиз такрорлаш имконини беради, шахсий тезаурусининг мукаммаллашишига эришилади.

Ишлаб чиқилган тезаурус асосида талабаларнинг мавзуни мустақил ўрганиш мақсадида структуравий-мантиқий схемалар, тушунчаларнинг идеографик тавсифи, денотатив графлар тузиш бўйича топшириқлар тизимини ишлаб чиқишни таклиф қилиш мумкин. Натижада талабаларнинг ўқув-билув фаоллигини оширишга, билимларни ўзлаштириш пухталигига эришилади.

Ўқув фани модуллари бўйича тузилган ўқув тезауруси оралиқ назорат ва якуний баҳолаш учун саволномалар, топшириқлар, тестлар тузишда фойдаланилади.

Бундай тезаурусларни турдош фанлар бўйича яратиш фанлараро алоқаларни ўрнатиш, такрорланадиган тушунчаларни ўзлаштириш даражаларини аниқлашга имкон беради.

Бўлғуси математика ўқитувчисининг касбий тезаурусини яратиш малака талабларини сифатли ишлаб чиқишга, фан дастурларини такомиллаштиришда фойдали бўлади.

Адабиёт

1. Абдулмянова И.Р. Формирование профессионального тезауруса личности как цель профессионального образования // Вестник ТПГУ. 2010. № 2(92). С. 36-39.

2. Андон Ф.И., Резниченко В.А. Управляемые словари, таксономии, тезаурусы и онтологии в семантическом вебе// Інженерія програмного забезпечення. №1(13) 2013. С.40-48
3. Гинецинский В.И. Основы теоретической педагогики: учеб. пособие. СПб.: Изд-во С.-Петерб. ун-та, 1992. 152 с.
4. Гурье Л.И. Использование тезаурусов в проектировании педагогической подготовки преподавателей технических вузов в системе последипломного образования // Educational Technology & Society. 2001. № 4(4). P. 63-66.
5. Кожокарь О.П. Учебный тезаурус как средство развития понятийнего мышления в процессе подготовки будущих учителей.// Вестник Сургутского педагогического университета. 2012. №2. С.115-119.
6. Кожокарь О.П. Тематический тезаурус как средство развития понятийнего мышления в процессе подготовки будущих учителей. //Вестник Сургутского педагогического университета. 2009. №2. С. 95-99.
7. Мирошниченко А.А., Мирошниченко И.Л. Тезаурус как модель задаваемой учебной информации// Международный научно-исследовательский журнал. № 12 (54) .Часть 4 .Декабрь. DOI: 10.18454/IRJ.2016.54.236
8. Пак Н.И. О концепции информационного подхода в обучении // Вестник КГПУ им. В.П. Астафьева. 2011. № 1. С. 91-98.
9. Пушкарева Т.П. Формирование интегрированного тезауруса как результат обучения математике//Вестник Красноярского государственного педагогического университета им. В.П. Астафьева 2012, №2.С.132-137
10. Пушкарева Т.П. Особенности обучения математике в условиях информационного общества// Приволжский научный вестник. № 3 (7) – 2012. С.56-59.
11. Пушкарева Т.П., Калитина В.В. Интеграция педагогических и информационных технологий в условиях информационно-образовательной предметной среды по математике// Здоровье и образование в XXI веке. Электронный научно-образовательный вестник. 2018. Том.20 (2)
12. Сидорина В.А. Проектирование методического обеспечения в системе непрерывного профессионального образования на основе тезаурусного подхода. Автореферат дисс… канд.пед. наук. Казань. 2003.-23с.
13. Тулохонова И.С. Моделирование системы обучения на основе тезаурусного подхода// Интернет-журнал «Науковедение». Том 9, №4. 2017
14. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Тўртинчи жилд. Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. - 606 б.

КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ВА ШАКЛЛАНИШИ ҲАМДА УНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Турсунов Ҳусанбой НамДУ катта ўқитувчи
Тел:+998972170874 e-mail: tursunovhb@rambler.ru

Аннотация: Ҳозирги кунда чет тил ўргатиш жараёнида энг долзарб мавзулардан бири бўлган коммуникатив компетенциянинг пайдо бўлиши, унинг тарихи ва шаклланиши, мавжуд муаммолари ҳақида маълумотлар берилган.
Калит сўзлар: компетенция, оғзаки ва ёзма кўникмалар, коммуникатив компетенция, оғзаки фаолиятлар, лингвистик, прагматик ва социолингвистик таркибий қисмлар

THE EMERGENCE AND FORMATION OF COMMUNICATIVE COMPETENCE AND ITS CURRENT PROBLEMS

Tursunov Husanboy a senior lecturer at NamSU
tel:+998972170874 e-mail: tursunovhb@rambler.ru

Annotation: *This article is highlights of Information on the emergence of communicative competence, its history and formation, one of the most topical issues in the process of foreign language teaching today*
Keywords: *competence, oral and written skills, communicative competence, oral activities, linguistic, pragmatic and sociolinguistic components*

ВОЗНИКНОВЕНИЕ И ФОРМИРОВАНИЕ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНЦИИ И ЕЕ АКТУАЛЬНЫЕ ПРОБЛЕМЫ

Турсунов Хусанбой старший преподаватель НамГУ
Тел:+998972170874 e-mail: tursunovhb@rambler.ru

Аннотация*: В настоящее время дана информация о возникновении коммуникативной компетенции, ее истории и становлении, существующих проблемах, которые являются одной из наиболее актуальных тем в процессе обучения иностранному языку.*
Ключевые слова*: компетенция, устные и письменные умения, коммуникативная компетенция, вербальная деятельность, лингвистический, прагматический и социолингвистический компоненты*

Чет тилни ўргатиш жараёнида ўқувчида мулоқот қилиш учун турли хил янги оғзаки ва ёзма кўникмаларни ривожлантиришни ва шакллантиришни талаб қилинади. XX асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб коммуникатив компетенция тил таълими мақсади бўлиб келмоқда. Бу жараёнда оғзаки нутқ устувор аҳамиятга эга. Буни француз олимаси Софи Муаранд ўзининг "Чет тилида мулоқот қилишни ўргатиш" номли китобида таъкидлаб ўтган. У турли-хил дидактик лойиҳаларни ўқувчиларга чет тилда мулоқот қилишга ўргатишни назарда тутди.[1.45-48]

Ўша пайтдан бошлаб оғзаки нутқ таълими билан шуғулланувчиларнинг пайдо бўлишига имконият яратилди, пировардида тадқиқотчи ва илм аҳли учун муаммолар доираси кенгайди. Тилга инсонлар ўртасидаги барча муносабатлар учун муҳим ҳисобланиб, ҳар доим ҳам айнан нутқнинг тугал фикр англатувчи бўлаги ўқувчиларга бошқаларни тушуниш учун унғай қобилиятни шакллантиришга қаратилган алоқа ва алмашинув воситаси сифатида қаралади. Шубҳасиз, француз тилини чет тил сифатида ўқитишнинг самарали ва фойдали томони бу албатта, тўғридан-тўғри ўша тил соҳиби билан алоқа, яхши мулоқот қилиш учун тинглаш ва эркин гаплашиш имкониятидир. Шу сабабли, француз тилини ўқитишда оғзаки нутққа устувор аҳамият бериш керак, уни таълим тизимининг ажралмас қисмига айлантирмоқ лозим.

Ушбу мавзуни танлашимиз бир қанча сабабларга асосланган. Биринчидан, коммуникатив компетенция-бу ўқитувчининг асосий муаммоларидан бири бўлиб, у ҳар доим таълим дастурининг мақсад ва вазифаларига мос келадиган муаммо ва вазифаларни аниқлаб олишга ҳамда танлашга янада яхши мулоқот қилишга имкон туғдиради.[2.83]

Дарҳақиқат, коммуникатив компетенция- бу иккинчи даражали аҳамият касб этиб, кўпинча эътиборсиз қолдирилади. Бундан ташқари, ўқитувчиларнинг саъй-ҳаракатларига ва янги тизимни такомиллаштиришига қарамай, бу ўқувчилар дуч келадиган қийинчиликлардан бири бўлиб қолаверди. Шундай қилиб, биз ушбу муаммоларни қуйидагича бартараф этишга ҳаракат қиламиз: Оғзаки фаолиятни мустаҳкамлаш ва бойитиш ўқувчида коммуникатив компетенция ривожлантиришга имкон берадими? Бошқача қилиб айтганда, оғзаки сўз коммуникатив компетенцияни мукаммал эгаллашга имкон берадиган ишончли восита деб ҳисобланадими? Бу бизнинг мавзу орқали жавоб беришни истаган асосий муаммодир. У қуйидаги иккинчи даражали саволлар орқали тушунтирилади: Оғзаки ҳаракатлар алоқа кўникмаларини ривожлантиришга ёрдам берадими? Ўқитувчи ишига халақит берадиган қандай қийинчиликлар мавжуд? Ўқитиш жараёнида ўқитувчилар қандай қилиб “коммуникатив компетенция” тушунчасини амалиётга жорий қиладилар? Оғзаки нутқ фаолиятида қандай маҳорат турлари олинади?

Шундай қилиб, биз мавзу давомида тасдиқлайдиган ёки рад этадиган бир нечта фаразларни кўришдан бошлаймиз: Оғзаки фаолиятлар ўйинлари ўқувчиларни коммуникатив кўникмалар билан таъминлаш учун етарлидир. Турли хил фарқлар яъни (ёши, даражаси, синфлар сони)-бу ўқитувчига ҳар кимнинг хоҳиш-истакларини бериш ва камчиликларни бартараф этиш учун уларнинг сўзларини тинглашни мураккаблаштирадиган қийинчиликлардир. Биз лингвистик, прагматик ва социолингвистик таркибий қисмлар каби мулоқот кўникмаларининг бир нечта таркибий қисмларига эгамиз. Мавзунинг асосий мақсади оғзаки нутқ фаолиятни кучайтириш ва бойитишнинг коммуникатив компетенцияни эгаллаш,унинг таъсирини текшириш ва ушбу усулларнинг самарадорлигини бошланғич синф ўқувчилари билан синаб кўришдир.[3.25-33]

Ўзбекистонда француз тилини чет тил сифатида ўқитиш ва ўргатиш умумтаълим мактабларида энг муҳим муаммолардан биридир. Унинг ижтимоий

даражадаги аҳамияти ва нуфузи бу тилнинг кундалик алоқаларида ўз аксини топади. Бошланғич синфларда француз тилини чет тил сифатида ўқиш ва ўрганиш ўқувчиларда уларнинг ривожланишига мослаштирилган тил кўникмаларни шакллантиришни мақсад қилади. Муваффақиятли натижага эришиш учун ўқитувчи қуйидагиларни, яъни оғзаки ва ёзма хабарни тушуниш, оғзаки ва ёзма равишда фикр билдириш қобилиятларини ривожлантириш кераклиги муҳимдир. Бу жараёнда француз тили муҳити барча синфларни қамраб олади, бу нафақат восита, балки ўзига хос хусусиятларга ва эришилган қийинчиликларга эга бўлган синф амалиёти сифатида тақдим этилади.

Бугунги кунда тез-тез учрайдиган муаммо: қандай қилиб ўқувчиларни рағбатлантиришимиз ва уларни ўқишни севишга ундашимиз мумкин? Бунинг учун ўқитувчи синфда ўқувчиларнинг фаоллигини ривожлантириш учун жуда яхши муҳит яратиши, ўқувчилар эътиборини жалб қилиши ва ўрганишни амалга ошириш учун фойдаланиши керак бўлган воситалар ҳақида ўйлаши керак. Биз ўқитишнинг бошланғич тушунчаларидан бири бўлган мактаб мотивацияси ҳақида гапирмаслигимизнинг иложи йўқ.

Бошланғич синфларда француз тилини ўқитиш ўқувчига оғзаки (тинглаш/ гапириш), шунингдек, унга мослашган мактаб шароитида ёзма (ўқиш/ ёзиш) ўзаро таъсирини ривожлантиришга қаратилган. Ушбу таълим аста-секин ўқувчини оғзаки ва ёзма тилни ифодалаш ва алоқа қилиш учун ишлатишга ундаши керак. Шундай қилиб, ушбу хорижий тилни ўрганиш ўқувчига маълумот олиш ва дунёқарашини ривожлантириш имкониятини рўёбга чиқаради. Ҳозирда бошланғич синф ўқувчиларининг коммуникатив қобилиятини ривожлантириш учун турли хил дидактик ўйинларнинг роли жуда муҳимдир. Дидактик ўйинлар ўқувчилар учун жуда муҳим фаолиятдир, бу унинг мувозанати ва психологик, когнитив, ҳиссий ва ижтимоий ривожланиши учун зарурий қисмдир.

Ўқувчилар учун дидактик ўйинлар миниатюра ҳаётидир, бу катталар ҳаётига тайёргарлик босқичидир. Бу нафақат дам олиш ва дам олиш вақтидан иборат, балки ундан ҳам кўпроқ нарсани англатади. Ўйинлар унга кўникмаларни эгаллашга ёрдам беради, агар ўқувчи дидактик ўйинлар билан шуғулланса, у тамоман фикрлашга ва фикр билдиришга, ўйлашга, хулоса чиқаришга ундовчи кучдир. Ўйинлар ўқувчини бошқалар билан мулоқот қилишга ундайди ва шунинг учун унинг тил муаммоларини бартараф қилишга муваффақ бўлади. Ўқувчи гапиришга, синашга, хато қилмасликка , яна уриниб кўришга ва унга қўшилишга журъат этади. Шунинг учун ўйинларни нимани ўргатиш усули сифатида қўллаш бошланғич мактабда заруриятдир. Бу ўқувчининг муқаррар равишда ўйиндан фойда олиш учун ишлатиладиган усулдир. Бошқача қилиб айтганда, француз тили ўқитувчиси қизиқарли услуб билан, ўйин кўникмалари орқали ўз ўқувчиларига тил кўникмаларини ўрнатади.

Таълим учун ўйиннинг афзалликлари танланган ўйин ва унинг фойдаланиш доирасига қараб фарқ қилади. Ўйинлар қуйидаги бир қанча мотивацион вазиятларни яратиш имконини беради:

- синов ва хатолар орқали ўрганишга имкон беради;

- ўқитувчи ва унинг ўқувчилари ўртасидаги бўшлиқни бартараф имкон беради;
- ўқувчиларга бир-бири билан ва ўқитувчилари билан мулоқот қилиш имкониятини беради;
- уятчан ёки хавотирли ўқувчиларга дарсда фаол қатнашишга имкон беради;
- ўқувчининг ижодий руҳини ривожлантиришга ёрдам беради;
- ўқувчига тилидаги тўсиқларни енгишга имкон беради;
- болага катта ёшдаги ҳаётга тайёргарлик кўришга имкон беради, чунки ўқувчи учун ўйин ақл-идрок ва тасаввуридаги ҳақиқий дунёдир;

Аксарият билим берувчилар таълим олувчи коммуникатив фаолият давомида бир қатор кўрсатгичларга эга бўлишлари зарурлигини таъкидлайдилар. Бу кўрсатгичларга эришиш учун ўқувчига шарт-шароит, муҳит яратиш муҳимдир.

Фойдаланилган адабиётлар

1. S.Moirand.1982. Enseigner à communiquer en langue étrangère.Paris pp-45-48
2. Cuq, J.-P. 2002. Du discours du linguiste au discours pédagogique : Tribulations de quelques concepts grammaticaux. Etudes de Linguistique Appliquée n°125, sous la dir. De M. Verde-Lhan-Bourgade, pp.83-95.
3. Coste D.1978. Lecture et compétence de communication.Le Français dans le monde pp.25-33.

ОТМДА ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ БОШҚАРИШДА РАҲБАР ВА ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ ЎРНИ

Нишонов Усмонхон Ибрагимович
Фарғона политехника институти “Ўзбек тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси

Аннотация:*Мақолада олий таълим муассасаси раҳбар ва педагог кадрларининг имижини шакллантиришнинг назарий асослари ва бу жараёнда раҳбар ходим имижнинг таркибий қисми саналган мулоқот ҳамда муносабатнинг тутган ўрни, таълим муассасаларидаги раҳбар ходимлар имижининг таълим-тарбия самарадорлигини оширишдаги ўрни каби масалалар кўриб чиқилган.*

Калит сўзлар *Жамият, моҳият, соғлом фикр,тафаккур, Болонья жараёни,Осиё мутафаккирлари, таълим жараёни, жараён субъекти, муомала маданияти.*

РОЛЬ РУКОВОДИТЕЛЕЙ И ПРЕПОДАВАТЕЛЕЙ В УПРАВЛЕНИИ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫМ ПРОЦЕССОМ В ВЫСШЕЙ ШКОЛЕ

Нишонов Усмонхон Ибрагимович
Ферганский политехнический институт, старший преподаватель кафедры “Узбекский язык и литература”

Аннотация: *В статье рассматриваются теоретические основы формирования имиджа руководителей и преподавателей вузов, а также роль коммуникации и отношения в этом процессе, которая является неотъемлемой частью образа лидера, роль имиджа руководителей в образовательных учреждениях.*

Ключевые слова :*Общество, сущность, здравый смысл, мышление, Болонский процесс, азиатские мыслители, образовательный процесс, субъект процесса, культура поведения.*

THE ROLE OF MANAGERS AND TEACHERS IN THE MANAGEMENT OF THE EDUCATIONAL PROCESS IN HIGHER EDUCATION

Nishonov Usmonxon Ibragimovihc
Ferghana Polytechnic Institute Senior teacher of Department Uzbek Language and Literature,

Annotation:*The article discusses the theoretical foundations of forming the image of leaders and teachers of universities, as well as the role of communication and attitude in this process, which is an integral part of the image of a leader, the role of the image of leaders in educational institutions.*

Keywords : *Society, essence, common sense, thinking, the Bologna process, Asian thinkers, the educational process, the subject of the process, the culture of behavior.*

Ўзбекистон Республикасида “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши жамиятда узлуксиз таълимни жорий этиш, таълим муассасаларини фаолиятини такомиллаштириш, таълим жараёнининг субъекти бўлмиш талаба ва ўқитувчи ўртасидаги муносабатлар моҳиятини янгича йўналиши ҳамда мазмунига таяниши лозимлигини кўрсатмоқда. Ўзбекистон Республикаси биринчи президенти И.А.Каримов таъкидлаганидек, “Биз ривожланаётган бозор иқтисодиётига асосланган замонавий давлат қуриш йўлига қадам қўйиб, кучли давлатдан кучли фуқаролик жамияти сари изчиллик билан ўтишни таъминлар эканмиз, фақат миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлиги заруратини теран англайдиган, замонавий билимларни, интелектуал салоҳият ва илғор технологияларни эгаллаган инсонларгина ўз олдимизга қўйган стратегик тараққиёт мақсадларига эришиши мумкин эканлиги ҳамиша ўзимизда тасаввур этиб келмоқдамиз”. Шундай экан таълим тизимини жаҳон андозалари асосида такомиллаштириш, талабаларни соғлом фикр, янгича тафаккур, илмий билим билан қуроллантиришда олий таълим тизимида замонавий инновацион технологиялардан самарали фойдаланиш, таълим тизимдаги мавжуд муаммоларни излаб топиш, уларни бартараф этиш, янги лойиҳаларни ишлаб чиқиш, уларни жорий этиш билан боғлиқ жараёнларни амалга ошириш имконини беради. Ўзбекистон Республикаси замонавий тараққий этган мамлакатлар қаторига қўшилишга интилиши ундан тез ўзгариб турувчи меҳнат бозори эҳтиёжларига мослашишга қодир бўлган олий таълим тизимини яратишини талаб этади. Олий ўқув юртларини ривожлантириш ва улар томонидан сифатли таълим берилишини таъминлаш, рақобатни кучайтириш заруратга айланди.

“Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”нинг қабул қилиниши мамлакатимиздаги таълим тизимини босқичма-босқич жаҳон таълим жараёнига қўшилиб боришини таъминламоқда. Ўзбекистон ўз миллий таълим моделини яратар экан, ривожланган давлатлар жаҳон тажрибасини ўрганиб, олий таълим тизимини жорий этиш жараёнида бир қанча ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бунинг мисоли сифатида дунё тажрибаларидан бири Болонья жараёнини келтиришимиз мумкин. Болонья жараёни олий таълим сифатини такомиллаштиришга таъсир кўрсатувчи, рағбатлантирувчи жараёндир. Мамлакатимизда олий таълим тизимида олий ўқув юртларини аттестация қилиш орқали амалга оширилади. Болонья жараёни Европада олий таълимнинг ягона маконини яратиш мақсадида қитъа мамлакатларининг таълим тизимларини яқинлаштириш ва уйғунлаштириш жараёнидир. Ушбу жараённинг асосий мақсади Европанинг иқтисодий қудратини таъминлашга қодир ягона бўлган таълим тизимини яратишдан иборат. Таълим жарёнини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг самарадорлигини ошириш, юксак касбий маҳоратга эга бўлган, маънан етук, масъулиятли, адолатпарвар, инсоний фазилатлари юқори, инновацион технологиялар асосида дарсларни ташкил эта оладиган педагог кадрларни тарбиялаш ва уларни таълим жарёнининг фаол иштирокчиларига айлантиришимиз олдимиздаги асосий мақсадимиз бўлмоғи зарур.

Ўрта Осиё мутафаккирлари ал-Бухорий, ат-Термизий, Ахмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, ибн Сино каби буюк аждодларимизнинг илмий-назарий меросларида ўқитувчилар ва таълим олувчилар орасидаги хамкорлик, дўстона муносабат масалаларига алоҳида эътибор қаратишган. Яъни турли изланишлар орқали хамкорликдаги фаолиятни жамоадаги ижтимоий-психологик муаммоларини ўрганишга, тадқиқ этишга ҳам урғу беришган. Таълим жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш, таълимдаги ўзгаришларни ташкил этиш, инновацион педагогик технологиялар учун зарур бўлган шарт-шароит масалаларини Европа олимларидан Х.Барнет, Ж.Бассет, Д.Гамильтон, Н.Гросс, Р.Карлсон, М.Майлз, Р.Эдемлар тадқиқотларида таҳлил қилишган.

Талим жараёнини ташкил этиш ва уни бошқариш ҳар қандай раҳбардан зарур билим, малака, тажриба ва бир қатор жиҳатларининг шаклланганлигини талаб қилади. Кузатув ва тажрибалар давомида уч типга ҳос раҳбарларни кўриш мумкин. Кузатишлар натижасининг кўрсатишича, раҳбарликнинг энг самарадор типи демократик услуб ҳисобланар экан. Бунда бошқарувчининг раҳбарлик функцияларини жамоа фикри билан ҳисоблашиб амалга ошириши, гуруҳ аъзолари билан ҳамнафас ишлаши, уларнинг фикрини эшитиши ва кўпчиликка суяниб қарорлар қабул қилиши тадқиқотда иштирок этган ходимлар томонидан қўллаб-қувватланиши исботланди. Чунки, бунда, раҳбарлик услуби бўйсунувчиларнинг шахсий фаолиятини ривожлантиради, жамоада ўртоқлик ва ишчан муҳитни яратади.

Тадқиқот натижаларида ишчи-ходимлар томонидан раҳбарликнинг авторитар услуби кўпҳам ёқтирилмаслиги аниқланди. Уларнинг изоҳлашларича, авторитар раҳбарнинг ўз иродасига бошқаларни бўйсундиришга ҳаракат қилиши, масъулиятли қарорларни фақат ўзи қабул қилиши, назоратини ҳам ўзи олиб

бориши ходимларга бироз ёқмайди. Авторитар раҳбарларнинг буйруқ чиқариш, қарор қабул қилиш, ходимларга жазо бериш ёки рағбатлантиришда жамоа фикрини ҳисобга олмаслиги, уни жамоадан ўзини узоқ тутади, жамоа аъзоларини бевосита мулоқотда бўлишини чегаралаб қўяди. Тадқиқотчилар либерал раҳбарлик услуби ҳақида ҳам ўз фикрларини билдириб, бундай раҳбар бошқарувидаги жамоада ишлаш ҳар доим ҳам ёқимли эканлигини таъкидлаганлар. Ҳар қандай раҳбар учун универсал, керак бўлган ҳислатлардан яна бири том маънода "зиёли" бўлиш, ёки, бошқача қилиб айтганда, маданиятли бўлишдир. Бошлиқ ўзидаги маданиятни аввало муомалада, одамлар билан бўладиган кундалик мулоқотларда намоён этмоғи лозим.

Муомала маданияти – бу ўринли, аниқ, қиска, самимий гапириш санъати ва иккинчи томондан, суҳбатдошни тинглаш қобилиятидир. Чунки, бошлиқ билан ходимлар ўртасида келиб чиқадиган шахсий зиддиятларнинг асосида ё тинглай олмаслик ёки гапни тўғри йўсинда гапира олмаслик ётади. Ўзганинг ўрнига тура олиш, унинг ҳис-кечинмаларига шерик бўлиш, эмпатия ҳиссининг борлиги, диалогларда сабр-тоқатлилик ва бошқалар мулоқот маданиятининг муҳим томонларидир. Жамоа ва ўз фаолиятини режалаштириш қобилияти раҳбар учун муҳим бўлган талаблардан биридир. Юқорида айтиб ўтилган раҳбарлик сифатлари ичида энг муҳими, табиийки, психологик маҳоратни талаб этгани –одамлар билан ишлаш маҳоратидир. Жамоа аъзолари билан самарали ишлаш учун эса бошлиқ уларнинг психологиясини, ҳар бир аъзо психологиясини ва гуруҳ психологиясини яхши билиши зарур, чунки "ўзгалар психологиясини билиш улар устидан ҳукмронликнинг ягона йўлидир", - деб ёзишган эди инглиз олимлари. Ижтимоий психологиянинг бу борада ҳам яхши воситаси – ижтимоий психологик тренинг услуби борки, унинг ёрдамида одамлар билан ишловчилар жамоани бошқаришнинг турли усулларига муваффақиятли тарзда тайёрланмоқдалар.

Олимлар табиат сирларини ўрганиш, таълим-тарбия ишлари билан шуғулланиши, омма ўртасида адолат қоидалари, одоб-ахлоқ нормаларини тарқатиш билан шуғулланиши бошқалардан илгариги сафда туриши керак. Уларнинг маслаҳатларидан давлат муассасалари бошқарувчилар фойдаланиши муҳим, деб уқтиради.

Буюк шоир ва давлат арбоби Алишер Навоийнинг сиёсий қарашларида одил ҳукмдорларга, эл юртга адолатли тузум ўрнатилишига қатъий ишонч, катта умид гавдаланади. Шоирнинг фикрига кўра, давлатни бошқарадиган ҳукмдор яхшилик, эзгулик билан ном чиқариши, саводхон, илмли, хусусан тарихни яхши билиши, энг муҳими - ахлоқан пок бўлиши зарур. Навоийнинг назарида, адолатли, одил подшоҳ – буюклик тимсолидир. Адолатли подшоҳ ҳақ таоллонинг ҳалойиққа кўрсатган марҳаматидир. Адолатли подшоҳ мамлакат учун тинчлик ва фаровонлик сабабчисидир. Алишер Навоийнинг таъкидлашича, давлат бошида турган раҳбар шароитга қараб иш юритиши, зарур бўлса, юмшоқ, лозим бўлганда қаттиққўл, “яхшига-яхшию, ёмонга-ёмон” бўлмоғи, шошма-шошарликка йўл қўймаслиги, айниқса жазо тайинлаш ва унинг ижросидан хушёр бўлиши, хусусан озгина айб қилиб қўйган гуноҳкорга меъёридан ортиқ жазо бермасликни, мабодо гуноҳкор қатл

этиладиган бўлса, ижрони мумкин қадар кечиктириб бажаришни, чунки айбдор, ўлганидан сўнг уни тирилтириб бўлмаслигини уқтиради.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда шуни айтиш мумкинки, олий таълим муассасаларида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқаришда раҳбар ходимнинг ақл-заковати, салоҳияти, мустақил қарор қабул қила олиш қобилияти, чуқур билимга эгалиги, ўзига бўлган ишончи, фаоллиги ва аниқ мақсадга эгалиги, муаммоларни ўз вақтида бартараф эта олиши, турли экстремал вазиятлар ҳамда қаршиликларга бардошлилиги каби хислатлари муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасида Олий таълим муассасаларида таълим тарбия жараёнини самардролиги ва сифатини ошириш борасида бир қатор ишлар амалга ошириб борилаётган пайтда таълим жарёнини бошқаришда раҳбар ва педагог кадрларнинг имижи катта аҳамият касб этишини таъкидлаш жоиз.

Ушбу мақолада Олий таълим муассасаларида раҳбар ва педагог кадрларнинг имижи, яъни уларнинг салоҳияти, билим ва кўникмалари, тажрибалари, нутқ, муомала маданияти, ҳулқ-атвори, жамоадаги обрўси, ҳамда уларга қўйилган талаблар, таълим жарёнидаги асосий вазифалари, улардаги ташаббускорлик, аждодларимизнинг бой тажрибалари кўриб чиқилди. Бир сўз билан айтганда ҳозирги кунда Олий таълим тизимида изчил равишда олиб борилаётган ислоҳотлар даврида педагог кадрларнинг инсоний фазилатлари, билим ва кўникмалари, ички ва ташқи дунёси, нотиқлиги, касбий маҳорати, салоҳияти, бошқарувчилик қобилияти, қарор қабул қилиш борасидаги тажрибалари асосида таълим-тарбия жараёнини ташкил этиш ва уни бошқаришда жиддий ўрни ва аҳамияти бор.

Қўлланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги Қонуни.
2. 29 август, 1997.
3. “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури тўғрисида”ги Қонуни. 29 август,
4. Захарова С.Н. Имидж педагога как составляющая профессиональной компетентности. Молодой ученый.2016. -№5.1.
5. Маҳмудов И. “Бошқарув психологияси”. Тошкент, 2006.
6. Мусурмонова О. Таълим менежерининг касбий компетентлиги ва креативлиги модулининг ўқув-услубий мажмуаси. Тошкент, 2015.
7. 6.Назаров Қ., Содиқова Ш. Имижеология. Тошкент: Академия. 2010.

ИНТЕГРАТИВ ТАЪЛИМ ТЎҒРИСИДА БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИДА ЭКОЛОГИК ТУШУНЧА ВА ТАСАВВУРЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ

Мусурмонова Шаҳло Илҳомовна
Гулистон давлат университети докторанти

Аннотация: *Мақолада интеграция, интегратив таълим, табиатшунослик дарсларида фойдаланиш мумкин бўлган интегратив жараёнлар ҳамда экологик тушунча ва тасаввурлар ҳақида фикрлар берилган. .*

Калит сўзлар: *интеграция, интеграцион фаолият, интеграцион жараён, бошланғич таълим, интегратив усуллар, экологик тушунча, табиатшунослик, атрофимиздаги олам.*

ФОРМИРОВАНИЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИХ ПОНЯТИЙ И ПРЕДСТАВЛЕНИЙ У УЧАЩИХСЯ НАЧАЛЬНОЙ ШКОЛЫ ОБ ИНТЕГРАЦИОННОМ ОБРАЗОВАНИИ

Мусурмонова Шахло Ильхомовна
Он является докторантом Гулистанского государственного университета.

Аннотация*: В статье дается понимание интеграции, интегративного образования, интеграционных процессов, которые можно использовать на уроках естествознания, а также экологических концепций и концепций.*

Ключевые слова: *интеграция, интеграционная деятельность, интеграционный процесс, начальное образование, интегративные методы, экологическое сознание, естественные науки, окружающий мир.*

FORMATION OF ECOLOGICAL CONCEPTS AND CONCEPTS OF INTEGRATED EDUCATION IN ELEMENTARY SCHOOL STUDENTS

Musurmonova Shahlo Ilkhomovna
He is a doctoral student at Gulistan State University.

Annotation*: The article gives an understanding of integration, integrative education, integration processes that can be used in science lessons, as well as environmental concepts and concepts.*

Keywords: *integration, integration activity, integration process, primary education, integrative methods, environmental consciousness, natural sciences, the world around.*

Бугунги кунда фан-техника жадал суръатларда ривожланиб, инсон ва табиат ўртасидаги табиий мувозанат бўзилаётганлиги, табиатга нисбатан жамият аъзоларида ғамхурлик суст аҳволга келиб қолганлиги оқибатида атроф муҳитга катта зиён етмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотлар, таълим соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари, мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ истиқболи учун зарур вазифаларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, бунда ёшларнинг таълим тарбияси энг устувор масалалардан ҳисобланади.

Аҳоли экологик маданиятини бошқариш ва назорат қилиш каби муҳим масалалар кун тартибига кўтарилмоқда. “Энг муҳим масала – аҳолининг экологик

маданиятини ошириш ҳақида жиддий бош қотиришимиз зарур. Албатта, бундай муаммоларни фақат маъмурий йўл билан ҳал этиб бўлмайди, бунга ёш авлод қалбида она табиатга меҳр-муҳаббат, унга дахлдорлик ҳиссини тарбиялаш орқали эришиш мумкин”[41]. Шу боис келажагимиз бўлмиш ёш авлод тарбияси ҳар бир оила олдидаги масъулиятли бурч бўлиши билан бирга фарзандларимизни замонавий талаблар даражасида таълим-тарбия олган баркамол авлод, комил инсонлар этиб тарбиялаш биз педагог кадрларнинг асосий вазифамиздандир.

Бошланғич синфларда ўқув жараёни фойдаланилаётган усул, услуб ва шаклларнинг турли-туманлиги билан ажралиб туради.

Интегратив таьлимда – фанлараро билимларни (интегратив билимларни) чуқурлаштириш ва ошириш, уларни шакллантириш ўрганилади.

Интегратциялашган таълим-тарбия, фанлараро алоқаларнинг айрим жиҳатлари машҳур педагогларимизнинг (Й.А.Коменский, Д.Локк, И.Гербарт, М.Песталотстси, К.Ушинский ва бошқалар) ишларида кўриб чиқилган.

«Интегарация» сўзи лотинча интегратио-тиклаш, тўлдириш, «интегер» бутун сўзидан келиб чиққан.

Иккита тушунчага эгамиз: тизим, организмнинг алоҳида табақалаштирилган қисм ва вазифаларининг боғлиқлик ҳолатини билдирувчи тушунча ва шу ҳолатга олиб борувчи жараён [3;258].

Табақалаштириш жараёнлари билан бирга амалга оширилаётган фанларни яқинлаштириш жараёни. Интеграциялаш мобайнида бир-бирига боғлиқлик ҳажми ошади ва тартибга тушади, шу тизим қисмларнинг ишлаши ва ўрганиш объектининг яхлитлигини тартибга солинади.

Бу умумий қоидаларни қандай қилиб мактаб таълимида қўллаш мумкин? Замонавий дидактик ва методикада таъкидланишича, ўқувчиларни ўқитиш, ривожланиши ва тарбиясининг муваффақиятлари уларнинг дунёнинг бирлиги ҳақида тушунчанинг шаклланганлиги, ўз фаолиятларини умумий табиат қонунлари асосида йўлга солиш заруриятини тушунишлари, табиатшунослик курсида предментлараро ва предметлар ичидаги алоқаларни еча олишлари билан боғлиқ. Таълимдаги интеграция ўқув предметлари мазмунини конструктсиялашга тизимли ёндошиш орқали кўриб чиқилади. Интеграциянинг турли даражалари ажратилади: бошланғич - табиат ҳақидаги элементлар билимларни бирлаштиради; оралиқ - предметлар бўлимларини бўлиш интерграцияси; якуний - табиатшуносликни ўрганиш билан боғлиқ бўлган таълимнинг охирги босқичи интеграцияси.

Интегратив таълимнинг мақсади болани дунё билан суҳбатга тортиш, инсон табиат, жамият, фан, санъат билан сухбатлашишга фақат одамлар суҳбатлашадиган тил билангина эмас, ҳайвонлар, ўсимликлар тили билан, рассомлар, мусиқачилар, олимлар фойдаланадиган тил билан таништиришдир.

Кичик мактаб ўқувчисига фикр доираси кенг бўлган мулоқот санъатининг бошланғич саводини эгаллашда ёрдам бериш. Бу савод ўз ичига одамлар билан

[41] Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. Б-570.

мулоқотдан тортиб (тенгдошлар, катта ёшдагилар, кичик ёшдагилар) ўзи-ўзи билан мулоқотдан то атроф- муҳитдаги ҳодисалар билан мулоқотни киритади.

Интегратив таълимнинг мақсадларидан яна бири ўзи яшаётган олам ҳақида нарса ва ҳодисалар орасидаги боғлиқлик, ўзаро ёрдам, моддий ва маданиятнинг турли-туманлиги ҳақида кенг ва энг асосийси, инсоннинг ички (маънавий) ва (ижтимоий) дунёси ҳақида, оламда ҳукм сурувчи қонунлар (табиий, илмий, тарихий, ахлоқий) ҳақида тушунча беришдан иборат. Асосий урғу фақат маълум билимларни эгаллашгагина эмас, балки образли фикрлашни ривожлантиришга берилади. Оламнинг умумий кўриниши товушлар, образлар, ранглар орқали таништирилади, бола эса ҳам дунёни, ҳам ўзини ўрганувчи, текширувчи ўрнига қўяди.

Мураккаб дунёқарашлар илмий, бадиий ғоялар бола тушуниши учун қулай, образли мавзуларда ўз аксини топган, улар йил мундарижасини тузишга имкон беради. Бир тартибга солинган тизим бу интегратив таълимнинг ўзига хос хусусиятидир. Бундай ўйинларга ёндошиш 6-10 ёшдан бошланади. Бу хол уларни турли ўйин орқали мураккаб билим орттириш, бадиий, ахлоқий масалаларни ҳал қилишга ёрдам беради.

Интегратив таълим шахсга мосланган йўналишга эга фақатгина синф ёки гуруҳга эмас, ҳар бир болага аҳамият бериладиган қилиб ишни ташкил этиш назарда тутилади. Бунда унинг шахсий фазилатлари, қобилиятлари алоҳида кўрсатилади, унинг қизиқишлари ҳисобга олинади. Шу мақсадда «Ўз юлдузингни ёқ», «Гулдастада сенинг гулинг», «Сен севган китоб» каби ўйинлардан фойдаланиш мумкин. Ўйин давомида диққат-еътибор биргина болага қаратилади. (Масалан, туғилган куни муносабати билан осмонда янги ёритилган юлдуз унинг номи билан аталади ёки катта гулдаста байрам эгасига ёқадиган гул билан бойийди). Севимли китоб эса синф кутубхонасини тўлдириш билан бирга эгасининг (имзоси) га эга бўлади. Кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг қизиқиш ва қобилиятларига мослашиш уларнинг бадиий фаоллигини ривожлантиришни тақозо қилади. Билим олиш, бадиий ҳаётий масалаларни ҳал қилишда ўзига хосликни, уддабуронликни, эпчилликни рағбатлантириш назарда тутиляпти. Шу муносабат билан болаларнинг шеър ва ҳикоялар ёзиш, янги рақс ўйлаб топиш, ширин таом пишириш, бирор асбоб яратиш, ўсимликлардан шакллар яратиш каби мустақил ижодиёт турли йўллар билан рағбатлантириб бориш тақозо этилади.

Интеграция - предметли билимлар чегарасида янги тасаввурларини қабул қилиш воситаси. Биринчи навбатда табақалаштирилган билимлар орасида билмаган жойларни тўлдириш, улар орасидаги алоқаларни ўрнатиш лозим.

У таълим олувчининг билимини оширишга, таълимдаги тор ихтисослаштиришни янгилашга йўналтирилган. Шу билан бирга интеграция таълимининг классик ўқув предментлари ўрнини эгаллаш керак эмас, у фақат олинаётган билимларни яхлит бир тизимга бирлаштириши керак, холос. Муаммонинг қийин томони интеграциянинг таълим бошидан охиригача динамик ривожлантиришдадир. Агар бошида «ҳамма нарса тўғрисида озгина билиш» лозим бўлган бўлса, кейинчалик тарқоқ билим ва кўникмаларни бирлаштириш керак

бўлади ва охирига келиб «озгина нарса тўғрисида ҳаммасини билиш» керак бўлади, яъни бу янги интеграция даражасидаги ихтисослаштиришдир.

Давлатимиз томонидан амалга оширилаётган экологик сиёсат натижаларидан бири сифатида инсон саломатлиги ва экотизим барқарорлашувига хавф даражаси юқори бўлган ҳудудларда атроф-муҳитнинг яхшиланганини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Ўқувчи-ёшларда экологик тушунчаларини шакллантириш ахён-ахёнда тарбиявий тадбирлар орқали амалга ошириладиган тарбиявий иш эмас. Ҳозиргача мактабларимиз ўқувчиларга экологик тарбия беришнинг илғор ва самарали шакллари, методлари ва воситалари, мазмунини яратиш ва қўллаш борасида мақтовга арзигулик ишларни амалга оширдилар. Президентимиз Ш.Мирзиеёв таъкидлаганидек Тарбия ишларида интегратив ёндашув, яъни ҳамкорликда ва манзилли ёндашув қарор тортирилмоқда. Маънавий – маърифий фаолиятда давлат ва жамоат ташкилотлари, аввало Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг куч ва имкониятларини бирлаштириб, тизимли иш олиб бориш зарурлиги устувор вазифасида белгиланади [2;27].

Атроф-муҳитнинг тозалигини таъминлаш ўзимизга боғлиқ. Тоғлардан келадиган сув тиниқ, соф бўлади, лекин баъзи кимсаларнинг ўйламай-нетмай оқаваларни, ахлатларни ташлашлари натижасида сувларимиз ифлосланади. Таътил кунлари болалар шу ифлос сувларда чўмиладилар ва турли касалликларга чалинадилар.

Табиат – ёш авлодни тарбиялашнинг таъсирчан воситаларидан бири, у эзгулик, инсонийликни ҳис этиб, гўзалликни кўриш ва тушуниш, кузатувчанлик, табиат қонунларини ўрганишга интилиш, меҳнатсеварлик, ўзининг жонажон ўлкасини, Ватанини севиш каби кўпгина характер белгиларини уйғотиш ва ривожлантириш имконини беради.

Интегратив таълим асосида бошланғич синф ўқувчиларида экологик хавфсизлик тушунчаларини шакллантиришни муваффақиятли йўлга қўйиш учун бўлажак ўқитувчиларни ўқувчиларга экологик таълим беришга тайёрлаш механизмини модернизациялаш лозим. Бунинг учун мактаб базасида экологик ўқув–тажриба–синов майдончаларини ташкил этиш зарур. Ўқувчиларнинг экологик майдончалардаги фаолиятлари, экологик билимларнинг мустаҳкам ўзлаштирилиши ва уларга риоя этилиши, табиатга нисбатан эҳтиёткорона ахлоқий муносабатнинг шаклланишига имкон бериши керак. Ўқитувчи илмий-методик жиҳатдан ўқувчиларга экологик билим бериш маҳоратига эга бўлса, таълим самарадорлиги ошади. Атроф муҳитга нисбатан онгли муносабат руҳида тайёрланади.

Биз педагоглар, ўқитувчилар зиммасига бой ва саховатли Она диёримиз Ўзбекистон табиатини кўз қорачиғидай асраб-авайлаш, унинг бойликларидан оқилона фойдаланиш, атроф-муҳит ифлосланишининг олдини олиш, унинг мусаффолигини таъминлаш мақсадида келажагимиз эгалари ёш авлодни ҳам маънавий, ҳам жисмоний жиҳатдан соғлом, баркамол ворислар қилиб тарбиялаш каби ғоят масъулиятли вазифа юклатилган.

Инсон ва жамиятнинг табиатга акс таъсири кучайиб кетди. Оқибатда табиат билан жамият ўртасидаги мувозанат бўзилди, экологик танглик юзага келди. Экологик тангликни олдини олмаслик қатор экологик муоммоларни келтириб чиқарди. Бу даврнинг асосий хусусияти шундан иборатки, экологик муоммолар умумбашарий тус олди [4;17-18].

Буларни интегратив таълим орқали ўрганиш, ёшлар табиат ва инсон ўртасидаги муносабат, уларнинг ўзаро алоқадорлик ва бирлик моҳиятини, атроф муҳитга муносабатни, табиат муҳофазаси йўлида амалга оширилаётган хатти-ҳаракатларини таҳлил этиб, экологик муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлган омилларни аниқлашга ҳаракат қилади. Мазкур ҳолат эса бошланғич синф ўқувчиларида экологик билим ва тушунчаларнинг шаклланишига замин ҳозирлайди. Хулоса қилиб айтганда, бошланғич синф ўқувчиларида интегратив таълим тўғрисида экологик тушунча ва тасаввурларни шакллантириш оркали мураккаб дунёқарашлар, илмий, бадиий ғоялар бола тушуниши учун қулай, образли мавзуларда ўз аксини топган, ўзи яшаётган олам ҳақида нарса ва ҳодисалар орасидаги боғлиқлик, ўзаро ёрдам, моддий ва маданиятнинг турли-туманлиги ҳақида кенг ва энг асосийси, интеграциялашган дарслар асосида ўқувчининг ўқув материалларини ўзлаштиришда оламни бир бутунликда эканлиги, табиатдаги мавжуд ўзгаришлар бир-бири билан боғлиқликда эканлиги ҳақида таълимотга эга бўлишади.

Фойдаланилган адабиётлар руйхати.

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1- жилд. – Тошкент.: Ўзбекистон, 2017. б. 570.
2. Мирзиёев Ш.М. Харакатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари Тошкент-2017. б. 26-27.
3. Мавлонова Р., Вохидова.Н., Рахмонқулова Н. Педагогика назарияси ва тарихи.Т.:"Фан ва технология", 2010. б. 258.
4. Исақулова Н. Ж. Бошланғич синф ўқувчиларида экологик тарбияга оид тушунчаларни шакиллантиришнинг илмий педагогик асослари. Пед.фан.номз. ...дисс.- Т.: - 2006.-17 б.

ТАЛАБАЛАР ИЖТИМОИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИЖТИМОИЙ-ПЕДАГОГИК ОМИЛЛАРИ

Эватов Саминжон Собирович
Фарғона давлат университети педагогика кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада тарихий-маданий, миллий асосларнинг ўзаро алоқадорлигини таъминлаш ва умумлаштириш асосида талабаларда ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг педагогик омиллари таҳлил қилинган.*

Key words: *олий таълим, талаба, компетенция, ижтимоий компетенция, ижтимоий фаоллик, ижтимоий компетенция компонентлари, ижтимоий компетенцияни шакллантириш, ижтимоий компетенцияни ривожлантириш.*

СОВРЕМЕННЫЕ СОЦИАЛЬНО-ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ ФАКТОРЫ РАЗВИТИЯ СОЦИАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ

Эватов Саминжон Собирович
Ферганский государственный университет преподаватель кафедры педагогики

Аннотация: *В статье проанализированы педагогические факторы развития социальной компетентности у студентов на основе обеспечения взаимосвязи и обобщения историко-культурных, национальных основ.*

Ключевые слова: *высшее образование, студент, компетенция, социальная компетенция, социальная активность, компоненты социальной компетенции, формирование социальной компетенции, развитие социальной компетенции.*

MODERN SOCIAL AND PEDAGOGICAL MEASURES FOR THE DEVELOPMENT OF SOCIAL COMPETENCE AMONG STUDENTS

Evatov Saminjon Sobirovich
Fergana State University teacher of the department of pedagogy

Annotation: *the article analyzes the pedagogical factors of the development of social competence in students on the basis of ensuring and generalizing the interrelationships between historical, cultural and national foundations.*

Key words: *higher education, student, competence, social competence, social activism, components of social competence, formation of social competence, development of social competence.*

Ижтимоий компетентлик – ижтимоий муносабатларда фаоллик кўрсатиш кўникма, малакаларига эгалик, касбий фаолиятда субъектлар билан мулоқотга кириша олишдир[1]. Ф. Д. Гарбовнинг [2, б. 18] тадқиқотларида маълум бўлишича маълум шароитларда жамоа бўлиб, бир-галикда ишлаш ўзаро ҳаракатда иштирок этаётган гуруҳнинг ҳар бир аъзо-си шахснинг шаклланишига имкон беради. Бу биргаликдаги фаолият жипслашган гуруҳларда рўй беради.

Ижтимоий компетенция талабанинг ижтимоий субъект сифатида ижтимоий фаолият жараёнида ўз ахлоқий имкониятини амалга ошириш лаёқатидир. Шахснинг хусусияти ва унинг жўшқин тузилмаси бўлган ижтимоий компетенция турли даражада намоён бўлади[3, 3 б].

Кўпгина педагог олимлар ижтимоий компетенцияни эҳтиёжлар, қизиқишлар, мақсад ва идеалларга мос равишда ижтимоий шарт-шароитларни ўзгартиришга, ижтимоий инновацияларни илгари суриш ва амалга оширишга, ўзида зарурий ижтимоий сифатларни шакллантиришга йўналтирилган методлар, иш тартибининг мажмуи сифатида қабул қилади [4, 8 б].

Ж.Туленов ёшларда ижтимоий компетенция мазмуни ижтимоий-миллий онглилик, фаоллик, миллий ғурур, ифтихор туйғуси компонентларидан ташкил топишини, Қ.Қ.Куранбоев ёшлар ташкилотлари мисолида талабаларнинг маънавий-ижтимоий компетенцияларини ривожлантиришнинг педагогик асослари, М.Махмудова кичик ёшдаги ўқувчиларда ижтимоий компетенцияни тарбиялаш, Ф.Қаноатова ўқувчи-ёшлар интеллектуал компетенциясини оширишда

халқ таълими тизимининг ўрни, А.Акрамов шахсга йўналтирилган таълим технологиялари асосида бўлажак ўқитувчиларнинг фуқаролик позициясини ривожлантиришнинг ташкилий-методик асосларини такомиллаштириш, И.Р.Сафарбуваева ўқувчи шахсини фаоллаштиришда миллий менталитет элементларидан фойдаланишнинг педагогик асосларини тадқиқ этганлар.

Шахс ижтимоий камолотида Шарқ мутафаккирларининг қарашлари, шунингдек, ёшлар ижтимоий компетенциясини ривожлантириш муаммолари бўйича олиб борилган тадқиқотлар мазмунини ўрганиш асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Шахс ижтимоий камолоти ижтимоий муносабатлар жараёнидаги иштироки даражасига боғлиқ бўлиб, унинг ижтимоий борлиққа муносабатини белгилайди;

2. Ёшлар, хусусан, талабалар ижтимоий компетенцияларини ривожлантириш шахс умумий камолотини таъминлаш ҳамда жамият ижтимоий тараққиётини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга бўлса-да, бугунги кунга қадар яхлит педагогик жараён сифатида тадқиқ этилмаган.

Ушбу муаммонинг педагогик аспекти таълим ва тарбия жараёнида шахс ижтимоий компетенциясининг янада муваффақиятли ривожланишига ёрдам берадиган шароитларни аниқлаш ва ўрганишни ўз ичига олади.

Ижтимоий компетенция мураккаб ва интеграл фазилат бўлиб, у ўзида ҳаётий фаолият сифатларининг бутун мажмуини ифода этади. Ижтимоий компетенцияни ривожлантириш жараёни мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида миллий, диний, тарихий, ахлоқий ва ҳуқуқий омиллар билан узвий боғлиқ. Шу маънода, миллий ва диний қадриятлар нафақат халқнинг фалсафий, тарихий-маънавий мероси, балки баркамол шахсни тарбиялаш ва ривожлантиришнинг ҳам муҳим омили ҳисобланади.

Ижтимоий компетенция субъектнинг жамоа, гуруҳ ва уюшмалар билан мулоқотда бўлиш, атрофидагилар билан ҳамкорлик қилиш, тенгдошлари ва катта-кичик олдида маълум мажбуриятларни ижодий бажариш, тадбиркорлик кўрсатиш, ижтимоий ҳаётни демократлаштириш ва бошқа жараёнларда фаол иштирок этиш малакаларини ўз ичига олади. Компетенциянинг юқори даражаси инсоннинг шахсий такомиллашишига, яъни индивидуал ривожланиши, такомиллашишига йўналган онгли ва тизимли фаолияти – ўз-ўзини тарбия қилишга интилишдир. Ижтимоий компетенция инсонда бирданига шаклланмайди, балки умри давомида камол топиб боради. Шахс фаолияти маънавий ишлаб чиқариш соҳаси билан белгиланган ҳолда ҳам онгнинг, ҳам ўз-ўзини англашнинг шаклланиши ва намоён бўлишини, шунингдек, тафаккур фаолиятини қамраб олади.

Юқоридаги фикрларга асосланиб, ижтимоий компетенция тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: ижтимоий компетенция - шахснинг атроф-муҳит, жамиятда кечаётган жараёнларга бўлган муносабатларининг интеграл тизими бўлиб, унинг индивидуал-типологик ва умри давомида шаклланиб борувчи ижтимоий шартланган хусусиятлари билан характерланади.

Талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантиришнинг фалсафий, ижтимоий-сиёсий, диний, миллий-маънавий, педагогик-психологик омилларини

кўрсатиш мумкин. Жумладан, фалсафий омиллар ижтимоий-сиёсий, миллий-маънавий жиҳатдан таҳлил этилганда, у тараққиётнинг “ўзбек модели”, 2017-2021 йилларда Ўзбекистонни янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси, ижтимоий компетенцияни ривожлантириш жиҳатларини ўз ичига қамраб олади. Психологик омиллар интеллектуал, эмоционал ва мотивацион соҳа билан алоқадорликда таҳлил этилиб, мотив, мақсад, ҳис-туйғулар, шахслик сифатларни ўз ичига олади. Педагогик омиллар таркибига эса миллий тарбия, тарбия парадигмалари, мулоқот, ахборот маданияти, ижтимоийлаштиришга тайёргарлик кабилар киритилади.

Талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантиришда қуйидаги омилларга асосланиш зарур:

- ўз-ўзини англашнинг юксак даражаси;
- фуқаролик, ўз қадр-қимматини ҳис қилиш, ўзини ҳурмат қилиш, интизомлилик, тўғрилик;
- маънавий қадриятларга эътиборлилик;
- қарорлар қабул қилишда мустақиллик ва маъсулиятни ҳис қилиш;
- ҳаётий фаолият мазмунини эркин танлаш;
- меҳрибонлик, яхшилик; альтуризм, сабрлилик, чидамлилик, камтарлик;
- осойишталик, яхши қўшничилик, миллий ва умуминсоний қадриятларни тушунишга интилиш;
- билиш ва ўз-ўзини англаш, гўзаллик, рефлекция, мулоқот ва ҳаёт мазмунини чуқур тушунишга эҳтиёж;
- ички дунё автономияси, яхлитлик; ривожланган қобилиятлар;
- фаолият ўзгартирувчи илмий билимлар, малакалар, кўникмалар, интеллект, институция, ижодий ҳаётга эҳтиёж;
- иқтисодиёт асосларини билиш;
- меҳнатсеварлик, тежамкорлик;
- чет тилларни ўрганиш;
- миллий ва диний урф-одатларни билиш;
- соғлом турмуш тарзи;
- жисмоний тобланиш;
- эстетик дид, яхши амаллар;
- озодалик, атроф-муҳитни ободонлаштириш ва оила фаровонлигини таъминлаш; эрудиция, компентентлилик;
- тадбиркорлик, рақобатбардошлилик, бошқариш қобилияти;
- киришимлилик;
- ижодий профессионал фикрлаш қобилияти, тарихни, турли халқлар маданиятини билиш ва ҳоказо.

Шундай экан, шахс ижтимоий компетенцияси ривожланишида унинг индивидуаллиги намоён бўлади. Олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий компетенция уларнинг ижтимоий-сиёсий, меҳнат, билиш жараёнлари, кундалик турмуш тарзи, муайян билимлар ҳажми ва жамиятдаги ахлоқ меъёрларини ўзлаштириши орқали ривожлантирилиб борилади.

Талабалар ижтимоий компетентлиги ўз олдига мақсад қўйиш, унга эришишда юқори даражада куч-ғайрат, шижоат, жўшқинлик билан фаолият кўрсатиш ва меҳнат қилишида намоён бўлади. Чуқур билим, етарли малакага эга бўлиб, жамият ҳаётида ўзига муносиб жойни эркин эгаллаш ҳамда юқори натижа билан ишлашни ҳам талаб этади.

Ижтимоий компетенцияни ривожлантириш маҳорат ва ишбилармонлик билан кўпгина эҳтиёжларини қондира оладиган бўлажак мутахассисни вояга етказишдир[5]. Бу эса зарарли ва ёт ғояларга, атроф-муҳитга зиён етказувчиларга қарши курашиш, жамият аъзоларига салбий таъсир кўрсатадиган ижтимоий, руҳий, иқтисодий ҳолатларнинг олдини олиш, барқарорлик ва тинчликни сақлаш хусусиятиларини тарбиялашга чамбарчас боғлиқ.

Ижтимоий компетенцияни ривожлантириш асосида давлат ва жамиятга фойдали шахсларни камол топтириш, уларни юрт тинчлигини сақлашга жалб этиш, ўз фаолиятини халқ манфаатларига йўналтириш, бўш вақтини мазмунли ўтказишга эришиш, кучли, адолатли, ҳуқуқий ва демократик жамият қуришга бўлган хоҳиш-иродасини мустаҳкамлашни турмуш тарзининг ажралмас қисмига айлантириш руҳида тарбиялаш вазифаларини амалга ошириш олий таълим муассасаларининг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантириш, ўз навбатида, мазкур жараён самарадорлигини кафолатловчи мезонларни аниқлаштириб олишни тақозо этди. Бу мезонлар: ижтимоий компетенциянинг англанганлик даражасини характерлайдиган ғоявий, маънавий тасаввурларнинг шаклланганлик даражаси; ижтимоий компетенциянинг зарур компонентлари сифатида амалий касбий малакаларни эгаллаш даражаси; ижтимоий компетенция мотивациясининг ривожланиш даражаси; мустақиллик ва ташаббускорлик, топқирлик, тадбиркорликнинг ривожланиш даражаси кабилардан иборат[6].

Талабаларда ижтимоий компетентликнинг ривожланиш даражаси кўрсаткичлари сифатида атрофдагиларига нисбатан меҳрибонлик, ҳозиржавоблик; жамоат ишларида ташаббускорлик; ижтимоий топшириқларда компетенция; оила аъзолари ҳақида ғамхўрлик; мустақилликни тушуниш ва унга интилишнинг мавжудлиги; келгуси фаолиятини режалаштириши ва режага мувофиқ ҳаракат қилиш малакаси; белгиланганларни бажаришда қатъийликнинг намоён бўлиши; ўз ишини ўзи назорат қилиш, таҳлиллаш ва баҳолаш қобилиятларини белгилаш мумкин[7].

Масъулиятлилик – ижтимоий компетенцияни ривожлантириш мезонларидан бири бўлиб, бунда талабанинг масъулият туйғуси билан яшаши, фаолият маҳсулини тўлиқ тасаввур қилган ҳолда ўзи ва ўзгалар учун наф келтиришини англай олиш қобилияти ривожланади. Масъулиятни ҳис қилган талаба ишини доимо пухта режалаштириб, унинг сабаб-оқибатларини олдиндан тасаввур қила олади ва зарур натижага эришиш учун бутун куч ва салоҳиятини сафарбар этишга қодир бўлади.

Ижтимоий компетенцияни ривожлантиришда атроф-муҳитга ёндашув, ижтимоий муносабатларни йўлга қўйиш, ижтимоий-руҳий ҳодисаларга ўз муносабатини билдириш миллий қадриятлар мазмунини англаш, чуқур

маълумотга эга бўлиш, ғоя ва назариялар моҳияти билан танишиш орқали ҳосил қилинган қараш, тасаввур, ҳиссиёт ва эътиқодлар тизими тушунилади.

Талабалар ижтимоий фаолиятини ташкил этиш таълим-тарбия жараёни ташкилотчиларининг мақсадли равишда билим, иқтидор, кўникма, дунёқараш, шахсий қадриятлар тизимини шакллантиришни назарда тутади. Бу тизимни шакллантириш ўқитувчи фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиб, ижтимоий-педагогик, умумпедагогик технологиялардан фойдаланиш, унинг модулини ишлаб чиқиш, интерфаол методларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади[8].

Хулоса қилиб айтганда, олий таълим муассасалари талабаларида ижтимоий компетентликни ривожлантиришнинг яхлит тизими – мутахассислар тайёрлаш тизими; мазмуни, биринчи курсдан касб тайёргарлиги жараёнида шахснинг шаклланиши; бу борадаги аниқ таклифлар; аниқлаш усули – олий таълим муассасаси ўқитувчиси тажрибасига асосланган, асосий восита-ўқув- тарбия жараёнининг касбий йўналиши тавсифланган босқичларни ўз ичига қамраб олган модернизация шароитида ижтимоий компетенцияни ривожлантиришнинг замонавий, тизимли ёндашуви асосида ижтимоий-педагогик мослашуви моделини ишлаб чиқиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар:

1.Родермель Т. А. Феномен компетентности в современном образовании: социокультурный аспект. … дисс.канд. философ.наук. –Томск, 2011. – 168с.
2.Ляудис В. Я. Формирование учебный деятельности студентов. – М., 1989.
3. Мальковская, Т.Н. Воспитание социальной активности старших подростков / Т.Н. Мальковская. - Л., 1974. - 383 с.
4. Сперанский, В.И. Социальная ответственность личности. Сущность и особенности формирования / В.И. Сперанский. - М., 1987. - 402 с.
5.Зимняя И.А.Ключевые компетенции – новая парадигма результата образования//Высшее образование сегодня. 2003.–№5.–С.12-13.
6.Равен Дж. Компетентность в современном обществе: выявление, развитие и реализация./Дж.Равен М.: Когито-центр,2002. –396 с.
7.Anderson, J. (1988). Communication competency in the small group. In R. Cathcart & L. Samovar (Eds.), *Small group communication, A reader.* Dubuque, IA: Wm. Brown.
8.Hutmacher Walo. Key competencies for Europe//Report of the Symposium Berne, Switzerland 27-30 March, 1996. Council for Cultural Cooperation (CDCC) //Secondary Education for Europe Strasburg, 1997.

YOSH O'QITUVChILARNING CHET TILIDA O'QITIShIDA MOTIVATSIYA BERIShNING ZAMONAVIY USULLARI VA YONDASHUVLARI

Yusupova Nargiza Nigmatovna - o'qituvchi,
Chet tillari kafedrasi
Alisher Navoiy nomidagi Toshkent davlat o`zbek tili va adabiyoti universiteti,
Toshkent, O'zbekiston

Annotatsiya. *Maqolada o'quvchilarni motivatsiyani yo'qotish yo'lida ta'sir qilishi mumkin bo'lgan ba'zi omillar, masalan, o'quvchilarni uzoq vaqt qiziqtirmaydigan darslarning noto'g'ri tanlanishi va ular osonlikcha zerikib qolishadi. Bolalar kunning katta qismini o'tkazadigan muhit, shuningdek sinf xonalari o'quvchilarni noqulay, chalg'itadigan yoki bosim ostida his qilmasliklari uchun yoqimli muhit yaratishi kerak.*

Kalit so'zlar: *motivatsiya, faoliyat, tajriba, ijodkorlik, baholash, aloqa.*

СОВРЕМЕННЫЕ МЕТОДЫ И ПОДХОДЫ, ИСПОЛЬЗУЕМЫЕ ДЛЯ МОТИВАЦИИ МОЛОДЫХ УЧИТЕЛЕЙ В ОБУЧЕНИИ ИНОСТРАННОМУ ЯЗЫКУ

Юсупова Наргиза Нигматовна -преподавательница,
Кафедра иностранных языков,
Ташкентский государственный университет узбекского языка и литературы им. Алишера Навои, Ташкент, Узбекистан

Аннотация. *В статье рассматриваются некоторые факторы, которые могут повлиять на учеников на пути к потере мотивации, например, неправильный выбор занятий, которые не сохраняют интерес учеников в течение длительного времени, и им становится легко скучно. Среда, в которой дети проводят значительную часть дня, а также оборудование класса, должны обеспечивать приятные условия, чтобы учащиеся не чувствовали себя неловко, отвлекаться или испытывать давление.*

Ключевые слова: *мотивация, активность, опыт, креативность, оценка, общение.*

MODERN METHODS AND APPROACHES USED FOR MOTIVATING YOUNG LEARNERS IN TEACHING A FOREIGN LANGUAGE

Yusupova Nargiza Nigmatovna - teacher,
Department of Foreign Languages,
Tashkent State University of the Uzbek Language and Literature named after Alisher Navoi, Tashkent, Uzbekistan

Abstract. *The article discusses some factors, which can influence learners on the way to their loss of motivation, for example, inappropriate choice of activities, that do not keep Learners` interest for a long time and they become easily bored. The environment in which children spend a considerable part of the day as well as the class equipment should offer pleasant conditions so that the learners do not feel uncomfortable, distracted or under pressure.*

Key words: *motivations, activity, experience, creativity, evaluation, communication.*

UDC 81-139

Introduction. “Learners` inspiration and excitement can be raised by selecting curiously exercises, for case; it can be misplaced effectively: dull, clearly inconsequential exercises rapidly bore and demotivate youthful learners. I would be more precise to say that more youthful learners’ inspiration is more likely to differ and is more vulnerable to quick encompassing impacts, counting the teacher; that of more seasoned learners tends to be more stable” [4].

Methodology. Teachers ought to take care of over-correcting pupils so that the children don't lose the intrigued to precise themselves. As Harmer claims “however much we do to cultivate and maintain understudy inspiration, ready to as it were, within the conclusion, empower by word and deed, advertising our bolster and direction. Genuine inspiration comes from inside each person, from the student’s themselves” [3].

Educator ought to be mindful of individual conditions of each child. What family is the child developing up in, what kind or companions and individuals is the child encompassed by; moreover natural condition ought to be taken into thought. All these components have an incredible impact on learner’s inspiration. Instructor can raise the Learners` want to work by bringing things that relate to Learners` individual involvement and intrigued those into the learning prepare. For children such a lesson will be much more curiously and fortifying. For occurrence, any side interest the child has can be consolidated into an English lesson [1].

No one needs to fall flat when attempting doing the finest. Disappointment in common is seen as something undesirable. Learners ought to be mindful that they are coming up short in the event that they have done essentially less than they seem have done or on the off chance that they are not making palatable advance. Besides, learners can be essentially propelled by educator weight. They need to do their best since they were told to. In any case, these days the more seasoned learners are not as perplexed of teacher’s reprehension as the more youthful children do. Composed or verbal testing may be a competent way to propel learners to think about. In a few way, they are constrained to do that since the resultant check is critical for them. In expansion, they will ponder more carefully than if they had basically been told to memorize it [5].

Children will frequently be propelled to do their best in order to defeat their adversaries in a competition. In case the competition isn't taken as well genuinely (it can have negative impact and be upsetting for learners, who are not exceptionally great at language), and in the event that scores are at slightest incompletely a result of chance, so that anybody might win, positive motivational viewpoints are upgraded and push brought down.

Concurring to Harmer, inspiration can be characterized as “…some kind of inner drive that energizes some person to seek after a course of action” [2].

Ur reports two diverse sorts of inspiration: inborn inspiration – which brings the motivating force of the learner to lock in within the learning action for its possess purpose. This motivation is made within the classroom and it can be impacted by teacher’s strategies, the exercises that learners take portion in or their discernment of their victory or disappointment.

Ur assist notices outward inspiration – inspiration which is determined from outside motivations; children as of now come to the classroom with this sort of inspiration.

Ur assist separates between 'global', 'situational' and 'task' inspiration. We talk about global inspiration when concerning the learner's eagerness to memorize outside language as an entirety.

Situational inspiration needs to do with classroom conditions, atmosphere or sort of work or the whole environment. It considers moreover the way the learner approaches the particular errand [4].

The educator can consequently the inspiration and intrigued of understudies by giving assist curiously and alluring data and activities concerning the language and its foundation. By no implies has instructor played a really vital part in enacting Learners` inspiration and there are numerous variables that impact the learner's assurance. Instructor ought to give curiously materials that are appealing for children, full of pictures and enthusiastic exercises. As far as materials are concerned it is way better to bring more extra materials to course, so that children don't gotten to be bored with fair one book. Too lauding and fulfilling can offer assistance. Each child in its early age needs to if you don't mind the educator or guardians, do its best and accomplish the objectives effectively. By giving rewards to children they will be elated in doing other errands. Concurring to Ur, inherent inspiration is more critical and profitable than the outward inspiration. When the child is fascinated by the learning movement, for the most part the victory in learning is ensured. The components of victory are escalates by joining discourse or development movement [4].

We completely agree with Harmer, that children ought to feel that the educator truly cares almost them; if they feel upheld and esteemed, they are distant more likely to be persuaded to memorize [1].

Conclusion. The teacher ought to not meddled within the learning prepare as an specialist – on the off chance that conceivable – or ought to or maybe act as a aide or facilitator. Learning exercises given to children must be intentional. Language ought to be utilized as a device of communication by implies of which the movement goals ought to be accomplished.

References:

1. Brown, Douglas H. *Teaching by Principles; an Interactive Approach to Language Pedagogy*. New York: Longman. 2001.
2. Harmer, Jeremy. The Practice of English Language Teaching. -Harlow: Longman.Third Edition.2005.-p205.
3. Phillips S. Young Learners. – Oxford University Press, 1993.
4. Ur P. A course in language teaching. - Cambridge University Press, 1991. 288 p.
5. Бим И.Л. Методика обучения иностранному языку в школе: Учебное пособие. – М.: Просвещение, 2003. –159 с.

РАҚАМЛИ ТАСВИРЛАРНИНГ СИФАТИНИ ЯХШИЛАШ УСУЛЛАРИ ҲАҚИДА

Фозилов Шавкат Ҳайруллаевич[1], Тўхтасинов Мумтозали Тўлқиналиевич[2],
Ғофуржонов Иброхимжон Илхомжон ўғли[3]
[1]ТАТУ ҳузуридаги АКТ илмий-инновацион маркази, техника фанлари доктори, профессор
Тел: 90 9277213, e-mail: shavkat_faz@mail.ru
[2]Наманган муҳандислик – қурилиш институти, техника фанлари номзоди
Тел: 93 9493642, e-mail: mumtozali@yahoo.com
[3]Наманган муҳандислик – қурилиш институти, магистрант
Тел: 99 3242575, e-mail: gofurjanovi@mail.ru

Аннотация: *Турли типдаги рақамли тасвирларнинг сифатини яхшилаш долзарб масаладир. Ушбу мақолада рақамли тасвирларнинг турли типдаги сифат бузилишларида уларнинг сифатини яхшилаш усул ва алгоритмлари келтирилади.*

Калит сўзлар: *рақамли тасвир, тасвирларни қайта ишлаш, сифат ошириш, гистограмма, ёрқинликларни нормаллаштириш.*

О МЕТОДАХ ПОВЫШЕНИЯ КАЧЕСТВА ЦИФРОВЫХ ИЗОБРАЖЕНИЙ

Фазылов Шавкат Хайруллаевич[1], Тухтасинов Мумтозали Тулкиналиевич[2],
Гофуржанов Иброхимжон Илхомжон угли[3]
[1]Научно-инновационный центр информационно-коммуникационных технологий при ТУИТ, доктор технических наук, профессор
Тел: 90 9277213, e-mail: shavkat_faz@mail.ru
[2]Наманганский инженерно – строительный институт, кандидат технических наук
Тел: 93 9493642, e-mail: mumtozali@yahoo.com
[3]Наманганский инженерно – строительный институт, магистрант
Тел: 99 3242575, e-mail: gofurjanovi@mail.ru

Аннотация: *Повышения качества различного типа цифровых изображений являются актуальными задачами. В данной статье представлены методы и алгоритмы повышения качества цифровых изображений при различных типах искажений качества.*

Ключевые слова: *цифровое изображение, обработка изображений, повышение качества, гистограмма, нормализация яркости.*

ABOUT OF DIGITAL IMAGE QUALITY ENHANCEMENT METHODS

[1]Fazilov Shavkat Khayrullaevich, [2]Tukhtasinov Mumtozali Tulkinalievich,
[3]Gofurjanov Ibrokhimjon Ilkhomjon ugli
[1]**The scientific and innovative center of information and communication technologies at the TUIT**, Doctor of Technical Sciences, Professor
Tel: 90 9277213, e-mail: shavkat_faz@mail.ru
[2]Namangan Engineering Construction Institute, PhD in technics
Tel: 93 9493642, e-mail: mumtozali@yahoo.com
[3]Namangan Engineering Construction Institute, Master's student
Tel: 99 3242575, e-mail: gofurjanovi@mail.ru

Annotation: *Improving the quality of various types of digital images is an actual task. This article presents methods and algorithms for improving the quality of digital images with various types of quality distortions.*

Keywords: *digital image, image processing, quality enhancement, histogram, brightness normalization.*

Кириш

Ҳозирги кунда рақамли тасвирларни қайта ишлаш ва таниб олиш билан боғлиқ илмий-амалий масалаларни кўплаб учратишимиз мумкин. Хусусан, одамнинг биометрик белгилари (юз тасвири, кўз қорачиқ пардаси тасвири, бармоқ изи тасвири ва ҳ.к.) асосида кириш ва чиқишни назорат қилишнинг автоматлашган тизимлари, чорраҳа ва магистрал кўчаларда ҳаракатланаётган автомобил рақамларини камералар орқали таниб олиш тизимлари, аэрокосмик тасвирларни автоматик таҳлил қилиш тизимлари, микроскопик тасвирлар асосида тиббий таҳлилларни амалга оширувчи тизимлар ва шу каби бошқа автоматлашган тизимларни мисол келтиришимиз мумкин.

Бу тизимларда рақамли тасвирларни қайта ишлаш ва ундаги идентификацион белгиларни таққослаш орқали илмий хулосалар қилинади. Унда албатта тасвирларнинг сифат даражалари якуний натижаларга бевосита таъсир кўрсатади. Шу сабабли ҳам тасвирдаги турли ҳалақитлар ва бузилишларни йўқотиш, ёрқинлиги паст бўлган тасвирлар сифатини ошириш каби илмий-амалий масалалар доимо долзарб бўлиб келган.

Масаланинг қўйилиши ва уни ечиш усуллари

Тасвирларни қабул қилувчи техник қурилмаларнинг хусусияти, суратга олиш вақтидаги ёруғлик даражалари ва шу каби бошқа табиий омиллар тасвир сифатини тушириб юбориши мумкин. Агар тасвир сифати ёмон бўлса, уни яхшилаш зарур. Чунки, сифатли бўлмаган тасвирларни қайта ишлаш ва ундаги идентификацион белгиларни аниқлаш қийин кечади. Бу эса, пировард натижада хатоликларга сабаб бўлиши мумкин.

Тасвир сифатини яхшилашнинг турли усуллари мавжуд. Масалан, чегараларни кучайтириш, ҳалақитларни йўқотиш, тиниқликни ошириш ва ҳ.к. Қуйида турли типдаги сифатсиз тасвирларни сифатини яхшилашнинг бир нечта усул ва алгоритмлари билан танишамиз.

Медиана фильтри ёрдамида ҳалақитларни йўқотиш усули.

Бу усул тасвирда умумий рангларга номутаносиб бўлган ортиқча майда нуқталар (пикселлар) бўлганда, масалан сочма доғ нуқталар бўлганда уларни йўқотиш ёки камайтириш учун хизмат қилади. Кўз олдингизга келтириш учун, эски газетани сканерлаб, рақамли тасвирга ўтказсангиз, тахминан шу типдаги тасвир пайдо бўлади. Инглизчада бу типдаги тасвирларни Noisy Image, яъни шовқинли, ҳалақитли тасвир дейишади. Бу типдаги тасвирларга намуналар қуйида келтирилган (1-расм).





1-расм. Майда ҳалақитли тасвирлар.

Бундай типдаги тасвир бузилишлари медиана фильтрлари [1-3] орқали яхшиланиши мумкин. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, унда тасвир бўйлаб бирор ойна билан ҳаракатланиш ва ойнадаги марказий нуқта қиймати ойнадаги барча қийматларни ўсиш бўйича тартибланганда ўртага (медианага) тушувчи қиймат билан алмаштирилади. Мисол учун, кулранг тасвирнинг бирор қисмидан олинган 3×3 ўлчамли намуна ишчи ойнани кўрамиз (2-расм).

1	41	52
35	5	40
23	17	89

2-расм. 3×3 ўлчамли намуна ишчи ойна.

Бу ишчи ойна марказида 5 қиймати, икки ёнида 35 ва 40, юқорисида 1,41,52 ва пастида 23,17,89 қийматлар жойлашган. Уларни ўсиш тартибида тартиблаймиз: 1, 5, 17, 23, **35**, 40, 41, 52, 89. Марказдаги қиймат (медиана) 35 га тенг. Демак, ойна марказидаги 5 қиймати ўрнига 35 қиймати қўйилади. Формула кўриниши қуйидагича:

$$g(m,n) = \underset{(x,y)\in W(m,n)}{med}(f(x,y)),$$

бу ерда $W(m,n)$ – маркази (m,n) даги ойна, $f(x,y)$ – шу ойнадаги нуқталар қиймати.

Бу жараён тасвир бўйлаб барча нуқталар учун тўлиқ бажарилади. Натижада анчагина текисланган тасвир ҳосил бўлади. Таъкидлаш керакки, бу ерда ишчи ойна ўлчамини каттароқ олиш ҳам мумкин, масалан 5×5, 7×7 ва ҳ.к.

Медиана усулини 3×3 ойнада кетма-кет икки мартадан ишлатиб олинган натижани қуйида кўришимиз мумкин (3*a*-расм – дастлабки тасвир, 3*b*-расм – натижа тасвир). Натижадан кўриниб турибдики, тасвир пиксел ранглари анча текисланган, лекин чегаравий рангларда бироз аниқлик тушган.



a) b)

3-расм. Дастлабки тасвир (a) ва Медиана фильтри натижаси (b).


Чизиқли тиниқлаштириш усули.

Бу усулдан [2,4] ҳам тасвирлар сифатини ошириш масалаларида кенг фойдаланилади. Бу усулнинг моҳияти тасвирдаги ранглар диапазони (0 дан 255 гача) бўйича рангларнинг тақсимотини нормаллаштиришдан иборат. Яъни, тасвирда ранглар шундай тақсимланиши керакки, ундаги ранг қийматлари 0÷255 оралиғидаги ранглар дипазонида нормал тақсимлансин. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланамиз:

$$G^{'}(x,y) = 255 \cdot \frac{G(x,y) - G_{Min}}{G_{Max} - G_{Min}}.$$

Бу ерда G_{Min} ва G_{Miax}- тасвирдаги энг кичик ва энг катта ранг қийматлари, $G(x,y)$- тасвирнинг (x, y) координатасидаги ранг қиймати.

Мисол учун қуйидаги тасвир ва унинг 0÷255 оралиғидаги ранглар диапазони бўйича гистограммасини кўрамиз (4-расм).




a) b)

4-расм. Дастлабки тасвир (*a*) ва унинг ранглар бўйича гистограммаси (*b*).

4*b*-расмдаги гистограммадан кўриш мумкинки, тасвирдаги ранглар 0÷255 оралиғида нормал тақсимланмаган. Ранглар таҳминан 120÷220 оралиғида, яъни тор диапазонда жойлашган. 4*a*-тасвирни кўз орқали кўрганимизда ҳам ёркинлиги анчагина паст тасвирни кўришимиз мумкин.

Худди шу тасвир учун чизиқли тиниқлаштириш формуласи қўлланилгандан кейинги натижани кўрамиз (5-расм). Бунда кўриш мумкинки, визуал ҳолатда ҳам

тасвир ёркинлиги ошган, ўз навбатида унинг гистограмма қийматлари ҳам 0÷255 оралиғида нормал тақсимланган.



a) b)

5-расм. Сифати оширилган тасвир (*a*) ва унинг гистограммаси (*b*).

Тасвир гистограммалари таҳлили.

Бу усулнинг ғояси чизиқли тиниқлаштириш ғоясига яқин келади. Яъни, бу усулда гистограммаларни таҳлил қилиш ва унда рангларни қайта тақсимлаш орқали гистограммалардаги ранглар тақсимоти нормаллаштирилади. Бу усул, яъни гистограмма усули қуйидаги формула асосида амалга оширилади [1, 2]:

$$Q = \sum_{i=0}^{255} (H_i)^r, \quad S_{G(x,y)} = \frac{255}{Q} \sum_{j=0}^{G(x,y)} (H_j)^r,$$

$$G'(x,y) = \begin{cases} 0, & S_{G(x,y)} \le 0; \\ & S_{G(x,y)}; \\ 255, & S_{G(x,y)} \le 255. \end{cases}$$

бу ерда H_i – тасвирдаги i рангдаги пикселлар сони ($0 \le i \le 255$), $G(x,y)$ – тасвирнинг (x,y) координатасида жойлашган пикселнинг ранг қиймати, r - нормаллаштирувчи параметр.

6*a*-расм учун r =0,3 бўлганда алгоритм натижаси 6*b*-расмда келтирилган.



a) b)

6-расм. Берилган тасвир (*a*) ва сифати оширилган тасвир (*b*).

Гаусс фильтри асосида сифат ошириш.

Бу усулдан тасвирда нотекис тақсимланган ёруғликларни нормаллаштириш учун фойдаланилади. Одатда тасвир ёруғликларини нормаллаштиришда икки ўлчовли *Гаусс фильтри*дан фойдаланилади [8]. Унинг кўриниши қуйидагича:

$$h[x,\ y] = A \cdot e^{-\frac{(x^2+y^2)}{2\sigma^2}},$$

бу ерда A – нормаллаштирувчи константа, σ - ёритиш даражасини созловчи фильтр кенглиги.

Бу формула ёрдамида тасвир ёруғлигини нормаллаштириш натижаси 7-расмда кўрсатилган.



a) b)

7-расм. Берилган тасвир (a) ва олинган натижа (b).

Тасвирда ёруғлик нотекис тақсимланган ҳолатда тасвир ёркинлигини нормаллаштириш бўйича ўзимиз ҳам бир қатор тадқиқотлар олиб бордик ва бир нечта алгоритмлар ишлаб чиқилди [5]. Қуйида ушбу алгоритмлардан бирини келтирамиз.

Алгоритм қуйидаги қадамлардан иборат бўлади:

1-қадам. Тасвир гистограммаси – H ни қурамиз ва ундаги оғирлик маркази m_H ни аниқлаймиз.

2-қадам. d параметр (фарқ)ни аниқлаймиз, яъни: $d = \left| m_H - \frac{255}{2} \right|$.

3-қадам. k параметрни аниқлаймиз. Агар $m_H < \frac{255}{2}$ бўлса, у ҳолда $k = 1$, акс ҳолда $k = -1$.

4-қадам. Тасвирнинг ҳар бир координатаси бўйича пиксел ранг қийматларини янгидан ҳисоблаймиз, яъни:

$$g_{x,y}^{new} = \begin{cases} g_{x,y} + k \cdot d \cdot \dfrac{g_{x,y}}{m_H}, & агар\ \ g_{x,y} < m_H; \\ g_{x,y} + k \cdot d \cdot \dfrac{255 - g_{x,y}}{255 - m_H}, & акс\ холда. \end{cases}$$

Юқорида келтирилган алгоритм асосида олинган натижани 8-расмда кўришимиз мумкин.



a) b)

8-расм. Нотекис ёритилган (*a*) ва нормаллаштирилган тасвир (*b*).

Хулоса

Таъкидлаш керакки, юқорида кўриб чиқилган усул ва алгоритмлар амалиётда тасвирлар сифатини оширишда энг кўп фойдаланиладиган усуллардан ҳисобланади. Булардан ташқари яна бир қатор усул ва алгоритмлар мавжуд бўлиб, улардан ҳам зарур ҳолларда фойдаланилади.

Масаланинг қўйилиши ва тасвирдаги сифат бузилишларининг турига қараб сифат ошириш усуллари танланади. Улардан алоҳида-алоҳида, ёҳуд биргаликда фойдаланиш ҳам мумкин. Баъзи ҳолатларда мавжуд усул ва алгоритмларнинг натижалари ҳам қониқарли бўлмаслиги мумкин. Бундай пайтда алгоритмларни вазиятга қараб ўзгартириш ёки такомиллаштириш зарурати туғилади.

Ҳозирги кунда дунёдаги соҳа олимлари томонидан бу илмий йўналишда мавжуд усул ва алгоритмларни такомиллаштириш ҳамда янгиларини яратиш устида тадқиқотлар давом эттирилмоқда. Айниқса, сунъий интеллект ғояларига асосланган усуллар [6,7] анчагина самарадорлигини кўрсатмоқда. Шу сабабли ҳам сунъий интеллектдан фойдаланиб янги усул ва алгоритмларни ишлаб чиқиш ҳозирги кунда долзарб масала бўлиб қолмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Rafael C. Gonzalez, Richard E. Woods, Digital Image Processing, Prentice Hall. -2002. -793 p.
2. Pratt, William K. Digital image processing : PIKS Scientific inside / William K. Pratt.—, 4th ed. – 2007. – 782 p.
3. Содиқов С.С., Маликов М.Н. Тасвирларга сонли ишлов бериш асослари. – Тошкент: «Кибернетика» ИИЧБ, 1994. -147 б.
4. Кухарев Г.А. Биометрические системы: Методы и средства идентификации личности человека. СПб.: Политехника, 2001. 240 с.
5. Фозилов Ш.Х., Тўхтасинов М.Т. Ёритилганлиги нотекис тасвирларни нормаллаштириш алгоритмлари // «Информатика ва энергетика муаммолари» Ўзб. журнали. –Тошкент. -2014. -№5, 3-7 б.
6. Amanjot Kaur, Gagandeep. A review on image enhancement with deep learning approach. ACCENTS Transactions on Image Processing and Computer Vision, Vol 4(11) ISSN (Online): 2455-4707., India, 2018.
7. Kartik Ch. Jena, Nilamadhab Dash, N.K.Kamila. A Neural Network based Approach for Image Enhancement using Histogram Equalization. International Journal of Computer Systems (ISSN: 2394-1065), Volume 02– Issue 11, November, India, 2015.
8. www.computergraphics.ru

“БОБУРНОМА” СЮЖЕТИ ВА КОМПОЗИЦИЯСИДА ТАРИХИЙ СИЙМОЛАРНИНГ ЎРНИ

Сайёра Қозақова
НамДУ Педагогика факультети
Мактабгача таълим методикаси кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Ушбу мақолада Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома” шоҳ асарида тарихий воқеаларнинг жонли тарздагидек гавдалантирилгани, асарда мингдан ортиқ шахслар тилга олиниб, уларнинг фаолияти, характери, ижоди намуналари таҳлил этилганлиги келтирилган. Асардаги сиймолар ва тимсолларни таркибий жиҳатдан ўрганиб, асардаги образлар оламини адабиётдаги замонавий метод ҳисобланган структурал поэтика талаблари асосида тадқиқ этилганлиги ифодаланган.*

Калит сўзлар: *структурал поэтика, тарихий шахслар образи, ижодкор шахслар образи, аёллар образи, ҳукмдорлар образи, амирлар образи, вазирлар образи, дин пешволари образи, ҳарбий амалдорлар образи..*

РОЛЬ ИСТОРИЧЕСКИХ ОБРАЗОВ В СЮЖЕТЕ И КОМПОЗИЦИИ "БАБУРНАМЕ"

Сайёра Козакова
Преподаватель кафедры методики дошкольного образования педагогического факультета НамГУ

Аннотация: *В этой статье великое произиедение Захириддина Мухаммада Бабура “Бабурнама” представляет собой яркое изображение исторических событий, в котором упоминается более тысячи человек и анализируется их деятельность, характер и творческий потенциал. Установлено, что структурное изучение изображений и символов в работе основано на требованиях структурной поэтики, которая является современным методом в литературе.*

Ключева слова: *струкрурная поэтика, образ исторических лиц, образ творческих лиц, образ женщин, образ амиров, образ религиозных деятелей, образ офицеров.*

THE ROLE OF HISTORICAL FIGURES IN THE PLOT AND COMPOSITION OF “BOBURNOMA”

Sayyora Kozakova
Teacher of preschool education methodology department of NamSU pedagogy faculty

Annotation*: This article is a vivid portrayal of historical events in Zahiriddin Muhammad Babur’s historical royal work ”Boburnoma”, which mentions more than a thousand people and analyzes their activities, character and creativity. It is stated that the structural study of the figures and symbols in the work is based on the requirements of structural poetics, which is a modern method in the literature.*

Key words: *structural poetry, image of historical persons, image of creative persons, image of women, image of generals, image of amirs, image of vazirs, image of religious figures, image of officers.*

“Бобурнома” асари Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг шоҳ асари бўлиши билан бир қаторда халқимизнинг шонли тарихи, битмас-туганмас хазинасидир. “Бобурнома” асарининг жаҳон миқёсида эътироф этилишига сабаб асардаги воқеаларнинг тарихий жиҳатдан аниқлигигина эмас, бу муҳташам асарнинг таркибланиш жиҳатидан ҳам мустаҳкам асосга қурилганидир. “Бобурнома”да мингдан ортиқ шахслар тилга олиниб, уларнинг фаолияти, характери, ижоди намуналари таҳлил ҳам этилади. “Бобурнома”даги сиймолар ва тимсолларни таркибий жиҳатдан ўрганиб, асардаги образлар оламини адабиётдаги замонавий метод ҳисобланган структурал поэтика талаблари асосида ўрганиш асарнинг янги қирраларини очишга ёрдам беради.

Асар юзасидан тадқиқот олиб борган М.Абдуллаеванинг маълумотига кўра, “Бобурнома”да ҳаммаси бўлиб 1540 нафар киши номлари тилга олинган бўлиб, шундан 357 нафари мовароуннаҳрлик тарихий шахсларнинг номларидир. Қолган кисми эса турли даврда, турли мамлакатларда яшаган тарихий шахслар номидир[42]. Лекин биз “Бобурнома” асарининг С.Ҳасанов томонидан тайёрланган нашрида 1453 нафар тарихий шахс номи тилга олинганлигини аниқладик. Улар орасида жуда кўп тарихий шахслар (темурий ҳукмдорлар, ҳарбий амалдорлар, илм-фан ва санъат намояндалари)нинг, шоир ва ижодкорларнинг портретлари, руҳиятлари моҳирона чизилган, уларнинг хатти-ҳаракатлари, фаолиятлари баёни орқали шахсий хусусиятлари - характерлари очиб берилган. Тарихий шахсларнинг қиёфалари ва фазилатларини ёритганда, Бобур уларга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлишга, уларнинг яшаш тарзи ва шароитидан келиб чиқиб, феъл-атворларининг энг муҳим жиҳатларини мумкин қадар аниқ ва ихчам ибораларда, лўнда ифодалашга ҳаракат қилган.

“Бобурнома” да бир неча юз тарихий шахслар, уларнинг фаолияти ва саргузаштлари тасвир этилади. Булар шоҳлар, вилоят ҳокимлари, амир-амалдорлар, аскар бошлиқлари, дин пешволари, аскарлар, илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари, деҳқонлар, ҳунармандлар, қуллар ва бошқа ижтимоий гуруҳдаги, лавозим ва касбкордаги кишилардир. Бобур бу образларни тасвирланаётган воқеалардаги ролига қараб бирлари ҳақида кенг ва батафсил сўзлайди, иккинчи бирлари ҳақида қисқа маълумот беради, бошқа бирларини бирон муносабат билан тилга олади ёки эслаб ўтади. У воқеаларнинг ривожида муҳимроқ ўрин тутган Умаршайх мирзо, Ҳусайн Байқаро, Султон Аҳмад Мирзо, Хисравшох каби тарихий шахсларнинг фаолияти ва саргузаштларини баён этиш билан бирга, уларнинг шакл-шамойили, насл-насаби, маънавий қиёфаси, хислати, хулқ-атвори, кишиларга муносабати, маданий савияси ва бошқа жиҳатларни ҳам тасвирлайди.

Асарда иштирок этган образларни 3 гуруҳга ажратиб таҳлил қилиш мумкин:

1. **<u>Тарихий шахслар образи.</u>**

[42] Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. -Т., 2002. -Б.68

2. **Ижодкор шахслар образи.**
3. **Аёллар образлари.**

"Бобурнома"да берилган образлар асар матнида турли муносабатлар билан тилга олинади. Ҳар бир образга берилган холис муносабат асарнинг қимматини янада оширган.

Структурал таҳлилда асардаги барча персонажлар орасидан нисбатан фаол иштирокчилар ажратиб олиниб, уларга алоҳида тавсиф бериш тажрибаси мавжуд. Худди шундан келиб чиққан ҳолда Бобур тарихий шахслардан олти киши ҳақида батафсил маълумот берганини кузатиш мумкин. Булар:

1. Умаршайх мирзо.
2. Султон Аҳмад мирзо.
3. Султон Маҳмуд мирзо.
4. Хисравшоҳ.
5. Бойсунқур мирзо
6. Ҳусайн Бойқаро.

Дастлаб, тилга олинган тарихий шахсларнинг насл-насаби ҳақида маълумот берилади, сўнг шакл ва шамойили ◎ кўриниши тўғрисида тўхталинади. Сўнгра масофлари, яъни олиб борган урушлари, вилоятлари, яъни эгалик қилган мулклари, авлодлари, оила аъзолари, умароси, яъни амирлари ҳақида маълумот берилади. Асарда фақатгина маълумот бериш билан чекланмай, Бобур ҳар бир шахсга холис муносабат билдиради: "...*Хисравшоҳ бадбахт кофири неъмат салтанат дағдағаси билаким, салтанат андоғ нокас, беҳунарларга не навъ етгай! Не асл, не насаб, не ҳунар: не ҳасаб, не тадбир, не шужоат, не инсоф, не адолат! Бойсунқур мирзони беклари била тутуб, Бойсунқур мирзоға кериш солиб, муҳаррам ойининг ўни эрдиким, мундоқ хуштабъ ва пурфазилат ва ҳасаб ва насаб била ороста подшоҳзодани шаҳид қилди. Беклари ва ичкиларидин ҳам бир нечани ўлтурди*"[43]. Бу тасвир орқали Бобур, илк навбатда Бойсунқур мирзо шахсиятига оид ижобий фикрларини билдиради, шунингдек, Хисравшоҳ образига хос бўлган иллатларни қаҳр билан тилга олади.

"Бобурнома"да тарихий сиймолар образи асосий ўринни эгаллайди. Тарихий образларни асардаги иштироки, эгаллаб турган вазифалари, касби ва ижтимоий аҳволига кўра беш гуруҳга ажратган ҳолда таҳлил қилиш :

1. **Ҳукмдорлар образи**: Умаршайх мирзо, Абдулазиз мирзо, Бадиуззамон мирзо, Бойсунқур мирзо, Ҳусайн Бойқаро, Султон Маҳмуд, Султон Аҳмад,Улуғбек мирзо, Шайбонийхон ва бошқалар;

2. **Амирлар образи**: **Дарвеш Алибек, Муҳаммад Бурундуқ барлос, Жаҳонгир барлос, Нуёнбек, Зуннун арғун ва бошқалар;**

3. **Вазирлар образи**: **Маждиддин Муҳаммад, шайхулислом Сайфуддин Аҳмад, Мавлоно Шайх Ҳусайн, Муллозодайи Мулло Усмон, Мир Муртоз, Мулло Масъуд Ширвоний ва бошқалар;**

4. Дин пешволари образи: Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, **Мир Сарбарахна, Камолиддин Ҳусайн Гозургохий ва бошқалар;**

5. **Ҳарбий амалдорлар образи**: Диловархон, Қосимбек ва бошқалар.

[43] Заҳириддин Муҳаммад Бобур. "Бобурнома", Т.:. "Шарқ" НМАК, 2002. - Б.71

Булар орасида ҳукмдорлар образлари етакчи мавқе эгаллагани учун улар ҳақида изчил маълумот беришга ҳаракат қиламиз.

1. Бойсунқур мирзо. Асарда ушбу образ 57 маротаба тилга олинади. Илк бор муаллиф Султон Аҳмаднинг умароларидан бири Дарвеш Муҳаммад тархон тўғрисида маълумот бераётиб бу образга тўхталади. Бунда Бойсунқур мирзонинг Султон Али мирзо билан бўлган жанги воқеаси эсланади. Кейинги тасвирда Султон Маҳмуд мирзонинг авлоди ҳақида тўхталаркан, Бойсунғур мирзо хусусида қуйидагича маълумот берилади: *"...Яна бир ўғул Бойсунқур мирзо эди. Онаси Пашабегим эди"*[44]. Демак, ушбу қўшимча маълумотдан маълум бўладики, Бойсунғур мирзо Султон Маҳмуднинг иккинчи ўғли бўлиб, унинг онаси Пашабегимдир. Султон Маҳмуд мирзонинг 11 қизидан 3 таси Бойсунқур мирзо билан бир онадан туғилган, яъни унинг қондош опа-сингиллари эди. Кейинги тасвир Султон Маҳмуд мирзонинг умароси қисмида учрайди ва унда Бойсунқур мирзонинг бек аткаси Аюб эканлиги айтиб ўтилади. Навбатдаги тасвирларда Бойсунғур мирзонинг Самарқандда подшоҳликка ўтириши ҳақида маълумот берилади. Унга кўра, Султон Маҳмуд мирзо ҳаётлигида Бойсунғур мирзоға Бухоро ҳокимлигини берган Самарқанд ва Ҳисор беклари тил бириктириб, Самарқанд тахтиға Бойсунқур мирзони ўтирғизган, Бойсунғур мирзо подшоҳлик тахтига ўтирганда ўн саккиз ёшда бўлган. Шунингдек, асарнинг кейинги ўринларида Султон Муҳаммаднинг Бойсунқур мирзога қарши қўшин тортгани, Иброҳим Сорунинг Бойсунқур мирзо отига ҳутба ўқитиб муҳолифат мақомида бўлгани баёни берилади. Кейинги тасвирларда Бойсунқур мирзонинг Султон Али мирзо билан бўлган жанги тафсилотлари, шунингдек, Хисравшоҳ билан бўлган муносабати баён этилади.

Хуллас, темурий шаҳзодалардан бири бўлган Бойсунқур мирзо Султон Маҳмуд мирзонинг иккинчи ўғли бўлиб, тахаллуси ◎ Одилий. Аввал Бухоро ҳокими, 18 ёшида эса Самарқанд подшоҳи бўлган. Хисравшоҳнинг ҳийласи билан ўлдирилган.

2. "Бобурнома"да темурий ҳукмдорлардан энг йириги бўлган **Султон Хусайн Бойкаро** номи 108 маротаба тилга олинган. "Бобурнома"да Бобур Хусайн Бойқаронинг ҳар икки тарафдан — ота томонидан ҳам, она томонидан ҳам темурийзода "карим ут тарафайн" (икки тарафлама улуғ) эканлиги таъкидланади. Асарда Султон Ҳусайн мирзо номи билан тилга олади. Бир ўринда унга: "Султон Ҳусайн мирзо кордон ва соҳиб тажриба подшоҳ эди"[45], дея баҳо беради.

Султон Ҳусайн Бойқаронинг ташқи кўринишини: "...қийиқ кўзлуқ, шерандом буйлуқ киши эди. Белидин қуйи ингичка эди..."[46], ◎ дея тасвирлайди.

Ахлоқ ва атвори ҳақида ревматизм касали билан оғригани учун намоз ўқий олмаслиги, яхши улфат, хушхулқ киши эканлигини, сўзи ҳам хулқидек эканлигини, ҳаттоки бир марта бир ўғли бир кишини ўлдиргани учун ўғлини хунталаблар қўлига топширгани ва шу каби маълумотларни келтиради.

[44] Ўша асар. - Б.48

[45] Ўша асар. - Б.52

[46] Ўша асар. –Б. 128.

Мардлиги ҳақида: “**Шужоъ ва мардона киши эди. Борлар ўзи қилич тегурубтур, балки ҳар маъракада борлар қилич тегурубтур. Темурбек наслидин ҳеч ким маълум эмаским, Султон Ҳусайн мирзоча қилич чопмиш бўлғай**”[47], ⚜ **дея хабар беради.**

Шеърий иқтидори хусусида: “**Табъи назми бор эди. Девон ҳам тартиб қилиб эди. Туркий айтур эди. Тахаллуси “Ҳусайний” эди. Баъзи байтлари ёмон эмастур, вале мирзонинг девони тамом бир вазндадур**”. Кўринадики, Хусайн Бойқаро девонининг бир вазндаги асарлардан таркиб топгани Бобурга маъқул эмас.

Урушлари, қилган жанглари ҳақида тўхталар экан Ҳусайн мирзонинг 13 қатла қилган уруши ҳақида батафсил маълумот беради.

Авлоди ҳақида гапирар экан 14 ўғил 11 қизи бўлганлигини айтади. Асарда Султон ҳарами хусусида батафсил маълумот берилади. Хусусан Султон Ҳусайн мирзонинг 5 хотини ва 4 ғума, ғунчачиси ҳақида тўхталади. Маълумотларни бериш жараёнида такрорларга йўл қўйилган. Хусусан, Опоқбегим ҳақида маълумот бера туриб, Попо оғача ҳақида ҳам тўхталади. Сўнг Попо оғача ҳақида гапирганда юқоридаги маълумотлар такрорланган.

Бобур Ҳусайн Бойқаронинг умаролари ҳақида тўхталиб, 36 та амир номини тилга олади.

Судурлари қаторида эса **Мир Сарбарахна ва Камолиддин Ҳусайн Гозургохий номини тилга олади. Шунингдек, Султон Ҳусайн мирзонинг 11 вазири ҳақида ҳам маълумот беради.**

“Шуародин” рукнида эса ўзига замондош бўлган 14 шоир, 3 рассом, 8 мусанниф ва бир қанча мусиқачилар ҳақида маълумот беради.

Бобур бир неча ўринда Ҳусайн Бойқаро шахсига ва унинг қилган ишларига танқидий муносабат ҳам билдириб ўтган. Хусусан, Шайбоний босқини арафасида темурий шаҳзодалар қатори Султон Ҳусайн мирзонинг қилган ишини маъқулламайди. Бобур Султон Ҳусайн мирзодек мардона ва соҳиб тажриба подшоҳ мадад қилмай, кўмак бермай, Шайбоқхон ҳузуриг Камолиддин Ҳусайн Гозургохийни элчиликка юборганини хушламайди. Шу ўриндаги тасвирларда, Бобур Султон Ҳусайн Бойқарони “*Султон Ҳусайн мирзодек* ***соҳиб тажрибалик подшоҳ”, “Султон Ҳусайн мирзодек Темурбек ўрунига ўлтурғон улуғ подшоҳ”*** **каби танқидий таъкидлар билан сийлайди.**

Хуллас, Бобур Хусайн Бойқаро образи тасвири орқали Хуросон хусусан Ҳирот адабий, сиёсий, ижтимоий муҳити, сарой ҳаёти ҳақидаги маълумотларни умумлаштирган.

“Бобурнома”да энг кўп учрайдиган образлардан бири амирлар образидир. Асарда Ҳусайн Бойқаронинг 36 амири, Умаршайх мирзонинг 13 амири, Султон Аҳмад мирзонинг 11 амири, Султон Маҳмуд мирзонинг 6 амири номи санаб ўтилади. Шунингдек, Бобур ҳар бир шахс ҳақида қичқача бўлса-да, маълумот беради.

Биз ушбу амир образлари ичидан энг кўп учраган Дарвеш Муҳаммад тархон образини таҳлилга тортдик.

[47] Ўша асар. – Б.128.

Дарвеш Муҳаммад тархон темурийлар хонадонидан бўлиб, асарнинг 14 ўрнида тилга олинади. У Ўрда Бўға тархоннинг ўғли, Султон Амад мирзо, Султон Маҳмуд мирзонинг тоғаси ҳисобланади. Асарда Султон Маҳмуд мирзонинг барча бекларидан улуғроқ ва мўтабарроғи эканлиги хабар қилинади. Бобур унинг шаҳсияти ҳақида тўхталиб, мусулмон, одми ва дарвешваш киши бўлганлигини таъкидлайди. Шунингдек, доимо Мусҳаф ўқишини, шатранжни жуда кўп ва яхши ўйнашини айтади. Қуш илмини жудаям яхши билишини алоҳида тилга олади.

"Бобурнома"да вазирлар образлари тасвири ҳам ўзига хос ўринга эга. Шу сабабли ҳам вазир образларини таҳлил қилишни мақсадга мувофиқ деб билдик. Асарда Султон Ҳусайн мирзонинг 11 вазири ҳақида маълумот келтирилади. Булар:

1. **Хожа Ато**
2. **Маждиддин Муҳаммад**
3. **Шайхулислом Сайфуддин Аҳмад**
4. **Мавлоно Шайх Ҳусайн**
5. **Муллозодайи Мулло Усмон**
6. **Мир Муртоз**
7. **Мулло Масъуд Ширвоний**
8. **Мир Жалолиддин муҳаддис**
9. **Мир Атоулло Машҳадий**
10. **Қози Ихтиёр**
11. **Мир Муҳаммад Юсуфлардир.**

Ушбу тарихий шахслардан асар давомида батафсил маълумот берилгани Муллозодайи Мулло Усмон образидир. Бу образ асарнинг икки ўрнида учрайди. Бобур Кобул туманларидан бири бўлган Лаҳугар тумани хусусида гапирар экан, бу туманнинг улуғ кенти Чарх экани, ва Муллозодайи Мулло Усмон ҳам Чархдан эканлигини таъкидлайди. Шунингдек, Улуғбек мирзо замонида ўн тўрт ёшида дарс айтгани сабаб Мулло Модарзод деб аташганини қайд этади. Кейинги тасвирда Ҳусайн Бойқаро билан муносабати қаламга олинади: "Самарқанддан бориб Каъбани тавоф қилиб, Ҳирия келганда, Султон Ҳусайн мирзо манъ қилиб сахлади. Бисёр донишманд киши эди. Ул замонда онча донишманд киши йўқ эди"[48]. Бобур бу тасвир орқали Муллозодайи Мулло Усмон образига ўзининг холис муносабатини ҳам билдирмоқда.

Асарда Ҳусайн Байқаро саройидаги дин пешволари ҳақида ҳам маълумот берилади. Бунда Мир Сарбарахна, Камолиддин Ҳусайн Гозургохий хусусида тўхталинади.

Камолиддин Ҳусайн Гозургохий**. "Бобурнома"да бу образ ҳақида: "Агарчи сўфи эмас эди, мутасаввиф эди. Алишербек қошида мундоқ мутасаввифлар йиғилиб, важд ва самоъ қилурлар экандур. Аксаридин мунинг усули яхшироқ**

[48] Ўша асар. –Б.137

экандур. Ғолибо сабаби риояти усули бўлубтур”[49], - дея хабар беради. Бундан ўзга яхши фазилати йўқ эканлигини таъкидлайди. Камолиддин Ҳусайн Гозургохий томонидан тайёрланган бир таснифга ўз муносабатини билдиради: *“Бир таснифи бор: “Мажлис ул-ушшоқ” отлиқ, Султон Ҳусайн мирзонинг отиға боғлаб битибтур, бисёр суст ва аксар ёлғон ва бемаза беадабона ҳарфлар битибтур. Андоққим, баъзидин тавақҳуми куфрдур”*[50]. Асарда ифодаланган айрим фикрлар Бобурни қониқтирмайди. Шу сабабли ҳам асарга яхши муносабат билдирмайди.

Ҳарбий амалдорлар образи ҳам асарда ўзига хос ўринга эга. Биз ҳинд ҳарбий амалдорларидан бири бўлган Диловархон образини таҳлилга тортдик.

Диловархон Ҳиндистон амалдорларидан бири бўлиб, Бобур асарнинг *Ҳиндустон* қисмида бу образ ҳақида маълумот беради. Биринчи фикр унинг бир неча маҳал бандда, яъни ҳибсда эканлиги билан бошланади. Сўнг икки-уч ой бурун банддан қочиб, *Лаҳўрга* борганлиги айтилади.

Иккинчи бора эса *Диловархоннинг* Оламхон, Ҳожихон билан биргаликда Саҳринддан ўтиб Бобур лашкарларининг Малўтни олгани хабарини эшитганлиги қайд этилади.

Кейинги маълумотда: “*Диловархон чун ҳамиша давлатхоҳлиқ мақомида эди ва бизнинг учун уч-тўрт ой банд тортиб эди, айрилиб, Султонпурга кўчига келиб, биз Малўтни олгондин уч-тўрт кун сўнг Малўт навоҳисида бизга келиб, мулозамат қилди*”[51], ◎ дея маълумот берилади.

Навбатдаги қайдда *Диловархоннинг* иттифоқи била хунбахр таъйин қилинганлиги айтилади. Шунингдек, унинг Бибан билан муносабати ёритилади: “*Бибан ҳам ушбу юртта келиб, мулозамат қилди. Бу афғонлар кўп рустойи ва бехуш эл бўладур. Бовужудким, Диловархон ҳам навкар ва ҳам мартабаға андин улуқроқ ўлтурмас, Оламхоннинг ўғлонлариким, подшоҳзодаларедур, алар ўлтурмас, бу ўлтурмоқ истидъо қилди, анинг номаъқулиға ким қулоқ солур*”[52]!

Кейинги тасвир асарнинг “Фармони Заҳириддин Муҳаммад Бобур Ғози” қисмида берилган бўлиб, унда *Диловархон* “**аз умурои Ҳинд умдатул мулк хонохонон**” дея таърифланади ва у қўшиннинг баронғор қисмида ҳаракат қилганлиги айтилади. Навбатдаги тасвирда ҳам *Диловархон* Ҳиндистон умаролари қаторида санаб ўтилади.

Демак, *Диловархон* образи тарихий шахс сифатида асарнинг 10 жойида тилга олинади. Унда *Диловархоннинг* бандда бўлгани, сўнг *Лаҳўрга* қочгани, Бобурга қуллуқ қилгани, жангларда қўшиннинг баронғор қисмида ҳаракат қилгани тўғрисида маълумот берилади.

[49] Ўша асар. – Б.136.

[50] Ўша асар. – Б.136

[51] Ўша асар. –Б.187.

[52] Ўша асар. –Б. 190.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, тарихий образлар асарда салмоқли ўринни эгаллайди. Асарнинг сюжет ва композициясида ҳам алоҳида мавқега эга. Шу сабабли ҳам асарда улар аниқ ва батафсил тавсифланади. Айримлари фаол ҳаракатда ва айримлари эса асарнинг маълум бир ўрнидагина учрайди.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Абдуллаева М. “Бобурнома” ва “Шажараи турк”нинг қиёсий поэтикаси. -Т., 2002. -Б.68
2. Болтабоев Ҳ. Мумтоз сўз қадри. –Т.: Адолат, 2004
3. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. “Бобурнома”, Т.:. “Шарқ” НМАК, 2002.
4. Ибрагимова О. "Бобурнома"даги унвон ва мансаб номлари : ([Илм. Ахборот) // Ўзбек тили ва адабиёти. 2008. №4. 105-107-б.
5. Ёқубов. И. Структурал поэтика имкониятлари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006, №

ИННОВАЦИОН ЁНДАШУВ АСОСИДА ХОРИЖЛИКЛАРГА ЎЗБЕК ТИЛИНИ ЎРГАТИШ

Собирова Маҳбуба Юсуфжоновна,
Намду доценти, педагогика фанлари номзоди.

Аннотация: *мақолада хорижликларнинг ўзбек тилини ўрганишга қизиқиши, тил компетенцияси хусусида фикр юритилади. Ўзбек тилини ўргатишда инновацион ёндашув усуллари изоҳланади.*

Калит сўзлар: *хорижликларнинг ўзбек тилини ўрганишга қизиқиши, ҳамкорликда ўқитиш, инновацион ёндашув усуллари.*

ИНОСТРАНЦЫ НА ОСНОВЕ ИННОВАЦИОННОГО ПОДХОДА ОБУЧЕНИЕ УЗБЕКСКОМУ ЯЗЫКУ

Собирова Махбуба Юсуфжоновна,
Доцент НамГУ, кандидат педагогических наук

Аннотация: *в статье рассматривается заинтересованность иностранцев в изучении узбекского языка, языковая компетенция. Объясняются инновационные подходы к обучению узбекскому языку.*

Ключевые слова: *зарубежный интерес к изучению узбекского языка, совместное обучение, инновационные подходы.*

FOREIGNERS ON THE BASIS OF AN INNOVATIVE APPROACH TEACHING THE UZBEK LANGUAGE

Sobirova Mahbuba Yusufjonovna
Associate Professor of NamSU, candidate of pedagogical sciences

Annotation: *the article considers the interest of foreigners in learning the uzbek language, language competence. Innovative methods of teaching the uzbek language are explained.*

Keywords: *foreign interest in learning* the uzbek language, collaborative learning, innovative approaches.

Ўзбек тилининг халқаро миқёсдаги нуфузи ошиб, фаол мулоқот воситасига айланиб бормоқда. Жаҳон ҳамжамиятида мустақил мавқени эгаллаётган Ўзбекистон чет элликлар эътиборини янада кўпроқ тортмоқда.

Дунёдаги қадимий ва бой тиллардан бири бўлган ўзбек тили халқимиз учун миллий ўзлигимиз ва мустақил давлатчилигимиз тимсоли, бебаҳо маънавий бойлик, буюк қадрият [1] эканини назарда тутган ҳолда мамлакатимизда ўзбек тилшунослигини ва уни ўқитиш методикасини ривожлантириш бўйича кенг кўламли баҳслар кетмоқда.

Давлатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги юксалишлар кўплаб қўшма корхоналарнинг фаолиятига, жумладан, таълим ишларида яқин ҳамкорликнинг йўлга қўйилишига асос бўлмоқда. Табиийки, Ўзбекистонда ўқиш, тажриба алмашиш, илмий изланишлар олиб бориш истагида бўлган ҳар бир хорижлик давлатимизнинг расмий тилини – давлат тили бўлган ўзбек тилини етарли даражада билиши тақозо этилади. Зарур нутқий вазиятларда эркин мулоқотга кириша олишдан ташқари хорижлик талаба, тадқиқотчи, тадбиркор ёки сайёҳда оммавий ахборот воситаларидан хабардор бўлиш, ўзига керакли илмий, бадиий, оммабоп нашрларни ўқиб, танишиш, телевизор кўришга эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Шундай эҳтиёжлардан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон мамлакатига келган хорижликлар ҳам ўзбек тилини бир неча йиллардан буён ўрганиб келишмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва Ўзбекистоннинг мустақил бўлиши бизга хорижликлар билан ҳам ишлаш имкониятини туғдирди. Ўзимнинг педагогик фаолиятим давомида ўзбек тили ўқитувчиси сифатида хорижлик ёшларга давлатимиз тилини ўргатдим ва бу борада маълум тажрибаларга эга бўлдим.

Дунё тилшунослигида муайян тилларни мулоқот воситаси сифатида ўрганиш, ўқувчиларда тил компетентликни ривожлантириш учун замонавий педагогик технологияларни қўллаш методикасини такомиллаштириш кун тартибида турган долзарб вазифалар сирасига киради. Ҳозирги ўзбек тилшунослигининг бугунги муаммоси ҳам тил эгалари хотирасида жамланган тил фактларининг мулоқот жараёнидаги татбиқининг (тил компетентлиги), коммуникация жараёнида тилнинг ролини, тил ва тил эгаси муносабатини ўрганишдир. [2.46] Нигериянинг машҳур ёзувчиси, Нобель мукофоти совриндори Уол Сойинка БМТнинг Ижтимоий тадқиқотлар институтида ўқиган маърузасида (2002 йил 21 май) инсоний тараққиётнинг, миллатлар ижтимоий-маданий, иқтисодий ривожининг асосий воситаси лисон эканлигини таъкидлаб, шундай деган эди: “Тил – анъаналар, тарих, миллий руҳ ва дунёқараш ҳамда миллий фалсафанинг хазинаси эканлигини барча эътироф этган ва бу масала ҳеч қандай муҳокамага муҳтож эмас.”[3.191]

Мустақиллик шарофати билан таьлим тизимида бир қатор янги тушунчалар ва бу тушунчаларни ифодаловчи “педагогик технология”, “ноанъанавий дарс”, “ҳамкорликда ўқитиш”, “тил компетенцияси” каби янги атамалар Ш.Юсупова[4], Ф.Абдумажидов[5], М.Собирова[6], А.Собиров[7]

ларнинг илмий изланишларида ҳам изоҳланди. Шунга қарамай тил компетенцияни босқичма-босқич ривожлантириш жараёнини ўрганиш, коммуникатив компетентликни шакллантириш ва ривожлантиришга ҳисса қўшадиган топшириқлар тизимини ишлаб чиқиш, хусусан, хорижликларга ўзбек тилини ўргатишда инновацион ёндашиш каби масалалар ўз ечимини кутаётган илмий муаммолардандир.

Хорижлик талабаларим бизнинг мамлакат ёшлари каби қувноқ, келажакка умид билан боқишади. Кўпчилигининг режалари – ўз юртдошларига ўзбек тилини ҳам ўргатиш, ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш. Ўзбекистоннинг бошқа давлатлар билан муносабатлари ривожига ҳисса қўшиш. Уларда ҳам ўз юртидан фахрланиш, катталарни ҳурматлаш, қадимий ва миллий анъаналарни сақлашга интилиш, ширинсуханлик, ўзга тилларга ва урф-одатларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш худди биздагидек. Хорижлик талабалар билан ишлаш давомида шунга ишонч ҳосил қилдимки, улардаги вақт қадрига етиш, ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш, айтилган жойга ўз вақтида бориш, ташқи қиёфани жимжимадор қилмай, содда, табиий, бўёқларсиз, тақинчоқларсиз юриш каби жиҳатларини ўзимиздаги айрим ёшларимизга ибрат қилиш керак. Машғулотлардаги суҳбатлар давомида англаганларимни ўзимизнинг бугунги кунимизда ҳам ҳанузгача йўқолмаётган ортиқча олди-бердиларимизга, таъмагирликка, солиқларни вақтида тўламасликка, айрим фарзандларнинг балоғат ёшига етса-да, ҳамон ота-онасига юк бўлиб олганлигига таққослайман.

Маълум бир тилни билиш учун луғат таркибини, сўзларни бир-бирига боғлаш қоидаларини ўзлаштиришгина кифоя қилмайди. Бундан ташқари нутқий жараёнда улардан ўринли ва мақсадга мувофиқ фойдаланиш кўникмасига эга бўлиш ҳам зарурдир. Бундай кўникмани шакллантиришда инновацион усуллар ёрдам беради ва улардан айримлари қуйида изоҳланади:

“Гулдаста” усули тил ўрганувчи билан ишлаганда ғоят ажойиб, ноанъанавий рағбатлантириш имконини беради. Машғулот аввалида ўрганувчи ўтирган столга бўш гулдон қўйилади. Ўрганувчи фаол иштирок этиб, саволларга тўғри жавоб берса, ҳар бир жавобига биттадан гул берилади ва тил ўрганувчи гулини гулдонга йиғиб боради.

“Менга қўшни бўлинг!” усули. Ўрганувчилар фонетика, лексикология, сўзнинг таркиби, сўз ясалишига оид тушунчалар, уларнинг муҳим белгиларини билиб олиш ва шу тушунчалар билан боғлиқ грамматик атамаларни ўзлаштириш жараёнида бу усул самара беради. Тил ўрганувчига қўшимчалар ёзилган тарқатмалар аралаш ҳолатда берилади. Улар ўзларидаги асосга мос қўшимчалар, яъни ўзларига муносиб қўшнини топишлари керак бўлади.

Асос: *гул, синф, ўзбек, соат, боғ, ҳунар, талаб, ўйин, арава.*

Қўшимчалар: *-дўз, -ли, -дош, -ла, -зор, -истон, -дор, -кор, -соз, -каш, -бон, -гор, гоч, -дон, -манд.*

Масалан, Ўзбек +истон, гул+ли, гул+дор, гул+зор

Бунда ўқувчиларнинг ўзига муносиб қўшни топишига (қўшимчаларга) эътибор қаратилади. Ушбу усул тил ўрганувчиларнинг қўшимчаларни ёдда сақлаб

қолишларига ва уларни амалий қўллай олиш кўникмаларини шакллантиришга ёрдам беради.

"Биз ўхшашмиз" усули. Бунда хорижликнинг ўз она ватани ҳамда Ўзбекистон иқлимини таққосланади. Ўхшаш томонлари айтилади. Ўзбек оиласи тўғрисида, маънавий қадриятларимиз ҳақида фикр юритилади ва ўзбек тилини ўрганиш истагидаги ўқувчи эътиборига суратлар ҳавола қилинади. (Суратда икки нуроий инсон тасвирланган. Бири 97 ёшдалигида ҳам ўз савдо дўконини юритаётган хитойлик тадбиркор аёл ва бири 95 ёшли ўзбекистонлик нуроний инсон) Ўқувчига шундай саволлар берилади:

1. Суратдаги кишиларнинг ўхшаш томонини топинг.
2. Сиз уларга ўхшашни истайсизми?
3. Уларнинг атрофида, сизнингча, нега одамлар гавжум?

"Сўзлар занжири" усулида инсонлардаги ижобий сифатлар асосида сўз занжири туздирилади. Масалан:

1. Одобли-илмли-илғор.
2. Мурувват-тартиб-эътиборли-илғор.
3. Саховатпеша-ақлли-идрокли-илм-маърифат-тартибли ва ҳ.

"Саралаб ол" усули. Ўрганувчиларда мавзу бўйича олган билимларини амалиётда қай даражада қўллай олишларини аниқлашга ёрдам беради. Бунда ҳам тарқатмаларга сўзлар ёзилади, бу сўзлар мустақил сўзларга ёки уларнинг маъно гуруҳларига тегишли бўлади. Ўрганувчи эса сўзларни тегишли саватчаларга жойлаштиради. Бу ҳолатда ўқувчи танлаган сўзининг қайси сўроққа жавоб бўлишини, яъни қайси сўз туркумига оидлигини билиши шарт. Масалан: м*ароқли, табиат, ирода, шубҳаланмоқ, шу, мингларча, ҳаракатчан, эҳтиром, кўрсатмоқ, бўйсундирмоқ, қўлламоқ, ҳақиқат, унутмоқ, олийжаноб, миллион, эрталаб, тез, улар, яратмоқ, юзлаб, кескин, оддий, биз, ўнтача, оз, яхши.*

"От" саватчасига қуйидаги сўзларни солиши мумкин: *табиат, ирода, эҳтиром, ҳақиқат*

"Сон" саватчасига: *мингларча, миллион, юзлаб, ўнтача*

"Равиш" саватчасига: *эрталаб, тез, кескин, оз*

"Сифат" саватчасига: *олийжаноб, оддий, яхши ҳаракатчан*

"Олмош" саватчасига: *шу, улар, биз*

"Феъл" саватчасига: *шубҳаланмоқ, кўрсатмоқ, бўйсундирмоқ, унутмоқ, яратмоқ, қўлламоқ.*

Маълумки, фикрлаш нутқ билан боғлиқ. Фикрлаш жараёнида улар, шубҳасиз, шахсий тажрибаларига таянадилар. Бунда **"Фикрлаш" усули** қўл келади. Масалан, боғланишли матн берилади. Шу матн асосида "Тушириб қолдирилган ҳарфларни қўйиш" топшириғи берилади.

"Ўринсиз сўзни топиш" усули. Бу усулни қўллашдан мақсад шуки, тил ўрганувчининг ақлий қобилиятини ривожлантириш. Бунда ўрганувчиларга тўртта сўздан иборат бўлган бешта сўзлар қатори тавсия этилади ва қаторлардан мос келмайдиган, яъни ўринсиз сўзни топиш топшириғи берилади. Масалан:

1. *Кучук,от, сигир, бўри.*

2. *Стол, стул, кровать, пол.*
3. *Трактор, машина, чанги, комбайн.*
4. *Олма, помидор, ўрик, шафтоли.*
5. *Тошкент, Наманган, Андижон, Сурхондарё.*

“Матн устида ишлаш” усули. Ўрганувчига қуйидаги матнни бериб, уни ифодали ўқиши айтилади:

Бир куни устоз ўз ўқувчиларидан улар ёмон кўрадиган одамларнинг исмини қогозга ёзишларини сўради. Улар бу ишни бажариб бўлгач, устоз уларнинг ҳар бирига қогозда нечта исм ёзилган бўлса, эртага ўзлари билан ўшанча помидор олиб келишларини буюрди. Баъзи ўқувчилар халтачада икки дона помидор олиб келишди, бошқалари учта, бешта ёки ҳаттоки ўнта. Улар устознинг талабига кўра бу помидорларни икки ҳафта давомида ўзлари билан олиб юришлари керак эди. Аммо 2 кун ўтар-ўтмас, ўқувчилар айнишни бошлаган бу сабзаотларнинг ҳидидан нолий бошлашди. Ўқувчиларнинг бир нечтаси ўзлари билан ўнлаб помидорларни олиб юришга жуда қийналишар эди. Уларнинг ҳиди жуда сассиқ эди.

Бир ҳафтадан сўнг устоз барча ўқувчиларни йигиб, уларнинг шикоятларига яна қулоқ тутди ва деди:

— Бу нимага ўхшайди, биласизми? Бу сизга баъзи одамлар ёқмаганида ўз қалбингизда олиб юрган нарсага жудаям ўхшайди. Нафрат туйгуси қалбни кемиради ва уни касал қилади. Агар сиз бир ҳафтадан сўнг айниган помидорларнинг ҳидига чидай олмаётган бўлсангиз, сиз ҳар куни ўз юрагингизда, қалбингизда олиб юрган хусумат, адоват, аламларнинг бадбўй ҳидини тасаввур қилиб кўринг-а!

Қалб—бу шундай гўзал богдирки, уни ёввойи ўтлардан мунтазам тозалаб туриш керак, яъни сизни газаблантирган одамларни кечиришингиз керак. Қалб ҳақиқатда эзгу ишлар учун жой очиб беради. Ҳаётдан ҳар нарсани олаверманг, фақат энг яхшисини олинг!

Матн юзасидан топшириқ.

1. Сизнингча, матнга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин?
2. Матндаги сўзларнинг қайси сўз туркумига оид эканлигини аниқланг.
3. Аниқлаган сўзларингизни жадвалда жойлаштиринг.

Ижодий матн яратиш” усули ўрганувчини муаммоли вазиятга солиб, уни шу вазиятдан чиқишга ўргатади. Шу билан бирга ўрганувчининг ўз сўз бойлигидан фойдаланиш малакасини оширади. Бунда ўрганувчига бошланиши берилган матнни давом эттириш, кейинги босқичда эса ижодий матн яратиш топшириғи берилади.

Демак, ўрганувчиларнинг сўз бойлигини оширишга, нутқ услубини шакллантиришга йўналтирилган ҳамкорлик таълими асосидаги инновацион ёндашув тил ўрганувчиларда эзгу маънавий сифатлар шаклланишига, она тилининг сўз хазинаси бўлмиш турли луғатлардан тўғри фойдалана олишга, ўз фикрини нутқ вазиятига мос равишда, турли шаклларда ифодалай олишга ўргатади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. www.lex.uz / Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 2019 йил 4 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасининг"Давлат тили ҳақида"ги қонуни қабул

қилинганининг ўттиз йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги ПҚ-4479-сонли қарори.

2. Набиева Д. Холматова Г. Замонавий тилшуносликнинг муаммолари // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари. 2016, –Б 46.

3. Бушуй Т.А., Сафаров Ш.С. Тил қурилиши: таҳлил методлари ва методологияси илмий-нашр. –Тошкент: Фан, 2007. –191 б.

4. Юсупова Ш.Ж. Она тили таълими самарадорлигини оширишда илғор педагогик технологияларни жорий этиш (ноанъанавий усул ва компютердан фойдаланиши) Пед.фан.ном.автореф.– Тошкент, 1998.

5. Абдумажидов Ф. “Ўзбекистон Республикасининг давлат тили ҳақида”ги қонунига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 1999.

6. Собирова М. Ҳамкорликда ўқитиш технологияси. VIII Международной научно-практической интернет-конференции «Проблемы и перспективы развития науки в начале третьего тысячелетия в странах Европы и Азии». Сборник научных работ. Переяслав-Хмельницкий. 2014 год. 182-183 стр.

7. Собиров А. Узлуксиз таълимда тил компетенцияси. // Нутқ маданияти ва ўзбек тилшунослигининг долзарб масалалари. Республика илмий-амалий анжуман материаллари.– Андижон. 2016. –Б. 8.

МУНДАРИЖА

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
01.00.00 ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES

1 Differensial tenglamalarini yechishda maple dasturidan foydalanish.
Umronov E.S …….. 3

2 Основатель первого учебника по арифметике
Ибрагимов Р ……... 8

3 Determination of anisotropy of thin-layer polymeric materials by the polarization-optical method
Matyakubov B.M…… 12

4 Бузиладиган иккинчи тур гиперболик типдаги тенглама учун кўриниши ўзгарган коши масаласи ечимининг ягоналиги ҳақида
Оқбоев А.Б…….. 18

КИМЁ ФАНЛАРИ
02.00.00 ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
CHEMICAL SCIENCES

5 Копсинин ва n4-йод метилат копсинин алкалоидларининг кимёвий структурасига боғлиқ вазорелаксант таъсири
Юнусов Л.С., Зайнабиддинов А.Э., Усманов П. Б., Адизов Ш. М., Халилов Э. Х., Ахмедов Ф.Ю., Муталипов А. А…… 25

6 Очистка кызылкумской экстракционной фосфорной кислоты и получение концентрированных марок фосфатов аммония на её основе
Каршиев Б. Н, Сейтназаров А.Р, Намазов Ш. С, Каймакова Д. А, Сайдуллаев А. А…... 33

7 Материалы для узлов трения на основе уретан-эпоксидных бикомпонентных систем
Джалилов А.Т, Тиллаев А.Т, Киёмов Ш.Н…… 42

8 Глицирризин кислотаси асосида олинган даг-1 препарати тасирида ғўзанинг шўрланишли мухитга мослашувини баҳолаш
Наврузов С. Б, Хашимова Н.Р…….. 47

9 Қурилиш материаллари учун ёнғинга бардошли ва биоҳимоявий олигомер антипиринларнинг тадқиқоти
Назаров Ф.А, Нуркулов Ф. Н …… 54

10 *Alcea nudiflora l.* ўсимлиги полипреноллари асосидаги “преналон” воситасининг фармакологик хусусиятлари
Рахматова М. Ж, Исхакова Г, Хидирова Н. К …….. 60

11 Лаборатория ва уй шароитида органик чиқиндилардан биогаз олиш
Қосимов Д.И., Куканова С.И., Зайнитдинова Л.И. …… 64

БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
03.00.00 БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
BIOLOGICAL SCIENCES

12 Турли экологик шароитларда турларнинг ривожланиш маромлари
Имирсинова А.А, Маткаримов Ж. С …… 71

13 Тупроқларнинг сув-физик хоссаларини ўрганиш ва уларни лаборатория шароитида

аниқлаш
Каттаева Г.Н..... 78
14 Современное таксономическое состояние гольцов (nemacheilidae) в карадарье
Каюмова Ё, Комилова Д..... 82
15 *Inula helenium* l. ва *inula salicina l.* турлари сув режими кўрсаткичларининг корреляцияси
Кучкаров Н. Ю..... 86
16 Фарғона водийсида табиий ҳолда ўсувчи acer semenovii regel & herder (sapindaceae) ареали ҳақида
Нўмонова Н.Э..... 90
17 Ўзбекистон флорасида тарқалган *salvia* l. туркумининг ўрганилиш тарихи
Турдибоев О. А..... 95
18 Карталаштириш популяцияси бошланғич намуналарининг қурғоқчилик муҳитидаги морфо-физиологик хусусиятлари
Холмурадова М. М, Тураев О. С, Нормаматов И.С, Шарипов С. Н, Набиев С. М, Кушанов Ф. Н..... 102

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ
05.00.00 ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
TECHNICAL SCIENCES

19 Ерларни экишга тайёрлашнинг ҳолати ва изланишнинг мақсади
Нишонов Б.М 109
20 Ёнилғи насосиэлектр тизимининг ишлаш жараёнини математик моделлаштириш ва бошқариш
Умаров К.М, Юсупов А.Э, Жўраев Б.Б..... 116

ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
09.00.00 ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
PHILOSOPHICAL SCIENCES

21 Ватан тушунчаси ҳақида
Худайбердиев А. А..... 122
22 Mentality in the speech of uzbek mothers in modern society
Umarova N I 127
23 Ўзбекистонда ёшларнинг сиёсий маданиятини ривожлантиришда миллий мафкуранинг ўрни
Абдуллаев Б. Б..... 131
24 “Инсон салоҳияти” тушунчаси ва унинг моҳияти
Холмирзаев Х.Н 138
25 Миссионерлик фаолияти: ижтимоий-фалсафий талқин
Обломурадова Х. Н 143
26 Жахон мамлакатларининг ер ислоҳоти тажрибаси ва ўзбекистонда амалга оширилаётган ерга оид муносабатлар таҳлили
Абдухалилов Б. К..... 148
27 Диншунослик фанининг ижтимоий долзарб масалалари
Аҳмадалиев Х. У 156
28 Жамиятда инновацион тафаккурни шакллантиришнинг ўзига хослиги

Абдураҳмонов Ҳ. И..... 161
29 Ҳозирги даврда маънавий бегоналашувнинг намоён бўлиш хусусиятлари
Хакимов Д.А 167
30 Маънавий меросимизда комил инсон ғояси
(жадидчилик таълимоти мисолида)
Амридинова Д. Т..... 172

10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PHILOLOGICAL SCIENCES

31 Mentality in the speech of uzbek mothers in modern society
Umarova N. I 177
32 Мустақил ва ёрдамчи сўзлар муносабати хусусида
Исақов З.С 181
33 Замонавий тилшуносликда тилнинг лексик-семантик системасидан эмоционал лексикани ажратиш мезонлари
Раҳмонов У 185
34 Нисбат категориясининг табиати ва уни таржима қилишнинг айрим муаммолари
Исматова Н.М, Алиева Н. Н, Ғофурова Б.А 190
35 Иқтисодиёт терминларини тартибга солиш масаласи хусусида
Ахмедов О.С 195
36 Замонавий тилшуносликда тил контактлари йўналишининг терминологик аппарати хусусида
Асқарова Ш.И..... 204
37 Тили ўрганилаётган мамалакат адабиёти” фанини ўқитиш, талабаларни танқидий ва ижодий фикрлаш ва мулоқатга ўргатиш муаммолари
Абдувалиев М.А, Воситов В.А, Ибрагимова Г. М, Юсупова Х.М 209
38 Тилшуносликда когнитивлик, тил ва маданиятнинг ургани ш омиллари
Шакурова Н. Х 217
39 Адабиётлар дўстлиги – халқлар дўстлигидир
Якубов С 221
40 Ўзбек тилидаги генеронимлар вахалқ топишмоқлари
Искандарова. Ш.М. ,Холдарова И.В 225
41 Нутқий вазият билан боғлиқ мулоқот шакллари
Кахаров Қ. Ш 231
42 Кино тилида адабий меъёрнинг ўрни
Ширинова М.Ш 236
43 Ҳиндий тилидаги сонларга хос лексик омонимлар таҳлили
Нурматов С. С 240
44 Инглиз тилидаги спортга оид лексик бирликларнинг тарихий тараққиёт босқичлари.
Саримсоков Х.А 246
45 Метафорические топонимы-сомонимы в каракалпакских дастанах
Толбаев Х.Е 251
46 Поэтик санъатлар таржимасида мутаржим маҳорати
Тошпўлатова Д.И 257

47 Нофизик мутахассислик йўналишлари талабаларига физика фанини замонавий таълим технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг ўзига хос жиҳатлари
Ирматов Ф.М 263
48 Олам харитаси ва ассоциацияларнинг нейролисоний тадқиқи
Хошимова Н. А 268
49 Фразеологик бирликларда шакл ва маъно муносабати масалалари
Ганиева. Ш 273
50 Хуршид дўстмуҳаммаднинг “ёлғиз” қиссасида ижодкор образининг бадиий талқини.
Раҳмонова Х..... 278

13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ PEDAGOGICAL SCIENCES

51 Loyihaga asoslangan ta’lim (pbl) orqali chet tili o’rganuvchi talabalarning 21-asr ko’nikmalarini rivojlantirish
Ahmedova U.K 284
52 Akademik litseylarda muqimiy g’azallarining vazn xususiyatlarini o’rgatish tajribasidan
Abdurahmonova B.M 288
53 Ta’lim tizimida innovatsion uslublardan foydalanishning ilmiy ahamiyati
Kazakbayeva S. I 294
54 Maktab fizika darslarida nostandart masalalar yechish metodikasi
Raimov G`. F 300
55 Modulli o’qitish texnologiyasining an’anaviy o’qitishdan farqli xususiyatlari.
Djumanqulov A.A 303
56 Bo‘lajak kimyo o‘qituvchilarini kasbiy tayyorgarligini oshirishda muammo va yechimlar
Ahadov M. Sh 307
57 Ehtimollar nazariyasi fanini o‘qitishda nazariya bilan amaliyotning bog‘liqlik tamoyilidan foydalanish imkoniyatlari
Nishonov T. S 314
58 “Жисмоний тарбия соҳасида бўлажак мутахасисларининг касбий педагогик махоратини ривожлантириш услублари
Хасонова Ш.Р, Аҳмедов Ғ.Ғ 320
59 Бўлажак бошланғич синф ўқитувчиларида диагностик маданиятни шакллантиришнинг инновацион интеграцияси
Қодирова Х.Н 331
60 Akademik litseylarda muqimiy g’azallarining vazn xususiyatlarini o’rgatish tajribasidan
Abdurahmonova B.M 337
61 Инновационные методы преподавания русского языка и литературы
Абдурахманова Д. А..... 344
62 Олий таълим ўқув жараёнида педагогик технологияларнинг қўлланилиши (Ўзбекистон мисолида)
Аллаярова С.Н 349
63 Maktabgacha ta’lim muassasalarida gimnastika mashgulotlariga o`rgatishning axamiyati .
Maxkamov A.Y 357

64 The role of physical education in the formation of a healthy lifestyle
Akhmedov G.G 362
65 Мактабгача таълим муассасалари тарбияланувчиларига таълим бериш жараёнида жимоний маданиятнинг педагогик асослари
Ахунов У. Р 366
66 Электродинамикани муаммоли ўқитишда материалларни танлаш тамойиллари
Боймиров Ш.Т 369
67 Даҳо - таълимнинг мақсади ва вазифалари
Умаров Қ. Б, Набиев Ш. И, Махмудов Н. М 375
68 Талабаларда миллатлараро мулоқот маданиятини юксалтиришнинг ижтимоий-педагогик зарурияти
Жарқинов З.У 381
69 Аниқ фанларни ўқитишдаги айрим методик муаммолар ҳақида
Артиқов А..... 386
70 Linzalarning yig‘uvchanlik va sochuvchanlik xossalarini o‘qitishdagi ayrim metodik muammolar haqida mulohazalar
Artiqov A, Zoxidov I 391
71 Болаларда фикрлаш қобилиятининг фаоллашувига хизмат қилувчи ҳаракатли ўйинлар
Игамова Д. Н 396
72 Китобхонлик - интеллектуал салоҳиятни оширувчи восита сифатида
Асқарова М.А, Отажонова С Р, Алимова М. Б, Ирматова М.Д, Йўлдошев Д. М, Аминов Б 405
73 Болаларни мактаб таълимига тайёрлашнинг психологик жихатлари
Асқарова М, Намозова Д, Мадаминов Н, Алихонова Д, Зияев А..... 409
74 Халқ оғзаки ижоди воситалари асосида бошланғич синф ўқувчиларида ижтимоий фаоллик кўникмаларини ривожлантириш жараёнининг ўзига хос хусусиятлари
Мақсудов У.Қ 414
75 Умумий ўрта таълим муассасалари ўқитувчиларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш жараёнлари мазмуни
Казимов Ж.Ш 419
76 Pisa халқаро баҳолаш тадқиқотидаги топшириқларга ўхшаш топшириқлар ишлаб чиқиш (табиий йўналишдаги фанлар мисолида)
Маткаримов А.М 424
77 Табиий фанларда фанлараро боғлиқни ўрганишда математик моделлаштиришни қўллаш.
Нормуродов Ч.Б , Менглиев И.А 429
78 Европейские стандарты качества образования.
Уринов Б. Д 435
79 Математика фанларини ўзаро алоқадорликда ўқитишда дидактик илгарилаш ғоясидан фойдаланиш
Бакиров Т.Ю 439
80 Психологические и лингвистические основы обучения чтению младших школьников
Парпиева М. М 445

81 Физика фанини муаммоли ўқитишнинг метадологик жиҳатлари
Расулова М. Э 448
82 Boshlang'ich sinf o'quvchilarini barkamol inson qilib tarbiyalashda xalq milliy o'yinlari orqali mustaqil fikrlashga o'rgatishning pedagogik-psixologik asoslari
Qo'chqorov U. L 453
83 Trenirovkani tashkil qilish tizimini modellashtirish
Sotvoldiev Q.R 458
84 Milliy kurash mashg'ulotlarini tashkillashtirish va rejalashtirishda pedagogik nazoratning roli
Tadjiaxmedov Sh.M 462
85 Бўлажак инглиз тили ўқитувчиларининг социолингуистик компетентлигини ривожлантиришда масофавий таълим шаклларидан фойдаланишнинг аҳамияти
Саримсакова Д 467
86 Талабаларга математик анализни ўқитишда тезаурус методидан фойдаланиш
Тургунбаев Р.М 472
87 Коммуникатив компетенциянинг пайдо бўлиши ва шаклланиши ҳамда унинг долзарб муаммолари
Турсунов Ҳ 479
88 Отмда таълим жараёнини бошқаришда раҳбар ва педагог кадрларнинг ўрни
Нишонов У.И 482
89 Интегратив таълим тўғрисида бошланғич синф ўқувчиларида экологик тушунча ва тасаввурларни шакллантириш
Мусурмонова Ш.И 487
90 Талабалар ижтимоий компетентлигини ривожлантиришнинг замонавий ижтимоий-педагогик омиллари
Эватов С.С 491
91 Yosh o'qituvchilarning chet tilida o'qitishida motivatsiya berishning zamonaviy usullari va yondashuvlari
Yusupova N.N 497
92 Рақамли тасвирларнинг сифатини яхшилаш усуллари ҳақида
Фозилов Ш.Ҳ, Тўхтасинов М.Т, Ғофуржонов И.И 500
93 Бобурнома" сюжети ва композициясида тарихий сиймоларнинг ўрни
Қозақова С 507
94 Инновацион ёндашув асосида хорижликларга ўзбек тилини ўргатиш
Собирова М.Ю 514